
Sapiens



Инсониятнинг

Қисқача

Тарихи

Ювал Ноа

Ҳарари

Sapiens: Инсониятнинг қисқача тарихи

Отам, Шломо Ҳарарининг ёрқин хотирасига бағишланади.

100 минг йил илгари, Ер юзида камида 6 та одам тури яшар эди. Бугун уларнинг биттаси қолди. Биз – *Homo Sapiens*.

Қандай қилиб бизнинг туримиз устунлик учун курашда ғалабага эришди? Аждодларимиз шаҳарлар, қиролликлар куриш учун нега бирлашди? Қандай қилиб биз худоларга, миллатлар ва инсон ҳуқуқларига сиғинадиган; пул, китоблар ва қонунларга ишонадиган бўлдик? Қандай қилиб биз қоғозбозлик, режалар ва истеъмолпарастлик қулларига айланиб қолдик? Ва бизнинг дунёмиз кейинги мингйилликларда қанчалик ўзгаради?

“Sapiens”да доктор Ювал Ноа Ҳарари ерда изи қолган илк инсонлардан тортиб когнитив, аграр ва илмий инқилобларнинг кескин, баъзан эса вайронкор ютуқларигача бўлган бутун инсоният тарихини очиб беради. У тарих оқими қандай қилиб жамиятларни, атрофимиздаги ҳайвонот ва наботот ва ҳатто биздаги шахсиятларни шакллантирганини биология, антропология, палеонтология ҳамда иқтисодиёт асосларига таянган ҳолда тадқиқ қилади. Тарихимиз аён бўлгач, ўзимизни янада бахтлироқ ҳис қила оламизми? Хулқимизни аждодларимиздан қолган мерослардан озод эта олармиз, ҳалқалай? Келгуси асрларда юз беражак воқеалар ривожига оз бўлса-да таъсир ўтказа оламизми?

Дадил, серқирра ҳамда саркаш “Sapiens” одамлар ҳақидаги билимларимизни шубҳа остига олади: фикрларимиз, ҳаракатларимиз, кудратимиз ва ҳатто келажагимизни ҳам...

Тарих йилномаси

Ҳозирги кунгача ўтган йиллар

13.5 миллиард

Материя ва энергиянинг ҳосил бўлиши. Физиканинг бошланиши. Атом ва молекулаларнинг шаклланиши. Кимёнинг бошланиши.

4.5 миллиард

Ер сайёрасининг шаклланиши.

3.8 миллиард

Организмларнинг пайдо бўлиши. Биологиянинг бошланиши. 6 миллион Шимпанзе ва одамларнинг охирги умумий онаси.

2.5 миллион

Африкада Ното авлодининг эволюцияси. Тошдан ясалган биринчи анжомлар. 2 миллион Одамлар Африкадан Евросиёга тарқалади. Хилма-хил одам турларининг эволюцияси.

500,000

Европа ва Ўрта Шарқда неандерталлар ривожланади.

300,000

Кундалик ҳаётда оловдан фойдаланиш.

200,000

Шарқий Африкани Homo Sapiens эгаллади.

70,000

Когнитив революция. Ижодий тилнинг шаклланиши. Тарихнинг бошланиши. Сапиенслар Африкани тарк этади.

45,000

Сапиенслар Австралияни эгаллади. Австралия мегафаунасининг қирилиши.

30,000

Неандерталларнинг йўқ қилиниши.

16,000

Сапиенслар Америкага жойлашади. Америка мегафаунасининг қирилиши.

13,000

Homo floresiensis қирилиши. Homo sapiens одам турлари орасида ягона яшаб қолган тур.

12,000

Аграр Инқилоб. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг хонакилаштирилиши. Доимий манзилгоҳлар.

5,000

Илк қиролликлар, ёзув ва пул. Политеистик (кўпхудолик) динлар.

4,250

Илк империя – Саргон бошчилигидаги Аккад империяси.

2,500

Ягона пул бўлмиш тангаларнинг зарб этилиши. Форс империяси— “барча инсонларнинг фойдаси учун” тамойилига асосланган империя. Ҳиндистонда буддавийлик – “инсонларни азоб-укубатлардан халос қилувчи” ягона эътиқод. Хитойда Хан империяси. Ўртаер денгизи атрофида Рим империяси. Насронийлик.

1,400

Ислом.

500

Илм-фан Инқилоби. Инсоният ўзининг нодонлигини тан олади ва мислсиз кудратга эга бўла бошлайди. Европаликлар Америка ва океанларни босиб олади. Бутун сайёра ягона тарихий майдонга айланади. Капитализмнинг гуллаб яшнаши.

200

Индустриал Инқилоб. Оила ва жамият давлат ва бозорга ўз ўрнини беради. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг оммавий қирилиши.

Ҳозирги кун

Одамлар Ер сайёрасининг чегараларидан ошиб ўтди. Ядровий қурооллар инсониятнинг яшаб қолишига хавф солади. Организмлар табиий танланишга қараб эмас, балки кўпроқ ақллилик даражасига кўра сараланади.

Келажак

Ақллилик даражаси ҳаётнинг асосий тамойилига айланадими? Homo sapiens суперинсонларга ўрнини бўшатадими?

Биринчи қисм

Ақлий инқилоб



Жанубий Франциядаги Шове-Пон-д'Арк зори деворида тахминан 30 минг йил муқаддам қолдирилган одамнинг қўл изи. Кимдир “Мен бу ерда бўлганман!” деб айтишига уринган.

1.

Аҳамиятсиз жонзот

ТАХМИНАН 13.5 МИЛЛИАРД ЙИЛ АВВАЛ “Катта портлаш” деб аталмиш ҳодиса оқибатида модда, энергия, вақт ва макон юзага келди. Коинотимизнинг ушбу фундаментал хусусиятлари тарихи билан физика шуғулланади.

Тахминан 300 минг йилдан кейин юзага келган ушбу модда ва энергия жамланиб, атомлар деб номланадиган мураккаб структураларни шакллантиради ва атомлар ўз навбатида молекулаларга бирикади. Атомлар, молекулалар ва уларнинг ўзаро муносабатлари билан кимё шуғулланади.

Тахминан 3.8 миллиард йил олдин, Ер планетасида, маълум молекулалар организм деб аталмиш катта ва мураккаб структураларга бирикади ва ушбу организмларни биология ўрганади.

Тахминан 70 минг йил аввал *Homo sapiens* турига мансуб организмлар ундан ҳам мураккаб структуралар бўлмиш маданиятларни яратади ва ушбу маданиятларнинг кейинги ривожини тарих фани ўрганади.

Инсоният тарихини уч муҳим инқилоб белгилаб берди. 70 минг йил муқаддам Ақлий (Когнитив) инқилоб тарихга ибтидо берди. Ушбу жараёни 12 минг йил олдин бошланган Аграр инқилоб тезлаштиради. Атиги 500 йил олдин бошланган Илмий инқилоб эса тарихга яқин ясаши ҳамда мисли кўрилмаган ҳодисаларни бошлаши мумкин. Ушбу китоб юқоридаги уч инқилобнинг одамзодга ва унга ҳамроҳ организмларга қандай таъсир ўтказгани ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Тарих бошланишидан анча олдин ҳам одамлар бўлган. Замонавий одамларга ўхшаш жонзотлар 2.5 миллион йил олдин пайдо бўлган. Лекин уларнинг саноксиз авлодлари ўзи билан ёнма-ён яшаган бошқа миллионлаб организмлардан ажралиб турмаган.

2 миллион йил олдин Шарқий Африкада сайр қилганингизда эди, одамларга хос одатий хусусиятлар гувоҳи бўлар эдингиз. Болаларини бағрига босган ғамхўр оналару лойда беҳавотир ўйнаётган бир тўда болачаларни, жамият қонунларидан жиғибийрон бўлган қизиққон ёшлару сокинликни хоҳлаган ҳорғин қарияларни ва кўкрак уриб маҳаллий гўзални ҳайратга солмоқчи бўлган ошиқларни буларнинг ҳаммасини бошидан ўтказган доно матриархларни кўрган бўлардингиз. Ўша қадимий одамлар ҳам ўйнашган, севишган, яқин дўстона алоқалар ўрнатишган, обрў-эътибор ва ҳокимият учун рақобатлашишган, лекин қизиғи шимпанзелар, бабуинлар ва филлар ҳам ўзларини худди шундай тутишган. Одамларнинг бошқа жонзотлардан фарқи бўлмаган. Ҳеч ким, биринчи навбатда одамларнинг ўзи, бир кун келиб уларнинг авлодлари ойга қадам қўйишини, атомни парчалашини, генетик кодни шарҳлашини ва тарих китобларини ёзишини олдиндан билмаган. Тарихдан илгариги одамлар ҳақида билишимиз керак бўлган энг муҳим жиҳатлардан бири шуки, улар гориллалар, оловли қўнғизлар ва медузалар сингари атроф муҳитга таъсир қилолмайдиган аҳамиятсиз жонзотлар бўлишган.

Биологлар организмларни турларга таснифлашади. Ҳайвонлар ўзаро жуфтлаша олишсагина ва натижада наслдор зурриёт қолдира олсагина бир турга мансуб деб топилади. Отлар ва эшакларнинг умумий аждоди яқин ўтмишда яшаган ва кўплаб жисмоний ўхшашликларга эга. Аммо уларнинг бир-бирига жинсий мойиллиги суст. Улар жинсий алоқа қилишга ундалсагина жуфтлашишади, лекин уларнинг зурриётлари – хачирлар, бепушт бўлади. Шунинг учун эшаклар ДНКсидаги мутациялар отларга, отлардаги эшакларга ўтмайди. Шундай қилиб, эшаклар ва отлар алоҳида турга мансуб ҳайвонлар деб ҳисобланилади ва айри эволюцион йўлдан кетади. Лекин, бульдог ва спаниель итлари ўхшамаса ҳам, улар айнан бир тур вакили ҳисобланади ва айнан бир хил ДНК тўпламига эга. Улар бажонидил жуфтлашади ва уларнинг болалари улғайгач, келажакда яна зурриёт қолдира олади.

Умумий аждоддан тарқалган турлар бир “уруғ”га мансуб бўлади. Шерлар, йўлбарслар, арслонлар ва ягуарлар *Panthera* уруғига мансуб ҳар хил турдаги жонзотлар ҳисобланади. Биологлар организмларга икки қисмдан иборат Лотин номларини беришади, биринчиси уруғни белгиласа, иккинчиси турини белгилайди. Масалан, шерлар *Panthera leo* деб номланади, яъни пантералар уруғига мансуб жонзотларнинг *leo* тури ҳисобланади. Ушбу китобни ўқиётган ҳар бир одам *Homo sapiens* ҳисобланади, яъни *Homo* (одам) уруғига мансуб жонзотларнинг *sapiens* (ақлли) тури, деб тахмин қилса бўлади.

Уруғлар ўз навбатида оилаларга бирлашади, масалан, мушуксимонлар (шерлар, гепардлар, уй мушуклари), кучуксимонлар (бўрилар, тулкилар, шақаллар) ва филсимонлар (филлар, маммонтлар, мастодонлар). Оилага мансуб барча турлар ўзини битта умумий аждодга тақаша мумкин. Масалан, ҳамма мушуксимонларнинг (хонаки энг кичик мушукдан тортиб шафқатсиз шергача) келиб чиқиши 25 миллион йил олдин яшаган умумий аждодга боғланади.

Homo sapiens ҳам оилага мансуб. Тарихнинг ушбу оддий факти сир сақланиб келди. *Homo sapiens* узок муддат давомида ўзини ҳайвонот оламига тегишли бўлмаган жонзот сифатида кўришни афзал билди, ўзини гўёки оиласидан айрилган, ака-укасиз ёки амакиваччаларсиз ва энг асосийси ота-онасиз етим бола сифатида тутди. Аммо бу янглиш фикр. Сизга бу ёқадими йўқми, бизлар думсиз йирик маймунлар (the great apes) деб номланувчи сершовқин ва катта бир оила аъзосимиз. Бизнинг яқин қариндошларимиз шимпанзелар, гориллалар ва орангутанлардир. Шулардан энг яқини шимпанзелардир. Бор-йўғи 6 миллион йил олдин, думсиз йирик маймунлар оиласига мансуб бир урғочи маймуннинг иккита қизи бўлган. Ўшалардан биридан шимпанзелар, иккинчисидан одамлар тарқаган.

Жавондаги скелетлар

Homo sapiens янада хавотирлироқ сирни яширган. Бизнинг нафақат бир талай маданиятсиз амакиваччаларимиз бор, балки бир вақтлар бир нечта акаларимиз ва сингилларимиз бўлган. Биз ўзимизни дунёдаги ягона одамлар деб биламиз, бунга сабаб охириги 10 минг йил ичида ҳақиқатдан ҳам биз одамнинг ягона тури бўлганмиз. Аммо одам сўзининг асл маъноси “*Homo*

уруғига мансуб жонзот” деганидир, ва бу уруғда Homo sapiens’дан бошқа тур йўқ эди. Бундан ташқари, китобнинг охириги бобида айтиб ўтилганидек, яқин келажакда биз сапиенс бўлмаган (non-sapiens) одамлар билан яна рақобатлашишимизга тўғри келиши мумкин. Аниқроқ қилиб айтсак, мен Сапиенс (Sapiens) терминини Homo sapiens турига мансуб жонзотларга нисбатан, “одам” сўзини эса Homo уруғига мансуб бўлган барча турларга нисбатан ишлатаман.

Одамлар – Homo уруғига мансуб жонзотлар – биринчи бўлиб тахминан 2.5 миллион йил аввал Australopithecus – “Жанубий Маймунлар”, деб номланган думсиз йирик маймунлар уруғидан Шарқий Африкада шаклланган. Тахминан 2 миллион йил олдин, ушбу қадимий эркак ва аёлларнинг айримлари ўз ерларини тарк этиб Шарқий Африка, Европа ва Осиёнинг кенг ҳудудлари бўйлаб тарқалади ва ўша ерларда жойлашиб қолиб кетади. Шимолий Европанинг қорли ўрмонларида омон қолиш учун бошқа, Индонезиянинг иссиқ чангалзорларида жон сақлаш учун бошқа хусусиятлар лозим. Шу боис, одамлар у ерларда турлича ўзгаришга учраган. Натижада бир нечта алоҳида турлар вужудга келган, олимлар уларнинг ҳар бирига баландпарвоз Лотин номларини беришган.



Бизнинг туғишганларимиз, назарий реконструкция (чапдан ўнга): Homo rudolfensis (Шарқий Африка); Homo erectus (Шарқий Осиё); ва Homo neanderthalensis (Европа ва ғарбий Осиё). Ҳаммаси одамлардир.

Европа ва жанубий Осиёдаги одамлар Homo neanderthalensis (Неандер водийсидаги одам) турига эволюция қилган, уларни одатда “Неандерталлар” деб аташади. Неандерталлар биз сапиенсларга қиёслаганда йирикроқ ва мушакдорроқ бўлган ва Муз давридаги жанубий Евросиё иқлимига жуда яхши мослашган. Осиёнинг шарқий минтақаларида Homo erectus (Тик турган одам) яшаган, улар у ерларда 2 миллион йилга яқин яшаган ва шу билан улар одамзоднинг энг бардошли турига айланган. Ушбу рекордга ҳаттоки бизнинг туримиз ҳам эриша олмаса керак. Келажакда, минг йилдан

сўнг *Homo sapiens*'нинг бўлиш ёки бўлмаслигининг ўзи ҳам номаълум, 2 миллион йил биз учун ҳақиқатдан ҳам эришиб бўлмайдиган маррадир.

Индонезиянинг Ява оролида *Homo soloensis* (Соло водийсидаги одам) истиқомат қилган ва у ўша ердаги тропик ҳаётга мослашган. Индонезиянинг бошқа ороли – Флорес деб номланган кичкина оролда қадимий одамлар паканалашган. Одамлар Флоресга денгиз сатҳи паст бўлганда ва қитъадан оролга етиб олиш осон бўлган пайтда ўтиб олган. Денгиз сатҳи яна кўтарилганида айрим одамлар захираси оз ушбу оролда тузукқа тушиб қолиб кетган. Биринчи бўлиб егуликни кўп талаб этадиган йирик одамлар ўлган. Кичикроқлари эса омон қолган. Асрлар оша Флоресдаги одамлар паканалашган. Олимлар томонидан *Homo floresiensis* деб номланган ушбу ноёб турларнинг бўйи кўпи билан бир метр ва оғирлиги йигирма беш килограммдан ошмаган. Шунга қарамай, улар тошдан меҳнат ва ов қуролларини ясаган, ҳаттоки баъзида оролдаги филларни овлашга ҳам муваффақ бўлишган, лекин гап шундаки филларнинг ўзи ҳам пакана бўлган.

2010 йилда Сибирдаги Денисова ғорини қазийётган олимлар яна бир йўқолган туғишганимизнинг тошга айланган бармоқ суягини топишди. Генетик таҳлиллар шуни кўрсатдики, бармоқ суяги олдин номаълум бўлган одамзод турига тегишли бўлган ва бу турга *Homo denisova* деб ном берилди. Ким билади дейсиз, бошқа қайсидир ғорда, оролда ва иқлим ҳудудларда номаълум қариндошларимиз кашф этилишини кутиб ётгандир.

Ушбу одамлар Европа ва Осиёда вужудга келар экан, Шарқий Африкада эволюция жараёни ҳам тўхтамади. Инсоният бешиги *Homo rudolfensis* (Рудольф кўлидаги одам), *Homo ergaster* (Ишлайдиган одам) каби кўплаб янги турларни етиштиришда давом этди ва охир-оқибат бизнинг туримизни юзага келтирди ва биз ўз туримизни нокамтарлик билан *Homo sapiens* (Ақлли одам) деб номладик.

Айрим турларнинг вакиллари жуссаси йирик, бошқалариники эса пакана бўлган. Баъзилари мудҳиш овчилар бўлса, бошқалари ювош ўсимлик йиғувчилар бўлган. Баъзилари фақат битта оролда яшаган, кўплари эса қитъалар бўйлаб кезиб юрган. Лекин уларнинг ҳаммаси *Homo*, яъни одам уруғига мансуб бўлган.

Ушбу уруғ вакилларини тўғри чизикқа жойлаштириб кетма-кетликда, *Ergaster*'дан *Erectus*, *Erectus*'дан *Neanderthals*, ва *Neanderthals*'дан *Sapiens*'лар эволюция бўлган деб тасаввур қилиш – кенг тарқалган янглиш тасаввурдир. Ушбу чизикли модел муайян бир пайтда ер юзиде одамзоднинг фақат битта тури яшаган ва олдинги барча турлар бизнинг эски моделларимиз, деган нотўғри таассуротни ҳосил қилади. Ҳақиқат шуки, тахминан 2 миллион ва 10 минг йиллар оралиғидаги муддатда, дунёда бир вақтнинг ўзида одамзоднинг бир неча тури яшаган. Ва нега бундай бўлмаслиги керак? Ҳозирги кунда тулқиларнинг, айиқларнинг ва чўчқаларнинг бир нечта турлари мавжуд. Юз минг йил олдин ер юзиде одамзоднинг камида олти ҳар хил тури яшаган. Ўтмишда турли-туман бўлганимиз эмас, балки ҳозирги кунда ягоналигимиз ажабланарлидир, ва балки бу ҳолат юзага келишида бизнинг айбимиз бор деган гумон ҳам йўқ эмас. Тез орада биз, сапиенслар ўз туғишганларимиз

хақидаги хотираларни унутишимизга етарли сабаблар мавжудлигига амин бўламиз.

Тафаккур учун товон

Турли хил тафовутлар мавжудлигига қарамай одамзоднинг барча турларида бир қанча муштарак жиҳатлар бор. Энг муҳими одамларнинг бошқа жонзотлар билан солиштирганда жуда катта бош мияга эгалигидир. Олтмиш килограмм вазнга эга бўлган сутэмизувчиларнинг ўртача мия ҳажми 200 куб сантиметрни ташкил этади. 2.5 миллион йил олдинги энг қадимги эркак ва аёлларнинг мияси ҳажми тахминан 600 куб сантиметр бўлган. Замонавий сапиенслар ўрта ҳисобда 1200-1400 куб сантиметрлик мияларини кўз-кўз қилишади. Неандерталларнинг миялари эса ундан ҳам катта бўлган.

Бош қотиришга арзимайдигандек туюладиган фикрлардан бири нима сабабдан эволюцияда каттароқ миялар танлангани ҳақидадир. Биз юксак интеллектимизни шунчалик ардоқлаймизки, миянинг кучи ҳақида гап кетганда бош мия қанча катта бўлса, шунча яхши деб фараз қиламиз. Лекин агар шундай бўлганда эди, мушуксимонлар оиласида математик ҳисоб китобларни қила оладиган мушуклар туғиларди. Нима учун бутун ҳайвонот олаmidан фақат Homo уруғи бундай улкан тафаккур машиналарига эга бўлди?

Аслида жуда катта мия одам танасидан одатдагидан анча кўпроқ энергия талаб қилади. Айниқса, бош суяк ичида улкан мияни кўтариб юриш осон эмас. Уни озиклантириш эса унданда мушкулроқдир. Homo sapiens'да, мия бутун тана вазнининг тахминан 2-3 фоизини ташкил этади, аммо мия ҳаракатсиз танада энергиянинг 25 фоизини истеъмол қилади. Таққослаш учун, бошқа думсиз йирик маймунларнинг (apes) мияси ҳаракатсиз ҳолатдаги тана энергиясининг бор-йўғи 8 фоизини сарфлайди. Қадимги одамлар катта мияга эга бўлиш учун икки йўл билан товон тўлашган. Биринчидан, улар озик-овқат топиш илинжида кўпроқ вақт сарфлашган. Иккинчидан, уларнинг мушаклари заифлашган. Ҳукумат пулни мудофаадан таълимга йўналтиргани каби, одамлар энергияни бицепслардан миядаги нейронларга йўналтирган. Саваннада омон қолиш учун бу яхши стратегия бўлган деган хулоса қилиш қийин. Шимпанзе Homo sapiens билан баҳсда ғолиб бўла олмаса-да, лекин у одамни латта кўғирчоқ сингари йиртиб ташлай олади.

Ҳозирги кунда бизнинг катта миямиз жуда яхши фойда бермоқда, чунки биз автомобил ва қурол-яроғ ишлаб чиқара оламиз, бу эса бизга шимпанзелардан анча тезроқ ҳаракат қилишни ва улар билан курашиш ўрнига хавфсиз масофадан туриб ўққа тутиш имконини беради. Аммо автомобил ва қурол-яроғ яқинда пайдо бўлди. Одамзоднинг нерв тармоқлари 2 миллион йилдан ортиқ вақт мобайнида ўсган, аммо чакмоқ тошдан қилинган пичоқлар ва учли таёқлардан бўлак мақтанишга арзигулик жуда оз қимматли нарсалари бўлган. Ўша 2 миллион йил давомида одам мияси йириклашишига нима туртки бўлди экан? Очиғи сабабини билмаймиз.

Одамзоднинг яна бошқа жиҳатларидан бири шуки, биз икки оёқда тик юрамиз. Тик турган ҳолатда саваннадаги ўлжа ёки душман осонроқ пайқаш мумкин. Ҳаракатланиш учун керак бўлмаган қўллар бошқа мақсадлар учун,

масалан, тош отиш ёки огоҳлантирувчи ишора бериш учун асқатади. Ушбу кўллардан қанчалик кўп иш келса, эгалари шунчалик муваффақиятли бўлишган. Шундай қилиб, эволюция нервлар коцентрациясини кучайтирган, кафт ва бармоқларда нозик созланган мушакларни шакллантирган. Натижада, одамлар жуда қийин ва чигал ишларни кўл билан қила бошлаган. Жумладан, улар мураккаб меҳнат ва ов қуролларини ясаган. Одамларнинг меҳнат ва ов қуролларини ясагани ҳақидаги дастлабки далиллар бундан тахминан 2.5 миллион йил аввалги даврга тегишли. Археологлар қадимий одамларни улар ясаган меҳнат ва ов қуроллари орқали таниб олишади.

Тик юришнинг ҳам ўзига хос салбий томонлари бўлган. Примат аجدодларимизнинг скелетлари тўрт оёқда юрадиган ва нисбатан кичкина бошли жонзотни кўллаб қувватлаш учун миллионлаб йиллар давомида ривожланган. Скелет учун тик ҳолатга мослашиш ва, айниқса, жуда катта бўлган бош суягини кўтариб юриш оғир вазифа бўлган. Одамзод тик туриб кўра олиш, моҳир кўлларга эга бўлиш эвазига белоғриғи ва бўйин қотишларни сотиб олди.

Аёллар эса икки қарра кўпроқ ҳақ тўлади. Тик юриш туғиш каналларининг сиқилиши ва натижада тос суягининг торайишини тақозо қиларди. Бу ҳолат чақалоқнинг бошлари борган сари катталашаётган пайтда рўй берди. Туғруқ жараёнидаги ўлим аёллар учун жуда катта хавф туғдирди. Боланинг боши нисбатан кичик ва юмшоқ бўлган ҳолатида, ўз вақтидан олдин туғган аёллар омадироқ бўлган ва улар кўпроқ насл қолдира олган. Натижада табиий танланишда эрта туғруқлар афзал кўрилди. Дарҳақиқат, бошқа жонзотлар (масалан, жирафалар 15 ой ҳомиладор бўлишади) билан солиштириганда, одамлар эрта туғилади ва уларнинг ҳаёт учун зарур бўлган кўплаб аъзолари керагича ривожланмаган бўлади. Хўтикча туғилгандан биров ўтиб дарров чопкилаб кетади; мушукча эса атиги бир неча ҳафтада егулик излаб ўз онасини тарк этади. Одам болалари ёрдамга муҳтож, кўп йиллар ёши катталарга озиқ-овқат, ҳимоя, билим ва кўникмалар эга бўлиш борасида қарам бўлади.

Ушбу факт инсоннинг фавқулодда ижтимоий қобилиятлари ривожланишига олиб келди ҳамда унинг ўзига хос ижтимоий муаммоларига ўз хиссасини қўшди. Ёлғиз оналар кўлидаги ёрдамга муҳтож чақалоғи билан бошқа болалари учун етарлича емак топиши ўта қийин бўлган. Бола ўстириш оиланинг бошқа аъзолари ва қўшниларнинг доимий кўмагини талаб қилган. Шунинг учун одамни улғайтиришни фақат уруғ жамоаси удралай олган. Шу тариқа эволюция кучли ижтимоий алоқаларни шакллантира олганларни танлади. Бундан ташқари, одамлар тўлиқ ривожланмай туғилгани туфайли улар бошқа жонзотларга нисбатан анча кўпроқ ўрганиши ва ижтимоийлашиши мумкин бўлган. Аксарият сутэмизувчилар бачадондан печда етилган хумчадек чиқади ва уларга қайта шакл беришга уриниш уларнинг тирналишига ёки синишига олиб келади. Одамлар эса она қорнидан печдан эриган шиша сингари чиқади. Уларга хоҳлаганча шакл берса бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда биз болаларимизни христиан ёки буддист,

капиталист ёки социалист, урушқоқ ёки тинчликсевар қилиб тарбиялай оламиз.

Биз катта мияни, қуролларни ишлата билишни, юқори даражадаги ўрганиш салоҳиятимизни ва мураккаб ижтимоий тузилмаларни катта устунлигимиз деб биламиз. Булар инсониятни ер юзидаги энг қудратли жонзотга айлантирганлиги ўз-ўзидан аёндек кўринади. Одамлар тўлиқ 2 миллион йил давомида ушбу устунликнинг ҳаммасидан баҳра олган бўлса ҳам, улар заиф ва муҳим бўлмаган мавжудот бўлиб яшаган. Шундай қилиб, 1 миллион йил олдин яшаган одамлар катта мияси ва ўткир тош қуроллари бўлишига қарамай, йиртқичлардан доимий хавотирда яшаган. Улар камдан-кам ҳолларда йирик ўлжа овлаган. Одамлар асосан ўсимлик йиғиб, ҳашаротларни қовлаб топиб, майда ҳайвонларни овлаб ва бошқа кучлироқ гўштхўрлар қолдирган ўлаксалар билан озиқланиб яшаган.

Тошдан ясалган қадимий қуроллар ҳам асосан суякни ёриб унинг ичидаги иликни олиш учун ишлатилган. Айрим тадқиқотчилар бу бизнинг ўша даврдаги ўзимизга хос экологик токчамиз (niche) бўлган деб ишонишади. Қизилиштонлар дарахт ковагидан ҳашаротларни олишга ихтисослашгани каби қадимий одамлар суяклардан иликни суғуриб олишга ихтисослашган бўлган. Нега айнан илик? Айтайлик, сиз бир тўда шернинг жирафани қулатиб ямлаб ютаётгани гувоҳи бўлдингиз. Сиз улар тугатгунча сабр билан кутасиз. Лекин ҳали навбатингиз келмади, чунки биринчи бўлиб гиеналар ва шоқоллар тановул қилишади ва сиз уларнинг ўлаксахўрликларига халақит қилишга журъат қила олмайсиз. Улар тугатгач, сиз гуруҳингиз билан хавотир-ла аланглаганча ўлаксадаги еб бўладиган тўқималарни қовлаб ейишга киришасиз.

Булар бизнинг тарихимиз ва руҳиятимизни тушуниш учун муҳим ҳисобланади. Яқин орагача Номо уруғининг озиқ занжиридаги ўрни мустаҳкам равишда ўртада эди. Миллионлаб йиллар давомида одамлар майда жонзотларни овлаб, қўлларидан келган егуликларни йиғдилар ва йўл-йўлакай йирик йиртқичларга ҳам ем бўлдилар. Атиги 400 минг йил олдин одамзоднинг бир нечта тури катта ўлжаларни мунтазам равишда овлаган. Фақат охириги 100 минг йилда – Номо sapiens'нинг юзага келиши билан одамлар озиқ занжирининг чўққисига кўтарилди.

Ўртадаги поғонадан энг юқори поғонага сакраш жиддий оқибатларга олиб келди. Пирамиданинг юқори поғонасида бўлган шерлар ва акулаларга ўхшаш бошқа ҳайвонлар ушбу чўққига эришиш учун миллионлаб йиллар эволюция қилган. Бу эса экотизимда чекловлар ва мувозанатлар тизимини ривожлантирган, шерлар ва акулаларнинг ҳаддан зиёд вайронагарчилик қилиши чекланган. Шерлар беаёв бўлиб боргани сари, охулар тезроқ югурадиган бўлган, гиеналар янада яхшироқ жипслашадиган, каркидонлар эса янада баджаҳлга айланган. Инсоният эса, аксинча, энг юқори поғонага шундай шиддат билан кўтарилдики, экотизим мослашишга улгурмай қолди. Қолаверса, одамларнинг ўзи ҳам мослаша олмади. Сайёрамизнинг аксар юқори йиртқичлари улуғвор мавжудотлардир. Миллион йиллик ҳукмронлик

уларга ўзига бўлган ишончни шакллантирган. Sapiens эса, аксинча, банан республикаси диктаторига ўхшайди. Яқин орагача саваннанинг энг заиф бўғини бўлган одамзод ўз мавқесидан ғам-ташвишга ботган. Бу ҳолат бизни икки қарра шафқатсиз ва хавфли қилади. Тарихдаги кўплаб мусибатлар, ҳалокатли жанглардан тортиб экологик фалокатларгача бизнинг ўша шошқалоқлик билан сакрашимиз оқибатидир.

Ошпазлар пойгаси

Чўққига эришишдаги муҳим қадамлардан бири оловни хонакилаштириш бўлди. Баъзи одам турлари 800 минг йил олдин вақти-вақти билан оловдан фойдаланган. Тахминан 300 минг йил олдин Homo erectus, Неандерталлар ва Homo sapiens ота-боболари ҳар куни оловдан фойдаланган. Шундай қилиб одамлар ишончли ёруғлик ва иссиқлик манбайига ҳамда ўлжасига писиб келаётган шерларга қарши қакшатқич химоя воситасига эга бўлган. Кўп ўтмай одамлар ўз теварагидаги худудларга атайин ўт кўйишни бошлаган бўлишлари ҳам мумкин. Эҳтиёткорлик билан бошқарилган олов ўтиб бўлмайдиган қалин тўқайзорни ўлжаларга ғич-ғич бўлган ўтлоқзорларга айлантириши мумкин эди. Бундан ташқари, ёнғин ўчғач, Тош даври тадбиркорлари тутаяган қолдиқлар бўйлаб айланиб, оловда пишган ҳайвонларни, ёнғоқ ва тутаяқларни йиғиб олишлари мумкин бўлган.

Аммо оловнинг энг керакли хусусияти унинг овқат пишира олишидир. Одамлар ҳазм қила олмайдиган табиий ҳолатдаги маҳсулотлар, масалан, буғдой, гуруч ва картошка пишириш имконияти туфайли бизнинг кундалик асосий емишимизга айланди. Олов нафақат таомнинг кимёвий, балки унинг биологик таркибини ҳам ўзгартирди. Пишириш емишда тўлиб ётган микроб ва паразитларни ўлдирган. Шунингдек, одамлар аввалдан сеvimли бўлиб келган маҳсулотларини (мевалар, ёнғоқ, ҳашаротлар ва ўлакса) пишира олгани туфайли чайнаш ва ҳазм қилишга сарфланган вақт тежалган. Шимпанзелар ҳам овқатни чайнаши учун кунига беш соат, одамларга эса пиширилган овқатни тановул қилишга бир соат етарли бўлган.

Овқат пишириш ихтироси кичикроқ тишга ва қисқароқ ичакларга эга бўлган одамлар учун ҳар хил турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш ва овқатланишга камроқ вақт ажратиш имконини берган. Айрим олимлар овқат пиширишнинг ихтиро қилиниши одамнинг ичак тракти қисқариши ва миясининг ўсишига олиб келган ҳамда улар орасида тўғридан тўғри боғлиқлик бор, деб таъкидлашади. Овқат пишириш ичакларни қисқартириш ва уларнинг энергия истеъмолини камайтириш орқали неандерталлар ва сапиенсларнинг мияси йириклашишига имконият яратди.

Олов, шунингдек, одам ва бошқа жонзотлар орасида илк бор муҳим бир тафовутни яратди. Деярли барча ҳайвонларнинг кучи уларнинг таналарига боғлиқ: мушакларининг кучига, тишларининг катталигига, қанотларининг кенглигига. Ҳайвонлар шамол ва оқимлардан унумли фойдалана олса ҳам, улар табиий кучларни бошқаришга қодир эмас ва ҳар доим ўзининг жисмоний имкониятлари билан чекланиб қолади. Бургутлар, масалан, ердан кўтарилган термик турбулентликларни (устунларни) аниқлай олади ва қанотларини кенг

ёйиб иссиқ ҳавога уларни тепага кўтаришга кўйиб беради. Шундай бўлса-да, бургутлар термик устунларнинг жойлашишини бошқара олмайди, ва уларнинг максимал юк кўтариш қобилияти қанотларининг кенглигига қатъий мутаносибдир.

Одамлар оловни хонакилаштирганда, улар итоаткор ва чексиз имкониятга эга бўлган кучни қўлга олишди. Бургутлардан фарқли ўлароқ, одамлар оловни қачон ва қаерда ёқишни танлаши мумкин бўлган. Одамлар оловни ўз фойдалари йўлида бир нечта вазифани бажариш учун қўллай олишган. Энг муҳими, оловнинг кучи одам танасининг шакли, тузилиши ёки қуввати билан чекланмаган. Чакмоқ тош ёки оловли таёғи бўлган ёлғиз аёл бутун ўрмонни бир неча соат ичида ёқиб кулга айлантира олган. Оловни хонакилаштириш бўлиши кутилаётган ҳодисаларга ишора эди.

Ака-укаларимиз кўрикчилари

150 минг йил аввал оловнинг фойдаларига қарамай, одамзод барибир заиф ва муҳим бўлмаган жонзот эди. Энди эса улар шерларни кўрқитиб юборишлари, совуқ кечаларда исинишлари ҳамда кутилмаганда ўрмонни ёқиб юборишлари мумкин бўлган. Барча турларни жамлаганда ҳам, Индонезия архипелаги ва Иберия ярим ороли оралиғида эҳтимол бор-йўғи миллион кишидан ошмаган одам яшаган. Бу эса экологик радар экранисидаги жимитгина бир нуқта бўлган.

Бизнинг туримиз, *Homo sapiens* дунё саҳнасида аллақачон мавжуд эди, аммо у шу пайтгача фақатгина Африканинг бир бурчагида ўз ташвишлари билан яшар эди. Биз *Homo sapiens* деб таснифланиши мумкин бўлган жонзотларнинг қадимги одамлардан илк бор қаерда ва қачон эволюция қилганлигини аниқ билмаймиз. Аммо кўпгина олимлар 150 минг йил олдин аллақачон Шарқий Африкада бизга ўхшаган сапиенслар истиқомат қилган деган фикрга қўшилади. Агар улардан бири ҳозирги моргда пайдо бўлиб қолса, маҳаллий патолог ҳеч қандай фарқни пайқамаган бўлар эди. Оловнинг шарофати билан, одамларнинг тиш ва жағлари аждодлариникига қараганда кичикроқ бўлди, ва айни пайтда, уларнинг мияси бизники каби катта эди.

Шунингдек, олимлар тахминан 70 минг йил олдин Шарқий Африкадан келган сапиенслар Араб ярим оролига тарқала бошлагани ва у ердан бутун Евросиё куруқликларини босиб олганини тасдиқлашади.


Homo sapiens Арабистонга келганида Евросиёнинг катта қисмида аллақачон бошқа турдаги одамлар яшайётган эди. Уларга нима бўлди экан? Иккита қарама-қарши назария мавжуд. “Чатишиш назарияси” (Interbreeding Theory) одам турларининг бир-бирига жинсий қизиқиши, алоқаси ва кўшилиши ҳақида ҳикоя қилади. Африкалик муҳожирлар дунё бўйлаб тарқалар экан, бошқа одам турлари билан кўшилган, бугунги кундаги одамлар ўша чатишишнинг маҳсулидир.

Масалан, сапиенслар Яқин Шарқ ва Европага етиб борганида, неандерталларга дуч келган. Ушбу одамлар сапиенсларга нисбатан мушакдорроқ, бошлари каттароқ ва совуқ иқлимга мослашганроқ бўлган. Улар меҳнат ва ов қуролларидан ҳамда

оловдан фойдаланган ва яхши овчи бўлишган. Афтидан касал ва заифларга ғамхўрлик қилишган. (Археологлар жиддий жисмоний нуқсонлари бўлган одамлар билан бир неча йиллар давомида бирга яшаган неандерталларнинг суякларини топишган. Бу эса қариндошлари ногиронларга ғамхўрлик қилганлигини тасдиқлайди. Неандерталлар кўпинча карикатураларда архетипик кўпол ва аҳмоқ “фор одами” тимсолида тасвирланади. Аммо сўнгги далиллар улар ҳақидаги тасаввурни ўзгартирди.

Чатишиш назариясига кўра, сапиенслар неандерталлар ерлари бўйлаб тарқалганида, улар иккита одам тури бирлашгунича неандерталлар билан қўшилишган. Башарти шундай бўлса, унда бугунги евросиёликлар тоза сапиенслар эмас. Улар сапиенс ва неандерталлар қоришмасидир. Шунга ўхшаш, сапиенслар Шарқий Осиёга етиб боргач, маҳаллий Erectus билан аралашган, демак хитойликлар ва корейликлар сапиенс ва Erectus қоришмасидир.

“Сиқиб чиқариш назарияси” деб номланган бошқа бир муҳолиф назария эса бир-бирига мос келмаслик, нафрат ва эҳтимол ҳатто геноцид бўлгани ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу назарияга кўра, сапиенслар ва бошқа одам турларининг анатомияси, катта эҳтимол билан жуфтлашиш одатлари ва ҳаттоки тана хидлари ҳам турлича бўлган. Улар бир бирларига суст жинсий қизиқиш билдирган бўлиши мумкин. Агарда неандертал Ромео ва сапиенс Жулиета бир-бирига ошиқ бўлиб қолганда ҳам, улар наслдор зурриёт қолдира олмас эди, чунки икки популяцияни ажратиб турган генетик кўрфаз устига кўприк аллақачон қуриб бўлмасди. Икки популяция ўзаро мутлақо айри яшади ва неандерталлар қирилиб кетгандан кейин ёки уларни қириб ташлашгандан кейин уларнинг генлари ҳам ўзлари билан йўқолиб кетган. Ушбу назарияга кўра, сапиенслар одамнинг бошқа популяциялари билан қўшилмаган, балки уларнинг ўрнини эгаллаган. Агар шундай бўлса, барча замонавий одамларнинг авлодлари тўлиғича 70 минг йил олдин Шарқий Африкадан келган бўлади. Шундай қилиб, биз “тоза сапиенслар” ҳисобланамиз.



Homo sapiens дунёни забт этди.

Ушбу мунозарага кўп нарса боғлиқ. Эволюция нуқтаи назаридан, 70 минг йил нисбатан қисқа муддатдир. Агар “Сиқиб чиқариш назарияси” тўғри бўлса, жамики яшаётган одамлар деярли бир хил генетик багажга эга бўлади – улар орасидаги ирқий фарқлар аҳамиятсиздир. Аммо “Чатишиш назарияси” тўғри бўлиб чиқса, африкаликлар, европалик ва осиеликлар орасида генетик фарқлар мавжудлиги эҳтимоли бор ва бунинг тарихи юз минг йилларга бориб тақалади. Бу эса қалтис ирқий назариялар учун таянч вазифасини ўтовчи сиёсий динамитдир.

Сўнги ўн йилликларда “Сиқиб чиқариш назарияси” соҳадаги умумқабул қилинган фикр эди. Бу назария археологик жиҳатдан кучли далилланган эди ва сиёсий жиҳатдан тўғри эди (олимлар замонавий одамзод аҳолиси ўртасида жиддий генетик фарқлар борлигини даъво қилиб, ирқчиликнинг Пандора қутисини очиш истаклари йўқ эди). Аммо 2010 йилда ҳаммаси тугади, ўшанда тўрт йиллик уринишлар натижаси бўлмиш неандертал одам геномининг харитаси эълон қилинди. Генетик олимлар ўшанда неандертал одамнинг тошга айланган қолдиқларидан етарлича бутун ДНКсини йиға олганди ва бу уларга намуналарни замонавий одамларнинг ДНКси билан кенг миқёсда таққослаш имкониятини берган эди. Натижалар илмий ҳамжамиятни ҳайратда қолдирди.

Яқин Шарқ ва Европадаги замонавий одамлар ДНКсининг 1-4 фоизи неандертал ДНКси бўлиб чиқди. Бу катта рақам бўлмаса-да, лекин жуда аҳамиятли эди. Иккинчи зарба бир неча ой ўтгач берилди. Ўшанда Денисова ғоридан топилган тошга айланган бармоқдан олинган ДНК хариталанди. Натижалар замонавий меланезияликлар ва Австралия аборигенлари ДНКсининг 6 фоизи Денисова ДНКсига тегишли эканлигини тасдиқлади.

Агар ушбу натижалар тўғри бўлса (лекин шуни ёдда тутиш керакки, кўшимча тадқиқотлар олиб борилмоқда ва бу хулосалар мустаҳкамланиши ёки ўзгартирилиши мумкин), у ҳолда “Чатишиш назарияси” тарафдорлари ҳеч бўлмаганда баъзи нарсаларни тўғри айтган бўлади. Аммо бу “Сиқиб чиқариш назарияси” бутунлай янглиш дегани эмас. Неандертал ва денисовалар бизнинг ҳозирги геномимизга оз миқдорда ўз ДНКларини қўшган бўлса-да, бу сапиенслар ва одамнинг бошқа турлари “қўшилган” деган фикрни таъкидлаш имконини бермайди. Улар орасидаги тафовут наслдор бола қолдира олмайдиган даражада катта бўлмаса-да, ўзаро жинсий алоқаларни камайтириш учун етарли эди.

Ундай бўлса сапиенслар, неандерталлар ва денисоваларнинг биологик боғлиқлигини қандай тушунишимиз мумкин? Кўриниб турибдики, улар отлар ва эшаклар сингари бутунлай бошқа тур вакиллари эмас эди. Бошқа томондан, улар бульдог ва спаниель итлари каби шунчаки бир хил турларнинг турли вакиллари эмас эди. Биологик ҳақиқат оддийгина қилиб айтганда қора ва оқ эмас. Бу борада аниқлик киритиш керак бўлган муҳим жиҳатлар бор. Тарихнинг қайсидир даврида от ва эшаклар каби умумий аجدоддан келиб чиққан ҳар икки тур бир вақтнинг ўзида бульдог ва спаниель сингари бир хил турларнинг иккита вакиллари (популяция) ҳам бўлган. Шундай вақтлар ҳам

бўлганки, иккала популяция бир-биридан анча фарқланса ҳам ора-орада жинсий алоқага киришиб наслдор зурриёт қолдира олган. Кейинчалик бошқа бир мутация уларни боғлаб турган ипни узиб ташлади ва улар ўз эволюцион йўлларида давом этдилар.

Афтидан тахминан 50 минг йил олдин сапиенслар, неандерталлар ва денисовалар ҳам уларнинг айри эволюцион йўлларида белгилаб берувчи чегара нуқтасида туришган. Улар, бутунлай бўлмаса-да, деярли алоҳида тур вакиллари бўлишган. Кейинги бўлимларда биз сапиенсларнинг неандертал ва денисовалардан нафақат ўзининг генетик кодлари ва жисмоний жиҳатлари билан, балки ўзининг ақлий ва ижтимоий қобиляти билан аллақачон фарқ қилганлигини кўрамиз. Шунга қарамай, камдан-кам ҳолларда бўлса ҳам, сапиенс ва неандерталлар наслдор зурриёт туғиши мумкин бўлганлигини кўрамиз. Шундай қилиб, популяциялар бирлашмади, аммо бир нечта омадли неандертал генлари Homo Sapiens деб номланган экспресс поездга чиқиб олди. Қайсидир вақтда биз сапиенслар бошқа турга мансуб жонзот билан жинсий алоқага киришиб биргаликда зурриёт қолдирган бўлишимиз ҳақида ўйлаш хавотирли ва ҳаяжонлидир.



Неандертал боланинг назарий реконструкцияси. Генетик таҳлиллар айрим неандерталлар оқ танли ва сариқ сочли бўлганини кўрсатади.

Аммо неандерталлар, денисовалар ва бошқа одам турлари сапиенслар билан чатишмаган бўлса-да, нега улар йўқ бўлиб кетишди? Битта фараз шуки, Homo Sapiens уларни қириб юборган бўлиши мумкин. Тасаввур қилинг-а, неандерталлар юз минг йиллар яшаб юрган Болқон водийсига сапиенслар тўдаси бориб етади. Келгиндилар неандерталларнинг анъанавий кундалик озуқалари бўлмиш кийик овлашни ҳамда ёнғоқ ва резавор меваларни теришни бошлайдилар. Сапиенслар мукамалроқ технологиялари ва юқори ижтимоий кўникмалари билан моҳирроқ овчи ва теримчилар бўлишган. Шу боис, улар кўпайган ва тарқалган. Камроқ даражада тадбиркор бўлган неандерталлар ўзини борган сари боқолмай қолган. Шу йўсинда, балки

неандерталларнинг сапиенсларга қўшилган бир-икки аъзосини ҳисобга олмаганда, уларнинг популяцияси камайди ва аста-секин йўқ бўлиб кетди. Яна бир эҳтимоллардан бири шуки, ресурслар учун рақобат зўравонлик ва геноцидга айланиб кетди. Сабр-тоқат сапиенсларга хос хусусият бўлмаган. Замонавий даврда тери ранги, шева ёки диндаги кичик фарқ ҳам бир гуруҳ сапиенслар бошқа гуруҳдагиларни қириб юборишига баҳона бўлиши мумкин. Қадимги сапиенслар ўзига ўхшамаган одам турларига нисбатан бағрикенглик кўрсата олармиди? Эҳтимол шундай бўлгандирки, сапиенслар неандерталларга дуч келган ва натижада тарихдаги биринчи ва энг муҳим этник тозалаш кампанияси юз берган.

Қандай содир бўлмасин, неандерталлар (ва бошқа одам турлари) тарихнинг “агарда ундай бўлганда, қандай бўларди” (what ifs) кабилидаги муҳим хаёлий саволларини юзага келтиради. Тасаввур қилинг-а, неандерталлар ёки денисовалар *Homo Sapiens* билан ёнма-ён яшаб қолганда вазият қандай бўларди? Одамнинг бир нечта тури яшаган дунёда қандай маданиятлар, жамиятлар ва сиёсий тузилмалар пайдо бўлган бўлар эди? Диний эътиқодлар, масалан, ўзини қандай намоён қилган бўларди? Ибтидо китобида неандерталлар Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқалган деб ёзилармиди? Исо Масиҳ денисоваларнинг гуноҳлари учун ўлган бўлармиди? Куръон барча солиҳ инсонлар учун, уларнинг турларидан қатъий назар, жаннатда жой ажратиб кўярмиди? Неандерталлар Рим легионларида ёки Хитойнинг Империял даврининг чигал бюрократияси учун хизмат қилиши мумкинмиди? Американинг Мустақиллик декларациясида *Homo* уруғининг барча вакиллари тенг ҳуқуқли этиб яратилган деб, ўз-ўзидан аён ҳақиқат ёзилармиди? Карл Маркс барча турларга мансуб ишчиларни бирлаштишга чорлармиди?

Сўнги 10 минг йил ичида *Homo Sapiens* ўзининг ягона тур эканлигига шу қадар одатландики, биз – *Homo Sapiens* – учун бошқачасини тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди. Ака-ука ва опа-сингилларимиз йўқлиги биз яккамиз деган тушунчани шакллантирди, бизни ҳайвонот дунёсидан улкан жарлик ажратиб туради, деган хулосага олиб келди. Чарльз Дарвин *Homo Sapiens* ҳам бошқа бир оддий жонзот эканлигини таъкидлаганида одамлар ғазабланган эди. Ҳаттоки бугун ҳам кўплар бунга ишонишни истамайди. Неандерталлар омон қолганида биз ўзимизни алоҳида мавжудот деб тасаввур этармидик? Эҳтимол, айнан шунинг учун ота-боболаримиз неандерталларни йўқ қилишган. Неандерталлар бизга шу қадар таниш бўлардики, уларни эътиборсиз қолдирилмасдик, лекин биздан шу қадар фарқлари бўлардики, уларга тоқат қилолмасдик.

Сапиенслар айбдор бўлишганми йўқми, лекин улар янги жойга боришлари биланоқ маҳаллий аҳоли қирилиб кетган. *Homo soloensis*’нинг топилган сўнги қолдиқлари тахминан 50 минг йилга боради. Кўп ўтмай *Homo denisova* йўқолиб кетган. Неандерталлар тахминан 30 минг йил олдин мавжуд одамлар рўйхатидан чиқиб кетди. Флорес Оролидаги сўнги пакана одамсимонлар тахминан 12 минг йил олдин йўқолиб кетган. Улар ўзидан суякларни, тош қуролларни, бизнинг ДНКмиздаги бир нечта генни ва кўплаб

жавобсиз саволларни қолдирди. Улар, шунингдек, инсониятнинг сўнгги турларидан бўлмиш бизнинг – Homo Sapiens'нинг ортида қолди. Сапиенсларнинг мувафаққият сири нимада эди? Биз қандай қилиб жуда узоқ ўлкаларга ва экологик фарқли бўлган шароитларга шу қадар тез ўрнашдик ва кўникдик? Қандай қилиб биз бошқа барча одам турларини унутишига маҳкум этдик? Ҳаттоки кучли, ақлли, совуққа чидамли неандерталлар ҳам бизнинг ҳужумимиздан нега омон қолмади? Бу мавзудаги мунозаралар авжида давом этмоқда. Мунозараларга чорловчи ҳақиқатга яқинроқ жавоб бу: Homo sapiens дунёни авваламбор ўзининг ноёб тили туфайли забт этди.

2.

Билим дарахти

Юз минг йил аввал Шарқий Африкада яшаган сапиенслар биздан анатомик тузилиши жиҳатидан фарқ қилмаган, қолаверса, уларнинг мияси ҳам тузилиши, ҳам ҳажми жиҳатидан бизникига ўхшаш бўлган. Аммо улар худди биздек ўйлаган ва гапирган деб тахмин қилиш мумкинми? Ишончли далиллар кўрсатишича, йўқ. Бу сапиенс мураккаб воситалар яратмаган, фавқулодда бирор нарса ишлаб чиқармаган ва умуман бошқа турдаги одамлар олдида унинг мақтанишга арзигулик бирон-бир айтарли афзаллиги бўлмаган. Уларнинг баъзилари неандерталлар яшаган Левантга (Шомга, Сурия, Иордания, Ливанни ўз ичига олувчи тарихий вилоят) кўчиб ўтса ҳам, у ерга ўрнаша олишмади. Ё маҳаллий аҳоли қаршилик кўрсатган, ё иқлим тўғри келмаган, ёки организмлари маҳаллий паразитларга мослаша олмаган – нима бўлганда ҳам неандерталларнинг Яқин Шарқда бамайлихотир ҳукмронлик қилишига йўл қўйиб бериб, чекинишган.

Бу мувафаққиятсизликлар ўша пайтлар сапиенс мияси тузилиши ҳозиргилариникидан фарқ қилганини тахмин қилишимизга асос беради. Бу одамлар сиртдан аллақачон бизга ўхшаган, бироқ уларнинг когнитив хусусиятлари – янгиликни ўрганиш, эслаб қолиш, суҳбатлашиш каби қобилиятлари анча заиф бўлган. Ибтидоий сапиенсга инглиз тилини ўргатиш, насронийлик ғояларини сингдириш ёки эволюция назариясини тушунтириш самарасиз буларди. Аммо бизга ҳам унинг тилини ўзлаштириш, ўй-хаёлларини тушуниш осон бўлмасди.

Бироқ 70 ва 30 минг йиллар илгари Homo Sapiens мутлақо кутилмаган амаллар қила бошлади. 70 минг йиллар аввал сапиенсларнинг катта гуруҳи иккинчи марта Африкадан чиқиб кетди. Бу сафар улар неандерталларни ва Яқин Шарқдаги қариндошларини шунчаки сиқиб чиқармади, балки уларни Ер юзидан супуриб ташлади. Ҳайратланарли даражада қисқа муддатда сапиенслар Европа ва Шарқий Осиёга қадар етиб борди. 45 минг йиллар илгари океанни забт этиб, Австралияга, одам зоти ҳали оёқ босмаган жойга қадам қўйди. Одамлар қайиқлар, мойчироқлар, камон ўқлари ва игнани (яъни қалин кийим тикишни) ихтиро қилишган. Ишонч билан илк

хунармандчилик предмети сифатида эътироф этиш мумкин бўлган заргарлик буюмлари ва санъат асарлари ўша даврга тўғри келади. Ўша пайтда дин, савдо ва ижтимоий табақаланиш мавжуд бўлганини тасдиқловчи рад этиб бўлмас далиллар бор.

Кўплаб тадқиқотчилар бу мисли кўрилмаган ютуқларни когнитив инқилоб меваси деб ҳисоблайди: неандерталлар билан муваффақиятли рақобат қила олган, Австралияни эгаллаган, фил суягидан Штадель одамини ясаганлар аллақачон биздек уйлаган ва гапирган. Штадель ғори рассомлари билан танишсак, биз уларнинг тилини ўрганишимиз, улар эса бизникини ўрганиши мумкин эди. Биз уларга ўзимиз билган ҳамма нарсани – Алисанинг мўъжизалар мамлакатадаги саргузаштларидан тортиб квант физикаси парадоксларигача тушунтириб бера олган бўлардик, улар эса дунёни қандай тасаввур этишларини айтиб беришган бўлар эди.



Германиядаги Штадель горидан (30 минг йил аввал) топилган “одам-шер” (ёки “аёл-шер”) ҳайкали. Одам танасига шер боши уланган. Инкор этиб бўлмайдиган илк санъат асари ва ўша давр инсони ақлининг реал мавжуд бўлмаган нарсаларни ҳам тасаввур қила олганига далил.

70 ва 30 минг йиллар аввал ўйлаш ва мулоқотнинг янги йўллари пайдо бўлиши когнитив инқилоб деб аталади. Бундай инқилобни нима кўзғатган? Буни аниқ билмаймиз. Кенгроқ тарқалган назарияга кўра, тасодифий мутациялар миянинг ички “созламалар”ини ўзгартириб юборган ва бунинг оқибатида сапиенс ўйлаш ва оғзаки нутқдан фойдаланган ҳолда гаплашиш маҳоратига эришган. Буни “Билим дарахти мутацияси” деб номлаш мумкин. Нега мутация неандертал генида эмас, сапиенс генида содир бўлди? Соф тасодиф дея олишимиз мумкин. Бироқ билим дарахти мутацияси сабабларини англаш муҳим эмас, муҳими унинг оқибатлари. Сапиенс тилида қандай хусусият пайдо бўлган эдики, биз у билан дунёни эгалладик?

Бу Ер юзидаги илк тил бўлмаган. Ҳар бир ҳайвон турида ўз тили мавжуд. Ҳаттоки арилар, чумолилар каби ҳашаротлар бир-бири билан мураккаб тарзда, емиш манбайи тўғрисида хабар бериш учун мулоқот қилади. Инсон тили илк пайдо бўлган товушли тил ҳам эмас. Кўплаб ҳайвонлар, шунингдек, барча катта ва кичик маймунлар овозли сигналлар ёрдамида мулоқот қилади. Мисол

учун, яшил маймунларнинг тили турли хил қийқириклардан иборат. Зоологлар улардан баъзиларининг мағзини чақишга эришди: “Эҳтиёт бўл! Бургут!” (ва шунга ўхшаш “Эҳтиёт бўл! Шер!”). Тадқиқотчилар маймунларга биринчи қийқирикни эшиттиришганида, маймунлар машғулотларини тўхтатган ва хавотир билан осмонга қарашган, иккинчи қийқирикни эшитишганда эса секин-аста дарахтларга тирмаша бошлашган. Сапиенслар яшил маймунларга караганда янада аниқроқ товуш чиқарган, аммо бундай хусусият билан фил ва китлар ҳам ажралиб туради. Тўтиқушлар одам чиқарадиган барча товушларни масхара қилиши ва бундан ташқари яна кўплаб товушларни: телефон кўнғироғи, эшик тақиллаши, сиреналар овозига тақлид қилиши мумкин. Хўш, тилимиз нимаси билан ажралиб туради?

Кўпинча одам тилининг асосий устунлиги сифатида унинг мослашувчанлиги эсланади. Турли бирикмаларга бироз товуш ва имо-ишора қўшиб, ҳар хил маънога эга гапларни тўқишимиз мумкин. Бу эса биз ўзимизни ўраб турган олам ҳақида ақл бовар қилмас даражада кўп ахборотни қабул қила олишимиз, сақлашимиз ва узата олишимизни англатади. Яшил маймун ҳамроҳларини “Эҳтиёт бўл! Шер!” деб огоҳлантира олади. Одамлар эса дўстларига бугун эрталаб дарёнинг бурилиш жойида, шернинг бизонлар ортидан кетаётганини кўрганини айтиб бера олади. Одам барча тафсилотларни: шерни қаерда кўргани, қайси йўллар билан ўша ерга бориш мумкинлигини аниқлаштира олади. Бундай ахборотни олгач, шерларни дарё бўйидан қувиш ва бизонларни эса ўзлари овлаш ҳақида келишишлари ҳам мумкин.

Иккинчи назария ҳам биринчиси каби одам тили атроф муҳит ҳақида ахборот етказиш учун ривожланганини тан олади, бироқ ўша муҳим ахборот шер ва бизонлар ҳақида бўлмагани, балки одамларнинг ўзи ҳақида бўлганини таъкидлайди. Бу назарияга кўра, тил ғийбатлашишга эҳтиёж натижасида туғилган. Homo sapiens – ижтимоий жонзот. Биз ўзаро муносабат сабабли кўпаямиз ва омон қоламиз. Одамларга шер ва бизонлар қаерда югураётганини билиш етарли эмас, балки қабилада ким кимни ёмон кўриши, ким ким билан ётиши, кимга ишонишу ишониб бўлмаслигини аниқлаш муҳимроқ.

Ўнлаб одамларнинг доимий ўзгариб турувчи ўзаро муносабатларини ҳал қилиш учун олиниши ва сақланиши керак бўлган ахборот миқдори одамлар сонига қараб ўсиб боради (50 кишилиқ жамоада 1225 та шахсий муносабат ва жуда кўп миқдорда янада мураккаб комбинациялар мавжуд). Барча маймунлар ижтимоий маълумотларга қизиқади, аммо ғийбатлашиш улар учун мураккаброқ. Эҳтимол неандерталлар ва ибтидоий сапиенсларга ҳам кимнингдир орқасидан ғийбат қилиш осон бўлмагандир. Гарчи инсоннинг ғийбатга мойиллиги қораланса-да, у катта жамоалар ичида муносабат ўрнатишда ўта муҳим. 70 минг йил илгари сапиенслар эгаллаган янги лингвистик малакалар уларга соатлаб ғийбатлашиш имконини берган. Ким ишонч қозона олади, ким эса йўқлиги ҳақидаги ишончли ахборот кичик гуруҳларни катталарига бирлашишига ёрдам берган.

Оқибатда сапиенсларда янада мураккаброқ ва жипсроқ ҳамкорлик ривожланган.¹

Ғийбат назарияси ҳазилдек туюлиши мумкин, бироқ кўплаб тадқиқотлар буни тасдиқлайди. Ҳаттоки ҳозирда ҳам мулоқотимизнинг асосий қисми – электрон почтадаги ёзишувлар, кўнғироқлар, газета устунлари – ғийбатдан ташкил топган. Ғийбат биз учун шунчалик табиийки, ҳаттоки тилимиз шунга мўлжаллангандек гўё. Тарих ўқитувчилари тушликда Биринчи жаҳон уруши сабабларини муҳокама қилишади, ядро физиклари эса илмий конференциядаги танаффусда кварклар ҳақида гапиради деб ўйлайсизми? Ҳа, баъзан бўлиб туради. Аммо улар кўпроқ эрини хиёнатда ушлаб олган олима, кафедра мудури ва деканнинг жанжали ва бир ҳамкасб илмий грантни Lexus машинаси сотиб олиш учун ишлатиб юборгани ҳақида гапиришади. Одатда ғийбат иллатлар ва ёмон ишлар ҳақида бўлади. Ғийбатчилар жамиятни бохабар қилиб турувчи ҳамда шу билан уни фирибгар ва текинтомоқлардан сақловчи тўртинчи ҳокимият – журналистларнинг аждодларидир.

Эҳтимол иккала назария – “у ерда – шер – дарё бўйида” ҳам, ғийбат назарияси ҳам тўғридир. Аммо тилимизнинг ноёб томони одамлар ва шерлар ҳақидаги ахборотни етказишда эмас, балки биз ҳеч қачон кўрмаган, эшитмаган ва ҳидламаган нарсалар ҳақида хабар беришимиздадир. Бизга маълум бўлгани шуки, фақатгина сапиенслар хаёлий нарсаларни ва ҳаттоки қарама-қарши далилларни муҳокама қила олади.

Ривоятлар, афсоналар, худолар, динлар когнитив инқилоб натижасида юзага келган. Кўплаб ҳайвонлар, жумладан, одамларнинг бошқа турлари ҳам: “Эҳтиёт бўл! Шер!” деб огоҳлантира олган. Когнитив инқилоб сабабли *Homo sapiens* “Шер – кабиламизнинг балогардон руҳи” деган гапларни айтишни ўрганди. Уйдирмани муҳокама қила олиши – тилимизнинг ажабланарли хусусияти. Шунинг учун ҳам бу тилни тасаввур тили дейиш мумкин.

Факт шуки, *Homo sapiens* аслида йўқ нарса ҳақида гапира олади ва нонуштадан аввал олти ақл бовар қилмайдиган нарсага ишонишга тайёр, бунга шубҳа йўқ. Сиз маймунга маймунлар жаннатида мўл банан бўлажагини ваъда қилиб, унинг кўлидаги бананини бўлишишга ундомайсиз. Аммо нега уйдирма бунчалик муҳим? Ахир у адаштиради, воқеликдан чалғитади. Қадимги қаҳрамонлар ҳақида эшитиш, эльф ва яккашоҳлар ҳақида орзу қилиш, мавжуд бўлмаган балогардон руҳларга сиғиниш вақтни беҳудага сарфлаш эмасми? Ундан кўра қимматбаҳо вақтни емиш топишга, душманлар билан курашишга ёки қовушишга кетказса яхшироқ эмасмиди? Инсон бошини хаёллар билан тўлдириб, реал оламда яшашга камроқ мос бўлиб қолмайдими?

¹ Robin Dunbar, *Grooming Gossip and the Evolution of Language* (Cambridge, Mass.: Harvard University Press, 1998).

Тасаввур тили инсонга хаёллар ўйинига берилишга эмас, буни бутун жамоа билан бажаришига имкон берди. Биз ҳамма учун умумий мифологияни яратдик: Библиядаги яратилиш ҳақидаги ривоятлар, Австралия туб аҳолисининг ибтидо ҳақидаги асотирлари, замонавий давлатларнинг миллатчилик мифлари. Умумий мифология сапиенсларга катта жамоаларда мослашувчан ўзаро ҳамкорлик қилиш воситасини берди. Чумоли ва арилар ҳам катта жамоа бўлиб, ўзаро ҳамкорлик қилади, аммо уларнинг ҳамкорлиги қатъий, доимий қоидалар асосида, боз устига, ўз “оиласи” доирасида чекланади. Бўри ва шимпанзеларда ҳамкорлик янада мослашувчан принциплар асосига қурилган, бироқ фақат ўзига яқин туғишганлари билан ҳамкорлик қилишади. Сапиенслар эса нотаниш турдошлари билан осон бирлаша олади. Мана нима учун сапиенслар дунёни бошқаради, чумолилар биздан қолган қолдиқларни теради, шимпанзелар эса ҳайвонот боғи ва илмий лабораториялар катакларига сақланади.

Peugeot ривояти

Бизнинг қариндошларимиз – шимпанзелар одатда унча катта бўлмаган, бир қанча ўн индивиддан ташкил топган тўда бўлиб яшайди. Уларда мустаҳкам садоқат шаклланади, дўстлар бирга ов қилади, бабуин, гепард ва бегона шимпанзеларга қарши елкама-елка жанг қилишади. Тўдада мураккаб иерархия мавжуд. Етакчини – одатда нар – альфа-нар деб атаيمиз. Қолганлар эса оддий халқ ҳукмдор олдида тургандек тиз чўкиб, гўлдираб, эҳтиром кўрсатишади. Альфа-нар ўз қироллигида ижтимоий уйғунликни сақлаб туради: агар унинг тўдасидагилардан иккитаси уришиб қолса, у аралашади ва низони ҳал этади. Бундай ижтимоий фойдали иши учун альфа-нар ўзини емишнинг энг яхши парчаси билан сийлайди ва ўзининг урғочиларига рақибларни яқин йўлатмайди.

Икки нар ҳукмронлик учун беллашганда, ҳар бири тўданинг ўзига тарафдор эркак ва урғочи аъзоларидан иттифоқ тузади. Иттифоқ аъзолари орасидаги ришталар ҳар кунлик интим муносабатлар: кучоқлашиш, силаш, ўпичлар, бургаларни тишлаб узиб олиш ва ўзаро хизматлар билан мустаҳкамланади. Иттифоқ аъзолари бир-бирига ёрдам беради. Альфа-нар ҳокимиятга одатда жисмоний устунлиги сабабли эмас, балки ўзи асос солган катта ва мустаҳкам иттифоқ сабабли эришади.

Бир нар бошқариши мумкин бўлган гуруҳ ҳажми қатъий чекланган: гуруҳ фақат унинг барча аъзолари бир-бирларини яхши танигунларига қадар сақланади. Бир-бирини кўрмаган, бир-бирига ғамхўрлик қилмаган ва бир-бири билан курашмаган икки шимпанзе бир-бирига ишониш мумкинми, ёрдам беришга арзийдими ва улардан қай бирининг тўдада даражаси баландлигини билмайди. Гуруҳ аъзолари сони кенгайиб, муайян даражага етгач, муносабатлардаги тартиб бузилади ва ниҳоят тўда тарқайди, аъзоларнинг бир қисми янги иттифоқ тузиб олади.

Табиий шароитда шимпанзелар гуруҳида 20дан 50гача аъзо бўлади. Жамоа керагидан ортиқ кенгайса, беқарорлик пайдо бўлади: камдан-кам ҳолларда биологлар бир жамоада 100дан ортиқ маймун борлигини

кузатишган. Тадқиқотчилар шимпанзе гуруҳлари ўртасидаги узок чўзилган жанглар ва ҳаттоки “геноцид”ни, яъни бир гуруҳ иккинчи гуруҳ аъзоларини мунтазам қириб ташлашини тасвирлаб беришган². Эҳтимол, ибтидоий одамларнинг, шу ҳисобда илк *Homo sapiens*’нинг ҳам ҳаёти шу каби тузилган бўлиши мумкин. Ижтимоий инстинкт одамларни ва, шунингдек, шимпанзеларни дўст орттиришга ва иерархия ўрнатишга ундайди: бизнинг аجدодларимиз ҳам келишиб ов ва жанг қилган. Бироқ ибтидоий одамнинг ижтимоий инстинктлари шимпанзелардаги каби фақат кичик гуруҳларни қамраб олган. Гуруҳ жуда кенгайиши билан ундаги ижтимоий алоқалар бузилган ва гуруҳ бўлиниб кетган. Ҳаттоки бирор унумдор водий 500 ибтидоий сапиенсни боқа олганда ҳам, шунча келгинди бир-бири билан чиқиша олмаган: улар ким тўда боши бўлишини, ким қаерда ов қилишини ва ким ким билан қовушишини қандай ҳал қила оларди?

Когнитив инқилоб натижасида сапиенслар янада каттароқ ва барқарорроқ гуруҳларга бирлаша бошлади. Бу ерда муҳим ролни ғийбат қила олиш қобилияти ўйнади. Аммо ғийбатнинг ҳам ўз меъёри мавжуд. Социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ғийбат бирлаштира оладиган гуруҳ ҳажмининг “табiiй” чегараси – тахминан 150 одам. Одамлар 150дан ортиқ ўз тури вакиллари билан яқин бўла олмайди ва улар ҳақида бемалол ғийбатлашолмайди.

Ҳаттоки ҳозирда ҳам одамларнинг ўзаро муносабати учун критик чегара тахминан шу сеҳрли рақам билан белгиланади. Ана шу чегара доирасида компаниялар, ижтимоий тармоқлар, жамоат ташкилотлари ва ҳарбий қисмлар аъзолари ўзаро яқин бўла олиши ва ғийбатлаша олиши мумкин³. Расмий иерархия, даража ва тартибни ушлаб туриш қоидаларига ҳолат йўқ. 30 аскардан иборат взвод ва ҳаттоки 100 аскардан ташкил топган рота ўз вазифасини ташқи интизомга муҳтож бўлмай туриб, ички алоқалар ёрдамида аъло даражада бажара олади. Ҳурматга сазовор сержант “қирол” бўлади, унга ҳаттоки зобитлар қулоқ солади. Оилавий бизнес директорлар кенгаши, бош директор ва ҳисобчисиз ҳам ривожланади.

Аммо 150 кишилиқ чегарадан ўтиши билан аввалги тартиб издан чиқади. Минг аскарлик дивизияни взвод сингари бошқариш имконсиз. Муваффақиятли оила бизнеси ўсганда ва кўпроқ ишчи олинганда инқирозга юз тутади. Агар ўша пайтда қайта тартибга солиш уудаланмаса, компания одатда барбод бўлади. *Homo Sapiens* қандай қилиб бу чегарадан ўтди ва минглаб одамлар яшаган шаҳарларни, юз миллионлаб одамлардан иборат империяларни яратди? Айнан шу ерда тасаввур тили ёрдам берган. Одамларни

² Michael L. Wilson and Richard W. Wrangham, 'Intergroup Relations in Chimpanzees', *Annual Review of Anthropology* 32 (2003), 363-392; M. McFarland Symington, 'Fission-Fusion Social Organization in Ateles and Pan y International Journal of Primatology 11:1 (1990), 49; Colin A. Chapman and Lauren J. Chapman, 'Determinants of Groups Size in Primates: The Importance of Travel Costs', in *On the Move: How and Why Animals Travel in Groups*, ed. Sue Boinsky and Paul A. Garber (Chicago: University of Chicago Press, 2000), 26.

³ Dunbar, Grooming Gossip, and the Evolution of Language 69-79; Leslie C. Aiello and R. I. M. Dunbar, 'Neocortex Size, Group Size, and the Evolution of Language', *Current Anthropology* 34:2 (1993), 189. Критику этого подхода см.: Christopher McCarthy et al., 'Comparing Two Methods for Estimating Network Size', *Human Organization* 60:1 (2001), 32; R. A. Hill and R. I. M. Dunbar, 'Social Network Size in Humans', *Human Nature* 14:1 (2003), 65.

миф бирлаштира, уларнинг бир-бирини танитайдиган улкан массалари муваффақиятли ҳамкорлик қилиши мумкин.

Ҳар қандай кенг қўламли инсоний ҳамкорлик – замонавий давлатдан тортиб антик шаҳарларгача, ибтидоий қабиладан ўрта асрлар черковигача – фақат инсон тасаввурида мавжуд бўлган умумий мифлардан ўсади. Бир-бирини ҳаётда кўрмаган икки католик бирга солиб юришларига отланиши ёки касалхона қурилиши учун маблағ тўплаши мумкин, чунки иккиси ҳам Худо инсонда мужассамлашгани ва гуноҳларимиз учун ўзини хочга михлашга қўйиб берганига ишонади. Давлатлар миллий мифларга таянади. Икки нотаниш серб бир-бирини тушунади, зеро иккиси ҳам серб халқи мавжудлигига, серб ватанига ва серб байроғига ишонади. Корпорациялар ўзларининг иқтисодий асотирларини яратади. Google'нинг икки бир-бирига нотаниш ходими бирга самарали ишлайди, чунки иккаласи ҳам Google, акциялар ва доллар мавжудлигига ишонади. Суд тизими яқка ҳуқуқий асотирлар ҳисобига яшайди. Икки нотаниш ҳуқуқшунос умумий тил топа олади: иккалови ҳам қонун, адолат ва инсон ҳуқуқлари мавжудлигига ишонади.

Аммо буларнинг бари фақатгина одамлар ўйлаб топган ва бир-бирига айтиб берадиган ҳикоялар ичида мавжуд. Реалликда эса худолар, миллатлар ва корпорациялар, пул, инсон ҳуқуқлари ва қонунлар йўқ ва адолат фақат одамларнинг жамоавий тасаввурида яшайди.

Ибтидоий қабилалар шарпа ва руҳларга ишониб жамоавий бирдамликни мустаҳкамлаганини ҳамма билади; улар тўлин ойда олов атрофида биргаликдаги рақс маросимига йиғилишган. Лекин биз замонавий ташкилотларимиз ҳам шундай тузилганини сезмаймиз. Корпоратив дунёни олайлик. Замонавий бизнесмен ва ҳуқуқшунослар – қудратли шомонлар. Улар ва қадимги шомонлар ўртасидаги биргина фарқ шуки, замонавий ҳуқуқшунослар анча ғалати ҳикоялар сўзлаб бериши мумкин. Peugeot афсонаси бунга яхши мисол бўла олади.

Штадель шерини эслатиб юборувчи шакл Париждан Сиднейгача – бутун дунёда учратиш мумкин бўлган енгил автомобиллар, юк машиналари ва мотоциклларда кўриниб қолади. Бу тамға Европадаги энг қадимги ва энг катта автомобиль ишлаб чиқарувчи Peugeot маҳсулотларини безаб туради. Компания тарихи Штадель ғоридан 300 километр масофадаги Валентинья кишлоғида, камтарона оилавий бизнесдан бошланган. Ҳозирда унинг бутун дунё бўйлаб тарқалган ва кўп ҳолларда бир-бирини умуман танитайдиган икки юз минггача ишчиси бор. Бу ишчилар шунчалик баҳамжиҳат ишлайдики, 2008 йилга келиб компания 1,5 миллиондан ортиқ машина ишлаб чиқариб, 55 миллиард доллар даромад олди.



Peugeot шеру

Биз Peugeot SA (компаниянинг расмий номланиши) мавжуд деганда нимага асосланамиз? Peugeot автомобилларини ён-атрофда исталганча кўрамиз, аммо компаниянинг ўзини эмас. Ҳаттоки Peugeot'нинг барча автомобиллари темир-терсакка кетган тақдирда ҳам Peugeot SA йўқолиб кетмаган бўлар эди. Компания янги машиналар чиқараверар ва йиллик ҳисоботни давом эттираверган бўларди. Компания заводлар, дастгоҳлар, автосалонларга эгалик қилади, аммо бу мулк ва одамлар ҳам биргаликда Peugeot эмас. Табиий офат унинг барча ишчиларини, йиғувчи цехларини ва офисларини хароб қилганда ҳам, барибир компания кредит олиб, янги ходимларни таклиф этиб, завод қуриб, керакли ускуналарни сотиб олган бўларди. Компания раҳбарият ва акционерларга эга, аммо улар ҳам компаниянинг ўзи эмас. Барча менежерларни ишдан бўшатиш, акцияларни сотиш мумкин, лекин компания сақланиб қолади.

Бундан асло Peugeot SA мустаҳкам ва ўлмас деб бўлмайди. Агар суд компания ёпилиши ҳақида қарор чиқарса, заводлар ғойиб бўлмайди, ишчилар, ҳисобчилар, менежер ва акционерлар тирик қолади, лекин Peugeot SA мавжуд бўлмайди. Қисқа қилиб айтганда, афтидан у моддий дунёда эмас. У ҳақиқатан ҳам мавжудми?

Peugeot – жамоавий тасаввурда яшайдиган “фикция”. “Фикция” деганда ўйлаб топилган бирор нарса тушунилиб, унинг мавжудлиги у ҳақиқатда мавжуд деган умумий келишувимиздан келиб чиқади. Ҳуқуқшунослар бу ходисани “ҳуқуқий фикция” деб атайдилар. Моддий реаллик бу ерда йўқ, аммо компания ҳуқуқий шахс сифатида мавжуд. Сиз ва мен каби у ҳам давлатлар қонун-қоидаларига бўйсунди. У мулкка эгалик қилиш, банк ҳисоби очиш ҳуқуқига эга. У ҳам солиқ тўлайди ҳамда суд олдида фуқаролик ва ҳаттоки жиноят иши бўйича мустақил, яъни ходимлари ёки эгаларидан алоҳида жавоб бера олади.

Peugeot ҳуқуқий фикциянинг махсус турига дахлдор: “масъулияти чекланган компания”. Бу инсоният усталик билан ўйлаб топган ихтиролардан бири. Минг йиллар Homo Sapiens бу каби нарсани билмаган. Бизга маълум тарих давомида мулкка фақатгина ҳақиқий, этдан ва қондан иборат, оёқда мустаҳкам тура олган, мос мия ҳажмига эга одамгина эгалик қила олган.

Францияда XIII асрда яшаган Жан деган одам арава ишлаб чиқарадиган устахона очадиган бўлса, у ва унинг бизнеси бир бутун ҳисобланган. Агар унинг ясаган араваси сотилганидан бир ҳафта ўтиб синса, норози харидор айнан Жанни судга берган бўларди. Жан кимдандир ишни бошлаш учун минг тилла олган бўлса, касодга учраса, у қарзни тўлаш учун ўзининг шахсий мулкини сотишга мажбур бўлар эди – уйини, сигирини, ерини, балки ўз хотини ва болаларини ҳам. Бу ҳам харажатларни қопламаса, ҳокимият Жанни қарз ўрасига тикиши ёки кредиторлар уни қул қилиши мумкин эди. У устахона қилган ҳар бир иш учун тўла, чексиз масъулиятни бўйнига олганди.

Ўша пайтлар одамлар бизнес бошлашдан аввал қайта-қайта ўйлашга мажбур эди. Бундай ҳуқуқий тизим тадбиркорлик ривожига тўсиқ эди. Одамлар ўз бизнесини бошлашга, молиявий таваккалчилик қилишга кўрққан – ахир муваффақиятсизлик бутун оила хароб бўлишига ва эркинлик йўқотилишига олиб келиши мумкин эди.

Мана нима учун вақт ўтиши билан одамлар жамоавий хаёл маҳсулини – чекланган масъулиятга эга компанияни ўйлаб топган. Қонунга кўра, бундай компания унга асос солган, унга пул қўшган ёки уни бошқарадиган одамлардан мустақил мавжуд. Сўнгги асрларда айнан шундай компаниялар иқтисодиётда етакчига айланди, биз эса уларга кўникдик ва улар бизнинг тасаввуримиздагина мавжудлигини эсдан чиқара бошладик. АҚШда бундай компаниялар “корпорациялар” деб номланади. Қизиғи, бу атама латин тилидаги *corpus* – “тана” сўздан олинган, аммо корпорацияда тана йўқ. Бу Америка суд тизимига корпорациялар билан субъект сифатида муомала қилишга тўсқинлик қилмайди: бу ҳолатда улар ҳақиқий, эт ва қондан иборат одамга тенглаштирилган.

1896 йилда Арман Пежо ота-онасидан пружина, арра ва велосипед ишлаб чиқарувчи металлургия заводини мерос қилиб олиб, масъулияти чекланган компания очишга қарор қилганида, Франция суд тизими ҳам шундай ишлаган эди. У компанияни ўз исми билан номлади, шунга қарамай, компания ундан мустақил эди. Кимдандир машина бузилиб қоладиган бўлса, ранжиган харидор Peugeot билан судлашиши мумкин эди, Арман билан эмас. Компания миллионлаб кредит олиб инқирозга учраганида, Арман Пежонинг ўзи кредиторларга бир франк ҳам қарздор бўлмаган бўларди, чунки қарзни Peugeot олган, Homo Sapiens Арман эмас. Peugeot-одам 1915 йили ўлди, бироқ Peugeot-компания ҳалигача бор.

Қандай қилиб Арман Пежо исмли одам ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган Peugeot компаниясини яратган? Ўтмишда руҳонийлар ва коҳинлар худолар ва шайтонларни яратгандек, минглаб француз католик руҳонийлари ҳанузгача Исо танасини намойиш этишади: одамлар қабул қилган, ишонган бу мўъжизалар асоси – фикция. Таомилга кўра кийинган руҳоний муайян вақтда сўзларини тантанали айтганда, оддий хамир ва май Исо танаси ва қонига айланади. Руҳоний Нос est corpus meum! (“Бу менинг танам!”) деб хитоб қилади ва – фокус-покус – ўралган хамир танага айланади. Миллионлаб француз католиклар ўзини покланган май ва нонда Худо борлигига ишонтиради.

Француз парламенти томонидан қабул қилинган қонун Peugeot SA учун муҳим воқеа бўлди. Француз ҳуқуқи нуқтаи назаридан қаралганда, рухсатномаси бор ҳуқуқшунос белгиланган тартибда барча амалларни бажарса, керакли афсун сўзларни қоғозга ёзса ва жимжимадор имзоси билан мустаҳкамласа – фокус-покус – янги компания пайдо бўлади. 1896 йилда Арман Пежо компанияга асос солишга қарор қилганида, у ҳуқуқшуносга муқаддас маросим учун пул тўлаган. Ҳуқуқшунос барча белгиланган маросимларни бажариб, ёзиб ва керакли афсунни ўқиб эшиттирар экан, миллионлаб французлар Пежонинг иккига – Арман-одам ва янги Peugeot SA компаниясига бўлинганига ишонган, бошқа барча шунга ўхшаш корпорацияларни тан олгани каби уни ҳам эътироф этган.

Яшовчан сюжет ўйлаб топиш осон эмас. Коҳинлар ва руҳонийлар саноксиз худолар, руҳлар ва шайтонларнинг қудрати, нимани исташи ва ҳаттоки инжиқлигини яхши билишга мажбур эди. Масалан, афсунгар қурғоқчилик вақтида ёмғирни чақирмоқчи бўлса, қайси худо об-ҳавони бошқараётганини билиши керак. Жумладан, денгизлар ҳукмдоридан ёмғир сўраса бўладими, ёки бу учун фақат шамол ҳимоячиси жавобгарми? Буни аниқлаш учун афсунгар қабиладошлари худолар ҳақида айтаётган турли асотирларни ўрганган. Шу каби, ҳуқуқшунос ҳам масъулияти чекланган компаниянинг ҳуқуқлари ва масъулиятини аниқлашда ўзи яшаётган жамиятда мавжуд қоидаларни ўрганиб чиқади (тўғри, “тадбиркорлик ҳуқуқлари” ҳақидаги бу сюжетлар мифлардан кўра зерикарлироқ). Тадбиркорлик ҳуқуқлари билан шуғулланувчи ҳуқуқшунослар кун сайин шундай мавзуларни батафсил ўрганади ва ҳамкасблари билан корпорациянинг у ёки бу хусусиятга эгаллиги ёки эга эмаслигини муҳокама қилади. Масалан, худудга эга бўла оладими? Уруш бошлай оладими? Бирор саноатни монополлаштира оладими?

Буларнинг барчаси тасаввур тили шарофатидандир: унинг ёрдамида биз реал ҳаётда мавжуд бўлмаган ҳодисаларни тасаввур қиламиз ва ҳикояларимизда тасвирлаб берамиз. Штадель одамсимон шери ва Peugeot компанияси атомдан, тирик оқсиллардан эмас, балки уйдирмадан ташкил топган. Асрлар ва минглаб йиллар давомида одамлар мураккаб ҳикояларни тўқишни ўрганди. Peugeot каби фикциялар шунчаки кучли эмас, балки мисли кўрилмаган суръатда кучаймоқда – улар шердан ёки шерлар тўдасидан-да қудратлироқ. Бироқ улар фикциядан ташқарида мавжуд бўлолмайди. Сапиенслар мавжуд бўлмаган ҳодисаларни тасаввур ва муҳокама қилиш қобилиятини йўқотса, Peugeot компанияси, унга қўшилиб биржалар, дин, давлат, пул ва инсон ҳуқуқлари бир зумда ғойиб бўлади.

Илмий давраларда бундай миф ва бошқа сюжетлардан туғилган ҳодисалар “фикция”, “ижтимоий конструкт” ёки “хаёлий воқелик” деб аталади. Хаёлий воқелик, умуман олганда, ёлғон эмас. Алдаш – дарё бўйида шерни кўрмай туриб, кўрдим деб айтишдир. Ёлғон сапиенсларгагина хос хусусият эмас. Яшил мартишкалар ёлғонга ўрганган: улар шер кўринмаса-да, унинг яқинлашаётганини билдириб қичқиришади. Ёлғончи шу йўл билан бананга яқинлашган қариндошини чўчитиб, лаззатли таомни ўзи илиб кетади.

Ёлғондан фарқли ўлароқ, хаёлий воқеликка ҳамма ишонади, бу умумий ишонч сақланиб қолар экан, уйдирма ҳақиқий кучга эга бўлиб қолаверади. Эҳтимол, штаделлик ҳайкалтарош шер-одамга, қабиланинг муҳофиз руҳига чин дилдан ишонган. Шомонлар орасида товламачилари ҳам учраб туради, лекин уларнинг кўпчилиги худолар ва иблислар борлигига ишонади, кўплаб миллионерлар пул ва масъулияти чекланган компаниялар мавжудлигига ишонгани каби. Ҳуқуқ ҳимоячилари инсон ҳуқуқлари борлигига ишонади. 2011 йили БМТ Ливия ҳукуматидан инсон ҳуқуқларига риоя қилишни сўраганида, ҳеч ким буни ёлғон демади, аслида эса БМТ ҳам, Ливия ҳам, инсон ҳуқуқлари ҳам – шунчаки бой тасаввуримиз маҳсули.

Геномни айланиб ўтиш

Сўзлардан хаёлий воқеликни яратиш қобилияти бир-бирини танимаган кўплаб бегоналарни ҳамжиҳатликка ундайди. Бундан ташқари, модомики кўп аъзоли ҳамкорликлар асотирларга асосланган экан, ҳамкорлик шаклини шу асотирни ўзгартириб, яъни бошқа бир сюжетни яратиб ўзгартириш мумкин. Муайян вазиятларда мифлар жуда тез ўзгаради. 1789 йили французлар бир кечада қиролнинг илоҳий ҳуқуқлари ҳақидаги мифдан бошқасига – ҳокимиятнинг халққа тегишли экани ҳақидаги мифга ўтиб кетишига бир баҳя қолди. Когнитив инқилобдан бери сапиенслар ўзгарувчан шароитга мос равишда ўз хатти-ҳаракатини ўзгартира оладиган бўлди. Шу тарзда маданий эволюция генетик эволюциядан ошиб ўтиш учун қувиб ўтиш йўлакчасига тушиб олди. Ва шу тарзда Homo Sapiens ҳамкорликда ишлаш хусусияти билан бошқа ҳайвонлар ва бошқа турдаги одамларни қувиб ўтди.

Шимпанзе ва филлар зийраклиги ва ақлига қарамай, инқилоб қила олмади. Шимпанзелар ўнлаб аъзога эга гуруҳларда альфа-нар бошчилигида яшайди. Уларнинг яқин қариндоши бўлмиш кичик боноболар ҳам урғочилар, ҳам эркаклар билан гуруҳларга бирлашади, бироқ тўдага одатда урғочи етакчилик қилади. Филларда эса урғочилар болалари билан матриархал тўдаларга бирлашади, етилган нарлари эса алоҳида яшайди. Ҳамма нарсани ДНК ҳал қилмайди: ҳайвонлар хатти-ҳаракатларига атроф муҳит ва шахсий диди таъсир кўрсатади. Шунга қарамай, барқарор шароитда яшовчи ҳайвонлар хулқини аввалдан башорат қилиш мумкин. Уларнинг хулқидаги сезиларли ўзгаришлар одатда генетик мутациялар билан боғлиқ бўлади. Урғочи шимпанзелар боноболарга таклид қилмайди ва феминистик инқилоб уюштирмайди. Эркак шимпанзелар альфа-нарни ҳокимиятдан ағдариб ва гуруҳда абадий тенглик эълон қилиш учун конституцион мажлис ўтказмайди. Шунга ўхшаш радикал ўзгаришлар учун аввало генетик мутация керак бўлади.

Ана шу сабабларга кўра ибтидоий одамлар инқилоб қилмаган. Билишимизча, ижтимоий турмуш тарзидаги ўзгаришлар, технологик ихтиролар, янги ерларни эгаллаш доим генетик мутация ва атроф муҳит таъсири натижаси ҳисобланади, маданий ташаббуснинг эмас. Одамларга илк қадамларини қўйиш учун юз минглаб йиллар керак бўлган. Икки миллион йил илгари генетик мутация одамнинг янги тури – Homo Erectus пайдо бўлишига

олиб келган. Тик юривчи одам тошдан янги, янада самарали меҳнат қуролларини яратган, бу шу турнинг энг муҳим ютуғи ҳисобланади. Аммо Homo Erectus генида ўзгариш содир бўлмагунича тош қуроллар миллион йилдан ортиқ ўзгармаган.

Когнитив инқилобдан сўнг сапиенслар ўз хулқини тез мослаштириш ва кўникмаларини кейинги авлодларга етказишни ўрганди – бунинг учун уларга на генетик мутация, на атроф муҳитдаги ўзгариш керак бўлди. Яққол мисол – турли маданиятларда учрайдиган фарзандсизлар: католик ва буддавий роҳиблар, хитойлик ахталанган бюрократлар. Бу каби элиталар мавжудлигининг ўзи табиий танланишнинг фундаментал тамойилларига қарши, чунки жамиятнинг ҳукмрон вакиллари ўз хоҳиши билан насл қолдиришдан бош тортяпти. Шимпанзеларда альфа-нар ўз устунлигидан барча (ёки деярли барча) урғочилар билан қовушиш учун ва шу тарзда ўз генининг кўпроқ қисмини келгуси авлодга ўтказиш учун фойдаланади, католик альфа-нарлар эса жинсий алоқадан ва фарзанд кўришдан тийилади. Бу ҳолатнинг сабаби озиқ-овқат ёки потенциал жуфт етишмаслиги каби шароит ёки генетик мутация эмас. Католик черкови асрлар давомида “уйланмаслик гени”ни авлоддан-авлодга ўтказиб эмас, балки Янги Аҳд ва муқаддас қонунларни ўтказиб яшаб келди.



Католикларнинг альфа-нари жинсий ҳаёт ва авлод қолдиришдан воз кечяпти. Ваҳоланки бундай қурбонликни на экологик ва на генетик омиллар талаб этади.

Бошқача қилиб айтганда, одамларнинг қадимги турлари хулқини юз минг йиллар давомида ўзлаштирган бўлса, сапиенслар ижтимоий турмуш тарзини, шахслараро муносабатларни, иқтисодий фаолиятни ва бошқа турдаги хулқини ўн-йигирма йил ичида ўзгартира олади. Католик черкови, Реугеот, овчи-термачилар қабиласи хаёлий воқелигини барча насронийлар, Реугеот ишчилари ёки барча қабила аъзоларининг ДНКсини алмаштирмасдан ўзгартирса бўлади. Homo Sapiens ютуқларининг калити ана шунда. Ғолиб

билан бирга бир жангга эҳтимол неандертал чиққан бўлар эди, аммо юзлар ва минглар тортишувларда неандерталларда имкониятнинг бир улуши ҳам бўлмасди. Неандертал қондошларига шер қаерда яширинганини айта олган, лекин аждодлар руҳи ҳақидаги афсоналарни етказолмаган – ўзгартира олмаган. Неандерталлар тўқиш қобилятига эга бўлмагани боис улар катта гуруҳларга самарали бирика олмаган, ижтимоий хулқини тез ўзгараётган шароитларга мослай олмаган.

Биз неандертал миясига кириб, у қандай фикрлагани ҳақида била олмаймиз, аммо, билвосита бўлса-да, унинг ақлий салоҳиятини сапиенсга қиёсан аниқлашимиз мумкин. Европа қитъаси ичкарасидаги сапиенслар қишлоқлари қазилмаларида (чамаси 30 минг йиллар аввалги) археологлар баъзан Ўрта Ер денгизи ва Атлантика қирғоқларидан келган чиғаноқларга дуч келишади. Чиғаноқлар денгиздан бу қадар олисга фақат савдо ёки турли қабилалар ўртасидаги алмашинув орқали келган бўлиши мумкин. Неандерталлар қишлоқларида эса бундай фаолиятнинг изи ҳам йўқ: ҳар бир гуруҳ мавжуд материаллардан асбоблар ясаган.⁴

Бошқа мисолни Тинч океанининг жанубий қисмидан топамиз. Янги Гвинеядан шимолда жойлашган Янги Ирландия оролида истиқомат қилган сапиенс қабилалари ўта мустаҳкам ва ўткир асбобларни вулқон шишаси – обсидиандан ясашган. Бироқ бу оролда обсидианнинг табиий конлари йўқ. Лаборатория таҳлилларининг кўрсатишича, Янги Ирландияда яшаган сапиенслар асбоб ясаган обсидиан бошқа оролдан – Янги Британиядан – 400 километрдан олиб келинган. Демак, орол аҳолиси орасида етарлича узок масофага суза олган тажрибали денгизчилар бўлган. Сапиенслар чиғаноқ ва обсидиан алмашган, бир-бирига ахборот етказган, шу аснода билимини оширган, неандерталларда ва бошқа қадимги одам турларида эса бунга ўхшаш нарса кузатилмаган.

Шунингдек, ов қилиш техникасидаги фарқни ҳам кўрсатиш керак. Неандерталлар кўпинча ёлғиз ёки кичик гуруҳ бўлиб ов қилган, сапиенслар эса ўнтача қабиладоши, баъзан эса бошқа қабила вакиллари билан биргаликда ов қилган. Айниқса ёввойи ҳайвонларни қуршаб олиб, уларни тинчитиш қулай бўлган тор дарага ҳайдаб бориш усули самарали ҳисобланган. Агар режа иш берса, ярим кун ичида одамлар ҳамкорлиги эвазига тонналаб гўшт, ёғ ва териға эга бўлишган. Археологлар бундай жойларни аниқлашган. Ихоталар ва бошқа тўсиқлар қурилган, тузоқлар ва махсус кушхоналар ҳозирланган.

Неандерталлар ўзларининг ов майдонлари сапиенсларнинг кушхонасига айланганидан мамнун бўлмагани тайин. Бироқ бундай норозилик тўқнашувға сабаб бўлса, неандерталларнинг имконияти ёввойи отларникидан кўп бўлмаган. Анъанавий ҳамкорликдаги элликтача неандертал асло элликтача омилкор, ихтирочи сапиенсларға душман бўла олмайди. Биринчи

⁴ Yvette Taborin, 'Shells of the French Aurignacian and Perigordian', in Before Lascaux: The Complete Record of the Early Upper Paleolithic, ed. Heidi Knecht, Anne Pike-Tay and Randall White (Boca Raton: CRC Press, 1993), 211-228.

раундда сапиенслар ютқизганда ҳам, улар тезда янги ҳийлаларни ўйлаб топган ва матч-реваншда ғолиб бўлган.

Когнитив инқилоб нима?

Фараз	Инсоннинг қандай ўзига хос хусусияти когнитив инқилоб орқали пайдо бўлган?	Афзаллиги
у ерда – шер – дарё бўйида	Атроф муҳит хақида катта миқдорда ахборот бера олиш қобилияти.	Қийин ҳаракатларни режалаштириш учун, масалан, шердан қутулиб қолиш ёки бизон овлаш.
Ғийбат	Сапиенсларнинг ўзаро муносабатлари хақида катта миқдорда ахборот бера олиш қобилияти.	Жипслашган ва 150 кишигача бўлган катта гуруҳлар ташкил қилиш имконияти.
Тасаввур тили	Олов руҳи, давлат, масъулияти чекланган компания ва инсон ҳуқуқи каби реал қўлда ушлаб кўриб бўлмас бўлган нарсалар хақида катта миқдордаги маълумот бериш имкони.	А. Бир-бирига нотаниш бўлган инсонларнинг ўзаро ҳамкорлиги. В. Ижтимоий хулққа тезда мослашиб кетиш.

Тарих ва биология

Сапиенслар ихтиро қилган турфа хил воқелик ва ундан кам бўлмаган турфа хил хаёлий воқеликларни биз ҳозирда “маданият” деб атаймиз. Ҳар қандай маданият илк пайдо бўлган вақтдан бошлаб ўзгаради ва ривожланади, биз бу ўзгаришни “тарих” деб атаймиз.

Когнитив инқилоб – тарихнинг биологиядан ажралиши. Инсоннинг биологик ривожланиш назарияси тарихий ривоятлар билан алмашинади. Насронийлик ютуқлари ёки Француз инқилобини тушуниш учун атомлар, молекула ёки организмлар ўзаро таъсирини ҳисоблаш етарли эмас – фикрлар, образ ва хаёлларнинг ўзаро таъсирини ҳам инобатга олиш керак.

Бу одамзод ва унинг маданияти биологик қонунлардан озод бўлди дегани эмас. Биз қандай жонзот бўлсак, шундайлигимизча қолдик, бизнинг жисмоний, ҳиссий ва ақлий хусусиятларимизни ҳалигача ДНКмиз белгилайди. Жамиятимиз ўша неандерталлар ёки шимпанзе қабилалари ғиштларидан қурилган. Бу ғиштчаларни – сезги, ҳис-туйғулар, оилавий ришталарни синчковлик билан ўргансак, приматлар билан бизнинг орамиздаги фарқ қанчалар оз эканини кўрамиз.

Бироқ шахс ва оила даражасида фарқ қидириш бефойда. Бир ёки ўнлаб одамни шунча миқдордаги шимпанзе билан солиштирсак, фарқ ҳаттоки катта бўлади. Сезиларли фарқлар қабила аъзолари сони 150дан ошиши ёки 1000–1200 га етишида яққол кўзга ташланади. Нью-Йоркдаги биржа биноси, “Янки” стадиони, Капитолий ёки БМТ бош қароргоҳи минглаб шимпанзелар билан тўлдирилса, тўс-тўполон бошланади. Аммо сапиенслар бундай жойларда минглаб, ўн минглаб тўпланади. Улар савдо тармоқларини, оммавий тадбирлар ва иқтисодий институтларни туза олади, буларнинг бирортасини яққа ҳолда амалга ошириб бўлмайди. Одамларнинг шимпанзелардан ҳақиқий фарқи кўп одамли, оиладан то миллатгача бўлган гуруҳларни боғлайдиган сирли елимдир. Ана шу елим одамларни барча тирик жонзотлар ҳукмдорига айлантирди.

Албатта, бошқа, хусусан, асбоб яшаш ва ундан фойдаланиш каби кўникмалар ҳам муҳим роль ўйнаган. Аммо одамлар ҳамкорликда ишлашни ўрганмаганда бу асбоблардан наф оз бўларди. 30 минг йил муқаддам ихтиёримизда фақат учи чақмоқ тошли таёқлар бор эди. Қаердан олдик китъалараро ядровий ракеталарни? Асбоблар тайёрлаш каби тоза биологик қобилият минг йиллар давомида, оз бўлса-да, ўзгармаган – Альберт Эйнштейн бу борада ибтидоий овчи-теримчидан ўтиши даргумон. Лекин нотаниш инсонлар билан ҳамкорлик қила олиш хусусияти сезиларли даражада ўсган. Икки-уч дўстидан маслаҳат олган ёлғиз уста учи чақмоқ тошли найзани бир неча дақиқада яшашни ўзлаштириши мумкин. Ядровий жанговар қуролни тайёрлаш учун эса миллионлаб одамлар ҳамкорлиги, ер қаъридан уран қазиб олувчилардан тортиб, узундан-узун формулалар ёрдамида атом ичидаги жараённи тушунтириб бера оладиган физик назариячиларгача керак бўлади.

Хулоса қиламиз – когнитив инқилобдан кейин биология ва тарих муносабати қандай бўлди?

А. Homo Sapiens хулқи ва ривожланишининг асосий параметрлари биологияга асосланади. Тарих эса биология берган андоза ичида кечади.

Б. Бироқ бу андоза етарлича кенг ва сапиенсларга унда турли ўйинлар ўйнашига имкон беради. Тасаввур тили ёрдамида сапиенслар янада мураккаброқ ўйинларни ўйлаб топади, ҳар бир авлод уларни тўлдиради ва шу тарзда ривожланиш давом этади.

В. Сапиенслар хулқини тушуниш учун улар фаолиятининг тарихий эволюциясини ўрганиш керак. Агар биз фақат биологик тарафини

кўрсак, мундиалдан радиорепортажда ўйинчилар ҳаракати қолиб, фақат футбол майдони тасвирланишига ўхшаб қолади.

Тош асрида аждодларимиз тарихий майдонларда қандай ўйинлар ўйнаган экан? Бизга маълум бўлишича, 30 минг йил илгари Штадель шер одами яратувчилари худди биздек жисмоний, ҳиссий ва ақлий қобилият эгалари бўлишган. Тонгда уйқудан туриб улар ўзини қандай тутган? Нонушта ва тушликка нима еган? Уларнинг жамияти қандай бўлган? Уларда моногам оилалар бўлганмикан? Таомиллар, ахлоқий меъёрлар, спорт мусобақалари ва диний маросимлар-чи? Урушлар-чи?

Кейинги бўлимда когнитив ва аграр инқилоб орасида ҳаёт қандай бўлганини кўриш учун минг йиллик сахна ортига қарашга уриниб кўрамиз.

3.

Одам Ато ва Момо Ҳавво ҳаётидан бир кун

Табиатимизни, тарихимизни ва руҳиятимизни тушуниш учун тош асридаги овчилар ва термачилар миясига кириб боришимиз лозим. Овчилик ва термачилик даври сапиенслар тарихининг катта қисмини ўз ичига олади. Охирги 200 йил мобайнида сапиенсларнинг асосий қисми тирикчилиги заводлардаги ва офислардаги ишдан бўлди ва аждодларимиз чорвачилик ва деҳқончилик қилган сўнгги 10 минг йил улар овчилик ва термачилик қилиб яшаган ўн мингларча йиллар олдида кўз очиб юмгунча вақт ҳисобланади.

Ривожланиб бораётган эволюцион психологиянинг тасдиқлашича, бизнинг бугунги аксар ижтимоий ва психологик хусусиятларимиз аграр давргача бўлган узун муддатда шаклланган.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, ҳатто бугунги кунда ҳам бизнинг миямиз ва онгимиз овчилик ва термачилик ҳаётига мосланган. Овчи-термачилик ҳаёт тарзи ҳосиласи бўлмиш овқатланиш одатларимиз, ўзаро можароларимиз ва жинсий ҳаётимиз – буларнинг барчаси ҳозирги постиндустриал муҳит – мегаполислар, самолётлар, телефон ва компьютерлар билан ўзаро таъсирланмоқда. Бу муҳит бизга аввалги авлодларда бўлмаган моддий бойликлар ва ҳаёт давомийлигини берди, аммо, айтиш жоизки, у бизни ёлғизликка, тушкунлик ва стрессга маҳкум қилди. Бунинг сабабини тушуниш учун бизни шакллантирган ва бизнинг онг остимизга ўрнашган овчилар ва термачилар дунёсига киришимиз керак.

Нима учун биз бунчалар семизмиз? Замонавий бой давлатларнинг семизлик билан кураши беҳуда кетмоқда. Кучимизни тиклашга ҳожати бўлмаса ҳам, еяверамиз, еяверамиз ва еяверамиз. Энг ёмони, қўлимизга тушган ҳар қандай энг тузли, ширин, ёғли, юқори калорияли мазали нарсаларни бўккунча еймиз. Бу жумбоқнинг жавобини қадим аждодларимиз қандай қорин тўқлаганини эсласак топишимиз мумкин. Улар яшаган саванна ва ўрмонда юқори калорияли ширинликлар оз учраган, ўзи умуман олганда емиш ҳам кам бўлган. 30 минг йил олдин термачи десертнинг фақат бир турини – етилиб пишган меваларни билган. Агар тош асрида яшаган аёл ҳосилидан эгилай деб турган анжир дарахтига йўликса, унинг учун энг маъқули, бабуинлар илиб кетмасдан, ўша ернинг ўзида имкон қадар кўп

мевани еб қолиш бўлган. Юқори калорияли емишни оғзимизга тикиш инстинкти бизнинг генларимизда мужассамдир. Барча қулайликларга эга ҳашаматли уйларда яшашимизга, музлатгичимиз ноз-неъматларга тўла бўлишига қарамай, бизнинг ДНКмиз ҳали ҳам биз саваннада югуриб юрибмиз деб ўйлайди. Мана нима учун биз шоколадли пломбирни охириги қошиғига қириб оламиз, кока-колани босиб-босиб ичамиз.

“Очофат ген” назарияси ҳозирда умумқабул қилинган, аммо бошқа муҳокама қилинаётган назариялар ҳам бор. Масалан, айрим эволюцион психологларнинг фикрича, қадимги термачилар моногам оилаларда яшамаган, улар шахсий мулк, ягона никоҳ ва оталик тушунчалари бўлмаган ўзига хос коммуналарга бирлашишган. Бундай гуруҳда аёл бир нечта эркек (ва ҳаттоки аёллар) билан яқин муносабатларда бўлиши ва жинсий алоқадан баҳра олиши мумкин эди. Эркеклар ўз фарзандларини ажрата олмагани сабабли барча болаларга бир хилда ғамхўрлик қилишган.

Бунга ўхшаш ижтимоий тузилма – Қовға эрасининг утопияси эмас. У ҳайвонлар орасида, жумладан, бизнинг энг яқин қондошларимиз бўлмиш шимпанзе ва боноболар орасида ҳам кенг тарқаган. Антропологларнинг кузатувида кўра, айрим маданиятларда ҳозиргача жамоавий оталик амалиёти мавжуд. Бу жамиятлардаги ишончга кўра, бола аниқ бир эркек уруғидан эмас, балки бир қанча партнерларнинг аёлнинг ичида тўпланган уруғларидан ривожланади. Яхши она энг яхши овчининг эпчиллигини, башоратчининг фантазиясини, жасур жангчининг кучини ва маъшукнинг ҳиссиётини боласига мерос қилиб олиш учун қабиланинг атоқли вакиллари билан жинсий алоқага киришишга ҳаракат қилган. Бу бемаънилик бўлиб кўриняптими? Замонавий эмбриология пайдо бўлгунга қадар одамлар бола кўплаб эмас, ягона отадан туғилиши ҳақида маълумотга эга бўлмаганлигини ҳисобга олинг.

“Архаик коммуна” назарияси тарафдорларининг уқтиришича, эр-хотин ўртасидаги хиёнат, ажралишларнинг юқори фоизи, болалар ва катталар азоб чекадиган кўплаб руҳий бузилишлар инсонларни кичик оилада яшашга, моногам муносабатларда бўлишга мажбурлангани оқибатидир. Бу эса уларнинг биологик табиатига мос келмайди.⁵

Кўплаб олимлар моногам муносабатлар ва оилавий ҳаёт одам табиати билан мувофиқлигини таъкидлаб, жон-жаҳди билан бу назарияни рад қилишади. Шунга қарамай, тарихий овчи-термачилар жамияти ҳозиргидан кўра эгалитар бўлган ва унда коммуна элементлари бор эди, лекин бу тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ҳаттоки ўша пайтда ҳам жамият эр-хотин ва уларнинг давомчиларидан ташкил топган алоҳида ячейкаларга бўлинган. Шу боис, эмишки, моногам муносабатлар ва кичик оилалар ҳозирги кунда ҳам кўплаб маданиятларда нормал ҳисобланади, ҳамма жойда эркеклар ва аёллар ўз жуфтлари ва болаларини рашк қилади. Айрим давлатларда эса, жумладан, Шимолий Корея ва Сурияда ҳокимият ҳозиргача отадан ўғилга ўтиб келади. Бу баҳсларга оидинлик киритиш учун аждодларимизнинг бундан бир неча ўн минг йиллар аввалги ҳаёти – Когнитив инқилоб (70 минг йил аввал) ва Аграр

⁵ Christopher Ryan and Cacilda Jetha, *Sex at Dawn: The Prehistoric Origins of Modern Sexuality* (New York: Harper, 2010).

инқилоб муқаддимаси – тахминан 12 минг йил аввалги давр оралиғидаги ҳаёт ҳақида кўпроқ билишимиз зарур.

Афсуски, биз ишончли далилларга эга эмасмиз. “Архаик коммуна” ва “Азалий моногамия” тарафдорлари ўртасидаги баҳслар етарли бўлмаган фактларга асосланган. Албатта, ўша давр ҳақида ёзма манбалар мавжуд эмас, археологик топилмалар эса тош қотган суяклар ва тош қуроллардан иборат. Мўрт материаллар – дарахт, қамиш, теридан тайёрланган артефактларнинг жуда оз қисми сақланиб қолган. “Тош асри” тушунчаси ва қишлоқ хўжалиги кашф бўлгунча яшаган одамлар ҳақидаги улар тошдан бошқа нарсани билмаган, деган тасаввур археологик чигалликлар сабабли келиб чиққан. Бу даврни “Ёғоч асри” деб номлаш анчагина тўғрироқ бўларди. Қадимги овчи ва термачилар қуролларининг катта қисми ёғочдан ясалган, аммо биз асосан тош қуроллари топамиз, чунки тош ёғочга нисбатан яхши сақланган.

Қадимги одамлар ҳаётини сақланиб қолган предметлар асосидагина ўрганиш етарлича муаммолар туғдиради. Ўша пайтдаги овчи-термачилар ва уларнинг аграр ва индустриал даврда яшаган авлодлари орасидаги яққол фарқлардан бири шуки, термачилар жуда кам иш қуроллари билан қаноатланишдан ва, умуман олганда, бу қуроллар ҳам одамлар ҳаётида кам рол ўйнаган. Ривожланган давлат фуқароси умри давомида миллионлаб нарсаларнинг доимий ёки вақтинчалик эгасига айланади: уйлар ва машиналардан тортиб памперслар ва сут пакетларигача. Ҳар қандай машғулот тури, иношч ва ҳаттоки туйғулар қатор артефактларда ўз ифодасини топади. Айтайлик, овқатланиш таомилларимизнинг ўзи стакан ва қошиқдан тортиб, генетик лаборатория ва океан кемаларигача – ақл шоширар даражада кўп буюм ва институтлар яратилишига сабаб бўлди. Бизда қанча эрмак бор, картадан тортиб юз минг ўринлик стадионгача! Бизнинг романтик ва жинсий муносабатларимиз узуклар, кроватлар, чиройли кийимлар, эҳтиросни кўзгатувчи ич кийимлар, презервативлар, сўнгги урфдаги ресторанлар, арзон меҳмонхоналар, танишув агентликлари, аэропортлардаги кутиш заллари, никоҳ заллари ва дастурхонларни етказиб бериш хизмати кўрсатувчи компаниялар билан мустаҳкамланади. Дин гот бутхоналари ва мачитларда, индуистлар ибодатхонасида ва синагогаларда ўтажак муҳим кунларни муқаддаслаштириб беради, бунинг учун бизга Таврот ўрамлари, Тибетдаги ибодат ҳалқаси, руҳонийларнинг жуббаси, шамлар ва муаттар ҳидлар, мавлуд арчалари, тузсиз лочира, қабр ёдгорликлари, бутлар керак бўлади.

Кўчишга тўғри келмагунга қадар ўзимизнинг нақадар бой эканлигимизни пайқамаймиз. Бизнинг кўчманчи аجدодларимиз яшаш жойини ҳар ой, керак бўлса, ҳар ҳафта, ҳар куни алмаштирган. Бор нарсасини тўрвасига жойлаган-у, олға. На юк ташиш компаниялари ва на транспорт, ҳаттоки – дастлабки асрларда – от-улов ҳам бўлмаган. Шунга яраша одамлар ҳам ёнларида фақат энг керакли нарсаларни сақлашлари мумкин эди. Демак,

уларнинг ақлий, диний ва ҳиссий ҳаёти артефактларга таяниб қолмаган. Биздан кейин – 100 минг йил ўтгач, ерни титкилаган археологлар бузилган мачит ўрнида қовлаб топилган миллионлаб буюмларга қараб, мусулмон эътиқоди ва расм-русумларининг ҳақиқатга яқин манзарасини қайта тиклаши мумкин. Лекин бугунги кунда қадимги овчилар ва термачиларнинг диний маслағи ва диний маросимларини ўрганиш қийинчилик туғдиради – бу худди бирор тарихчи замонавий ўсмирларнинг мулоқотларини улардан кейин сақланиб қолган қоғоздаги ёзишмалар ёрдамида қайта тиклашга уринишига ўхшайди – ахир телефон суҳбатлари, электрон жўнатмалар, блог ва СМСлардан из қолмайди-ку.

Биз фақат археологик топилмаларга таянганимиз туфайли овчи ва термачилар ҳаёти ҳақидаги тасаввурларимиз янглиш бўлади, мана масала қаерда. Етишмаётган маълумотлар ўрнини қандай тўлдиришимиз мумкин? Келинг ҳозирги ибтидоий қабилаларга разм соламиз. Уларни антропологлар реал вақтда кузатиши мумкин. Бироқ замонавий термачилар жамиятига хос хусусиятларни қадимгиларига татбиқ қилишда эҳтиёткор бўлишлари жуда зарур.

Биринчидан, сақланиб қолган барча ана шундай қабилаларга қўшни аграр ва индустриал жамиятлар таъсир ўтказган, шу сабабли ўн минг йиллар аввал мавжуд бўлган бундай жамиятга уларнинг хусусиятларини тақаш қалтис иш бўлур эди.

Иккинчидан, ҳозирги ибтидоий халқлар оғир иқлимли ҳудудларда, деҳқончилик учун ярқисиз зоналарда яшаб қолган. Жанубий Африкадаги Калахари чўлларида экстремал шароитларга мослашган одамлар Янцзи қирғоғидаги унумдор водийда яшаган қадимий халқларнинг ҳаётини ўрганиш учун модел бўлиши даргумон. Калахари чўллари каби регионлардаги аҳоли зичлиги Янцзи водийсидаги аҳолининг зичлигига қараганда анча паст, бу омил эса табиийки инсонлар жамияти ўлчами ва тузилишига, улар ўртасидаги муносабатларга жиддий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, ибтидоий овчи ва термачи қабилаларнинг энг эътиборли ўзига хосликларидан бири – уларнинг хилма-хиллигидир. Фарқлар нафақат дунёнинг турли чеккасида эмас, балки бир регион чегараларида ҳам кузатилади. Австралия заминига илк қадам босган европаликлар кузатган бир ёрқин ҳолатни олайлик – сони 300 мингдан 700 минггача бўлган аборигенлар Британия босқини вақтида бир неча юз (200дан 600тагача) қабиллага бўлинган ва уларнинг ҳар бирида алланеча уруғлар бўлган.⁶ Ҳар бир қабиланинг ўз тили, дини, умумқабул қилинган нормалари ва одатлари бўлган. Масалан, жанубий Австралиядаги ҳозирги Аделаида атрофида қариндошликни ота тарафдан санайдиган патриархат тизимига эга бўлган бир неча уруғ-аймоқ яшаган. Бу уруғлар қатъий ҳудудий асосда қабиллага бирлашган. Австралия шимолидаги айрим қабилалар эса, аксинча, она томондан келиб чиқишига катта эътибор қаратган ва қабиллага тегишлилик ҳудудга эмас, тотемга қараб белгиланган.

⁶ Noel G. Butlin, *Economics and the Dreamtime: A Hypothetical History* (Cambridge: Cambridge University Press, 1993), 98101; Richard Broome, *Aboriginal Australians* (Sydney: Allen & Unwin, 2002), 15; William Howell Edwards, *An Introduction to Aboriginal Societies* (Wentworth Falls, N.S.W.: Social Science Press, 1988), 52.

Овчи-термачилар орасида ҳам шундай этник ва маданий турфа хиллик бўлганини тахмин қилиш мумкин. Аграр инқилоб муқаддимасида Ерда истиқомат қилган ўша 5-6 миллион одам турли тил ва маданиятга эга минглаб қабилаларга бўлинган.⁷ Когнитив инқилоб қолдирган мерос меваси шу бўлди: умумий генларга эга, бир хил экологик муҳитда яшаган одамлар тасаввур тили ёрдамида тасаввурдаги ҳар хил реалликни, яъни турфа хил норма ва кадриятларни ярата бошлади.

Мисол учун, ҳозир Оксфорд университети турган жойда 30 минг йил аввал яшаган қabila қадимий Кембрижда аҳолиси тилида гаплашмаган дейишга асос бор. Бир қabila жангари бўлса, бошқаси тинчликсевар. Айтайлик, кембрижликлар коммуналарда яшаган, оксфордликлар эса кичик оилаларга бўлиниб кетган. Кембрижликлар (уларни кентабригликлар дейиш тўғрироқ бўлади), вақтларини аямай ёғочдан ўзларини ҳимоя қилувчи руҳларнинг ҳайкалларини ясаган, бу вақтда эса оксониянликлар ўша руҳларга рақс тушиб, ўз ҳурматларини ифода қилган. Улардан биринчиси қайта тирилишга ишонган бўлса, иккинчилари бу фикрга бемаънилик деб қараган. Битта жамиятда бир жинсли муносабатларга рухсат берилган, иккинчисида қатъий тақиқланган.

Бошқача қилиб айтганда, антропологларнинг замонавий ибтидоий қабилалар борасидаги кузатув хулосалари қадимги овчи ва термачилар ҳаётини, улар қандай имкониятларга эга бўлганлигини тушунишимизга ёрдам берса-да, аслида қадимда имкониятлар доираси кенгроқ бўлган ва буларнинг барчаси бизнинг диққатимиздан четда қолмоқда. Сапиенсларнинг “Табиий ҳаёт тарзи“ атрофидаги оташин баҳслар асосий нарсани эътибордан қочирмоқда: Когнитив инқилобдан кейин одамнинг қандайдир табиий ҳаёт тарзи ҳақида гапириш мумкин эмас. Фақатгина маданий танлов бор – ҳайратомуз бой ранглар палитраси.

Азалий тўқис жамият

Қишлоқ хўжалиги давригача бўлган ҳаёт ҳақида кучли ишонч билан қандай гипотезалар яратишимиз мумкин? Аксарият одамлар бир неча ўн кишилиқ кичик гуруҳларда, максимумда эса бир неча юз кишилиқ бутунча одамлардан иборат жамиятларда яшаган деб тахмин қилиш мумкинга ўхшайди. Охириги пунктни алоҳида эътибор бериш зарур, чунки бу бир қарашда равшан кўриниб тургандай бўлса-да, аслида ундай эмас: аграр ва индустриал жамиятнинг кўп қисмини хонакилаштирилган ҳайвонлар ташкил қилади. Албатта, улар ўз соҳибларига тенглаша олмаса ҳам шу жамиятнинг ажралмас қисми саналади. Ҳозирги кунда Янги Зеландияда 4,5 миллион сапиенс ва 50 миллион қўй яшайди.

Имкониятлар доираси деганда муайян жамият учун экологик, технологик ва маданий шароитни ҳисобга олган ҳолда тушунарли бўлган

⁷ Fekri A. Hassan, *Demographic Archaeology* (New York: Academic Press, 1981), 196-199; Lewis Robert Binford, *Constructing Frames of Reference: An Analytical Method for Archaeological Theory Building Using Hunter Gatherer and Environmental Data Sets* (Berkeley: University of California Press, 2001), 143. 4

этикоднинг барча спектрлари, амалиёт ва малака тушунилади. Ҳар қандай инсон ва жамият ўз имконият доирасининг кичик қисмидан фойдаланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қоида ичида биттагина истисно бор: ит. Кучук биринчи бўлиб қўлга ўргатилган ва бу аграр инқилобгача юз берган. Олимлар бунинг аниқ санаси ҳақида турлича фикрлар билдиради, лекин бизда 15 минг йил аввал итларнинг одам билан бирга яшаганлиги ҳақидаги рад этиб бўлмайдиган далилларимиз бор. Кучуклар одамлар тўдасига бундан бир неча минг йиллар аввалроқ қўшилган бўлиши ҳам мумкин.

Итлар овда ва жангларда қатнашган, йиртқичларнинг ёки бегоналарнинг яқинлашаётгани ҳақида огоҳлантириб турган. Одам ва ит ўртасида бир бирини тушуниш ва меҳр асосида мустаҳкам алоқа пайдо бўлган. Ўлган итларни худди хўжасиники сингари маросимлар билан дафн қилишган. Авлоддан авлодга одамлар ва итлар ўзаро мулоқот қилишни ва муносабатларни тиклашни ўрганишди. Одамларнинг эҳтиёжлари ва хоҳишларини тўғри, аниқ топган итлар кўпроқ овқат ва меҳр олган, бу эса уларга яшаб қолиш учун энг яхши имкониятларни тақдим қилган. Ўз навбатида итлар ҳам ўз манфаатлари асосида одамларни манипуляция қилишни ўрганди. Ушбу 15 минг йиллик иттифоқ одам ва итни шунчалик яқинлаштирдикки, бошқа ҳеч қайси тирик мавжудот бундай яқинлик билан мақтана олмайди.



Илк уй ҳайвони дафн қилинган жой 12 минг йиллик саналади. (Шимолий Исроил, кибуца Маайян Барух музейи). Унда 50 ёшлар атрофидаги аёл скелети, унинг ёнида эса - кучукча (пастки чап бурчак). Аёлнинг чап қўли кучук мурдасига қўйилган, бамисоли улар ўртасидаги ҳиссий яқинликни акс эттириб турибди. Бошқа изоҳлар ҳам бор: масалан, кучук қабр орти дунёси дарвозабони учун совга сифатида қўйилган бўлиши мумкин.

Гуруҳ аъзолари бир-бирларини яхши таниган, бутун ҳаётларини қариндошлари ва дўстлари даврасида ўтказган. Ёлғизлик (шахсий ҳаётнинг сир тутилиши ҳам) уларга бегона бўлган. Балки қўшни гуруҳлар ресурслар учун рақобатчи бўлгандир, ҳаттоки жанг ҳам қилишган, лекин дўстлик алоқаларида ҳам бўлган. Улар бир-биридан келин олган, бирга ов

қилган, турли ғаройиботлар билан алмашган, сиёсий иттифоқлар тузган ва диний байрамларни нишонлаган. Бундай ҳамкорлик — Homo Sapiensнинг муҳим ва ажралиб турувчи белгиси бўлиб, бу кўникма сапиенсларга бошқа одам турлари устидан ҳал қилувчи хукмронлик имкониятини берди. Баъзан кўшни “оилалар” ўртасида чамбарчас муносабатлар ўрнатилиб улар умумий тил, умумий афсоналар, норма ва кадриятларга эга ягона қабилага бирлашган.

Лекин бундай “халқаро муносабатларнинг” аҳамиятини керагидан ортиқ баҳолаб бўлмайди. Критик ҳолатларда кўшни яшаган гуруҳлар бирлашган ва айрим вақтлари бирга ов қилган ёки базмлар уюштирган бўлса ҳам асосий вақтда улар якка ва бир-биридан мустақил ҳаёт кечирган. Савдо ёки айирбошлаш воситаси зийнатга эга қимматбаҳо буюмлар: чиғаноқлар, қахрабо, бўёқлар бўлган. Маҳсулотлар, мевалар ёки гўшт ёки бошқа бир шу гуруҳга оид “импортга” боғлиқ бўлган айирбошлаш товарлар ҳақида маълумотлар йўқ. Ижтимоий-сиёсий муносабатлар ҳам шундай тасодифий кўринишда бўлган. Ҳалигача қабилалар доимий сиёсий реаллик сифатида шаклланмади ва ҳаттоки дўстона гуруҳларнинг йиғилишлари учун йиғилишлари учун доимий учрашув жойи белгиланган бўлса ҳам шаҳарлар ёки қандайдир ташкилотлар ҳақида гапириш шарт эмас. Сапиенс ўз гуруҳи чегарасидан ташқарида кимnidир учратиши учун ойлар ўтган ва умуман умри давомида бир неча юздан камроқ қариндош-уруғлари билан танишишга улгурган холос. Кам сонли аҳоли кенг территорияларда тақсимланган. Аграр инқилобгача Ер юзи аҳолиси ҳозирги Каирнинг аҳолисига деярли тенг бўлган. Одамларнинг кўплаб гуруҳлари вақтининг асосий қисмини овқат излаб, бир жойда иккинчи жойга кўчиб, йўлда ўтказган. Уларнинг йўналишларини мавсумлар алмашинуви, ҳайвонларнинг ҳар йиллик миграцияси ва ўсимликларнинг ўсиш ва етилиш цикли белгилаб берган. Одатда гуруҳлар бир неча ўндан токи юз квадрат километргача бўлган майдонда айнан шу битта территориянинг ўзида ҳаракатланган.

Баъзан бу гуруҳлар “ўз” территорияларнинг чегарасидан ташқарига ҳам чиққан ва янги ерларни тадқиқ қилган — бу табиий офатлар, ички ва ташқи низолар, демографик силжишлар ёки бўлмасам харизматик раҳнамо таъсири остида юз берган. Сапиенсларнинг бутун дунёга тарқалиши мана шундай бошланган. Оддий хомчўт: овчи-термачилар гуруҳи ҳар 40 йилда иккига бўлинган ва ажралган қисм юз километрлар нарига кўчиб ўтган. Агар фақат шарқ томонга силжишда давом эса 10 минг йил ичида Африка аҳли Хитойга етиб боради.

Камдан кам ҳолларда бой овқат манбалари топилсагина одамлар мавсумий ёки йиллик лагерларга ўрнашиб яшаган. Маҳсулотларни қуриштириш, дудлаш, арктика ҳудудларида эса музлатиш техникаси ривожланиши бир жойда муқим қолиш имкониятини бера бошлаган. Яна бир аҳамиятга эга факторлардан бири: балиқлар мўл-кўл бўлган денгиз ва дарёлар қирғоқларида одамлар қишлоқлар қура бошлаган. Булар тарихдаги биринчи манзилгоҳлар бўлиб, бундан 45 минг йил аввал аграр инқилобгача Индонезия оролларида

пайдо бўлган. Улар эса ўз навбатида базавий лагер вазифасини ўтаб, Homo Sapiens ўша ердан денгиз орқали Австралияга йўл олган.

Одамлар тўдаси қорин тўқлаш учун ўзи истиқомат қиладиган кўплаб жойларда енгил ва оптимал усулларни танлаган. Одамлар мева ва термитларни терган, илдишларни кавлаб олган, қуёнларни тутган, бизонлар ва мамонтларни овлаган. Калориянинг катта қисми, витаминлар ва клетчаткани термачилик берган. Овқат топишнинг ҳар икки усули ҳам махсус асбоблар: найза, копқонлар, ер кавлаш учун таёқларга муҳтож бўлган. Бундан ташқари одамга кийим ҳам керак бўлган. Совуқ зоналарда, айниқса субарктик ва арктик худудларида, ҳаракатланиши учун сапиенслар тери ва жундан кийим тайёрлаб кийинишга мажбур эди. Одамлар овқат, материаллар ва кийим каби эҳтиёжларини тугатиб қўймаслик учун ҳамма ерда янги билимларни излашган. Яшаб қолиш учун ўзи яшаб турган жойнинг ҳаёлий батафсил ҳаритасини тузиш ва сақлаб қолиш зарур эди. Қачонки одамлар барча ўсимликларнинг табиий цикллари ва ҳайвонларнинг одат-қилиқлари ҳақида маълумотга эга бўлса кунлик ўлжа миқдори тузуккина бўларди. Улар қайси овқатлар тўйимли, қайсилари касал қилади, қайсилари эса аксинча даволайди — билишлари шарт бўлган. Улар йил фасллари кузатган ва офатлар ёки қурғоқчилик яқинлашаётганини кўрсатувчи белгиларни эслаб қолган. Одамлар ҳар бир анҳор, ҳар бир дарахт, ҳар бир ғорни ва ҳар бир чакмоқтош бор ерни ўрганиб чиққан. Сапиенслар тош пичоқлар ясашни, йиртилган кийимларни тикишни, қуёнларга тузоқ қўйишни, кўчкидан омон қолишни, илон чақишидан ва оч шернинг ҳужумидан ўзини асрашни ўрганиб олишди... Кўплаб бундай билим ва кўникмаларга эга бўлиш учун узок ўқув ва амалиёт йиллари керак бўлди. Қадимги овчи усталик билан санокли дақиқалар ичида найза учини тарошлаб қўйган – ҳозирги кунда камдан-кам одам бунинг уддасидан чиқа олади: биз кремний ва базалтнинг хусусиятларини билмаймиз ва тош найзани ўткир қилиб чархлаш учун қўлларимизга моҳирлик етишмайди. Бошқача айтганда, қадимги одам унинг ҳозирги авлодларига қараганда ўзи яшаб турган муҳит ҳақида чуқур ва хилма-хил билимларга эга бўлган. Индустириал мамлакатларнинг кўплаб фуқаролари билимсизликда ҳам жуда яхши ҳаёт кечирмоқда. Компютер мутахассиси, суғурта агенти, тарих фани ўқитувчиси ёки фабрика ишчиси бўлиш учун табиат ҳақида кўп нарса билиш шартми? Биз ўзимизнинг тор мутахассислигимиз билан жиддий шуғулланишимиз зарур, лекин кўплаб саволларда – ҳаётий муҳим – билимлари биз каби тор доирадаги мутахассислардан ёрдам сўраб мурожаат қиламиз. Ҳозирги инсон жамоалари биргаликда қадимги қабила ва қондошларимиздан бир неча баробар кўп информация тўплашга эришди, бироқ индивидуал даражада қадимги овчи ва термачилар тарихдаги энг билимдон ва уқувли мақомига лойиқ.

Айрим маълумотларнинг дарак беришича⁸, ўша давр сапиенсининг мия ўлчамлари кичиклашган. Ўтмишда тирик қолиш юқори интеллектни талаб қилган. Қишлоқ хўжалиги ва саноат пайдо бўлиши билан “тентаклар” ҳам ўрнашиб олиши мумкин бўлган қўнимлар ҳам пайдо бўлди. Мисол учун, сув ташувчи ва конвейрда ишлаб туриб, яшаб қолиш бошқаларга “аҳмоқ” генларни ўтказиб бериш имконияти яратилди. Овчилар ва термачилар нафақат ташқи оламни – ҳайвонлар, ўсимликлар, қўл остидаги материаллар – балки ўз таналари ва сезги органларини ҳам аъло даражада бошқаришга ўрганган. Улар энг паст шитирлашларни ҳам ажрата олган – майсалар устида илон судралиб келмаяптими? Дарахт барглари орасидан уларнинг ўткир нигоҳи қушларнинг полапонлари ва асал ари уяларини фарқлай олган. Одамлар шовқинсиз ва эҳтиёткорлик билан ҳаракатланган, улар кам куч сарфлаб, сермахсул юрган ва чопа олган. Доимий ҳаракатда бўлганлиги туфайли худди марафончилар сингари бақувват ва шундай эпчилликка эга бўлганки бу ҳақида замонавий одам орзу ҳам қила олмайди. Ҳаттоки бир неча йиллик кунг-фу ва йога машғулотларидан кейин ҳам.

Овчилар ва термачиларнинг ҳаёт тарзи мавсумга ва яшаш жойига қараб ўзгариб турган, аммо умумий олиб қаралганда уларнинг ўрнига келган деҳқон, чўпон, ишчилар ва офис хизматчиларининг ҳаётига қараганда ҳар томонлама қулай ва ёқимли бўлган. Бугун ривожланган давлатларда одамлар ҳафтасига 40-45 соат, қашшоқларида – 60 ва ҳаттоки 80 соатгача ишлайди, ернинг Калахари чўлларига ўхшаш меҳмондўстлик бегона бўлган жойларида эса ибтидоий қабилалар меҳнат қилиш учун ҳафтасига 35-45 соат ажратади. Улар ўртача ҳар уч кунда бир ов қилишади, термачиликка эса кунига уч соатдан олти соатгача вақт саралашади. Одатий шароитда ўзини ўзи таъминлаш учун шунинг ўзи етарли. Катта эҳтимоллик билан Калахаридан кўра унумдор ерларда яшаган одамлар овқат ва хомашё излаш учун бундан ҳам кам вақт сарфлаган. Бундан ташқари улар уй ишларига ўралашиб ҳам қолмаган: на ювилмаган идишлар, на чангланган гиламлар, на артиш керак бўлган поллар, на нам пардалар, на коммунал хизматлар учун тўлов. Ўша вақтдаги иқтисодиёт аксарият одамларга ҳозирги аграр ва индустриал жамият аъзоларидан кўра қизиқарли ва эса қоларли воқеаларга бой ҳаётни яшаб ўтиш имконини берган. Ҳозир фабрикада ишлайдиган хитойлик аёл уйдан эрталаб еттидан чиқади, искирт кўчалардан ўтиб боради ва зимистон бинога етиб боради ва у ерда кун бўйи ўй-хаёлларни ўлдирадиган станок олдида ўн соатлаб бир хил вазифани бажариб, терга ботиб ишлайди. Уйга кеч соат саккизда қайтади- уни ювилмаган идиш-товоқ ва кийимлар кутиб турибди. 30 минг аввал ана ўша Хитойда кўчмани аёл ўртоқлари билан

⁸ 10. Paul Seabright, *The Company of Strangers: A Natural History of Economic Life* (Princeton: Princeton University Press, 2004), 261 n. 2; M. Henneberg and M. Steyn, 'Trends in Cranial Capacity and Cranial Index in Sub-Saharan Africa During the Holocene', *American Journal of Human Biology* 5:4 (1993): 473-479.

, айтайлик, эрталаб соат саккизда лагердан чиққан. Улар ўрмон ва далалар аро кезган, кўзиқорин терган, ейишга яроқли илдизларни кавлаган, бақаларни тутган, йўлбарслардан қочиб қутилган. Кун ўртасига келиб лагерга қайтган ва тушлик тайёрлаган. Уларда ғийбат, узундан-узоқ ҳикоялар, болалар билан ўйнаш, дам олиш ва уйку учун керагидан ортиқча бўш вақти бўлган. Албатта, баъзан кимдир йўлбарсга ем бўлган ёки илон чақишидан вафот этган – аммо автомобил аварияга учраш хавфи ёки атроф-муҳит захарланишидан азобланиш каби нарсалар бўлмаган.

Ернинг кўплаб регионлари термачиликнинг ҳар қандай даврида одам организми учун энг яхши диетани кафолатлаб берган. Бунинг ҳайрон қоладиган ери йўқ – ахир одам минг йиллар давомида шундай озикланган ва организмимиз бу озуқага мослашган. Тошга айланган суяк ва скелетларга қараб хулоса қилсак бизнинг аجدодларимиз очликдан ёки балансланмаган овқатдан азият чекмаган ва ўртача олиб қаралганда юқори бўйли ва ўзининг яқин авлодлари бўлган деҳқонлардан кўра бақувват бўлган. Ўртача умр давомийлиги 30-40 ёш бўлган, лекин статистикани юқори болалар ўлими бузган, агар чақалоқ биринчи, энг хавфли, йилларни енгиб ўтса унда 60 ёшгача яшаш учун яхшигина имконият бўлган, кимдир эса 80 ёшга ҳам етиб борган. Замонавий қабилаларда 45 ёшли аёл яна 20 йилни чамалайди ва ушбу популяциянинг 5-8% қисмини 60 ёшдан катталар ташкил қилади.⁹

Муваффақият сири жуда ҳам турфа хил бўлган овқат рационида. Деҳқонлар кам ейди ва уларга тегишли маҳсулотларни жудаям чекланган. Айниқса индустриал эрадан аввал деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли энергияни бир турдаги ўсимликдан – буғдой, картошка ёки гуручдан олган ва табиийки организм учун керакли витамин ва микроэлементларни етарлича қабул қилмаган. Қадимги термачилар эса доимий равишда ўнлаб турли туман ўсимликларни истеъмол қилган, шунинг учун барча витамин ва керакли ингредиентларни қабул қилган. Яна бир жиҳати шундаки, уларнинг ҳаёти буғдой ва гуручга боғлиқ бўлмаганлиги туфайли ҳосил бўлмаган вақтда очликдан ўлиб кетмаган. Аграр жамиятларни эса қурғоқчилик, ёнғин ёки ер қимирлаши каби офатлар буғдой, гуруч ёки картошкадан маҳрум қилган ва улар қирилиб кетиш хавфи остида қолган.

Албатта, қадимги одамларни табиий офатлар четлаб ўтмаган, улар ҳам етишмовчилик ва очлик даврларидан хабардор бўлган, лекин бу вазиятлардан тезроқ ва осонроқ чиқиб кетган. Маълум овқат манбалари йўқ бўлганда уларнинг ўрнини бошқа ўсимликлар ёки бошқа турдаги ҳайвонларни овлаш билан қоплашган, яна бошқа офатдан зарар кўрмаган бошқа ерга ҳам кўчиб ўтишлари мумкин эди. Овчилар ва термачилар учун юқумли касалликлар жуда кам хавф солган. Аграр ва саноат тараққий этган жамиятлардаги қутурган юқумли касалликларнинг (чечак, қизамиқ, туберкулёз) ташувчиси уй қорамоли ҳисобланади. Одамлар фақат аграр инқилоб натижасида касалланишни бошлади. Итдан бошқа ҳайвонни сақламаган қадимги овчилар

⁹ Nicholas G. Blurton Jones et al., 'Antiquity of Postreproductive Life: Are There Modern Impact on Hunter-Gatherer Postreproductive Life Spans?', American Journal of Human Biology 14 (2002), 184-205.

ва термачилар бу бахтсизликлар ҳақида билмаган ҳам. Юқорида айтилганидек – аграр ва индустриал жамият тикилинч ҳаёт кечирган ва аҳолининг ногигиеник шароитда зич яшаши касалликлар тарқалишига сабаб бўлган. Термачи ва овчилар эса кичик гуруҳларда яшаган ва бир жойдан иккинчи жойга тез-тез кўчиб турган, бу эса эпидемиялар тарқалишига қаршилик қилган.

Саломатлик ва турфа хил овқатлар, ҳафта давомидаги қисқа иш вақти, инфекциян касалликларнинг йўқлиги – буларинг ҳаммаси олимларга қишлоқ хўжалигича бўлган жамиятга “азалий бекаму кўст” таърифини беришди. Тан олиш керак, бу қишлоқларни идеаллаштириб бўлмайди. Бу кўчманчиларнинг ҳаёт тарзига деҳқонлар ва саноат ишчилари ҳасад қилиши мумкин, бироқ уларнинг ҳам дунёсида муаммолар ва трагедиялар етарлича бўлган. Регуляр тарзда уларга у ёки бу сабаб туфайли очлик ёки бошқа қийинчиликлар хавф солиб турган. Болалар ўлими жуда юқори бўлган, ҳар қандай бахтсиз ҳодиса — масалан, дарахтдан қулаб тушиш — катта эҳтимоллик билан муқаррар ўлим билан яқунланган. Қавм аъзолари дўстона кўп алоқали оилада ўзларини яхши ҳис қилганликларига қарамай, қайсидир адоват уйғотишни ёки масхара қилинишини амаллаган қабила аъзоси файласуф Сартргача “Жаҳаннам - бу ўзгалар!”, -деб хитоб қилиши мумкин эди. Ибтидоий даврда қотиб қолган замонавий халқларда кўчиш жараёнида ортда қолаётган қария ва касалларни йўлда очлик ҳукмига қолдиришади ёки ўлдиришади. Бундан ташқари исталмаган чақалоқлар ва ёш болаларни йўқотишади, баъзан эса одамларни хас қурбонликка келтиришади. Аче (гуаяки) халқи Парагвай жунглиларида 1960 йилларгача истиқомат қилган. Уларни ўрганган антропологлар худдики ибтидоий дунёга назар солгандан бўлишган. Хурматга эга юртдоши ўлганда кичкина қизчани ўлдириб, у билан бирга дафн қилинган. Олимлар касал ва қабиладошларига етишиб юрмаган ўрта ёшдаги эркакни шунчаки дарахт тагига ўтириш учун қолдириб кетишганини қайд қилишган. Дарахт олдида эса жўрчилар (ўлимтиклар билан озикланадиган қушлар) ўлжа умидида учиб келган, лекин бемор, оч қолган қушларинг умидларини пучга чиқариб бор кучини тўплаб ўрнидан турган ва қабиладошларига етиб олган. Унинг танаси қуш чиқиндилари билан қопланган эди ва шундан сўнг уни “жўрчилар ахлати” деб атай бошлашган. Қари аёлнинг қариндошларига унинг оғирлиги тушишни бошлаганда ундан ёшроқ эркаклардан бири аёлнинг орқасидан келиб энса соҳасига болта билан зарба бериб уни ўлдирган. Қабила вакилларида бири кизиқувчан антропологларга ўзининг ёшлик даврлари ҳақида шундай деган: “Қарияларни тез-тез ўлдирганман. Ўзимнинг ҳолаларимни ўлдирганман... Энди эса оқлар келди, мен ожиз бўлиб қолдим.

Умуман олганда кўплаб қарияларни ўлдирганман.” Сочсиз туғилган фарзанд чала туғилган ҳисобланган ва шу заҳоти ўлдиришган. Бир аёл ўзининг биринчи фарзандини қандай ўлдиришганини хотирлайди — эркаклар яна битта қиз улар учун керак эмас деган қарорга келишган. Бошқа сафар эса бир

эркак “кайфияти йўқ вақтда бола йиғлагани учун“ болакайни ўлдирган. Бошқа болани эса тирикчилиги кўмиб юборишган, чунки “у қандайдир ғалати бўлган ва болалар унинг устидан кулишган”.¹⁰ Лекин аче халқига ҳукм чиқаришга шошилманг. Улар билан йиллаб яшаган олимларнинг таъкидлашича, қабиланинг вояга етган вакиллари зўравонликдан хавфсирамасликлари мумкин эди. Ҳам эркаклар, ҳам аёллар ўз партнёрларни бемалол алмаштирган. Улар ҳар доим табассум қилишган, кулишган, қатъий иерархия ҳақида билишмаган ва бир-бирига хўжайнчилик қилишга интилишмаган. Улар ҳайратланарли сахийлиги билан ажралиб турган, арзимаган бойлигидан осонгина воз кечишган, на бойликка ва на муваффақиятга интилишган. Ҳаёти давомида ҳаммасидан ҳам кўра ўзаро мулоқот ва дўстликни қадрлаган.

Болалар, қариялар ва беморларнинг қотиллигига биз худди абортлар ва эвтаназия қараганимиз каби муносабатда бўлишган. Эслатиб ўтамиз, Парагвай деҳқонлари бу одамларга қарши қирғинбарот бошлаган ва уларни аёвсиз қирган. Эҳтимол, айнан шу доимий хавф аче халқи қабиласига ортиқча ташвиш туғдириши бўлганлардан қатъий тарзда четга қочишга мажбур қилгандир. Одамларнинг ҳар қандай ибтидоий жамияти жуда осон қурилмаган. Уни фақат юзаки танишув билан на идеаллаштириб, на намоёиш қилиб бўлмайди. Ачелар на фаришта, на иблис бўлишган — улар одам эди. Худди қадимги овчи-термачилар сингари.

Рухлар билан мулоқот

Бизга қадимги одамларнинг маънавий ва интеллектуал дунёси ҳақида нималар маълум? Уларнинг хўжалик фаолиятини объектив ва қўл остимиздаги маълумотларга таянган ҳолда қайта тиклашимиз мумкин. Мисол учун, тирик қолиш учун кунига неча калория кераклигини, ёнғоқнинг бир килограмми қанча калория бергани ва ўрмоннинг бир километр квадрат майдонидан қанча ёнғоқ йиғиш мумкинлигини ҳисоблашимиз мумкин. Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, ёнғоқнинг қадимги одамларнинг овқатланишида қандай рол ўйнагани ҳақида асосланган хулосалар қилишимиз мумкин. Лекин улар ёнғоққа қандай муносабатда бўлган — уни ширинлик деб ҳисоблашганми ёки ундан яхшироқ нарса йўқлиги сабабли ейишганми? Ёнғоқ шохларида рухлар кўришганми? Ёнғоқ барглари шакли уларга чиройли туюлганми? Овчилар ва термачилар қабиласидаги йигит қиз билан романтик жойда ёлғиз қолишни истаса ёнғоқ дарахти соясини танлаганми? Фикрларни, ишончэтиқодни, туйғуларни англаш ва ўрганиш моддий дунёни ўрганишдан кўра қийинроқ

Аксар олимларнинг фикрига кўра, овчи-термачилар орасида анимистик тасаввурлар (лотинчадан. *ánima*—“руҳият, рух”) бўлган, яъни уларнинг дунёси бир бири билан мулоқотга кириша оладиган жонли рухлар билан тўла бўлган. Анимист учун ҳар қандай жой ва ҳайвон, ўсимлик ва табиат ҳодисаси шуур ва ҳиссиётларга эга бўлган. Анимист қоя

¹⁰ Kim Hill and A. Magdalena Hurtado, *Ache Life History: The Ecology and Demography of a Foraging People* (New York: Aldine de Gruyter, 1996), 164,236. 13. Hill and Hurtado, *Ache Life History*, 78.

чўққисидаги катта тош туйғулар ва хоҳишларга эгаллиги, муайян эҳтиёжларга эгаллигига бутунлай ишониши мумкин.

Одамларнинг қайсидир ҳаракатлари уни ғазабини кўзгаса, қайсидир ҳаракатларидан димоғи чоғ бўлиши мумкин. Тош хатолардан огоҳлантиради, тош унга сиғинишларини талаб қилади. Ва одамлар тошга ҳам ўтинч, ҳам дўқ-пўписа билан мурожаат қилишлари мумкин. Ва нафақат тош, балки қоя этагидаги дуб, водийда оқаётган жилға ва бу жилға манбаси, манбани ўраб олган буталар ҳам жонли. Ва, албатта, шу жилғадан сув ичаётган даладаги сичқонлар, бўрилар ва қарғалар ҳам.

Анимистнинг дунёсида нафақат реал предмет ва жонзотлар, ҳаттоки номоддий нарсалар: мархумларнинг арвоҳи, биз ҳозирда пари, иблис, фаришталар деб атайдиган жамики яхши ва зарар келтирадиган кучлар рухга эга. Анимистлар одамларни бошқа мавжудотлардан қулатиб бўлмас девор билан ажратишмайди. Ҳамма улар билан нутқ, кўшиқлар, рақслар ва диний маросимлар орқали тўғридан-тўғри улар билан мулоқот қилиши мумкин. Овчи буғулар подасига мурожаат қилиши ва буғулардан бири одамларни тўйғазиш учун ўзини қурбон қилишини сўраши мумкин. Омадли кечган овдан сўнг ҳалок бўлган ҳайвондан кечирим сўрашади. Қабила вакиллари билан касалликка чалинса шаман бу хасталикни чақирган рухлар билан алоқага чиқади ва уларни раҳм қилишларини сўрайди ёки ҳайдаб солади. Фарқли жиҳати барча алоқа ўрнатиш актларида рухлар конкрет боғланиш объекти сифатида қабул қилинади.

Универсал худолар йўқ, мана бу буғунинг, бу дарахтнинг, ҳолнинг, касалликнинг руҳи бор. Нафақат одамлар ва бошқа мавжудотлар ўртасида девор мавжуд эмас, яна қатъий иерархиянинг ўзи ҳам йўқ. Бунинг устига одам манфаатлари бошқа мавжудотлар учун биринчи ўринда турмайди. Ва бу илоҳлар ҳамма нарсага қодир эмас, дунёни ўзлари истагандек бошқара олмайди. Бошқача қилиб айтганда, олам на одамлар атрофида ва на қандайдир бошқа гуруҳ мавжудотлари атрофида айланади.

“Анимизм” номи остида олимлар минглаб турли динлар, ишонч-эътиқод ва культларни бирлаштиради – бу қанақадир аниқ дин эмас. Буларнинг ҳаммаси учун умумий – олам ва ундаги одамнинг ўрни ҳақидаги ягона тасаввур. Қадимги овчи-термачиларни “анимистлар” деб атаганимизда индустриал давргача бўлган деҳқонларни ҳам “теистлар” деб номлаб, худди шу каби умумий гипотезалар ҳақида гапирамиз.

Теизм (грекчадан. theos –“худо”) одамлар ва кичик олий мавжудотлар гуруҳи – худолар билан иерархик алоқаларга қурилади. Халқаро сиёсий тизим мана шу муносабатларга таянади. Аграр жамиятлар одатда теистик бўлган деган таъкид рост, лекин бу кам маълумот беради. “Теистлар” умумий сарлавҳаси остида XVIII асрда Польшада яшаган яҳудий раввинларни, XVII асрда жодугарлар овида илғор бўлган Массачусет пуританларини ва ацтек қоҳинларини (Мексика XV аср), суфий тасаввуфчилари (Эрон XII аср), X аср викинг жангчиларини ва римлик легионерларни (айтайлик, милоннинг бошланиши) ва замонавийлардан эса хитойлик амалдорларни бирлаштириш

мумкин. Қизиғи шундаки, юқорида келтирилган гуруҳлардан ҳар қайсиси бошқа эътиқод ва диний амалларни қабиҳ ва бидъатли деб ҳисоблаган.

Қадимги анимистларнинг маслағи ва диний амаллари, афтидан, жуда кам даражада бир-бирини инкор қилган ва фарқланган. Ва катта эҳтимоллик билан уларнинг диний амаллари чегараларга эга бўлмаган ва хотиржам ўтган – у низолар, реформалар ва инқилобларни четлаб ўтган. Энди биз юқорида айтиб ўтилган умумий хулосалар ва изоҳлардан олдинроққа қимирлай олмаймиз. Ўша пайтдаги маънавий ҳаётнинг аниқ тафсилотларини саранжомлашга интилиш мавҳум ва спекуляцияда қолиб кетади, ахир, биз етарлича фактларга эга эмасмиз, топилган кам миқдорда борларини ҳам, - бир сиқим артефактлар ва қояга ўйиб чизилган расмларни- минг хил талқин қилиш мумкин.

Ростини айтганда, олимлар қадимги одамларнинг ўй-фикрлари ва туйғулари назариясига келганда палеолит даври диний эътиқодларидан кўра замонавий тадқиқотчиларнинг бидъатларини ёритади. Ўзи кам топилган табаррук қабрлар, қояларга ўйиб чизилган суратлар ва суякдан ясалган ҳайкалчаларни юзаки назарияларни тоғдай қилиб ўйиб ташлагандан кўра, қадимги овчилар ва термачилар динлари ҳақида ноаниқ тасаввурга эга эканлигимизни рўйирост тан олиш тўғрироқ бўлади. Биз уларни анимистлар деб атаймиз, лекин бу номланишни ўзи кам маъно беради. Улар қандай рухларни чақирган, қандай байрамларни нишонлаган, қанақа табуларга риоя қилган. Энг асосийси: диний маросимларнинг асосида турган афсоналардан воқиф эмасмиз. Ва бу инсоният тарихи ҳақидаги тушунчаларимиз ичидаги энг катта бўшлиқдир.



Ласко горида 15-20 минг йиллар аввал ўйиб чизилган сурат. Бу ерда айнан нима тасвирланган ва расмдаги маъно нима? Айримлар қуш бошили ва кучли эрекциядаги одамни бизон ўлдираётганини кўради. Одамнинг тагида яна битта қуш. Иккинчи қуш эса ўлим вақтида танадан учиб чиқаётган рухни ифодалаши мумкин. Агар шундай бўлса ушбу

фреска шунчаки ов вақтидаги бахтсиз ҳодисани эмас, балки бу оламдан ўлимдан кейинги борлиққа ўтиши тасвирлаган. Аммо биз бу хулосаларнинг қанчалик адолатли эканлигини текшира олмаймиз. Тўғриси бу ҳозирги олимлар учун Роршах тести: улар ҳақида ўйилган сурат шарофати билан кўп нарсани биламиз, бироқ қадимги овчи ва термачиларнинг диний эътиқодлари ҳақида ҳеч нарса билмасдик, билолмаймиз ҳам.



“Кафтлар зорида” (Аргентина) тахминан 9 минг йил аввал қадимги одамлар қўл кафтлари изини қолдирган. Худдики қоядан аллақачон вафот этган одамлар қўлларини чўзиб тургандек. Бу тош асрининг одамни тўлқинлантирувчи ёдгорликларидан бири, лекин у нимани англатиши бизга қоронги

Яна биз термачилар дунёсининг ижтимоий-сиёсий тузилмаси ҳақида ҳам деярли ҳеч нарса билмаймиз. Ҳаттоки, шахсий мулк бўлганми, кичик оила, моногам муносабатлар бўлганми каби асосий саволларда ҳам олимларнинг қарашлари бўлиниб кетади. Балки, турли одамлар жамоаси турли принциплар асосида бирлашгандир ва Қўшма Штатларнинг ғарбий соҳилларидаги инновацияларни кенг ёйиш учун бошланган, лекин ички ҳамжиҳатликнинг йўқлигидан азият чекадиган компьютер старапларида бўлгани сингари қайсидир тузилмаларда либерал ва мўрт бўлгандир, бошқа гуруҳлар эса қатъий иерархияга риоя қилган – худди нью-йоркдаги юридик фирмалар каби – ғоят эффектив, аммо тез мослашувчан эмас.

Археологлар Россиядаги Сунгир манзилгоҳида бундан 30 минг йил аввал мамонт овчиларининг қабристонига дуч келишди. Қабрлардан бирида ёши тахминан элликларга яқин эркакнинг мамонтнинг қозик тишларидан ясалган мунчоқлар билан қопланган скелетини топишди – қабрдан ҳаммаси бўлиб уч мингга яқин мунчоқ чиққан. Марҳумнинг бошини тулки тишлари билан пардоз берилган қалпоқ безаб турган. Қабристондаги бошқа қабрларда бундай бойликлар топилмаган. Олимларнинг хулосасига кўра мамонт овчилари иерархик жамиятда яшаган ва бу марҳум уруғ жамоасини бошқарган, балки бир нечта уруғлардан иборат катта қабиланидир, чунки

битта уруғнинг бир неча ўн аъзоси ўз қўллари билан бундай ҳашаматли либос ва тақинчоқларни тайёрлаши даргумон эди.

Шу ўртада янаям қизиқроқ мозор аниқланди. У ерда бошма-бош ётган икки скелет: 12-13 ёшлардаги болакай ва 9-10 ёшли сон суяги кучли деформацияланган қиз топилди. Болакай танаси 5 мингга яқин суякдан ясалган мунчоқлар билан қопланган. Унда ам тулки тишлари билан безатилган қалпоқ бўлган ва яна 250та тулки тишлари билан ясатилган белбоғ бўлган (буни тайёрлаш учун камида 60та тулкини ўлдириш керак). Қизга эса 5250та мунчоқ тегган. Ўлган болалар атрофига ҳайкалчалар ва суякдан ясалган турли буюмларни ёйиб қўйилган. Малакали хунарманд ёки хунарманд аёл бу мунчоқлардан бирини яшаш учун 45 дақиқага яқин вақт сарфлайди, шунга кўра, вафот этган икки бола учун ишлатилган 10 мингта мунчоқларни яшаш учун – бошқа артефактлар ва тақинчоқларни ҳисобга олмаганда- 7500 соат меҳнат қилиш керак, яъни агар заргар ёлғизликда ишласа 3 йилдан кўпроқ вақт дегани!

Бу болалар шу қадар ёш даврида қабила сардорлари бўлганликлари ёки ўзларини қабиланинг қимматли вакили сифатида кўрсатганликлари даргумон. Демак, бунчалик серҳашам қабр қабиланинг маданий ўзига хос жиҳатлари билан тушунтирилади. Назариялардан бирига кўра, ўзларининг статуслари учун улар ота-онаси олдида қарздор бўлган. Эҳтимол, булар қабила бошлиғининг фарзандлари бўлган, ўша маданиятда эса ягона харизмага, оиланинг “кучига” ишонишган ёки мероснинг қатъий қоидаларига риоя қилишган. Бошқа назария: болаларни қачонлардир ўлган аждодларинг тимсоли санашган. Учинчи назарияда тахмин қилинишича, бу қабр болалар қандай ўлим топганини ифодалайди, яъни улар қурбонлик қилинган (фараз қилайлик, сардорни ёдлаш маросимида), кейин эса тантанали тарзда дафн қилинган.¹¹

Аниқ жавобни билолмаймиз, лекин нима бўлганда ҳам сунгур болалари 30 минг йиллар аввал сапиенслар уларнинг ДНКсида йўқ бўлган ва бошқа одам турлари, ҳайвонларнинг ўзини тутишида бўлмаган социал кодларни яратишганининг ишончи исботи бўлиб хизмат қилди.

Уруш ёки тинчлик?

Яна бир баҳсли савол бор: урушлар. Баъзи олимлар қадимги овчилар ва термачилар жамияти дунёсини идеал сифатида кўради, худди уруш ва зўравонликлар фақат аграр инқилобдан сўнг, шахсий мулк пайдо бўлгандан кейин пайдо бўлгандек. Бошқалар эса, аксинча, қадимги кўчманчилар дунёси ҳаддан ташқари шафқатсизлик билан ажралиб турган. ҳар икки назария ҳам кулгили, ер билан бу хомхаёлларни нозиккина ип – археологик далил-ашёлар, ва антропологларнинг ҳозирда бутун сақланган “ёввойи” қабилаларни кузатишда олган маълумотлари- бор холос.

¹¹ Vincenzo Formicola and Alexandra P. Buzhilova, 'Double Child Burial from Sunghir (Russia): Pathology and Inferences for Upper Paleolithic Funerary Practices', *American Journal of Physical Anthropology* 124:3 (2004), 189-198; Giacomo Giacobini 'Richness and Diversity of Burial Rituals in the Upper Paleolithic', *Diogenes* 54:2 (2007), 19-39.

Олимлардаги маълумотлар қанчалик қизиқ бўлса, шунчалик турли маъноларни беради. Ҳозирги замон овчи-термачилари Арктика ва Калахарига ўхшаш меҳмонларни хуш кўрмайдиган, аҳоли зичлиги паст бўлган ерларда яшайди ва уларнинг душман гуруҳлар билан учрашиб қолиш эҳтимоллиги кам. Бундан ташқари, ибтидоий қабилалар бир неча авлодлардан бери замонавий давлат назорати остида.

Бу эса ўз-ўзидан катта масшабли конфликтларни тўхтатади. Антропологлар фақат икки марта – Американинг шимоли-ғарбида XIX асрда ва Австралианинг шимолида XX аср бошигача – аҳоли зичлиги шартли равишда юқори бўлган ва мустақил бўлган овчи-термачилар гуруҳининг юриш-туришини кузатишга улгурган. Австралия аборигенлари ва хиндуларига тез-тез юз бериб турадиган қуролли тўқнашувлар хос бўлиб чиқди.

Археологик топилмалар эса кам сонли ва ноаниқ, тушунарсиз. Урушдан ўн минг йиллар ўтиб қандай далиллар сақланиб қолиши мумкин? У вақтда қалъалар қуришмаган, деворлар кўтаришмаган, нафақат ўқотар қуроллар, ҳаттоки қиличлар ва қалқонлар ҳам бўлмаган. Найзалар эса овда қандай қўлланилса, жангда ҳам шундай қўлланилаверган. Тошга айланган одам қолдиқларига қараб тахмин қилиш ҳам осон эмас. Суяк синишнинг сабаби нима – олишувми ёки бахтсиз ҳодиса? Синишларнинг йўқлиги ҳам марҳум зўрлик билан ўлдирилмаганлигининг исботи эмас, чунки у юмшоқ тўқималар жароҳати туфайли ҳам вафот этиши мумкин, шундай экан скелетда ҳеч қандай излар қолмаган. Бундан ташқари, биламизки, индустриал давргача 90% қурбонларни очлик, совуқ ва касалликлар олиб кетган, жанглар эмас. Агар 30 минг йил олдин қабила қўшниси устидан ғалаба қозонса бу жангда мағлуб қабиланинг 10 аъзоси ҳалок бўлиши мумкин ва мағлубларни ўзлари ўрганган ердан ҳайдаб солинса келаси йилга яна юзта одам очлик, қаҳратон ва касалликлардан ўлган. 110 нафар бечоранинг скелетларини кавлаб топган археологлар деярли ҳаммани табиий офат ҳалок қилган деган хулосага келади. Офат бу сафар уруш бўлганини қандай аниқлаш мумкин?

Мана шундай тушунтиришлардан сўнг, энди, археологик тадқиқотлар натижаларига эътибор қаратамиз. Португалияда бевосита аграр инқилобгача бўлган даврга тегишлилиги таъкидланган 400 та скелет ўрганилган. Фақатгина иккитасида қотиллик белгилари топилди. Исроил худудида ўтказилган ўхшаш тадқиқот эса яна ҳам ишончсизроқ натижани берди: 400та скелетдан фақат биттасида бош суягида ҳужум натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлган ёриқ топилди. Дунай водийсидан топилган қишлоқ хўжалиги давригача бўлган қишлоқдан топилган 400та скелетдан 18тасида қотиллик излари бор – бу сон жуда кам кўриниш мумкин, лекин аслида бу жуда юқори фоизни ташкил қилади. Агар 18 киши ростдан зўрлик билан ўлдирилган бўлса Дунай водийсидаги 4,5% ўлимларнинг сабаби – қотиллик. Ҳозирги кунда инсон қўлидан – урушлар ва жиноятларни ҳисобга олган ҳолда – Ер аҳолисининг 1,5% қисми ҳалок бўляпти. Бир неча геноцидлар ва қонли икки жаҳон уришлари гувоҳи бўлган XX асрда бу кўрсаткич 5%дан ошмаган. Агар Дунай водийсидаги топилмалар бу жой учун типик бўлса, демак, бу

худудда қадимда XX асрдагидек жангари ва зўравонликка мойил одамлар яшаган.

Дунай водийсидаги нохуш топилма ягона эмас. Шунга ўхшаш аянчли далиллар бошқа ерларда ҳам топилган. Суданда, Жебел-Сахаб яқинида, 12 минг ёшдаги мозор топилган. 59 скелетларнинг 24тасининг суякларига найза ва ўқларнинг учи қадалиб қолган – бу умумий ўлганларнинг 40% қисмини ташкил қилади. Бир аёлнинг скелетида 12та жароҳат саналган. Бавариядаги Офнет ғорида икки ўрадан 38 нафар қадимги одамларнинг қолдиқлари топилган, уларнинг кўпчилиги аёллар ва гўдаклар бўлган. Скелетларнинг ярмида, ҳаттоки болалар ва чақалоқларникида ҳам, одам қуролларининг – пичоқ ва таёқ - излари сақланиб қолган. Кам сонли эркакларда эса бундан белгилар кўпроқ топилган. Афтидан, бу одамлар Офнет ғорида батамом қириб ташланган.

Қайси топилмалар қадимги овчи-термачиларнинг ҳаётини тўғри акс эттиради: Португалия ва Исроилда топилган ўз ажали билан ўлган скелетларми ёки ЖебелСахаб ва Офнет ғоридаги жанг қурбонларининг скелетларими? Буниси ҳам, буниси ҳам. Ўша даврнинг кенг ва турли туман динлари ва ижтимоий тартиб-қоидаларининг нақадар турфа хил бўлганлиги ҳақида аллақачон гапириб ўтдик. Демак, зўрликка муносабат ҳаммада бир хилда бўлмаган. Айрим худудлар қайсидир давр мобайнида тинчлик гаштини сурган бўлган, бошқасида шиддатли низоларда бўлган.

Бошқа бир гипотеза ҳам мавжуд: Дунай водийсидаги 18та марҳумларнинг ҳаммаси ҳам суякларида сақланиб қолган зўравонлик натижасида ўлмаган. Кимдир фақат жароҳатланган бўлиши мумкин. Бошқа тарафдан, кўпчилик изи қолмайдиган юмшоқ тўқималар жароҳатидан ёки урушнинг қочиб бўлмас ҳамроҳи– очликдан вафот этган бўлиши мумкин.

Жимлик пардаси

Овчи-термачиларнинг ҳаётини ҳаттоки умумий кўринишда айтиб бериш мушкул масала, устига устак алоҳида воқеа-ҳодисаларни эса қайта тиклай олмаймиз. Сапиенслар неандерталлар яшайдиган водийга келганида нима юз берган? Фаразимизча ҳайратланарли тарихий драма бўлган. Лекин, афсуски, ўша учрашувдан кейин ҳеч нарса қолмаган, борлари ҳам –бир нечта тош қотган суяклар ва тош қуроллар – тадқиқотчилар қанчалик тиришмасин, далиллар аввалгидек гунг.Бу топилмалар бизга одам анатомияси, технология ривожини, овқатланиш ва ҳаёт тарзи, ҳатто ижтимоий тузилиш ҳақида қандайдир маълумотлар бериши мумкин, аммо улар сапиенсларнинг икки гуруҳи тузган сиёсий иттифоқ тўғрисида, аждодлар руҳи бу иттифоқни қандай маъқуллагани ҳақида, уларнинг розилигини олиш учун шаманга фил суягидан нечта мунчоқ бериш кераклиги тўғрисида ҳеч нарсани айтиб бермайди.

Жимлик пардаси биздан инсониятнинг ўнлаб минг йиллик тарихини беркитиб турибди. Бу минг йилликлар, катта эҳтимол билан, урушлар ва инқилоблар, диний реформалар, чуқур фалсафий таълим, санъатнинг дурдона асарлари гувоҳи бўлган. Империяси чегаралари минглаб квадрат километрга етган Наполеонлар; бамбукдан ясалган сурнайда чалган куйига

кабиладошлари ҳаяжондан кичқирган, лекин симфоник оркестри бўлмаган Бетховенлар; яратувчи эмас, балки тепаликдаги эманда яшовчи рух ҳақида ҳикоя қилиб берган биринчи пайғамбарлар пайдо бўлган бўлиши керак. Лекин буларнинг барчаси – фаразлар. Жимлик пардаси шунчалик қалинки, бу воқеа-ҳодисалар рўй берганми йўқми билмаймиз, тафсилотлар ҳақида-ку сўз бўлиши мумкин эмас.

Олимлар жавоб олиш мумкин бўлган саволларни беришга мойилроқ. Лекин ҳозирча қадимги овчи-термачилар нимага ишонган ва қандай драмалар дунёни ларзага солганлигини билиш учун қўл остимизда вақт машинасига ўхшаш инструментимиз ёки узоқ аجدодларимиз руhini чақириш кўникмаларимиз йўқ. Шунга қарамай бу саволларни беравериш керак, акс ҳолда 60-70 минг йиллик тарихни шунчаки “бу вақт ичида одамлар арзирли ҳеч нарса яратмаган” деган оқлов билан ҳисобдан чиқариб ташлаймиз. Лекин, нафақат инсон онги, балки бизни ўраб олган олам ҳам айнан ўша даврда шаклланган.

Экстремал туристлар Сибир тундралари, Марказий Австралия чўллари ва Амазонка жунглиларига одам оёғи етмаган, унинг таъсирига учрамаган жой излаб интилишмоқда, лекин бу – иллюзия. У жойларда туристларгача, анча олдин, овчилар ва термачилар бўлишган, ва улардан сўнг кўп нарса ўзгарган, ҳаттоки ўша энг қуюқ жунгли ва энг иссиқ чўлларда ҳам. Навбатдаги бобда қадимги одамлар биринчи қишлоқлар пайдо бўлгунга қадар экологияни қандай қилиб ўзгартирганликлари ҳақида ҳикоя қиламиз. Самовий мифологияга эга сапиенсларнинг кўчманчи гуруҳлари Ернинг ҳайвонот дунёси дуч келиши мумкин бўлган энг кучли – энг бузғунчи-куч бўлиб чиқди.

4.

Тўфон

Когнитив инқилобга қадар барча турдаги одамларнинг истиқомат қилиш ареали континентал Афроевросиё ҳамда сузиб ёки омонат солларда етиб бориш имкони топилган яқин атрофдаги бир қанча ороллар билан чекланган эди. Жумладан, Флорес ороли 850 минг йил олдин эгалланган эди. Аммо одамлар очик денгизга чиқиб, Америкага, Австралияга ёки Мадагаскар, Янги Зеландия ва Ҳавайи сингари олис оролларга етиб бора олмас эди.

Фақат одамлар эмас. Афроевросиё жониворлари ва ўсимликларининг кўпчилиги бу тўсиқни енгиб ўтиб, “ташқи дунё”га тарқала олмас эди. Австралия ва Мадагаскар фаунаси миллионлаб йиллар мобайнида изоляцияда ривожланиб, Афроевросиёдагидан мутлақо фарқли шакл ва хусусиятларга эга бўлиб борди. Ер бир нечта ёпиқ экотизимларга бўлинди, уларнинг ҳар бири ўзига хос ҳайвонот ва наботот оламига эга эди. Бу биологик хилма-хилликка айнан *Homo sapiens* чек қўйди.

Когнитив инқилоб натижасида сапиенслар технологияларга, жамоа бўлиб яшаш кўникмасига ва балки башорат қилиш қобилиятига эга бўлди. Ана шунда улар Афроевросиё чегарасидан чиқиб, бутун дунёни бўйсундирди. Улар 45 минг йил муқаддам Австралияни эгаллашдан бошлади. Ҳозиргача олимлар улар буни қандай уддалагани устида бош қотиради. Австралияга

бориш учун кўплаб бўғозларни кечиб ўтиш керак эди, айримларининг кенглиги 100 километрдан ошарди, бундан кейин эса мутлақо бошқача экотизимга мослашиш керак эди.

Энг ҳақиқатга яқин гипотезага биноан, тахминан 45 минг йил аввал сапиенслар Индонезия оролларида (бу ороллар гуруҳи Осиёдан ва бир-биридан жуда энсиз бўғозлар билан ажратилган) инсоният тарихида биринчи марта ҳақиқий денгиз сайёҳларига айланди. Улар океанда сузишга мўлжалланган кемалар қуришни ва уларни бошқаришни ўрганди; улар қирғоқдан узоқ масофада балиқ овлар, янги ерлар очар ва “ҳалқаро” савдони йўлга қўяр эди. Бу кўникмалар индонезияликларга Австралияга етиб бориб, у ерда ўрнашиб қолишда ёрдам берди. Турмуш тарзи бу қадар кескин ўзгариши Ер тарихида ўхшаши йўқ ҳодиса бўлди. Барча сутэмизувчилар – тюленларга, денгиз сигирларига, дельфинларга – денгиз жониворига айланиши учун миллионлаб йил керак бўлди, улар тананинг суйри шаклини олишига ва ихтисослашган органларни ривожлантиришига тўғри келди. Африка саванналарида изғиб юрган маймунлар авлоди бўлмиш индонезиялик сапиенслар эса тюлень каби куракоёқ ўстирмай, кит сингари бурни энсасига кўчиб ўтишини кутмай Тинч океанини кесиб ўтди – кема қуриб, уни бошқаришни ўрганди.

Ишонарли бўлиши учун 45 минг ёшли соллар, эшаклар ёки бутун бошли балиқчилар қишлоғини қазиб чиқаришса яхши бўларди (осон вазифа эмас, ахир ўшандан буён жаҳон океани сатҳи кўтарилди ва Индонезиянинг олдинги қирғоқлари 300 метрлик сув қатлами остида қолиб кетди). Аммо бу назарияни билвосита тасдиқловчи кўпгина далиллар бор, хусусан, бир неча минг йил давомида бевосита Австралияга кўчиб ўтгач, сапиенслар материкдан шимолда жойлашган кўп сонли кичик оролларни эгаллади. Уларнинг баъзилари – масалан, Бука ва Манус – очик океанда, ердан 200 километр узоқликда жойлашган. Одамлар етарли даражада мураккаб кемаларга ва денгизда сузиш кўникмаларига эга бўлмай туриб Манусга етиб олганига ишониш қийин. Юқорида айтилганидек, ороллар, дейлик, Янги Ирландия ва Янги Британия ўртасида йўлга қўйилган денгиз олди-сотдисини тасдиқловчи далиллар сақланиб қолган.¹²

Австралияга уюштирилган бу илк экспедиция инсоният тарихидаги энг йирик воқеалардан бири бўлиб, аҳамияти жиҳатидан Колумб кашфиётидан

¹² James F. O’Connell and Jim Allen, ‘Pre-LGM Sahul (Pleistocene Australia — New Guinea) and the Archeology of Early Modern Humans’, in *Rethinking the Human Revolution: New Behavioural and Biological Perspectives on the Origin and Dispersal of Modern Humans*, ed. Paul Mellars, Ofer Bar-Yosef, Katie Boyle (Cambridge: McDonald Institute for Archaeological Research, 2007), 395-410; James F. O’Connell and Jim Allen, ‘When Did Humans First Arrived in Greater Australia and Why Is It Important to Know?’, *Evolutionary Anthropology* 6:4 (1998), 132-146; James E O’Connell and Jim Allen, ‘Dating the Colonization of Sahul (Pleistocene Australia — New Guinea): A Review of Recent Research’, *Journal of Radiological Science* 31:6 (2004), 835-853; Jon M. Erlandson, ‘Anatomically Modern Humans, Maritime Voyaging, and the Pleistocene Colonization of the Americas’, in *The first Americans: the Pleistocene Colonization of the New World*, ed. Nina G. Jablonski (San Francisco: University of California Press, 2002), 59-60, 63-64; Jon M. Erlandson and Torben C. Rick, ‘Archeology Meets Marine Ecology: The Antiquity of Maritime Cultures and Human Impacts on Marine Fisheries and Ecosystems’, *Annual Review of Marine Science* 2 (2010), 231— 251; Atholl Anderson, ‘Slow Boats from China: Issues in the Prehistory of Indo-China Seafaring’, *Modern Quaternary Research in Southeast Asia*, 16 (2000), 13-50; Robert G. Bednarik, ‘Maritime Navigation in the Lower and Middle Paleolithic’, *Earth and Planetary Sciences* 328 (1999), 559-560; Robert G. Bednarik, ‘Seafaring in the Pleistocene’, *Cambridge Archaeological Journal* 13:1 (2003), 41-66.

ёки “Аполлон-11”нинг Ойга парвозидан қолишмайди. Биринчи марта инсон Афроевросиё экологик тизимидан узилди, биринчи марта йирик куруклик жонивори Осиёдан Австралияга етиб бора олди. Лекин Эски Дунё билан видолашувдан ҳам муҳими кашшофлар Янгисида яратган нарсалари бўлди. Биринчи овчи-теримчи Австралия қирғоғига оёқ қўйган ондан бошлаб инсон озиқ-овқат пирамидасида энг юқори поғонани мустаҳкам эгаллади ва Ердаги энг хавфли жониворга айланди.

Одамлар аввал ҳам атроф-муҳитга мослашишда ҳавас қиларли қобилият кўрсатган эди, аммо бу муҳитга сезиларли таъсир ўтказмас эди. Улар янги манзилгоҳларга кўчиб ўтишни ва уларга тезда мослашишни ўрганди, лекин улар бу экотизимларда ҳеч нарсани ўзгартирмас эди. Австралиянинг илк аҳолиси эса – аниқроғи, босқинчилар – шунчаки мослашиш билан чекланмади. Улар маҳаллий экотизимни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди.

Австралиянинг қумлоқ қирғоғига келиб тушган илк одамнинг изини ўша заҳотиёқ тўлқин ювиб кетди, аммо материк ичкарасига кириб борган келгиндилар ҳар километрда бошқа турдаги, на сув, на асрлар ўчира олмайдиган излар қолдирарди... Йўлда улар кўплаб нотаниш жониворларни, масалан, 200 килограммли, бўйи икки метр кенгуруни ҳамда ўлчамлари бугунги йўлбарсдан қолишмайдиган қопчиқли арслонни – бу янги ерлардаги энг йирик йиртқични – учратар эди. Дарахтларда коалалар ўтирарди, улар шунчалик йирик эдики, уларни эркалаш ва силашни ҳеч ким хаёлига келтирмаган бўларди, текисликларда туякушдан икки баробар йирикроқ қанотсиз қушлар уюрлари чопиб юрарди. Баланд майсаларда аждарларга ўхшаш калтакесаклар ва беш метр узунликдаги илонлар судралар эди.



Ўрмонларда улкан дипротодон – 2.5 тонна вазнга эга вомбат изғиб юрарди. Бу ҳайвонлар (судралувчилар ва қушлардан ташқари, табиийки) қопчиқли эди: уларнинг болалари эмбрионлар мисоли митти ва заиф бўлиб туғилар, сўнг қориндаги “қопчиқ”да сақланар эди. Қопчиқли жониворлар сутэмизувчилар туркумига мансуб, яъни улар наслини сут билан боқади. Африка ва Осиёда бундай жонворлар деярли йўқ эди, бироқ Австралияда улар яккаҳоким эди.

Дипротодон (лот. *Driptodon*) – қурукликда яшаган, ҳозиргача маълум бўлган энг йирик халтали ҳайвон. Дипротодон Австралияда бундан 1.6 миллион йилдан токи 40 минг йилгача бўлган даврда, яъни плейстоценнинг катта қисмида яшаган ғайриодатий турлардан иборат Австралия мегафаунасига тааллуқли жонивор. Дипротодонларнинг бош суяги ва тана скелетлари, жунлари ва излари Австралиянинг кўплаб жойларида топилган. Баъзан урғочи Дипротодонларнинг скелетлари билан бирга қачонлардир халтачасида сақланган болалари скелетлари топилиб туради.

Бир неча минг йил ўтди ва бу гўзаллик ғойиб бўлди. 24 турдаги Австралия жониворларидан – айримлари ярим тоннадан ошиқ вазнга эга эди – фақат биттаси омон қолди.¹³ Кўплаб кичикроқ турлари ҳам қирилиб битди. Бутун Австралияда илгариги озуқа занжири узилиб, ўрнига янгилари шаклланди. Миллионлаб йиллик изчил ривожланишдан сўнг Австралия экотизими шиддат билан кўрқинчли даражада ўзгариб кетди. Бунда *Homo sapiens* айбдорми?

Барча бандлар бўйича айбдор

Айрим тадқиқотчилар аجدодларимизнинг зиммасидан айбни соқит қилиб, уни кутилмаган иқлим ўзгаришига юклашга уринади (бундай ҳолатларда у энг биринчи гумонланувчидир). Лекин сапиенслар бу қирғинга алоқадор эмаслигига ишониб бўлмайди. Уларнинг алибисини уч аргумент йўққа чиқаради ҳамда бизнинг тур Австралия мегафаунасини йўқ қилганини фош этади.

Биринчидан, Австралия иқлими 45 минг йил олдин ўзгарган ҳам дейлик, бу ўзгаришлар жуда кескин эмас эди. Об-ҳаво инжиқликлари йирик ва кучли жониворларни ўз-ўзидан ёппасига қириб юбориши қийин эди. Ҳозир ҳамма нарсага иқлим ўзгаришини балогардон қилишади, лекин, дангал айтсак, Ер иқлими ҳеч қачон барқарор бўлмаган. Ҳарорат эгри чизиғи ва бошқа об-ҳаво шароитлари узлуксиз ўзгариб боради. Сайёра тарихидаги ҳар қандай воқеа қандайдир иқлим ўзгаришига тўғри келади.

Сайёрамиз қатор исиб кетиш ва совиб кетиш даврларидан ўтган. Охирги миллион йил давомида ўртача ҳар 100 минг йилда бир марта музлик даври келган. Охирги музлик даври 75 минг йил олдин бошланиб, бор-йўғи 15 минг йил олдин ниҳоясига етди. У ўта қаҳрли келмади, лекин унда ҳам икки марта совуқ авжига чиққани қайд этилган – тахминан 70 минг ва 20 минг йиллар аввал. Улкан дипротодонлар Австралияда 1.5 миллион йил олдин пайдо бўлган ва камида ўнта муз давридан омон ўтиб олган. Улар учун машъум бўлган ўша муз даврининг энг совуқ палласи ҳам уларга айтарли зарар келтирмаган – 70 минг йил аввал уларнинг оммавий қирилиб кетиши қайд

¹³ Timothy F. Flannery, *The Future Eaters: An Ecological History of the Australasian Lands and Peoples* (Port Melbourne, Vic.: Reed Books Australia, 1994); Anthony D. Barnosky et al., 'Assessing the Causes of Late Pleistocene Extinctions on the Continents', *Science* 306:5693 (2004): 70- 75; Bary W. Brook and David M. J. S. Bowman, 'The Uncertain Blitzkrieg of Pleistocene Megafauna', *Journal of Biogeography* 31:4 (2004), 517-523; Gifford H. Miller et al., 'Ecosystem Collapse in Pleistocene Australia and a Human Role in Megafaunal Extinction', *Science* 309:5732 (2005), 287-290; Richard G. Roberts et al., 'New Ages for the Last Australian Megafauna: Continent Wide Extinction about 46,000 Years Ago', *Science* 292:5523(2001), 1888-1892

этилмаган. Нега унда 45 минг йил аввал бу рўдаполар йўқ бўлиб кетди? Албатта, агар бу вақтда фақат дипротодонлар қирилиб кетганида, биз буни кўнгилсиз тасодиф деб ҳисоблардик. Аммо Австралия экотизими улар билан бирга йирик ҳайвонларнинг 90 фоизидан кўпроғини йўқотди. Дарҳақиқат, бу билвосита далиллар, лекин тасодифга ишониш қийин: негадир Австралиянинг барча жониворлари айнан материкда одам пайдо бўлганида совуқдан қирилиб кетди¹⁴.

Иккинчидан, оммавий қирғин иқлим ўзгариши туфайли юз берган ҳолатларда денгиз жониворлари қуруқликдагиларидан кам зарар кўрмайди. Аммо 45 минг йил аввал океан фаунаси, афтидан, ўзини жуда яхши ҳис этган. Австралиянинг фақат ер усти жониворлари қирилиб кетиб, қирғоқ олдидагилари омон қолганини айнан инсон омили билан тушунтириш мумкин. Одам қандайдир денгизчилик кўникмаларини ўзлаштирган бўлса-да, у пайти фақат қуруқликда хавфли эди.

Учинчидан, Австралияда рўй берганга ўхшаш оммавий қирилиш кейинги тарихда яна бир неча бор кузатилган, ва улар одамлар Катта дунёнинг навбатдаги бўлагини забт этганда рўй берган. Бу кейинги ҳодисаларда инсоннинг айби ҳеч қандай шубҳа-гумонсиз аниқланган. Масалан, 45 минг йил олдинги тахминий “иқлим ўзгариши”дан жароҳатсиз чиққан Янги Зеландия мегафаунаси оролларда одам пайдо бўлиши билан жиддий йўқотишларга дучор бўлди. Янги Зеландия мустамлакачилари бўлмиш маорилар оролга тахминан 800 йил олдин етиб борган. Икки аср давомида йирик жониворларнинг асосий қисми, улар билан бирга қушларнинг 60 фоизи Ер юзидан супуриб ташланди.

Шимолий муз океанидаги Врангель оролида (Сибирь соҳилидан 200 километр нарида) яшовчи мамонтлар популяцияси бошига ҳам шу қисмат тушди. Миллион йиллар давомида мамонтлар Шимолий ярим курранинг деярли барча минтақаларида умргузаронлик қилиб келди, бироқ бу ҳудудда – дастлаб Евросиёда, сўнг Шимолий Америкада – *Homo sapiens* тарқалиши асносида мамонт яшовчи ареал торайиб борди. 10 минг йил олдин мамонтни олис арктик ороллардан бошқа бирор ерда учратиб бўлмас эди, асосий популяция эса фақат Врангель оролида сақланиб қолганди. У ерда бароқ филлар бир неча минг йил фаровонликда кун кечирди, лекин 4 минг йил олдин бирдан бедарак йўқолди – айнан ўшанда оролга одамлар келган эди.

Австралиядаги йирик жониворлар ҳалокати ноёб ҳодиса бўлганида эди, биз гумонни гумонланувчи фойдасига талқин қилишимиз мумкин эди. Аммо Ернинг бутун тарихи *Homo sapiens*’ни экологик жамоаларнинг серияли қотили

¹⁴ Stephen Wroe and Judith Field, ‘A Review of Evidence for a Human Role in the Extinction of Australian Megafauna and an Alternative Explanation, *Quaternary Science Reviews* 25:21-22 (2006), 2692-2703; Barry W. Brooks et al., ‘Would the Australian Megafauna Have Become Extinct If Humans Had Never Colonised the Continent? Comments on “A Review of the Evidence for a Human Role in the Extinction of Australian Megafauna and an Alternative Explanation” by S. Wroe and J. Field’, *Quaternary Science Reviews* 26: 3-4 (2007), 560-564; Chris S. M. Turney et al., ‘Late-Surviving Megafauna in Tasmania, Australia, Implicate Human Involvement in their Extinction, *Proceedings of the National Academy of Sciences* 105:34 (2008), 12150-12153.

сифатида фош этади; шунда ҳам бизнинг қаттол тур Австралия фожиасига алоқадор эмаслигига ишонамизми?

Австралияни босганлар тош асри технологиясига эга эди. Улар қандай қилиб экологик фожа келтириб чиқара олди? Бунга бир-бирини муваффақиятли тўлдирадиган уч изоҳ бор.

Биринчидан, аввало фожа қурбонларига айланган йирик жониворлар секин кўпаяди. Ҳомиладорлик бир неча ой давом этади, бир мартада кам бола туғилади, ҳомиладорликлар орасида кўп вақт ўтади. Шунга мувофиқ, одамлар дипротодонни ҳатто бир неча ойда бир марта ўлдирганда ҳам, бу популяциядаги ўлим даражаси туғилиш даражасидан ўзиб кетиши ва бир неча минг йилдан сўнг охирги дипротодон ёлғизликда қазо қилиши, у билан эса бутун тур ҳам ҳалокатга учраши табиий эди.

Афтидан, баланд бўйига қарамай, дипротодонлар ва Австралиянинг бошқа гигантлари осон ўлжага айланган, негаки икки оёқли овчилар уларни ғафлатда қолдирган. Африка ва Осиёда одамларнинг ҳар хил турлари 2 миллион йил давомида яшаб, секинлик билан эволюция қилиб келган. Улар секин-асталик билан ўз кўникмаларини чархлаб борган ва тахминан 400 минг йил аввал йирик жониворларга ҳужум қилишга жасорат топа олган. Африка ва Осиё жониворлари одамнинг айёрлигини тушуниб олиш ҳамда хавфдан сақланишни ўрганиши учун етарлича муддат бўлмаган. *Homo sapiens* Осиё ва Африканинг асосий йиртқичига айланган вақтга келиб, йирик ҳайвонлар икки оёқлилардан узоқроқ юриш кераклигини биларди. Австралия гигантлари эса буни ўрганишга улгурмаган, улар бу вазиятда қочиш кераклиги ҳақида тасаввурга эга эмас эди. Одамлар уларга хавфли туюлмаган – уларда на ўтқир тиш, на арзирли мушак бор эди. Африка ва Осиё жониворлари одам аслида кўринганидан кўрқинчлироқ эканини аччиқ тажрибада билиб олган. Лекин улкан қопчиқли сутэмизувчи дипротодон илк бор майда маймунни кўрганида, бу рўдапо миқ этмай барг чайнашда давом этган. Ҳатто дастлабки ҳужумлардан кейин ҳам дипротодонлар биродарларини янги таҳдид ҳақида огоҳлантира олмаган. Жониворлар одам олдида кўрқув ҳиссини пайдо қила олиши учун каттагина муҳлат керак, улар эса улгурмади, ва оқибатда бари ҳалок бўлди.

Иккинчи изоҳ: Австралияга етиб борган сапиенслар аллақачон олов ишлатарди. Нотаниш, кўрқитувчи муҳитга дуч келгач, одамлар ўтиб бўлмайдиган чакалакзорлар ва қалин ўрмонларга қасддан ўт қўя бошлаган. Уларга ов қилиш ўнғай бўлган очиқ яйловлар кўпроқ мос келарди. Шу тариқа бир неча минг йил ичида одамлар Австралиянинг кенг ҳудудлари экологиясини ўзгартириб юборган. Ўсимликларнинг қазилма қолдиқлари бу гипотезани тасдиқлайди. 45 минг йил аввал Австралияда эвкалиптлар кўп эмас эди, аммо *Homo sapiens* пайдо бўлиши билан бу дарахт учун олтин аср бошланди. Эвкалиптлар бошқа барча дарахт ва буталарни сиқиб чиқариб, ҳамма кенг тарқала бошлади. Флора таркибидаги бундай ўзгариш ўтхўр жониворларга ҳам, гўштхўр йиртқичларга ҳам таъсир кўрсатди.

Рациони бутунлай эвкалипт баргларидан иборат коалалар тинмай барг чайнар экан, янги худудларни бажонидил ўзлаштирарди. Бошқа турларнинг зинҳор қувонадиган ери йўқ эди, кўплари оммавий қирилиб кетаётганди. Асосий озуқа занжири узиб юборилиб, заиф ҳалқалар йўқ қилинган эди.¹⁵

Учинчи гипотеза фауна ҳалокатида ҳам ов, ҳам олов сабабчи эканини тан олади, лекин иқлим омилини ҳам инобатга олади. Австралияда 45 минг йил муқаддам рўй берган иқлим ўзгаришлари экотизим барқарорлигини издан чиқарган, у заифлашиб қолган. Оддий шарт-шароитда экотизим, илгарилари бўлганидай, ўзини тиклаб оларди. Аммо одамлар қитъага айнан мана шу қалтис вақтда келиб, издан чиққан экотизимни тубсизликка итариб юборган. Бу омиллар – иқлим ўзгариши ва инсон тажовузи – уйғунлиги айниқса йирик жониворлар учун хавфли, негаки улар олдида бирданига бир нечта таҳдид юзага келади, ва бундай вазиятда тирик қолишнинг мақбул стратегиясини танлаш қийин.

Бизда ушбу гипотезалардан бирини танлаш учун етарли ишонарли фактлар йўқ. Лекин *Homo sapiens* жанубга йўл олмаганида Австралияда ҳали ҳам қопчикли шерлар, дипротодонлар ва улкан кенгурулар яшаган бўлар эди дейишга асосимиз бор.

Ялқовлар сўнги

Австралия мегафаунаси ҳалокати – *Homo sapiens*'нинг Ердаги фаолиятида илк кўзга кўринарли оқибат. Ундан кейингиси янада каттароқ миқёсдаги экологик фожа эди, бу сафар Америкада. *Homo sapiens* Ғарбий ярим куррага етиб боришнинг уддасидан чиққан биринчи ва охириги одам тури бўлди. Бу тахминан 16 минг йил аввал, яъни милoddан аввалги 14-мингйилликда рўй берди. Илк ташрифчилар Америкага пиёда етиб келди – у пайти денгиз сатҳи шу қадар тушиб кетган эдики, Сибир шимоли-шарқи ва Аляска шимоли-ғарби ўртасида қуруқликдаги “кўприк” ҳосил бўлганди. Барибир бу қийин йўл бўлганди, балки Австралияга уюштирилган денгиз экспедициясидан қийинроқ бўлгандир. Ғарбий ярим куррага ўтиш учун сапиенслар шимолий Сибирнинг экстремал шароитида, кутб тунида, 50 даража қаҳратонда тирик қолишни ўрганиши лозим эди. Илгари бирор одам шимолга бу қадар узоқ кириб бормаган эди. Ҳатто совуққа одатланган неандерталлар жануброқда – иссиқроқ минтақаларда яшарди. Лекин танаси абадий қор ва муз салтанатидан кўра Африка саваннаси шароитларига яхшироқ мослашган *Homo sapiens* топқирлиги боис, Сибирда ҳам ўзини уддалаб кетди. Кўчманчи сапиенсларнинг катта гуруҳлари шимолга силжиши асносида улар қорда юриш учун оёқ кийимлари ясашни ўрганар ва игнадан фойдаланган ҳолда бир неча қават тери ва кўндан иссиқ сақлайдиган либослар тикар эди. Улар мамонтларни ҳамда Сибирнинг бошқа йирик жониворларини

¹⁵ L.H. Keeley, 'Proto-Agricultural Practices Among Hunter-Gatherers: A Cross-Cultural Survey', in *Last Hunters, First Farmers: New Perspectives on the Prehistoric Transition to Agriculture*, ed. T. Douglas Price and Anne Birgitte Gebauer (Santa Fe, N.M.: School of American Research Press, 1995), 243-272; R. Jones, 'Firestick Farming', *Australian Natural History* 16 (1969), 224-228.

Ўлдириш учун янги қурол ва мураккаб ов услубларини ўйлаб топар эди. Кийим-кечак ва овчилик услублари такомиллашиб бориши асносида сапиенслар бу музли минтақаларга янада чуқурроқ кириб боришга журъат этар, шимолга қанчалик чуқур кирса, кийим, ов стратегияси ва омон қолиш кўникмалари шунчалик такомиллашар эди.

Лекин бундай саъй-ҳаракатлар нега керак эди? Наҳотки одамлар яшаш учун ўз ихтиёри билан Сибирни танлаган? Афтидан, айримлари у ерга уруш, демографик муаммолар ёки табиий офатлар туфайли бориб қолган, аммо бу ўлкаларнинг ўз ижобий томонлари ҳам бор эди, биринчи навбатда оқсилли озиқ-овқат кўп эди. Арктикада кўплаб йирик ва мазали ҳайвонлар, шу жумладан, шимол буғулари ва мамонтлар яшарди. Ҳар бир мамонт овчилар учун бутун бошли сайёр гўшт дўкони эди. Абадий музлик шароитида гўшт узоқ сақланарди, одамлар мазали ҳайвон ёғига, иссиқ терига ва қимматбаҳо мамонт суягига эга бўларди. Сунгирдаги топилмалар шуни кўрсатадики, мамонт овчилари совуқ шимолда шунчаки тирикчилик қилмаган, балки гуллаб-яшнаган. Вақт ўтиши билан мамонт, мастодонт, мўйнали каркидон ва буғу овчилари бутун Сибирь бўйлаб тарқалди. Милоддан 14 минг йиллар аввал баъзи қабилалар ўлжаси кетидан Сибирнинг шимоли-шарқидан Аляскага ўтди. Тўғри, у пайти улар янги дунёни очаётганини билишмасди. Мамонтлар учун ҳам, одамлар учун ҳам Аляска Сибирнинг давоми эди.

Дастлаб Аляскадан жануб томон йўлни музликлар тўсиб турарди, камдан-кам довурак одамларгина Америка қитъасининг асосий ҳудудларига кириб борарди. Лекин милоддан 12 минг йилча аввал глобал иссиқ бошланди, муз эриб кетди, янги йўллар очилди, одамлар оммавий равишда жанубга томон силжий бошлади ва бутун қитъа бўйлаб даштдаги ёнғин тезлигида тарқалди. Шунча авлод арктик шароитда йирик ўлжани ов қилишни ўрганганига қарамай, одамлар иккала Америка иқлимлари ва экотизимлари хилма-хиллигига тез мослашди. Сибирликларнинг авлодлари Қўшма Штатлар шарқидаги қалин ўрмонларда ва Миссисипи дельтасидаги ботқоқликларни, Мексика чўлларини ва Марказий Американинг намчил чангалзорларини ўзлаштирди.

Айримлар Амазонка бўйига кўчиб ўтди, бошқалар Андларнинг тоғли водийлари ва Аргентина пампасларида ўрнашди. Янги Дунёни забт этишга бор йўғи минг йил, кўпи билан икки минг йил кетди! Милоддан аввалги 10 мингйилликка келиб одамлар Америка жанубидаги энг жанубий нуқтага – Оловли Ер оролига етиб борди. Бу блицкриг *Homo sapiens*'нинг битмас-туганмас топқирлигини ҳамда мослашишга бўлган ҳайратланарли қобилиятини яна бир бор тасдиқлади. Бошқа ҳеч қандай жонзот бир муҳитдан у билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган бошқа бир муҳитга бу қадар тез кўчиб юриб, моҳиятан генлар йиғиндиси бўлмиш салоҳиятини ишлатган ҳолда ўрнашиб кетишни удалай олмаган эди.¹⁶

Америка блицкриги зинҳор хунрезликсиз ўтмади. Бу уруш ҳар қандай бошқа уруш сингари вайронкор бўлди. 14 минг йил аввал Америка фаунаси

¹⁶ David J. Meltzer, *First Peoples in a New World: Colonizing Ice Age America* (Berkeley: University of California Press, 2009).

ҳозиргидан анча хилма-хил бўлган. Илк келгиндилар Аляскадан жанубга, Канададаги ва Қўшма Штатлар ғарбидаги текисликларга силжиб бораркан, йўлда мамонтлар ва мастодонтларни, бўйи айиқ тенги келадиган кемирувчиларни, улкан от ва туя уюрларини, ҳайбатли ўлчамдаги шерларни ва ўнлаб бошқа турдаги жониворларни учратарди. Бу ҳайвонларни, улар қаторида хатарли қилич тишли йўлбарсларни ва улкан, ерда яшаган ялқовларни – улар саккиз тоннагача тош босган, бўйлари олти метрга етган – унутиб юборганмиз. Жанубий Америка ҳайвоноти янада ноёброқ бўлган: йирик сутэмизувчилар, кўз кўриб, кулоқ эшитмаган қушлар, судралувчилар бўлган. Икки Америка Ер тарихидаги энг кенг кўламли эволюцион тажриба ўтказилган табиий лаборатория эди: у ерда Осиё ҳам, Африка ҳам ҳеч қачон билмаган жониворлар ва ўсимликлар пайдо бўлиб, фаровон яшаган.

Тўсатдан бари тугади. Сапиенслар пайдо бўлиши билан икки минг йил ичида ноёб турларнинг кўпчилиги изсиз ғойиб бўлди. Замонавий тадқиқотчиларнинг фикрича, Шимолий Америка 47 турдаги сутэмизувчининг 34 тасидан, Жанубийси эса 60 та турнинг 50 тасидан айрилган. Бу ерларда 30 миллион йилдан ортиқ вақт давомида тўла ҳукмронлик қилган қилич тишли йўлбарслар йўқолиб кетди. Баҳайбат ялқовлар ва улкан арслонлар, Америка отлари ва туялари, мамонтлар ва рўдапо кемирувчилар йўқ бўлди. Минглаб майдароқ сутэмизувчилар, ўрмаловчилар, қушлар, ҳатто ҳашаротлар ва паразитлар қирилиб кетди (мамонтлар йўқолиб кетганидан сўнг жўлақларнинг барча турлари ҳам уларнинг изидан йўқликка юз тутди).

Ўнлаб йиллар давомида палеонтологлар ва зооархеологлар жониворларнинг қолдиқларини изловчи ва ўрганувчи мутахассислар – қадимги туяларнинг суяклари ёки ҳеч бўлмаганда баҳайбат ялқовнинг чиқариндиларини топиш илинжида икки Америка тоғлари ва текисликларини синчиклаб текширмоқда. Улар бирор нима топа олганида, бу хазиналар эҳтиёткорлик билан қадоқланиб, лабораторияга юборилади, у ерда ҳар бир суяк, ҳар бир копролит (олимлар тош қотган нажасни шундай атайди) синчковлик билан ўрганилади ва санаси аниқланади. Бу тадқиқотларнинг бари бир хил натижа беради: ялқовларнинг энг охири ахлати, туяларнинг энг эски суяклари қитъага одамлар оқими кириб келган милоддан аввалги 12–9 мингйилликларга тўғри келади. Фақат бир жойда олимлар ялқовларнинг нисбатан кечроқ даврга – милоддан аввалги 5 мингйилликка оид ахлатини топишга муваффақ бўлган – Кариб денгизидаги бир қанча оролларда, хусусан, Куба ва Гаитида. Милоддан аввалги 5 мингйиллик – одамлар Кариб денгизидан сузиб ўтиб, мана шу катта оролларга кўчган вақт. Бу мавзуда ҳам айрим тадқиқотчилар *Homo sapiens*'ни оқлаб, айбни иқлим ўзгаришларига юклашга уринади (бунинг учун қандайдир сирли сабабга кўра 7 минг йил аввал Кариб оролларида экотизим учун мақбул иқлим сақлангани, Ғарбий ярим курранинг қолган қисми эса исиш домида қолиб кетганини тахмин қилишга тўғри келади). Аслида эса Америка фаунаси масаласида ўзимизни

оқлай олмаймиз – биз айбдормиз. Иқлим ўзгариши кўшимча омил бўлган тақдирда ҳам, асосий сабаб инсоннинг аралашуви бўлган¹⁷.

Нух кемаси

Австралия ва Америкада турларнинг ёппасига йўқолиб кетишига *Homo sapiens* Африка ва Осиёда ўрнашиб бориши асносида рўй берган кичикроқ миқёсдаги фожиаларни (жумладан, одамнинг бошқа турлари қирилиб кетиши, Куба сингари олис ороларда қадимги овчилар пайдо бўлиши билан тирикликнинг сезиларли қисми йўқолиб кетишини) кўшсак, муқаррар хулоса чиқади: сапиенслар мустамлакачилик экспансиясининг биринчи тўлқини Ердаги тириклик олами тарихидаги энг кўрқинчли – ва энг шиддатли – фожа бўлган. Айниқса, катта ва пахмоқ жониворларнинг тақдири ачинарли бўлди. Когнитив инқилоб арафасида сайёрада 200 га яқин турда йирик (40 килограмм ва ундан ортиқ вазндаги) ер усти ҳайвони яшарди. Аграр инқилобгача 100 та тур етиб келди. *Homo sapiens* ғилдирак ва ёзув кашф қилишидан ёки темирга ишлов беришни ўрганишидан анча олдин Ернинг йирик истиқоматчиларининг ярмини саранжомлаб бўлган эди. Экологик фожа аграр инқилобдан сўнг ҳам, кичикроқ миқёсда бўлса-да, кўп маротаба такрорланган. Ороларда ўтказилган археологик тадқиқотлар ҳам ўша уч саҳнали фожиани очиқлайди: даставвал инсон йўқлигида хилма-хил ва кўп сонли йирик жониворлар популяциясини кўрамиз; иккинчи саҳнада инсон излари пайдо бўлади: суяк, найза учи, сопол идиш синиғи. Учинчи саҳна бошланиши билан пешсаҳнага одамлар чиқади, йирик ва майда жониворларнинг катта қисми эса йўқолиб кетган.

Энг машҳур мисол – Африкадан тахминан 400 километр шарқдаги катта Мадагаскар ороли. Миллионлаб йил давом этган изоляция асносида у ерда ноёб табиий олам вужудга келган: учмайдиган, 3 метр бўйли ва ярим тонна вазнли “филқуш” – эпиорнис сайр қилиб юрар, Ердаги энг йирик приматлар – улкан лемурлар яшарди. Эпиорнислар ҳам, лемурлар ҳам, бошқа йирик жониворларнинг ҳам аксарият қисми 1500 минг йил аввал тўсатдан ғойиб бўлди – айнан ўшанда оролда одамлар пайдо бўлганди. Тинч океани минтақасида турли жониворларнинг қирилиб кетиши милоддан аввалги 1500 йил атрофида, полинезиялик деҳқонлар Соломон ороллари, Фижи ва Янги Каледонияга етиб борганида бошланганди. Улар юзлаб турдаги ари, ҳашарот, моллюск ва бошқа маҳаллий истиқоматчилар қирилиб кетишининг бевосита ва билвосита сабабчиси бўлган. Секин-асталик билан ушбу ҳалокат тўлқини шарққа, жанубга ва шимолга, Тинч океанининг қоқ юрагига томон тарқалиб, Самоа ва Тонганинг (милоддан аввалги 1200 йиллар), Маркиз ороллари (милоддан аввалги I аср), Пасха ороли, Кук ороллари ва Гавайининг (милодий V аср) ва, ниҳоят, Янги Зеландиянинг (милодий XIII аср) ноёб фаунасини Ер юзидан супуриб ташлади.

¹⁷ Paul L. Koch and Anthony D. Barnosky, ‘Late Quaternary Extinctions: State of the Debate’, *The Annual Review of Ecology Evolution, and Systematics* 37 (2006), 215-250; Anthony D. Barnosky et al., ‘Assessing the Causes of Late Pleistocene Extinctions on the Continents’, 70-75.

Ўхшаш фалокатлар Атлантика, Ҳинд ва Шимолий Муз океани, шунингдек, Ўртаер денгизидаги минглаб ороллардан ҳар бирида рўй берган. Энг кичик оролларда ҳам археологлар у ерларда авлоддан авлодга яшаб келган, лекин одам пайдо бўлиши билан йўқолиб кетган қушлар, моллюсклар ва ҳашаротларнинг изларини топади. Фақатгина ҳозирги кунгача инсон диққатини ўзига тортмаган кам сонли олис ороллар ўз фаунасини сақлаб қолди. Энг кенг тарқалган мисол – инсоният қадами фақат XIX асрда тегган Галапагос ороллари. У ерда улкан тошбақаларга эга ноёб ҳайвонот олами сақланиб қолган – бир пайтлар дипротодонлар одамлардан кўрқмаганидай, улар ҳам кўрқмайди. Овчи-теримчиларнинг ёйилиши билан боғлиқ глобал кирилишнинг биринчи тўлқинини ҳамда деҳқонлар кўчишидан иборат иккинчисини ўрганар эканмиз, саноатлашувдан сўнг бошланган учинчи тўлқинни яхшироқ тушунамиз.

Аждодларимиз гўёки табиат билан уйғунликда яшагани ҳақидаги ҳиссиётли уйдирмаларга ишонманг. Уйғунлик қаёқда – ялпи диссонанс. Саноат инқилобидан анча олдин инсон ҳайвонот ва ўсимлик турларининг асосий қисми қирилиб кетишига сабабчи бўлди. Биз биология солномасидаги энг қирғинбарот турмиз. Одамлар дастлабки икки тўлқинни яхшироқ билганида, балки улар ҳар биримиз алоқадор бўлган учинчи тўлқинга бу қадар енгил муносабатда бўлмасдилар. Қанчадан-қанча тирик жонзотлар таг-туғи билан йўқ қилинганини билиб, биз мавжудларини сақлаб қолишга уринардик. Бу, айниқса, денгиз жониворларига тааллуқли. Когнитив ва Аграр инқилоблар денгиз истиқоматчиларига ер усти сутэмизувчиларига нисбатан камроқ зарар келтирган, лекин ҳозир биз океан ресурсларини қуритаётганимиз ва уни ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлослантираётганимиз учун улар йўқолиб кетиш остонасида турибди. Жараён шу суръатда давом этса, китлар, наҳанглар, тюленлар ва дельфинлар дипротодонлар, баҳайбат ялқовлар ва мамонтлар ортидан равона бўлади. Бу антропоген тўфондан йирик жониворлардан нари борса одамнинг ўзи ҳамда Нух кемасининг “эшкакчи куллари” – уй жониворлари эсон-омон чиқади.

Иккинчи қисм.

Аграр инқилоб



Миср. Қабртошларга чизилган одатий қишлоқ хўжалиги манзаралари. Тахминан милоддан аввалги 3500 йиллар.

5.

Тарихнинг буюк ҳийласи

2.5 миллион йил давомида одамлар ўзлари етиштирмаган ўсимлик ва ҳайвонлар билан озиқланиб яшади. Homo erectus, Homo ergaster ва неандерталлар анжирларни шохларидан юлиб ёввойи қўйларни овлаб юрганида, анжир дарахтининг қаерларда кўкаришини ёки қўйлар подасининг қайси яйловда ўтлашини ва қайси эркак эчкининг қайси урғочини жуфтлашишга танлаши ҳақида ўйламасди ҳам. Homo Sapiens Шарқий Африкадан Яқин Шарққа, Европа ва Осиёга, ниҳоят Австралия ва Америкага ёйилди. Борган жойида ёввойи ўсимликларни тўплаб, ҳайвонларни овлаб ҳаёт кечирди. Яшаш тарзингиз сизни қониқтираётган, бой ижтимоий тузилмалар, диний эътиқод ва сиёсий динамикани таъминлаётган бўлса, сизга бошқа яна нима керак?

Буларнинг бари 10 минг йил илгари, Homo Sapiens бутун вақти ва кучини бир неча ҳайвон ва ўсимликларнинг яшаш тарзини ўзгартиришга уринганда юз берди. Тонгдан шомга қадар одамлар экин экиди, ўсимликларни суғорди, илдизларни тупроқдан суғуриб олиб, қўйларни баракали яйловларда боқди. Улар меҳнат ўзларига янаям кўпроқ мева, дон, гўшт беришини фахмлай бошлаган эди. Бу эса одамзод ҳаётидаги бир инқилоб: Аграр инқилоб эди.


Қишлоқ хўжалигига ўтиш эрамиздан аввалги 9500-8500 йилларда жануби-шарқий Туркия, ғарбий Эрон ва Левант минтақасининг тепалик қисмларида, паст сурьатда ва маълум географик худудда бошланди. Буғдой ва эчкилар эрамиздан аввалги салкам 9000, нўхат ва мош 8000, зайтун дарахтлари эрамиздан аввалги 5000 йил, отлар 4000 йил ва узум эрамиздан аввалги 3500 йил илгари хонакилаштирилди. Туя ва Ҳиндистон ёнғоғи каби баъзи ҳайвон ва ўсимликлар янаям кечроқ хонакилаштирилди. Аслида эрамиздан аввалги 3500 йилларда хонакилаштириш тўлқини тўхтаган эди. Юқори технологияларимизга қарамасдан, ҳозирги бутун калориямизнинг 90 фоиздан ортиғини аждодларимиз эрамиздан аввалги 9500-3500 йилликлар орасида хонакилаштирган бир ҳовуч ўсимликлардан оляпмиз. Булар буғдой, маккажўхори, картошка, тарик ва арпадир. Кейинги икки минг йил ичида айтарли ҳайвон ёки ўсимлик хонакилаштирилмади. Агар ақлимиз овчи-термачилар ақли дейиш жоиз бўлса, ошхонамиз ҳам қадимги деҳқон ошхонасидир.

Авваллари олимлар деҳқон хўжалиги Яқин Шарқнинг бир нуқтасидан дунёнинг бошқа тарафларига ёйилганини таъкидлашарди. Бугун эса деҳқончиликнинг Яқин Шарқдан ёйилганини эмас, дунёнинг ҳар тарафида умуман бир-бирига алоқасиз ҳолатда юзага келган, деган фикрдалар. Марказий Америкадаги одамлар маккажўхори ва ловияни Яқин Шарқда буғдой ва нўхат етиштирилаётганидан умуман беҳабар ҳолда хонакилаштирган. Худди шундай, жанубийамерикаликлар картошка ва лама етиштиришни Мексика ёки Левантда нима бўлаётганидан хабарсиз ҳолда ўрганган. Хитойнинг илк инқилобчилари гуруч, тарик ва чўчқани хонакилаштираар экан, Шимолий Американинг илк боғбонлари қовоқ экиш учун ер қовлашдан чарчаб ошқовоқ етиштиришга ҳаракат қилаётган эди. Янги Гвинеядагилар шакарқамиш ва бананни хонакилаштирди. Ғарбий Африкалик аҳоли ўз эҳтиёжи учун Африка тариғи, Африка гуручи, сорго ва буғдой етиштирди. Ушбу илк нуқталардан бошлаб қишлоқ хўжалиги катта сурьатда узоқ-узоқларга ёйила бошлади. Эрамизнинг биринчи асридан бошлаб дунёнинг кўп жойларида одамларнинг катта қисми деҳқончилик билан шуғулланар эди.

Хўш, нега Аграр инқилоб Яқин Шарқ, Хитой ва Марказий Америкада оммалашди-ю, Австралия, Аляска ёки Жанубий Африкада оммалашмади? Жавоб оддий, чунки кўплаб ҳайвон ва ўсимлик турларини хонакилаштириб бўлмайди. Homo Sapiens мазали кўзиқоринларни тўплаб, жундор мамонтларни овлаши мумкин, аммо уларни хонакилаштириш ҳақида ўйлаб бўлмайди. Кўзиқоринлар хонакилаштириш учун ишончсиз вариант, баҳайбат ҳайвонлар эса жуда ваҳший эди. Аждодларимиз овлаган ва тўплаган минглаб турлар ичида фақат бир нечтасигина ўстириш ва ишлаб чиқариш мумкин эди холос. Бу турлар ҳам маълум худудлардагина етишар эди ва Аграр инқилоб ҳам айнан ўша худудларда юзага келган.

Олимлар Аграр инқилоб одамзод учун олдинга ташланган буюк одим бўлганини таъкидлашди. Одамзод ақли билан юзага келган юксалиши ҳақида ҳикоя қилдилар. Унга кўра, эволюция поғона-ма поғона янаям ақлли

инсонларни яратган. Натижада одамлар шунчалик ақлли бўлиб кетишганки, табиат сирларини еча бошлаган ва бунинг ёрдамида кўйларни хонакилаштириб буғдой етиштира олган. Қисқа муддат ўтгач эса, улар овчи-термачиларнинг шафқатсиз, хавфга тўла ҳаётини ортда қолдириб, деҳқонларнинг тинч ва осойишта ҳаётини бошлаган.



2-Харита. Қишлоқ хўжалигидаги инқилобларнинг жойлари ва саналари. Маълумотлар зиддиятли бўлиб, харита янги археологик кашфиётларни ўз ичига олган ҳолда доимий равишда қайта ишланмоқда.¹⁸

Аmmo бу чўпчакдир. Вақт ўтиши билан одамларнинг ақлли бўла борганини исботловчи ҳеч қандай далил йўқ. Овчи ва термачи одамлар табиат сирларини Аграр инқилобдан олдин ҳам билар эди. Чунки уларнинг тақдири тўпланадиган ўсимликлар ва овланадиган ҳайвонлар ҳақида қанчалик билишига боғлиқ эди. Аграр инқилоб янги ва қулай турмушни яратмади, аксинча, деҳқонлар ҳаётини овчи-термачилар ҳаётидан кўра оғирлаштирди. Овчи ва термачилар кўп вақтини хилма-хил, рағбатлантирувчи фаолиятлар билан ўтказар эди. Айниқса, очлик ва касаллик хавфи жуда оз эди. Аграр инқилоб одамзод кўлида тўпланган озуқа миқдорини кескин орттирди, лекин бу тўйимли озикланиш ва бўш вақт яратмади. Аксинча, одамлар сонининг кескин кўпайишига йўл очиб, ҳашамга ўч элитани юзага чиқарди. Деҳқонлар овчи-термачилардан кўра кўпроқ меҳнат қилса-да улардай яхши овқатланмас эди. Аграр инқилоб тарихнинг энг буюк ҳийласи эди.¹⁹

¹⁸ The map is based mainly on: Peter Bellwood, *First Farmers: The Origins of Agricultural Societies* (Malden: Blackwell Publishing, 2005).

¹⁹ Jared Diamond, *Guns, Germs, and Steel: The Fates of Human Societies* (New York: W. W. Norton, 1997).

Бунга ким жавобгар? Қироллар эмас, роҳиб ва савдогарлар ҳам эмас. Бунга айбдор буғдой, картошка, гуруч каби ўсимлик турлари эди. Аслида бу ўсимликлар Homo Sapiens'ни хонакилаштирди, тескариси эмас.

Аграр инқилобга буғдой мисолида қарайлик. 10 минг йил муқаддам буғдой Якин Шарқнинг баъзи ҳудудларидагина ўсадиган ёввойи бир ўсимлик эди. Бирданига, бир неча минг йил ичида бутун дунёда ўса бошлади. Эволюция ва авлод қолдириш асосларига таянсақ, дунё тарихидаги энг омадли ўсимликлардан бири буғдой бўлди. 10 минг йил аввал бир дона ҳам буғдой бошоғи унмаган Шимолий Американинг бепоён текисликларида бугун юзлаб километр буғдой далаларини кезиб бошқа бир ўсимликка дуч келмайсиз. Ер юзида буғдой 2.25 млн км кв майдонни эгаллаган. Бу Буюк Британия ер майдонидан ўн марта катта дегани. Қандай қилиб аҳамиятсиз бир ўт, дунёни босди?

Буғдой Homo Sapiens'дан фойдаланиб, бундай муваффақиятга эришди. Бу примат тури 10 минглаб йиллар термачилик ва ов қилиб ҳаёт кечираётган эди. Аммо бундан 10 минг йил олдин буғдой етиштиришни бошлади, янаям кўпроқ меҳнат қила бошлади.

Бир неча минг йил ичида, дунёнинг ҳамма бурчакларида одамлар куни бўйи буғдой етиштириш билан овора бўлиб қолди. Бу осон иш эмас эди. Буғдой меҳнатталаб ўсимликдир. Тош-шағал ерларни ёқтирмайди. Шу сабабли Homo Sapiens далани тозалаш учун бели сингунча меҳнат қилар эди. Буғдой ўз майдонини, сувини ва озуқаларини ҳам бошқа ўсимликлар билан бўлишмайди. Шунинг учун ҳам эркак ва аёллар жазирама қуёш нури остида узоқ вақт ўтоқ қиларди. Буғдой касалликка чалиниши ҳам мумкин. Шунинг учун Homo Sapiens моғор ва куртларга қарши сергак эди. Боз устига, буғдой у билан озикланишни хоҳлаган бошқа микроорганизмларга қарши ҳимоясиз бўлгани боис, деҳқонлар чигиртка тўдалари ва сичқонларга қарши чора кўриб, буғдойни ҳимоя қилишга ҳаракат қилди. Буғдой кўп сув талаб қилгани учун кўлмак ва дарёлардан сув ташиди, ҳатто маҳаллий ўғит йиғиб тупроқни озиклантиришга мажбур бўлди.


Homo Sapiens'нинг организми бундай ишларга мослашмаган эди. Ерни тошдан тозалаш, сув ташишга эмас, кийик ортидан қувиб, олма дарахтига чиқиш учун мослашган эди. Одамлар бу меҳнати эвазига умуртқа, тизза, бўйин ва бел оғриқларини орттирди. Эски скелетлар ўрганиб чиқилганда хўжалик ишлари билан шуғулланиш одамларда бел чурраси (грижа), бўғимлар қотиши ва яна бир қанча суяк хасталиклари келтириб чиқаргани аниқланди. Бундан ташқари, хўжалик ишлари кўп вақт талаб қилар эди. Шу сабабли одамлар буғдой далалари яқинида мунтазам яшаш учун макон қуришга мажбур бўлди. Бу эса уларнинг яшаш тарзини тамоман ўзгартирди. Биз буғдойни хонакилаштирадик, аслида, буғдой бизни хонакилаштирди. “Хонакилаштириш” сўзи “хона” сўзидан келиб чиққан. Уйда – хонада яшовчилар эса буғдой эмас, Homo Sapiens эди.

Қандай қилиб буғдой Homo Sapiens'ни яхшироқ ҳаёт тарзидан кечиби, азобли яшаш тарзига ўтишга мажбур қилди? Бунинг эвазига одамзодга нима берди? Янаям тўқисроқ ҳаёт ваъда қилмаётгани турган гап эди. Шуни

унутмаслигимиз керак: одамзод хилма-хил озуқа еб яшовчи ҳаммахўр жонзотдир. Аграр инқилобдан олдин дон маҳсулотлари одамзод озуқасининг кичик қисминигина ташкил қилар эди. Донли маҳсулотларга асосланган озиқланиш шакли минерал витаминлари оз, ҳазм бўлиши қийин, тиш ва милклар учун зарарли ҳисобланади.

Бугдой одамларга моддий барқарорлик ҳам олиб келмади. Дехқоннинг яшаш тарзи овчи ва термачиларникидан оғирроқ эди. Овчи-термачилар тирик қолиш учун ўнлаб озуқаларни ейишарди ва шунинг учун ҳам жуда қийин кечган йилларда захира йиғмасалар-да тирик қолишарди. Қайсидир тур камайганда бошқасини йиғар, ов қила олар эди. Дехқонлар яқин-яқингача қабул қилаётган калориянинг катта қисмини оз сонли, хонакилаштирилган ўсимликдан оларди. Ҳатто кўп ҳудудларда бугдой, картошка ёки гуруч каби ўсимлик билан озиқланарди. Агар ёмғир етарли ёғмай қолса ёки чигиртка тўдалари ва замбуруғлар экинларга қирон келтирса, минглаб, ҳатто миллионлаб одамлар ўлиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Бугдой одамни одамдан ҳимоя қилмасди. Илк дехқонлар камида овчи-термачи аждодлари каби, ҳаттоки улардан кўра ҳам ваҳшийроқ бўлган. Дехқонларнинг янаям кўпроқ буюмларга ва экин экиш учун тупроққа эҳтиёжи бор эди. Қўшни қабилалар уларнинг ер майдонларига ҳужум қилиши эса келажакда қабиланинг очлик ва тўқлик орасидаги ҳаётини кўрсатиб берар эди. Шунинг учун ҳам муроса қилишга ўрин йўқ эди. Овчи-термачилар гуруҳи бошқа бир гуруҳ томонидан ҳужумга учраганида ўзларини тўла ҳимоя қила оларди. Бу анча қийин ва хавфли бўлса-да юз бериши мумкин бўлган ҳодиса эди. Кучли душман дехқонларга таҳдид қилганда чекиниш далалар ва уйларни, озуқа захираларини ташлаб кетиш ва очликка юзма-юз бўлиш дегани эди. Шунинг боис, дехқонлар ўз маконида туриб охиригача курашишни афзал кўрар эдилар.



Янги Гвинеяда икки фермер жасоалари ўртасида қабилавий урушлар (1960). Бундай манзаралар, эҳтимол қишлоқ хўжалигидаги инқилобдан кейинги минг йилликларда кенг тарқалган эди.

Кўплаб археологик ва антропологик тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, қишлоқ ва қабилалардан бошқа бирон сиёсий шакли бўлмаган кичик аграр хўжаликларда ҳам зўравонлик сабабли ўлимлар ҳамма ўлимларнинг 15 фоизини, эркаклар ўлимининг эса 25 фоизга яқинини ташкил қилар эди. Бугунги кундаги Янги Гвинеяда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи Дани қабиласида зўравонлик сабаб бўлган ўлим кўрсаткичи эркакларда 30 фоизга, Энга қабиласида эса 35 фоизга етган. Эквадорда ваораниларнинг балки 50 фоизи бошқа бир одам қўлида ўлим топган.²⁰ Вақт ўтиши билан шаҳарлар, қиролликлар ва давлатлар каби каттароқ ижтимоий бирлашмалар юзага келгач, зўравонлик назоратга олинди. Аммо бундай катта ва таъсири кучли бирлашмаларнинг юзага келиши минглаб йилларга чўзилди.

Қишлоқ ҳаёти илк деҳқонларга, албатта, баъзи имкониятлар, масалан, ваҳший ҳайвонларга, ёмғирга ва совуққа қарши яхшироқ ҳимоя берди. Шунга қарамай одамлар учун бундай ҳаёт тарзининг салбий тарафлари ижобий тарафларидан кўпроқ эди. Бу ҳолатни ҳозирда фаровон жамиятларда яшаётган инсонлар англаб етиши осон эмас. Ҳимояда ва ҳаловатда яшаётганимиз ва бу ҳаловат Аграр инқилоб тамал тошини қўйган тизим шарофати биланлиги боис, бу инқилобни буюк бир ривожланиш бўлганини тан олмоқдамиз. Минг йиллик тарихни фақатгина бугуннинг ҳолати билан баҳолаш хатодир. Эрамизнинг биринчи асрида отасининг экинлари униб чиқмагани учун очликдан вафот этган хитойлик 3 ёшли қизнинг ўйлари бизникидан кўра ҳақиқатга яқинроқдир. Агар бу қиздан сўраш имкони бўлганида у “мен егулик етишмаслигидан ўляпман, аммо 2 минг йилдан сўнг

²⁰ Gat, *War in Human Civilization*, 130–1; Robert S. Walker and Drew H. Bailey, 'Body Counts in Lowland South American Violence', *Evolution and Human Behavior* 34 (2013), 29–34.

одамларнинг етарли озукаси бўлади, совутгичли каттакон уйларда яшайдилар шунинг учун менинг ўлимим арзирли қурбонлик”, деган бўлармиди?

У ҳолда буғдой деҳқонларга ва тўйиб озикланмаган хитойлик қизчага нима берди? Аграр инқилоб одамларга шахсий ҳеч нарса бермади. Лекин одамзоднинг Homo Sapiens тури ҳаётига жуда муҳим таъсир ўтказди. Буғдой етиштириш одамларга ердан унумли фойдаланиб, янада кўпроқ озуқа етиштириш имконини берди ва бу Homo Sapiens'нинг кўпайишига сабаб бўлди. Эрамиздан 13 минг йил аввал одамлар ёввойи ўсимликларни йиғиб, ёввойи ҳайвонларни овлаб ҳаёт кечирган бир пайтда, Фаластиннинг Иерихон воҳаси атрофидаги ҳудуд кўпи билан кўчманчи, соғлом юз кишини мақбул даражада озиклантира олар эди. Эрамиздан аввалги 8500 йилларда эса бу воҳадаги ёввойи ўсимликлар ўз ўрнини буғдой далаларига топширганда у ерда касаллик ва озуқа етмаслигидан оғир аҳволга тушган мингдан ортиқ одам яшар эди.

Эволюциянинг ютуғи очлик ва азоб чекиш даражаси билан ўлчанмайди, балки ДНК спиралларининг кейинги авлодга қанчалик ўтгани билан белгиланади. Худдики, бир ташкилотнинг ютуғи у ердаги ишчиларнинг бахтлилик даражаси билан эмас, банк ҳисобидаги пуллари билан ўлчангани каби бир турнинг эволюцион ютуғи ҳам унинг ДНК нусхалари сони билан ўлчанади. Ҳисобида пули қолмаган ширкат банкрот бўлгани каби ДНК нусхаси қолмаган тур ҳам йўқолади. Тур ДНКсининг кўп нусхаланиши унинг ютуғидир. Ана шу тарафдан қаралса, мингта ДНК нусхаси ҳамма даврда ҳам юзта ДНК нусхасидан салмоқлироқдир. Худди ана шу нарса Аграр инқилоб эди: кўп сонли одам оғир аҳволда бўлса-да, яшашини давом эттира оларди. Ахир ким ҳам эволюциянинг бундай ҳисоб-китобига диққат қарата олиши мумкин эди? Қайси ақлли одам Homo Sapiens турининг сони ортиши учун ўз ҳаёт шароитини пасайтиради? Бунга бирор кимса рози бўлмасди. Аграр инқилоб бир тузоқ эди.

Ҳашамат тузоғи

Қишлоқ хўжалигининг юксалиши юз йиллар ва ҳатто минг йилларга узайган тадрижий жараён эди. Қўзиқорин ва егулик тўплаган, қуён ва кийик овлаб юрган Homo Sapiens тўдаси муқим яшаш учун макон ҳозирлаб, далада ишлаш, буғдой экиш ва дарёдан сув ташиш каби юмушларга бирдан мослашиб қолгани йўқ. Бу ўзгариш турли босқичларда юзага чиқди ва ҳар босқич кундалик ҳаётда кичик бир ўзгаришга сабаб бўлди.

Homo Sapiens Яқин Шарққа 70 минг йилча аввал кириб келди. Аждодларимиз 50 минг йил давомида қишлоқ хўжалигисиз яшаган. Ҳудуднинг табиий бойликлари одамларни боқа оладиган даражада мўл эди. Тўкин-сочинлик даврларда туғилиш юқори бўлган, етишмовчилик даврларида эса жуда оз. Одамлар ҳам кўп сутэмизувчилар сингари кўпайишни назорат қила оладиган гормонал ва генетик механизмга эга. Тўкин замонларда қизларда етилиш эртароқ бошланган ва ҳомиладорлик эҳтимоли юқори

бўлган. Қийинчилик пайтларида эса етилиш кечроқ бошланиб, туғилиш сони ҳам оз бўлган.

Табиий кўпайишга маданий механизмлар ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Кўчманчи овчи ва термачилар учун секин ҳаракатланадиган, эътиборталаб чақалоқ ва ёш болалар ортиқча юк бўлган. Шу сабабдан одамлар 3-4 йил оралиғида фарзандли бўлишга ҳаракат қилган. Аёллар буни болаларини катта ёшгача ва мунтазам эмизиш орқали эплай олган (мунтазам эмизиш ҳомиладорлик эҳтимолини пасайтиради). Бошқа усуллар орасида, оз бўлса-да жинсий алоқадан тийилиш (бу ҳолат эҳтимол маданий табулар орқали юзага келган бўлиши ҳам мумкин) ва ора-сира учраб турадиган болаларни ўлдириш ҳам бор эди.²¹

Ана шу йиллар давомида одамлар вақти-вақти билан дон еган, аммо бу озиқланишнинг пассив қисми эди. Қарийб 18 минг йил олдин охириги музликлар ўз ўрнини глобал исишга бўшатиб берди ва иссиқлик ортиб ёғин кўрсаткичи пасайди. Янги иқлим Яқин Шарқ буғдойи ва бошқа дуккакдилар учун идеал эди. Шу сабабли улар кўп ҳудудларга ёйилди; натижада одамлар янаям кўпроқ дон ейишни бошлади ва ўзлари билмаган ҳолда ўсимликнинг кўпайишига ҳисса қўшди. Ёввойи донларни эламасдан, янчмасдан ва пиширмасдан ейиш имконсиз бўлгани учун одамлар донларни тўплаб, уларга ишлов бериш мақсадида, аввало, хирмонларга келтиришарди. Буғдой донлари саноксиз ва майда бўлгани учун ташиш жараёнида йўлларга тўкилиб қолар эди. Вақт ўтиши билан дон тўкилган йўлларда ва хирмон атрофларида ҳам буғдой уна бошлади.

Одамларнинг чакалакзорлар ва ўрмонларни ёқиши ҳам буғдой учун айна муддао бўлган. Олов буталар ва дарахтларни тозалаб, буғдой ва бошқа ўт ўланларнинг қуёш нурини, сувни ва бошқа бир қанча озуқавий ўғитларни ўзлаштиришига ёрдам берган. Буғдой мўл бўлган ерларда овланадиган ҳайвонлар ва бошқа озуқавий захиралар ҳам кўп бўлгани сабабли одамлар аста-секинлик билан кўчманчиликни ташлаб, мавсумий ва ҳатто муқим яшашга ўтди.

Дастлаб фақат ҳосил йиғиладиган мавсумда бир ерда вақтинча муқим туришган. Вақт ўтиши билан буғдой кўпайиб, ҳосил тўплаш даври бир неча ҳафтага узайгач, яшаш шакли муқимликка юз тута бошлади ва муваққат яшаш жойлари доимий қишлоқларга айланди. Бу хил яшаш жойлари мавжуд бўлганини тасдиқловчи далиллар бутун Яқин Шарқда, эрамиздан аввалги 12500 – 9500 йиллар асносида Натуф маданияти жуда ривожланган Левант ҳудудида топилди. Натуфлар ҳар хил ёввойи ҳайвон ва ўсимликлар билан кун кечирадиган овчи-термачилар эди. Булар доимий қишлоқларда яшар, кўп вақтини деҳқончилик қилиб ёввойи донларга ишлов бериб ўтказар эди. Тошдан уйлар ва озуқа омборлари қураб, бундан ташқари,

²¹ Katherine A. Spielmann, 'A Review: Dietary Restriction on Hunter-Gatherer Women and the Implications for Fertility and Infant Mortality', *Human Ecology* 17:3 (1989), 321–45. See also: Bruce Winterhalder and Eric Alder Smith, 'Analyzing Adaptive Strategies: Human Behavioral Ecology at Twenty-Five', *Evolutionary Anthropology* 9:2 (2000), 51–72.

оғир кунлар учун дон ҳам ғамлаб қўйишар эди. Улар ёввойи буғдойни ўриш учун чалғи ва янчиш учун тегирмон ихтиро қилган.

Эрамиздан аввалги 9500 йилларда натуфларнинг авлодлари дуккакдиларни тўплаш ва ишлов беришда давом этган. Ҳар ҳосил йиғилганда, унинг бир қисмини келгуси мавсум учун уруғликка олиб қўя бошлашган. Улар, шунингдек, донни қулайроқ усулларда етиштиришни бошлаган; уруғни ерга сочгандан кўра тупроқ остига кўмганда янаям яхшироқ ҳосил олиш мумкинлигини кашф қилган; ер чопиш ва шудгор қилишни ҳам топган. Шу тарзда далани бегона ўтлардан, паразитлардан тозалаш ва суғоришни бошлашган. Дон етиштиришни кўпайтиришга қанчалик кўп ҳаракат қилишса, ёввойиларни овлаш ва тайёрини йиғишга шунча кам вақт қолган. Шундай қилиб, овчи-термачилар деҳқонларга айланди.

Ёввойи буғдой тўплаб юрган аёлни хонакилаштирилган буғдой етиштирадиган аёлдан биргина қадам ажратиб турмайди. Шу боис, қачон деҳқончиликка бутунлай ўтилганини аниқ айтолмаймиз. Аммо эрамиздан аввалги 8500 йилларда, Яқин Шарқнинг ҳам Иерихон воҳаси каби муқим манзилгоҳлар билан тўла бўлганини ва у ерларда яшаганларнинг бор вақтини бир қанча хонакилаштирилган турларни боқиш билан ўтказганини билишимиз мумкин.

Ўтроқ яшаш тарзига ўтиш ва озуқа миқдорининг ортиши билан аҳоли ҳам ўсишни бошлади. Кўчманчиликни тарк этиш аёлларга ҳар йили фарзандли бўлиш имконини берган эди. Чақалоқлар сутдан ажратилиб жўхори уни билан озиклантирилар эди. Далада ишлайдиган кучларга эҳтиёж бор эди. Аҳоли кўпайган сари озуқа ҳам тез тугаб қолар ва далага янаям кўпроқ буғдой экишга тўғри келар эди. Одамлар касаллик билан тўла маконларда яшашни, болалар она сутидан кўра кўпроқ дон билан озикланишни давом эттиргани сари, бунинг устига, болалар ўз озуқасини кундан кунга ортиб бораётган ака-укалари билан бўлишишга мажбур бўлган сари, уларнинг ўлими кескин ортди. Кўплаб деҳқончилик бирлашмаларида болаларнинг учдан бири йигирма ёшга етмасдан нобуд бўла бошлади.²² Шунда ҳам туғилиш сони ўлим сонидан кўпроқ эди ва одамлар кўп фарзандли бўлишда давом этди.

Борган сари “буғдой иши” янаям мураккаблаша борди. Болалар оммавий тарзда нобуд бўлар, катталар эса терга беланиб топган емишлари билан кун кечирар эди. Эрамиздан аввалги 8500 йилда яшаган бир иерихонлик айнан шу ерда эрамиздан аввалги 9500 ёки 13000 йилда яшаган одамдан кўра оғирроқ шароитда ҳаёт кечирган. Аммо ҳеч ким нималар бўлаётганини англамаган. Ҳар авлод аввалгисидай яшашни давом эттирар, ора-сира баъзи худудларда аҳвол бироз яхшиланар эди. Шароитни қулайлаштириш ва яхшилаш учун қилинган кичик ўзгаришлар ҳам деҳқонлар юқини янаям орттираётган эди.

²² Alain Bideau, Bertrand Desjardins and Hector Perez-Brignoli (eds.), *Infant and Child Mortality in the Past* (Oxford: Clarendon Press, 1997); Edward Anthony Wrigley et al., *English Population History from Family Reconstitution, 1580–1837* (Cambridge: Cambridge University Press, 1997), 295–6, 303.

Одамлар нима учун ҳаётини аҳамиятга эга масалада бунчалик хато қилди? Бунинг сабаби одамларнинг ўтмишда қилган бошқа катта хатолар сабаби билан айнаидир. Одамлар ўз қарорларининг оқибатларини тахмин қилолмаган. Қачонки кўпроқ меҳнат қилишга тўғри келса (масалан, уруғни тупроқ устига сепиш ўрнига ерни чопқилаш каби), одамлар “Ҳа, балки кўпроқ меҳнат қилаётгандирмиз, аммо ҳосилимиз шунга яраша бўлади! Шунда ҳосил яхши бўлмаган йилларда хавотир олишга ўрин қолмайди, болаларимиз оч ухламайди” деб ўйлашган. Аслида бу мантиқли. Кўп меҳнат қилсанг, яхшироқ яшайсан. Уларнинг режаси ҳам худди шу эди.

Режанинг илк қисми яхши эди. Одамлар ҳақиқатдан жуда кўп меҳнат қилар эди, аммо болалар сони ортишини, буғдой ҳосилини янада кўпайтириш керак бўлишини аввалдан кўришмаган. Шундай қилиб илк одамлар болани камроқ она сути ва кўпроқ маккажўхори уни билан озиклантириш уларнинг иммунитетини пасайишига сабаб бўлишини, муқим яшаш турли касалликларнинг келиб чиқиш нуқтаси эканини англай олмаган. Ўзларини биргина озуқа турига қарам қилиб, курғоқчиликдан ҳимоясиз бўлиб қолишаётганини билмаганлар. Илк деҳқонлар тўкинлик даврларида озик-овқат омборлари қуриш ўғрилиги ва душманликка йўл очишини, ҳимоя деворлари қуриш ва омборларни қўриқлашга мажбур бўлишини ҳам ўйлашмаган эди.

Шундай экан, нега режалари тескари натижа берганда ҳам, одамлар деҳқончиликка қўл силтамади? Бунинг сабаби кичик ўзгаришлар йиғилиб, қайтариб бўлмас катта ўзгаришларга сабаб бўлгунча бир неча авлод ўтганидир. Натижада, ҳеч ким аجدодлари қачонлардир бошқача яшаганини эслолмас эди. Яна бир кичик сабаб, аҳоли сони кескин ўсиб кетган, ортга қайтишга йўл йўқ эди. Агар деҳқончилик бир қишлоқ аҳолиси сонини 100дан 110га орттирган бўлса, қайси 10 киши бошқаларнинг бахтли эски ҳаёт тарзига қайта олиши учун ўзини фидо қилиши керак? Ортга қайтишни иложи йўқ эди. Одамзод тузоққа тушганди.

Енгил ҳаёт кечиришга уриниш кўп машаққатни юзага келтирди ва бу охирига эмасди. Бу каби ҳолат бугунги кунда бизга ҳам тааллуқли. Ким билсин, қанчадан қанча университет битирувчилари кўп меҳнат қилсам кўпроқ пул топаман деб ўйлаб катта ташкилотларга ишга киради ва ўттиз беш ёшидан кейин у ишларини ташлаб ўзлари ҳақиқатда истаган бирор иш билан шуғулланишга ҳаракат қилмоқда. Аммо бу ёшга кирганда бўйнида кредит тўлови, мактаб ёшига келиб қолган фарзандлари, ҳар оилада иккитадан автомашина бўлишини талаб қиладиган шаҳар ташқарисида уйи, чет эл саёҳатлари ва сифатли виноларсиз гўзал ҳаёт бўлиши мумкин эмас деган тушунчаси пайдо бўлади. Нима ҳам қила оларди? Ортга қайтиб илдиз қовласинми? Албатта, ундай қилмасдан янаям кучли интилиш билан қулдай меҳнат қилади.

Тарихнинг энг қатъий қонунларидан бири шу: ҳашамат вақти келиб эҳтиёж даражасига кўтарилади ва янги мушкулотларни яратади. Одамлар маълум бир ҳашаматга ўргангач, у одатий кўриниш олади. Уни жиддий қабул қилиш бошланади. Шундай нуқтага етадики, унингсиз яшай олмай қолишади.

Ҳозирги кунимиздан яна бир мисол келтирайлик. Охирги бир неча ўн йил давомида турмушимизни янаям қулайлаштирадиган саноксиз нарсалар кашф қилинди – кир ювиш машиналари, чангютгичлар, идиш ювадиган машиналар, телефонлар, қўл телефонлари, компьютерлар, электрон почта... Авваллари бир мактуб ёзиб конвертга жойлаш, устига марка ёпиштириб, почта қутисига ташлаб келиш анча вақт оларди. Мактубга жавоб олиш эса ҳафталаб ва ҳатто ойлаб чўзилиши мумкин эди. Ҳозир эса бир дақиқада электрон мактуб ёзиб дунёнинг нариги бурчагига жўната оламан ва хат жўнатган инсоним ҳам тармоқда бўлса, ўша онда мактубимга жавобни ҳам ўқишим мумкин. Шу тарзда мактуб ёзишга ва жўнатишга сарфлаган вақтимни тежаган бўламан. Хўш, бугун мен хотиржам ҳаёт кечиряпманми? Афсуски “йўқ”. Эски почта орқали мактуб жўнатган одамлар ҳақиқатдан муҳим гаплари бўлганда мактуб ёзишар эди.

Хаёлига келган ҳар нарсани ёзиш ўрнига айтмоқчи бўлган гапи ва уни қандай ифодалаш мумкинлиги ҳақида пухта ўйлаб оларди. Жавоб ҳам ана шундай ўйлаб ёзилишини кутишар эди. Кўпчилик ойда бир мартадан ортиқ мактуб ёзмас, келган мактубларга ҳам шошилиш жавоб ёзиш мажбурияти йўқ эди. Мен эса бир кунда юзлаб электрон мактуб оламан ва уларнинг барига қисқа фурсатда жавоб ёзишим керак. Вақтимизни тежяпмиз деб ўйлаймиз, аслида эса, ҳаёт суръатини ўн баробар оширдик, кунларимиз беҳаловат ва хавотирли ўтадиган бўлди.

Эскича фикрловчи одамлар айрим ҳолларда электрон почта очишдан бош тортяпти, худди минглаб йиллар муқаддам баъзи одамлар деҳқончилик қилиш ва ҳашамат тузоғидан қочгани каби. Аммо Аграр инқилоб бошланиши учун муайян минтақадаги одамларнинг барча гуруҳлари қатнашишига эҳтиёж йўқ эди, биргина гуруҳнинг бошлаши етарли эди. Яқин Шарқ ёки Марказий Америкада ўтроқ яшаш тарзига мослашган бир гуруҳ ер ҳайдашни бошлагандан кейин, деҳқончиликдан юз ўгириш иложсиз бўлиб қолди. Деҳқончилик аҳоли кўпайишига туртки бўлгани учун деҳқонлар кўп сонли бўлганлиги сабабли овчи-термачиларни енга оларди. Овчи-термачилар ов қиладиган худудларини ташлаб кетишга ёки ўзлари ҳам деҳқончилик қилишга мажбур бўлдилар. Ҳар икки ҳолатда ҳам эски ҳаёт тарзи ниҳоясига етган эди. Ҳашамат тузоғи биз учун жуда муҳим дарсдир. Инсониятнинг қулай яшаш тарзига интилиши кучли ўзгариш энергиясини юзага чиқардики, оқибатда дунё таниб бўлмас ва исталмас даражада эврилди. Ҳеч ким хўжалик инқилобини ёки одамларнинг буғдойга ўрганиб қолишини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Қоринни тўйдириш ва ҳимояни кучайтириш учун қилинган ҳаракатлар йиғилиб, қадимги овчи-термачилар олдига жазирама қуёш нурида сув ташишдай мажбуриятни кўндаланг қўйган эди.

Илоҳий аралашув

Юқоридаги сценарий Аграр инқилобни бир хато сифатида кўрсатади, бу ҳам бир тарафдан тўғри. Тарих бундан-да кўполроқ хатоларга тўла. Фақат яна бир эҳтимол бор. Балки ўзгаришни юзага келтирган наrsa қулайликка

интилиш эмасдир? Эҳтимол Homo Sapiens'нинг бошқа орзулари ҳам бўлган ва уларга эришиш учун қийинчиликларга рози бўлган.

Олимлар тарихий ўзгаришларни одатда иқтисодий ва демографик омиллар билан тушунтиради. Бу уларнинг рационал ва математик ёндашувларига мос келади. Замонавий тарихда тадқиқотчилар номоддий омиллар – мафкуравий ва маданий жиҳатларга эътибор беришга мажбур. Чунки ёзилган далиллар тадқиқотчиларни бунга мажбур қилади. Масалан, қўлимизда Иккинчи жаҳон урушига озиқ-овқат етишмаслиги ва демографик муаммолар сабаб бўлмаганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар, хатлар, эсдаликлар бор. Аммо қўлимизда Натуф маданиятига дахлдор ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Шунинг учун ҳам антик даврга алоқадор ёндашувларда материалистик қарашлар олд ўринда туради. Ёзув пайдо бўлмасдан аввал яшаган одамларнинг иқтисодий эҳтиёжлардан ташқари қандайдир ишончдан ҳам илҳом олганини асослаш қийин.

Шунга қарамасдан, қисман бўлса-да омадимиз бор, эртакни ҳақиқатга айлантира оладиган кичик тахминлар топа оляпмиз. 1995 йилда археологлар Туркиянинг жануби-шарқида Гўбаклитепа номли бир манзилгоҳни қазилди. Энг эски археологик қатламда бирор манзил, уй ёки кундалик юмуш изларига дуч келишмади. Аммо ўймакорлик билан безатилган ақл бовар қилмас тарихий устунларни топишди. Ҳар бир устуннинг оғирлиги 7 тонна ва баландлиги 5 метрга яқин эди. У ерга яқин жойдан 50 тонна оғирликдаги ярим сайқалланган тош топилди. Жами ўндан ортиқ тарихий ашё топилди, энг катта топилманинг кенглиги салкам 30 метр келарди.

Археологлар бу каби кўплаб топилмалардан хабардор. Улар орасида энг машҳури Британиядаги Стоунхенждир. Улар Гўбаклитепа манзилгоҳини ўрганишда хайратланарли бир фактга дуч келдилар. Стоунхенж эрамиздан аввалги 2500 йилларда ривожланган аграр жамоа томонидан қурилган. Гўбаклитепадаги топилмалар эса эрамиздан аввалги 9500 йилларга оид эди ва барча далиллар бу топилмалар овчи-термачиларга тегишли бўлганини кўрсатди.

Археологлар жамоаси бу топилмаларни аввалига жиддий қабул қилишмади, аммо ўтказилган илмий экспертиза бу топилмаларнинг қадимийлигини ҳамда уни қурганлар қишлоқ хўжалигидан олдинги жамоа вакиллари эканини тасдиқлади. Овчи-термачиларнинг маҳорати, маданий ҳаёти ва юмушлари аввал тахмин қилинганидан мураккаброқ ва хайратланарли бўлгани маълум бўлиб қолди.



Гўбакли Тепадан келган монументал тузилма қолдиқлари. Пастда: безатилган тош устунларидан бири (баландлиги тахминан беи метр).



Овчи-термачилар буларни нега қурган? Уларнинг аниқ бир амалий мақсади бўлмаган. Қурилмалар на мамонт сўйишга, на ёмғирдан пана қилишга, ва на йиртқичлардан яширинишга мўлжалланган эди. Биз эса бу қурилмалар археологлар ҳамон била олмаган сирли бир маданий мақсадда қурилган бўлиши мумкин деган тахмин билан чекланишга мажбурмиз. Мақсад нима бўлганидан қатъий назар, овчи-термачилар бу ишларни ўта муҳим деб ўйлаган бўлишлари керак. Гўбаклитепа устунларини қуришнинг ягона йўли турли гуруҳ ва қабилаларга мансуб минглаб овчи ва термачилар узоқ вақт

хамкорлик қилишидир. Фақат ривожланган диний ёки мафкуравий тузилма бундай иншоотни қуришга сабаб бўлиши мумкин.

Гўбаклитепанинг яна бир ажиб сирини бор эди. Генетик олимлар бир неча йил давомида хонакилаштирилган буғдойнинг илк белгиларини кидираётган эди. Кейинги кашфиётлар хонакилаштирилган бир тур (кичик кизил буғдой) Гўбаклитепадан 30км наридаги Қорачатоғ тепаликларида пайдо бўлганини кўрсатмоқда.²³

Бу шунчаки тасодиф бўлиши мумкин эмас. Эҳтимол Гўбаклитепадаги кўриқхона одамларнинг буғдойни ва буғдойнинг эса одамни хонакилаштириши билан боғлиқ эди. Иншоотни қурган ва фойдаланган одамларни тўйғизиш учун кўп миқдорда озуқага эҳтиёж бор эди. Иншоотни қуриш ва ибодатхонани бошқара олиш учун ҳам ёввойи буғдой тўплашдан хонакилаштирилган буғдой деҳқончилигига ўтган бўлишлари мумкин. Одатда олдин бир қишлоқ вужудга келарди, қишлоқ катталашганда эса марказда ибодатхона қуришар эди. Аммо Гўбаклитепа топилмалари олдин ибодатхона қурилгани, кейин унинг атрофида қишлоқ вужудга келганига далолат қилмоқда.

Инқилоб қурбонлари

Инсонлар ва буғдой ўртасидаги фаустона битим одамзод тури тузган ягона келишув эмасди. Яна бир келишув эса қўй, эчки, чўчқа ва товук каби ҳайвонларнинг тақдири билан боғлиқ эди. Ёввойи қўйларни овлаган кўчманчи қабилалар вақт ўтиб, сурувларнинг ҳолатини ўзгартирди. Бу жараён эҳтимол танлаб овлаш натижасида юзага келди. Одамлар етилган кўчқорни ёки қари ва касал қўйларни овлаш кераклигини билиб олишган. Подани сақлаб қолиш учун етилган урғочи қўйларни ва янги кўзичоқларни ажратиб қўйишар эди. Иккинчи босқичда эса овчилар подани бошқа йиртқичлар ва рақиб овчилардан фаол ҳимоя қилишни бошлаган.

Ундан кейинги босқичда эса одамлар назоратни янаям мустаҳкамлаш ва кўриқлаш мақсадида подани торроқ дараларга қамаган бўлиши керак. Ниҳоят, одамлар қўйларни ўз эҳтиёжига уйғун шаклда танлашни бошлаган. Энг уришқоқ кўчқорлар, яъни инсон назоратига энг кўп қаршилик кўрсатган ҳайвонлар, ориқ ва қизиқувчан урғочилар биринчи бўлиб сўйиларди. (Чўпонлар подадан узоқлашган, қизиқувчан қўйларни ёқтирмайди.) Авлодлари алмашиб, қўйлар семизроқ, итоаткорроқ ва ҳеч нарсага қизиқмайдиган ҳолга келди. Натижада қўйлар машҳур кўшиқда куйланганидай “Мэрининг ортидан эргашадиган” бўлдилар. Ёки овчилар бирон кўзичоқни тутиб “асраб олишар”, тўкинлик пайтларида боқиб, семиртириб, қийинчилик вақтларида сўйиб ер эди.

Муайян вақт ўтгач, бундай кўзиларни кўпайтира бошлашган. Уларнинг баъзилари вақти келганда болалар эди. Жуда уришқоқ ва қайсар қўйлар барибир биринчи бўлиб сўйиларди. Энг итоаткор қўйлар эса кўпроқ яшаб насл

²³ Manfred Heun et al., 'Site of Einkorn Wheat Domestication Identified by DNA Fingerprints', Science 278:5341 (1997), 1,312–14.

қолдира оларди. Ушбу жараён натижаси эса хонакилаштирилган, итоаткор кўйлар подаси эди.

Хонакилаштирилган ҳайвонлар (кўй, товуқ, эшак) одамларга озуқа (гўшт, сут, тухум), тери, жун ва иш кучи берди. Юк ташиш, ер ҳайдаш, дон янчиш каби шу давргача одамлар бажариб келган ишларни ҳайвонлар бажара бошлади. Аксар деҳқончилик бирлашмаларида одамлар ўсимлик етиштиришга кўпроқ аҳамият қаратар, чорвачилик эса иккинчи ўриндаги фаолият эди. Шу билан бирга баъзи ҳудудларда ҳайвон боқувчи янги бир жамоа тури юзага келишни бошлаган эди. Улар кўчманчи чўпонлар эди.

Одамлар дунёга тарқалар экан, улар билан бирга хонакилаштирилган ҳайвонлар ҳам ёйилди. 10 минг йил илгари бир неча миллион кўй, сигир, эчки, ёввойи чўчка ва товуқ Африка ва Осиёнинг маълум қисмидагина яшар эди. Ҳозир дунёда бир миллиард кўй, бир миллиард чўчка, бир миллиарддан кўпроқ сигир ва 25 миллиарддан зиёд товуқ бор. Хонакилаштирилган товуқ ҳозирга қадар энг кўп ёйилган паррандадир. Homo Sapiens'дан кейин сигир, чўчка ва кўй тарқалиши бўйича иккинчи, учинчи ва тўртинчи сутэмизувчидир. Муваффақиятни ДНК нусхаларининг сони билан ўлчайдиган бўлсак, Аграр инқилоб товуқлар, сигирлар, чўқалар ва кўйлар учун бир неъмат ҳисобланади.


Афсуски, эволюцион нуқтаи назар турнинг ютуғини ўлчаш учун етарли эмас. Чунки бу ўлчов ҳар бир жонлининг яшаб кетиши ва кўпайишини ҳисобга олади, индивидуал азоб-уқубат ва бахтлилик даражаси умуман эътиборга олинмайди. Хонакилаштирилган товуқ ва сигир эволюцион ютуқ ҳикояси учун қаҳрамон бўлиши мумкин, аммо айти пайтда бу ҳайвонлар дунёда яшаётган энг бечора жонзотлардир. Ҳайвонларнинг хонакилаштирилиши жуда шафқатсиз амалга оширилди, асрлар ўтгани сайин бу янада ёмонроқ тус олди.

Товуқнинг ўртача умр кўриши 7-12 йил, сигирники эса 20-25 йилдир. Ёввойи ҳаётда кўп товуқ ва сигирлар бундан қисқа яшарди, аммо барибир узоқроқ яшаш имкони бор эди. Хонаки товуқ ва сигир асосан ёши бир неча ҳафта ва бир неча ой бўлганда сўйилади. Иқтисодий тарафдан бу энг маъқул ёшдир. (Нега энди уч ойда яхшигина етилган, семирган хўрозни тагин уч йил боқиш керак?)

Тухум қўядиган товуқлар, соғин сигирлар ва кўшга мослашган ҳайвонларга баъзан узоқ йиллар яшашга изн беришган. Бунинг учун ҳайвонлар ўз инстинкт ва истакларига тамоман зид ўлароқ итоаткорлик билан товон тўларди. Буқалар кенг яйловларда бошқа буқа ва сигирлар билан бирга ўтлаб юришни эмас, қўлида қамчиси бўлган одам назорати остида ер ҳайдашни истарди, дея олмаймиз.

Буқалар, отлар, эшак ва туяларни итоаткор қўш ҳайвонларига айлантериш учун уларнинг табиий инстинктлари, бошқа ҳайвонлар билан алоқаларини йўққа чиқариш, тажовузкорлиги, жинсий истаклари ва эркинлиги чекланиши лозим эди. Бунинг учун деҳқонлар ҳайвонларни қафасга қамар, боғлар, қамчи билан қўлга ўргатар ёки ҳайвонларнинг баъзи аъзоларини кесар эди. Эркак ҳайвонни бўйсундириш ахталаш билан амалга оширилган. Бу эркак

хайвоннинг агрессивлигини камайтиради ва чорванинг кўпайишини назорат қилишга имкон беради.



Миср қабртошидан олинган расм, милоддан аввалги 1200 йил: бир жуфт хўкиз далани шудгор қилмоқда. Ёввойи табиатда қорамоллар мураккаб ижтимоий тузилишга эга подаларга мамнуният билан кириб келишди. Бичилган ва уй шароитида боқилган хўкизлар эса ўз ҳаётини қамчи остида ва тор кўрада беҳуда сарф қилиб, ёлғиз ёки жуфт бўлиб, на танаси, на ижтимоий ва ҳиссий эҳтиёжларига жавоб берадиган тарзда ишлайди. Хўкиз омовни торта олмай қолганида, у сўйилар эди. (Мисрлик деҳқоннинг букилган танасига эътибор беринг. У ҳам хўкиз каби, бутун умрини танаси, ақли ва ижтимоий муносабатларига зўр бериб оғир меҳнат билан ўтказган.)

Янги Гвинеянинг жамиятларида бир одамнинг бойлиги унинг чўчқалари сони билан ўлчанган. Шимолий Янги Гвинея чорвадорлари чўчқалари қочиб кетмаслиги учун уларнинг бурнидан катта бир парчани кесиб ташлашади. Оқибатда чўчқалар ҳидлашга ҳаракат қилганда кучли оғриқ сезади. Чўчқалар искамасдан емишини, ҳатто юрадиган йўлини ҳам тополмагани учун бутунлай эгаларига итоаткор ҳолга келади. Янги Гвинеядаги бошқа бир ҳудудида эса чўчқаларнинг кўзини ўйиш одат тусига кирган. Бундан мақсад ҳайвонларнинг каерга кетаётганини кўрмаслигидир.²⁴

Ҳайвонларни бўйсундиришда сут саноатининг ҳам ўзига хос усуллари мавжуд. Сигир, эчки ва қўйлар кўзи ёригандан кейин ўз боласини эмизиш даврида сут беради. Ҳайвон вужуди сут ишлаб чиқаришни давом эттириши учун деҳқоннинг қўлида бузоқ, улоқ, кўзичоқ бўлиши ва у ҳамма сутни эмиб олмаслиги учун уни вақтида тўхтатиш лозим бўлади. Тарихда кенг қўлланган усуллардан бири ҳайвон боласи туғилгандан кейин уларни қисқа вақтда сўйиш, онасининг берганича сутини соғиб олиб, тагин уни ҳомиладор бўлишига йўл очишдир. Бу ҳозирда ҳам энг кўп қўлланган усул ҳисобланади. Жуда кўп замонавий фермаларда соғин сигирлар камида беш ёшга кирганда сўйилади. Бу вақт мобайнида сигир мунтазам ҳомиладор бўлади ва кўзи ёригандан кейин 60-120 кун ўтгач, яъни имкон қадар кўп сут соғиб олингач,

²⁴ Charles Patterson, *Eternal Treblinka: Our Treatment of Animals and the Holocaust* (New York: Lantern Books, 2002), 9–10; Peter J. Ucko and G. W. Dimbleby (eds.), *The Domestication and Exploitation of Plants and Animals* (London: Duckworth, 1969), 259.

яна ҳомиладор қилинади. Бузоқлар туғилгандан кейин қисқа вақт ичида онасидан ажратилади. Урғочи бузоқчалар навбатдаги соғин сигир бўлиши кўзланган ҳолда етиштирилади, эркак бузоқчалар эса гўшт саноатига топширилади.²⁵

Бузоқларни онасининг ёнида ушлаб туриб, аммо ортиқча сут эмиб қўйишини ҳар хил усуллар билан олдини олиш юқоридаги методлардан яна биттаси ҳисобланади. Бузоқча эмишни бошлашини кутиб туриб, соғин сигирнинг елинига сут келиши билан бузоқчани сут эмишдан тўхтатиш бунинг энг оддий йўлларида биридир. Бу усулнинг самара беришига кўпинча ҳам она сигир, ҳам бузоқ қаршилиқ қилади. Баъзи чўпонлар қабиласи эса бузоқчани ўлдириб гўштини истеъмол қилар, терисини эса сомон билан тўлдириб сигир ёнига қўйишар эди. Ичи тўлдирилган бузоқча териси онасига кўрсатилганда унинг сут безлари сут ишлаб чиқаришни бошлар эди. Судандаги Нуер қабиласи тўлдирилган бузоқ терисига она сигир сийдигидан суришар ва бу сохта бузоқчалардан таниш ҳид келиб турарди.

Нуерларнинг яна бир усули бузоқнинг оғиз четларига илмоқли халқачалар тақиб онанинг жонига озор бериш ва бузоқчани эмишидан бош тортишга ундаш эди.²⁶ Туя етиштирувчи саҳройи Туарег қабилалари ҳам бўталокларнинг устки лаби ва бурнининг бир қисмини кесар ёки яралар эди, бунда жони оғриган бўталок эмишдан тийиларди.²⁷

Албатта, барча деҳқон қабилалари ҳам чорваларига нисбатан бу даражада зулмкор эмасди. Ҳатто, баъзи уй ҳайвонларининг ҳаёти ғоятда хузурли эди. Жуни учун боқиладиган қўйлар, мушук ва итлар, жангга ва мусобақаларга мослаштирилган отлар жуда яхши шароитда боқилар эди. Рим императори Калигула энг севимли оти – Инцитатни консулликка тайинлашни ҳам режалаган экан. Тарихда чўпон ва деҳқонлар ўз чорваларига шафқат ва меҳр кўрсатишди, уларни яхшироқ боқишга ҳаракат қилишди. Бу худдики кулдорнинг ўз кулларига меҳр кўрсатиб, яхши боққани сингари эди. Қироллар ва пайғамбарларнинг ўзларини чўпонга ўхшатишлари, чўпон чорвасига ғамхўрлик қилгани каби ўз халқига ғамхўрлик қилишини иддао этишлари бежиз эмасди.

²⁵ Avi Pinkas (ed.), *Farmyard Animals in Israel – Research, Humanism and Activity* (Rishon Le-Ziyyon: The Association for Farmyard Animals, 2009 [Hebrew]), 169–99; “Milk Production – the Cow” [Hebrew], The Dairy Council, accessed 22 March 2012, http://www.milk.org.il/cgiwebaxy/sal/sal.pl?lang=he&ID=645657_milk&act=show&dbid=kataivot&dataid=cow.htm.

²⁶ Edward Evan Evans-Pritchard, *The Nuer: A Description of the Modes of Livelihood and Political Institutions of a Nilotic People* (Oxford: Oxford University Press, 1969); E. C. Amoroso and P. A. Jewell, ‘The Exploitation of the MilkEjection Reflex by Primitive People’, in *Man and Cattle: Proceedings of the Symposium on Domestication at the Royal Anthropological Institute, 24–26 May 1960*, ed. A. E. Mourant and F. E. Zeuner (London: The Royal Anthropological Institute, 1963), 129–34.

²⁷ Johannes Nicolaisen, *Ecology and Culture of the Pastoral Tuareg* (Copenhagen: National Museum, 1963), 63.



Саноат гўшт фермасидаги замонавий бузоқ. Тузилгандан сўнг, бузоқ онасидан ажралиб чиқади ва ўз танасидан унчалик катта бўлмаган кичик бир қафас ичига қулфланади. У ерда бузоқ бутун умрини ўтказади - ўртача тўрт ой. У ҳеч қачон қафасни тарк этмайди, бошқа бузоқлар билан ўйнашга ёки ҳатто юришга ҳам рухсат берилмайди - буларнинг барчаси мушаклари қотиб кетмаслиги учун. Юмшоқ мушаклар юмшоқ ва сўли оқиб турадиган стейкни англатади. Умрида биринчи марта бузоқ, сўйиш жойига бораётгандагина юриш, мушакларини чўзиш ва бошқа бузоқларга тегиш имконига эга бўлади. Эволюция нуқтаи назаридан, қорамол дунёда мавжуд бўлган энг муваффақиятли ҳайвон турларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, улар сайёрадаги энг бахтсиз ҳайвонлардир.

Ҳолатга чўпон кўзи билан эмас, чорва кўзи билан қаралганда, Аграр инқилоб уй ҳайвонларининг аксарияти учун катта фалокат эди. Уларнинг эволюцион “ютуғи” беҳуда эди. Қирилиб кетиш арафасидаги каркидоннинг яшаш тарзи мазали кабоб учун қафасда семиртирилаётган бузоқнинг ҳаётидан кўра жозибалироқдир. Ўз турининг статистик ютуғи ҳеч бир бузоқчага азоблари учун тасалли бўла олмайди.

Эволюцион ютуқ ва шахсий азоб-уқубат орасидаги бу каби зиддият балки Аграр инқилобдан чиқаришимиз керак бўлган катта дарсдир. Буғдой ва маккажўхори каби ўсимликлар тарихини таҳлил қилганимизда эволюцион нуқтаи назарда балки мантиқ бордир. Аммо ҳар бири мураккаб ҳис-туйғулар дунёсига эга бўлган сигир, қўй ва Homo Sapiens каби турларда эволюцион ютуқнинг ҳар бир индивид тажрибасида қандай намоён бўлишини ҳисобга олиш лозим. Кейинги бобларда Homo Sapiens'нинг қудрати ўсиши, кўзга ташланган ютуқларининг ҳар бир алоҳида индивидга қандай уқубатлар келтиргани ҳақида сўзлаймиз.

6.

Эҳромлар қурилиши

Аграр инқилоб – тарихдаги энг бир-бирига зид бўлган ҳодисалардан ҳисобланади. Баъзи олимларнинг фикрича, мазкур ҳодиса одамзодни ривожланиш ва фаровонлик йўлига олиб чиққан бўлса, бошқа бир гуруҳ олимлар айнан мана шу воқеа туфайли одамзод туби йўқ жарликка олиб борувчи йўлни танлаган деб ҳисоблашади. Чунончи, олимлар шу йўлни танлаш орқали Homo sapiens табиат билан алоқаларини узиб, очкўзлик ва худбинлик сари қадам босган, деб таъкидлайдилар. Бу йўл қаерга бошлашидан қатъий назар ундан ортга қайтишнинг имкони йўқ. Қишлоқлардаги аҳоли сони шундай катта шиддат билан ўса бошладики, қишлоқ хўжалигига асосланган жамоа йиғимчилик ва ов қилишга қайтгудек бўлса, ўзини боқа олмаслиги аён бўлиб қолди.

Сапиенслар ерга ишлов беришни бошлашларидан аввал, яъни милоддан аввалги 10 мингйилликда кўчманчи теримчи ва овчиларнинг дунёдаги умумий сони бор йўғи 5дан 8 миллион нафаргачани ташкил қилган. Милодий I асрга келиб ушбу кўчманчиларнинг атиги бир ёки икки миллион нафари қолди (асосан, Австралая, Америка ва Африкада), бу 250 миллион нафар деҳқоннинг олдида худди денгиздан томчи кабидир. Деҳқонларнинг аксарият қисми ўтроқ ҳаёт тарзини бошдан кечирган бўлиб, кўчманчи-чорвачиларнинг сони уларнинг ичида жуда кам фоизни ташкил қилар эди. Ўтроқ ҳаёт тарзи ўша даврдаги ҳар бир одамнинг яшаш шароитини салмоқли даражада чегаралади. Қадимги овчи ва теримчилар ўлжа илинжида одатда ўнлаб ва юзлаб километр йўл босардилар. Мана шу катта ҳудуд: тоғлар, ўрмонлар, дарёлар ва ҳаттоки манглайлари устидаги очиқ осмон уларнинг “уйи” ҳисобланарди. Деҳқонлар эса, кўчманчилардан фарқли ўлароқ, кичкина боғ ёки экин майдони устида кунини ўтказар, дарахт, тош ёки лойдан ишланган кичик бостирма улар учун уй вазифасини ўтар эди.

Деҳқон бор вужуди билан мана шу манзилга боғланган эди. Бу ҳолат меъморчилик ва психология соҳасида ўзига хос инқилобга олиб келганини айтсак, муболаға бўлмайди. “Ўз ўйига” боғланиш ва кўшниллардан ўзини “ўраб олиш” – бу янги психологик феноменни яратди. Ўтроқ зироатчи унинг аждодлари кўчманчилик қилган катта ҳудудни йўқотибгина қолмай, табиатга ўхшашлиги кам бўлган сунъий майдондан жой олди. Кўчманчи овчилар ўзлари изғиб юрган ҳудудда ёнғин чиқаришини ҳисобга олмасак, камдан-кам ўзгартиришларни амалга оширардилар. Зироатчилар эса уларни ўраб олган ёввойи табиатдан катта куч эвазига ишғол қилинган сунъий воҳаларда яшар эдилар. Бунинг учун улар ўрмонларни кесиб, каналлар қазишди, ерни деҳқончилик учун тозалаб, чуқур эгатлар олишди, уйлар қуришди ва бир қатор қилиб дарахтлар экишди. Натижада фақат одам ва фақат “унинг” ҳайвонлари учунгина яроқли бўлган муҳит яратилди. Бу ҳам етмаганидек, табиатдан тортиб олинган бу ҳудудлар девор ва тўсиқлар билан ўралди.

Деҳқонлар бегона ўтлар ва йиртқичларга қарши уруш эълон қилдилар: душманлардан бири ўралган ҳудудга кириб қолгудек бўлса, уни ҳайдаб чиқаришар, агар ўсимлик ёки махлуқ қаршилиқ кўрсатса, одамлар уни йўқ

килиш чорасини кўришар эди. Энг мустаҳкам ҳимоя эса одамга энг яқин “муҳит” – унинг ўз уйи атрофига қурилди. Меъморчиликнинг илк қадамларидан бошлаб то ҳозирги кунгача шох-шабба, шиппак, пашша урувчи таёқча билан қуролланган миллиардлаб одамлар ўзларнинг уйларига кириб қолган ишчан чумолилар, абжир сувараклар, йўлини йўқотган чувалчанглар ва уддабурон ўргимчакларга қарши қирғинбарот урушлар олиб бормоқдалар. Тарихий даврнинг салмоқли қисми давомида одамлар томонидан яратилган ўзига хос “оролчалар” жуда кичкина майдонни эгаллаган бўлиб, унга чор атрофдан жўшқин ёввойи табиат ҳужум қилиб турган.

Ер сатҳининг майдони 518 миллион квадрат метрни ташкил қилиб, унинг 150 миллион квадрат метрини қуруқлик эгаллайди. Ҳаттоки милодий XIII асрда ҳам деҳқонларнинг аксарият қисми ўзининг экинлари ва ҳайвонлари билан биргаликда жами 11 миллион квадрат километр майдонда ёки Ер сатҳи майдонинг 2% қисмида кун кўрган. Қолган ер майдони улар учун ё жуда совуқ, ё жуда иссиқ, ё жуда қуруқ ва ё жуда нам бўлган, ёки уларнинг кун кечиришларига бошқа сабаблар тўсқинлик қилган. Ер сатҳининг 2% қисми – мана шу майдонда тарихий ҳодисалар варақларга битилган. Ўзининг сунъий оролчаларини тарк этиш ғоясини одам хушламас эди. Ўз уйдан, дала майдонидан, тоқзорларидан воз кечиш – оғир йўқотиш ва катта таҳлика. Бундан ташқари, вақт ўтган сари одамлар бисотида кўчириш оғир бўлган мулклар пайдо бўла бошлади ва бу омил ҳам уларни муқим бир жойга янада маҳкамроқ боғлаб қўйди. Бизга қадимги деҳқон ночор, мискин одамдек кўриниши мумкин, бироқ унинг оиласи билан биргаликда орттирган мулк ва ашёлари битта кўчманчи қабиланикидан анча кўп бўлган. Ерга ишлов бериш учун бир қатор иш қуроллари ва ашёлар зарур. Таъкид жоизки, муқим уй-жой одамга борган сари ҳаётини уларсиз тасаввур қила олмайдиган ва кам зарур бўладиган кўп миқдордаги ҳашам буюмларини тўплашига шароит яратиб берди. Фаолиятнинг, эътиқоднинг ва ҳаттоки ҳиссиётларнинг салмоқли қисми турли ҳил ясама буюмларга қаратилган эди.

Келажак кириб келмоқда

Теримчи-овчилар келаси ҳафта ёки ойдан кейинги ишларини режалаштирмаганлар. Деҳқонлар эса, аксинча, ўз хаёлларида режалар тузаётиб йиллар ва ўн йиллар олдинга илгарилаб кетардилар. Кўчманчилар эртанги кун тўғрисида пухта ўйламаганлар, чунки барча ўлжани ўша куннинг ўзидаёқ истеъмол қилиш зарур бўлган – уларнинг ҳаёт тарзида егуликни сақлаш ва мулк тўплашнинг имкони деярли бўлмаган. Бироқ ўзига хос режаларни улар ҳам тузишган. Катта эҳтимол билан ишониб айтиш мумкинки, Шове, Ласко ва Алтамир каби масканлардаги расмларни чизган рассомлар ўзларидан кейинги авлодларни ҳам ўйлашган. Хусусан, узоқ муддатли дўстлик сулҳлари тузилган ва, шунингдек, кимгадир душманлик муносабатлари отадан ўғилга топширилган. Кези келганда яхшиликка яхшилик билан, ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтариш учун йиллар ўтиб кетган. Шунга қарамай, овчилик ва теримчиликнинг туб иктисодий моҳияти

узоқ муддатли режалаштиришга қарши бўлган. Бу, қанчалик эриш туйилмасин, кўчманчиларни ортиқча ташвиш ва ҳаяжонлардан ҳоли қилган.

Дарҳақиқат, сенинг хукминг остида бўлмаган нарсани ўйлаб ташвишланишга не ҳожат? Аграр инқилоб эса “келажак” тушунчасига аввалгига нисбатан каттароқ бўлган эътиборни уйғотди. Деҳқон доим келажак ҳақида ўйлаб, шу келажак учун тер тўкиши лозим, чунки қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг асосида мавсумий ишлаб чиқариш цикли турибди: кўп ойлик тайёрлов ишлари ва қисқа, аммо ишга тўла ҳосил йиғиб олиш даври. Ҳосилни териб олгандан кейинги кечада деҳқонлар базму жамшид уюштиришлари мумкин эди, шу билан бирга бир ҳафтадан сўнг уларни тонгдан то кун ботишигача давом этадиган оғир меҳнат кутарди. Яқин ҳафталар ва ҳаттоки ойларга етадиган егулик билан таъминланган бўлсалар ҳам, улар кейинги йилларнинг ғамини ер эдилар.

Келажак тўғрисида доимий қайғуриш фақатгина ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги билан боғлиқ бўлмаган. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги кун кечиришнинг ишончли манбаси ҳисобланмайди. Кўпгина қишлоқлар хонакилаштирилган ўсимликлар ва ҳайвонларнинг жуда чегараланган сони ҳисобига кун кечирганларини эътиборга олсак, ҳамма вақт содир бўлиши мумкин бўлган қурғоқчилик, сув босиши ёки юқумли касаллик барчасини йўққа чиқариши турган гап бўлган. Шундан келиб чиқиб захира шакллантириш учун истеъмолдан кўра кўпроқ егулик ишлаб чиқариш талаб қилинган. Агар омборда буғдой, ертўлада зайтун мойига тўлган кўзалар, пишлоқлар ва тўсиндан осиглиқ турган колбасалар бўлмаса, ҳамма очидан ўлиши аёндыр. Қурғоқчилик келиши эса муқаррар – эртами-кечми, ҳеч ким билмайди.

Баракали ҳосил берувчи йиллар доим бўлишига ишонган деҳқон узоққа бормаган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги пайдо бўлгандан буён одамни келажак тўғрисидаги ташвишлар таъқиб қилиб келади. Шом тарафлардаги каби фақат ёмғир орқали суғориладиган ерларда куз келиши билан кунлар қисқариб, юзлар ориқлаб қолади. Тонгдан туриб деҳқонлар ўз назарларини ғарбга, денгиз томонга буриб, шамолни ҳидлаб, кўзларини зўриқтирар эдилар. Узоқдаги нима – булутми? Ёмғирлар вақтида ёғармикин? Жала қуйиб, тупроқни ювиб кетмасмикин, ниш ура бошлаган экинларни пайҳон қилмасмикин? Фурот, Ҳинд ва Хуанхэ дарёлари водийларидаги деҳқонлар сув сатҳи баландлигини юракларида ҳаяжон билан ўлчар эдилар: улар дарё кўтарилиб, мураккаб суғориш каналларини сув билан тўлдиришини, сув қайтгач эса тоғдан келган мўл ҳосил берувчи балчиқ ва лойлар далаларда қолишини кутишарди. Бироқ жуда кучли ёки ўз вақтида бўлмаган сув қайтиши худди қурғоқчилик каби зарар келтириши мумкин бўлган.

Деҳқонларнинг келажак тўғрисида куйинишлари фақат ташвишларнинг сабаби мавжудлигидан эмас, балки ҳодисалар давоми одамларга ҳам боғлиқлигидан пайдо бўлди. Улар энди далаларни тозалашлари, суғориш каналларини қозишлари ҳамда кўпроқ уруғлар экишлари мумкин. Деҳқон чумоли каби тиним билмай меҳнат қилар, мойидан нафақат фарзандлари,

балки неваралари ҳам баҳраманд бўлишлари мумкинлигини ўйлаб зайтун кўчатларини экар ва бугун истеъмол қилиши мумкин бўлган лукмани, эртани ўйлагани учун қишга ғамлар эди. Ушбу барча ҳаракатлар ва хавотирлар одамнинг ҳаётидаги кўп нарсаларни ўзгартириб юбориб, унинг турмушига барча ижтимоий ва сиёсий тизимларни олиб кирди. Афсуски, энг меҳнаткаш деҳқон ҳам ўзининг эртанги иқтисодий хавфсизлигини бугунги кундаги оғир меҳнатига арзийдиган даражада таъминлай олмасди.

Дунёнинг турли чеккаларида ҳукмдорлар, зодагонлар пайдо бўлиб, улар деҳқонларнинг тўплаган захирасини истеъмол қилишар, деҳқонларнинг ўзларига эса арзимас егуликни қолдиришар эди. Ортиқча егулик тараққиётнинг ёқилғиси бўлиб хизмат қилди. Шу туфайли сиёсат, уруш, санъат ва фалсафа дунёга келди. Уларнинг ҳисобидан саройлар ва кўрғонлар, ҳайкаллар ва ибодатхоналар қад ростлади. Яқин авлодларгача одамзоднинг 90 фоизини тонг саҳардан кўзини очиб, оқшомгача қора тер тўкиб ишлаган деҳқонлар ташкил қилган. Озчиликни ташкил қилувчи подшоҳлар, амалдорлар, жангчилар, коҳинлар, рассомлар ва олимлар деҳқонлар ишлаб чиқарган ортиқча егуликдан тўйиниб тарих саҳифаларидан жой олишган. Тарих яратувчиларининг сони жуда оз бўлиб, қолганлар ўша пайт ер ҳайдаш ва челақда сув ташиш билан овора бўлишган.

Тасаввурдаги тартиб

Егулик захираси ҳамда одамлар ва юкларни ташишнинг янги технологиялари пайдо бўлиши катта сондаги одамларни биргаликда – аввал катталашиб кетган қишлоқларда, сўнгра шаҳарларда ва кейинчалик мегаполисларда яшашларига мажбур қилди. Кўпгина қишлоқ ва шаҳарларни боғлайдиган подшоҳликлар ва савдо йўлларини яратиш сингари аввал мавжуд бўлмаган катта имкониятлар пайдо бўлди. Бироқ транспорт ва ортиқча егулик мавжудлигининг ўзи мазкур имкониятларни амалга оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилмади. Агар ҳаттоки шаҳардаги минглаб одамларни боқиш имкони бўлганда ҳам, ҳаттоки подшоҳликнинг миллион нафар аҳолисига иш топилганида ҳам, келишмовчиликлар қандай ҳал қилинар, уруш ёки қурғоқчилик шароитида биргаликда қандай иш тутар эдилар? Мустаҳкам келишувнинг йўқлиги можароларни пайдо қилади ва омборхонада турган дон захираси бу ҳолатда ёрдам бера олмайди. Тарихдаги аксар машҳур урушлар ва инқилоблар очарчилик туфайли рўй бермаган.

Француз инқилобинини ориқ деҳқонлар эмас, балки семиз адвокатлар амалга оширганлар. Милоддан аввалги I асрда Рим республикасининг қудрати ўз чўққисига етди. Абадий шаҳарга Ўртаер денгизининг турли қирғоқларидан кўз кўриб кулоқ эшитмаган шундай турли-туман бойликлар сузиб кела бошладики, шаҳарнинг аввалги аҳолиси уларни умрида кўрмаган эди. Мана шундай ўта тўқ ва фаровон даврда Рим сиёсий тизими дарз кетди ва кетма-кет қирғинбарот фуқаролик урушлари содир бўла бошлади. Югославия ҳам 1991 йилда ўз аҳолисини боқиши учун етарли бўлган ресурсларга эга эди, бироқ шунга қарамай даҳшатли қон тўкилишидан сўнг мамлакат тарқаб кетди. Юқоридаги барча фалокатларнинг сабаби – сапиенсларнинг катта сонли


бегоналар билан ҳамкорлик қилиш туғма инстинктига эга эмаслигидадир. Миллион йиллар давомида одамлар бир неча ўн нафар аъзолардан иборат кичик гуруҳларда яшаб келганлар.

Аграр инқилобдан тортиб шаҳарлар, подшоҳликлар ва империялар пайдо бўлган бир неча минг йил ичида одамларда оммавий ҳамкорлик инстинкти етарли даражада ривожланишга улгурмади. Шу каби биологик инстинктга эга бўлмаган кўчманчилар бир неча юз кишидан иборат гуруҳларга бирлашишни урдасидан чиқдилар, бунда барчаларига тааллуқли бўлган афсоналар қўл келди. Аммо бу иттифоқлар мустақкам бўлмаган, уларнинг вазибалари эса чегараланган: одамлар ахборот алмашиш, савдо шартномаларини тузиш ва вақти-вақти билан диний байрамларни нишонлаш ёки ёвнинг хужумини қайтариш учун бирлашганлар холос. Кичик гуруҳлар эса бутунлай ёки деярли бутунлай ўзларини ўзлари таъминлаб, бир-биридан мустақил тарзда ҳаёт кечирешда давом этганлар. Агар 20 минг йил аввал социология фани мавжуд бўлганда эди, мазкур фаннинг вакили аграр инқилоб ва унинг оқибатлари яқинлашаётганлигини билмаган ҳолда мифология чексиз эмаслигини тахмин қилган бўлар эди.

Аждодлар руҳи ва қабилаларнинг маъбудлари тўғрисидаги афсоналар 500 нафар одам бир-бири билан чиғаноқларни алмашишига, баъзида бирга кўнгилхушлик қилишга ва бирлашиб неандерталларни қириб ташашларига ёрдам берган холос. Қадимий жамиятшунос олим, афсоналар ҳеч қачон миллионлаб бир-бирига нотаниш одамларни ҳар куни ҳамкорликда ишлашларига мажбурлай олмаслиги тўғрисида фикр қолдирган бўларди. Бироқ қадимий жамиятшунос олим ўз фикрларида янглишган бўларди. Афсоналар у тасаввур қилгандан кўра кудратлироқ бўлиб чиқди. Аграр инқилоб аҳолиси кўп бўлган шаҳарларга асос солиш имкониятини берган пайтда, одамлар худолар, ватан ва акциядорлик жамияти тўғрисидаги янги сюжетларни ўйлаб топишди ва мазкур янги афсоналар одамларни жамиятларга бирлаштирди. Биологик эволюция эса ҳар доимгидек тошбақадан тезроқ судрала олмади, бироқ онг ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тармоғини қура бошладики, бундан аввал ҳеч қайси тирик мавжудот бунга қодир бўлмаган.

Милоддан аввалги 8500 йилда Арихо каби энг катта масканларда бир неча юз киши истиқомат қилган. Кичик Осиёдаги ЧаталХюк шаҳри эса милоддан аввалги VII мингйилликда 5-10 минг нафар аҳолига эга бўлган бўлиб, эхтимол ўша даврнинг энг катта шаҳри деб саналган. Милоддан аввалги V ва IV мингйилликларда “Унумдор яримой” худудида бирин кетин аҳолиси ўн минг ва ундан ортиқни ташкил қилувчи шаҳарлар пайдо бўла бошлади. Уларнинг ҳар бири ён атрофидаги кўпгина қишлоқлар устидан ҳам ҳукмронлик қилган. Милоддан аввалги 3100 йилда Қуйи Нил водийси биринчи Миср подшоҳлигига қўшилди ва натижада фиръавнлар минглаб квадрат километр майдон ва юз минглаб фуқаролар устидан ҳукмронлик қила бошладилар. Милоддан аввалги тахминан 2250 йилда Сараджун Буюк Аккад империясига – миллиондан ортиқ аҳоли ва 5400 нафар лашкарлик доимий армияга эга бўлган дунёдаги биринчи империяга асос солди. Милоддан

аввалги 1000 ва 500 йилларда Яқин Шарқ худудида Кейинги Оссурия империяси, Бобил империяси, Форс империяси каби росмана империялар пайдо бўлди. Энди сўз миллионлаб фуқаролар ва ўн минглаб лашкарлар тўғрисида борар эди.




Чатал Хуюкнинг реконструкцияси. Эҳтимол, у милоддан аввалги VII мингйилликда дунёдаги шаҳар кўринишидаги энг катта манзил бўлгандир.



Чатал-Гуюк (эски имлода) ёки Чатал Хюк (“айрисимон тепалик”) – Кичик Осиёда жойлашган сопол неолит ва энеолит давридаги катта манзилгоҳ бўлиб, Туркиянинг Коня шаҳридан 50км жанубда жойлашган. Энг қадимий маданий қатлам, милоддан аввалги 7500 йилга оид. Милоддан аввалги 5700 йилгача манзилгоҳ мавжуд бўлган бўлиб, бронза даври кириб келгунча аҳоли уни тарк этиб бўлган. Мазкур турар


жой, қўшчўқкили Ҳасантоғ вулконида 140км узоқда жойлашган. Масканнинг шарқий қисми, текисликдан 20 метр баландда жойлашган тепаликни шакллантирган бўлиб, шу тарзда жойлашганлиги туфайли ҳозирги Конья шаҳрининг жануби-шарқидаги Икония текислиги далаларига эгалик қилган. Мазкур масканнинг ғарбий қисмида ундан кичикроқ бўлган яна бир маскан жойлашган ҳамда шарқ қисмида Византия даврига хос яна бир маскан топилган. Иккита тепалик орасида Чоршанба дарёсидан ажраган канал мавжуд бўлган. Чатал Хуюкдаги Неолит даврига тегишли ушбу маскан 13га майдонни эгаллаган бўлиб, ҳозирги пайтда ярим гектар майдонда қазув-ўрганиш ишлари олиб борилган.



Мазкур маскан уйлардан ташкил топган бўлиб, жамоат иншоотлари топилмаган. Шу билан бирга, катта уйларнинг деворлари зебо нақшлар билан безатилган. Мазкур безакларнинг вазифаси ҳозирги кунларгача аниқ эмас. Уйлар хом ғиштдан қурилган бўлиб, асалари уяси каби бир-бири билан боғланган. Уйлар орасида кўча ёки йўлакчалар мавжуд бўлмаган. Кўпгина ҳолларда уйга кириш том қисмидан бўлиб, унинг учун ҳам уй ичидан, ҳам уй ташқарисидан зиналар ўрнатилган. Уйга кириш, шунингдек, тоза ҳаво кириши ҳамда қувири йўқ бўлган ўчоқлар тутунларининг чиқиши учун туйнук вазифасини ўтаган бўлиб, ўчоқ, зинапоя ва уйга кириш жойи жанубий девор олдида жойлашган. Шунингдек, уй ичида ердан баландроқ кўтарилган супалар жойлашган бўлиб, эҳтимол, ўтириш учун жой ёки стол вазифасини ўтаган. Деворлар каби улар ҳам сайқалланган алебастр билан қопланган.



Чатал-Хуюкдаги хонанинг реконструкцияси. Деворга одамларни чўқилаётган қушларнинг расми чизилган. Эҳтимол, бу ўша пайтдаги энг оммабоп мавзу бўлган.



Хуюк деворидаги сурат. Қушлар одамларни махсус минора устида чўқиламоқда ва бу Эрондаги форсийзабон қабилалар мархумлар жасадларини қолдирган машҳур “Сукут миноралари”ни ёдга солади.

Милоддан аввалги 221 йилда Цин сулоласи Хитойни бирлашитирди, Рим империяси эса тахминан шу даврда Ўртаер денгизини ишғол қилди. 40

миллион нафардан ортиқ солиқ тўловчилар Цин империясининг юз мингли доимий армиясини ҳамда 100 мингдан ортиқ амалдорларни ўз ичига олган мураккаб бюрократик тизимини молиялаштирган. Рим империяси ўзининг қудрат чўққисига етган даврларида юз миллион нафардан ортиқ фуқаролардан солиқ йиғиб унинг ҳисобига 250-500 минг лашкардан иборат армиясини, бир ярим минг йилдан сўнг ҳам яроқли бўлган йўлларни ва бугунги кунда ҳам ишлатиладиган театрларни ташкил этган. Буларнинг барчаси ҳайратга сазовор, аммо шу ўринда Рим империяси ёки Қадимий Мисрдаги “оммавий ҳамкорлик тармоғи”нинг иккинчи томонини ҳам кўриш зарур. “Ҳамкорлик” сўзи чиройли эшитилса-да, кам ҳолларда эркин тарзда ва жуда кам ҳолларда адолатли бўлган. Деярли ҳамيشа ушбу “ҳамкорлик тармоқлари” золимлик ва эксплуатация учун хизмат қилган. Ушбу тармоқларнинг фаолиятини империя стилосининг бир чизиқчаси билан солиқчи амалдор бир йиллик оғир меҳнат ҳосилини олиб кетишини кўриб турган деҳқонлар молиялаштирганлар. Машҳур Рим театр ва цирклари, шу жумладан, Колизей, қуллар томонидан қурилган бўлиб, бошқа қуллар уларнинг ичида кўнгилхушлик истаб келган римликларга бешафқат гладиаторлик жанглари томошаларини кўрсатганлар.

Умуман олганда, қамоқлар ва ҳаттоки концентрацион лагерлар ҳам минглаб бир-бирига нотаниш кимсаларнинг ўз ҳаракатларини қандайдир йўл билан келишиб амалга оширишларинининг натижасидир. Мана шу ҳамкорлик тармоқлари, яъни қадимги Месопотамия, Хитой ва Рим империяси биз кўрсатиб ўтган “тасаввурдаги тартиб”га асосланган. Улар ижтимоий нормалар асосида яъни инстинкт ёки барча иштирокчиларнинг бир-бирини шахсий таниши туфайли эмас, балки бир хил “афсоналар”га ишонганлари туфайли фаолият юритганлар. Қандай қилиб бутун бошли империялар афсоналар асосида иш олиб бориши мумкин.

Peugeot мисолида биз бу масалани муҳокама қилиб бўлдик. Бироқ масалани чуқур таҳлил қилиш учун иккита машҳур афсонани, яъни юз минглаб қадимий бобилликлар ўзларининг ҳамкорликларида амал қилган Хаммурапи қонунлари (милоддан аввалги тахминан 1776 йил) ҳамда ҳозирги кунда юзлаб миллион нафар америкаликларнинг ижтимоий алоқалари учун дастури амал бўлиб хизмат қилувчи Америка Кўшма Штатларининг мустақиллик декларациясини (милод. 1776 йил) кўриб чиқамиз.

Милоддан аввалги 1776 йилда Бобил дунёнинг энг буюк шаҳри ҳисобланган ҳамда, эҳтимол, миллион нафар фуқароси бўлган Бобил подшоҳлиги ҳам ўша даврнинг энг катта империяси саналган. Мазкур протоимперия Месопотамиянинг катта қисмини, жумладан, ҳозирги Ироқ, қисман Эрон ва Сурия ҳудудини эгаллаган. Бобил подшоҳи Хаммурапининг довуғи бизгача етиб келган. Авлодларга мерос сифатида унинг номи билан аталувчи ҳужжат қолган. Хаммурапи қонунлари – қонунлар ва судьяларнинг қарорлари тўпламидир.

Мазкур қонунларни тузишдан мақсад Хаммурапини адолат пешвоси сифатида танитиш, Бобил подшоҳлиги учун бир кўринишга эга бўлган ҳуқуқ тизими асосини яратиш ва авлодларга адолатнинг моҳиятини ва одил

хукмдорнинг сиймосини кўрсатишдан иборат бўлган. Келажак авлод вакиллари Хаммурапининг ўғитларини сингдириб олишди. Қадимги Месопотамиянинг зиёлилари ва амалдорлари ушбу ёзувларни муқаддас билиб, ёш котиблар таълим пайтида, Хаммурапининг ўлиmidан ва унинг салтанати йўқ бўлгандан сўнг ҳам, уни кўп мартаба кўчириб ўрганишди. Аёнки, Хаммурапи қонунлари Месопотамия қадимги аҳолисининг адолатли ижтимоий турмуш тўғрисидаги тушунчаларини тўлиқ акс эттира олган. Ушбу ёзишмалар Ану Энлиль ва Мардук – Месопотамия пантеонининг олий худолари Хаммурапини “салтанатда ёвузлик уруғини сепаётганларни кириш ва золимлар мазлумларга ситам айлашидан халос қилиш учун адолат ҳукм суриши” учун салтанат боши этиб тайинлашганлари билан бошланади. Шундан сўнг “фалон нарса содир бўлса, унинг жазоси фалон нарса бўлади” каби бир хил шаклдаги тахминан 300та ёзув келтирилган. Мисол сифатида 196-199 ҳамда 209-214 қонунларни кўриб чиқамиз:

196. Агар зодагон бошқа номдор зодагоннинг кўзини ўйиб олса, унинг ҳам кўзи ўйиб олинсин.

197. Агар зодагон бошқа зодагоннинг суягини синдирса, ўзининг ҳам суяги синдирилсин.

198. Агар у оддий фуқаронинг кўзини ўйиб олса ёки суягини синдирса, ўлчаб 60 кумуш сикель тўлаб берсин.

199. Агар зодагон бошқа зодагоннинг қулининг кўзини ўйиб олса ёки суягини синдирса, қулнинг баҳосининг тенг ярмини ўлчаб кумуш билан тўлаб берсин.

209. Агар зодагон ўзининг табақасидан бўлган аёлга қўл кўтарса ва шунинг натижасида унинг боласи тушса, бола ҳақи учун ўлчаб 10 кумуш сикель тўлаб берсин.

210. Агар аёл киши ўлса, ўлдирган кишининг қизи ҳам ҳаётдан жудо қилинсин.

211. Агар у оддий аёлни урса ва унинг боласи тушгудек бўлса, бола ҳақи учун ўлчаб 5 кумуш сикель тўлаб берсин.

212. Агар аёл киши ўлса, ўлчаб 30 кумуш сикель тўлаб берилсин.

213. Агар у номдор кимсанинг чўрисини урса ва унинг боласи тушгудек бўлса, бола ҳақи учун 2 сикель кумуш тўлаб берсин.

214. Агар чўри ўлгудек бўлса, ўлчаб 20 кумуш сикель тўлаб берсин.

Ўзининг қарорларини узоқ санаб ўтгандан сўнг Хаммурапи баён қилади: “Ушбу одил ҳукмларни ўрнатган буюк шоҳ Хаммурапи салтанатни ҳақиқат ва адолат йўлига бошлади... Мен – комил ҳукмдор Хаммурапи худо Энлиль менга омонат қилиб топширган ва худо Мардук пешво этиб тайинлаган халқнинг ташвишидан зинҳор қочмадим ва унга безътибор бўлмадим.”




Хаммурапи қонунлари битилган тош устун, милоддан аввалги тахминан 1776 йил.

Хаммурапи қонунлари Бобилнинг ижтимоий ҳаёт тарзи худолар томонидан ўрнатилган умумий ва абадий адолат мезонларига асосланганлигини таъкидлайди. Бу мезонларнинг энг асосийларидан бири сифатида ижтимоий иерархия кўрсатилган бўлиб, яъни барча одамлар абадул абад иккита жинсга ва учта табақага: зодагонлар, халойиқ ва кулларга бўлинганлиги кўрсатиб ўтилган. Жинс ва табақага мансублигига қараб одамлар турлича баҳоланган. Халойиқдан чиққан аёлнинг ўлими учун 30 кумуш сикель тўлаш керак бўлса, чўрининг ўлими учун 20 кумуш сикель тўланган, бироқ халойиқдан чиққан эркак ўйилган кўзи учунгина 60 кумуш сикель олган. Кодекс, шунингдек, оила ичида қатъий иерархияни белгилаб берган. Хусусан, фарзандлар алоҳида шахс сифатида тан олинмаган ва ўз оналарининг мулки ҳисобланган. Шунинг учун ҳам зодагон аёлнинг ўлими учун айбдор зодагон ўз қизининг ҳаёти билан бадал тўлаган. Биз учун қотилнинг озодликда бемалол юриб, унинг қилмиши учун бегуноҳ қизи жазоланиши даҳшатли туйилса-да, Бобил подшоҳи ва унинг фуқаролари учун бу адолатли ва оқилона кўринган. Мазкур қонунларни тузувчи, агар ҳар бир фуқаро иерархияда ўз ўрнини эгаллаб, унга мос вазифаларни адо этса, миллион нафар аҳолига эга салтанат самарали фаолият юритишига ишонган. Шунда жамият етарли миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариб, уларни тартиб билан тақсимлайди, ўзининг хавфсизлигини таъминлаш ва янада кўпроқ бойлик орттириш учун ташқи душманлардан ҳимоялана олади ва ўз худудини кенгайтиради.

Хаммурапининг ўлимидан 3,5 минг йил ўтгач, Британиянинг Шимолий Америкадаги 13та мустамлакаси инглиз қироли уларга адолатсиз муносабатда эканлигини фаҳмлашди. Мустамлакаларнинг вакиллари Филадельфияда йиғилиб, 1776 йил 4 июль куни бу ерларнинг аҳолиси бундан буён Британия фуқароси эмасликларини эълон қилишди. Мустақиллик декларацияси ҳам Хаммурапи қонунлари сингари Самодан илҳомланган ва маъқулланган умумий ва умумбашарий мезонларни тасдиқлар эди. Бироқ Америка худолари, Бобил худоларидан фарқли ўлароқ, бошқа мезонларни маъқуллаганлар. Мустақиллик декларациясида: “Биз одамлар тенг қилиб яратилганлигини ва Яратувчи уларга яшаш, эркинлик ва бахтга интилиш каби ажратилмас ҳуқуқларни инъом этганлигини ўз-ўзидан аён ҳақиқат деб ҳисоблаймиз” деб ёзилган.

Хаммурапи кодекси сингари мазкур асословчи ҳужжатда одамлар кўрсатиб ўтилган муқаддас қоидаларга риоя этсалар, адолатли ва фаровон дунёда тинч ва фаровон ҳаёт кечиришлари мумкинлигини кафолатлайди. Бобил қонунлари каби Америка мустақиллик Декларацияси келажак авлод учун аталди ва келажак авлод уни қабул қилинди. 200 йилдан буён Америка мактаб ўқувчилари мазкур ҳужжатни ёзиб чиқиб ёд олмоқдалар.



1776 йил 4 июлда имзоланган Америка Қўшма Штатларининг мустақиллик Декларацияси.

Мазкур иккита матнни таққослаб, уларнинг асосий фарқини кўрамиз: Хаммурапи қонуни ва Мустақиллик декларациясининг ҳар иккиси ҳам абадий ва умумий адолат мезонларига мурожаат қилса-да, Америка ҳужжати одамларнинг табиий тенглигидан келиб чиқса, Бобил ҳужжати уларнинг аввалдан нотенгликдан келиб чиққан. Демак, тарафларнинг бири ноҳақ эканда?

Америкаликлар, албатта, ўзларининг ҳақлиги ҳақидаги фикрда туриб олиб, Хаммурапини ноҳақ деб ҳисоблайдилар. Табиийки, Хаммурапи ҳам ўзининг ҳақлигини исботлаб, америкаликлар адашаётганликларини таъкидлаган бўлар эди. Хаммурапи ҳам, Американинг асосчилари ҳам умумий ва ўзгармас бўлган, хоҳ тенглик, хоҳ иерархия бўлсин, адолат мезонлари ҳукм сурувчи олам ҳақида тасаввурга эга бўлганлар. Аммо мазкур мезонлар сапиенсларнинг бой тасаввурларидагина, ўзлари ўйлаб топиб бир-бирларига айтган афсоналаридагина мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар иккиси холис ҳақиқат эмасдир.

Одамларнинг зодагонлар ва халойиқ қисмларига табақаланиши шунчаки тафаккур маҳсули эканлигини тушуниб етиш биз учун қийин эмас. Бироқ умумбашарий тенглик мезонига ишониш ҳам афсонанинг бир туридир. Қайси маънода барча одамларни тенг деб ҳисоблашимиз мумкин? Биз ҳақиқатдан ҳам тенг бўладиган одам тасаввуридан ташқаридаги бирор бир воқелик мавжудми? Биологик нуқтаи назардан тенглик ҳақида мушоҳада қила оламизми? Келинг, мустақиллик декларациясидаги энг машҳур жумлани биология тилига таржима қилишга уриниб кўрамиз: “Биз одамлар тенг қилиб яратилганлигини ва Яратгувчи уларга яшаш, эркинлик ва бахтга интилиш каби ажратилмас ҳуқуқларни инъом этганлигини ўз-ўзидан аён ҳақиқат деб ҳисоблаймиз”.

Биринчидан, биология нуқтаи назаридан одамлар “яратилган” ҳисобланмайди – улар эволюция жараёни давомида ривожланиб келаётган бўлиб, эволюция ҳеч қандай тарзда уларни “тенглаштирмаган”. Тенглик ғояси яратилиш ғояси билан узвий боғлиқликка эгадир. Америкаликлар насронийликдаги “яратилиш” тушунчасига эргашдилар ва бу тушунчада ҳар бир одам илоҳий яратилганлиги ва Худо олдида барча жонларнинг тенглиги таъкидланади. Бироқ насронийликдаги Худо, яратилиш, илоҳий ибтидога эга жон тўғрисидаги афсоналардан бир қадар йироқлашсак, одамлар қандай қилиб “тенг” бўлиши мумкин? Ўхшашлик эмас, балки фарқланиш эволюцияни илгарига сурувчи куч ҳисобланади. Ҳар бир одамнинг генетик коди бири-биридан фарқланади, ҳар бир гўдак ўзига ҳос муҳитда ўсиб улғаяди. Натижада ўзаро ўхшаш бўлмаган қобилят ва фазилатлар ривожланиб, яшаш учун тенг бўлмаган имкониятлар пайдо бўлади.

Шундан келиб чиқиб, “тенг яратилган” тушунчаси биология тилига “турли йўсинда ривожланган” деб таржима қилинади. Шунингдек, биология нуқтаи назаридан олиб қаралса, одамлар нафақат “яратилмаган”, балки уларга бирор нарсани ато этувчи “яратувчи” ҳам мавжуд эмас. Эволюциянинг ожиз, бирон-бир нарсага йўналтирилмаган жараёни мавжуд бўлиб, у алоҳида сифатга эга бўлган мавжудотларнинг туғилишига олиб келади. Шунинг учун “яратган уларга ато этган” тушунчаси ўрнига “туғилган” деб айтилиши лозим. Хўш, яна нима бор? Ҳуқуқ. Биологияда ҳуқуқ тушунчаси мавжуд эмас. Фақатгина органлар ҳамда уларнинг функциялари, инстинктлари ва кўникмалари мавжуд. Қушлар учиш ҳуқуқига эга бўлганликлари учун эмас, балки қанотлари борлиги учун уча олишади. Шунингдек, барча органлар функциялар ва кўникмаларни “ажралмас” деб таърифлай олмаймиз, чунки

мутация жараёни давомида баъзи органлар ва функциялар бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин. Хусусан, туяқуш мазкур жараён натижасида учуш қобилиятини йўқотди.

Шундан келиб чиқиб, “ажралмас ҳуқуқлар” тушунчаси “мутацияга мойил бўлган органлар ва функциялар” деб таржима қилинади. Қайси функциялар айнан одамларга хос? Ҳаётми? Албатта. Эркинлик-чи? Яна биологияга тааллуқли бўлмаган тушунча. Тенглик, ҳуқуқ, масъулияти чекланган жамиятлар қатори эркинлик ҳам одам тасаввурининг маҳсулидир, яъни у одамларнинг тасаввуридагина мавжуд. Одамлар ўзларини эркин ҳис қилади деб ҳисобланадиган демократия билан ўз эркинликларига эга бўлмаган диктатурани биология кўзи билан солиштириш бефойда. “Бахт” тушунчаси-чи? Биологик тадқиқотлар шу кунгача бахт тушунчасига аниқ таъриф бермаган ва уни объектив ўлчаш услублари ишлаб чиқилмаган. Кўпгина биологик тадқиқотлар фақат “завқ” тушунчасини ўлчай оладилар – уни аниқлаш ва ўлчаш осонроқ.

Шундай қилиб, биология тилида “ҳаёт, эркинлик ва бахтга интилиш” тушунчалари “ҳаёт ва завқланиш истаги” дея таърифланади. Энди мустақиллик декларациясидаги машҳур жумлани биология тилига бутунлигича таржима қиламиз: “Биз барча одамлар турли йўсинда ривожланиб боришини ҳамда маълум мутацион хусусиятлар, жумладан ҳаёт ва завқланиш хусусиятлари билан туғилишини кўриб турибмиз”. Бундай йўсиндаги талқиндан тенглик ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари хафа бўлишлари мумкин. Улар “биологик нуқтаи назардан барча одамларнинг тенг эмаслиги бизга маълум, бироқ биз моҳиятан тенглик тушунчасини қабул қилар эканмиз, барқарор ва обод жамиятни қура олишимиз мумкин” деган фикрни илгари сурадилар. “Шундай экан, барча шу талқинни қабул қилгани дурустдир” деган маънода эътироз билдиришлари ҳам мумкин. Биз бу далилни инкор эта олмаймиз. Кўрсатиб ўтилган “тасаввурдаги тартиб”нинг илдизи ҳам шу ерда: биз у ёки бу тартибга объектив ҳақиқат туфайли мослиги учун эмас, ишонч орқали ўзаро самарали таъсир ўтказганни ва жамиятни яхши томонга ўзгартиришга имкон бергани учун ишонамиз. “Тасаввурдаги тартиб” – бу зарарли фитна ёки сароб эмас, аксинча, одамларнинг катта массасига таъсир ўтказа оладиган ягона усул ҳисобланади. Аммо эътибор беринг, Хаммурапи ўзининг иерархик тамойилларни шу далиллар билан, яъни “зодагонлар, халойиқ ва қуллар бир-биридан катта фарққа эга бўлмаган одамнинг зотлари эканлиги менга аён, бироқ бу бизга ўзаро самарали таъсир ўтказа олиш ва жамиятни яхши томонга ўзгартиришга имкон беришига аминмиз” деб қўллаб қувватлаган бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ишонувчилар

Кўпгина китобхонлар охириги жумлаларни ўз курсиларида ўтирганча безовталаниб ўқиганларидан хавотирдаман. Бироқ биз қандай таълим олган бўлсак, шундан келиб чиқиб муносабат билдирамиз. Бизга Хаммурапининг қонунларини афсона деб тан олиш қийинчилик туғдирмайди, бироқ инсон ҳуқуқлари ҳам афсона эканлигини эшитиш биз

учун ҳам жирканчдир. Одамлар инсон ҳуқуқлари фақат уларнинг тасаввурларидагина мавжудлигини эшитсалар, жамият парчаланиб кетмайдими? Волтер “Худо йўқ, лекин бу ҳақда менинг хизматкоримга айта кўрманг, акс ҳолда у мени тунда бўғизлаб қўяди” деган экан. Шу сўзлар билан Хаммурапи ўз иерархик тамойилини, Томас Джефферсон эса инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги аксиомасини ёқлаши мумкин эди.

Homo sapiens табиатан, худди ўргимчак, сиртлон ва шимпанзеда йўқ бўлганидек, ажралмас ҳуқуқларга эга эмас. Бироқ бу тўғрисида хизматкорларга айтиш керак эмас – бўлмаса бизни тунда бўғизлаб қўйишади... Бу кўрқувга етарлича асослар мавжуд. Жисмларнинг табиий тартиби моҳиятан барқарордир. Дунё тортишиш қонуни эртага эрталабдан ишламай қолишидан кўрқмаймиз ва бунга кўпгина одамларнинг ишонмаслиги аҳамиятга эга эмас. Тасаввурдаги тартиб эса, аксинча, афсоналарга асосланганлиги туфайли доимо қулаш хавфи остида. Афсоналар кўпчилик унга ишонишни бас қилган заҳотиёқ йўқ бўлиб кетади. Тасаввурдаги тартибни сақлаш учун эса доимо онгли ҳаракатларни амалга ошириш талаб этилади, шу жумладан, зўравонлик ва мажбурлаш кўринишида. Армия, полиция, суд ва қамоқхона: булар ҳукуматнинг, одамлар томонидан тасаввурдаги тартибни қабул қилишга ва бажаришга ундовчи асосий воситалардир. Агар Бобиллик кўшнисининг кўзини ўйиб олгудек бўлса “қонга қон, жонга жон” тамойилига таяниб айбдорга нисбатан зўравонлик ишлатиш зарур бўлган. 1870 йилда Америка фуқароларининг аксарият қисми қора танлилар ҳам бошқалар каби инсон, демак, улар ҳам бошқалар каби эркин бўлишлари зарур, деган хулосага келишганларидан сўнг жанубий штатлар бу тушунчани қабул қилишлари учун кўпийиллик қонли уруш керак бўлди. Бироқ фақатгина зўравонлик билан тасаввурдаги тартибни сақлаб бўлмайди. Бунинг учун чиндан ҳам унга ишонувчилар керак бўлади.

Ўзининг буқаламунларга хос иш фаолиятини қирол Людовик XVI даврида бошлаган князь Талейран кейинчалик Инқилобга ва Наполеонга хизмат қилди ва қариган чоғида яна монархистга айланди. У ўзининг вазир сифатидаги ўн йиллик тажрибасини қисқа қилиб “найзалар ёрдамида кўп нарсага эришишингиз мумкин, бироқ найзага ўтириш ноқулайдир” дея таърифлаган. Баъзи ҳолларда битта руҳоний юзта аскарнинг ишини анча арзон ва самарали бажариши мумкин. Бундан ташқари, найзалар қанчалик ўтқир бўлмасин, улар билан ишлай оладиган одамлар зарур. Нега аскарлар, қамоқхона соқчилари, судьялар, полициячилар ўзлари ишонмай қўйган тасаввурдаги тартибга хизмат қилишлари керак? Инсон фаолияти турларининг ичида энг мушқули зўравонликни ташкиллаштиришдир.

Жамоат тартибини фақатгина қуролли зўравонлик билан сақлаш мумкинлигини эшитганингизда мазкур зўравонликни нима қўллаб-қувватлаши ҳақида ўйлаб кўринг. Фақатгина мажбурлаш билан армияни ташкил этиб бўлмайди. Ҳеч бўлмаганда зобитлар ва аскарларнинг бир қисми худога, шарафга, ватанга, биродарликка, пулга ёки бошқа бир нарсага ишонишлари керак. Ушбу саволни ижтимоий эҳромнинг чўққисида турганларга йўналтириш янада қизиқ. Нега улар мамлакатга ўзлари

ишонмайдиган тасаввурдаги тартибни сингдирадилар? Кўпинча бу саволнинг жавоби осон туюлади: оддий очкўзлик элитани ҳаракатга келтиради. Аммо ҳеч нарсага ишонмайдиган одам очкўз ҳам бўлмайди: Homo sapiensнинг асл биологик эҳтиёжларини қондириш учун унга кўп нарса керак эмас. Сиз миллиард долларга эҳром бунёд этишингиз, дунё бўйлаб саёҳат қилишингиз, сайлов кампаниясини молиялаштиришингиз, террорчилик ташкилотини тузишингиз мумкин... Ёки сиз шу маблағни фонд бозорига тикиб, яна бир миллиард ишлаб олсангиз бўлади, аммо ҳақиқий скептик одам бу қарорларининг ҳар қандайини мутлақо маъносиз деб ҳисоблайди.

Қадимги юнон файласуфи, киниклар мактаби асосчиси Диоген бочкада яшаган. Бир куни Диоген шу бочка ёнида қуёш тагида исиниб ётганида унинг олдида Искандар Зулқарнайн келиб, донишманд учун у истаган барча нарсани қилишга тайёрлигини айтганида Диоген улуғ хукмдордан қуёшни тўсмай нари туришини сўраган. Айнан шунинг учун донишмандлар салтанатларга асос солмаганлар. Тасаввурдаги тартиб фақат аҳолининг, хусусан, элита ва хавфсизликни ўрнатувчиларнинг кўп қисми унга чин дилдан ишонганларидагина сақланиб қолади. Агар деярли барча ноиблар ва руҳонийлар Исо Масихга ишонишни бас қилганларида, насронийлик икки минг йил давом этмас эди. Агар аксарият президентлар ва конгрессменлар инсон ҳуқуқларига ишонишни бас қилганларида, Америка демократияси 250 йил турмас эди. Агар инвесторлар ва банкирлар капитализмга бўлган ишончларини йўқотганларида, замонавий иқтисодий тизим бир кун ҳам сақланиб қолмаган бўларди.

Қамокхона деворлари

Қандай қилиб одамларни тасаввурдаги тартибга – насронийликка, демократияга ёки капитализмга чин юракдан ишонишига ундаш мумкин? Биринчидан, тартиб фақат тасаввурда эканлигини ҳеч қачон тан олиш керак эмас. Ўзингизнинг позициянгизда туринг: жамиятни ушлаб турувчи тартиб – худолар томонидан ўрнатилган объектив воқелик ва ёки табиатнинг ўзгармас қонунидир. Одамлар тенг яратилмаган – буни Хаммурапи эмас, балки Энлиль ва Мардук худолари эълон қилган. Одамлар тенг қилиб яратилган – буни Томас Джефферсон эмас, балки Тангрининг ўзи таъкидлаган. Эркин бозор – дунёдаги энг зўр тизим ва бу Адам Смитнинг фикри эмас, балки табиатнинг ўзгармас қонунидир. Бундан ташқари, одамларга мос тартибда таълим бериш керак.


Болалиқдан бошлаб ҳар доим ва ҳамма жойда мавжуд бўлган тасаввурдаги тартиб асосларини уларга ўргатиш лозим. Одамлар бу тушунча ва тамойилларни эртақлар ва пьесалар, расмлар ва кўшиқлар, одоб-ахлоқ қоидалари ва тарғибот, меъморчилик, рецептлар ва мода орқали ўзларига сингдирадилар. Масалан, бугунги кунда одамлар тенгликка ишонишади ва шунинг учун бадавлат ота-оналарнинг фарзандлари бир пайтлар ишчиларнинг кийими бўлган джинсиларни кийишади. Ўрта асрларда одамлар табақаланишга ишонишган ва шунинг учун ёш зодагон дехқоннинг камзулини асло киймаган. Ўша пайтларда “жаноб” ва “хоним” деб фақат зодагонларга

нисбатан мурожаат қилишган ва бу каби мурожаат кўпинча қон билан сотиб олинадиган катта имтиёз саналган. Ҳозирда эса нотаниш кимсага ёзилаётган оддий мактуб “Ҳурматли жаноб (ёки хоним)...” деб бошланади. Ижтимоий гуманитар фанлар тасаввурдаги тартиб инсон ҳаётининг сўзанадиганига қай тарзда битилишини асослантиришга эътибор қаратадилар. Ушбу китобнинг ҳажми чекланганлиги боис биз фақат айсберг чўққисини кўрсатишимиз мумкин. Одамлар ҳаётларини бўйсундирган тартиб фақат уларнинг тасаввуридагина мавжудлигининг асосий сабаблари қуйидагича:

А. Тасаввурдаги тартиб ҳақиқий дунёда илдиз отган. Тасаввурдаги тартиб фақат инсон онгида мавжуд бўлса-да, у моддий дунё билан чамбарчас боғлиқ. География, ҳайвонот, наботот, микроорганизмлар, инсон танасининг тузилиши ва одамлар яратган технологиялар бизнинг тасаввуримизни чеклайди. Ўз навбатида, тасаввурдаги тартиб аста-секин география, ҳайвонот, наботот, микроорганизмлар, инсон танасининг тузилиши ва одамлар яратган технологиялар ҳақидаги тасаввуримизни шакллантиради ва натижада тасаввуримиздаги бу тартиб бошқаларга нисбатан ҳақиқатга кўпроқ мос келади. Бу тартибни муқобил бошқа тартибга нисбатан тасаввур қилиш одамларга осонроқ. Ҳозир ғарбда кўпчилик индивидуалликка, яъни одамнинг мен тушунчаси мавжудлигига ишонишади. Мазкур тушунчага кўра, ҳар бир инсон бошқа одамларнинг у тўғрисидаги фикрига боғлиқ бўлмаган шахс. Ҳар биримизнинг ичимизда ҳаётимизга мазмун ва мақсад бағишлайдиган ёрқин нур мавжуд. Замонавий мактабларда ўқувчиларга синфдошлари уларни мазах қилганларида эътибор бермасликни ўргатишади, чунки аслида қанчалик яхши эканлигининг бошқаларга эмас, балки фақат ўзинга аён деб ҳисоблашади. Замонавий меъморчилик бу таълимотни тош ва цемент орқали ифода этади. Бенуқсон уй кўплаб кичик хоналардан ташкил топган бўлади, шунда ҳар бир бола бегона кўзлардан ҳимояланган ўзининг шахсий маконига, яъни тўлиқ мустақилликка эга бўлади. Албатта, хонада эшик мавжуд ва ҳозирда кўпгина оилаларда бола ёлғиз қолишни истаса шу эшикни ёпиб олади ёки қулфлайди. Ҳатто ота-оналар ҳам тақиллатмасдан киришга журъат эта олмайдилар. Бола хонани ўзининг дидига мос тарзда жиҳозлайди – деворлардан рок юлдузларининг суратлари ва полдан кир пайпоқлар жой олади. Бундай муҳитда улғайган одам ўзини “шахс” деб ҳисоблай олмайди, сабаби унинг кадр-қиммати ташқи нарсалар билан эмас, балки унинг ўзи билан ўлчаниши даркор. Ўрта аср зодагонлари индивидуализмга ишонишмаган. Одамнинг кадр-қиммати ижтимоий иерархиядаги ўрни ва одамлар орасидаги обрўсига боғлиқ бўлган. Мазах қилиниш – даҳшатли хўрликдир. Зодагонлар ўз фарзандларига номусни керак бўлса ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса ҳам, ҳимоя қилишлари лозимлигини уқтиришган. Ўрта аср кадриятлар тизими замонавий индивидуаллик каби тасаввурдан келиб чиққан бўлиб, ўрта аср қалъаларининг тошларига битилди. Қалъаларда болалар (катталарга ҳам) учун алоҳида хоналар ажратилмаган. Бароннинг ёш ўғлига қалъанинг тепа қаватидан жой ажратишмаган, у ерда онаси ва дадасидан ҳоли қолиб Шерюрак Ричард ва кирол Артурнинг суратларини деворга ёпиштирмаган. Аксинча, катта залда тенгдошлари билан

ёнма-ён ухлаган. У доим одамларнинг кўз ўнгида бўлган, доим одамларнинг ўзи тўғрисидаги фикрларини ҳисобга олиб яшаган. Бундай муҳитда улғайган одам шахснинг кадр-қиммати унинг ижтимоий иерархиядаги ўрни ва у ҳақида бошқаларнинг фикрига қараб ўлчанади деган табиий ҳулосага келади. Б. Тасаввурдаги тартиб бизнинг истакларимизни шакллантиради. Шу ўринда, бизнинг истакларимиз эса тасаввурдаги тартибнинг энг мустаҳкам пойдеворига айланади. Аксарият одамлар уларнинг ҳаётини бошқарадиган тартиб шунчаки уларнинг ҳаёллари маҳсули эканлигини тан олишга тайёр эмаслар, чунки тасаввурдаги тартиб уларнинг энг кучли истакларини йўналтиради ва шакллантиради. Ҳар бир одам туғилганидан сўнг ундан аввал ўрнатилган тартибга тушиб қолади ва унинг истаклари болаликдан жамиятда ҳукм сураётган афсоналар орқали шаклланади. Шу туфайли замонавий ғарб одамнинг энг эзгу орзулари ўтган асрлар давомида мавжуд бўлган афсоналардан шаклланган: романтика, миллатчилик, капитализм ва инсонийлик. Одамлар шубҳа дамларида дўстларидан “қалбга қулоқ тутиш” қабилдаги маслаҳатни эшитишади. Аммо қалб – хоиндир, у ҳукм сураётган афсоналардан кўрсатмалар олади. Ҳаттоки “ўз қалбига қулоқ тутиш” тавсияси ҳам XIX асрдаги романтик афсоналар ва XX асрдаги истеъмолчилик афсоналаридан келиб чиққан хитобдир. Масалан, “Coca-Cola” компанияси бутун дунёга диет-кола ичимлигини “Диет-кола! Қилиш керак бўлганини қилинг” шиори остида реклама қилган. Ҳаттоки одамнинг ўзига нафақат шахсий, балки ўта эгоистик бўлиб кўринган истакни ҳам одатда тасаввурдаги тартиб шакллантирган бўлиб чиқади. Масалан, хорижда таътилни ўтказиш каби оммавий урфни олайлик. Бунинг аён ёки табиий жиҳати нимада? Шимпанзеларнинг тўдабоши эркаги ўз қудратини қўшни тўданинг ҳудудида дам олишга ишлатишни ҳаёлига ҳам келтирмаган бўларди. Қадимги Миср зодагонлари ўз бойликларини эҳромлар бунёд этишга ва жасадларини мўмиёлашга сарфлаганлар, аммо ҳеч ким ёз мавсумида Бобилда чегирмалар билан бозор қилишга ёки Финикияда чанғи учишга боришни ўйламаганлар. Бугун одамлар чет элда дам олишга кўп пул сарфлайдилар, чунки улар романтик истеъмолчилик афсонасини бутун вужудлари билан қабул қилдилар. Романтик истеъмолчилик замонавий романтика ва истеъмолчилик мафкураларининг уйғунлигидан ҳосил бўлган. Романтизм одам ўз имкониятларини тўлиқ ишга солиши кераклигини ўргатади ва бунинг учун ундан турли кўникмаларни талаб қилади: туйғуларнинг энг кенг доирасига очилинг, турли ҳис муносабатларни бошдан кечиринг, барча миллий таомларни татиб кўринг, у ёки бу мусиқани севишни ўрганинг. Эҳтимол, турли-туманликнинг энг юқори чўққисини кўришнинг энг яхши усули – бу кундалик бир хилликдан ҳоли бўлиш, таниш муҳитни тарк этиш, ўзга юртларнинг ифорлари, таъмлари ва одатларини “ҳис қилиш” учун узок ўлкаларга кетиш ҳисобланади. Натижада “янги тажриба менинг кўзларимни очиб, ҳаётимни ўзгартириб юборди” қабилдаги романтик афсоналарга кўп тўқнаш келамиз. Агар нимадур бизни қониқтирмаса ёки нимагадир эҳтиёж сезсак, биз тезда бирон-бир нарсани (автомобиль, кийим-кечак, экологик тоза озиқ-овқатлар) ёки хизматни (уй хизматкорини ёллаш, оилавий муносабатлар

бўйича мутахассисга мурожаат қилиш, йога курсларига ёзилиш) харид қилишимиз керак. Эътибор беринг, бугунги кундаги ҳар қайси реклама – навбатдаги маҳсулот ёки хизмат ҳаётингизни яхши қилишга хизмат қилувчи кичкина афсонадир. Романтизм ўзининг хилма-хилликка бўлган муҳаббати билан истеъмолчилик таълимотига тўлиқ мос келади. Уларнинг уйғунлиги замонавий туризм соҳасининг асоси ҳисобланувчи чексиз “таассуротлар” бозорини вужудга келтирди. Охир-оқибат сайёҳлик фирмаси самолёт чипталари ва меҳмонхонадаги хонани эмас, балки “унутилмас таассуротларни” таклиф қилади. Париж – шаҳар эмас, унутилмас таассурот, Ҳиндистон – ўлка эмас, таассурот, Алп тоғлари бағрида чанғи учуш – дам олиш ёки спорт эмас, балки таассуротнинг яна бир туридир. Таассуротларни истеъмол қилиб биз гўёки ўз дунёқарашимизни кенгайтирамыз, ўз имкониятларимизни амалга оширамыз ва ўзимизни бахтиёр ҳис қиламыз. Шунинг учун миллионер ўз рафиқаси билан муносабатларини яхшилашни истаса, унга Париждаги ҳашаматли дам олишни ҳадя этади ва бу саёҳат унинг унинг ноодатий ва шахсий истакларини эмас, балки романтик истеъмолчилик афсонасига бўлган оташин ишончини акс эттиради. Қадимги Мисрлик бойвачча ўз муносабатларидаги инқирозни шу зайлда, яъни рафиқасини Бобилга саёҳатга олиб бориш ўрнига рафиқаси доим орзу қилган ҳашаматли мақбарани қуриб бериш билан ҳал қилган бўларди. Эҳромлар бунёд этиш билан фақат Миср зодагонлари шуғулланмаганлар – кўпгина маданиятлардаги кўплаб одамлар ўз ҳаётини шунга бағишлаганлар. Бунда фақатгина унинг номи, шакли ва қўлами ўзгарган холос. Эҳром ўрнига, масалан, шаҳар четидаги ҳовузи бор ва майсазорли уй ёки шаҳарнинг ажойиб манзараси кўринадиган пентхаус бўлиши мумкин. Аммо кам сонлиларгина эҳромни орзу қилишга ундайдиган афсонани шубҳа остига олади.



Гиза шаҳридаги улкан эҳром. Қадимги Миср бойваччалари пулларини шунга сарфлаганлар.

В. Тасаввурдаги тартиб субъективдир, бироқ ўзаро таъсир қилувчи кўплаб унсурларни ўз ичига олади. Ғайритабиий инсоний саъй-ҳаракатлар билан тасаввуримдаги тартибнинг буйруқларидан ҳалос бўлганимда ҳам, мен

битта одамман холос. Тасаввурдаги тартибни ўзгартириш учун миллионлаб нотаниш кимсаларни мени бу ишда қўллаб-қувватлашларига ундай олишим керак. Чунки тасаввурдаги тартиб фақат менинг онгимнинг маҳсули эмас – у ўзаро субъективдир, яъни минглаб ва миллионлаб одамларнинг ўзаро туташган тасавбурида ҳам мавжуд. Буни тушуниб етиш учун “объектив”, “субъектив ” ва “ўзаросубъектив” тушунчалари орасида фарқларни аниқлашимиз керак. “Объектив” одамнинг онги ва ишонишига боғлиқ бўлмаган ҳолда бўлади.

Масалан, радиоактив нурланиш – афсона эмас. Радиоактив нурланиш одамлар уни кашф қилишларидан аввал ҳам бўлган ва ҳатто унинг мавжудлигига ишонмайдиганлар учун ҳам хавфлидир. Радиоактивликни илк кашф этганларнинг бири бўлмиш Мари Кюри радиоактив моддаларни кўп йиллар давомида ўрганиб, ўзининг танасига зарар келтираётганини билмаган. Натижада, гарчи уларнинг хавфлилигига ишонмаган бўлса ҳам, апластик анемиядан – радиоактив моддалар билан жуда узоқ вақт ишлаш натижасида келиб чиқадиган хавfli касалликдан вафот этган. “Субъектив” эса шахснинг онги ва қарашларидагина мавжуд. Агар ўша одамнинг қарашлари ўзгарса, у ўзгаради ёки йўқолади.

Масалан, кўпгина болалар ўзлари учун кўринмас дўстни топиб олишади ва бир мунча вақт давомида унинг борлигига ишонишади. Аммо боланинг бу дўсти унинг фақатгина субъектив қарашлари сифатида мавжуд бўлиб, бола ўсиб улғайганида тасавбуридаги дўсти йўқолади. “Интерсубъектив” эса одамларнинг субъектив онгини боғлайдиган коммуникатив тармоқда мавжуд холос. Агар бирор кимса ўз қарашларини ўзгартирса, интерсубъектив даражада бу аҳамият касб этмайди. Бироқ ушбу “тармоқ”ни ташкил этувчи одамларнинг аксарияти ўлса ёки ўз қарашларини ўзгартирса, интерсубъектив ҳодисалар мутацияга учрайди ёки йўқолиб кетади. Бу ҳодисалар ғараз, ёлгон ёки янглишмовчилик эмас. Улар ҳам радиоактивлик мавжуд бўлганидек каби эмас, балки бошқа маънода ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг оламга улкан таъсирини инкор этиб бўлмайди. Масалан, Peugeot – бош директорнинг хаёлий дўсти эмас. Компания миллионлаб одамларнинг умумий тасавбурида мавжуд. Бироқ охир-оқибат нега бош директорнинг ўзи унинг корхонаси мавжудлигига ишонади? Сабаби директорлар кенгаши, компания юристлари, кўшни идорадаги котибалар, банкдаги кассирлар, биржадаги брокерлар, Франциядан Австралиягача бўлган мамлакатлардаги автодилерлар ҳам бунга ишонадилар. Агар бош директор тўсатдан Peugeotнинг ҳақиқатда мавжудлигига ишонишини тўхтатса, у ўзини яқин орадаги руҳий касалликлар клиникасидан топади ва бу пайтда унинг лавозимини бошқа одам эгаллаган бўлади. Худди шунга ўхшаб, доллар, инсон ҳуқуқлари ва Америка Қўшма Штатлари миллиардлаб одамларнинг ўзаро туташган онгида мавжуд ва ҳеч ким уларнинг воқелигини бузишга қодир эмас. Агар шахсан мен долларга, инсон ҳуқуқларига ёки Қўшма Штатларга ишонишни бас қилсам, бу ҳеч нарсани англамайди.

Тасаввурдаги тартиб интерсубъективдир, шунинг учун уни биз миллиардлаб одамларнинг онгини ўзгартириш орқали ўзгартиришимиз

мумкин холос, бироқ бу осон иш эмас. Бундай катта кўламдаги ўзгартиришларни фақат сиёсий партия, мафкуравий ҳаракатлар ёки дин каби кенг қамровли ташкилотнинг кучи билан амалга ошириш мумкин. Аммо бундай мураккаб ташкилотни яратиш учун жуда кўп, бир-бирларига нотаниш бўлган одамларни бирлашишга ва биргаликда ҳаракат қилишга ундаш керак. Бундан келиб чиқадики, мавжуд тасаввурдаги тартибни ўзгартириш учун унга муқобил бўладиган бошқа тасаввурдаги тартиб керак бўлади. Масалан, Реуеотни йўққа чиқариш учун француз ҳуқуқ тизимида ўхшаш улканрок тушунчани яратиш керак. Француз ҳуқуқий тизимини ағдариш учун эса бизга янада кенг қамровли ва даҳшат куч – Франция давлати керак ва ўз ўрнида бу давлатни енгиш учун биз ундан-да қудратли нарсани тасаввуримизга сиғдира олишимиз лозим. Тасаввурдаги тартибдан халос бўлишга бизнинг кучимиз етмайди. Зиндоннинг деворларини кулатиб, эркинлик сари йўл олсак, биз бундан-да каттароқ қамоқхонанинг катта ҳовлисига чиқамиз.

7.

Хотиранинг зўриқиши

Инсонга баскетбол ўйнаш қобилиятини эволюция инъом этмаган. Ҳа, у инсонга югуриш учун оёқ, тўп ўйнатиш учун қўл, рақибларини итариш учун елка бергани рост, аммо буларнинг бари инсонга вақтини хушлаш учун тўпни саватга ирғитишга имкон яратган. Танаффусга чиққан мактаб болаларидек бошқалар билан ўйинга тушиши учун ўйинчи нафақат жамоанинг қолган тўрт аъзоси билан (гарчи уларни илк бор кўриб турган бўлса-да) биргалашиб ҳаракат қилишни ўрганиши керак, балки рақиб жамоадаги бешовлон ҳам худди шу қоидага кўра ўйин олиб бораётганини билиши лозим.

Ҳайвонлар ҳам ўйин ўйнайдилар, масалан, ўртамиёна ва одатий тажовузларни ўз ичига олган ўйинларни. Аммо улар бир сезгига амал қиладилар: дунёнинг исталган бурчидаги ҳар бир кучук генида “ёпишиб қолган” бир қоида борки, шу қоидага кўра, у бегонага ташланиб, уни қувлашмачоқ ўйнашга чорлайди, ириллайди ва ёлғондакам ғажишади. Аммо америкалик ўспиринларнинг ДНКсида баскетбол ўйнаш учун алоҳида ген топилмаган. Шунга қарамай, улар мутлақо бегона тенгқурлари билан ўйнайверадилар, негаки уларнинг барчаси бу ўйин тури ҳақида бир хил тасаввурга эга. Бу тасаввур ғоялар олами, яъни таҳайюл оламига дахлдор, аммо бордию ҳамма уни бошқалар билан бўлишадиган бўлса, у ҳолда ҳамма ҳам бу ўйинни ўйнай олади.

Подшоликлар, черковлар ва савдо тармоқлари айнан мана шу пойдевор устида қурилган. Фақат биргина муҳим фарқ билан: баскетбол қоидалари анчайин содда, уларни қисқа ва лўнда қилиб тушунтириш мумкин. Овчи-теримчи гуруҳлар ва ёки кичикроқ қишлоқ аҳолиси амал қилган қоидалар ҳам шундай жўн бўлган. Ҳар бир ўйинчи ушбу қоидаларни ўзлаштиришга қодир, шунда ҳам унинг миясида қўшиқлар, аллақандай тасвирлар ва ҳаттоки харидлар рўйхати учун ҳам жой ортиб қолади. Аммо ҳамкорликка ўнлаб эмас,

балки минглаб ва миллионлаб инсонни жалб этган йирик тизимлар жуда катта ҳажмдаги маълумотларни келтириб чиқаради. Бу маълумотларни эса ҳеч бир инсон мияси мустақил равишда сақлаш ва қайта ишлашга қодир эмас. Баъзи бир мавжудотлар, масалан, чумоли ва ари жамоалари барқарорлигича қолади, сабаби уларнинг ҳаётий фаолиятини бир маромда сақлашда зарур бўлган деярли барча маълумотлар генлар мажмуида кодланган.

Асалари урғочисининг личинкалари у озикланадиган емишига қараб ё уя қироличаси, ёки ишчи асалари бўлиб камол топиши мумкин. Унинг ДНКси таркибида ҳар иккала рол, яъни ҳам сарой этикети қодалари, ҳам пролетарча тиришқоқлик учун феъл-атвор программаси мавжуд. Асалари уяси турфа хил ишчилардан ташкил топган мураккаб ижтимоий тузилма. Уларнинг орасида нектар йиғувчиси ҳам, тарбиячиси, фарроши ҳам бор. Аммо асалари мутахассислари уларнинг ичида ҳуқуқшунослари бор-йўқлигини ҳали аниқлашмади. Асаларига адвокатларнинг кераги йўқ, негаки кимдир фаррош-асаларини яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва бахтга интилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб ёки бўлмаса, Бостон бандаргоҳида тухумларни сувга чўктириб уянинг конституциясини бузиши хавфи йўқ. Аммо бундай ишлар инсонлар томонидан тез-тез амалга оширилиб туради.

Модомики, сапиенсларнинг ижтимоий тартиби хаёлот оламига дахлдор экан, одамлар инсон жамоати мавжудлигини таъминловчи маълумотларни шунчаки ўз ДНКсидан нусха кўчириб, генини наслига ўтказиб сақлаб қололмайдилар. Ушбу барча қонунларни, одатлар, жараёнлар, хулқ-атвор ва кишилиқ жамияти ҳаракатланиши қўлланмасини ташкил этган шу кабиларни сақлаш учун онгли равишда куч сарфланиши керак. Акс ҳолда ижтимоий тузилма бир лаҳзада қулайди. Мисол учун, Вавилон подшоҳи Хаммурапи ўз фуқароларининг зодагонлар, авомлар ва қулларга бўлинишини қонунлаштириб қўйган. Бу табиий бўлиниш эмас, инсон генлар мажмуида бу бўлинишнинг ҳеч қандай излари топилмайди. Бордию вавилонликлар ушбу подшоҳ “ҳақиқат”ини ёддан чиқариб қўйгудек бўлса, уларнинг жамияти ишлашдан тўхтаб қолган бўларди.

Хаммурапидан ўғлига ўтган ДНКси оддий авомни ўлдирганлиги учун зодагон 30 кумуш танга тўлаши керак деган маълумотларни ҳеч қанақасига ташимаган. Хаммурапи сарой қонунларини ўз ўғилларига ўргатишига тўғри келган, ўғиллар ва набиралар эса худди шундай онгли равишда бу маълумотларни ўз фарзандларига етказишган.

Империя ва подшоликлар жуда катта ҳажмда маълумотлар келтириб чиқаради. Қонунлардан ташқари, битим ва солиқ ҳисоботлари, уруш эҳтимоли учун сақлангувчи захираларнинг инвентар рўйхати, савдо кемалари саноғи, байрам кунлари ва ғалабалар тақвими ҳам ёдда сақлаш керак. Миллион йиллардан бери одамлар маълумотларни бир ерда, яъни миясида сақлаб келади. Афсуски, учта муҳим сабабга кўра, инсон мияси ниҳоятда катта ҳажмли маълумотлар базаси учун мос кела олмайди.

Биринчидан, мия сифими чекланган. Тўғри, баъзи инсонлар ҳайратомуз хотирага эгадирлар. Қадимда ҳам бутун бир вилоятнинг муфассал харитасини ва бутун қонунлар тўпламини хотирасида сақлашга қодир истеъдодли

мутахассислар бўлган. Шундай бўлса-да, ҳатто мнемотехника усталари учун ҳам ошиб бўлмас довлар мавжуд. Ҳуқуқшунос Массачусетс штатининг қонунларини сув қилиб ичиши мумкин, лекин бу штатда Салем жодугарлари жиноий процессидан бошлаб амалга оширилган барча суд ишларининг тафсилотларини эслаб қололмайди.

Иккинчидан, инсон абадий яшамайди. Вафот этгач, унинг мияси ва мияда сақланган маълумотлар ҳам йўқликка учрайди. Бошқача айтганда, бу маълумотлар яқин келажакда, бир неча ўн йилликлар ошиб ўлимга маҳкум. Албатта, маълумотларни бир инсондан бошқа бир инсонга узатиб бориш мумкин, аммо оғзаки узатиш жараёнида маълумотнинг бир қисми йўқолади ёки ўзгаради.

Учинчи ва энг муҳим сабаб – инсон мияси муайян бир турдаги маълумотнигина сақлаш ва қайта ишлашга қодир. Қадимда овчи-теримчилар тирик қолиш учун минглаб ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўриниши, хусусияти ва одатларини ёдда сақлаб қолишган. Улар куз фаслида қайрағоч остида ўсувчи бужмайган сариқ тусли кўзқоринлар захарли, кўриниши уларга ўхшаш, аммо қишда эман остида пайдо бўлувчи кўзқоринларнинг ошқозон оғриғига даво эканлигини билишлари шарт эди. Шунингдек, овчи-теримчилар қариндош-уруғининг феъл-атвори ва ўзаро муносабати ҳақидаги маълумотларни ҳам ёдда сақлаганлар. Агар Люси Жоннинг шилқимлигидан безиб, ҳимояга муҳтож бўлса, у кимга мурожаат қилишни билади. Ўтган ҳафта Жон Мэрини ранжитган эди, демак, Мэри бажонидил Жонга қарши чиқади. Тириклик шартлари инсон миясининг эволюциясига кўмаклашди, натижада инсон мияси ботаника, зоология, типография ва жамиятга оид сон-саноксиз маълумотларни тўплаш ва сақлашни ўрганди. Аммо Аграр Инқилоб натижасида янада мураккаб жамиятлар вужудга келгач, мутлақо янги кўринишдаги маълумотлар – математик маълумотлар ҳаётда катта аҳамиятга эга бўлди. Илгари теримчиларнинг катта-катта сонлар билан ишлашига тўғри келмаган. Уларнинг ҳеч бирида ўрмондаги барча дарахтнинг мевасини ҳисоблаб чиқиш зарурати бўлмаган, шу сабабли инсон мияси сонларни сақлаш ва қайта ишлашга мослашиб улгурмаган. Аммо катта бир подшоҳликни бошқариш учун математик маълумотлар сув ва ҳаводек зарур.

Қонунлар чиқариш ва кўриқловчи худолар ҳақида афсоналар сўйлашнинг ўзи етарли эмас, солиқларни ҳам тўплаш керак. Юз минглаб фуқарога солиқ солиш учун уларнинг даромадию кўчмас мулкларини, шу пайтгача тўлаб қўйилган пуллар миқдори, қарз ва жарималари, имтиёз ва енгилликларини ҳақида маълумотлар зарур. Бу эса миллионлаб байт дегани ва уларнинг барчасини сақлаш ва таҳлил қилиш зарур. Ушбу мўл-кўл маълумотни эга бўлмай туриб, давлат ўз ихтиёрида қандай ресурслар борлигини ва қўшимча қайси ресурсларни реализация қилишни била олмас эди. Бу рақамларнинг барчасини эслаб қолиш, керак бўлганда ёдга олиш ва қайта ишлаш заруратига дуч келганда инсон мияси ортиқча зўриқади ёки ўчиб қолади. Миянинг бу жиҳати кишилиқ жамоатининг ўсиш ва мураккаблашиш имкониятини жиддий равишда чеклайди.


Маълум бир жамиятдаги одамлар ва мулклар сони критик қийматга етиши биланоқ катта миқдордаги математик маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш зарурати туғилди, инсон мияси эса уни сиғдира олмаганлиги сабабли навбатдаги тизим барбод бўлди. Аграр инқилобдан минг йиллар кейин ҳам кишилик жамияти анчайин соддалигича қолиб, йириклашмади. Жанубий Месопотамияда яшаган шумерлар биринчи бўлиб бу масаланинг уддасидан чиқишди. Қуёшнинг жазирама нурлари остидаги унумдор серлойқа бу текисликларда мўл-кўл ҳосил битиб, гуллаб-яшнаган шаҳарлар вужудга келди. Аҳоли шиддат билан ўсиб борар, шу билан бирга унинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун зарур бўлган маълумотлар миқдори ҳам ошиб борарди.

Милоддан аввалги 3500-3000 йиллар орасида қайдадир номаълум бир даҳо инсон мияси сиғдира олмаган маълумотларни сақлаш тизимини – айнан математик маълумотларни ишлаш учун яратилган тизимни ихтиро қилди. Шундай қилиб, шумерлар инсон миясининг имкониятлари томонидан қўйилган чекловлардан халос бўлишди ва нафақат шаҳарлар, балки шоҳликлар, ҳатто империяларни қуриш имконига эга бўлишди. Номаълум шумер томонидан ихтиро қилинган маълумотларни ишлаш тизими “ёзув” деб аталади.

Имзо: Кушим

Ёзув – бу визуал белгилар ёрдамида маълумотни сақлаш усули. Шумерлар лойдан ясалган лавҳаларда ўткир буюм билан босилган икки хил белгидан фойдаланишган. Белгиларнинг бир тури рақамларни ифодалайди: 1, 10, 60, 600, 3600 ва 36,000 (шумерлар ўнлик ва олтилик саноқ системасини бирлаштирганлар. Бизга ҳам олтилик саноқ системасининг баъзи элементлари улардан мерос бўлиб қолган, мисол учун, кунни 24 соатга, доирани 360 даражага бўлишимиз). Белгиларнинг бошқа бир тури одамлар, ҳайвонлар, маҳсулотлар, ҳудудлар, саналар ва бошқаларни ифодалаб келган. Иккала турдаги белгиларини бирлаштириб, шумерлар инсон мияси ёки ДНК занжирига қараганда кўпроқ маълумот тўплашни ўрганишди. Ушбу бошланғич босқичда ёзувлар рақам ва далиллар билан чекланган эди. Бордию буюк шумер романи яратилган бўлса ҳам, унинг лой лавҳачалардан жой олмагани муқаррар. Ёзиб чиқиш жараёнининг ўзи кўп вақтни олган, уни ўқувчилар эса ниҳоятда кам бўлган, шундай бўлгач, шунча зарур ҳисоб-китоблар турганда, бошқа қайдлар учун меҳнат сарфлашдан маъно йўқ эди. Бордию беш минг йил оша бизгача етиб келган чуқур ҳикматли сўзларни кўриш умидида ушбу лавҳаларга кўз югуртиргудек бўлсак, умидимиз пучга чиққан бўлар эди. Мана омон қолган илк ёзувлардан бири: “29 086 чора²⁸ арпа 37 ой Кушим.” Катта эҳтимоллик билан ушбу қайд шундай талқин қилинади: “37 ойда 29 086 чора арпа келиб тушди. Имзо: Кушим.”

²⁸ Чора – ғалла, дон ўлчови ва шундай ўлчовли ғалвирсимон идиш.



Эрамиздан аввалги 3400-3000 йиллар оралигида Урук шаҳрида хўжалик қайдлари битилган лой лавҳача. Мазкур лавҳа, тушунишимиз бўйича, 37 ойда 29 086 чора арпа келиб тушгани ҳақида маълумот беради. “Кушим” сўзи солиқларни қабул қилиб олгувчи амалдорнинг лавозимини ёки бўлмаса, ўша инсоннинг исмини билдиради. Бордию бу исм бўлса, у ҳолда Кушим – тарихда номи қолган илк инсон бўлади! Унгача яшаган барча – неандерталлар, Натуфия маданияти вакиллари, Шове гори ва Кўпиклитена ибодатхона мажмуасидаги қоя тасвирлар яратувчиларининг бари ҳозирги замон тасаввурининг маҳсулидир. Кўпиклитена бунёдкорлари ушбу манзилни нима деб атаганларини ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз. Ёзув пайдо бўлгач эса, тарих овозларини ўша даврда яшаб ўтган инсонлар қулоғи билан эшитиш имкони пайдо бўлди. Кушимнинг қўшилари уни чақирмоқчи бўлишганида, “Кушим” дея хитоб қилишган. Бу эса биз ўйлаб топган исм эмас. Қизиги шундаки, тарихда илк бор қайд қилинган исм пайгамбар, шоир ёки истилочи жаҳонгирга эмас, балки ҳисобчига тегишлидир.²⁹

Афсуски, бизгача етиб келган мазкур матнларда на фалсафа, на назм ёривоят, на қонун ва на шоҳ ғалабалари ҳақида маълумот бор. Булар солиқлар тўлови, йиғилиб қолган қарзлар ва мулк эгалиги қайд этилган иқтисодий ҳужжатлардир. Математик ҳисоб-китоблардан ташқари, ушбу даврга оид яна бир турдаги ёзув сақланиб қолганки, уларни бирмунча қизиқроқ деб айтиш мумкин. Булар – котибнинг шогирдлари томонидан машқ тарзида қайта-қайта кўчирилган сўзлар рўйхати. Мабодо шогирдлардан бири диққинафас бўлиб, маҳсулотлар рўйхатини кўчириш ўрнига ўзининг шеърларини ёзишни истаб қолганда ҳам, бундай қила олмаган бўлар эди. Негаки шумер ёзув системаси тўлиқ бўлмаган.

Тўлиқ ёзув системаси оғзаки тилнинг барча ёки деярли барча элементларини акс эттириши керак, яъни биз айтмоқчи бўлганларнинг барини,

²⁹ Andrew Robinson, *The Story of Writing* (New York: Thames and Hudson, 1995), 63; Hans J. Nissen, Peter

шу жумладан, шеърларни ҳам ифодалаши керак. Тўлиқсиз ёзув системаси эса инсон фаолиятининг чекланган жабҳасига мансуб муайян турдаги маълумотларнигина ифодалай оладиган тасвирий белгилардан иборат.




Тўлиқсиз ёзув системаси оғзаки тилнинг бор бойлигини ифодалай олмаса-да, оддий тил қамраб ололмайдиган маълумотларни баён қила олади. Бундайин ёзув системаси математик белгилар ва илк шумер миҳхати каби шеърятни қайд этишга яроқсиз бўлса-да, солиқларни рўйхатга олишда анча асқатади³⁰.

Лотин алифбоси, Миср иероглифлари, Брайл босма ҳарфлари тўлиқ ёзув системаси намуналаридир. Уларнинг ёрдамида солиқ ҳужжатларини юритиш, рецепт ва қонунларни қайд этиш, шунингдек, шеърый сатрларни замондош ва келажак авлод учун қолдириш мумкин. Шумер ёзув системаси эса, аксинча, математик белгилар ва мусиқа ноталари каби тўлиқсиздир. У формула ва ҳисоб-китобларни ифодалашда асқатиши мумкин, аммо унда муҳаббатномалар битиб бўлмайди. Ўзларининг миҳхати шеърларни қайд этишга яроқсиз эканлиги шумерларни заррача бўлса-да ташвишлантирмаган. Ёзув белгиларини улар оғзаки нутқни ифодалаш учун эмас, балки сўзлашув тили уддалай олмайдиган вазифаларни адо этиш мақсадида яратганлар. Баъзи маданиятлар, мисол учун Колумбгача бўлган Анд маданияти бутун тарихи давомида тўлиқсиз ёзув системасига қаноат қилиб келган. Бу камчилик уларга ноқулайлик туғдирмаган, бундан тўлиқроқ кўринишдаги ёзувга зарурат сезмаганлар. Анд ёзуви шумерлар ёзувидан кўп жиҳатдан фарқ қиладики, ҳамма ҳам уни ёзув деб аташни маъқул кўрмайди. Аввало, булар биз одатланган лой ёки бошқа материалдан ясалган лавҳачалардаги белгилар эмас. Ҳиндулар маълумотларни “кипу”, яъни тугунли ёзув системаси ёрдамида сақлаганлар. Кипу бу жун ёки пахтадан йигирилган турли рангдаги иплар боғлами. Ҳар бир ипда муайян ораликда тугунлар жойлашган бўлиб, бир кипу юзлаб ип ва минглаб тугундан ташкил топиши мумкин бўлган.

³⁰ Damerow and Robert K. Englung, *Archaic Bookkeeping: Writing and Techniques of Economic Administration in the Ancient Near East* (Chicago, London: The University of Chicago Press, 1993), 36.

Тугунларнинг бир талай кўринишдаги бирикмалари, улар орасидаги масофа, ипларнинг ранги сон билан ифодаланган катта ҳажмдаги маълумотларни, мисол учун, солиқ ва мулк маълумотларини сақлашга имкон берган.³¹



Андга оид кипу, XII аср.

Юз йиллар, эҳтимол, минг йиллар давомида шаҳарлар, қиролликлар ва империялар кипу ёрдамида иш битирганлар.⁴ Худуди ҳозирги Перу, Эквадор, Боливия, шунингдек, Чили, Аргентина ва Колумбиянинг каттагина қисмини қамраб олган, аҳолиси 10-12 миллион кишидан иборат бўлган инклар империяси даврида мазкур система юксалиб, авж чўққисига чиқди. Кипу ёрдамида инклар катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаган ва қайта ишлаганлар. Унингсиз бу каби империяларнинг мураккаб маъмурий тизимини ҳаракатга келтиришнинг сира иложи бўлмаган.

Кипу маълумотларни сақлашда шунчалар аниқ ва қулай эдики, Жанубий Америка ишғол этилган илк дамларда истилочиларнинг ўзлари ҳам янги ўлкани бошқаришда кипуни қабул қилишган. Бахтга қарши жиддий муаммо юзага келади – испанлар кипу ёрдамида на ҳужжатлар юрита оладилар ва на уларни ўқишни эплайдилар. Шундай бўлгач, ўз-ўзидан бу борада маҳаллий профессионалларга тобе бўлиб қоладилар. Қитъанинг янги хўжайинлари бу вазият уларни танг аҳволга солиб қўйишини тезда тушуниб етдилар. Ерли аҳоли ўзларининг номақбул хўжаларини алдаши ёки бўлмаса уларга тегишли бўлган мулкни ўмариши мумкин-да. Шу сабабли испанлар ҳукумати маҳкам оёққа туриб олгач, кипу четга суриб қўйилди, янги империянинг барча ҳужжатлари лотин алифбоси ҳамда Европада қабул қилинган рақамларга ўгирилди. Узоқ давом этган испан истилоси оқибатида саноклигина кипу омон қолди. Энди эса уларни тушуниб бўлмайди. Кипунинг ўқишнинг кўҳна санъати йўқликка учради.

³¹ Marcia and Robert Ascher, *Mathematics of the Incas - Code of the Quipu* (New York: Dover Publications, 1981). 4 Gary Urton, *Signs of the Inka Khipu* (Austin: University of Texas Press, 2003); Galen Brokaw, *A History of the Khipu* (Cambridge: Cambridge University Press, 2010).

Бюрократия каромати

Андликлардан фарқли ўлароқ, Месопотамия аҳолисида, ва ниҳоят, зерикарли сонлардан ташқари яна нималарнидир ёзиш истаги пайдо бўлди. Милоддан аввалги учинчи минг йилликнинг бошидан то ўртасига қадар, яъни шумер ёзув системаси ҳозир биз “миххат” деб атайдиган тўлақонли системага айлангунига қадар янги-янги белгилар ҳисобига аста-секинлик билан кенгайиб борди. Милоддан аввалги учинчи минг йиллик ўрталарига келиб подшоҳлар фармойишлар чиқаришда, коҳинлар башоратларини қайд қилиб кўйишда ва ҳаттоки оддий фуқаролар ҳам мактуб алмашишда миххатдан фойдалана бошлаган эди. Тахминан мана шу даврларда мисрликлар ўзларининг иероглиф асосидаги ёзувини ишлаб чиқдилар.

Тўлиқ ёзув системасининг бошқа кўринишлари эса Хитойда тахминан милоддан аввалги 1200 йилларда, Марказий Америкада милоддан аввалги 1000-500 йилларда ривожланиб борди. Тўлиқ ёзув системаси янгича шаклга кириб, турфа мақсадларга мослашиб, айнан шу марказлардан чор-атрофга ёйилди. Одамлар шеър, тарихий ривоятлар, роман ва пьесалар, башоратлар ҳамда таомлар рецептини ёза бошладилар. Шунга қарамай, ҳисоб-китобга доир маълумотларни қайд этиш ёзувнинг асосий вазифаси бўлиб қолаверди. Бунинг учун эса тўлиқсиз ёзув системалари ҳам кифоя эди. Яхудийлар Библияси, юнон “Илиада”си, ҳинд “Маҳобҳорат”и, будда динининг “Трипитака”си – барча-барчаси оғзаки ижод маҳсули сифатида дунёга келиб, бир инсондан бошқасига, авлоддан авлодга ўтиб борган.

Ёзув ихтиро қилинмаган тақдирда ҳам улар яшашда давом этган бўлар эди. Аммо солиқ дафтарчалари ва бутун бошли мураккаб бюрократия ёзув бўлсагина, вужудга келади, шу сабабли ҳам бюрократия билан тўлиқсиз ёзув системаси бугунга қадар Сиам эгизаклари каби чамбарчас боғланган – йўқ деганда, компьютер маълумотлар базасидаги кодланган яширин устунларни олинг. Қайдномалар кўпайгандан кўпайиб, маъмурий архивлар йириклашган сари янги муаммолар юзага келди. Бевосита инсон миясида сақланувчи маълумотларни ёдга олиш мушкул иш эмас. Менинг миямда миллиардлаб байт маълумотлар йиғилиб қолган, шунга қарамай, бир лаҳза ичида Италия пойтахти номини айта оламан, сўнг эса 2001 йил сентябрининг 11-санасида нималар қилганимни сўзлаб бериш, уйимдан университетгача бўлган йўлни тасвирлаб бериш менга чўт эмас. Мия шу каби вазифаларни қандай уддалайди, бу бизга ҳануз қоронғи. Аммо, барчага маълумки, миянинг қидирув системаси фавқулудда ажойиб - “Автомобиль калити қаерга қойиб бўлди экан?” дея бош қотирувчи ҳолатларни ҳисобга олмасак, албатта. Лекин кипу ёки бўлмаса лой лавҳаларда сақланган маълумотларни қандай топиб, баён этиш мумкин? Ихтиёримизда ўнтача, борингки, юзтача жадвал бўлганда ҳам, бунинг уддасидан чиқиш мумкин. Аммо Ҳаммурапи, Мари подшоҳи Зимрилим замондошларида бўлгани каби мингта жадвал бўлса, нима бўларди?

Эрамиздан аввалги 1776 йилни кўз олдимизга келтирсак. Мари подшоҳлигининг икки фуқароси ер масаласида баҳслашиб қолишди. Иаков ерни 30 йил муқаддам Исавдан сотиб олганини такрорласа, Исав ерни сотмаганини, балки 30 йилга ижарага берганини, энди муддат тугагач, мулкани қайтиб олишни истаётганини айтиб туриб олади. Бу икковлон жанжаллашиб, бир-бирига қичқиршиб, сал қолса ёқалашай деб турганда, қўққисдан ақллари ишлаб кетади: Баҳсинг ечими шоҳ архивида. Айнан мана шу ерда мамлакатнинг исталган нуқтасида амалга оширилган барча мол-мулк келишувига тегишли қайдлар сақланади.

Шундай қилиб, икковлон архивга етиб келишади. У ерда дам бу амалдорнинг, дам у амалдорнинг ёнига юборилавериб, тинкалари қуриydi. Сўнг эса бир чойхўрлик тугагунча кутишга тўғри келади, кейин яна чой дамланади (шифоли, албатта), ортидан учинчиси ва ниҳоят уларга уйга қайтиб, эртаси куни қайтиб келишларни айтишади. Эртаси куни архив ходими тўнғиллаб-тўнғиллаб уларни керакли лавҳани топишга етаклайди. Эшикни ланг очиб, икки даъвогарни боғлам-боғлам лавҳалар ердан шифтга қадар уйилиб кетган улкан бинога киргизади. Архив ходимининг юзи бежизга бужмаймаган экан-да. 30 йил муқаддам тузилган битим қайдани қандай топсин? Ана, боринги, керакли лавҳани топди ҳам дейлик, унинг ростдан ҳам ер мақомига оид сўнгги қайд эканлигини қандай текшириб аниқлайди? Агар у ҳеч нарса тополмаса, Исав ерни сотмаган ҳам, ижарага ҳам бермагани исботланди деганими? Ёки лавҳанинг йўқлиги ҳужжатнинг йўқ бўлганини, айтайлик, ўн йил аввал архив ёмғир остида қолиб, лавҳага лой чапланиб, яроқсиз ҳолга айланганини билдирадими? Афтидан, битимни лой лавҳаларда миҳхат билан ёзиб қўйишнинг ўзи етмайди, маълумотни аниқ, самарали ва тўғри ишлаш имконияти билан ҳам таъминлаш зарур. Муайян ташкилий усуллар зарур, мисол учун, каталоглар, нусха кўчириш усуллари (нусха кўчиргич ускуна борлиги қандай яхши), тез ва аниқ қидирув усуллари (бу ерда компьютерлар ишга яради) ҳамда мана шулардан фойдалана оладиган синчков ва оптимист архив ходими. Бундай услубларни ихтиро этиш ёзувни ихтиро этишдан бирмунча мушкул эди. Кўплаб ёзув системалари турли манзил ва турли даврда бир-бирларидан айро ҳолда шаклландилар. Археологлар бугун ҳам ҳар неча йилда бир аллақандай унутилган ёзувни топиб оляптилар. Топилган намуналар орасида шумерларнинг лойга тирнаб битилган ёзувидан ҳам қадимийлари бордир, аммо уларнинг катта қисми бугунга келиб фойдасиз бир сувенирдан бошқа нарса эмас, негаки бу ёзувни ихтиро қилганлар маълумотларни тартибга солиш, зарурат туғилганда улардан қайта фойдаланишнинг самарали йўллари йўлаб топишмаган. Айнан мана шу масалада Шумер подшоҳлиги, фиръавнлар давридаги Миср, Кўҳна Чин, инклар империяси алоҳида ажралиб туради – улар ёзма маълумотларни архивлаш, каталогларга киритиш ва қайта фойдаланишнинг самарали йўллари ишлаб чиқдилар. Бундан ташқари, ушбу маданиятларда котиб, ҳисобчи, кутубхоначи ва архив мутахассисларини ўқитиш учун маблағни аяшмаган. Таълим бериш эса осон иш эмас эди. Кўҳна Месопотамияда шогирдлар кўчириши керак бўлган машқлар сақланиб қолган.

Ушбу матн тўрт минг йил олдин таълим олган талабалар ҳаётига назар солиш имкониятини беради:

“Мен кириб, ўрнимга ўтирдим. Ўқитувчим лавҳамни ўқиди. “Бу ерда нимадир етишмаяпти” - деди ва мени калтаклади.

Назоратчилардан бири “Нега рухсатимсиз оғиз очяпсан?” - деди ва мени калтаклади. Қоидаларга риоя қилишга кўз-қулоқ бўлган масъул “Нега изнсиз турасан?” - деди ва мени калтаклади.

Дарвозабон “Нега рухсатсиз кирасан?” - деди ва мени калтаклади.

Шумер ўқитувчиси “Нега сен аккадча гапирасан?”³² - деди ва мени калтаклади.

Ўқитувчим “Сенинг хатинг жуда хунук” - деди ва мени калтаклади.”³³

Қадимги котиблар нафақат ўқиш ва ёзишни, балки каталог, луғат, тақвим, жадвал ва формулалардан фойдаланишни ҳам ўрганишган. Бошқачасига айтганда, талабалар миянинг одатий фаолиятига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган маълумотларни каталогларга киритиш, олиш ва қайта ишлаш усуллари ўзлаштирганлар. Мияда эса барча маълумотлар табиий бирлашади. Турмуш ўртоғим билан янги уй учун ипотека шартномасини имзолаш мақсадида банкка келганимда ўз-ўзидан илк яшаган уйимиз ёдга тушади, сўнг эса хаёл бизни Янги Орлеанда кечган асал оғи томон етаклайди, Янги Орлеан эса тимсоҳлар билан, тимсоҳлар эса аждарҳо билан боғланади, бу эса тўғри “Нибуленглар узуги” билан бирикади ва, қарабсизки, кўққисдан Зигфрид ариясини куйлай бошлаганимни ўзим ҳам сезмай қоламан, банк ходими эса таажжубланиб бақрайганча қолади. Бюрократиянинг вазифаси ҳамма нарсани алоҳида ғаладонларга жойлаб, тўла тартибга солишдан иборат: уй учун гаров ҳужжати алоҳида, никоҳ гувоҳномаси алоҳида, солиқ декларациясининг ҳам ўз жойи бор, суддан келган қоғознинг ҳам. Акс ҳолда нимани қаердан топардинг? Бирор бир ғаладонда жой тополмаганлари эса – ўша эртақдаги аждарҳо кабилар – ахлат қутисига йўл олади.

Ҳаммасидан энг қийини – сақлашда бир неча туркумга мос келадиган ҳужжатлар. Мисол учун, Вагнер мусиқий драмаси. Уни қаерга жойлаш керак? Мусиқалар ғаладонигами ёки театрлар бўлимига? Ёки бўлмаса янги бўлим очиш керакмикан? Шу тарзда мунтазам равишда янги бўлимлар очилади, ортиқчалари чиқариб ташланади, тартибга келтирилади. Бундай “ғаладонлар” тизими ичра ҳаракатланиш учун инсон инсондек ўйлашни тўхтатиб, ҳисобчи ва ёки идора ходими каби фикр юритишни ўрганиши керак. Ҳаммамиз биламиз, қадимги замонлардан то бугунга қадар ҳисобчи ва идора ходимлари инсондек фикр юритмайдилар. Уларда мия ўрнида бир неча ғаладон ва қутидан иборат архивлар жавони жойлашган гўё. Бу уларнинг айби эмас, албатта. Агар ҳамма нарсани тоқчама-тоқча жойлаштириб чиқмаса, уларга

³² Оғзаки мулоқотда аккад тили кенг тарқалганидан кейин ҳам, шумер тили расмий ва ёзма тиллигича қолади, котиб эса келажакда айнан шу тилда гаплашиши керак эди.

³³ Stephen D. Houston (ed.), *The First Writing: Script Invention as History and Process* (Cambridge: Cambridge University Press, 2004), 222.

ишониб топширилган маълумотлар айқаш-уйқаш бўлиб кетарди. Бундай ходимлар эса на давлатга, на компанияга ва на исталган бошқа ташкилотга керак. Ёзув ихтиросининг жиддий ва муҳим натижаси айнан мана шунда – одамлар бошқача фикрлашни, дунёни бошқача қабул қилишни ўргандилар. Эркин боғлаш ва яхлит фикрлаш ўрнини бюрократик тақсимлаш эгаллади.

Рақамлар тили

Асрлар оша маълумотларни қайта ишлашнинг бюрократик усуллари инсоннинг табиий тафаккуридан тобора узоқлашиб борди ва бунда шу усулларнинг ўзи муҳим роль ўйнади. Милоддан аввалги IX асргача бўлган бизга номаълум бир фурсатда ниҳоятда муҳим бир воқеа содир бўлди – математик маълумотларни сақлаш ва қайта ишлашда мисли кўрилмаган самарага эга яна бир тўлиқсиз ёзув ихтиро қилинди. Бу ёзув Одан 9гача бўлган бор-йўғи ўн сондан иборат эди. Белгилар гарчи ҳиндлар томонидан ихтиро қилинган бўлса-да, уларни “араб рақамлари” деб аташади. Бу чигаллик етмаганидек, ҳозирги замон араблари Европа рақамларидан анча фарқ қилгувчи рақамлардан фойдаланади. Шухрат арабларга насиб қилганининг сабаби эса қуйидагича: араблар Ҳиндистоннинг ишғол этганда шу ёзув системасига дуч келгач, унинг қанчалар фойдали бўлишини тушуниб етадилар. Ёзувни ўзлаштириб, такомиллаштириб, Яқин Шарқ бўйлаб кенг ёядилар, у ердан эса ушбу “араб рақамлари” Европага ҳам кириб боради. Сўнг яна бир нечта белгилар (кўшиш, айириш, кўпайтириш белгилари каби) қўшилади ва шу тарзда замонавий математик ёзувга асос солинади.

$$\begin{aligned} \ddot{r}_i = & \sum_{j \neq i} \frac{\mu_j (r_j - r_i)}{r_{ij}^3} \left\{ 1 - \frac{2(\beta + \gamma)}{c^2} \sum_{l \neq i} \frac{\mu_l}{r_{il}} - \frac{2\beta - 1}{c^2} \sum_{k \neq j} \frac{\mu_k}{r_{jk}} + \gamma \left(\frac{\dot{s}_i}{c} \right)^2 \right. \\ & + (1 + \gamma) \left(\frac{\dot{s}_j}{c} \right)^2 - \frac{2(1 + \gamma)}{c^2} \dot{r}_i \cdot \dot{r}_j - \frac{3}{2c^2} \left[\frac{(r_i - r_j) \cdot r_j}{r_{ij}} \right]^2 \\ & \left. + \frac{1}{2c^2} (r_j - r_i) \cdot \ddot{r}_j \right\} \\ & + \frac{1}{c^2} \sum_{j \neq i} \frac{\mu_j}{r_{ij}^3} \left\{ [(r_i - r_j) \cdot [(2 + 2\gamma) \dot{r}_i - (1 + 2\gamma) \dot{r}_j]] \right\} (\dot{r}_i - \dot{r}_j) \\ & + \frac{3 + 4\gamma}{2c^2} \sum_{j \neq i} \frac{\mu_j \ddot{r}_j}{r_{ij}} \end{aligned}$$

Тортишиши таъсири остида i массасининг тезланишини ҳисоблаш имконини бергувчи тенглама (нисбийлик назариясига кўра). Бундай тенгламаларни кўргач, мутахассис бўлмаганларнинг кўпчилиги кўққисдан автомобиль фарасига дуч келиб қолган буғу каби саросимага тушади. Бу мутлақо табиий реакция. Асло ақлнинг ёки қизиқишининг етишмаслиги эмас. Инсон мияси (камдан-кам ҳолатлардан ташқари) нисбийлик ва квант механикаси каби категорияларда фикр юрита олмайди. Аммо физиклар ушбу ёзувни англаб етиши учун бир қараб нигоҳ ташлашса кифоя. Чунки улар “оддий одамлар”дан фарқли ўлароқ, маълумотларни қайта ишлашда ташқи тизимлардан фойдаланадилар. Жараённинг асосий қисми мияда эмас, балки компьютер ва ёки университет аудиториясидаги ёзув тахтасида кечади.

Ушбу ёзув системасининг тўлиқ эмаслигига қарамай айнан математик белгилар бутунжаҳон ёзув тилига айланди. Қарийб барча мамлакатлар, хусусий компаниялар, ташкилотлар, институтлар асосий тили нима бўлишига қарамасдан – араб, ҳинд, инглиз, норвег бўладими – маълумотларни қайд этиш ва қайта ишлашда математик белгилардан фойдаланади. Математик ёзувда бериладиган исталган маълумот ақл бовар қилмас тезликда архивланади, тарқалади ва қайта ишланади. Қандайдир сабаб билан бу тилга ўгириб бўлмайдиганлар учун эса эътибордан қолиш ва унутилиш хавфи мавжуд.

Давлат қарорига, ташкилот ва компаниялар фаолиятига таъсир ўтказишни истаган киши рақамлар тилини ўрганиши лозим. Экспертлар ҳаттоки “қашшоқлик”, “бахт”, “виждон” каби мавҳум атамаларни ҳам шу тилга ўгира оладилар (“турмуш даражаси”, “субъектив фаровонлик ҳисси”, “ишончлилик рейтинги”). Физика каби баъзи бир билим соҳалари оғзаки тил билан муносабатни тўхтатиб, бутунлай математик ёзувга ўтиб кетишди.

Яқиндагина математик ёзув янада самарали бўлган системани дунёга келтирди. Ушбу икки рақамдан иборат система компьютер программа таъминотида қўлланилади. Бунинг учун атиги икки донга белги – 0 ва 1 керак бўлади. Ҳозир клавиатурада тараётган сўзларим компьютерда 0 ва 1нинг турли комбинациялари кўринишида акс этади.

Ёзув инсоннинг хизматкори сифатида дунёга келди, аммо шиддат билан хўжайинга айланиб борапти. Компьютерларимиз Homo Sapiensлар қандай сўзлашишган, нимани ҳис қилиб, нимани орзу қилишганини тушунмайди, аммо биз уларнинг қандай сўзлашганини, нимани ҳис қилиб, нимани орзу қилганини фақатгина компьютер тушуна оладиган рақамлар тилида ўргатаймиз. Шу билан тарих тугаб қолмайди. Сунъий ақл мутахассислари фақатгина компьютернинг иккилик ёзувларига асосланган ва умуман одамсиз удаласа бўладиган янги онгни яратмоқчилар. “Матрица”, “Терминатор” каби фантастик фильмлар иккилик коди инсоният сиртмоғидан халос бўладиган кунни аллақачон башорат қилишмоқда. Бордию инсон кўзғолон қилган ушбу иккилик ёзув устидан қайта ҳукмронлик ўрнатишни истагудек бўлса, ёзув бутун инсониятни йўқ қилишга уринади.

8.

Тарихда адолат йўқ.

Аграр инқилобдан кейинги мингйилликларда одамзод тарихини тушуниш учун бир саволга жавоб топиш керак: одамлар қандай қилиб йирик ҳамкорлик тармоқларини ташкил қилишган, ахир уларда бундай тармоқлар фаолиятини маромида тутиб туриш учун биологик инстинктлар йўқ эди-ку? Қисқача жавоб қуйидагича: улар фаразий тузилмаларни ўйлаб топишган ва ёзувни ихтиро қилишган. Бу икки ихтиро биологиямиз қолдирган бўшлиқни тўлдирган.

Аммо бундай тармоқларнинг пайдо бўлиши кўпчилик учун фақат яхшилик келтирди деб айта олмаيمиз. Бу тармоқларни таъминлаб турган фаразий тузилмалар нейтрал ҳам, адолатли ҳам эмас эди. Улар одамларни

иерархик тартибланган сунъий гуруҳларга ажратди. Юқоридагилар ҳокимият ва имтиёзлардан баҳраманд бўлса, қуйи табақа босимдан азобланди. Жумладан, Ҳаммурапи тузуклари аҳолини асилзодалар, оддий халқ ва кулларга ажратган. Барча яхши нарсалар асилзодалар учун бўлган, оддий халқ улардан ортганини олган. Нолиган куллар калтак еган.

Америкаликлар 1776 йилда яратган фаразий тузилма ҳам, гарчанд ҳамма одамлар тенглигини таъкидласа-да, иерархия ўрнатган. Эркаклар аёллардан устун бўлган. Оқ танлилар эрк ва ҳукуматга эришган, иккинчи нав одамлар ҳисобланган қора танлилар ва ҳиндулар эса тенгликдан мосуво қилинган. Мустақиллик декларациясини имзолаганларнинг кўпчилиги кулдорлар эди. Имзо чекилгач, улар кулларини озод этмадилар, шу билан бирга, ўзларини иккиюзламачи деб ҳам ҳисоблаганлари йўқ. Уларнинг назарида инсон ҳуқуқларининг негрларга алоқаси бўлмаган.

Америкача тузилма бой ва камбағал орасидаги тенгсизликни ҳам илоҳийлаштирган. Бой ота-она фарзандларига ўз пули ва ишини мерос қолдириши сабабли юзага келадиган тенгсизлик у даврдаги кўпчилик америкаликларни ҳавотирлантирмаган. Уларнинг назаридаги тенглик бойга ҳам, камбағалга ҳам бир хил амал қиладиган қонунлардан иборат эди. Ишсизлик нафақаси, умумий таълим ва тиббий суғурта тўғрисида гап-сўз ҳам бўлмаган. Эркинлик тушунчаси ҳам бугунгидан анча фарқли талқин этилган. 1776 йилда жамиятнинг қуйи қисми (айниқса қора танлилар, ҳиндулар, ёки, худо кўрсатмасин, аёллар) ҳокимликка даъвогар бўлиши тасаввурга ҳам сиғмаган. Эркинлик деганда шунчаки давлат фуқаронинг шахсий мулкани мусодара эта олмаслиги ёки уни қандай идора этиш юзасидан кўрсатмалар бера олмаслиги тушунилган (фавқулодда вазиятлардан ташқари). Демак, Америкадаги фаразий тузилма бойлик иерархиясини қўллаб-қувватлаган, баъзилар уни худо томонидан туширилган деб, бошқалар эса табиат қонуни сифатида эътироф этган. Табиат фазилатни бойлик билан тақдирлаб, ялқовликни жазолаши иддао этилган.

Юқорида саналган барча фарқлар – эркин одам ва кул орасидаги, оқ ва қора танли, бой ва камбағал орасидаги – фақатгина тўқималарга асосланган. (Эркак ва аёллар тенгсизлиги кейинроқ муҳокама қилинади). Бироқ тарихнинг “темир” қондаси шундайки, ҳар қандай фаразий тенгсизлик ўзининг тўқима эканлигини рад этиб, табиийлик ва муқаррарликни иддао этади. Жумладан, эркин шахс ва кул орасидаги тафовутни табиий ва тўғри деб билган кишилар куллик инсон кашфиёти эмас деб бахслашишади. Ҳаммурапи уни илоҳий тайинланган деб ҳисоблаган. Арасту куллар “кул табиати”, эркин шахслар эса “эркин табиат”га эга деб иддао қилган. Жамиятдаги мавқе уларнинг ички табиати инъикоси ҳисобланган, холос.

Оқ танлилар устунлиги тарафдорларидан ирқий тенгсизлик тўғрисида сўрасангиз, улар сизга ирқлар орасидаги биологик тафовут тўғрисида псевдоилмий маъруза ўқиб беришади. Оқ танлиларнинг қонида шундай бир нарса борки, бунинг ҳисобига улар табиатан ақллироқ, ахлоқлироқ ва меҳнаткашроқ бўлади. Учига чиққан капиталистга мулкий тенгсизлик тўғрисида савол беринг ва у сизга бу тенгсизлик қобилиятлар

фарқининг муқаррар натижаси эканлигини айтади. Бойлар қобилиятлироқ ва тиришқоқроқ бўлгани учун ҳам уларнинг пули кўпроқ. Шунинг учун бойларга яхшироқ тиббий хизмат кўрсатилиши, улар яхшироқ озиқланиши билан ҳеч кимнинг иши бўлмаслиги керак. Бойлар ўзлари эга бўлган ҳар қандай имтиёзга лойиқ.



Жанубий Африка соҳилларидан бирида апартеид даврида соҳилдан фойдаланиши фақат оқ танлиларга рухсат этилганини англатувчи белги. Терисининг ранги оч бўлган одамларда қуёшдан куйиши хавфи терисининг ранги тўқларга нисбатан юқорироқ. Бироқ Жанубий Африка соҳилларини бундай тартибда ажратилишида биологик мантиқ бўлмаган. Оқ танлилар учун ажратилган соҳилларда ултрабинафша нурларининг таъсир даражаси пастроқ бўлмаган.

Каста тизимида яшовчи ҳиндлар аллақандай коинот кучлари бир кастани бошқасидан устун қилганига ишонишган. Ҳиндларнинг яратилиш мифига кўра, маъбудлар дунёни ибтидоий мавжудот – Пурусанинг танасидан яратган. Қуёш Пурусанинг кўзидан, ой – миясидан, браҳманлар (руҳонийлар) – оғзидан, кшатрийлар (аскарлар) унинг қўлларидан, вайшилар (деҳқон ва савдогарлар) Пурусанинг сонларидан, шудралар (хизматкорлар) эса унинг оёқларидан яратилган. Бу мифни аслича қабул қилсангиз, браҳманлар ва шудралар орасидаги ижтимоий-сиёсий тенгсизлик худди қуёш ва ой орасидаги фарқдек табиий бўлиб қолади. Қадимги хитойликлар маъбуда Нью Ва одамларни тупроқдан яратганида у аслзодаларни сариқ тупроқдан, оддий халқни эса кўнғир тупроқдан яратганига ишонишган.

Албатта, бундай тенгсизликлар шунчаки инсон тасаввурининг маҳсули эканлигини ҳаммамиз тушунамиз. Браҳманлар ва шудралар чиндан ҳам ибтидоий мавжудот танасининг турли қисмларидан худолар томонидан яратилган эмас. Билъакс, икки каста орасидаги тафовут 3000 йил аввал Шимолий Ҳиндистонда одамлар ўйлаб топган қонунлар томонидан ўрнатилган. Аристотель нима деса ҳам, қуллар ва эркин одамлар орасида фанга маълум бўлган бирорта биологик фарқ йўқ. Қора танли ва оқ танлилар орасида баъзи объектив фарқлар бор, масалан, тери ранги ва соч

тури, бироқ идрок ёки ахлоқда ҳам қандайдир фарқ мавжудлигига ҳеч қандай далил йўқ.

Аксарият одамлар ўзларининг ижтимоий иерархиясини табиий ва адолатли, бошқаларники эса ёлғон ва кулгили меъёрларга асосланган дея иддао қилади. Замоनावий ғарб аҳолиси ирқий тенгсизлик ғоясини хуш кўрмайди. Уларни қора танлиларга оқ танлиларнинг ҳудудларида яшаш, “оқ” мактабларда ўқиш, “оқ” шифохоналарда даволанишни тақиқловчи қонунлар ҳайратга солади.

Бироқ бой ва камбағал орасидаги тенгсизлик – бойлар алоҳида, зийнатлироқ ҳудудларда яшаш, алоҳида, обрўлироқ мактабларда ўқиши, алоҳида, яхшироқ таъминланган муассасаларда даволаниши америкаликлар ва европаликларнинг аксариятига табиий туйилади. Бироқ бой одамларнинг кўпчилиги бадавлат оилада туғилгани учун бой эканлиги, аксарият камбағаллар эса фақатгина камбағал оилада туғилгани учун умр бўйи камбағаллигича қолиши шубҳасиз фактдир.

Афсуски, одамларнинг мураккаб жамиятлари фаразий иерархия ва адолатсиз тенгсизликни талаб қиладиганга ўхшайди. Албатта, ҳамма иерархиялар ҳам ахлоқий жиҳатдан бир хил эмас ва баъзи жамиятлар бошқаларига нисбатан кескинроқ тенгсизлик турларидан жабр кўрган, бироқ умуман тенгсизликсиз фаолият мавжуд бўлган бирорта жамият олимларга маълум эмас. Одамлар ўз жамиятларини тартибга солишда қайта-қайта аҳолини тўқима тоифаларга – масалан, асилзодалар, “оддий”лар ва кулларга; оқ танли ва қора танлиларга; патрицийлар ва плебейлар; браҳманлар ва шудралар; бойлар ва камбағалларга ажратишган. Бу тоифалар баъзи одамларни бошқаларига нисбатан ҳуқуқий, сиёсий ёки ижтимоий жиҳатдан устун қўйиш орқали миллионлаб одамлар орасидаги муносабатларни тартибга солган.

Иерархиялар бажарадиган муҳим вазифа мавжуд. Улар бир-бирини умуман билмайдиган одамларга танишиш учун вақт сарфламай бир-бирига қандай муносабатда бўлиш кераклигини билиш имконини беради. Бернард Шоунинг “Пигмалион” асарида Генри Хиггинс Элиза Дулитлга нисбатан ўзини қандай тутишни билиши учун у билан яқиндан танишиши шарт эмас. Шунчаки Элизанинг нутқини тинглаб, унинг куйи табақадан эканлигини ва у билан хоҳлаган ишини қилиши, масалан, гулчи қизни бошқаларга гўёки асилзода хонимдек кўрсата олиши тўғрисидаги баҳсида фойдаланиши мумкинлигини билади. Гул дўконида ишлайдиган Элиза дўконга кун давомида кирадиган ўнлаб одамларга гул сотиш учун қанчалик қаттиқ ҳаракат қилиши кераклигини билиши лозим. У ҳар бир миждани унинг диди ва ҳамёни тўғрисида батафсил сўроқ қила олмайди. Бунинг ўрнига у ижтимоий “йўриқлар” – мижданинг кийиниши, ёши ва агар у политкоррект бўлмаса, тери рангига эътибор беради. Шу орқали у қиммат атиргулларга катта буюртма бера оладиган молиявий корхона ишчисини фақатгина бир неча дасторгул сотиб ола биладиган курьер боладан фарқлайди.

Тўғри, табиий қобилиятлардаги фарқ ҳам ижтимоий табақаланишнинг шаклланишида маълум аҳамиятга эга. Бироқ бундай тафовутларнинг ўзлари ҳам кўп ҳолларда тўқима иерархиялар туфайли вужудга келади. Бу икки йўсинда рўй беради. Биринчидан, кўпчилик қобилиятларни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш керак. Биров қандайдир истеъдод билан туғилса ҳам, агар бу истеъдодга ишлов берилмаса, сайқалланмаса, у латентлигича қолиб кетади. Ҳамма одамлар ҳам ўз қобилиятларини ривожлантириш учун тенг имкониятларга эга эмаслар. Бундай имкониятнинг бўлиш ёки бўлмаслиги уларнинг жамият тўқима иерархиясидаги ўрнига боғлиқ. Бунга яхши мисол – Гарри Поттер. Сеҳргарлар оиласидан айрилиб, саводсиз магглар томонидан катта қилинган, у Хогвартсга сеҳргарликда ҳеч қандай малакага эга бўлмаган ҳолатда келади. Унинг ўз қудратини бошқара оладиган, ўзининг хос қобилиятларини билладиган бўлиб олиши учун етти китоб керак бўлди.

Иккинчидан, турли синфларга тегишли одамлар айнан бир хил қобилиятларни ривожлантирса ҳам, улар бир хил ютуқларга эришиши амримаҳол, чунки ўйинда улар учун қоидалар ҳар хил. Британия бошқарувидаги Ҳиндистонда чандал, браҳман, ирландиялик католик ва протестант инглиз қандайдир йўл билан айнан бир хил ишбилармонлик ҳислатига эга бўлган тақдирда ҳам уларнинг бойиб кетиш эҳтимоли бир хил бўлмас эди. Иқтисодий ўйинда қонуний чекловлар ва норасмий тўсиқлар орқали бир томонга ён босилган.

Силсила

Ҳамма жамиятлар хаёлий иерархияларга асосланган, аммо бу иерархиялар бир хил бўлиши шарт эмас. Лекин уларнинг фарқи қаердан келиб чиқади? Нега анъанавий ҳинд жамияти одамларни кастасига қараб, усмонли турклар худудга қараб, америкаликлар эса ирққа қараб ажратган? Аксарият ҳолларда иерархия тасодифий тарихий вазиятлар натижасида вужудга келган, сўнгра эса, кўплаб авлодлар давомида турли гуруҳлар унга ўз манфаатларини тиккани сайин, сайқалланиб, абадийлаштирилган.

Масалан, кўпчилик олимларнинг тахмин қилишича, ҳинд каста тизими 3000 йил бурун ҳинд-орий қавмлар Ҳиндистонга бостириб келиб, маҳаллий аҳолини бўйсундирган вақтда шаклланган. Босқинчилар ўрнатган табақалашган жамиятда улар (албатта!) юқори ўринларни эгаллаган (коҳинлар ва аскарлар), ерлик аҳолига эса хизматкорлар ва қуллар ҳаётини қолдиришган. Кам сонли босқинчилар ўзининг имтиёзли ўрни ва ўзлигини йўқотишдан қўрққан. Бу хавфдан ҳоли бўлиш учун улар аҳолини ҳар бири жамиятда аниқ вазифа ёки машғулотга эга бўлган касталарга ажратган. Ҳар бир кастанинг қонуний статуси, имтиёзлари ва мажбуриятлари турлича бўлган. Касталар аралашуви – ижтимоий муносабат, никоҳ ва ҳатто овқат улашиш орқали – қатъий тақиқланган. Касталар орасидаги фарқ шунчаки қонуний бўлибгина қолмай, диний ва мифологик амалнинг ажралмас қисмига айланган.

Ҳукмдорлар каста тизими шунчаки тарихий тасодиф эмас, балки борлиқнинг абадий аслиятининг намоён бўлиши деб иттиқ қилишган. Поклик

ва нопоклик тушунчалари ҳинд динининг асосий унсурларидан бўлиб, улар ижтимоий пирамидани сақлаб туриш учун ишлатилган. Такводор ҳиндларга бошқа каста вакили билан алоқа нафақат уларнинг ўзини, балки бутун жамиятни булғашни мумкинлиги, бундан жирканиш кераклиги ўргатилган. Бундай ғоялар фақат ҳиндларга хос эмас. Бутун тарихда, деярли ҳамма жамиятларда булғаниш ва поклик тушунчалари ижтимоий ва сиёсий тафовутларни қўллашда асосий восита бўлиб, ҳукмрон синфларнинг имтиёзларини ҳимоя қилишга хизмат қилган. Бироқ булғаниш, покликни йўқотиш кўрқуви фақатгина коҳинлар ва подшоларнинг ихтироси эмас. Касаллик манбасига айланиши мумкин бўлган нарсалар, масалан, хасталар ва мурдаларни кўрганда одамларда инстинктив жирканиш ҳисси уйғонади, бу шунчаки биологик механизм. Эҳтимол юқоридаги кўрқувнинг томири ҳам айнан шу механизмга бориб тақалар. Агар сиз бирор гуруҳ – аёллар, яхудийлар, римликлар, гейлар, қора танлиларни бошқалардан айро ушлаб турмоқчи бўлсангиз, бунинг энг яхши йўли – уларни бошқаларга нопоклик, булғаниш манбаси сифатида кўрсатиш.

Ҳиндларнинг каста тизими ва унга хизмат кўрсатувчи поклик қонунлари ҳинд маданиятига чуқур ўрнашиб олган. Ҳинд-орийларнинг босқини аллақачон унут бўлиб кетган даврларда ҳам ҳиндлар каста тизимига эътиқод қилиб, касталар аралашувидан келиб чиқадиган булғанишдан ҳазар қилишган. Касталар, аслида, ўзгаришлардан ҳоли эмасди. Вақт ўтиши билан катта касталар кичикроқ қисмларга ажралган. Охир-оқибат дастлабки 4 каста 3000га яқин “жати” (луғавий маъноси – “туғилиш”) деб аталувчи гуруҳларга ажралиб кетган. Бироқ бу билан каста тизимининг асосий тамойиллари ўзгармаган. Одамнинг қайси жатига тегишли эканлиги унинг касби, у ейиши мумкин бўлган овқатлар, яшаши мумкин бўлган жойлар, турмуш қуриши мумкин бўлган одамларни белгилаб берган. Одатда кишилар фақат ўз кастаси ичида турмуш қуриб, уларнинг фарзандлари ҳам шу кастага мансуб бўлган.

Янги касб ёки одамларнинг янги гуруҳи пайдо бўлган ҳар сафар улар ҳинд жамиятида қонуний ўрин эгаллаши учун каста сифатида эътироф этилиши керак бўлган. Бунга эриша олмаганлар эса жамиятдан айро қолиб, ҳатто энг қуйи табақани ҳам эгаллашмаган. Улар чандаллар деб аталган. Улар бошқа ҳаммадан алоҳида яшаб, тирикчилигини жирканч ва ҳақоратомуз йўллар билан ўтказишган, масалан, ахлат титишга мажбур бўлишган. Ҳатто энг қуйи каста вакиллари ҳам улар билан алоқа қилиш, бирга овқатланиш, уларга тегиниш ва улар билан турмуш қуришдан тийилган. Замонавий Ҳиндистонда, демократик ҳукуматнинг барча уринишларига қарамай, турмуш ва иш масалаларида каста тизимининг таъсири жуда кучли.

Америкача софлик

Юқоридагига ўхшаш мантиқий силсила Америкадаги ирқий тенгсизликни сақлашда ҳам қўлланилган. XVI - XVIII асрларда европалик босқинчилар миллионлаб африкалик қулларни Америка конлари ва плантацияларида ишлаш учун “импорт” қилган. Улар қулларни Европа ёки

Шарқий Осиё эмас, айнан Африкадан олиб кетишига учта муфассал омил сабаб бўлган.

Биринчидан, Африка яқинроқ, кулларни Вьетнамдан кўра Сенегалдан келтириш арзонроқ эди.

Иккинчидан, Африкада куллар савдоси анча яхши ривожланиб бўлган эди (куллар асосан Ўрта Шарқ мамлакатларига экспорт қилинарди), Европада эса куллик жуда камёб эди. Янги бозор яратишдан кўра, мавжуд бозордан кулларни сотиб олиш анча осонроқ, албатта.

Учинчи ва асосий сабаб – Виржиния, Гаити ва Бразилия каби жойлардаги плантацияларда безгак ва сариқ иситма эпидемиялари авжига чиққан эди. Бу касалликлар асли Африкада пайдо бўлгани туфайли африкаликларда уларга қарши қисман ирсий иммунитет пайдо бўлган эди, европаликлар эса батамом ҳимоясиз бўлиб, кетма-кет ўлаётганди. Плантация эгаси учун европалик ёлланма ишчи ё кулдан кўра африкалик кулга пул тикиш фойдалироқ эди. Мантиққа зид томони шундаки, африкаликларнинг шу генетик устунлиги (иммуниетет масаласида) ижтимоий тобеликка эврилди: африкаликлар тропик иқлимга европаликлардан кўра яхшироқ мослашганлиги натижасида улар европалик хўжаларнинг куллари бўлиб қолди. Ана шундай омиллар сабабли Американинг янги жамиятлари оқ европалик ҳукмдорлар ва қора танли тобеларга ажралди.

Бироқ одамларнинг аксарига улар маълум ирққа мансуб одамларни иқтисодий афзаллик туфайли кул тутишини тан олиш ёқмайди. Ҳиндистоннинг орий фотиҳлари каби Америкадаги оқ европаликларнинг ҳам шунчаки иқтисодий жиҳатдан омадлироқ эмас, балки тақводор, адолатли ва объектив бўлиб кўрингиси келган. Юқоридаги тенгсизликни оқлаш учун диний ва илмий мифлардан фойдаланилган. Теологлар африкаликларнинг Нухнинг лаънатланган, уруғи кул бўлиши айтилган ўғли Ҳомдан келиб чиққанини иддао этганлар. Биологлар қоралар оқларга нисбатан ақлсизроқ ва ахлоқсизроқ деган таъкидни илгари сурган. Шифокорлар қора танлилар ифлосгарчиликда яшаб, касалликлар тарқатиши, яъни улар нопок эканлигини таъкидлаган.

Бу мифлар Америка ва, умуман, Ғарб маданиятига яхши ўрнашиб олган. Кулликни яратган шароит йўқ бўлиб кетганидан узоқ вақт ўтгач ҳам унинг таъсири сезилиб турган. XIX аср бошида Британия кулликни тақиқлаб, Атлантикада куллар савдосига чек қўйган, кейинги ўн йилликлар давомида куллик Америка қитъаси бўйлаб ҳам аста-секин қонуний статусини йўқотган. Эътиборга молик жиҳати шундаки, бу тарихда биринчи бор кулдорлар кулликдан ўз хоҳишлари билан воз кечиши эди. Бироқ кулларга озодлик берилса-да, кулликни оқлаган ирқчи мифлар йўқолмаган. Ирқ ажратиш ирқчи қонунлар ва ижтимоий удумлар томонидан сақланиб турган.

Натижада ўзини ўзи мустақамлаб турувчи сабаб ва оқибат силсиласи вужудга келган. АҚШда фуқаролар урушидан кейинги жанубий штатларга назар солинг. 1865 йилда АҚШ конституциясининг 13-тузатиши кулликни ноқонуний деб эълон қилган, 14-тузатиш эса фуқаролик ва қонун ҳимоясидан ирқ асосида маҳрум қилиб бўлмаслигини таъкидлаган.


Бироқ қулдорликнинг 200 йили оқибатида аксарият қора танли оилалар оқларга нисбатан анча камбағал ва уқувсиз эди. 1865 йил Алабамада туғилган қора танлининг сифатли таълим олиш ва яхши маошли иш топишдаги имкониятлари оқ танли қўшниларникидан анча пастроқ эди. Унинг 1880 ва 1890 йилларда туғилган фарзандлари ҳам ҳаётини ана шундай камчилик билан бошлаган – улар ҳам кўрсавод ва қашшоқ оилада туғилган. Камига, тенгсизлик фақат иқтисодий эмасди. Алабамада баъзи имкониятлардан маҳрум бўлган қашшоқ оқлар ҳам кўп эди. Бундан ташқари, саноат инқилоби ва иммиграция натижасида Қўшма Штатларда юпун кийимни бадавлат сарпога тезда алмаштириш мумкин бўлган жамият шаклланди ва агар ҳамма гап пулда бўлса, ирқлар орасидаги кескин тафовутлар ҳеч бўлмаганда ирқлараро турмуш орқали тезда йўқолиб кетиши керак эди. Ундай бўлмади. 1865 йилга келиб оқ танлилар (ва кўплаб қора танлилар ҳам) қоралар оқларга нисбатан ақлсизроқ, бешафқатроқ, жинсий томондан ўзини тута олмайдиган, ялқовроқ ва шахсий тозалikka унча эътибор бермайдиган бўлишини табиий деб ҳисоблаган. Шу сабаб уларга зўравонлик, ўғрилиқ, шилқимлик ва касалликларни, яъни нопокликни тарқатувчилар сифатида қаралган. Агар 1895 йилда қандайдир мўъжиза рўй бериб, алабамалик қора танли яхши таълим олиб, банкка ишга жойлашмоқчи бўлса, худди шундай оқ танлининг ишга олиниш эҳтимоли уникидан анча катта бўларди. Қора танлиларга ёпиштирилган дангаса, ишончсиз ва ақли суёт деган ёрлик уларга қарши ишларди.

Одамлар аста-секин бундай ёрликлар факт эмас, шунчаки миф эканини тушунади деб ўйлашингиз мумкин. Аслида эса акси бўлди – вақт ўтган сари бундай ғоялар тобора ўрнашиб, томир отиб борди. Яхши ишларнинг ҳаммаси оқ танлиларда бўлгани учун қора танлиларнинг қаеридир кам эканига ишониш осон бўлиб қолди. Қора танлилар бир неча авлоддан бери озод-эркин, лекин ҳали-ҳамон бирорта қора танли профессор, ҳуқуқшунос, шифокор ёки, ҳеч бўлмаса, банкда кассир йўқ. “Шунинг ўзи уларнинг ялқовлиги ва уқувсизлигидан далолат-ку” дейди ўртача оқ танли фуқаро. Бу силсилада қолган қора танлилар “галстукли” ишларга олинмаган, чунки уларни бундай ишларга ноқобил ҳисоблашган. Бунинг исботи сифатида эса уларнинг шундай ишларда ишламасликларини келтиришган.

Силсила шу билан чекланмаган. Қора танлиларга қарши стереотиплар кучайгани сари улар ирқий тартибни сақлаши керак бўлган Жим Кроу қонунлари ва нормаларига кўчган. Қораларга сайловларда овоз бериш, “оқ” мактабларда таълим олиш, оқларнинг дўконларида харид қилиш, оқларнинг ресторанларида овқатланиш, оқ меҳмонхоналарда тунаш тақиқланган. Буларга асос қилиб қора танлиларнинг ифлослиги ва ялқовлиги, оқларни улардан ҳимоя қилиш кераклиги кўрсатилган. Оқ танлилар касалликлардан қўрқгани учун қора танлилар билан бир жойда овқатланиш ва ухлашни хоҳламаган. Болалари қора болалар билан бир мактабда ўқишини хоҳлашмаган, чунки зўравонликдан қўрқишган. Улар қора танлиларга сайлов ҳуқуқини беришни истамаган, чунки қора танлиларни билимсиз ва ахлоқсиз деб ҳисоблашган. Бу қўрқувлар

қора танлилар чиндан ҳам укувсизроқ, касалликлар ва жиноятларга мойилроқ эканини “исботловчи” тадқиқотлар томонидан қувватланган (тадқиқотлар буларнинг ҳаммаси қораларга нисбатан тоқатсизлик натижаси эканига парво қилмаган).

XX аср ўрталарига келиб собиқ конфедерат штатларда ирқий сегрегация XIX аср охиридагидан баттар бўлган. 1958 йил Миссисипи университетига хужжат топширган қора танли Кленнон Кингни мажбуран руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштиришган. Судьянинг қарорига кўра, қора танли одам ўзининг Миссисипи университетига қабул қилинишига ишониши учун у, албатта, “томи кетган” бўлиши керак.



Силсила: тасодифий тарихий ҳолат мустаҳкам ижтимоий тизимга айланыпти.

Ҳеч бир нарса жанубий (ва баъзи шимолий) штатлардаги аҳоли учун қора танли эркак ва оқ танли аёл орасидаги жинсий алоқа ва турмушчалик жирканч туюлмаган. Ирқлараро жинсий яқинлик энг катта табулардан бирига айланган ва уни бузиш (ёки унинг бузилганлигига шубҳа) дарҳол Линч суди (ҳеч қандай судсиз осиб ўлдириш шундай номланган, изоҳ тарж.) орқали жазоланган. Мақсади оқ танлилар устунлигини сақлашга қаратилган махфий жамият – Ку-Клукс Клан ана шундай қотилликларнинг кўпини оқлаган. Улар “поклик қонунлари” тўғрисида брахманларга дарс бериши мумкин эди.

Вақт ўтиб ирқчилик тобора кўп маданий ареналарга ўтиб борган. Америка эстетикаси оқ танлиларнинг гўзаллик стандартлари атрофида қурилган. Оқ ирқнинг жисмоний белгилари – терининг оч ранги, кичкина пучуқ бурун – чиройлилиқ белгиси ҳисобланган. Қора танлиларнинг типик белгилари – тўқ рангли тери, тўқ қалин соч, япалоқ бурун – хунук деб ҳисобланган. Бундай ғоялар хаёлий иерархияни одам онгининг янада чуқурроқ сатҳларига муҳрлаб қўйган.

Бундай мантиқ силсилалари асрлар, ҳатто минг йилликлар давомида сақланиб, тарихий тасодиф туфайли пайдо бўлган тенгсизликни мустаҳкамлайди. Адолатсиз дискриминация вақт ўтиши билан яхшиланмайди, одатда, баттар бўлади. Пули борга пул, қашшоққа етишмовчилик келади. Таълим ўқиганга, билимсизлик билимсизга келади. Тарихан қурбонга айланганлар яна қурбон қилинади. Тарих сийлаганлар эса янада кўп сийланади.

Кўп ижтимоий-сиёсий иерархияларнинг мантикий ёки биологик асоси йўқ – улар тарихий тасодифнинг мифлар орқали мустаҳкамланиб, абадийлаштирилган шаклидан ортиқ ҳеч нарса эмас. Ана шу омил – тарихни ўрганиш учун яхши сабаблардан бири. Агар оқ ва қора ёки брахман ва шудрага ажратиш биологик асосга эга бўлганида, яъни брахманларнинг мияси чиндан ҳам шудраларникидан яхшироқ бўлганида, инсон жамиятини тушуниш учун биологиянинг ўзи етарли бўлар эди. Homo sapiensнинг турли гуруҳлари орасидаги биологик фарқлар ҳисобга олинмайдиган даражада кичик бўлгани учун биология ҳинд жамиятининг нозик нуқталари ёки Америкада ирқлар динамикасини тушунтириб бера олмайди. Буларни тушуниш учун биз тасаввур тўқималарини шафқатсиз ижтимоий тизимларга айлантирган воқеа ва шароитларни ўрганишимиз керак.

Эркак ва аёл

Турли жамиятларда турли хил тасаввурдаги иерархиялари мавжуд. Ирқ замонавий америкаликлар учун жуда муҳимдир, аммо у ўрта аср мусулмонлари учун аҳамиятсиз эди. Ўрта асрларда Ҳиндистонда каста (табақаланиш) ҳаёт-мамот масаласи эди, ҳолбуки, замонавий Европада у деярли мавжуд эмас. Аммо шундай бир иерархия борки, ҳар бир номдор жамиятда учрайди: жинслар иерархияси. Ҳамма жойда одамлар ўзларини эркак ва аёлга бўлишган. Камида Аграр инқилобдан бери ҳамма ерда эркаклар энг яхши мавқега эга бўлиб келмоқдалар.

Энг қадимги хитойча матнлар эрамиздан олдинги 1200 йилга бориб тақалувчи келажакни башорат қилиш учун ишлатилган антик давр қоҳини суякларидир. Уларнинг бирида қуйидаги савол муҳрланган: “Хао хонимнинг фарзанд кўриши омадли бўладими?” Бунга жавобан эса: “Агар бола динг кунида туғилса, омадли; агар генг кунида бўлса, жуда хайрли бўлади.” деб ёзилган. Бироқ, Хао хоним жиайин куни туғди. Матн шу сўзлар билан яқунланади: “Уч ҳафта ва бир кун ўтгач, жиайин куни бола туғилди. Бахтга қарши, бу қиз эди.” 3000 йилдан ошиқ вақт ўтгач, коммунистик Хитой “битта бола” сиёсатини амалга оширганда, кўплаб хитой оилалари қиз туғилишини бахтсизлик деб ҳисоблашда давом этдилар. Ота-оналар вақти-вақти билан кейинги гал ўғил кўришларини кўзлаб янги туғилган қизларини ташлаб кетишган ёки ўлдиришган.

Кўпгина жамиятларда аёл шунчаки эркакларнинг мулки ҳисобланар эди, аксари ҳолларда улар оталар, эр ёки ака-укаларники ҳисобланган. Кўпгина ҳуқуқий тизимларда зўрлаш мулкка етказилган зиён ҳисобланган, бошқача айтганда, жабрланувчи зўрланган аёл эмас, балки унинг эгаси бўлган

эркакдир. Бундай ҳолда қонуний чора мулкни бошқа шахсга ўтказиш эди – зўравон келиннинг нархини аёлнинг отаси ёки акасига тўлаши керак эди, шундан кейин аёл зўравоннинг мулкига айланарди. Инжилда шундай дейилган: “Агар кимдир бокира қизни учратиб қолса, уни ушласа, у билан ётса ва улар шу ҳолда топилса, унда қиз билан ётган киши ёш қизнинг отасига эллик мисқол кумуш беради ва қиз унинг хотини бўлади.” (Мусонинг бешинчи китоби 22:28–9). Қадимги ибронийлар буни оқилона тартиб деб билишган.

Гавжум кўчада йўқолган тангани топиб олиш ўғирлик ҳисоблаганидек, ҳеч бир эркакка тегишли бўлмаган аёлни зўрлаш ҳам жиноят ҳисобланмаган. Агар эр ўз хотинини зўрлаган бўлса, у ҳеч қандай гуноҳ қилмаган дея қаралган. Аслида, эр ўз хотинини зўрлаши мумкинлиги тўғрисидаги фикр мантиққа зид эди. Эр бўлиш – бу ўз хотинининг шахватини тўлиқ назорат қилиш эди. Эр ўз хотинини “зўрлади” дейиш эркак ўз ҳамёнини ўзи ўғирлаб кетди дейиш каби мантиқсиз эди. Бундай фикрлаш қадимги Яқин Шарқ билан чегараланмаган. 2006 йилга келиб ҳам эркакни хотинини зўрлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайдиган эллик уч мамлакат мавжуд эди. Ҳатто Германияда ҳам жинсий зўрлаш тўғрисидаги қонунлар никоҳдаги зўрланишнинг ҳуқуқий категориясини яратиш учун фақатгина 1997 йилга келиб ўзгартирилди.

Ҳиндистондаги каста тизими ва Америкадаги ирқчилик тизими каби эркаклар ва аёллар тоифасига бўлиниш хаёлот маҳсулими ёки чуқур биологик илдизларга эга бўлган табиий бўлинишми? Ва агар бу, ҳақиқатан ҳам, табиий бўлиниш бўлса, унда эркакларга аёлларга нисбатан устунлик бериш учун биологик тушунтиришлар мавжудми?

Эркаклар ва аёллар ўртасидаги баъзи маданий, ҳуқуқий ва сиёсий тафовутлар жинслар ўртасидаги аниқ биологик тафовутларга жавоб беради. Бола туғиш ҳар доим аёлларнинг иши бўлиб келган, чунки эркакларда бачадон йўқ. Шунга қарамай, ҳар бир жамият биология билан деярли боғлиқ бўлмаган маданий ғоялар ва меъёрлар қуршовида тўпланган. Жамиятлар кўпгина фазилатларни эркаклик ва аёллик билан боғлайди, аксарият ҳолларда эса уларда биологик асос йўқ.

Масалан, милоддан аввалги V асрда демократик Афинада бачадонга эга бўлган шахс мустақил ҳуқуқий мақомга эга эмас эди ва оммавий йиғилишларда қатнашиши ёки судья бўлиши тақиқланган эди. Бир нечта истиснолардан ташқари, бундай одам яхши таълимдан фойда кўролмас, бизнес ва фалсафий мунозаралар билан шуғуллана олмас эди. Афина сиёсий раҳбарларининг ҳеч бири, унинг буюк файласуфлари, ёзувчилари, рассомлари ва савдогарларидан бирортаси аёл киши эмас эди. Аёл бўлиш одамни ушбу касбларга биологик томондан яроқсиз ҳолга келтирадими? Қадимги афиналиклар шундай деб ўйлашган. Замонавий афиналиклар бу фикрга қўшилмайдилар. Ҳозирги кунда Афинада аёллар овоз беришади, жамоат сайловларида сайланишади, нутқ сўзлайдилар, заргарлик буюмларидан тортиб дастурий таъминотгача – ҳамма нарсани лойиҳалашади ва университетга борадилар. Уларнинг бачадонлари бу каби ишларни эркаклар сингари бажаришга ҳалакит бермайди. Тўғри, улар ханузгача сиёсатда ва бизнесда кам

ваколатга эгалар – Греция парламенти аъзоларининг атиги 12 фоизини аёллар ташкил этади. Аммо уларнинг сиёсий ҳаётда иштироклари учун ҳеч қандай қонуний тўсиқ йўқ ва аксарият замонавий юнонлар аёлнинг давлат идораларида ишлашини одатий ҳол деб билишади.

Кўпгина замонавий юнонлар эркак бўлишнинг ажралмас қисми фақат аёлларга шаҳват билан қараш ва қарама-қарши жинсдагилар билан жинсий алоқада бўлиш деб ўйлашади. Улар буни маданий тарафкашлик сифатида эмас, балки биологик воқелик сифатида кўришади – қарама-қарши жинсдаги икки одам ўртасидаги муносабатлар табиийдир ва бир жинсдаги икки одам ўртасидаги муносабатлар ғайритабиийдир. Қандай қилиб биологик жиҳатдан тўғри ва одамлар айбсизлигини исботлаш учун тўқиб чиқарган биологик мифларни ажратиш мумкин? “Биология имкон беради, маданият тақиқлайди”. Биология жуда кенг имкониятлар беришга тайёр. Фақатгина маданият одамларни баъзи имкониятлардан фойдаланишга мажбур этиш билан бирга бошқаларини тақиқлаб қўяди. Биология аёлларга фарзанд кўриш имконини беради – баъзи маданиятлар аёлларни буни амалга оширишга мажбур қилади.

Маданият фақат ғайритабиий нарсани тақиқлашини таъкидлайди. Аммо биологик нуқтаи назардан олиб қаралса, ғайритабиий нарсанинг ўзи йўқ. Мумкин бўлган нарсалар таърифга кўра табиийдир. Ҳақиқий ғайритабиий ва табиат қонунларига зид бўлган хатти-ҳаракатлар мавжуд эмас. Ҳеч бир маданият ҳеч қачон эркакларга фотосинтез қилишни, аёлга ёруғлик тезлигидан тезроқ югуришни ёки манфий зарядланган электронларни бир-бирига жалб қилишни тақиқламаган.

Ҳақиқатда, бизнинг “табиий” ва “ғайритабиий” тушунчаларимиз биологиядан эмас, балки христиан илоҳиётидан олинган. “Табиий” нинг илоҳий маъноси “табиатни яратган Худо режаларига мувофиқ”дир. Христиан илоҳиётшуносларининг таъкидлашича, Худо инсон танасининг ҳар бир аъзоси ва органини муайян мақсадга хизмат қилиши учун яратган. Агар биз оёқ-қўлларимиз ва бошқа аъзоларимизни Худо томонидан кўзда тутилган мақсадлар учун ишлатсак, бу табиий ҳаракатлардир. Уларни Худо хоҳлаганидан бошқача ишлатиш ғайритабиийдир. Аммо эволюциянинг ҳеч қандай мақсади йўқ. Органлар бирон бир мақсад билан ривожланмаган ва улардан фойдаланиш усули доимий бир хил эмас. Инсон танасида унинг юз миллионлаб йиллар олдин пайдо бўлган вақтидаги прототипида ҳали ҳам фақат ўз вазифасини бажараётган бирорта ҳам органи йўқ. Органлар маълум бир функцияни бажариш учун ривожланади, аммо, улар мавжуд бўлгандан кейин, уларни бошқа функцияда фойдаланиш учун ҳам мослаштириш мумкин. Масалан, дастлабки кўп ҳужайрали организмларга озуқа моддаларини қабул қилишлари учун йўл керак бўлган, шу сабабдан оғиз пайдо бўлган. Тўғри, биз ҳали ҳам оғзимиздан шу мақсадда фойдаланамиз, лекин биз улардан ўпиш, гапириш ва агар Рэмбо бўлсак, қўл гранаталари ҳалқаларини тишларимиз билан тортиб олиш учун ҳам фойдаланамиз. 600 миллион йил олдин бизнинг қуртларга ўхшаш аждодларимиз бундай ишларни оғиз билан қила олмаганликлари сабаб буларни бажариш ғайритабиийлик ҳисобланадими? Шунга ўхшаб, қанотлар ҳам ўзининг барча аэродинамик шуҳратига тўсатдан

эга бўлмади. Улар бошқа мақсадга хизмат қиладиган органлардан ривожланган. Бир назарияга кўра, ҳашарот қанотлари миллионлаб йиллар олдин учмайдиган қўнғизлар таналари устидаги бўртиқлардан пайдо бўлган. Бўртиқлари бор қўнғизлар бўртиқсизларига қараганда каттароқ сиртга эга бўлишган ва шу орқали қуёш нурини кўпроқ қабул қилиб, ўзларини иссиқроқ сақлашган. Аста секинлик билан эволюция жараёнида ушбу қуёш иситкичлари катталаша бошлади. Қуёш нурини максимал даражада сингдириш учун жуда қулай катта юза ва, бунинг устига, енгил бўлган бундай тузулма тасодифан ҳашаротларга сакраб ирғишганда озгина бўлса-да кўтарилиш имконини берди. Катта бўртиқлари бўлган ҳашаротлар узоқроққа сакраб боришлари мумкин эди. Баъзи ҳашаротлар сирпаниш учун бу аъзоларини ишлатишни бошладилар ва айнан шу пайтда ҳашаротларни ҳавода муаллақ ҳаракатлантира оладиган қанотлар шаклланиши учун кичик қадам ташланди. Кейинги сафар чивин сизнинг қулоғингизга гўнғилласа, уни ғайритабиий хатти-ҳаракатда айбланг. Агар у ўзини яхши тутса ва Худо берган нарсдан рози бўлса эди, қанотларини фақатгина қуёш панели сифатида ишлатар эди!

Худди шу ҳолатлар жинсий алоқа, бизнинг жинсий аъзоларимиз ва хатти-ҳаракатларимизга ҳам тегишли. Жинсий алоқа биринчи марта насл қолдириш ва потенциал умр йўлдош қувватини аниқлаб беришга хизмат қилувчи ритуал сифатида пайдо бўлган. Аммо ҳозирда кўплаб ҳайвонлар ундан ўз наслларини қолдириш билан деярли боғлиқ бўлмаган кўпгина ижтимоий мақсадлар учун фойдаланмоқдалар. Масалан, шимпанзелар сиёсий иттифоқларни мустаҳкамлаш, яқинлик ўрнатиш ва кескинликни юмшатиш учун жинсий алоқадан фойдаланадилар.

Жинс ва гендер

Шундай қилиб, аёлларнинг табиий вазифаси туғиш ёки гомосексуаллик ғайритабиийдир деган баҳсинг маъноси йўқ. Эркаклик ва аёлликни белгиловчи қонунлар, меъёрлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг аксарияти биологик воқеликдан кўра кўпроқ инсон тасаввурини акс эттиради.

Биологик жиҳатдан одамлар эркаклар ва аёлларга бўлинган. Эркак *Homo sapiens* – битта X ва битта Y хромосомаларига эга бўлган одам; аёли эса иккита X хромосомага эга бўлган одамдир. Аммо “эркак” ва “аёл” номлари биологик эмас, балки ижтимоий категориядир. Аксарият инсоният жамиятларида кўп ҳолларда эркаклар эркак жинсига мансуб, аёллар эса урғочи жинсга мансублар деб қабул қилинади, аммо бу атамаларнинг ижтимоий таркибий қисми баъзан биологиядан жуда узоқдир. “Эркак” бу шунчаки XY хромосомалари, мойяклар ва ортиқча тестостероннинг мавжудлиги каби биологик хусусиятларга эга бўлган *sapiens* эмас, балки хаёлий жамоат тартибининг бир қисмидир. Маданий афсоналар унга муайян “эркак” ролларини (масалан, сиёсат билан шуғулланиш), ҳуқуқларни (овоз бериш каби) ва мажбуриятларни (ҳарбий хизматни) юклайди. Худди шундай, аёл ҳам шунчаки иккита X хромосома, бачадон ва кўп миқдордаги эстрогенга эга бўлган *sapiens* эмас, аксинча, хаёлий жамоат тартибининг аёл деб аталган бир

қисмидир. Маданий афсона унга ноёб “аёл” ролларини (болаларни тарбиялаш), ҳуқуқларини (масалан, зўравонликдан ҳимояланиш) ва мажбуриятларини (турмуш ўртоғига бўйсунуш) беради. Эркаклар ва аёлларнинг роли, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари асосан биология эмас, афсона билан белгиланади, шунинг учун “эркак” ва “аёл” тушунчаларининг мазмуни маданиятлар алмашган сари ўзгариб боради.

Биологик категория сифатидаги аёл жинси		Ижтимоий категория сифатидаги аёл	
Қадимги Афина	Замонавий Афина	Қадимги Афина	Замонавий Афина
XX хромосома	XX хромосома	сайлаш ҳуқуқи йўқ	сайлаш ҳуқуқи бор
Бачадони бор	Бачадони бор	Ҳакамлик қила олмайди	Ҳакамлик қила олади
Тухумдонлари бор	Тухумдонлари бор	Ҳукумат идораларида ишлай олмайди	Ҳукумат идораларида ишлай олади
Паст даражадаги тестестерон	Паст даражадаги тестестерон	Ким билан оила қуришини танлай олмайди	Ким билан оила қуришини танлай олади
Юқори даражадаги эстроген	Юқори даражадаги эстроген	одатда саводсиз	одатда саводли
Фарзандини кўкрак сути билан озиқлантиради	Фарзандини кўкрак сути билан озиқлантиради	Қонуний тарафдан ота ёки эр мулки	Қонуний тарафдан мустақил
Айнан бир хил хусусиятлар		Мутлақо бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятлар	



Ўн саккизинчи аср эркаги: Франция қироли Луи XIVнинг расмий портрети. Узун парик, пайпоқлар, баланд поинали поябзаллар, раққосаларники каби ҳолат ва улкан қиличга эътибор беринг. Ҳозирги замон Европасида бу хусусиятлар (қиличдан ташқари) аёллик белгилари деб ҳисобга олинади. Аммо ўз даврида Луи эркаклик ва жасурликнинг европача намунаси саналган.



Йигирма биринчи аср эркаги: Барак Обаманинг расмий портрети. Парик, пайпоқ, баланд поиналар ва қилич қаерга йўқолди? Ҳукмрон эркаклар ҳеч қачон ҳозиргидек зерикарли ва хаёлпараст кўринмаганлар. Тарихнинг кўп қисмида ҳукмрон эркаклар патли бош кийимига эга Америка ҳиндилари сардори ёки шойи ва олмослар билан безанган ҳинд махарожалари каби ёрқин ва ранг-баранг бўлишган. Ҳайвонот дунёсида эркаклар урғочиларга қараганда ранг-баранг ва безатилган бўладилар – товусларнинг думлари ва шерлар ҳақида ўйлаб кўринг.

Чалкашиб кетмаслик учун одатда олимлар биологик категория бўлган “жинс” ва маданий категория бўлган “гендер”ни бир-биридан ажратишга ҳаракат қиладилар. Жинс эркак ва аёлга бўлинади ва ушбу бўлинишнинг хусусиятлари объектив бўлиб, тарихан шундай бўлиб келган. Гендер эркаклар ва аёллар ўртасида бўлинади (ва баъзи маданиятлар бошқа тоифаларни ҳам тан олади). “Эркаклик” ва “аёллик” деб аталадиган фазилатлар субъективдир ва доимий ўзгаришларга учрайди. Масалан, Қадимги Афинадаги аёллардан ва замонавий Афинадаги аёллардан кутилган хатти-ҳаракатлар, хоҳиш-истаклар, кийиниш ва хаттоки тана ҳолатида жуда катта тафовут мавжуд.

Жинс бўйича бўлиниш болалар ўйини каби жуда осон, аммо гендер бўйича бўлиниш анчагина қийин муаммо. Эркак жинсига аъзо бўлиш дунёдаги энг оддий нарсадир. Фақат Х ва Y хромосома билан туғилишингиз керак, холос. Аёл бўлиш ҳам жуда оддий. Бир жуфт Х хромосомаси бу ишни

базаради. Бунга жавобан гендер томонлама эркак ёки аёл бўлиш жуда мураккаб ва талабчан ишдир. Эркак ва аёллик фазилатларининг аксарияти биологик эмас, балки маданиятга хос нарсадир, шунинг учун ҳеч бир жамият ҳар бир эркакни эркак ва ёки аёлни аёл деб ўз-ўзидан тан олмайди. Ва бу унвонга сазовор бўлганингиздан сўнг муваффақиятингизга суянмаслигингиз керак бўлади. Эркаклар ўзларининг эркакликларини доимий равишда, ҳаётлари давомида, бешикдан тортиб то қабргача, чексиз маросимлар ва томошаларда намоёиш этишлари керак. Аёллар ҳам бўшашишлари мумкин эмас: улар ҳар доим ўзларига ва бошқаларга улар ҳар томонлама назокатли эканликларини исботлашлари керак.

Муваффақият кафолатланмагандир. Хусусан, эркаклар эркаклик мавқеларидан маҳрум бўлишдан доимий кўркувда яшайдилар. Бутун тарих давомида эркаклар улар ҳақида одамлар: “У ҳақиқий эркак!” деб айтишлари учун ўзларини хавф остига қўйишга ва ҳатто ўз ҳаётларини қурбон қилишга тайёр бўлишган.

Эркак бўлишнинг нимаси яхши?

Камида Аграр инқилобидан бери кўпгина жамиятлар эркакларнинг кадри аёлларникидан баландроқ бўлган патриархал жамият бўлиб келмоқда. Жамият “эркак” ва “аёл”ни қандай белгилашидан қатъий назар, эркак бўлиш ҳар доим яхши бўлган. Патриархал жамиятлар эркакларни эркакча фикрлаш ва ҳаракат қилишга, аёлларни аёлларга хос фикрлашга ва ҳаракат қилишга ўргатади, бу чегараларни кесиб ўтишга журъат этганларни жазолайди. Аммо жамият бу сифатларга мос келадиганларни бир хил мукофотламайди. Эркаклик сифатлари аёлларникига қараганда кўпроқ қадрланади ва аёллик идеалини акс эттирувчи жамият аъзолари эркак идеалига мисол бўлувчиларга қараганда камроқ нарса олишади. Аёллар саломатлиги ва таълимига камроқ ресурслар сарфланади; улар камроқ иқтисодий имкониятлар, камроқ сиёсий куч ва ҳаракат эркинлигига эгадирлар. Гендер – бу баъзи бир югурувчилар фақат бронза медаллари учун курашадиган мусобақадир.

Тўғри, Миср Клеопатраси, Хитой императричаси Ву Зетиан (милоддан аввалги 700) ва англиялик Елизавета I каби бир қанча аёллар бунда алфа позициясига эришганлар. Аммо бу фақат қоидани тасдиқлайдиган истиснолар. Елизаветанинг қирқ беш йиллик ҳукмронлиги даврида барча парламент аъзолари, қироллик флоти ҳамда армиянинг зобитлари, судя ва ҳуқуқшунослар, епископ ва архиепископ, илоҳиётшунослар ва руҳонийлар, шифокорлар ва жарроҳлар, университет ҳамда коллеж талабалари ва профессорлари, майорлар ва шерифлар, деярли барча ёзувчилар, меъморлар, шоирлар, файласуфлар, рассомлар, мусиқачилар ва олимлар эркаклар бўлишган.

Патриархия деярли барча қишлоқ ва саноат жамиятларида одатий ҳолга айланди. У сиёсий инқилобларни, ижтимоий инқилобларни ва иқтисодий ўзгаришларни ишончли тарзда қарши олди. Масалан, Миср асрлар давомида бир неча бор истило этилган. Оссурияликлар, форслар, македонияликлар, римликлар, араблар, мамлуклар, турклар ва Британия уни эгаллаб олган ва

ундаги жамият доимо патриархал бўлиб келган. Миср фиръавнлар, юнонлар, римликлар, мусулмонлар, Усмонлилар ва Британия қонунлари билан бошқарилган ва уларнинг барчаси “ҳақиқий эркак бўлмаган” эркакларни камситдилар.

Патриархия шунчалик универсал бўлганлиги сабабли, у тасодифан бошланган бирон бир аянчли ҳодисанинг маҳсули бўлиши мумкин эмас. Шуниси эътиборга лойиқки, ҳатто 1492 йилгача Америка ва Афро-Осиёдаги кўпчилик жамиятлар, гарчи ташқи олам билан минг йиллар давомида алоқада бўлмаган бўлсалар-да, патриархал бўлишган. Агар Афро-Осиёдаги патриархат қандайдир тасодифдан юзага келган бўлса, нега Ацтек ва Инкалар патриархал эдилар? Гарчи “эркак” ва “аёл”нинг аниқ таърифи маданиятлар ўртасида фарқ қилса-да, эркакликни аёлликдан устун кўядиган деярли барча маданиятларда қандайдир универсал биологик сабаб бор. Бунинг сабаби нима эканлигини билмаймиз. Кўплаб назариялар мавжуд бўлса-да, уларнинг ҳеч бири ишончли эмас.

Мушаклар кучи

Кенг тарқалган теориялардан бири шундай тўхтамга олиб келади: аёлларга нисбатан жисмонан бақувват бўлган эркаклар ўз кучларини уларни бўйсундиришга ишлатганлар. Соддароқ қилиб айтганда, оғир қўл меҳнатини талаб қилувчи ер ҳайдаш ҳамда ҳосил йиғиш каби юмушлар билан фақат эркаклар шуғулланадиган бўлдилар. Бу уларга овқат етказиш бўйича бошқарув имкониятини, кейинчалик эса сиёсий қудратни бахш этди.

Мушаклар кучи теорияси 2 хил муаммони келтириб чиқаради. Аввало, “эркаклар аёллардан кучлироқ” деган фикр ўртача ҳисоблашларга асосланган ҳамда бу фикр кучнинг айрим турларинигина қамраб олади. Масалан, аёллар чарчоқ ва очликка нисбатан чидамли ҳамда тез касалланиб қолишмайди. Бундан ташқари, айрим аёллар оғир юк кўтариш ва югуриш бўйича кўпгина эркакларни ортда қолдирадилар. Бу теориядаги асосий муаммо шундаки, ўтмишда аёллар кам жисмоний меҳнат талаб қилувчи касблар (руҳоний, ҳуқуқшунос, сиёсатчи қабилар)дан четлатилган, аксинча оғир қўл меҳнатини талаб қилувчи далаларда ишлашган, майда қўл ишлари (тикиш, бичиш, хунармандчилик ва ҳк.) ҳамда уй юмушлари билан шуғулланишган. Агар ижтимоий қудрат фақат жисмоний кучга қараб белгиланганида, аёллар кўпроғига лойиқ бўлардилар. Бундан келиб чиқадикки, одамлар орасидаги ижтимоий қудрат бевосита жисмоний кучга қараб белгиланмайди. Биламизки, жамиятнинг кекса аъзолари уларга нисбатан жисмонан бақувватроқ бўлган ёшларни бошқара оладилар. XIX аср ўрталари Алабама штатидаги пахта далаларида ер ҳайдаб юрган исталган қул плантация эгасини сониялар ичида курашда енгган бўлар эди. Миср фиръавнлари ёки католик черковидаги попларни ҳам жисмоний кучига қараб танлашмаган. Ҳатто овчитеримчилар орасида сиёсий доминантлик мушаклари яхши ривожланган аъзоларга эмас, балки юқори муомала маҳоратига эга бўлган жамоа аъзосига насиб қилган. Жиний уюшма сардори ҳам кучли бўлиши шарт эмас. Кўпинча улар муштини камдан кам ишлатадиган кекса кишилар

бўлади; чиркин ишларни уларнинг ўрнига ёшроқ ва барваста йигитлар бажаради. Агар бирор ким мафия сардорини йиқитиш ҳокимиятга эга чиқишнинг ягона йўли деб ўйласа, хатосини англашга улгурмай ўлим топади. Ҳатто шимпанзелар орасида ҳам алфа-нар мақомига зўравонлик билан эмас, балки ҳам нар, ҳам урғочи вакиллар билан иттифокда бўлиш орқали эришилади.

Англаганингиздек, инсоният тарихи жисмоний куч ва сиёсий қудрат орасида кўпинча тескари алоқа бўлишини кўрсатяпти. Кўпгина жамиятларда оғир қўл меҳнати билан қуйи табақа вакиллари шуғулланади. Албатта, бу Homo sapiensнинг озиқ-овқат пирамидасидаги ўрнига таъсир кўрсатади. Агар фақат жисмоний қобилиятлар инобатга олинганида, sapiensлар ўрта поғоналардан жой олган бўларди. Sapiensларни энг юқори чўққига олиб чиққан омил бу уларнинг ақлий ва ижтимоий кўникмаларидир ва бошқа турлар орасидан жисмоний кучга эмас, балки интеллектуал ҳамда ижтимоий қобилиятларга қараб танланиш, албатта, табиийдир. Шундай экан, эркаклар аёлларни фақатгина жисмоний кучлилиги орқали енгиб иерархия ҳосил қилади, дейдиган теорияга ишониш қийиндир.

Жамият сарқитлари

Бошқа бир теория эса эркакларнинг доминантлигига сабаб уларнинг кучлилиги эмас, балки агрессивлиги деб тушунтиради. Бир неча миллион йиллар давом этган эволюция эркакларни аёлларга нисбатан анча агрессив қилиб қўйган. Аёллар эркаклардек нафратланиши, очкўзлик қилиши, ҳақорат қилиши ва ҳатто улардан ўтиб кетиши мумкин, аммо яккама-якка кураш навбати келганда аёллардан фарқли равишда эркаклар осонликча куч ишлатишга ўтиб кетадилар. Шунинг учун ҳам турли жанг-у жадалларда қатнашиш эркакларнинг ваколатига кирган.

Уруш вақтларида қуролланган кучларни бошқарган эркаклар эндиликда оддий аҳолини ҳам бошқара олардилар. Кейинчалик бу сиёсий куч уларга янгидан-янги урушларни кўзгаш имконини яратди, қанчалик кўп уруш бўлса, жамиятни шунчалик кўпроқ бошқардилар. Бу мулоҳаза барча жойлардаги урушлар ва кенг қамровли патриархал тузумни тушунтириб беради.

Эркак ва аёллардаги гормонал ва когнитив тизимлар устида ўтказилган охириги изланишлар эркаклар агрессия ва зўравонликка аёлларга нисбатан кўпроқ мойил ва шунинг учун ҳам улар аскарликка лойиқ деган тўхтамга олиб келди. Майли, пиёда аскарлар таркиби фақат эркаклардан иборат бўлсин, лекин нега энди урушни бошқараётган ҳам, ғалаба нашидасини тотиб кўраётган ҳам эркаклар бўлиши керак? Бу мантикқа таянадиган бўлсак, ер ҳайдаб юрган қуллар қора танли бўлганидек, уларнинг эгаси ҳам қора танли бўлиши керак эди. Бир тўда қора танли қулларни оқ танли бошқара олар экан, нега унда пиёда аскарлар аёллар томонидан, ҳеч бўлмаганда аёллар ҳам аралашган ҳукумат томонидан бошқарилмаган? Тарихдан маълумки, офицерлар ҳар доим ҳам пиёда аскарлар орасидан бу лавозимга кўтарилмаган. Масалан, пиёдалар орасида бирор кунини ҳам ўтказмаган, лекин бой ва ўқимишли оқсуяклар ўз-ўзидан офицерлик лавозимига лойиқ кўрилган.

Наполеоннинг рақиби бўлган генерал Артур Веллингтон Британиядаги муддатли ҳарбий хизматга келганида 18 ёшда эди, унга дарҳол офицерлик ваколоти берилган. У Францияга қарши бўлаётган уруш давомида ўзининг оғайнисига шундай мактуб йўллаган эди: “Бизда хизмат қилаётган оддий аскарлар сайёранинг чиқиндилари кабидир”. Оддий аскарлар одатда куйи табақа вакиллари, бечораҳол оилалар, миллати озчилик бўлган ирландиялик католиклар орасидан танланган. Уларда юқори лавозимларни эгаллаш имконияти жуда паст эди. Бундай лавозимлар одатда ноиблар, шахзодалар ва кироллар учун олиб қўйилган. Лекин нега фақат ноибликка фақат эркаклар тайинланган, аёллар эмас?

Африкадаги Франция империяси французлар томонидан барпо этилган, бошқарилган, кейинчалик уларга сенегаллик, жазоирликлар ва ишчи французлар қони қўшилган. Пиёдалар орасида “яхши оилалар”дан чиққан французлар йўқ эди, лекин улар француз армиясини, империяни бошқараётган ҳамда ғалабадан энг кўп фойда кўраётган кам сонли элиталарда кўп эди. Лекин нега айнан эркак французлар, аёл французлар эмас?

Хитойда узок давом этган анъаналарга кўра, армия маҳаллий ҳукуматга бўйсунган, урушни эса қўлига деярли қурол олмаган мандаринлар олиб борган. “Яхши темирни мих яшашга сарфлама” деган мақол бор хитойликларда. Иқтидорли одамларнинг ўрни ҳокимиятда бўлади, армияда эмас. Нега унда ҳокимиятда ҳам фақат эркак жинсига мансублар мандаринлар бўлишган?

Ҳеч ким аёлларни уларнинг жисмонан заифлиги ёки улар организмида тестестерон миқдорининг камлиги туфайли омадли мандаринлар, генераллар, сиёсатчилар қаторида бўлолмади деб айтолмайди. Урушни олиб боориш учун фақат жисмоний куч ёки агрессивлик эмас, балки улкан бардош керак. Уруш сизга қовоқхоналардаги оддий муштлашиш эмас. Уруш юқори даражадаги ташкиллаштириш, ҳамкорлик ва хотиржамлик талаб қилинадиган мураккаб лойиҳалардан иборат бўлади. Она заминда тинчликни сақлай олиш, ташқи сиёсат олиб бориш ва ўзгалар (душманлар)нинг хаёлида нима кечаётганини англай олиш қобилияти ғалабага калит бўла олади. Шунга кўра, урушни фақат агрессия билан олиб бориш тўғри эмас. Урушни тинчликни сақлай оладиган, манипуляция қилишини биладиган ҳамда бир масалага турлича ёндаша оладиган инсонлар олиб боргани яхши. Барча империя яратувчилари шу хислатга эга бўлганлар. Ҳарбий илмдан хабари бўлмаган Октавиан Август, на Юлий Цезар ва на Александр Македонский қила олмаган ишга – барқарор режимдаги империя яратишга муваффақ бўлган. Унинг замондошлари ҳам ҳозирги тарихчилар ҳам бу зафарнинг сабабини *clementia* – мулойимлик ва шафқатда деб биладилар.

Аёллар доим эркакларга нисбатан тинчликсевар ва яхшироқ манипулятор сифатида таърифланади, яна улар муаммога турли томондан қарай олганликлари билан машҳур. Агар бу стереотиплар рост бўлганида, аёллар қора ишларни, урушларни тестестерон захираси билан тўла, содда мачоларга ташлаб, ўзлари ажойиб сиёсатчилар, императорлар

бўлишлари керак эди. Машҳур афсоналарда шундай бўлиши мумкин, лекин реал ҳаётда эмас. Бунинг сабаби эса тўла аниқ эмас.

Патриархал генлар

Патриархатнинг биологик назарияси ҳам мавжуд. Унга кўра, миллионлаб йиллар давом этган эволюция натижасида эркаклар ва аёллар омон қолиш ва кўпайиш учун турли хил стратегияларни ишлаб чиқишган, дейилади. Ўзидан насл қолдириш имконияти учун эркаклар бир-бирлари билан рақобатлашаётгани сабабли одамнинг кўпайиш имкониятлари, авваламбор, у бошқа эркаклардан устун келиши ва уларни мағлуб этиш қобилиятига боғлиқ эди. Вақт ўтиши билан энг талабчан, тажовузкор ва рақобатбардош эркакларнинг генлари авлоддан авлодга ўтиб борди.

Ўз навбатида, аёлни ҳомиладор қилишга тайёр бўлган эркак тақчил бўлмаган. Аммо агар аёл фарзандлари ҳам авлод давом эттиришини истаган бўлса, ҳар бир фарзандни тўққиз ой давомида қорнида кўтариб юриши, кейин йиллар давомида боқиб тарбиялаши керак эди. Бу вақт ичида унинг ўзини таъминлаш имконияти кам ва кўп ёрдамга муҳтож бўлар эди. Унга эр керак эди. Ўз ҳаёти ва болаларнинг ҳаёти учун аёл агар эркак у билан қолса ва ҳеч бўлмаганда вазифаларнинг бир қисмини бажарадиган бўлса, эркак томонидан унга қўйилган ҳар қандай шартга рози бўлишга мажбур бўлди. Вақт ўтиши билан авлоддан авлодга ўтган аёллик генлари итоаткор ва ғамхўр аёлларнинг генлари бўлди. Ҳокимиятга эгалик қилиш учун вақтларини сарфлаган аёллардан эса ҳеч нарса мерос бўлиб қолмади.

Тирик қолиш стратегияларидаги сезиларли фарқ натижасида эркаклар бизнес ва сиёсат чўққиларига интилиб, шижоатли ҳамда рақобатбардош бўлиб бордилар. Аёллар эса оёқ остида ўралашмасликка одатланиб, ўз ҳаётларини эрлари ва ўғилларига хизмат қилишга бағишладди.

Аммо бу ёндашув ҳам эмпирик далиллар томонидан инкор этилган кўринади. Хусусан, аёлларнинг ташқи ёрдамга муҳтожлиги уларни бошқа эркакларга кўпроқ қарам қилган бўлса, нега аёллар бир-бирларига ёрдам беришмаган? Ва эркакларнинг рақобатбардошлиги уларни ижтимоий жихатдан устун қилади дея тахмин қилиш ҳам хато. Ҳайвонларнинг кўп турларида, масалан, филлар ва бонобо маймунларида урғочиларнинг ёрдамга муҳтожлиги ва нарларнинг рақобати матриархатнинг шаклланишига олиб келган. Урғочилар ташқи ёрдамга муҳтож бўлганлиги сабабли улар ижтимоий кўникмаларини ривожлантиришлари ва ҳамкорлик қилишни, бир-бирига ғамхўрлик қилишни ўрганишлари шарт эди. Нарлар вақтларини кураш ва мусобақаларга сарфлашганда урғочилар ҳар бир аъзога ўз фарзандларини тарбиялашда ёрдам берадиган барча аъзоси урғочилардан иборат ижтимоий тизимни курадилар. Уларнинг ижтимоий қобилиятлари ва алоқалари ўзгармасдан қолмоқда.

Ўзбошимча ва тарқоқ нарлар четда юргани сабабли бонобо ва фил жамиятлари кооператив урғочиларининг кучли тармоқлари томонидан бошқарилади. Бонобо урғочилари эркакларга нисбатан заифроқ бўлишига

карамай, тез-тез ҳаддини билмай қолган эркак маймунларга хужум қилиб туришади.

Агар бу нарса филлар ва боноболар учун мумкин бўлса, нега энди Homo sapiensларда бунинг имкони йўқ? Сапиенслар кўп сонли аъзоларга эга жамиятларга бирлашиб устунликка эриша оладиган, аслида, жисмонан ожиз жонзотдирлар. Шундай бўлган тақдирда ҳам биз эркакларга қарам боқиманда аёллардан ўзларининг юқори ижтимоий кўникмаларидан ҳаддан ташқари тажовузкор, автоном ва тарқоқ эркакларни бир жамоага бирлаштиришда фойдаланишларини кутишимиз мумкин.

Бу тур муваффақияти, авваламбор, бир жамоага бирлашиш билан боғлиқ бўлган бир пайтда тарқоқ бўлган шахслар (эркаклар) кўпроқ уюшган бўлган шахсларни (аёллар) қандай қилиб бошқарган? Ҳозирда бизда тузукроқ жавоб йўқ. Эҳтимол, умумий тахминлар нотўғридир. Эҳтимол, Homo sapiens турининг эркаклари жисмоний куч, тажовузкорлик ва рақобатбардошлиги билан эмас, балки юқори ижтимоий маҳорат ва ҳамкорликка мойиллиги билан аёлларидан ажралиб турар. Биз буни ҳозирча билмаймиз.

Аммо биз билган нарса шундан иборатки, ўтган асрда гендер роллари жуда катта инқилобни бошдан кечирди. Бугунги кунда тобора кўпроқ жамиятлар нафақат эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқий мақом, сиёсий ҳуқуқлар ва иқтисодий имкониятларни бермоқда, балки уларнинг жинси ва гендери ҳақидаги асосий тушунчаларини тўлиқ қайта кўриб чиқмоқдалар. Гарчи гендер тафовути ҳали ҳам аҳамиятли бўлса-да, воқеалар жуда тез суръатлар билан кечмоқда. XX асрнинг бошларида АҚШда аёлларга овоз бериш ҳуқуқини бериш ғояси, умуман олганда, ғайритабиий деб қабул қилинганди; аёл котибалар ёки Олий суд ҳакамлари (судьялар) келажаги жуда кулгили ҳисобланганди; ҳолбуки, гомосексуаллик – бу, шунчаки, ҳатто очик муҳокама қилиш ҳам мумкин бўлмаган, тақиқдаги мавзу эди. XXI асрнинг бошларида аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқи одатий ҳолга айланди, аёл котибалар изоҳга сабаб бўлмай қолдилар ва 2013 йилда бештадан учтаси аёл киши бўлган АҚШ Олий Суди судьялари (қарши овоз берган тўртта эркак ҳакамлардан устун келиб) бир жинсдагилар никоҳини қонунийлаштиришни ёқладилар.

Ушбу кескин ўзгаришлар гендер тарихини жуда ҳайратга соладиган нарсалардир. Бугунги кунда аниқ кўриниб турган ҳолат – агар патриархал тизим биологик далилларга эмас, балки асоссиз афсоналарга асосланган бўлса, ушбу тизимнинг универсаллиги ва барқарорлиги нимада?

УЧИНЧИ ҚИСМ

ИНСОНИЯТНИНГ БИРЛАШИШИ



Маккадаги Каъбани айланаётган зиёратчилар

9.

Тарих вектори

Аграр инқилобдан сўнг кишилик жамияти тобора мураккаблашиб, кенгайиб борар экан, бир вақтнинг ўзида ижтимоий тартибнинг таянчи ҳисобланган тасаввур олами тушунчалари ҳам мураккаблашиб борди. Афсона ва тўқималар деярли туғилишданок одамни маълум бир тарзда фикр юритишга, муайян қолипларга кўра ҳаракат қилишга, аниқ бир нарсаларни хоҳлаш ва аниқ қоидаларга риоя қилишга ўргатди. Шу тарзда миллионлаб

бегоналарнинг ўзаро самарали ҳамкорлик қилишига имкон берувчи сунъий инстинктлар пайдо бўлди. Бу сунъий инстинктлар тармоғи маданият деб номланади. Шумер маданиятининг вакили шумер каби кийинган, шумер каби сўзлаб, шумер каби қадам ташлаган, ҳазили ҳам, тентаклиги ҳам шумерча бўлган, ўзининг шумер ошхонасида ҳам шумер каби таом пиширган, еб-ичган.

XX асрнинг биринчи ярмида тарихчилар ҳар бир маданият мукамал, уйғун ҳамда даврлар ошиб ҳам ўзгармайдиган моҳиятга эга деб уқтиришган. Ҳар қандай жамиятнинг ўз дунёқараши ва ўз ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий тартиби борки, улар қуёш атрофида айланган сайёралар мисол бир текисда ҳаракатланадилар. Ушбу назарияга кўра, ўз ҳолига қўйилган маданиятлар ўзгаришларга мойил эмас. Улар маълум бир манзил томон бир маромда одимлашда давом этадилар. Фақат ташқи кучгина бу маромни ўзгартиришга қодир эди. Антропологлар, тарихчи ва сиёсатчилар “Самоа маданияти” ёки “Тасмания маданияти”ни ана шундай тасвирлашади – самоанларнинг (ёки Тасмания туб аҳолисининг) эътиқоди, меъёрлари ва қадриятлари қадим замонлардан буён айтарли ўзгармаган. Эндиликда бу ҳодиса борасида маданиятшуносларнинг кўпчилиги қарама-қарши хулосага келишган. Ҳар бир маданият ўзига хос эътиқод, меъёрлар ва қадриятларга эга, аммо уларнинг барчаси мунтазам ҳаракатда. Ўзгаришларнинг сабаби бир маданиятнинг кўшни маданиятлар ёки ташқи муҳитнинг қандайдир омиллари билан ўзаро алоқаси бўлиши мумкин, шу билан бирга маданиятнинг ўзида ҳам ички динамика кузатилади. Ҳаттоки мутлақ яққаланган ҳолда ҳам, экологик барқарор муҳитда ҳам маданият ўзгаришлардан қоча олмайди. Номувофиқликдан холи бўлган физика қонунларидан фарқли ўлароқ, инсон томонидан ўрнатилган ҳар қандай тартиб ички қарама-қаршиликка эга. Маданиятлар доим бу қарама-қаршиликни олиб ташлашга интилади ва шу тарзда мунтазам ўзгариш жараёни содир бўлади. Мисол учун, ўрта асрда Европа зодагонлари ҳам насроний ақидаларга, ҳам рицарлик тимсолига ишонишган. Оддий зодагон эрталаб черковга бориб, ҳурмат билан ваъзни тинглаган. “Беҳудадан ўтган беҳуда! — дерди руҳоний. – Ҳаммаси беҳудадир! Бойлик, ҳашамат, эҳтиром – булар энг даҳшатли васвасадир. Улардан юз ўгириш ва Исо Масиҳнинг изидан юриш. Унинг ройишлигига тақлид қилиш, баднафслик ва зўравонликдан қочинг, сизни урсалар, бошқа юзингизни тутинг”. Уйга ювош ва ўйчан бўлиб қайтган вассал духоба ва ипақларга кўмилиб, хўжайинининг саройига базмга шошиларди. У ерда шароб дарёдек оқар, машшоқлар Ланселот ва Гвинеранинг севгисини куйларди, меҳмонлар беадаб ҳазиллару қонли уруш ҳикоялари пайдар-пай ёғдирарди. “Шармандали ҳаётдан ўлим афзал!” деб хайқиришар эди баронлар. “Қачонки унинг шаъни ҳақорат остига олинса, ҳақоратни фақатгина қон ювиши мумкин. Душманларинг олдинга тушиб, тумтарақай бўлишса, уларнинг севимли кизлари оёқларинг остида дир-дир титраса, ҳаётда бундан-да афзали борми?”

Шундай қилиб, парадокс тамомила ҳал бўлмади. Аммо Европа зодагонлари, руҳонию авом халқи ана шу қарама-қаршиликка ёпишиб олгани туфайли, уларнинг маданияти аста-секинлик билан ўзгарди. Бу қарама-қаршиликларга жавоблардан яна биттаси салб юришлари бўлди. Бундай

юришларда рицар бирданига ҳам ҳарбий жасоратини, ҳам тақводорлигини намоиш қилиши мумкин эди. Худди шу парадокс рицарлик ва насронийлик тимсолларини бирлаштиришга интилувчи “Тамплиер” ва “Госпиталер” орденларининг пайдо бўлишига сабабчи бўлди. Бундан ташқари, ўрта аср санъати ва адабиётининг катта қисми, жумладан, қирол Артур ва муқаддас Граал косаси ҳам шу манбадан келиб чиққан. Агар шавкатли рицар яхши бир насроний бўла олиши лозимлигини ва ёки яхши насронийлардан шавкатли бир рицар чиқишини исботлашга уринмаса, Камелот қандай аҳамиятга эга?

Бошқа бир мисол – замонавий сиёсий тизим. Франция инқилоби давридан кейин дунёда тенглик ва шахсий эркинлик ғоялари аста-секинлик билан тарқалди. Бироқ эндиликда бу икки қадрият яна бир-бирига қарама-қарши чиқмоқда. Бошқалардан кўпроқ омади чопганларнинг эркинлигини чеклаган ҳолдагина тенгликни таъминлаш мумкин. Агар сиз ҳар бир фуқарони тўлиқ эркинлик билан кафолатласангиз, унда тенглик тугайди. 1789 йилдан кейинги умумжаҳон сиёсий тарихини шу қарама-қаршилиқларни ҳал қилиш учун қилинган давомий уринишлар ифодаси дейиш мумкин.

Диккенс романларини ўқиган ҳар бир киши XIX асрда либерал Европа ҳукумати биринчи ўринга шахсий эркинликни қўйганини билади, ҳатто бунинг учун қарздорларни қамоққа олиб, етимларни чўнтак ўғрилигига жўнатишга тўғри келса ҳам. Александр Солженицинни ўқиган киши эса коммунизмнинг эгалитар идеали инсон ҳаётининг ҳар бир дақиқасини назорат қилувчи шафқатсиз золимона ҳукмронликни келтириб чиқарганини яхши билади. Замонавий Америка сиёсатида эса ҳануз шу парадокс. Демократлар беморлар, қариялар ва ночорларга кўмак дастурларини молиялаштириш учун солиқларни оширишга тўғри келса ҳам, тенглик ҳукм сурган жамиятни иташади. Аммо бу шахсларнинг ўз пулини ўзлари истагандек ишлатиш эркинлигига раҳна солади. Мен болаларимнинг таълими учун пул сарфлашни афзал кўрсам, нега ҳукумат мени тиббий суғурта сотиб олишга мажбур қилади? Бошқа томондан эса республикачилар бой ва камбағаллар ўртасидаги даромад тафовути ортиб, кўплаб америкаликлар буткул тиббий ёрдамсиз қолса ҳам, максимал даражада шахсий эркинликка интилишади.

Ўрта асрлар рицарлик ва насронийлик тимсолларини мурасага келтира олишмаганидек замонавий дунё ҳам эркинлик ва тенгликни тўлиқ бирлаштира олмаяпти. Буни тўғрилаб бўлмайди ҳам. Бу қарама-қаршилиқлар ҳар қандай инсон маданиятининг ажралмас бўлагидир. Бу омиллар туримизнинг жўшқин ривожланишининг ижодий двигателидир. Контрапунктда тўқнаш келган иккита оҳанг мусиқа мавзуси тадрижини олға сурганидек, ўй, ғоя ва қадриятларимизнинг турфа хиллиги бизни ўйлашга, танқид қилиш ва баҳо беришга ундайди. Барқарорлик бу – аҳмоқлар учун қўриқхонадир.

Модомики, ечими йўқ дилеммалар, танг аҳвол ва низолар ҳар қандай маданиятнинг туб моҳияти экан, одам ҳар қандай маданиятда қарама-қарши ишончларни бирлаштиришга, номутаносиб қадриятлар ўртасида тортқиланишга мажбур. Бу ҳар ерда мавжуд бўлган ҳолат ва у аллақачон когнитив диссонанс (ихтилоф) деб ном олган. Кўпчилик когнитив диссонанс

инсон руҳиятининг тақдирига битилган зиён деб ҳисоблайди, аслида эса бу инсоннинг муҳим хусусиятидир. Агар одам ишонч ва қадриятлар қарама-қаршилигини бирлаштира олмаганида эди, бирор бир маданиятни яратиш ва ривожлантириш имкони ҳам бўлмас эди. Мисол учун, кўчангиз муюлишидаги масжидга қатновчи мусулмон кўшнингизни янада яхшироқ тушунмоқчи бўлсангиз, у учун азиз бўлган қадриятларнинг тагигача бориш учун сўроққа тутманг, аксинча, ислом маданиятида қоидалар бир-бири билан тўқнашиб, қолиплар оғадиган нуқта – “22 тузоқ”ни изланг. Қачонки сиз мусулмонларнинг ўзаро икки мутлақ мажбурият орасида ажралганини кўрсангиз, ўшандагина сиз уларни тушуна бошлайсиз.


Сунъий йўлдошдан назар.

Ҳар қандай инсон маданияти доимий ҳаракатда бўлади. Бу тасодифми ёки бунда унинг ўз қонунлари борми? Бошқача айтганда, тарихнинг аниқ бир ривожланиш вектори борми? Жавоб: Ҳа, бор. Минг йиллар давомида кичик жамиятлар бир-бирлари билан чатишиб кетди, катта, мураккаб цивилизацияларга айланди, шу тарзда, дунёда мега маданиятлар янада камайиб, уларнинг ҳар бири каттароқ ва мураккаброқ бўлиб чиқишди. Албатта, бу жуда кўпол, фақат макро даражадагина адолатли умумлашма. Микро даражада шундай бир таассурот уйғонадики, бунда мегамаданиятга ҳаракат қилаётган ҳар бир маданият гуруҳига бўлақларга бўлинган бир мегамаданият тўғри келади. Олтин Ўрда деярли бутун Осиёни ва сезиларли даражада Европанинг бир қисмини босиб олган, бироқ тезда бўлиниб кетган. Насронийлик юз миллионлаб тақводорларни жалб қилди – ўзи эса сон-саноксиз мазҳабларга бўлиниб кетди. Лотин тили Ғарбий ва Марказий Европанинг умумий тилига айланди ва кейинчалик кўплаб маҳаллий шеваларга айланиб кетди, ундан эса миллий тиллар пайдо бўлди. Аммо бўлинишлар даври аслида муқаррар бирлашишнинг вақтинчалик чекиниши бўлган. Тарихий ривожланиш томон фақатгина тўғри танланган кузатиш нуқтасидан разм солиш мумкин. Агар биз булутга чиқиб, сўнгги бир неча юз йилликларга назар ташласак, тарих бирлашиш учун ҳаракат қилмагани ёки парчаланиш учун, тушуниш қийин. Бироқ янада юқорироқ кўтарилиб, сунъий йўлдошдан туриб, минг йилликларга қаралса, тарих тўхтовсиз равишда бирлик томон ҳаракат қилаётгани аён бўлади. Насронийликнинг бўлиниши ва Олтин Ўрданинг қулаши эса атиги шу йўлдаги ўнқир-чўнқирлардир.

Тарихнинг умумий йўлини аниқлашнинг энг оддий усули – Ер сайёрасида ҳар хил даврларда қанчадан-қанча алоҳида дунёлар бўлганини ҳисоблаш. Бугун биз бутун сайёрамизни ягона бир дунё деб биламиз, бироқ бутун тарих давомида Ер сайёраси галлактикадаги бир-бири билан мулоқот қилмайдиган кўплаб сайёралардан биридир. Мисол учун, Австралия

жанубидаги ўрта ҳажмли орол – Тасманияни олайлик. Тахминан милоддан аввалги ўн мингинчи йилда – навбатдаги музлик даври тугаб, денгиз сатҳи кўтарилганда, орол Австралиядан ажралиб қолади. Унда бир неча минг овчиримчилар қолиб кетишган ва XIX асрда европаликлар бу ерда пайдо бўлмагунгача Тасмания аҳолиси бошқа одамлар билан алоқа қила олишмаган. 12 минг йил давомида уларнинг мавжудлигини бутун дунёда ҳеч ким билмаган, шу ўринда улар ҳам Ер сайёрасида бошқа одамлар ҳам яшашидан беҳабар бўлишган. Тасманлар уришишган, сиёсий фитналар билан шуғулланишган, ўзларининг жамиятларини куришган, маданиятларини шакллантиришган. Бироқ Хитой императори ёки Месопотамия ҳукмдорларининг нуқтаи назарига кўра, худди шу муваффақият билан тасманлар Юпитер ойларидан бирида бўлиши мумкин эди. Улар бошқа бир дунё – ўз дунёларида яшашган. Европа ва Америка ҳам бутун тарихнинг катта бир муддати мобайнида бир-биридан айро яшаган. Милодий 378 йилда Рим императори Валент Адрианопол яқинида готлар билан бўлган жангда ҳалок бўлади, унинг армияси мағлубиятга учрайди. Айнан ўша йили Теотиуакан қўшини Тикал ҳукмдори Чак-Ток-Ичак II ни ҳалок қилиб, қўшинини тор-мор этади (Тикал – маяларнинг шаҳар-мамлакати, Теотиуакан эса ўша пайтларда Американинг энг йирик шаҳри бўлиб, 250 минг аҳолига эга бўлган, ўша пайтлардаги Римдан кичикроқ бўлса-да, “вазн тоифаси”га кўра, бир хил даражада бўлган). Римнинг мағлубияти ва Теотиуаканнинг юксалиши ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Худди шу муваффақияти билан Рим Марсда, иккала Америка эса Венерада бўлиши мумкин эди. Ерда қанча турли хил дунёлар мавжуд бўлган? Милоддан аввалги 11 минг йилликда уларнинг сони мингларча бўлган. Милоддан аввалги 2 минг йилликка бориб турли хил дунёлар сони бир неча юзга, кўпи билан бир-икки мингга камайган. Милодий 1450 йилга келиб эса камайишлар янада сезиларли бўлди. Айни шу маҳал, Европа мустамлакаси арафасида, Тасмания каби кичик ажралиб қолган дунёлар ҳали ҳам мавжуд эди, аммо одамларнинг 90%и битта умумий мегамайдонда – Афро-ЕвроОсиё дунёсида яшашганлар. Осиё ва Европанинг катта қисми, Африканинг талай қисми, шу қаторда, саҳро жанубидаги айрим худудлар аллақачон ўзаро маданий, сиёсий ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиб бўлган эди. Маданиятлар мулоқотининг осонлашувиға зиёратлар ҳам сабабчи бўлди. Нигер водийсидан ҳажга йўл олган киши Африканинг ғарбида, Маккада Шарқий Африка, Болқон, Марказий Осиё, Индонезия ва ҳаттоки, Хитойдан келган диндошларини учратар эди. Афро-Евро-Осиёга кирмай турган 10% ер аҳолисининг асосий қисми тўртта йирик ва мураккаб дунёларга бўлинган:

1. Марказий Американинг асосий ва шимолий қисмини ўз ичига олган Мезоамерикача дунё.
2. Жанубий Американинг ғарбий қисмини ўз ичига олган Андча дунё.
3. Чегаралари Австралия қитъасининг чегаралари билан бир хил бўлган Австралияча дунё.
4. Гавайидан Янги Зеландиягача – Тинч океанининг жанубий-ғарбий қисмидаги оролларнинг катта қисмини ўз ичига олган Океанияча дунё.



Милодий 1450 йилда Ер. Харитада мусулмон сайёҳи Ибн Баттута XIV асрда Аффо-Евро-Осиё дунёсига бориб кўришига улгурган жойлар тасвирланган. Келиб чиқиши асли танжирлик (Марокаш) бўлган бу сайёҳ Тимбукта, Занзибар, Россиянинг жанубини, Марказий Осиёни, Ҳиндистонни, Хитойни ва Индонезияни кезиб чиққан. Унинг саёҳат маршрути (йўли) замонавий давр бўсағасидаги Аффо-Евро-Осиёнинг ички алоқаларини акс эттиради.

Кейинги 300 йилликда Аффо-Осиё гиганти қолган барча дунёларни ютиб юборди. 1521 йилда испанлар азтеклар империясини ишғол этиб, Мезоамерика дунёсини босиб олди. Худди шу пайтда Фердинанд Магеллан Океаниянинг бир парчасини забт этди – у дунё бўйлаб саёҳати давомида кўплаб ороларни кашф қилган – ва бу дунёни тўлиқ ўзлаштириш учун унга кўп вақт керак бўлмади.

Андлар цивилизацияси 1532 йили конкистадорлар Инклар империясини тугатиши билан кулади. 1606 йилда Европаликлар Австралия қирғоқларига тўлиқ ўрнашиб олдилар, 1788 йилга келиб эса инглиз мустамлакачилик сиёсати жиддий тус олди ва ибтидоий маҳаллий аҳоли йўқ қилинди. Орадан ўн беш йил ўтгач ишбилармон британлар Тасманиядаги биринчи турар жойни ташкил этиб, бу сўнги автоном дунёни ҳам Аффо-Евро-Осиё маданиятига жалб қилдилар. Аффо-ЕвроОсиё гигантига ютиб юборган нарсаларини хазм қилиши учун бир юз йиллик етмади, бироқ бу жараёни ортга қайтаришнинг ортиқ иложи йўқ эди. Эндиликда ерликлар ягона сиёсий (сайёра халқаро ҳуқуқий тан олинган давлатларга бўлинади), иқтисодий (капиталистлар бозори ернинг энг чекка бурчакларигача кириб борди) ва ҳуқуқий (инсон ҳуқуқи, ҳеч бўлмаганда назарий жиҳатдан, ҳамма жойда тан олинади) тизимда яшамокдалар.

Бу ягона бутунжаҳон маданияти бир хил эмас. Бир бутун организмни ўнлаб орган ва ҳужайра турларига ажратиш мумкин бўлгани каби, ягона жаҳон маданияти ҳам турли халқлар ва услубларни ўз ичига олади – бу ерда Нью-Йорк маклерлари ҳам, афғон чўпонлари ҳам бор. Бироқ бу гуруҳлар бир-бири

билан чамбарчас боғлиқ ва улар орасидаги ўзаро таъсирнинг барча турларини кузатиб бориш имконсиз. Улар ҳалигача аввалгидек низолашмоқдалар. Баъзан улар жанг ҳам қилишади, тортишувларда бир хил далилларни ишлатишади, урушда эса бир хил қуролланадилар. Асл “цивилизациялар тўқнашуви” бир-бирини тушунмайдиган қарлар суҳбати эди. Ҳозирги кунда зиддиятга киришаётган Эрон ва АҚШ бир-бирига тушунарли бўлган миллий давлатчилик, капиталистик иқтисодиёт, халқаро ҳуқуқ ва ядро физикавий тилларда гаплашмоқдалар. Биз ҳали ҳам “ҳақиқийлик” маданияти ҳақида мунозараларни давом эттирмаймиз, бироқ агар “ҳақиқийлик” дейилганда мустақил ривожланиш (таракқиёт) тушунилса, ташқаридан таъсир бўлмаган маҳаллий анъаналар (урф-одатлар) эндиликда ер юзида қолмаган. Сўнги бир неча асрларда барча маданиятлар глобал таъсирнинг ҳужуми остида деярли таниб бўлмас даражада ўзгарди. Характерли мисол – “этник” ошхона. Италия ресторанида биз помидор қайлалари (соусли) спагетти, Польша ёки Ирландияда картошка таом буюртма қиламиз, Аргентина ошхонаси менюсидан эса мол гўштидан тайёрланган турли хил стейклар жой олган, ҳинд ошравлари исталган таомга чили қалампирларини солишади, Швейцарияда биз қайноқ, қуюқ шоколаддан баҳра оламиз ва Алп тоғларида кўпиртирилган қаймоқдан татиб кўрамиз. Бироқ санаб ўтилган ингредиентлар (масалликлар) “ҳақиқий” эмас. Помидор, чили қалампир ва какао асли Мексикада етиштирилади, Европа ва Осиёга улар Колумбдан сўнг етиб келди. Юлий Цезар ва Данте Алигери спагеттини санчқига ўраб қизил қайлага ботирмаган (ўша пайт санчқичлар бўлмаган). Вилгелм Теллшоколад билан меҳмон қилинмаган, Будда таомига чили қалампирини қўшмай еган. Картошка Ирландия ва Польшага атиги 400 йил аввал кириб келган. Аргентинада 1492 йилгача сизга фақат лама гўштидан стейк тақлиф қилишлари мумкин эди. Голливуд оқ танлиларнинг қарвонларини тақиб этувчи мард чавандозлар – буюк текисликлардан бўлган ҳиндулар образини бўрттириб юборган. Бу чавандозлар қадимий маҳаллий маданиятни ҳимоя қилишмаган. Уларнинг ўзлари бу ерга XVII - XVIII асрларда – европаликлар ғарбий Америкага отларни олиб келган пайтда келиб қолган ҳарбий ва сиёсий инқилобнинг маҳсули эдилар. 1492 йилда Шимолий Америкада отлар бўлмаган. Бир дона ҳам. Сиу ва апачиларнинг XIX аср маданиятида кўплаб жозибадорликлар бор, бироқ буларнинг ҳаммаси глобализмнинг маҳсули бўлган, маҳаллий маданиятнинг “ҳақиқий” лиги эмас.



Сиу йўлбошчилари. 1905 йил. На сиулар, на бошқа буюк текисликлар қабилалари 1492 йилгача отларни билишмаган.

Глобализм

Утилитар (инглизча “utility” – фойда, наф (таржимон изоҳи)) нуқтайи назарга кўра, глобаллашувнинг асосий босқичи сўнгги бир неча юз йилликда бошланган. Империялар ўсди, савдо-сотик янада жадаллашди. Европа Афро-Евро-Осиё, Америка, Австралия ва Океания халқлари билан алоқаларини мустаҳкамлади. Шундай қилиб, Мексиканинг чили қалампири Ҳиндистонга келди, Аргентина яйловларида эса испан буқаларини боқиш бошланди.

Бироқ ғоявий даражадаги яна ҳам муҳимроқ воқеалар милоддан аввалги биринчи минг йилликда – универсал тартиб ғояси пайдо бўлганда содир бўлди. Тарих минг йиллар давомида аста-секинлик билан бутунжаҳон бирлашуви йўналишида ҳаракатланди, аммо ҳали кўплаб инсонлар бутун дунёни бошқарадиган универсал тартиб ғоясини қабул қилишга тайёр эмас эдилар.

Homo sapiens инсонларни “биз” ва “улар”га бўлди. ”Биз” – бу “мен”ни мен ким бўлишимдан қатъий назар тўғридан-тўғри ўраб турганлар, “улар” – барча қолганлар.

Ҳеч қайси ҳайвонлар жамияти ўзи мансуб бўлган тур қизиқишлари ҳақида ўйлашга қодир эмас. Шимпанзе бошқа барча шимпанзеларнинг тақдирини ҳақида қайғурмайди, шиллиққурт шохларини қимирлатиб умумжаҳон шиллиққуртлар ассамблея депутатлари учун овоз бермайди, бирон-бир альфа шер бутун дунё шерларининг қироли бўлиш ҳақида орзу қилмайди, асалари уясида “Барча мамлакатлар ишчи арилари, бирлашингиз!” деган шиор осилмаган.

Когнитив инқилобдан кейин *Homo sapiens* ушбу муносабатда ўзини бошқача тутди. Инсон ўзига буткул бегона бўлганлар билан ҳамкорлик қилишни ўрганди, уларни дўст ва ҳаттоки оға-инилари каби кўра бошлади. Бироқ оға-инилик барчани бирдек қамраб ололмас эди. Қўшни водийнинг у

ёғида ёки тоғ ортида – қаердадир аввалгидек “улар” яшар эдилар. Фиръавн Манес илк маротаба Мисрни бирлаштирганда (милоддан аввалги III минг йилликларда) мисрликлар давлатларининг аниқ чегараси борлигини тушунишган, нариги тарафдагилар эса, уларнинг наздида, “варварлар” – бегоналар, ҳавф келтирувчилар ва мисрликларга тегишли бўлган захиралар, ерларга қизиқувчилар эди. Шундай қилиб, инсон ўйлаб топган ҳар қандай “хаёлий тартиб” инсониятнинг дурустгина яроқли қисмини рад этган.

Милоддан аввалги биринчи минг йилликда бутун дунёни ва бутун инсониятни умумий қоидалар мажмуасига бўйсунадиган ягона нарса сифатида кўриш имконини берадиган учта потенциал дунё тартиби мавжуд бўлган. Бу тартибларнинг биринчиси иқтисодий тартиб бўлди: барчани пуллар бирлаштирди. Иккинчиси – сиёсий: империялар шаклланди. Учинчиси – диний: дунё динлари – буддизм, насронийлик, ислом пайдо бўлди. Савдогарлар, босқинчилар ва пайғамбарлар эволюция гуруҳларга ажратган “улар” ва “биз”ни биринчи бўлиб енгиб чиқишди. Улар инсоният келажигидаги бирлашишни кўра олишди. Савдогар учун бутун дунё – битта бозор, барча инсонлар – зарурий харидорлар. Савдогарлар барча учун ҳамма ерда мос келадиган иқтисодий тизимга интилишди. Босқинчилар учун бутун дунё – бўлажак империя, барча одамлар – потенциал фуқаролар, шунинг учун улар ер юзининг барча бурчакларида қабул қилинадиган сиёсий тартиб ўрнатишга ҳаракат қилишди. Пайғамбарларга келсак, уларнинг ҳар бири учун битта эътиқод мавжуд ва барча одамлар шу эътиқоднинг потенциал тарафдорлари ҳисобланади. Пайғамбарлар шундай диний тизимни излашганки, токи у барчани ва ҳамма ерда илҳомлантирсин.

Сўнги уч минг йилликда инсонлар бу глобал башоратни амалга ошириш учун янада каттароқ амбицион (инглизча “ambition” – умид, интилиш (таржимон изоҳи)) уринишлар қилишди. Кейинги учта бобда биз пуллар, империялар, динлар қандай тарқаганлиги ва қандай қилиб замонавий ягона дунёнинг асосларини қўйганлиги ҳақида сўзлаймиз. Биз буни энг толерант, ҳар қандай шароитда инсонларнинг эҳтиёжларига мослаша оладиган ва шунинг учун ҳамма ерда тарафдорлари бўлишига эришган энг буюк фотиҳнинг тарихидан бошлаймиз. Бу фотиҳ – пуллардир. Одамлар турли хил худоларга ишонишлари ва турли хил шохларга бўйсунушлари мумкин, бироқ уларнинг ҳаммаси тайёрлигича айнан бир хил валютадан фойдаланадилар. Усама бен Ладен ўзининг Америка маданияти, дини ва сиёсатига бўлган нафратига қарамай, долларни жуда яхши кўрган. Хўш, худолар ва ҳукмдорлар мағлубиятга учраган жойда қандай қилиб пуллар муваффақиятга эришди?

10.

Пул исси

1519 йилда Ҳернан Кортес ва унинг конкистадорлари ўша вақтга қадар дунёдан айро ҳаёт кечирган Мексикани забт этдилар. Ўзларини атстеклар дея

атаган маҳаллий аҳоли келгиндиларнинг сарик рангли металлга нисбатан ўта катта қизиқиш билдираётганини пайқайди. Келгиндилар бу металл ҳақида гапиришдан тўхтамас эдилар. Олтин маҳаллий одамлар учун бегона унсур эмас эди – унга ишлов бериш осон бўлгани учун улар олтиндан ҳайкаллар ва тақинчоқлар ясар, вақти-вақти билан олтин қумидан айирбошлов воситаси сифатида фойдаланардилар. Бироқ атстеклар ниманидир сотиб олмоқчи бўлишганларида, одатда, какао дони ёки кийим-кечак тўпини ишлатардилар. Улар нега испанларнинг олтинга бунчалик ишқибоз эканлигини англай олмас эдилар. Еб-ичиб ёки кийим тўқиб бўлмайдиган, асбоблар ва қурол ясашга жуда юмшоқлик қилувчи бу металлнинг аҳамияти нимада эди? Маҳаллий аҳоли Кортездан нега испанияликлар олтинга шунчалик ружу қўйган, дея сўраганда, конкистадор шундай жавоб беради: “Сабаби мен ва ҳамроҳларим фақатгина олтин тузата олувчи юрак хасталигига чалинганмиз.”³⁴

Испанияликлар келган Афро-Осиё дунёсида олтин васвасаси ўлатдек кенг тарқалган эди. Ҳатто энг ашаддий душманлар ҳам айнан арзимас сарик рангли металл ортидан ўлиб-тирилар эди. Мексика заботидан уч аср муқаддам Кортезнинг аجدодлари ва лашкарлари Пиреней яримороли ва Шимолий Африкадаги мусулмон давлатларга қарши қонли диний уруш олиб борган эди. Исо Масих ва Аллоҳ издошлари бир-бирини минглаб сонда қириб ташлаб, боғ-роғларни вайрон этган ва бир вақтлар гуллаб-яшнаган шаҳарларни харобага айлантирган – буларнинг бари Исо Масих ёки Аллоҳ йўлида эди. Аста-секинлик билан насронийларнинг қўли баланд кела бошлагач, улар ўз ғалабаларини нафақат масжидларни бузиб ташлаш ва черковлар бунёд этиш, балки хоч тасвири туширилган ва ғайридинларга қарши жангларда қўллагани учун Яратганга шукроналар билдирилган олтин ҳамда кумуш тангалар зарб этиш билан ҳам нишонлай бошлаганлар. Янги пул билан бир қаторда ғолиблар ўзида ўзгача жумлаларни акс эттирган милларес номли янги танга турини ҳам зарб этадилар. Насроний фотиҳлар томонидан тайёрланган ушбу тўртбурчак шакли тангаларда араб ёзуви билан қуйидаги сўзлар битилган эди: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир.” Ҳатто католик епископлари бўлмиш Мелгил ва Агде ҳам мусулмонларга тегишли бу донғи кетган тангалар нусхаларини ишонч ила муомалага киритадилар ва Яратгандан ҳайиқувчи насронийлар улардан мамнуният-ла фойдаланадилар.³⁵

Ҳудуднинг бошқа томонида ҳам тоқатлилик барқ урар эди. Шимолий Африкадаги мусулмон савдогарлар Флоренциянинг флорин, Венециянинг дукат ва Неаполнинг гиллиато каби насроний тангалари билан савдо олиб борар эдилар. Ҳаттоки ғайридин насронийларга қарши жиҳод эълон қилган мусулмон ҳукмдорлар ҳам Исо Масих ва Биби Марям номи

³⁴ Francisco López de Gómara, *Historia de la Conquista de Mexico*, vol. 1, ed. D. Joaquin Ramirez Cabanes (MexicoCity: Editorial Pedro Robredo, 1943), 106.

³⁵ Francisco López de Gómara, *Historia de la Conquista de Mexico*, vol. 1, ed. D. Joaquin Ramirez Cabanes (MexicoCity: Editorial Pedro Robredo, 1943), 106.

туширилган тангалар кўринишидаги солиқларни қабул қилиб олишдан бахтиёр эди.³⁶

Бунинг нархи қанча?

Овчи-теримчиларда пул бўлмаган. Ҳар бир тўда гўштдан дори-дармонга қадар, шиппақлардан тортиб сеҳр-жодуда қўлланиладиган буюмларгача ўзи йиғиб келар, ўзи ишлаб чиқарар эди. Тўданинг турли аъзоларида турлича махсус вазифалар бўлиши мумкин бўлса-да, маҳсулотлар ва хизматлар ўзаро кўмак ва масъулият юклаш иқтисодийети орқали ўртада тенг тақсимланар эди. Бир бўлак текин гўшт олган тўда аъзосининг бунинг эвазига, айтайлик, тиббий кўмак кўрсатишига тўғри келиши мумкин эди. Тўда иқтисодий жиҳатдан мустақил эди, аммо маҳаллий ҳудудда топиб бўлмайдиган нарсаларни – чиғаноқлар, бўёқ, обсидиан (шишасимон вулқон тоғ жинси – таржимон изоҳи) ва ҳ.к.з – бегона тўдалардан олишга тўғри келар эди. Буни бартер, яъни айирбошлаш усули орқали осонгина амалга ошириш мумкин эди: “Биз сизларга ушбу ажойиб чиғаноқларни берамиз ва сиз бизга юқори сифатли чакмоқтошларни берасиз.”

Қишлоқ хўжалиги инқилоби бошланиши билан ҳам бу вазият деярли ўзгармай қолаверди. Одамларнинг аксарияти кичик, бир-бирига қариндош жамоаларда яшашда давом этаверди. Овчи-теримчи тўдалардаги каби ҳар бир қишлоқ ўзаро кўмак ва масъулият юклаш, шунингдек, бегоналар билан бартерни амалга оширишга асосланган иқтисодийет орқали ўз-ўзини мустақил таъминлар эди. Қишлоқ аҳлидан бири пойабзаллар тайёрлаш устасига айланар, бошқаси даволаш усулларининг ҳадисини олар эди. Шу тарихи қишлоқликлар оёқ кийимсиз қолганда ёки касал бўлганда кимга учрашишни яхши билар эдилар. Бироқ қишлоқлар кичкина, иқтисодий имкониятлари чекланган бўлганлигидан ҳеч ким бор вақтини пойабзал тайёрлаш ёки одамларни даволашга сарфлай олмас эди. Шаҳарлар, қиролликлар ҳамда транспорт инфратузилмасининг ривожланиши мутахассисликлар учун янги имкониятларни олиб келади. Аҳоли зич жойлашган шаҳарлар нафақат малакали косиблар ва шифокорлар, балки дурадгорлар, руҳонийлар, аскарлар ва ҳуқуқшунослар учун ҳам ўз касби билан доимий шуғулланишга шароит яратди. Асл вино, зайтун мойи ёки кулолчилик маҳсулотлари билан танилган қишлоқлар ўзларига мос маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашиш ва бошқа манзилгоҳлар билан савдо аҳамиятини англаб етадилар. Бу кўп нарсани билдирар эди. Иқлим ва туроқ жойларда бир-биридан фарқ қилади, шундай экан тупроғи ва иқлими олий навли узум етиштиришга мос ҳудудлардан асл вино сотиб олиш имкони турганда ҳовлингизда етиштирилган ўртача нордон винони ичишдан нима наф? Агар ҳовлингиздан олинадиган лой мустаҳкам ва гўзал кулолчилик идишлари ясашга яраса, сиз тайёрлаганларингизни бошқа нарсаларга айирбошлашингиз ҳам мумкин. Бундан ташқари, бор вақтини ўз

³⁶ Watson, 'Back to Gold – and Silver', 17–18.

касбига бағишлаган виночилар ва кулоллар, шифокорлар ва ҳуқуқшуносларни ҳисобга олмаган ҳолда ўз малакасини барчанинг фойдаси учун йўналтириши мумкин. Бироқ ихтисослашув бир муаммони юзага келтирар эди – мутахассислар ўртасида товар бартерини қандай бошқариш мумкин?

Ўзаро кўмак ва масъулият юклаш иқтисодиёти кўп сонли бир-бирига бегона одамлар муносабатга киришганда иш бермайди. Оила аъзоси ёки кўшнига беминнат ёрдам кўрсатишдан фарқли ўлароқ, бегона одамга кўрсатилган кўмакка нисбатан ҳеч қачон жавоб қайтарилмаслиги мумкин. Бундай ҳолда кимдир бартерга таянади, аммо бартер фақат маҳсулотларнинг чекланган хилма-хиллиги шароитида самарали бўлади, холос. Бартер такомилга эришган иқтисодиётга асос бўла олмайди.³⁷

Бартернинг чекловларини англаш учун тасаввур қилинг, тепаликлар ёнбағрида жойлашган қишлоқда бутун вилоят бўйлаб энг қарсилдоқ, энг ширин олмалар етказиб берадиган боғингиз бор. Сиз боғингизда шунчалик қаттиқ меҳнат қиласизки, оёқ кийимларингиз ҳам емирилиб кетади. Ниҳоят, сиз йиғиб олган ҳосилингизни эшак аравага юклаб, дарё бўйидаги шаҳар бозорига олиб борасиз. Кўшнингиз бозор жанубида бир косиб борлиги, у тайёрлаб берган оёқ кийим бир неча мавсумга чидаб берганини айтган эди. Сиз бозорда ўша косибни топасиз ва унга ўзингизга керакли оёқ кийим эвазига бир қанча миқдордаги олма беришни таклиф этасиз. Косиб иккиланиб қолади. У тўлов эвазига қанча миқдорда олма сўраши лозим? У ҳар куни ўнлаб мижозларни кутиб олади, уларнинг оз қисмигина ўзи билан бир неча сават олма, буғдой, эчкилар ёки кийим-кечак олиб келади – бу маҳсулотларнинг бари сифати бўйича бир-биридан фарқ қилади. Бошқалар эса пойабзал эвазига қиролга арзномаларни етказиб бериш ёки бел оғриғини даволаш хизматларини таклиф қилади. Охирги марта косиб ўз маҳсулотини олмага айирбошлаганда уч сават олма олган эди. Ёки тўрттами? Бироқ у бўлиқ пишган тоғ олмаси эмас, балки водийнинг нордон олмаси эди. Бундан ташқари, у олмалар аёлларнинг кичик оёқ кийими эвазига таклиф қилинган эди. Бу эркак эса эркаклар оёқ кийими эвазига олма бермоқчи. Камига, ўтган ҳафталарда шаҳар атрофидаги қорамолга касаллик келган ва тери топиш қийин бўлиб қолган. Тери ошловчилар айни миқдордаги тери эвазига икки баробар кўп тайёр оёқ кийим сўрай бошлаган. Буларнинг бари ҳисобга олиниши керак эмасми?

Бартер иқтисодиётида косиб ва боғбон ҳар куни ўнлаб товарларнинг бир-бирига нисбатан янгиланган нархини кузатиб боришга мажбур бўлади. Агар бозорда юз хил товар сотилса, сотувчилар ва харидорларнинг 4950 та турли айирбошлаш курсларини билишига тўғри келади. Мабодо турли товарлар сони 1000та бўлса, сотувчилар ва харидорлар 499500та курсни ёдда сақлаш муаммосига дуч келади!³⁸

Бунинг тагига қандай етасиз? Муаммо шу билан тугамайди. Сиз бир жуфт пойабзал учун қанча олма бериш лозимлигини ҳисоблаб чиққан тақдирингизда ҳам, бартер доим амалга ошавермайди. Агар косиб олмани

³⁷ David Graeber, *Debt: The First 5,000 Years* (Brooklyn, NY: Melville House, 2011).

³⁸ Glyn Davies, *A History of Money: From Ancient Times to the Present Day* (Cardiff: University of Wales Press, 1994), 15.

ёқтирмаса ёки унинг истаги хотинидан ажралиш бўлса, нима бўлади? Тўғри, боғбон олмани севувчи бирор ҳуқуқшуносни топиб, у орқали уч томонлама келишувга эришиши мумкин. Аммо ҳуқуқшунос олмадан безиган, у сочини олдиришни истаётган бўлса-чи?

Айрим жамиятлар деҳқонлар ва ҳунармандлардан маҳсулотларни йиғиб олиб, сўнг уларни истовчиларга тарқатувчи марказий бартер тизимини яратиш ёрдамида бу муаммони ҳал этишга уринганлар. Энг йирик ва машҳур тажриба Совет Иттифоқида ўтказилган ва шармандаларча муваффақиятсизликка учраган. “Ҳар ким ўз қобилиятига кўра ишлайди ва ўз эҳтиёжига кўра нарса олади” тизими “ҳар ким имкон қадар камроқ ишлайди ва имкон қадар кўпроқ нарсага эга бўлишга ҳаракат қилади” амалиётига айланиб кетган. Мўътадилроқ ва сезиларли муваффақиятга эришган бундай тажрибалардан бири эса Инклар Империясида амалга оширилган. Аксар жамиятлар катта сонли мутахассисларни бирлаштириб туришнинг осон йўлини топишган – улар пулни ўйлаб топганлар.

Чиғаноқлар ва сигарет

Пул кўплаб усулларда ва кўплаб жойларда ўйлаб топилган. Уни яратиш ҳеч қандай технологик кашфиётларни талаб этмаган – бу тўлиқлигича ақлий инқилоб эди. Унинг кашф этилиши фақат одамларнинг умумий тасаввурида мавжуд бўлган янги ўзаро субъектив воқелик эди. Пул – бу тангалар ва банкнотлар эмас. Пул – бу одамлар товарлар ва хизматларни айирбошлаш мақсадида фойдаланишга тайёр бўлган бошқа нарсалар систематик қийматини ўзида акс эттирувчи ҳар қандай нарса. Пул одамларга турли товарлар (масалан, олма, пойабзал ва никоҳдан ажралиш харжлари) қийматини тез ва осон қиёслаш, айирбошлашни амалга ошириш ва бойликни жамғариш имконини беради. Тарихий давр давомида пулнинг турли кўринишлари мавжуд бўлган. Одамларга энг яхши таниш пул бу маҳсус шаклга эга зарб этилган металл бўлаги, яъни тангадир. Пул танганинг ўйлаб топилишидан анча аввал мавжуд бўлган ва маданиятлар чиғаноқлар, тери, туз, маржон, кийим-кечак ва тилхат хужжатлари каби бошқа нарсалардан пул сифатида фойдаланиб, гуллаб яшнаган. Каури чиғаноқлари бутун Африка, Жанубий Осиё ва Океания бўйлаб 4000га яқин йил давомида пул сифатида ишлатилган. XX аср бошларида Британия Угандасида солиқларни каури чиғаноқлари билан тўлаш мумкин эди.



Қадимги Хитой ёзувида пулни билдирган каури чиганогои белгиси “сотиши” ёки “мукофот” сўзлари билан ифодаланган.

Замонавий қамоқхоналар ва уруш асирлари лагерларида сигарет кўпинча пул сифатида хизмат қилган. Ҳатто кашанда бўлмаган маҳбуслар ҳам сигаретни тўлов ўрнида қабул қилиб, бошқа барча товарлар ва хизматлар қийматини сигаретда ўлчаганлар. Аушвиз концлагеридан омон қолганлардан бири сигарет лагерда валюта ўрнида ишлатилганини шундай тасвирлайди: “Бизнинг қийматига ҳеч ким шубҳа қилмайдиган ўз валютамиз бор эди: сигарет. Ҳар бир нарсанинг нархи сигаретда кўрсатилар эди... Газ камераларига одамлар бир маромда ташланадиган “нормал” ҳолларда бир бўлак ноннинг нархи 12 дона сигарет, 300 грамм маргарин 30 дона сигарет, кўл соати саккиз донадан 200 донагача сигарет, бир литр алкоголь эса 400 дона сигарет турар эди!”³⁹

Аслида, тангалар ва банкнотлар пулнинг кам учрайдиган шакли ҳисобланади. 2006 йилда дунёдаги умумий пул массаси \$60 триллионга тенг бўлган, шунинг атиги \$6 триллионигина тангалар ва банкноталар кўринишида эди, холос.⁴⁰ Бор пулнинг 90 фоизидан ортиғи – ҳисобларимизда турган \$50 триллиондан кўпроқ сумма – фақатгина компьютер серверларида мавжуддир. Мос равишда, пул ўтказмалари электрон маълумотни бир компьютердан бошқасига ўтказиш орқали амалга оширилади, бунда ҳеч қандай нақд пул иштирок этмайди.

Фақат жиноятчигина уйни, мисол учун, бир жомадон тўла нақд пулга сотиб олади. Одамлар товарлар ва хизматлар билан электрон маълумотларни айирбошлаш орқали савдо қилишга иштиёқманд экан, бу ялтироқ тангалар ва қарсиллайдиган банкнотларни ишлатгандан кўра яхшироқ – енгил, ҳажми ҳам

³⁹ Szymon Laks, *Music of Another World*, trans. Chester A. Kisiel (Evanston, Ill.: North-western University Press, 1989), 889. The Auschwitz 'market' was restricted to certain classes of prisoners and conditions changed dramatically across time.

⁴⁰ Niall Ferguson, *The Ascent of Money* (New York: The Penguin Press, 2008), 4.

кам ва пулларни кузатиш осон. Такомилга эришган тижорий тизимларнинг фаолият юрита олиши учун маълум турдаги пул зарурдир. Пулга асосланган иқтисодиётда косиб турли оёқ кийимларга нисбатан ўрнатилган нархларни ёдда сақласа кифоя – пойабзал ва олмалар ёки эчкилар ўртасида белгиланган айирбошлаш курсини эса сақлаб юришга ҳожат йўқ. Пул, шунингдек, боғбонларни олмага иштиёқманд косибларни излаб юриш муаммосидан ҳам қутқаради, чунки ҳар ким ҳамма вақт пул олишни истайди. Эҳтимол, бу пулнинг энг асосий сифатидир. Ҳар ким ҳамма вақт пул хоҳлайди, сабаби ҳар ким ҳамма вақт пул истайди, бу эса сиз нима истасангиз ёки сизга нима зарур бўлса, уни пул эвазига айирбошлашингиз мумкинлигини англатади. Косиб пулни доимо юзда табассум билан олади, чунки у нима хоҳламасин – олмами, эчкими ёки рафиқасидан ажралишда ёрдамми – буни пул эвазига қўлга кирита олади. Шу сабабдан пул одамларнинг деярли ҳар нарсани деярли ҳар ерда айирбошлашига имкон яратувчи универсал воситадир. Хизматдан қайтган аскар ҳарбий имтиёзларини ўқиш пулини тўлашга сарфлаганда жисмоний куч ақлга айланади. Барон ўз хизматчиларини қўллаб қувватлаш учун мулкни сотганида ер садоқатга айланади. Шифокор одамлар кўнгилдан чиқариб бериб кетган пулларини ҳуқуқшунос ёллаш – ёки судяни сотиб олиш – йўлида сарфлаганда, соғлиқ адолатга айланади. Жинсий алоқани, ҳатто, озодликка ҳам айлантириш мумкин – XV аср фоҳишалари пул эвазига эркаклар билан ётиб, сўнг йиғилган маблағни католик черковидан индулгенциялар сотиб олишга сарфлаганлар. Пулнинг энг асосий кўринишлари одамларнинг бир нарсани бошқасига айлантиришидагина эмас, балки бойлик тўплашда ҳам ёрдам беради. Кўплаб қимматбаҳо нарсаларни жамғариб бўлмайди – масалан, вақт ва гўзалликни. Айрим нарсаларни эса фақат қисқа муддат давомида сақлаш мумкин, мисол учун қулупнайни. Бошқа нарсалар эса чидамлироқ бўлади, аммо уларни ғамлаш жуда кўп жой, қимматбаҳо омборлар ва эътиборни талаб қилади. Масалан, буғдойни йиллар давомида сақласа бўлади, лекин бу учун сиз йирик омборлар қуришингиз ва каламушлар, моғорлаш, сув, олов ҳамда ўғриларга қарши курашингизга тўғри келади. Қоғоз, компьютер маълумотлари ёки каури чиғаноқлари кўринишида бўладими – пул муаммони ҳал этади. Каури чиғаноқлари чиримайди, уларни каламушлар ғажий олмайди, улар оловдан омон қола олади ва уларни сейфда сақлашга кўп жой талаб қилинмайди.

Бойликдан фойдаланишда уни сақлашнинг ўзи кифоя эмас. Кўчмас мулк каби бойликнинг баъзи кўринишларини бошқа ерга кўчириб бўлмайди. Буғдой ва гуруч сингари товарларни эса фақат қийинчилик билан ташиш мумкин. Тасаввур қилинг, пул мавжуд бўлмаган ҳудудда яшовчи деҳқон олис ерга кўчиб кетмоқчи. Унинг бор бойлиги фақат уйи ва гуруч далаларидан иборат. Деҳқон уй ёки даласини ўзи билан ортмоқлаб кета олмайди. У ўз мулкни тонналаб гуручга алмаштириши мумкин, аммо уни ташиб кетиш жиддий машаққат туғдиради ва қимматга тушади. Пул ана шундай муаммоларни ҳал этади. Деҳқон ўз мулкни бир халта каури чиғаноғига сотиши ва уни қаерга бормасин, ўзи билан осонгина олиб кетиши мумкин. Сабаби пул бойликни қийинчиликсиз айирбошлаш, сақлаш ва арзон ташишга имкон яратади. У

мураккаб тижорий тармоқлар ва гуллаб-яшнайдиган бозорларнинг пайдо бўлишида ўта муҳим ҳисса қўшган. Пулсиз тижорат тармоқлари ва бозорлар ҳажм, мураккаблик ва ривожланиш даражаси бўйича жуда чекланган ҳолга тушиб қолган бўлар эди.

Пул қандай ишлайди?

Каури чиғаноқлари ва долларнинг қиймати фақатгина бизнинг умумий тасаввуримизда мавжуд, холос. Уларнинг баҳоси чиғаноқ ва қоғознинг кимёвий таркиби, ранги ёки шаклида эмас. Содда тушунтирганда, пул – бу моддий воқелик эмас – у психологик яратикдир. У моддиятни руҳиятга айлантириш орқали ишлайди. Бироқ бу қандай содир бўлади? Нега кимдир ҳосилдор гуруч даласини бир уюм каури чиғаноғига алмаштириши лозим? Нега сиз бир неча рангли қоғоз бўлаги эвазига гамбургер тайёрлаш, кўчада соғлиқ суғуртаси сотиб юриш ёки уч нафар зумраша болага энагалик қилишга мажбур бўлишингиз керак?

Одамлар ўз умумий тасаввурларидаги тўқиб чиқарилган нарсаларга ишонган пайтларда бундай ишларни қилишга рози бўладилар. Ишонч эса барча тангалар зарб этиладиган оддий металлдир. Бойвачча дехқон бор мулкани бир халта каури чиғаноғига сотган вақт у ўзи кўзлаган манзилга кўчиб боргандан сўнг одамлар чиғаноқ эвазига унга гуруч, уйлар ва далаларни сотишга рози бўлишига ишонади. Пул ўзаро ишонч тизими асосида ишлайди ва бошқа бирор ўзаро ишонч тизими бундай кучга эга эмас: пул шу вақтга қадар ўйлаб топилган энг универсал ва энг самарадор ўзаро ишонч тизимидир. Бу ишончни эса узоқ вақт давом этган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг жуда мураккаб тармоғи яратган. Нега мен каури чиғаноғи ёки тилла танга ё долларга ишонаман? Чунки қўшниларим ҳам уларга ишонади. Қўшниларим мен уларга ишонганим учун уларга ишонади. Биз ҳаммамиз эса қиролимиз уларга ишонгани ва солиқларни шу нарсалар кўринишида тўлашимизни талаб қилгани, руҳонийларимиз ҳам уларга ишонгани ва закотни улар билан тўлашни талаб этгани сабабли уларга ишонамиз. Доллар купюрасини қўлга олинг ва унга яхшилаб разм солинг. Сиз унинг бир томонига АҚШ молия вазири имзоси ва “Биз Худога ишонамиз” шиори туширилган оддий рангли қоғоз бўлаги эканини кўрасиз. Биз Худо ва АҚШ молия вазирига ишонганимиздан ҳам долларни тўлов сифатида қабул қиламиз. Ишончининг бу муҳим роли нега молиявий тизимларимиз сиёсий, ижтимоий ва мафкуравий тизимларимиз билан бу қадар боғлиқ кетгани, нима учун молиявий инқирозлар, кўп ҳолларда, сиёсий вазиятга қараб юзага келиши ва нега биржа бозорлари савдогарларнинг эрталаб қандай кайфиятда бўлганига боғлиқ равишда юқорига ўрлаши ёки пастга қулашини тушунтириб беради.

Пулнинг илк кўринишлари ўйлаб топилган вақтларда одамларда бундай ишонч бўлмаган, шунинг учун ҳам асл қийматга эга бўлган нарсаларни “пул” ўлароқ талқин этишга тўғри келинган. Шумерлар арпа пули номи билан машҳур тарихдан илк маълум пул – жуда ажойиб мисол. Бу пул эрамиздан аввалги тахминан 3000 йилда Шумер давлатида пайдо бўлган. Ёзув ҳам айна

вакт, айна ҳудуд ва айна шароитларда юзага келган. Ёзув кучайиб бораётган маъмурий фаолият эҳтиёжларини қондириш учун ўйлаб топилгандек, арпа пул ҳам ўсиб бораётган иқтисодий фаолият эҳтиёжларини қондириш мақсадида яратилган.⁴¹

Арпа пул шунчаки арпа кўринишида бўлган – арпа донларининг аниқ бир миқдори барча товарлар ва хизматлар қийматини ўлчаш ва уларни айирбошлаш учун ишлатилган. Энг кенг тарқалган ўлчов бирлиги ҳозирги бир литрга тенг сила эди. Ҳар бири бир сила арпани ичига сиғдира олувчи стандарт идишлар одамлар ҳар қандай ерда ниманидир сотиб олиши ёки сотишида кўмак бериши учун кенг кўламда ишлаб чиқарилар эди. Бу идишлар билан арпанинг керакли миқдорини осонгина ўлчаш мумкин эди. Маошлар ҳам қанчадир силага тенг миқдордаги арпа билан ҳисобланар ва тўланар эди. Эраққ ишчи ойига олтмиш сила арпа ишлаб топса, аёллар меҳнати ўттиз сила арпа билан баҳоланар эди. Усталар 1200-5000 сила арпа ўртасида ҳақ олардилар. Энг бақувват уста ҳам бир ойда 5000 сила арпани еб битира олмас, лекин у ортиб қолган арпани ҳар қандай турдаги бошқа товарлар – мой, эчки, қуллар ёки арпадан ташқари бирор егулик – билан айирбошлаши мумкин эди⁸. Арпа табиий қийматга эгалигига қарамай, одамларни бошқа товарлардан эмас, айнан ундан пул сифатида фойдаланишга ишонтириш осон бўлмаган. Нега эканини тушуниш учун шунчаки эрта тонгда маҳаллангиздаги савдо марказига бир халта арпа олиб бориб, кийим ёки пицца сотиб олишга уринишингизни тасаввур қилиб кўринг. Сотувчилар, катта эҳтимол билан, хавфсизлик ходимларини чақирган бўлар эди. Шундай бўлса-да, пулнинг илк кўриниши сифатида арпага нисбатан ишонччи шакллантириш осонроқ эди, чунки у биологик қийматга эга. Одамларни уни ейиши мумкин. Бошқа томондан арпани сақлаш ва ташиш қийин эди. Пул тарихидаги энг йирик воқеа одамлар табиий қиймати бўлмаган, лекин сақлаш ва ташиш осонроқ пулга нисбатан ишонч билдирганда юз берган. Бундай пул миллоддан аввалги учинчи мингйилликнинг ўрталарида Месопотамияда пайдо бўлган. Бу кумуш шекел эди.

Кумуш шекел танга эмас, балки вазни 8.33 граммга тенг кумуш бўлаги эди. Ҳаммурапи қонунларига биноан, қул аёлни ўлдирган юқори мартабали шахснинг аёлининг хожасига йигирма кумуш шекел тўлаши талаб этилганда, бу қотилнинг 20 танга эмас, балки 166 грамм кумуш тўлашини англатар эди. Эски Аҳддаги пул билан боғлиқ аксар атамаларда ҳам танга ўрнига кумуш назарда тутилади. Юсуфнинг акалари уни исмоилийларга йигирма

⁴¹ For information on barley money I have relied on an unpublished PhD thesis: Refael Benvenisti, 'Economic Institutions of Ancient Assyrian Trade in the Twentieth to Eighteenth Centuries BC' (Hebrew University of Jerusalem, unpublished PhD thesis, 2011). See also Norman Yoffee, 'The Economy of Ancient Western Asia', in *Civilizations of the Ancient Near East*, vol. 1, ed. J. M. Sasson (New York: C. Scribner's Sons, 1995), 1,387–99; R. K. Englund, 'Proto-Cuneiform Account-Books and Journals', in *Creating Economic Order: Recordkeeping, Standardization and the Development of Accounting in the Ancient Near East*, ed. Michael Hudson and Cornelia Wunsch (Bethesda, Md.: CDL Press, 2004), 21–46; Marvin A. Powell, 'A Contribution to the History of Money in Mesopotamia Prior to the Invention of Coinage', in *Festschrift Lubor Matouš*, ed. B. Hruška and G. Komoróczy (Budapest: Eötvös Loránd Tudományegyetem, 1978), 211–43; Marvin A. Powell, 'Money in Mesopotamia', *Journal of the Economic and Social History of the Orient* 39:3 (1996), 224–42; John F. Robertson, 'The Social and Economic Organization of Ancient Mesopotamian Temples', in *Civilizations of the Ancient Near East*, vol. 1, ed. Sasson, 443–500; M. Silver, 'Modern Ancients', in *Commerce and Monetary Systems in the Ancient World: Means of Transmission and Cultural Interaction*, ed. R. Rollinger and U. Christoph (Stuttgart: Steiner, 2004), 65–87; Daniel C. Snell, 'Methods of Exchange and Coinage in Ancient Western Asia', in *Civilizations of the Ancient Near East*, vol. 1, ed. Sasson, 1,487–97.

кумуш шекел ёки 166 грамм кумуш эвазига сотиб юборадилар (худди кул аёлнинг нархи билан тенг – у ҳали ёш бола эди).

Арпа пулдан фарқли ўлароқ кумуш шекел табиий қийматга эга эмас эди. Сиз уни ея олмайсиз ёки кумушдан кийим қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, у керакли анжомлар тайёрлаш учун ҳам юмшоқлик қилади – кумушдан ишланган омов ёки қилич айни алюминий қоғоздан тайёрланган омов ва қилич каби биринчи ишлатишдаёқ майдаланиб кетади. Кумуш ва олтин заргарлик буюмлари, тожлар ва маълум бир маданият вакиллари ижтимоий мавқени белгилашда фойдаланадиган бошқа буюмлар ясашда ишлатилади. Уларнинг қиймати мутлақо маданиятга хосдир.

Қимматбаҳо металлларнинг вазнини ўлчаш тангаларнинг дунёга келишига йўл очган. Тарихдаги илк тангалар милоддан аввалги 640 йил атрофида яшаган Фарбий Анатолида жойлашган Лидия давлати қироли Алят номи билан боғлиқ. Бу тангалар аниқ бир вазндаги олтин ёки кумушдан тайёрланган ва уларнинг юзасига маълум белги туширилган эди. Бу белги икки нарсани ўзида акс эттирарди. Биринчиси, танга таркибида қанча миқдорда қимматбаҳо металл мавжуд. Иккинчиси, тангани зарб этган ва унинг таркибини қафолатловчи ҳукумат. Ҳозирга кунда муомаладаги деярли барча тангалар Лидия тангалари авлодларидир.

Тангаларнинг зарб қилинмаган металл қуймалардан икки муҳим афзаллиги бўлган. Биринчидан, ҳар гал савдодан олдин металл қуймаларни ўлчаб кўришга тўғри келган. Иккинчидан, қуймалар вазнини тортиб кўришнинг ўзи етарли эмас эди. Косиб ундан сотиб олаётганим оёқ кийими учун мен берган қуйманинг юзасига юпка кумуш қопланган кўрғошин эмас, балки асл кумуш эканини қандай била олиши мумкин? Тангалар бундай муаммоларга ечим топа олади. Уларнинг сиртига туширилган белги танганинг аниқ қийматидан далолат беради, шундай экан косиб ҳар доим дўконида тарози сақлашга мажбур бўлмайди. Энг муҳими, тангадаги белги уни зарб эттирган сиёсий ҳокимиятнинг имзоси бўлиб, у танганинг қийматиغا қафолат беради.

Тарих давомида тангадаги белгининг шакли ва ўлчами мисли кўрилмаган даражада ўзгариб борган, лекин у ифодаладиган хабар доим бир хил бўлган: “Менким, фалончи буюк қирол, бу металл диск аниқ шунча миқдорда олтиндан иборат эканлигига ўзимнинг шахсий сўзимни бераман. Агар кимдир бу тангани қалбакилаштиришга жазм қилар экан, бу унинг шахсий имзомни қалбакилаштираётгани ва обрўйимга доғ туширишини англатади. Мен бундай жиноятни сўзсиз энг олий шафқатсизлик билан жазолагум”. Шунинг учун ҳам пулни қалбакилаштириш доимо фирибгарликнинг бошқа шаклларида кўра жиддий жиноят ҳисоблаб келинган. Қалбакилаштириш шунчаки алдов эмас – у суверенликка қилинган дахл, ҳокимият, имтиёзлар ва қиролнинг шахсан ўзига қарши қўл урилган тўнтариш амалидир. Бу қонун тилида лиз-межести (давлат ёки ҳукмдорга нисбатан хиёнат) деб аталади ва, одатда, бундай амал қийноқ ҳамда ўлим билан жазоланиб келинади. Одамлар ҳокимият ва қиролнинг қудратига ишонар экан, улар ҳукмдорнинг тангаларига ҳам ишонч билдирган. Мутлақо

бегона бўлган одамлар Рим императорининг қудрати ва ҳокимиятига ишонганидан унинг исми ва тасвири туширилган Рим динарий тангаларига ҳам ишонганлар.



Милоддан аввалги VII аср Лидиясига оид тарихдаги илк тангалардан бири.

Ўз навбатида император динарийга таянган. Бутун Рим Империясини тангаларсиз бошқариш қанчалик мушкул бўлиши мумкинлигини бир ўйлаб кўринг – айтайлик, император арпа ва буғдой кўринишида солиқлар йиғиб олиш ҳамда маошларни тўлашга мажбур. Бундай вазиятда Сурияда солиқларни арпа билан олиб, уларни Римдаги ғазнага олиб келиш ва арпани яна Британиядаги легионларга маош сифатида жўнатишнинг имкони бўлмас эди. Агар Рим шаҳри аҳли олтинга ишонч билдирсаю, салтанатнинг бошқа мустамлакалари бунинг ўрнига чиғаноқлар, фил суяги ва кийим тўпларига ишонишни афзал билса ҳам, вазият ўзгармас – империяни бошқариш ўта мушкул вазифага айланарди.

Олтин Инжил

Рим тангаларига ишонч шу қадар кучли эдики, империя чегараларидан нарида истиқомат қилувчи одамлар ҳам тўловларни жон деб динарийда қабул қиларди. Милоднинг биринчи асрида энг яқин Рим легиони минглаб чақирим олисда бўлишига қарамай, динарий Ҳиндистонда айирбошлов воситаси сифатида муомалада бўлган. Ҳиндистонликларнинг динарий ва император суратига нисбатан ишончки шу қадар баланд бўлганки, маҳаллий ҳукмдорлар динарийга тақлидан ишланган ва император сурати сақланиб қолдирилган ўзларининг тангаларини зарб эттирганлар! “Динарий” сўзи эса тангаларнинг умумий номига айланган. Мусулмон халифалар бу номни арабчалоштириб, “динор”ни муомалага киритганлар. Динор ҳозирда ҳам Иордания, Ироқ, Сербия, Македония, Тунис ва бошқа қатор давлатларнинг пул бирлигидир.

Лидия услубидаги тангалар Ўртаер денгизидан Ҳинд океанига қадар тарқалаётган бир пайтда Хитой бироз ўзгачароқ пул тизимини яратади. У

бронза тангалар ва белги босилмаган кумуш ҳамда олтин қуймаларига асосланган эди. Шундай бўлса-да, ушбу икки хил пул тизимининг бир-бирига ўхшаш хосликлари (айниқса, олтин ва кумушга асосланганлик) мавжуд бўлиб, Хитой ҳудуди ва Лидия ҳудуди ўртасида яқин пул-тижорат алоқалари ўрнатилади. Мусулмон ва европалик савдогарлар, босқинчилар Лидия тизими ҳамда олтин васвасасини дунёнинг бошқа бурчакларига ҳам босқичма-босқич тарқатдилар. Замонавий даврнинг якунига қадар бутун дунё аввалига олтин ва кумуш, сўнг Британия фунти ва Америка доллари каби санокли валюталарга асосланган ягона пул ҳудудига айланади.

Ягона миллатлараро ва маданиятлараро пул ҳудудининг пайдо бўлиши Афро-Осиё бирлашувига пойдевор бўлади ва, пировардида, бутун Ер юзи ягона иқтисодий ва сиёсий маконга бирлашади. Одамлар ўзаро тушуниб бўлмас тилларда сўзлашиш, турли қонунларга бўйсунуш ва турфа худоларга эътиқод қилишда давом этадилар, аммо уларнинг бари олтин ва кумуш ҳамда тилла ва кумуш тангаларга нисбатан ишончини йўқотмайдилар. Мазкур умумий ишончсиз халқаро савдо тармоқларининг мавжуд бўлиши деярли имконсиз ишга айланар эди. XVI аср конкистадорлари Америкада топган олтин ва кумуш европалик савдогарларнинг Шарқий Осиёдан ипак, чинни ва зираворлар сотиб олишига имкон яратади, шу тариқа иқтисодий тараққиёт ғилдираги Европа ва Шарқий Осиёнинг иккисида ҳам ҳаракатга тушади. Мексика ва Анд тоғларидан қазиб олинган олтин ва кумушнинг катта қисми европаликлар қўлидан ўтиб, хитойлик ипак ва чинни ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамёнини тўлдиради. Агар хитойликлар ҳам Кортес ва унинг ҳамроҳларини азоблаган айти “юррак хасталиги”га чалинмаганда ва улар олтин ҳамда кумушни тўлов ўлароқ қабул қилмаганда, дунё иқтисодиётига нима бўлган бўлар эди?

Хўш, нега турли маданиятларга мансуб бўлган ва кўп нарсаларда ўзаро муроса қила олмаган хитойликлар, мусулмонлар ва испанлар барибир олтинга тенгдан ишониши лозим? Нега испанлар олтинга ишонган бир вақтда, мусулмонлар арпага, ҳиндлар чиғанокларга ва хитойликлар ипак тўпларига ишонмаган? Иқтисодчиларда бу саволга аниқ жавоб бор. Савдо икки ҳудудни бирлаштирганидан сўнг талаб ва таклиф кучлари ҳудудлараро ташилувчи товарлар нархини мувозанатлаштиришга интилади. Нима учун бундай эканини тушуниш учун тўқима бир ҳолатни кўриб чиқайлик. Фараз қилинг, Ҳиндистон ва Ўртаер ҳудуди ўртасида савдо йўли очилди, ҳиндлар олтинга кизикмайди, демак, улар учун олтиннинг деярли қадри йўқ. Бироқ Ўртаер ҳудудида олтиннинг қадри баланд бўлганидан у юқори мавқе белгиси сифатида кўрилади. Хўш, бундан кейин нима бўлади?

Ҳиндистон ва Ўртаер ўртасида қатнаётган савдогарлар ҳудудларда олтиннинг қадри турлича эканини пайқайдилар. Улар фойда қилиш учун Ҳиндистонда арзонга олтин сотиб олиб, уни Ўртаерда қимматга сотадилар. Натижада, Ҳиндистонда олтинга бўлган талаб осмонга сакрайди, шу билан бирга унинг қадри ҳам кескин ошиб кетади. Айти дамда, Ўртаерда олтин кўпайиб кетади ва ўз-ўзидан у қийматини йўқотади. Қиска вақт ичида Ҳиндистон ва Ўртаердаги олтин қадри деярли бир хилга

тенглашади. Ўртаерликларнинг олтинга бўлган ишончи ҳиндларнинг ҳам унга ишона бошлашига туртки беради. Ҳатто ҳиндлар ортиқ ундан пул сифатида фойдаланмаётган бўлса ҳам, Ўртаер аҳолисининг унга нисбатан иштиёқи ҳиндларнинг олтинни қадрлай бошлаши учун етарли бўлади.

Ўхшаш тарзда бирор шахснинг чиғаноқлар ёки доллар ё электрон маълумотга нисбатан ишончи бизнинг уларга бўлган ишончимизнинг мустаҳкамланиши учун етарлидир. Ҳаттоки биз ўша шахсдан нафратлансак, уни менсимасак ва ёки унинг устидан кулсак ҳам, вазият ўзгармайди. Диний ақидалар юзасидан муроса қила олмайдиган насронийлар ва мусулмонлар пулга бўлган ишончда, шубҳасиз, тил топиша олиши мумкин, бунинг сабаби дин биздан нимагадир ишонишни сўраган пайтда пул одамлар ишонаётган нарсага ишонч билдиришимизни сўрайди.

Минглаб йиллар давомида файласуфлар, донишмандлар ва пайғамбарлар пулни қоралаб келганлар ва уни барча ёвузликнинг илдизи дея атаганлар. Балки шундайдир, лекин пул, шунингдек, инсон тоқатининг энг олий кўринишидир. Пул тил, давлат қонунлари, маданий тартиблар, диний ишончлар ва ижтимоий одатлардан кўра тоқатлироқдир. Пул – бу деярли ҳар қандай маданий жарликка кўприк бўла оладиган ва дин, жинс, ирқ, ёш ёки жинсий ориентацияга асосан одамларни ажратмайдиган инсоният томонидан яратилган ягона ишонч тизими. Пулнинг шарофати билан ҳатто бир-бирини танимайдиган ва бир-бирига ишонмайдиган одамлар ҳам ўзаро самарали ҳамкорлик қила оладилар.

Пулнинг нархи

Пул икки универсал тамойилга асосланади:

1. Универсал конвертация: пул билан сиз гўё алкимёгар каби ерни садоқатга, адолатни саломатликка ва зўравонликни билимга айлантира оласиз;
2. Универсал ишонч: воситачи сифатида пул билан ҳар қандай икки одам ҳар қандай масалада ўзаро ҳамкорлик қила олади.

Ушбу тамойиллар миллионлаб бегона одамларнинг савдо ва саноатда самарали ҳамкорлик қилишига йўл очиб келмоқда. Бироқ ажойиб кўринган бу тамойилларнинг қора томони ҳам мавжуд. Ҳар қандай нарсани айирбошлаш мумкин бўлган ва ишонч номаълум тангалар ҳамда чиғаноқларга боғланиб қолган бир вақтда маҳаллий анъаналар, шахсий муносабатлар ва инсон кадрига путур етади, уларнинг ўрнини талаб ва таклифнинг совуққон қонунлари эгаллайди.

Инсоният жамиятлари ва оилалар доимо шаън, садоқат, ахлоқ ва муҳаббат каби “бебаҳо” ишончларга асосланиб келган. Бу тушунчалар бозорнинг назоратидан четда мавжуд бўлади ва уларни пулга сотиб ёки сотиб олиб бўлмайди. Ҳатто бозор яхши нарх таклиф қилганда ҳам, сотилмайдиган нарсалар кўплаб топилади. Ота-оналар ўз фарзандларини қулликка сотмаслиги шарт; эътиқодли насроний оғир гуноҳга қўл урмаслиги шарт; садоқатли рицар ўз хожасига ҳеч қачон хиёнат қилмаслиги шарт; ва аждодлардан қолган қабилалар ерлари ҳеч қачон келгиндиларга сотилмаслиги лозим.

Пул доимо бундай тўсиқлар орасидан ўтишга ҳаракат қилиб келган, худди сув тўғонда пайдо бўлган ёриқлар орасидан сизиб ўтишга урингандек. Ота-оналар бошқа болаларини очликдан сақлаб қолиш йўлида айрим фарзандларини сотишга мажбур бўлган. Такводор насроний одам ўлдирган, ўғирликка қўл урган ва бировларни алдаган – кейинроқ гуноҳ йўли билан қўлга киритилган бойликларни черковдан афв сотиб олишга ишлатган. Мақсадлари юксак рицарлар ким кўпроқ ҳақ тўласа, унга хизмат қилган, бир вақтнинг ўзида олинган пул билан ўз қўл остидагиларнинг садоқатини сотиб олган. Қабилалар ерлари глобал иқтисодиётга кириб олиш учун келгиндиларга сотилган.

Пулнинг эса янада қора томони мавжуд. Пул бегоналар ўртасида умумий ишончи юзага келтирганига қарамай, бу ишонч одамлар, жамиятлар ёки муқаддас қадриятларга эмас, балки пулнинг ўзи ва уни дастакловчи шахсиз тизимларга тикилади. Биз бегонага ёки ёнгинамиздаги қўшниларимизга ишонмаймиз – биз уларнинг қўлидаги тангага ишонамиз. Агар уларнинг тангалари тугаб қолса, бизнинг ишончимиз ҳам поёнига етади. Пул жамият, дин ва давлат пойдеворларини емирар экан, дунё бир улкан ва қалбсиз бозорга айланиб қолиш хавфи остида қолаверади.

Шу тариқа, инсониятнинг иқтисодий тарихи нафис рақсни эслатади. Одамлар бегоналар билан ўзаро муносабатларни кучайтиришда пулга суянадилар, аммо улар пулнинг инсоний қийматлар ва шахсий муносабатларни бузиб юборишидан қўрқиб яшайдилар. Бир томондан, одамзод узоқ вақтдан бери пул ва савдо билан ижтимоий пойдеворларни онгли равишда бузиб келмоқда. Бошқа томондан эса улар жамият, дин ва табиатни кулдорлик ҳамда бозор қудратидан муҳофаза этиш учун янги пойдеворларни қурмоқда.

Бугунги кунда бозорнинг қўли доимо баланд чиқиши ва қироллар, руҳонийлар, жамиятлар томонидан бунёд этилган пойдеворлар пулнинг оқимига узоқ дош бера олмаслигига ишониш одатий ҳолга айланган. Бу бемаънилиқ. Кўзи қонга тўлган жангчилар, диндор мутаассиблар ва бефарқ бўлмаган фуқаролар ҳисоб-китобнинг ҳадисини олган савдогарларнинг додини бериб қўйиш ва ҳатто иқтисодиётни бошидан шакллантиришнинг қайта-қайта уддасидан чиққанлар. Шу сабабли ҳам одамзод бирлашувини соф иқтисодий жараён сифатида тушунишнинг имкони йўқ. Бир-биридан ажралиб қолган минглаб жамиятлар асрлар давомида қандай қилиб бугунги глобал маконда бирлашганини англаш учун биз олтин ва кумушнинг родини ҳисобга олишимиз зарур, лекин биз пўлатнинг айна муҳим родини ҳам инкор қила олмаймиз.

Империя орзуси.

Қадимги римликлар мағлубиятга учрашдан қўрқмаганлар. Тарихнинг аксарият буюк империялари сингари бу империя ҳам жангларда кетма-кет ютқазиши мумкин эди, аммо барибир урушда ғолиб бўларди. Зарбани кўтара олмайдиган ва ундан кейин қайта оёққа тура олмайдиган империя аслида империя эмас. Милоддан аввалги II аср ўрталарида Шимолий Ибериядан келаётган хабарларни ҳаттоки римликлар ҳам ҳазм қила олишмаган. Нумантия номли кичик ва аҳамиятсиз тоғли худуддаги шаҳарчада истиқомат қиладиган Пирения яриморалининг туб аҳолиси бўлмиш келтлар бўйинларидаги Рим бўйинтуруғини улоқтиришга журъат этган эдилар. Македония ва Салавкийлар империясини енгган, Юнонистондаги мағрур шаҳар-давлатларни бўйсундирган ва Карфагенни тутаб ёниб турган харобага айлантирган Рим, шубҳасиз, ўша пайтда бутун Ўртаер денгизи ҳавзасининг хўжайини бўлган. Нумантияликларда эса озодликка эришишга бўлган кучли иштиёқ ва яшаш учун ноқулай бўлган ердан ташқари ҳеч вақо йўқ эди. Шунга қарамай, улар Рим қўшинларини легионма-легион таслим этишди ва ёки шармандаларча ортга чекинишига мажбур қилишди.

Охир-оқибат, милоддан аввалги 134 йилда Римнинг сабр-тоқати тугайди. Сенат нумантияликларга қарши Римнинг асосий генерали – Карфагенни ер тишлатган Сципион Эмилианни юборишга қарор қилади. Унга 30 мингдан ортиқ аскардан иборат армия топширилган эди. Нумантияликларнинг жанговар руҳи ва ҳарбий маҳоратидан хабардор бўлган Сципион ушбу кераксиз жангда аскарларини йўқотмасликни афзал кўради. Бунинг ўрнига у нумантияликларни мудофаа иншооти билан ўраб олади ва шаҳарнинг ташқи дунё билан алоқасини узиб қўяди. Очарчилик ўз кучини кўрсатади. Бир йилдан кўпроқ вақт ўтгач озиқ-овқат захираси тугайди. Барча умидлари йўқотилганлигини тушуниб етган нумантияликлар ўз шаҳарларини ёқиб юборадилар. Римликларнинг тафсилотларига кўра, нумантияликларнинг кўпчилиги Римга кул бўлмаслик учун ўзларини ўлдиришган.

Нумантия кейинчалик Испания мустақиллиги ва жасоратининг рамзи бўлди. “Дон Кихот” асарининг муаллифи Мигел де Сервантес “Нумантия қамали” фожиали китобини ёзди. Бу асар шаҳарнинг вайрон бўлишини тасвирлаган ҳолда Испаниянинг келажакдаги улуғворлигини хаёлий тасаввур қилиш билан яқун топади. Шоирлар Нумантияни қаттиқ ҳимоя қилган инсонлар шаънига ғалаба мадҳияларини битишди, рассомлар эса бўз полотноларда қамалнинг улуғворлигини тасвирлашди. 1882 йилда Нумантия харобалари миллий ёдгорлик деб эълон қилинди ва Испания патриотлари учун зиёратгоҳга айланди. 1950-1960 йилларда Испанияда энг машҳур комикслар Супермен ва Ўргимчак одам ҳақида бўлмаган. У давр комикслари Рим золимларига қарши курашган тасаввурдаги қадимий Иберия қаҳрамони Эл Хабатонинг саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилган. Нумантияликлар ҳозирги

кунгача Испаниянинг қаҳрамонлик ва ватанпарварлик тимсолларидир ҳамда мамлакат ёшларига намуна қилиб кўрсатиладилар.

Испан ватанпарварлари нумантияликларни испан тилида мадҳ этадилар ва бу роман тили Сципион давридаги лотин тилининг авлоди ҳисобланади. Нумантияликлар ҳозирда ўлик ва йўқотилган келт тилида гаплашишган. Сервантес “Нумантия қамали”ни лотин ёзувида ёзди ва кейинчалик сахналантирилган асар юнон-рим бадий меъёрларига тўғри келади. Нумантияда театрлар умуман бўлмаган. Нумантияликларнинг қаҳрамонлигига қойил қолган испан ватанпарварлари римкатолик черковининг содиқ издошлари ҳам бўлишган. Шу жойда рим-католик черкови бирикмасидаги биринчи сўзни эътибордан четга қолдирмаган ҳолда шунини айтиш керакки, бу черковнинг бошлиғи ҳали ҳам Римда ўтирибди ва уларнинг Худоси ўзига лотин тилида мурожаат қилишларини маъқул кўради. Шунга ўхшаш, замонавий испан ҳуқуқи Рим ҳуқуқидан келиб чиқади, испан сиёсати Рим сиёсати асосларида қурилган ва испан таомлари ва меъморчилиги Иберия келтлари меросига қараганда Рим меросидан кўпроқ қарздор. Ҳақиқатан ҳам, Нумантиядан унинг харобаларидан бошқа ҳеч вақо қолмаган. Ҳаттоки унинг тарихи ҳам бизгача римлик тарихчиларнинг китоблари туфайлигина етиб келган.

Уларнинг тарихи озодликни севадиган ваҳшийлар ҳақидаги ҳикоялардан завқланувчи Рим аудиториясининг дидига мослаштирилган эди. Римликларнинг Нумантия устидан қилинган ғалабаси шунчалик тўлақонли эдики, ғолиблар мағлуб бўлганларнинг хотирасини ҳаттоки ўз хотираларига сингдириб уйғунлаштирдилар. Бу бизга тўғри келадиган ҳикоя эмас, чунки биз заифларнинг ғалабасини хоҳлаймиз. Аммо тарихда ҳеч қандай адолат йўқ. Ўтмишдаги маданиятларнинг аксарияти эртами-кечми қандайдир шафқатсиз империя қўшинларининг қурбони бўлишган ва бу ўша маданиятларнинг нутилишига олиб келган. Империялар ҳам охир-оқибат қулайди, аммо улар бой ва доимий мерос қолдирадилар. XXI асрдаги барча инсонлар у ёки бу империянинг авлодларидир.

Империя нима?

Империя иккита муҳим хусусиятга эга бўлган сиёсий тартибдир. Биринчидан, ушбу мақомга эга бўлиш учун сиз кўп сонли турли халқлар устидан ҳукмронлик қилишингиз керак ва ҳар бир халқ турлича маданиятга ва алоҳида ҳудудга эга бўлиши керак. Хўш, айнан нечта халқ? Икки ёки учта етарли эмас, йигирма ёки ўттизта эса кўп. Империя бўлиш чегараси шуларнинг оралиғида (2, 3, ..., 20, 30та халқ) жойлашган.

Иккинчидан, империялар ўзгарувчан чегаралари ва келажакдаги чексиз иштаҳаси билан ажралиб туришади. Империялар кўпдан-кўп миллат ва ҳудудларни уларнинг асосий структурасини ёки ўзлигини ўзгартирмасдан туриб ютишлари ва ҳазм қилишлари мумкин. Бугунги кунда етарлича аниқ чегараларга эга бўлган Британия давлатининг фундаментал структурасини ва ўзига хослигини ўзгартирмасдан туриб унинг чегараларини кенгайтириб

бўлмайди. Бир аср олдин ер юзидаги деярли ҳар қандай жой Британия империясининг бир қисми бўлиши мумкин эди.

Маданий хилма-хиллик ва ҳудудий ўзгарувчанлик империяларга нафақат ўзига хос хусусиятни, балки тарихдаги марказий ўринни ҳам тақдим этди. Мана шу икки хусусият туфайли империялар турли этник гуруҳларни ва экологик зоналарни ягона сиёсий соябон остида бирлаштиришга муваффақ бўлди. Шу билан бирга, империялар тобора ортиб борган инсон турлари ва Ер сайёрасининг турли қисмларини ўзида мужассамлаштирди. Таъкидлаш жоизки, империя ўзининг келиб чиқиши, бошқарув шакли, ҳудудий кенглиги ва ёки аҳолисининг сони билан эмас, балки фақатгина ўзининг маданий хилма-хиллиги ва ўзгарувчан чегаралари билан ажралиб туради. Империя ҳарбий босқинлар натижасида юзага келиши шарт эмас. Афина империяси ўз ҳаётини ихтиёрий иттифоқ кўринишида бошлади. Габсбурглар империяси яхши ўйланган сулолавий никоҳлар занжиридан дунёга келди. Империя автократ император томонидан бошқарилиши шарт эмас. Тарихдаги энг йирик империя бўлган Британия империясини демократия бошқарган. Бошқа демократик (ёки ҳеч бўлмаганда республика) империяларга замонавий Голландия, Франция, Белгия ва Америка империяларини, шунингдек қадимги империялар бўлмиш Новгород, Рим, Карфаген ва Афиналарни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳажм ҳам аслида аҳамият касб этмайди. Империялар кичкина ва заиф бўлишлари мумкин. Афина империяси ўзининг тараққиёт чўққисида ҳам ҳозирги Юнонистон билан солиштирганда ҳажми ва аҳолисининг сони жиҳатидан анча кичик бўлган. Астеклар империяси ҳозирги Мексика билан солиштирганда кичикроқ ҳажмда эди. Шунга қарамай уларнинг ҳар иккиси ҳам, замонавий Юнонистон ва замонавий Мексикадан фарқли ўлароқ, тўлақонли империялар бўлган. Чунки аввалги империялар аста-секинлик билан ўнлаб ва ҳаттоки юзлаб турли ўлкаларни бўйсундирган бўлса, ҳозир бундай ҳолат кузатилмайди. Афина қачонлардир мустақил бўлган юздан ортиқ шаҳар-давлатлар устидан димоғдорлик билан хўжайинлик қилган. Астеклар империяси эса, агар биз уларнинг солиқ қайдномаларига ишонадиган бўлсак, 371 турли хил қабила ва халқларни бошқарган.

Қандай қилиб бу каби ҳар хил инсонлар шодасини кичкина замонавий давлатга сиғдириш мумкин бўлган? Бунинг иложи бор эди, чунки ўтмишда бир-биридан фарқли кўплаб халқлар бўлган, уларнинг ҳар бири бугунги одатий халқлар билан солиштирганда камроқ аҳоли сонига ва камроқ ҳудудга эга бўлган. Ҳозир атиги иккита халқнинг хоҳишларини қондира олаётган Ўртаер денгизи ва Иордания дарёси оралиғидаги ер библия даврида ўнлаб миллатларни, қабилаларни, майда қиролликларни ва шаҳар-давлатларни осонгина таъминлай олган.

Империялар инсонлар орасидаги хилма-хилликнинг кескин камайиб кетишининг асосий сабабларидан бири бўлган. Империя деб номланувчи ғилдирак аста-секин бир неча халқларнинг ўзига хос хусусиятларини йўқ қилди (масалан, нумантияликларга ўхшаган), улардан янги ва анча катта бўлган гуруҳларни шакллантирди.

Империя – ёвузлик?

Бизнинг даврда сиёсатчилар лексиконидаги сўконғич сўзлар ичида “империалистик” сўзи “фашист” сўзидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Империяларни танқид қилиш ҳозирги замонда икки формага эга:

1. Империялар ишламайди. Кўп ҳолларда босиб олинган халқлар устидан самарали бошқарувни ташкил қилиб бўлмайди. Агар иложи бўлганда ҳам, бундай қилмаслик керак, чунки империялар вайронагарчилик ва эксплуатация қилувчи ёвуз машиналардир.

2. Ҳар бир халқ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга ва ҳеч қачон бошқа одамнинг бошқарувига бўйсунмаслиги керак.

Тарихий нуқтаи назардан, биринчи гап кундай равшан бемаъниликдир, иккинчиси эса жуда муаммолидир. Ҳақиқат шуки, империя сўнги 2500 йил ичида дунёда энг кенг тарқалган сиёсий ташкилот шакли бўлиб келган. Аксарият инсонлар ушбу икки ярим минг йиллик давомида империялар таркибида яшашди. Империя бошқарувнинг жуда барқарор шакли ҳамдир. Аксарият империялар исёнларни босди-босди қилишнинг хавотирли тарзда жуда ҳам осонлигини пайқашган. Умуман олганда, улар фақат ташқи босқинчилик ёки бўлмаса ҳукмрон элитанинг бўлиниб кетиши туфайли қулаган. Босиб олинган халқлар эса ўзларини империял хўжайинлари исканжасидан озод этиш бўйича жуда яхши натижаларга эришишмаган. Уларнинг кўпчилиги юзлаб йиллар давомида бўйсуниб яшади. Одатда, улар ўзларининг ўзига хос маданиятларини йўқотгунларига қадар аста-секин босқинчи империялар томонидан ҳазм қилинганлар.

Масалан, милодий 476 йилда – ниҳоят немис қабилалари Ғарбий Рим империяси қўшинларини истило қилгани саф тортганларида римликлар томонидан бир неча асрлар олдин босиб олинган халқлар: нумантияликлар, арвернилар, гелветянарлар, самнитлар, луситанияликлар, умбрияликлар, этрускарлар ва юзлаб унутилган бошқа халқлар худди Юнус пайғамбар йирик балиқ қорнини ёриб чиққани сингари империя таркибидан омон чиқишмади. Улардан ҳеч бири омон қолмади. Ўзларини юқорида санаб ўтилган миллатларнинг аъзолари деб билган, уларнинг тилида гаплашган, уларнинг худоларига сиғинган ва уларнинг миф ва афсоналарини айтиб юрган биологик авлод вакиллари энди Римликлар сингари фикрлаганлар, гапирганлар ва сиғинганлар.

Кўп ҳолларда империянинг барбод бўлиши бўйсунган халқлар учун мустақилликни англамас эди. Олдингисининг қулаши ва ёки чекиниши оқибатида пайдо бўлган бўшлиқни янги империя эгаллаб оларди. Бу ҳолат ҳеч қаерда Яқин Шарқдагичалик аён бўлган эмас. Сўнги бир неча минг йилликнинг исталган вақтида ушбу минтақадаги жорий сиёсий ландшафтнинг озми-кўпми барқарор чегараларга эга бўлган кўплаб мустақил сиёсий субъектлари ўртасидаги кучлар мувозанати деярли умуман параллел бўлмаган. Яқин Шарқда охириги марта шунга ўхшаш вазият деярли 3 минг йил олдин (!) – милодда аввалги VIII асрда бўлган. Милоддан аввалги VIII асрда Янги Оссурия империясининг пайдо бўлишидан бошлаб милоддан кейинги XX асрнинг ўрталарида Британия ва Франция

империяларининг қулагунига қадар Яқин Шарқ худди эстафета таёқчаси сингари бир империя қўлидан иккинчиси қўлига ўтди. Британия ва Франция таёқчани охирига етказганларида оссурияликлар босиб олган арамейликлар, аммонияликлар, финикияликлар, филистлар, мообитлар, эдомитлар ва бошқа халқлар аллақачон ғойиб бўлишганди.

Тўғри, бугунги яҳудийлар, арманлар ва грузинлар маълум даражадаги адолат билан ўзларининг қадимги Яқин Шарқ халқлари авлодлари эканликларини даъво қилмоқдалар. Шунга қарамай, бу даъволар қоидаларни тасдиқлайдиган истиснолардан иборат ва ҳатто бироз бўрттирилган ҳам. Айтиш жоизки, замонавий яҳудийлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий амалиётлари учун қадимги Яҳудия қироллигидан кўра сўнгги икки минг йиллик давомида улар яшаган империялардан қарздордирлар. Агар шоҳ Довуд ҳозирги кунда Қуддус шаҳрида жойлашган ултраортодоксал синагогада пайдо бўлиб қолганида эди, у Шарқий Европа кийимларини кийган, немисча (идиш) лаҳжада сўзлашаётган ва Вавилон матнининг (Талмуд) маъноси ҳақида тўхтовсиз баҳслашаётган инсонларни кўриб, жуда қаттиқ ҳайрон бўларди. Қадимги Яҳудияда на синагога, на Талмуд тўпламлари ва на Тора ўрамалари мавжуд бўлган.


Империяни қуриш ва қўллаб-қувватлаш одатда кўп сонли аҳолининг ваҳшийларча қириб ташланишини ва тирик қолганлар устидан шафқатсизларча зулм ўтказишни талаб этган. Стандарт империал воситалар урушлар, қуллик, сургун қилиш ва геноцид бўлган. Милодий 83 йилда римликлар Шотландияга бостириб киришганида маҳаллий Каледония қабилалари томонидан қаттиқ қаршиликка дуч келишган ва бунинг оқибатида мамлакатни батамом вайрон қилиб харобага айлантиришган. Римнинг тинчлик таклифларига жавобан калгак номли қабила сардори римликларни “дунёнинг безори (ёвуз) одамлари” деб атаган ва “талон-тарожлик ва қирғинбаротликка империя деган ёлғон номни беришади, улар чўл яратиб, уни тинчлик деб аташади” дея хитоб қилган². Аммо бу империялар ўзларидан кейин ҳеч қандай аҳамиятли нарса қолдирмайди, дегани эмас. Барча империяларни қора рангга бўяш ва ҳамма империал меросдан воз кечиш бу инсоният маданиятининг аксарият қисмини рад этиш демакдир. Империал элиталар забт этилган ерлардан олган даромадларидан нафақат армия ва флотларни, балки фалсафа, санъат, адолат ва хайрия ишларини молиялаштиришда ҳам фойдаланганлар. Инсоният маданий ютуқларининг салмоқли қисми босиб олинган аҳолини эксплуатация қилиш туфайли юзага келган. Рим империализми келтирган даромад ва фаровонлик Цицерон, Сенека ва Сент-Августинга фикрлаш ва китоб ёзиш учун бўш вақт ва керакли имкониятларни яратган. Мўғуллар империяси қўл остидаги ҳиндларни эксплуатация қилганидан йиғилган бойликларсиз Тожмаҳални барпо қила олмас эди. Габсбург империясининг славян, венгер ва румин тилида сўзлашувчи вилоятлари устидан ҳукмронлик қилишдан тушган даромадлари ҳисобидан Гайднинг маошини ва Моцартнинг комиссиялари тўланган.

Ҳеч қандай каледониялик ёзувчи Калгакнинг нутқини келажак авлод учун сақлаб қолмаган. Биз буни Рим тарихчиси Тацит туфайли биламиз. Аслида, Тацит буни тўқиган бўлиши мумкин. Бугунги кунда кўпгина олимлар Тацит Калгакнинг фақат нутқини уйдирибгина қолмай, балки унинг образини ўйлаб ҳам топган дейишади. Тацит ва бошқа юқори синфга мансуб римликлар ўз мамлакатлари ҳақидаги ўйларини Каледония қабила сардори тимсолидан фойдаланган ҳолда сўйлаб беришган. Агар биз сара (элита) маданият ва юксак санъат доирасидан ташқарига назар ташлаб, оддий одамлар дунёсига диққат қаратсак, империялар мероснинг аксарият замонавий маданиятларда қолдирган изини кўраемиз. Бугун кўпчилигимиз аждодларимиз ҳаётига қилич билан мажбурлаб киритилган империя тилларда гаплашамиз, ўйлаймиз ва орзу қиламиз. Аксарият шарқий осийликлар Хан империяси тилида гаплашишади ва орзу қилишади. Келиб чиқишидан қатъий назар иккита Америка қитъасининг, Алясканинг Барров яриморолидан Магеллан бўғозигача, деярли барча аҳолиси тўрттадан битта империя тилларда сўзлашади: испан, португал, француз ёки инглиз. Бугунги кун мисрликлари араб тилида гаплашишади, ўзларини араб деб ҳисоблашади ва ўзларини чин юракдан Араблар империяси билан боғлашади, ваҳоланки, Араблар империяси Мисрни VII асрда забт этган ва унга қарши қайта-қайта кўтарилган қўзғолонларни темир мушти билан янчиб ташлаган. Жанубий Африкадаги ўн миллионлаб зулуслар XIX асрда мавжуд бўлган Зулуслар империясининг шон-шухратини мадҳ этишади, гарчи уларнинг кўпчилиги Зулуслар империясига қарши курашган ва империяга фақат қонли ҳарбий юришлар орқалигина қўшиб олинган бўлишса ҳам.

Бу сизнинг фойдангиз учун

Қўлимизда у ҳақида аниқ маълумотлар бўлган биринчи империя Саргоннинг Буюк Аккад империясидир (милоддан аввалги 2250 йил). Саргон ўз фаолиятини Киш, Месопотамиядаги кичкина шаҳар-давлат, подшоҳи сифатида бошлаган. Атиги бир неча ўн йиллар ичида у нафақат Месопотамиянинг бошқа барча шаҳар-давлатларини, балки унинг асосий худудидан ташқаридаги йирик-йирик ерларни ҳам забт эта олди. Саргон бутун дунёни забт этганман, дея мағрурланган. Аслида эса унинг ҳукмронлиги Форс кўрфазидан то Ўртаер денгизигача чўзилган эди холос ва бу худуд ўз ичига ҳозирги кундаги Ироқ ва Сурияни ҳамда замонавий Эрон ва Туркиянинг озрок қисмини олган.

Аккад империяси умри асосчисининг ўлиmidан кейин узоққа чўзилмади, лекин Саргон ўзидан кейин империя мантияни қолдирди ва у камдан-кам ҳолатда даъво қилинмасдан қолган эди. Кейинги 1700 йил ичида Оссурия, Бобил ва Хетт қиролликлари Саргонни намуна сифатида қабул қилдилар ва улар ҳам бутун дунёни забт этганмиз дея мактандилар. Кейин эса тахминан милоддан олдинги 550 йилда форслик Буюк Кир янада таассуротли мактанчоқликни тақдим этди.



Аккад империяси ва Форс империяси

Оссирия подшоҳлари ҳар доим Оссирия подшоҳлари бўлиб қолишди. Ҳаттоки бутун дунёни бошқарганликка даъво қилганларида ҳам, улар буни Оссириянинг улуғворлиги учун қилаётганлари равшан эди ва бунинг учун улар ўзларини айбдор ҳисобламадилар. Кир эса, ўз навбатида, дунёни ҳамма одамлар учун бошқараётганлигини даъво қилганди. Форслар “Биз сизни ўзингизнинг фойдангиз учун фатҳ қилмоқдамиз” деб айтишган. Кир унга бўйсунган одамларнинг уни яхши кўришларини ва ўзларини форс вассаллари деб билишларини хоҳлади. Кирнинг императорлиги даврида яшаган халқни синаб кўриш учун қилинган инновацион ҳаракатларининг энг машҳури бу Бобил асирлигида бўлган яҳудийларга ўзларининг Яҳудиядаги ватанларига қайтиш ва қайта ибодатхона қуриш тўғрисида буйруқ бериш эди. Кир уларга ҳаттоки молиявий кўмак ҳам таклиф этади. Кир ўзини яҳудийлар устидан ҳукмронлик қилган форс шоҳи сифатида кўрмади. У, шунингдек, яҳудийларнинг шоҳи эди ва шунинг сабабдан уларнинг фаровонлиги учун жавобгар эди.

Бутун дунёни унда яшаётган аҳоли манфаати учун бошқариш ҳақидаги гердаиш жуда ҳам ғалати ва ажабланарли эди. Эволюция Homo sapiensни бошқа ижтимоий сутэмизувчилар сингари ксенофоб жонзотга айлантирган эди. Sapiensлар инстинктив равишда инсониятни икки қисмга ажратди: “биз” ва “улар”. Биз, сиз ва мен каби инсонлар бир хил тилга, динга ва урф-одатларга эгамиз. Биз бир-биримиз учун масъулмиз, лекин улар учун – йўқ. Биз доимо улардан ажралиб турар эдик ва улар олдида қарздор эмасмиз. Биз уларнинг бирортасини ўзимизнинг худудда кўришни хоҳламаймиз ва биз уларнинг худудида нима содир бўлишига аҳамият бермаймиз. Улар ҳаттоки одам ҳам эмас. Судандаги динка деб номланган халқнинг тилида “динка” сўзи “инсонлар” деган маънони англатади. Динка бўлмаганлар одам

эмас. Динкаларнинг ашаддий душманлари нуерлардир. Нуер тилида “нуер” сўзининг маъноси нима? Маъноси “асл инсонлар” деганидир. Судандаги чўллардан минглаб километр йироқда, Алясканинг музлаган музоролларида ва шимолий-шарқий Сибирда юпикслар яшашади. Юпик тилида “юпик” сўзининг маъноси нима? Маъноси “ҳақиқий инсонлар” деганидир.

Ушбу этник эксклюзивликдан фарқли ўларок, Кирдан кейинги империал мафкура ҳаммани ўз ичига қамраб олувчи мафкура бўлган. Гарчи империя кўпинча ҳукмдор ва унинг қўл остидагилари ўртасидаги ирқий ва маданий фарқларга урғу берган бўлса ҳам, барибир бутун дунёнинг асоси бирлигини, барча жойларни ва вақтларни бошқарувчи ягона принциплар тўпламининг мавжудлигини ва барча инсонларнинг ўзаро мажбуриятлари борлигини тан олди. Инсоният катта оила сифатида қаралади: ота-оналардаги мавжуд имтиёзлар болаларнинг фаровонлиги учун жавобгарлик билан боғлиқ.

Ушбу янги империал қараш Кир ва форслардан Искандар Зулқарнайнга ва ундан эллинистик подшоҳларига, Рим императорларига, мусулмон халифаларига, хинд сулолаларига ва охир-оқибат ҳатто совет бошлиқларига ва Америка президентларигача ўтди. Ушбу хайрли империал қарашлар империяларнинг мавжудлигини оқлади ва нафақат бўйсунувчи халқларнинг кўзғолонга бўлган уринишларини, балки мустақил халқларнинг империянинг кенгайиб кетишига қарши уринишларини ҳам рад этди.

Шунга ўхшаш империал қарашлар дунёнинг бошқа қисмларида, хусусан, Марказий Америкада, Анд водийсида ва Хитойда форслардан мустақил тарзда тараққий топган эди. Анъанавий Хитой сиёсий назариясига кўра, Осмон (Тиан) ер юзидаги барча қонуний ҳокимият манбайи ҳисобланади. Осмон энг муносиб одамни ёки оилани танлайди ва уларга Осмон ваколатини беради. Бу одам ёки оила кейинчалик бутун Осмон ости аҳолисини (Тианксиа) унинг барча аҳолиси манфаати учун бошқаради. Шундай қилиб, қонуний ҳокимият таърифига кўра универсалдир. Агар ҳукмдор Осмоннинг ваколатига эга бўлмаса, у ҳатто битта шаҳарни бошқариш ҳуқуқига ҳам эга бўлмайди. Агар ҳукмдор ваколатга эга бўлса, у адолат ва уйғунликни бутун дунёга тарқатиши шарт. Осмон ваколати бир вақтнинг ўзида бир нечта номзодларга берилиши мумкин эмас эди, шунинг учун биттадан кўпроқ мустақил давлат мавжудлигини қонунийлаштириб бўлмас эди.

Бирлашган Хитой империясининг биринчи императори Син Ши Хуанди шундай деб мағрурланиб гапирган “олтита йўналишда ҳамма нарса императорга тегишли... одамларнинг изи бор жой борки, ўша одамларнинг ҳаммаси император субъекти бўлган... унинг меҳри ҳатто хўкизлар ва отларга ҳам етади. Бу ҳамма учун фойдалидир. Ҳар бир одам унинг томи остида хавфсиздир”.

Хитойнинг сиёсий тафаккурида ва тарихий хотирасида империал даврлар бундан буён тартиб ва адолатнинг олтин асрлари сифатида кўрилган. Адолатли дунё алоҳида миллий давлатлардан ташкил топган деган замонавий

ғарбнинг фикрига қарши ўлароқ, Хитойда сиёсий парчаланиш давлари бетартиблик ва адолатсизликнинг қора асрлари сифатида кўрилган. Бу фикр Хитой тарихига катта таъсир кўрсатди. Ҳар сафар империя кулаганида асосий сиёсий назария кучларни майда мустақил шахзодалар томонидан бошқариладиган давлатларнинг пайдо бўлишига розилик бермасликка, балки қайта бирлашишга олиб келадиган сиёсатни қабул қилишга ундади. Ушбу уринишлар ҳар доим муваффақиятли бўлди.

Улар бизга айланганларида...

Империялар кўплаб майда маданиятларни бир нечта каттароқ маданиятларга бирлаштиришда ҳал қилувчи рол ўйнаган. Ғоялар, одамлар, маҳсулотлар ва технологиялар сиёсий жиҳатдан тарқоқ минтақага қараганда империя чегаралари доирасида осонроқ тарқалди. Етарли даражада кўп ҳолатларда империяларнинг ўзлари атайлаб ғоялар, институтларни, урф-одатлар ва нормаларни тарқатишди. Бунинг сабабларидан бири ўзлари учун ҳаётни енгиллаштириш эди. Ҳар бири алоҳида ўз қонунлари, ёзуви, тили ва пулига эга кичкина ҳудудларни бошқариш империя учун қийин эди. Стандартлаштириш императорларга катта ёрдам берди. Империяларнинг умумий маданиятни фаол тарқатишларининг иккинчи ва бир хилда муҳим сабаби бу қонуний статусга эришиш эди. Камида Кир ва Син Ши Хуанди давридан бери империялар – хоҳ йўл қуриш ёки қон тўкиш бўлсин – ўз ҳаракатларини юксак маданиятларини ёйишдан забт этувчилардан кўра забт этилганлар кўпроқ фойда олишларини таъкидлаш билан оқлашди.

Фойда айрим пайт сезиларли эди – ҳуқуқни муҳофаза қилиш, шаҳарсозлик, ўлчовларни ва оғирликни стандартлаштириш, баъзан саволлар туғдирадиган солиқлар, ҳарбий хизмат, императорга сиғиниш. Аммо аксарият империя элиталари империяларидаги аҳолининг фаровонлиги учун ҳаракат қилаётганларига қаттиқ ишонишган. Хитойнинг ҳукмрон синфи ўз қўшнилари ва четдаги қўл остидагиларига империядаги маданият олиб келишини зарур бўлган қашшоқ ваҳшийлардек муносабатда бўлишди. Осмон ваколоти императорга дунёни эксплуатация қилиш учун эмас, балки инсониятни тарбиялаш учун берилган эди. Римликлар ҳам ўзларининг ҳукмронликлари билан ваҳшийларга тинчлик, адолат ва мулойимлик туҳфа қилаётганликларини даъво қилиб чиққан эдилар. Ёввойи немислар ва бўялган галлияликлар римликлар уларни қонун билан жиловламагунча, жамоат ҳаммомларида тозаламагунча ва фалсафа билан такомиллашмагунларича расволикда ва жоҳилликда яшашарди. Милоддан аввалги III асрда Мавритания империяси Будданинг таълимотини жоҳил дунёга тарқатишни ўзининг миссияси сифатида қабул қилган эди. Мусулмон халифалари илоҳий топшириқ бўлмиш пайғамбарнинг ваҳийларини иложи бўлса тинчлик йўли билан ёки зарурият бўлса қилич билан тарқатишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Испан ва Португал империялари Ҳиндистон ва Америкага уларнинг бойликлари учун эмас, балки ҳақиқий эътиқодга ўтадиганлар учун боришганликларини айтишган. Қуёш ҳеч қачон ботмайдиган Британиянинг миссияси эса “эгизак инжиллар” бўлмиш

либерализм ва эркин савдони тарқатиш эди. Советлар капитализмдан пролетариатнинг утопик диктатурасига олиб борадиган тарихий маршрутни енгиллаштирмоқликни ўзларининг мажбуриятлари деб билишарди. Ҳозирги кунда кўпгина америкаликлар демократия ва инсон ҳуқуқларининг афзалликларини, бу неъматлар круиз ракеталар ва F-16 қирувчи учоқлар орқали етказилса ҳам, учинчи дунё мамлакатларига олиб борилишига ҳукуматининг морал ҳаққи борлигини таъкидлашади.

Империялар томонидан ёйилган маданий ғоялар камдан-кам ҳолларда ёлғиз ҳукмрон элита томонидан ўйлаб топилган эди. Империялар қараш универсал ва ҳаммани ўз ичига қамраб олиш хусусиятига эгаллиги учун империялар элита биргина қолоқ урф-одатларга фанатик равишда ёпишиб олиш ўрнига бу ғояларни, нормаларни ва урф-одатларни қаердан топишларидан қатъий назар ўзлаштириши нисбатан осон кечди. Баъзи императорлар ўз маданиятларини тозалашга ва ўзларининг илдизлари деб ҳисоблаган нарсаларга қайтишга интилишган бўлса-да, аксарият империялар ўзларига бўйсунувчи халқлардан кўп нарсани ўзлаштирган гибрид цивилизацияларга айланишган. Римнинг империялар маданияти грекча ҳамда қарийб римча эди. Аббосийлар империяси маданияти қисман форсий, қисман грек ва қисман арабча эди. Мўғуллар империяси маданияти Хитой маданиятининг нусхаси эди. Империялар Кўшма Штатларда томирида Кения қони бор Америка президенти ўзининг севимли киноси бўлмиш арабистонлик Лоуренсни, арабларнинг туркларга қарши исёни ҳақида Британия достонини кўрган ҳолда чапиллатиб италянча пицца ёйиши мумкин. Бу маданий эриб турган қозон мағлубиятга учраганлар учун ассимиляция жараёнини осонлаштирмади. Империялар цивилизация бир неча забт этилган халқларни сўриб олган бўлса ҳамки, лекин гибрид натижа ҳали ҳам кўпчилик учун бегона эди. Ассимиляция жараёни одатда оғриқли ва травматик бўлган. Янги маданиятни қабул қилиш қанчалик қийин ва стрессли бўлса, таниш ва севимли маҳаллий урф-одатдан воз кечиш шунчалик осон бўлмаган. Энг ёмони, забт этилган халқлар империялар маданиятни муваффақиятли ўзлаштирган бўлса ҳам, империялар элита уларни “ўзимизники” деб қабул қилишлари учун ўнлаб ёки юзлаб йиллар ўтиши керак бўлган. Забт этилиши ва қабул қилиниши оралиғидаги авлодлар эътибордан четда қолиб кетганлар. Улар аллақачон ўзларининг севимли маданиятларини йўқотган эдилар, лекин уларга империялар дунёда ҳам тенг ҳуқуқли иштирок этиш имкони берилмаган эди. Аксинча, улар қабул қилган маданият уларни ёввойилардек кўраверди.

Нумантия қулаганидан бир аср ўтиб яшаган иберияликни тасаввур қилинг. У ота-онаси билан ўзининг келт шевасида гаплашади, лекин лотин тилини бенуқсон даражада озгина акцент билан ўзлаштирган, чунки лотин тили унга бизнесини юритиш ва маъмурий идоралар билан ишлаши учун керак бўлган. У ўз хотинининг эътибор билан безалган арзон тақинчоқларга бўлган мойиллигини кўриб завқланади, лекин у аёлининг маҳаллий аёллар сингари келтларнинг дидига тўғри келадиган ёдгорликни сақлаб қолганидан бироз таассуфда. У ўз хотинининг Рим ҳокимининг хотини таққан оддий заргарлик буюмини ўзлаштириб олишини хоҳларди. Унинг ўзи Рим яктагини қияди ва

Рим тижорат ҳуқуқларининг моҳиятини яхши билганлиги сабабли чорва моллари савдогари сифатида муваффақиятга эришади ва Рим услубидаги виллани қуришга муваффақ бўлди. У Виржилиянинг “Жоржия III” китобини ёддан айтиб бера олса ҳам, римликлар унга худди ярим ёввойидай қарашади. У ҳеч қачон ҳукуматга тайинланмаслигини ва ёки амфитеатрдаги энг яхши ўринлардан бирини эгаллай олмаслигини умидсизлик билан англайди.

XIX асрнинг охирларида кўплаб билимли ҳиндуларга уларнинг инглиз усталари айнан бир хил сабоқ бериб қўйишганди. Машхур латифалардан бири инглиз тили сирларини пухта эгаллаган, ғарбча рақсдан сабоқ олган ва ҳатто пичоқ ва санчқи билан овқатланишга одатланган иззатталаб ҳинд ҳақида ҳикоя қилади: У янги одатлари билан қуролланиб Англияга саёҳат қилади, Лондон университет коллежида ҳуқуқшунослик бўйича таҳсил олади ва малакали адвокат бўлади. Аммо костюм ва галстук кийган бу ёш йигит Британия колонияси бўлмиш Жанубий Африкадаги поезддан учинчи синфга ўтиришнинг ўрнига биринчи синфга боришни талаб қилгани учун улоқтирилади. Унинг исми Моҳандас Карамчанд Ганди эди.

Баъзи ҳолларда қайта маданийлаштириш ва ассимиляция жараёни янги келганлар ва эски элита ўртасидаги тўсиқларни бора-бора йўқ қилган. Забт этилганлар энди империяни бегона истило тизими сифатида кўрмаганлар ва забт этувчилар ўз фуқароларини ўзларига тенгдош деб билганлар. Ҳукмдорлар ва қарам бўлганлар “улар” тушунчасини “биз”га ўзгартиришди. Римнинг барча фуқаролари охир-оқибат бир неча аср давом этган империя бошқарувидан кейин Рим фуқаролигига эга бўлишди. Римликларга алоқадор бўлмаганлар Рим легионларининг офицерлик корпусларида юқори ўринларни эгаллаб, Сенатга тайинландилар. Милодий 48 йилда император Клавдий Сенатга бир нечта Галлиянинг таниқли шахсларини қабул қилди ва ўз нутқида “урф-одатлар, маданият ва никоҳ ришталари бизни бирлаштирди” деди. Олифта сенаторлар эса бу эски душманларни Рим сиёсий тизимининг юрагига киритишга қарши чиқишди. Клавдий уларга ёқимсиз ҳақиқатни эслатди. Сенатор оилаларининг аксарияти бир вақтлар Римга қарши курашган ва кейинчалик Рим фуқаролигига эришган Италия қабилаларидан бўлган. Дарҳақиқат, император уларга ўз оиласи сабине авлодидан бўлганлигини эслатди.

Милодий II асрда Римни Иберияда туғилган императорлар гуруҳи бошқарган, уларнинг томирларида маҳаллий Иберия аҳолиси қонидан камида бир неча томчи оққан, эҳтимол.

Траян, Хадриян, Антониниус Пиус ва Маркус Аурелиуснинг ҳукмронликлари одатда империянинг олтин асрини ташкил этади деб ҳисоблашади. Шундан сўнг барча этник тўсиқлар бўшаштирилди. Император Септимиус Северус (193-211й) Ливиядаги Пуниклар оиласининг сардори эди. Элагабалус (218–22й) суриялик бўлган. Император Филипп (244–9й) оғзаки равишда “Араб Филипп” сифатида танилган. Империянинг янги фуқаролари Рим императорлик маданиятини шу қадар жўшқинлик билан қабул қилдиларки, асрлар давомида ва ҳатто минг йиллар давомида – империя қулаганидан кейин ҳам улар империянинг тилида

гапиришда, империя ўзининг Левантия вилоятларининг бирдан қабул қилган насроний худосига ишонишда ва империя қонунларига мувофиқ яшашда давом этдилар.

Шунга ўхшаш жараён Араб империясида ҳам содир бўлди. Милодий VII аср ўрталарида ташкил этилганида империя араб-мусулмон бўлган элита ва бўйсундирилган мисрликлар, сурияликлар, эронликлар ва варварлар ўртасидаги кескин бўлинишга асосланган эди. Империянинг кўплаб субъектлари аста-секин мусулмон эътиқодини, араб тилини ва гибрид империал маданиятини қабул қилдилар. Қадимги араб элитаси ўзининг ноёб мақомини ва ўзига хослигини йўқотишдан қўрқиб, бу тирранчаларга қаттиқ душманлик қилган. Ғазабланган ислом динига кирганлар империяда ва ислом дунёсида тенг ҳуқуқни талаб қилишди. Охир-оқибат улар ўз айтганларини қилдиришди. Мисрликлар, сурияликлар ва месопотамияликлар тобора кўпроқ “араблар” деб қаралишни бошладилар. Араблар, ўз навбатида – Арабистондаги ҳақиқий арабларми ёки янги ташкил этилган Миср ва Суриядаги араблар (?) – араб бўлмаган мусулмонлар, хусусан, эронликлар, турклар ва варварлар томонидан тобора кўпроқ бошқарилиб келинганди. Араб империяси лойиҳасининг катта ютуғи шундан иборат эдики, у яратган империал маданият кўпгина араб бўлмаган халқлар томонидан чин юракдан қабул қилинган эди, улар мусулмон маданиятини қўллаб-қувватлашда, ривожлантириш ва ёйишда давом этишган – ҳатто дастлабки империя кулаганидан кейин ҳам ҳамда араблар этник гуруҳ сифатида ўз ҳукмронлигини йўқотганларида ҳам бу ҳолат давом этди.

Хитойда империал лойиҳанинг муваффақияти янада асосли эди. 2000 йилдан кўпроқ вақт мобайнида ваҳший деб атаб келинган бир талай этник ва маданий гуруҳлар империал Хитой маданиятига муваффақиятли қўшилишди ва Хан хитойликларига айланишди (шунинг учун Хитойни милоддан аввалги 206 йилдан милодий 220 йилгача бошқарган Хан империяси номи билан аташган). Хитой империясининг якуний ютуғи шундаки, у ҳали ҳам тирик ва унда ҳаёт жўш уряпти, аммо энди уни империя сифатида кўриш қийин, чунки Тибет ва Шинжон каби чекка ҳудудлар бундан мустасно. Хитой аҳолисининг 90 фоиздан кўпроғи ўзларини ва бошқаларни Хан деб билишади.

Сўнгги бир неча ўн йилликдаги деколонизация жараёнини шунга ўхшаш тарзда тушунишимиз мумкин. Замонавий даврда европалликлар ғарбий юқори маданиятни ёйиш шиори остида дунёнинг кўп қисмини забт этдилар. Улар шу қадар муваффақиятли эдиларки, миллиардлаб одамлар аста-секин ушбу маданиятнинг муҳим қисмларини ўзлаштирдилар. Ҳиндлар, африкаликлар, араблар, хитойликлар ва маорилар француз, инглиз ва испан тилларини ўрганишди. Улар инсон ҳуқуқлари ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилларига ишонишни бошладилар ва либерализм, капитализм, коммунизм, феминизм ва миллатчилик каби ғарб мафкураларини қабул қилдилар.

XX аср давомида ғарб кадриятларини қабул қилган маҳаллий гуруҳлар айнан шу кадриятларни рўқач қилиб ўзларини европалик истилочилар билан тенг ҳисоблашларини даъво қилдилар.

Мустамлакачиликка қарши кўплаб курашлар ўз тақдирини ўзи белгилаш, социализм ва инсон ҳуқуқлари байроқлари остида олиб борилган, буларнинг ҳаммаси ғарб меросидир. Мисрликлар, эронликлар ва турклар асл араб босқинчиларидан мерос қилиб олган империализм маданиятини қабул қилиб, мослаштирганлари сингари бугунги ҳиндулар, африкаликлар ва хитойликлар ўзларининг собиқ ғарбий ҳукмдорларининг империя маданиятининг кўп қисмини қабул қилишган ва уни ўзларининг эҳтиёжлари ва анъаналарига мослаштиришга ҳаракат қилишган.

Босқич	Рим	Ислом	Европа империализми
Кичик бир гуруҳ катта империяга асос солади.	Римликлар Рим империясига асос солишади.	Араблар Араб халифалигига асос солишади.	Европаликлар Европа империясига асос солишади.
Империал маданият мажбурланади.	Греко-Рим маданияти.	Араб-мусулмон маданияти.	Ғарб маданияти.
Забт этилган халқлар томонидан империал маданият қабул қилинади.	Забт этилган халқлар латин тили, рим қонуни, рим сиёсий ғояларини қабул қилишади.	Забт этилган халқлар араб тилини, исломни ва ҳоказоларни қабул қилишади.	Забт этилган халқлар инглиз, француз тиллари, социализм, национализм, инсон ҳуқуқлари ва ҳоказоларни қабул қилишади.
Забт этилган халқлар умумий империал қадриятлар	Иллирианлар, гаулелар ва пуниклардан Римнинг умумий қадриятлари	Мисрликлар, эронийлар ва варварлар араблардан умумий	Ҳиндлар, хитойликлар ва африкаликлар европаликлардан

номидан тенг мақомни талаб қиладилар.	номидан тенг мақомни талаб қиладилар.	мусулмон кадриятлари номидан тенг мақомни талаб қиладилар	умумий ғарб кадриятлари, масалан, национализм, социализм ва инсон ҳуқуқлари номидан тенг мақомни талаб қиладилар.
Империянинг асосчилари ўзларининг устунликларини йўқотадилар.	Римликлар уникал этник гуруҳ сифатида мавжуд бўлишни тўхтатади. Империя бошқаруви янги мульти-этник элитага ўтади	Араблар мусулмон дунёнинг бошқарувини йўқотишади. Империя бошқаруви мультиэтник мусулмон элитасига ўтади.	Европаликлар глобал дунё бошқарувини йўқотишади. Империя бошқаруви мультиэтник, кўп ҳолатда ғарб кадриятларини ва фикрлашини афзал кўрган элитага ўтади.
Империялар маданият гуллаб ривожланишда давом этади.	Иллирианлар, гаулслар ва пуникслар Рим маданиятини ривожлантиришни давом эттиришади.	Мисрликлар, эронийлар ва варварлар ўзлаштирган мусулмон маданиятини ривожлантиришда давом эттиришади.	Ҳиндлар, хитойликлар ва африкаликлар ўзлаштирилган ғарб маданиятини ривожлантиришда давом этаверишади.

Тарихдаги яхши ва ёмон Одамлар

Тарихни мунтазам равишда яхши ва ёмон одамларга ажратишга бўлган мойиллик бор, императорларнинг барчасини ёмон одамлар қаторига қўшишган. Чунки империяларнинг аксарияти қон тўкишлар орқасидан бунёд бўлган ва ўз ҳукмронликларини зулм ва уруш орқали ушлаб туришган. Аммо ҳозирги маданиятларнинг аксарияти империя меросига асосланган. Агар империялар ўз таърифи билан ёмон отлик бўлса, тарих биз ҳақимизда нима дейди?

Инсоний империализм маданиятини тозалашга интилаётган фикрий ва сиёсий ҳаракатлар мактаби мавжуд бўлиб, улар ўзларидан кейин гуноҳдан тозаланган соф, асл цивилизацияни қолдиришмоқчи. Бу мафкуралар энг яхши ҳолатда содда, энг ёмон ҳолатда эса қўпол миллатчилик ва мутаассиблик учун кўз бўямачилик вазифасини ўтайди. Эҳтимол, сиз тарихнинг дастлабки кунларида пайдо бўлган кўп сонли маданиятларнинг поклиги, гуноҳнинг таъсирига берилмаганлиги ва бошқа жамиятлар томонидан бошқарилмаганлиги ҳақидаги ҳолатларни мисол қилиб келтиришингиз мумкин. Аммо ўша дастлабки кунлардан бошлаб ҳеч бир маданиятда юқоридаги ҳолатлар (маданиятларнинг поклиги ва ҳоказо) бўлмаганлигига кафолат бера олмайди, чунки ўша маданиятларнинг ўзи ҳозир мавжуд эмас.

Барча инсоният маданиятлари ҳеч бўлмаганда қисман бўлса ҳам, империялар ва империял цивилизациялар меросидир ва бирор бир илмий ёки сиёсий жарроҳлик амалиёти беморни ўлдирмай туриб империял меросни кесиб ташлай олмайди.


Масалан, ҳозирги мустақил Ҳиндистон республикаси ва Британия Ҳиндистони ўртасидаги севги-нафрат муносабатлари ҳақида ўйланг. Британия истилоси ва ундан кейинги Ҳиндистоннинг бошқаруви миллионлаб хиндларнинг ҳаётига зомин бўлди ва яна юз миллионлаб одамларнинг доимий таҳқирланишига ва эксплуатация қилинишга сабабчи бўлди. Шундай бўлса-да, кўпгина хиндлар иймон келтирганларга хос завқ-шавқ билан ўз ҳаётини ўзи ҳал қилиш ва инсон ҳуқуқлари каби ғарб ғояларини қабул қилишди ва бир кун келиб британлар ўзлари овоза этган кадриятларга мувофиқ яшашдан бош тортишганида хиндлар ҳайратга тушишган эди.

Шунга қарамай, замонавий хинд давлати Британия империясининг фарзандидир. Инглизлар ушбу субконтинентда яшовчи аҳолини ўлдирдилар, жароҳатладилар ва қувғин қилдилар, аммо улар бир-бирига қарши курашувчи қироллар, князликлар ва қабилалардан иборат бошни қотирадиган мозаикани бирлаштирдилар ва озми-кўпми умумий миллий онгни ва ягона сиёсий birlik сифатида фаолият кўрсатадиган мамлакатни яратдилар. Улар Ҳиндистон суд тизимининг пойдеворини ўрнатдилар, унинг маъмурий тузилишини яратдилар ва иқтисодий интеграция учун муҳим бўлган темир йўл тармоғини қурдилар. Мустақил Ҳиндистон ғарб демократиясини Британия тимсолида ўзининг бошқарув шакли сифатида қабул қилди. Инглиз тили ханузгача субконтинентнинг лингва франкасидир, хинд, тамил ва малаяламлар сўзлаша оладиган нейтрал тилдир. Ҳиндлар эҳтиросли крикет ўйинчилари ва чой ичувчилардир ва буларнинг иккаласи ҳам Британия меросидир. Ҳиндистонда чойни тижорий етиштириш XIX асрнинг ўрталарига қадар – Британиянинг Шарқий Ҳиндистон компанияси томонидан жорий қилинмагунича мавжуд эмас эди. Субконтинент бўйича чой ичиш одатини тарқатганлар шу олифта британ соҳиблари бўлади.



Мумбайдаги “Чхатрапати Чиважси” темир йўл станцияси. У ўз ҳаётини Бомбейдаги Виктория бекати сифатида бошлади. Британияликлар уни XIX аср охирида Буюк Британияда машҳур бўлган нео-готик услубида қурдилар. Ҳиндларнинг миллатчи ҳукумати шаҳар ва станция номларини ўзгартирди, аммо бундай ажойиб бинони, ҳатто чет эллик золимлар томонидан қурилган бўлса ҳам, бузиб ташлаш нияти йўқ эди.

Бугунги кунда қанча ҳиндлар демократиядан, инглиз тилидан, темир йўл тармоқларидан, ҳуқуқий тизимдан, крикет ва чойдан уларнинг империал меросга тегишлилиги туфайли қарши овоз бериб воз кечишмоқчи? Агар улар шундай қилишганида, масалани ҳал қилиш учун овоз бериш орқали ўзларининг олдинги раҳбарларига қарздор эканликларини кўрсатиб кўйишмайдими?



Тожмаҳал. “Ҳақиқий” ҳинд маданиятининг намунаси ёки уларга бегона мусулмон империализмининг ижоди?

Агар биз олдин мавжуд бўлган “асл” маданиятларни қайта тиклаш ва ҳимоя қилиш умидида шафқатсиз империя меросидан бутунлай воз кечсак ҳам, эҳтимол барча биз ҳимоя қиладиган нарсалар эски ва шафқасизликда қолишмайдиган империянинг меросидан бошқа нарса бўлмай қолиши мумкин. Британия Ҳиндистони томонидан ҳинд маданиятининг бузилишига норози бўлганлар Мўғуллар империяси ва Деҳли султонлигининг меросларини беихтиёр муқаддаслаштиради. Кимки “ҳақиқий ҳинд маданияти”ни бегона мусулмон империяларининг таъсиридан қутқаришга ҳаракат қилса, у Гупта империяси, Кушон империяси ва Маврия империясининг меросини муқаддаслаштиради. Агар экстремал ҳинд миллатчиси Мумбайнинг асосий темир йўл станцияси сингари инглиз босқинчилари томонидан қолдирилган барча биноларни вайрон қилса, Ҳиндистоннинг мусулмон босқинчилари томонидан қолдирилган иншоотларини, масалан, Тожмаҳал кабиларни нима қилади?

Ҳақиқатан ҳам, ҳеч ким маданий мерос билан боғлиқ мураккаб масалани қандай қилиб ҳал қилишни билмайди. Қайси йўлни танлашимиздан қатъий назар, биринчи қадам – бу дилемма мураккаблигини ва ўтмишни оддий тарзда яхши ва ёмон одамларга бўлиш ҳеч нарсага олиб келмаслигини тан олишдир. Албатта, агар биз ёмон одамларнинг етакчисига эргашаётганимизни тан олишга тайёр бўлсак.

Янги глобал империя

Миллоддан аввалги 200 йилдан бери кўп одамлар империяларда яшаганлар. Афтидан, келажакда ҳам кўп одамлар империяларда яшашади. Аммо бу сафар империя ҳақиқатан ҳам глобал бўлади. Бутун дунё устидан ҳукмронлик қилишдек империал қараш ва орзу яқинлашиб қолган бўлиши мумкин. XXI аср давом этар экан, миллатчилик тезда йўқолиб бормоқда. Борган сари кўпроқ одамлар инсоният уларнинг ҳаммаси бир миллат вакили эмас, балки сиёсий ҳокимиятнинг қонуний манбайи эканлигига ишонишади ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бутун инсоният манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсатни йўналтирувчи ёритгич бўлиши керак деб билишади. Агар шундай бўлса, 200га яқин мустақил давлатга эга бўлиш бу ёрдам эмас, балки тўсиқдир. Шведлар, индонезияликлар ва нигерияликлар бир хил инсон ҳуқуқларига лойиқ эканлар, уларни ҳимоя қилиш битта глобал ҳукумат учун осон бўлмайдими? Музликлар эриши каби глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши мустақил давлатларнинг қонуний бўлиб қолиш эҳтимолини камайтиради. Ҳеч бир суверен давлат глобал исишни ўзи ҳал қила олмайди. Хитойнинг Осмон ваколоти инсоният муаммоларини ҳал қилиш учун Осмон томонидан берилган эди. Замонавий Осмон ваколоти инсоният томонидан осмоннинг тешиклари ва иссиқхона газларининг тўпланиши каби муаммоларни ҳал қилиш учун берилади. Жаҳон империясининг ранги, эҳтимол, яшил рангга бўялган бўлиши мумкин.

2014 йилга келиб, дунё ханузгача сиёсий жиҳатдан парчаланиб кетган, аммо давлатлар ўз мустақиллигини тезда йўқотмоқдалар. Уларнинг ҳақиқатдан ҳам мустақил иқтисодий сиёсат олиб бориши, уруш эълон қилиши ва олиб бориши, ҳаттоки ўз ички ишини ўзи хоҳлаганича бошқариши иложсиз. Давлатлар глобал бозордаги ҳийла-найрангларга, глобал компаниялар ва нодавлат ташкилотларнинг аралашувиغا ҳамда глобал жамоатчилик фикри ва халқаро суд тизимининг назоратига тобора очиқлашиб бормоқда. Давлатлар молиявий хатти-ҳаракатлар, экологик сиёсат ва адолатлиликнинг глобал стандартларига риоя қилишлари шарт.

Сармоя, меҳнат ва ахборотнинг жуда кучли оқимлари давлатлар чегаралари ва фикрларига тобора эътибор бермай дунёни ўзгартирмоқда. Бизнинг кўз ўнгимизда тузилган глобал империяни бирор бир давлат ёки этник гуруҳ бошқармайди. Рим империяси сингари уни ҳам кўп миллатли элита бошқаради ва умумий маданият ва умумий манфаатлар бирлаштирилади. Дунё бўйлаб тобора кўпроқ тадбиркорлар, муҳандислар, мутахассислар, олимлар, ҳуқуқшунослар ва менежерлар империяга қўшилишга даъват қилиняптилар. Улар империя чакриқларга жавоб бериши ёки ўз давлатига ва халқига содиқ қолиш тўғрисида ўйлашлари керак. Борган сари кўпчилик эса империяни танлайди...

12.

Дин қонуни

Самарқанднинг ўрта асрларга оид бозорида – Ўрта Осиё чўлидаги воҳа ўрнига қурилган шаҳарда – суриялик савдогарлар юпқа Хитой ипак матоларини саралашган, чўлнинг ваҳший кўчманчилари узок ғарбда ушланган оч малла сочли қулларни сотувга қўйишган, баққоллар чўнтақларини тушунарсиз ёзувли ва номаълум хоқонларнинг расми туширилган ялтироқ олтин тангалар билан тўлдиришган. Бу ерда, шарқ ва ғарб, шимол ва жануб муҳим кесишмаларининг бирида, одамзоднинг бирлашиши яққол ва доимий тасдиқланган. Худди шундай жараёни 1281 йилда Хубилай хоннинг қўшини Японияга бостириб кирганида кузатиш мумкин. Мўйна ва ҳайвон териларини кийиб олган мўғул отликлари бамбукдан қилинган шляпалар кийган Хитой пиёда аскарлари қаторида чопишган, ёрдамчи қўшинлардаги маст корейслар эса таналарига сурат чизилган Хитой денгизчилари билан муштлашишни бошлашган, Ўрта осиелик муҳандислар европалик таваккалчилар мақтовларини оғизларини очиб эшитишган ва уларнинг ҳаммаси ягона саркарда қонунларига бўйсунушдан.

Бу вақтда эса Маккада, муқаддас Каъбада одамзоднинг бирлашиши бошқа воситалар ёрдамида рўёбга чиққан. Агар сиз 1300 йилларда Маккага зиёратчи ўлароқ келганингизда, мусулмонларнинг асосий муқаддас ерида айлана туриб, ёнингизда кийимлари шамолда ҳилпилаб, кўзлари диний завқланиш билан ёниб турган, лаблари эса бирин-кетин Аллоҳнинг 99та исмини такрорлайдиган Месопотамиялик диндорларни кўрган бўлар

эдингиз. Анави ерда эса қуёшда қақраган, Осиё чўлларида келган туркий тилли катта руҳоний таёққа суяниб, ўйчанлик билан соқолини силаганча қадам босяпти. Ўнг томонда кўмирдек қора танларда тилла тақинчоқлар ялтираб туради – булар Африка қироллиги бўлмиш Малидан келган мусулмонлар. Чиннигул, зарчава, кардамон ва денгиз тузининг ҳиди бу ерда Ҳиндистондан келган биродарлар борлигини билдиради, балки улар Узоқ Шарқдаги сирли зиравор оролларида (Малуку ороллари – таржимон изоҳи) келгандирлар.

Бугунги кунда динлар тез-тез камситишлар, тартибсизлик ва низоларга сабаб бўлмоқда. Аввал бошда у ҳам худди пул ва империялар каби одамларни бирлаштиришга хизмат қилган. Модомики, ҳар қандай ижтимоий тузилма ёки ҳокимиятнинг илдизи тасаввурга тақалар экан, уларнинг ҳаммаси нозик ва нимжондир ва улар жамият катталашгани сари янада нозиклашиб боради. Диннинг тарихий роли бу нозик тузилишни юқори авторитет билан муқаддаслаштиришдан иборат бўлган. Диний қонунлар одамларнинг инжиқлиги натижаси эмас, балки юқори, абсолют ҳукмрондан келган деб ўргатилади. Шу орқали лоақал энг фундаментал қонунлар танқиддан ташқарида қолади ва ижтимоий барқарорлик таъминланади.

Дин – бу олий, мислсиз тартибга асосланган инсоний нормалар ва қийматлар тизимидир. Икки мавжуд ҳолатга аҳамият берамиз:

1. Дин инжиқлик ва ёки умуминсоний келишув маҳсули эмас, балки илоҳий тартибдир. Футбол – дин эмас. Унда қоида, маросим ва ажойиб иримчилик мавжуд бўлса-да, барчага маълумки, футболни одамлар ўйлаб топишган, ФИФА эса истаган вақтида дарвозаларни кенгайтириш ёки офсайд қоидаларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қила олади.

2. Шу олий, инсон иродасидан юқори турувчи тартибга асосланган ҳолда дин мутлақ кадр-қиймат ва нормаларни ўрнатади. Ғарбда ҳанузгача кўплаб одамлар руҳлар, парилар ва қайта тирилишга ишонишади, бироқ бу иримлардан ҳеч қандай одоб ва ахлоқ қоидалари юзага келмайди, демак, улар динга жамланмайди.

Аслида эса ҳамма динлар ҳам ўз имкониятларини амалга оширмайди ва ижтимоий ва сиёсий қонунийликни мустаҳкамламайди. Турли ҳил аҳолини ўз ҳимоясида бирлаштириш учун дин яна икки мезонга тўғри келиши керак.

Биринчидан, у барча учун ва ҳар доим ҳақ илоҳий универсал тартиб таклиф этиши керак.

Иккинчидан, у ўз ҳақиқатларини ҳар бир инсонга етказишга ҳаракат қилиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир бирлаштирувчи дин универсал ва миссионер бўлиши керак.

Дунёда энг кенг тарқалган динлар – насронийлик, ислом ва буддизм – универсаллик ва миссионерлик белгиларини бирлаштиради. Натижада одамлар барча динлар шундай деб ўйлашга мойил бўлади, аслида эса кўплаб қадимги эътиқодлар маҳсус ва маҳаллий бўлган. Одамлар маҳаллий худоларга сиғинишган ва улар бутун инсониятни ўзгартиришни мақсад қилмаганлар. Бизга маълумки, универсал миссионер динлар фақатгина эрамининг муҳим босқичида пайдо бўлган. Универсал динларнинг пайдо бўлиши пул ва

империялар қаторидаги энг катта ва асосий инқилоблардан бири бўлиб, у инсониятни бирлаштирувчи омилдир.

Қўзичоқларнинг сукунати

Қадимги овчи-теримчилар анимист бўлишган, яъни оламда нафақат одамлар, балки бошқа кўплаб бошқа жонзотлар – ҳайвонлар, ўсимликлар, парилар ва арвоҳлар яшашларига ишонишган ва инсоний қадриятлар тизими ва нормалари бу жонзотлар манфаатларини ҳам эътиборга олган. Мисол учун, Ганга водийси теримчилари гуруҳи қоида ўрната олган: ҳов анави сершоҳ анжир дарахтини чопиш ман этилади, акс ҳолда анжир дарахтининг руҳи ғазабланади ва қасос олади. Ҳинд водийсидаги бошқа теримчилар эса ўзгача табуга риоя қилишган: оқ думли тулқиларни овлаш мумкин эмас, чунки бир куни шундай тулки қари жодугарга қимматбаҳо обсеидианни қаердан топишни кўрсатган.

Бу динлар маҳаллий ландшафт, иқлим, табиатнинг таниш табиий ҳодисаларига мослашган жуда тор ва маҳаллий бўлган. Қоидадагидек, теримчилар ўзларининг бутун ҳаётларини бир неча минг квадрат километрдан ошмаган ҳудудларда ўтказишган. Тирик қолиш учун ҳар бир водий яшовчилари айнан уларнинг водийсида ҳукмронлик қилган ғайриинсоний тартибни тушунишлари ва унга ўзларининг хулқларини мослаштиришлари керак бўлган. Шу қоидаларни бошқа жойларда яшовчиларга боғлаш маъносиз бўлар эди. Ҳинд қирғоғидагилар Ганга водийсига ўша ерлик аҳолини оқ думли тулқига раҳм қилишга кўндириш учун миссионерларни юбормаган.

Аграр инқилобга, афтидан, диний инқилоб ҳамроҳлик қилган. Овчи-теримчилар ҳайвонларнинг жонларини олишган, аммо ўзларига тенг кўришган. Инсоннинг кўйни ўлдиргани далили одамларни кўйдан устун қилмаган, чунки агар йўлбарс одамни ўлдирган бўлса, бу йўлбарс билан таққослаганда одамни ерга урмаган. Барча тирик жонзотлар бир-бирлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишган ва қандайдир тарзда барча учун ягона бўлган экосистемада ҳаёт қонунларини ишлаб чиқишган. Дехқонлар эса, аксинча, ўзларига ҳайвонлар ва ўсимликларни бўйсундиришган, уларни бошқаришган ва қийинчилик билан бўлса-да, улар билан музокара қилишган. Демак, аграр инқилобнинг илк диний натижаси ҳайвонлар ва ўсимликларнинг руҳий биродарликдан гунг қуролга ўзгариши бўлди. Бироқ бундан-да жиддийроқ муаммо содир бўлди. Дехқонлар кўйларини тўлиқ назорат қилишдан мамнун бўлишарди, аммо тажриба уларнинг ҳукмронлиги чегараланганлигига ишонтирарди. Улар кўйларини оғилхонага қамашган, ахталашган, кўплаб миқдорда урғочиларини етиштиришган, бироқ урғочилар ҳомиладор бўлишлари ва соғлом кўзи туғишларига кафолат беришмаган, қорамоллар ўлимининг олдини ола билишмаган. Қандай қилиб подани сақлаб қолиш ва унинг ўсишига эришиш мумкин? Кўплаб дехқонлар жавобни ўзларидан юқори турувчи – кудратли худоларга юзланишдан топишган. Унумдорлик маъбудаси, самовий худо ва шифобахш илоҳлар ўзларига одамлар, тилсиз ўсимликлар ва ҳайвонлар ўртасидаги воситачи ролини олишди. Қадимги мифология ўзининг аҳамиятли жиҳатидан шартнома

каби бўлиб, у орқали одамлар абадий худоларни улуғлашини ўз зиммаларига оладилар ва эвазига ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёси устидан ҳукмронликка эришишни мақсад қилдилар. “Ибтидо” китобининг илк боблари ҳам худди шу ҳақда.

Аграр инқилобдан кейинги минг йиллар давомида маросимларда асосан илоҳий кучларга шароб ва нон, қўзиларни қурбон қилишган, ўрнига эса улар мўл-кўл ҳосилни таъминлаши ва тўдани кўпайтириб беришлари керак эди. Аввалига аграр инқилоб бошқа анимистик эътиқод тизими – қоя, булоқлар, руҳлар ва жинлар каби объектлар мақомига таъсир кўрсатмади. Бироқ улар ҳам янги худолар ҳужуми остида аста-секин чекина бошлашди. Одамлар бир неча юз, максимал минг квадрат километр чегарасида яшаб юрган пайтларида маҳаллий руҳлар уларнинг барча эҳтиёжларига ғамхўрлик қила олар эди. Аммо қиролликлар ва савдонинг ўсиши билан одамларга ўзининг қудратлилиги билан бутун бир қиролликни ёки савдо ҳудудини қамраб оладиган кимнингдир ҳимояси керак бўлди. Шу эҳтиёждан политеистик динлар келиб чиққан (юнон тилидан *poly* – кўп ва *theos* – худо).

Бу динлар дунёни қудратли худолар гуруҳи – унумдорлик маъбудаси, ёмғир худоси ва уруш худоси бошқаришини тахмин қилган. Одамлар ушбу худоларга ёлворишган ва улар, агар маросимлардан ва қурбонликлардан мамнун бўлишган бўлса, ёмғир, ғалаба, соғлик юборишган.

Политеизм кириб келиши билан анимизм бутунлай йўқ бўлиб кетмаган. Жинлар, парилар, илоҳий қоялар, булоқлар ва дарахтлар кўпчилик политеистик динга бирлашгани маълум бўлди. Бу руҳларга худоларга нисбатан жуда кам эътибор берилган, бироқ оддий одамнинг кунлик ҳаёт тарзида улар жуда ҳам керак бўлган. Қирол пойтахтда уруш худосига ваҳшийлар устидан ғалаба қозониш учун ўнлаб қўзичоқларни қурбонликка келтираётган бир пайтда оддий деҳқон ўзининг кулбасида анжир руҳи учун шам ёққан ва касал фарзанди ҳаётини сақлаб қолиш учун ибодат қилган. Буюк худолар пайдо бўлиши билан кўй ва жинлар мақоми *Homo sapiens* мақомичалик ўзгармаган. Анимизм одамни Ернинг бошқа кўплаб яшовчилари қаторида кўради, лекин политеистлар дунёда одамлар ва худолар ўртасидаги мураккаб муносабатлар тизими аксини кўради. Политеистлар, ибодатлар ва қурбонликлар, яхши ва ёвуз ишлар бутун экосистема тақдирига таъсир қилади деб ишонишади. Даҳшатли тошқин миллиардлаб чумолилар ва чигирткаларни, юз минглаб тошбақалар, кийиклар, жирафа ва филларни шунчаки аҳмоқ одамлар худоларни ғазаблантиргани учун хароб қилиши мумкин.

Шундай тарзда, политеизм нафақат худолар, балки одамларнинг ҳам мақомини оширди. Ўша қадимги анимистик тизимнинг омадсизроқ аъзолари ўзларининг ҳар қандай муносиб мавқеларини йўқотишди ёки умуман одамлар ва худолар ўртасида ривожланаётган буюк драмадаги безаклар бўлиб қолди.

Бутпарастилик афзалликлари

Икки минг йиллик монотеистик тарғиботлардан кейин Ернинг кўпчилик аҳолиси политеизмни содда ва нодон бутпарастилик деб қабул қилишади. Бу

ноҳақ талқин. Политеизмнинг ички мантиғини тушуниш учун кўплаб худоларга асосланган фикрнинг ўзини тушунишимиз лозим.

Политеизм ягона куч ёки борлиқни бошқараётган дунё тартиби тушунчасига қарши чиқмайди. Кўплаб политеистик ва хаттоки анимистик динлар худолар, жинлар ва илоҳий қоялар орқали ҳаракат қиладиган буюк кучни улуғлашади.

Политеизмнинг классик юнон вариантыда Зевс, Гера, Аполлон ва уларнинг уруғлари қудратли ва кенг кўламли куч бўлган тақдирга бўйсуняшади. Скандинав худолари ҳам Рагнарёк (“худолар оқшоми”) келган пайт ҳалок бўлишга маҳкум этилган тақдир қўлидаги қуроллар бўлган. Политеистик ёруба (Ғарбий Африка) афсонаси ривоят қилишича, барча худолар олий худо Олодумаредан туғилган ва унга бўйсуняшдан. Индуизм сон-саноксиз худолар ва руҳларни, инсониятни, табиат дунёси ва жонсиз дунёни бошқарувчи ягона атманни тан олишади. Атман – моҳият ёки коинот ва яна ҳар бир жонзот ва ҳодиса руҳи ҳисобланади. Политеизмнинг монотеизмдан фарқи шундаки, политеизмдаги дунёни бошқарувчи олий куч ўз қизиқишлари ва иштиёқидан ҳоли, уни дунёвий истаклар, ташвишлар ва ваҳималар безовта қилмайди. Ундан ғалаба, соғлиқ ёки ёмғир сўраш бефойда, чунки унга ўзининг эришиб бўлмайдиган баландлигида у ёки бу қироллик ғалаба қозониши ёки мағлуб бўлиши, шаҳар гуллаши ёки хароб бўлиши, касал одам соғайиши ёки ўлиши қизиқ эмас. Юнонлар тақдир маъбудлари учун қурбонликлар келтиришга уринишмаган, ҳиндулар эса атман учун ибодатхона қуришмаган.

Бундай қудратли кучга мурожаат қилиш қачонки инсон жамики истакларидан воз кечган ва яхшилик билан ёмонликни, ҳаттоки мағлубият, қашшоқлик, хасталик ва ўлимни ҳам қабул қилишга рози бўлгандагина маънога эга бўлган. Худди шундай баъзи ҳиндулар – садху ёки саня-синлар – ҳаётларини атманга интилишга, осойишталикни излашда атман билан бирлашишга бағишлаган. Улар дунёни мана шу универсал принцип нуқтаи назаридан кўришга, жамики дунёвий истаклар ва қўрқувнинг умри қисқа ва беҳуда эканлигини абадият нуқтаи назаридан кўришга уринишди. Аммо ҳиндуларнинг кўп қисми – асло садхулар эмас. Улар атманга умуман тегишли бўлмаган кунлик дунёвий ташвишларга берилган, шунинг ҳам ҳиндулар ўзгача куч ато этилган худоларга илтижо билан юзланишади. Айнан уларнинг имконияти чекланганлиги сабабли Ганеша, Лакшми, Сараствати ва бошқалар иштиёқ ва шахсий қизиқишларга бегона эмас. Одамлар “чегараланган шартлар”га мос келадиган битим тузишлари мумкин ва у ёрдамида жангда ғалаба қозонишлари ёки касалликдан фориғ бўлишлари мумкин.

Политеизмнинг фундаментал очилиши айнан шундан иборат: коинотнинг олий кучи қизиқишлар ва иштиёқдан ҳоли, шунинг учун ҳам агар бирор дунёвий муаммони ҳал этишда кўмак керак бўлса, иштиёқдан ҳоли бўлмаган бўйсунадиган кучларга юзланиш керак. Бундай кичик кучлар истаганингизча: қачон олий принципнинг кенг қамровли ҳукмронлигини аниқ

бир вазифаларга мувофиқ тарзда бўлганимизда кўплаб худолар пайдо бўлади. Мана сизга политеизм.

Политеизмнинг моҳияти кенг диний толерантликка кўмаклашади. Кўпхудоликлар олий ва холис куч мавжудлигига ва шу билан бир вақтда кўплаб қисман ва иштиёқли кучга ишонишар экан, якка худолик тарафдорлари бошқа худолар мавжудлиги ва қудратини осонлик билан тан олишади. Табиатан политеизм – “биъдатчи” ва “ғайридинларни” таъқиб қилмайдиган очик дин.

Политеистлар, ҳаттоки улкан империяни забт этган бўлса-да, аҳолини ўз эътиқодига ўзгартиришга уринишмаган. Мисрликлар, римликлар ва ацтеклар бошқа мамлакатларга миссионерларни Осирис, Юпитер ёки Уицилопочтлига сажда қилиш учун юбормаган ва бу учун армияларни тузишмаган. Бўйсундирилган халқлардан худоларни ва маросимларни сўзсиз ҳурмат қилиш талаб этилган, ахир айнан шу худолар ва маросимлар империяга қонунийлик берган. Бир вақтнинг ўзида ҳеч кимни маҳаллий худолар ва одатлардан воз кечишга мажбурламаган. Ацтеклар қироллигида бўйсундирилган халқлар Уицилопочти ибодатхоналарини қуришга мажбур бўлишган, бироқ бу ибодатхоналарни маҳаллий худолар уйлари ўрнига эмас, унинг ёнидан қурилган. Тез-тез империя элиталар ҳам ажнабий худоларни ва уларга бағишланган маросимлари билан бирга қабул қилишган. Худди шундай римликлар ҳам ўзларининг пантеонларига Осие маъбудаси Кибела ва Мисрнинг Изиду худосини мамнуният билан қўшишган.

Римликлар фақатгина бир худони қўшишга астойдил қаршилик қилишган: монотеист ва миссионерлар – насронийлар худоси. Рим империяси насронийларга ўз эътиқодларидан воз кечишларини таклиф этмаган, аммо империя худолари ва даҳо императорга ҳурмат эҳтиром этишларини талаб этарди. Бу сиёсий садоқатга тенглаштирилган эди. Қачонки насронийлар бўйсунушга ва ҳар қандай муросани қатъиян рад этишда давом этишаётганида, римликлар бу “бузғунчи секта”ни таъқиб қилишни бошладилар. Бироқ улар буни алоҳида ҳафсаласиз бажаришди. Исо Масиҳнинг хочга миҳланганидан 300 йил ўтиб то император Константин насронийликни давлат дини деб эълон қилгунигача насронийларга бор йўғи тўрт маротаба катта қувғин амалга оширилган. Ҳоким ва маҳаллий маъмурият ҳам баъзан ташаббус кўрсатиб туришган, аммо уч аср давомида барча насронийликка қарши кечган қувғинлар қурбонлари саналса, рим-бутпарастлар бир неча минг насронийни ўлдирган бўлиб чиқади. Таққослаш учун: сўнгги 1500 йил ичида насронийлар муҳаббат ва раҳм-шафқат динининг ягона тўғри талқинини ҳимоя қилиш учун, миллионлаб бошқа насронийларни ўлдириб юборишган.

Европани XVI ва XVII асрларда вайрон қилган католиклар ва протестантлар ўртасидаги диний урушлар ҳам даҳшатли хотиралар қолдирган. Иккала урушаётган томонлар ҳам Масиҳнинг илоҳийлигини, раҳмдиллик ва муҳаббат Инжилини тан олишган. Бироқ шу муҳаббатнинг хусусиятлари жихатидан фикрлари бўлинган. Протестантлар илоҳий муҳаббат нақадар бекиёслиги, ҳаттоки Худо одам тимсолига кирган ва ўз танасини қийноқлар ва

катл этишга берган, шу тарзда дастлабки гуноҳларни ювган ва жаннат дарвозаларини Масихга эътиқод қилган барчага очган деб ҳисоблашган. Католиклар эса эътиқодни зарур, аммо етарли эмас деб ҳисоблашган. Шунингдек жаннатга лойиқ бўлиш учун насронийлар черков маросимларида катнашишлари ва эзгу амаллар қилишлари шарт. Протестантлар католикларнинг бундай тушунчаларини қабул қилишмаган ва уни Худонинг буюклигига ва муҳаббатига таъсир кўрсатади деб ҳисоблашган: агар инсон ўлимидан кейинги тақдири унинг ўзи бажарган эзгу амалларига боғлиқ деб ўйласа, у ўзининг аҳамиятини ошириб юборган ва

Масихнинг хочда қийналганини, қолаверса Худонинг одамга муҳаббатини камситган бўлади. Бу илоҳий тортишувлар шундай шафқатсизликларга олиб келганки, XVI ва XVII асрларда ўн ва юз минглаб католиклар ва протестантлар бир-бирларини қириб ташлашган. 1572 йил 23 августда эзгу амалларни жуда қадрлаган француз католиклари Худонинг одамларга муҳаббатига кўпроқ эътибор берган француз протестантларига хужум қилишган. Варфоломей туни номи билан ёдда қолган бу бир суткада беш мингдан ўн минггача протестантлар ўлдирилган. Бу хабарни эшитган Рим папаси хурсанд бўлиб, байрам ибодатини тайинлаган ва Жоржио Вазарига уруш саҳналарини абадийлаштириш учун деворий сурат буюртирган (эндиликда Ватиканнинг бу хонаси ташриф буюрувчилар учун ёпик) 24 соат ичида насронийлар қўлидан – ўзгача қарашда бўлсин ҳам – бутун Рим империяси тарихидаги қувғинлардан-да кўра кўпроқ насронийлар ўлиб кетган.

Худо ягона

Вақт ўтиши билан баъзи политеизм тарафдорлари ўзларининг алоҳида худоларини шунчалик яхши кўришганки, кўпхудоликнинг фундаментал тамойилларидан узоқлаша бошлашган. Улар, уларнинг худоси ягона ва айнан у коинотнинг олий кучи эканлигига ишона бошлашган. Бундан ташқари, бу худо ўзига хос иштиёқлари ва қизиқишларини йўқотмаган, демак, у билан келишиш мумкинлиги эҳтимоли юқори. Шундай қилиб издошлари лотереяда ютуқ чиқиши, касалликдан фориғ бўлиш ёки жангда ғолиб бўлишни тўғридан-тўғри олий кучдан сўрайдиган монотеистик динлар пайдо бўлган. Бизга маълум бўлган илк монотеистик дин эрамиздан аввалги 1350 йилда Мисрда фиръавн Эхнатон Миср пантеонидаги кичик худолардан бири – Атонни – аслида у дунёни бошқарувчи олий куч эканлигини эълон қилганида пайдо бўлган. Эхнатон Атонга сиғинишни давлат динига ўзгартирган, бошқа худоларга сиғинишни эса бекор қилишга ёки минималлаштиришга уринган. Диний ислохот муваффақиятсизлик билан якун топган. Фиръавн вафотидан сўнг Атонга сиғиниш эсдан чиқарилди ва аввалги худоларга қайтилди.

Политеизм қайта ва қайта шунга ўхшаш монотеистик динларни келтириб чиқараверди, аммо уларнинг барчаси биринчи навбатда ўзининг универсал номасини шакллантира олмаганлиги сабабли бир чеккада қолиб кетаверди. Яхудийлар олий куч ўзининг қизиқишларига ва иштиёқларига эга ва асосий қизиқиши кичик яхудий халққа ва ҳеч кимга маълум бўлмаган бир

парча ер – Фаластинга қаратилган деб арз қилишади. Бу эътиқод бошқа халқларга оз нарсани бериши мумкин эди ва ўз тарихининг кўп қисмларида прозелитизмдан сақланиб келган. Дин ривожланишининг бу босқичини “маҳаллий монотеизм” деб аташ мумкин.

Катта муваффақият билан насронийлик кириб келди. Бу дин назаретлик Исонинг узоқ кутилган масиҳлигини тан олган эзотерик яҳудий мазҳабдан бошланган. Аммо мазҳабнинг илк бошқарувчиларидан бири, тарслик Павел агар коинотнинг илоҳий кучи ўз қизиқишларига эга экан ва инсониятни қутқариш учун тимсолга кириш ва хочда ўлишни танлаган экан, демак, бу ҳақда нафақат яҳудийлар, балки барча одамлар билиши керак деб ҳисоблаган. Павелнинг далиллари унумдор ерга тушди. Насронийлар барча халқларга қаратилган кенг миссионерлик фаолиятини бошлашган. Тарихнинг энг ажойиб бурилишларидан бири эзотерик яҳудий секта Рим империяси эътиқодини ўз эътиқодига ўзгартирганидир.

Насронийлик муваффақияти VII асрда Арабистон яриморотида бошқа бир монотеистик дин – ислом пайдо бўлишига илҳом берган намуна сифатида хизмат қилган. Насронийлик каби ислом ҳам чекка вилоятнинг бир бурчагида кичик мазҳабдан бошланган ва янада тез ва ҳайратланарли тарзда Арабистондан чиқиб, Атлантика океанидан то Ҳиндистонгача бўлган улкан империяни эгаллай олган. Ўша пайтдан бошлаб монотеизм тарихда асосий ҳаракатланувчи куч бўлиб қолди.

Монотеистлар политеистларга қараганда анча фанатик ва миссионерликка мойил бўлиб чикди. Бошқа динларнинг мавжуд бўлишига ҳуқуқларини тан олиш учун иккитадан бири бўлиши керак: ёки сенинг худойинг борлиқ устидан бутун ҳукмронликни ўз қўлларида ушламайди, ё бўлмаса сенинг дининг фақат мушкул универсал ҳақиқатдан ташкил топган. Монотеистлар яккаю ягона Худо ҳақидаги билимга эга эканлигига ишонар экан, қолган барча динларни нафрат билан рад этишган. Сўнгги икки минг йил давомида монотеистлар кўп маротаба ўз ўринларини мустаҳкамлаш учун рақибларини зўравонлик билан кириб ташлашган.

Улар жуда муваффақиятли ҳаракат қилишган. Милоднинг бошланишида бутун дунёдаги монотеистларни бармоқ билан санаса бўлар эди. Милодий 500 йилга келиб энг улкан империя – Рим империяси – насронийликни давлат дини дея тан олади ва миссионерлар қатъият билан уни Европанинг бошқа қисмларига, Осиё ва Африкага тарқатади. Биринчи минг йиллик тугашига келиб Европа, Ғарбий Осиё ва Шимолий Африканинг кўплаб аҳолиси монотеист бўлишган, Атлантика океанидан Ҳимолай тоғларигача бўлган империялар эса ўзларини ягона Худо томонидан покланган деб ҳисоблашган. XVI асрга келиб монотеизм узоқ Шарқ ва Африканинг жанубий қисмларидан ташқари деярли бутун Африка ва Осиё худудларида ҳукмронлик қилган ва аллақачон қўлларини Жанубий Африка, Америка ва Океанияга узатганди. Энди бутун Ер юзида, узоқ Шарқдан ташқари, у ёки бу монотеистик дин тан олинган ва бутун дунёвий тартиб монотеистик тамойилларга асосланган эди.

Аммо худди политеизм ичида анимизм унсурлари сақланиб қолганидек, монотеизм ичида ҳам политеизм яшарди. Олий кучнинг ўз қизиқишлари ва

иштиёқлари борлигига ишонишингиз билан бошқа худоларга ишониш мисоли бефойдадек туюлади. Президент қабулхонаси очик турганда, ким ҳам амалдорга мурожаат қиларди? Ростдан ҳам монотеизм олий Худодан ташқари бошқа худоларни мавжудлигини рад этади ва ўша худоларга эътикод этганларга жаҳаннам оловини ёғдиради. Лекин илоҳиёт назариялари ва тарихий ҳақиқатлар орасида доимо бўшлиқ мавжуд бўлган. Одамларнинг кўп қисми монотеизмни қабул қилишга қодир эмас бўлиб чиқди. Улар оламни “биз” ва “улар”га ажратишда давом этишди, ва олий куч улар учун жуда йироқ, бегона ва кундалик эҳтиёжларга эътиборсиз бўлиб туюларди. Монотеистик динлар бутун пантеонни фанфаралар жаранги остида эшикдан ҳайдаб солишди, аммо худолар шу заҳоти ойнадан сукилиб киришди. Насронийлик яратган авлиёлар пантеонига сажда қилиш бутпарастлар саждасидан деярли фарқ қилмайди. Худди Юпитер Римни, Уицилопочтли эса ацтеклар империясини ҳимоя қилгани каби ҳар бир насроний қиролликнинг қийинчиликлар ва жангларда ғолиб бўлишда ёрдам берадиган ўзининг илоҳий ҳомийлари пайдо бўлган. Англияни авлиё Георгий, Шотландияни – авлиё Андрей, Францияни – авлиё Мартин ҳимоя қилган. Шаҳарлар ва қишлоқлар, касблар, ҳаттоки иллатларнинг ҳам ўз авлиёлари бор. Милан авлиё Амвросияга таянган, Венецияга эса авлиё Марк қараган. Қувур тозаловчиларга авлиё Флориан мадад бўлган, солиқ йиғувчиларни эса авлиё Матфей муаммолардан халос этиб турган. Бош оғриғидан азият чекаётганда авлиё Агапияга, тиш оғриғида эса унга эмас, балки авлиё Аполлонияга мурожаат қилиш керак.

Насронийлик авлиёлари бутпарастлик худоларига шунчаки ўхшашмайди – улар шу худоларнинг янги образларидир. Мисол учун, насронийлик кириб келишидан аввал ирландиялик келтларда олий маъбуда Бригид бўлган. Шаҳарни насронийлик динига ўтказишаётган пайтида, Бригидни ҳам чўқинтиришди ва эндиликда католик Ирландияда энг ҳурмат қилинадиган авлиё Бригидга айлантиришди.

Эзгулик ва ёвузлик жанги

Бутпарастлик нафақат монотеистик, балки дуалистик динларни ҳам келтириб чиқарди. Дуализм икки қарама-қарши кучни – ёвузлик ва эзгуликни тан олади. Монотеистлардан фарқли ўлароқ, дуалистлар ёвузликни раҳмдил худо яратмаган ва яратувчига бўйсунмайдиган мустақил куч деб ҳисоблашган. Дуализм оламни эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги жанг майдонига айлантиради ва жамики содир бўлаётган ишларни шу жанг билан тушунтиради.

Дуализм жозибали дунёқараш бўлиб чиқди. Чунки у таниқли ёвузлик муаммоси бўлган “Ёвузлик қаердан келади? Изтироб-чи? Нега яхши одамлар бахтсизликка йўлиқадилар?” каби инсониятнинг асосий саволларидан бирига оддий ва ишонарли жавоб беради. Ҳар нарсани биладиган, ҳар нарсага қодир ва эзгу Худо нега бунчалик кўп ёвузлик ва кулфатларга йўл қўйиб берганини тушунтириш учун монотеистларга жуда мураккаб ақлий топқирлик керак бўлди. Тушунтириш сифатида ирода эркинлиги тушунчаси энг ўрнашганидир. Агар ёвузлик бўлмаганида, одамда ахлоқий танлов бўлмасди ва шу билан

ирода эркинлиги ҳам бўлмасди. Аммо бундай жавоб аниқ равшан эмас ва ўнлаб янги саволларни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, ирода эркинлиги ёмонлик танловига йўл қўяди. Кўплаб одамлар ёвузликни танлайди, кейин эса монотеистик тизимда одатда юқоридан жазо эргашади. Агар Худо азалдан шу одам ирода эркинлигини ёвузлик йўлида ишлатишини, абадий азобга маҳкум этилганини билса, унда умуман бу бечорани У нега яратган? Илоҳиётшунослар бу саволларга жавоб излаб кўплаб китоблар ёзишган. Баъзилар жавобларни ишонарли дейди, бошқалар эса – йўқ. Лекин ёвузлик муаммосини монотеистлар бошқара олиши осон эмаслиги кундек равшан.

Дуалист учун эса бу ҳеч нарса қилмасликдек гап. Дунёни ҳар нарсани билгувчи, ҳар нарсага қодир ва эзгу Худо бошқармаганлиги учун яхши одамлар билан ёмонликлар содир бўлади. Дунёда Худодан мустақил равишда ёвузлик изғиб юради. Мана шу ёвузлик мусибатларни яратади. Оддий ва ишонарли тушунтириш, ҳаттоки монотеистлар ҳам беихтиёр шунга бўйсуняшади. Катта сонли насроний, мусулмон, яҳудийлар ёвузликнинг қудратини тан олишади – насронийлар уни эркин ҳаракатлана оладиган иблис, шайтон деб аташади, у Худога қарши курашади ва Худонинг рухсатисиз ҳар хил номаъқул ишлар қилади. Аммо қандай қилиб монотеист шу каби дуалистик тасаввурлар билан ёнма-ён юриши мумкин? Мантиқ нуқтаи назаридан қаралганда, улар монотеизм билан умуман мос келмайди: ё ҳар нарсага қодир ягона Худога, ёки бир-бири билан курашувчи, ҳеч бири ҳар нарсага қодир бўлмаган икки кучга ишонасиз. Аммо инсон мос келмайдиган нарсаларни бир-бирига боғлай оладиган ажойиб қобилиятга эга. Айнан шунинг учун ҳам миллионлаб тақводор насроний, мусулмон ва яҳудийлар бир вақтнинг ўзида ҳам ҳар нарсага қодир Худо ва мустақил шайтонга ишонишларининг ажабланарли тарафи йўқ.

Дуализмнинг ўзига яраша камчиликлари мавжуд. Албатта, ёвузлик муаммосини бу дин осон ва оддий ҳал қила олади. Лекин бошқа бир муаммо – тартиб пайдо бўлади. Агар дунёда икки куч бир-бирига қарама-қарши бўлса, ушбу кураш қоидаларини ким ўрнатган? Мисол учун, икки давлат урушга қўшилиши мумкин, чунки улар бир макон ва замонда жойлашган ва бир хил табиат қонунларига бўйсуняшади. Покистондан учирилган ракета Ҳиндистон худудидаги нишонга икки давлат учун ҳам умумий ҳисобланган физика қонунлари туфайли аниқ тушади. Бироқ Эзгулик Ёвузлик билан курашаётганида, улар қайси умумий қонунларга бўйсуняди ва ким ушбу қонунларни уларга белгилаб берган?

Дуалистлар ёвузлик муаммосини тушунтиради, аммо тартиб муаммосини уддалай олишмайди. Монотеистлар тартиб муаммосини ҳал этишди, лекин ёвузлик муаммосига йўлиқишди.

Топишмоқнинг мантиқий жавоби мавжуд: ягона, ҳар нарсага қодир Худо, олам яратувчиси ва шу билан ёвуз Худо борлигини тахмин қилиш мумкин. Бироқ тарихда ҳали ҳеч ким бундай фаразни илгари сурмаган.

Дуалистик динлар минг йиллардан ортиқ гуллаб яшнаган. Милоддан аввалги 1500-1000 йиллар орасидаги қайсидир бир пайтда Марказий Осиёда пайғамбар Зардушт (Заратустра) пайдо бўлган. Унинг таълимоти авлоддан авлодга ўтказилган ва дуалистик динлар орасидаги энг таниқлиси – зардуштийликка айланган. Зардуштийлар дунёга эзгу Худо Ахурамазда ва ёвуз Ахриман ўртасидаги умумкосмик жанг деб карашган.

Одамлар бу жангда эзгу куч тарафини олишган. Аҳамонийлар (милоддан аввалги 550-350 йиллар) форс империясида зардуштийлик муҳим рол ўйнаган ва кейинчалик Сосонийлар (милоддан аввалги 224-651 йиллар) форс империясида давлат динига айланган. Дуализмнинг бу тури кейинчалик Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёда пайдо бўлган динларга катта таъсир кўрсатган ва янги ўзгаришлар, шунингдек гностицизм ва монийликни келтириб чиқарган.

Милоддан аввалги III-IV асрларда монийлик ўрмон ёнғини тезлигида Хитойдан то Шимолий Африкага қадар тарқалган ва қайсидир пайтда Римда таниқлилик учун насронийлик билан курашган. Аммо монийлар мағлубиятга учраган: Римнинг жони насронийларга қолган, зардуштийликка амал қилган Сосонийлар империясини эса бошқа монотеистик дин ташувчилари – мусулмонлар забт этишган, дуализм ўз ўрнини йўқотган. Ҳозирги кунга қадар озгина дуалистик жамиятлар фақат Ҳиндистонда ва Яқин Шарқда сақланиб қолган.

Қандай бўлмасин, монотеизмнинг кучли босими дуализмни йўқ қилиб юбора олмади. Яҳудийлик, насронийлик ва ислом кўплаб дуалистик фараз ва маросимларни ўз ичига олган. Бу монотеистик динларнинг энг асосий фикрлари орасида дуалистик руҳидаги ва келиб чиқиши дуалистик бўлган тушунчаларни аниқлашимиз мумкин. Мисол учун Эски Аҳдда эзгу худога қарши курашадиган ёвуз худо йўқ. Бу яҳудийлик, насронийлик ва исломга шайтон тимсолида, одамлар эзгу худога душманларга қарши курашишда ёрдам бериши – салиб юришлари ва жиҳод ғоялари билан кириб келган.

Дуализмнинг бошқа, айниқса гностицизм учун муҳим бўлган ғояларидан бири – жон ва бадан, руҳ ва материя ўртасидаги қаттиқ қарама-қаршилиқдир. Гностик ва монийлар эзгу худо руҳ ва жонни, қолган барча моддий, шунингдек танани – ёвуз худо яратган деб ҳисоблашади. Инсон худди жон ва гуноҳкор тана учун жанг майдони сифатида кўрилган. Монотеизм учун бу бемаънилик: нега энди жон ва танани, материя ва руҳни ажратиш керак? Ва нима учун энди материя ва тана – бу гуноҳ экан? Аммо монотеистлар бундай дихотомиялар жозибаси остида қоларди, чунки улар ёвузлик муаммосида ёрдам берарди ва бундай қарама-қаршилиқлар тобора насронийлик ва мусулмонлик фалсафасининг асосий негизига айланиб борган. Эзгу худо салтанати ҳисобланган жаннат ва унинг ёвуз “эгизаги” ҳукмронлик қиладиган дўзахнинг ҳам келиб чиқиши дуализмга бориб тақалади. Эски аҳдда ўлимдан кейин инсон жони яшашда давом этишининг тасдиғи бўлмагани каби шунга ўхшаш фаразларнинг изи ҳам йўқ.

Аслида эса монотеизм монотеистик, дуалистик, политеистик ва анимистик этиқодларининг яккахудолик шиори остида ривожланган олабула аралашмасига ўхшайди. Оддий насроний кўпроқ ягона монотеистик худога, дуалистик иблисга, политеистик авлиёларга ва анимистик руҳларга ишонади. Дин тадқиқотчилари қарама-қаршиликларли ва ҳаттоки бир-бирини инкор этувчи фикрлар, маросимлар бирикмалари ва турли маданият амалиётларини синкретизм деб аташади. Синкретизм ягона ва энг катта дин бўлиши ҳам мумкин.

Табиат қонуни

Шу вақтгача гапирилган барча динларнинг битта умумий хислати бор: бу худоларга ва бошқа ғайритабиий мавжудотларга ишониш. Монотеистик ва политеистик динларга кўникиб қолган ғарблик одам буни тушуна олади, бироқ аслида динлар тарихи худолар тақдирига тўғри келмайди. Милоддан аввалги I минг йилликда Евросиёда диннинг ўзгача турлари: Ҳиндистонда жайнизм ва буддизм, Хитойда даосизм ва конфуцийлик, Ўртаер денгизи хавзасида стоицизм, кинизм, эпикуреизм тарқала бошлаган.

Бу динлар дунёни бошқарадиган ғайриинсоний тартиб илоҳий ирода ёки инжиқликдан эмас, балки табиат қонунларидан яралган деб айтишган. “Табиий” динларнинг баъзилари худолар мавжуд бўлишига йўл қўйган, лекин худолар одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар билан тенг равишда табиат қонунларига бўйсунган. Биосистемада худоларга филлар ва жайралар каби токча ажратилган ва табиат қонунларига филлар ва жайралардан ортиқ таъсир кўрсата олмаган. Бундай дунёқарашнинг энг ёруғ намунаси ҳанузгача асосий динлардан бири бўлиб келаётган буддизмдир.

Буддизмда асосий рол худога эмас, Сидхарта Гаутама исмли одамга қаратилган. Буддавийлик урф-одатларига кўра мил аввалги 500 йилда туғилган Гаутама кичик Ҳимолай қироллигининг шаҳзодаси бўлган. Инсоннинг туганмас азоблари ёш шаҳзодага чуқур таъсир қилади. У ҳар ерда аёллар ва эркаклар, болалар ва қариялар нафақат табиий офатлардан азият чекаётганини, балки хавотир ва умидсизликдан азобланаётганини кўради. Буларнинг барчаси қочиб бўлмас тақдирдек туюларди. Одамлар бойлик ва ҳукмронликка интилар, билим ва мулк олар, ўғил ва қизларни дунёга келтирар, уйлар ва саройлар қуради. Бир миллион йиғдимми? Икки миллион хоҳлайман. Икки миллион йиғдимми? Ўн миллион. Ҳаттоки энг бой таниқли одамлар ҳам ҳаётдан завқланишни билмайди. Уларга сон саноксиз ташвишлар ва хавотир токи касаллик, қарилик ёки ўлим ҳаммасига нуқта қўймагунича азоблайверади. Ва ўша пайт инсоннинг барча йиққанлари тутундек йўқ бўлиб кетади. Ҳаёт – маъносиз каламуш пойгаси. Нима қилиш керак ва қандай қутулиш керак?

Инсон азоб-уқубатларининг доирасидан чиқиш йўлини излаб, 29 ёшли Гаутама оиласи ва бойликларидан воз кечиб кечаси саройдан яширинча чиқиб кетади. У кўплаб ашрамларда бўлган, гурулар этагида ўтирган, турли методологияларни синаб кўрган, аммо уларнинг ҳеч бири уни охиригача озод қила олмаган ва доимо қоникмаслик ҳисси бўлган.

Гаутама таслим бўлмаган. У ўзи мустақил равишда азоб-уқубат табиати ичига кириб бориб, тўлиқ озодликка йўл топишга қарор қилади. У олти йил давомида моҳият, сабаблар ва инсоний азоблардан фориг бўлиш илинжида медитация қилган. Натижада у азоблар на бало-қазодан, на ижтимоий адолатсизликдан ва на худолар инжикликларидан пайдо бўлган деган қарорга келади. Азобларнинг манбаси идрокда ўрнатилган аниқ хулқ моделидир. Гаутама, онг деярли ҳар бир тажрибага янги истаклар билан жавоб бериши, истаклар эса қоникмасликни келтириб чиқаришини англаган. Агар туйғулар ёқимли бўлса, онг яна хоҳлайди. Агар туйғулар ёқимсиз бўлса, онг уни безовта қилаётган туйғудан қутулишга ҳаракат қилади. Натижада эса, онг ҳеч қачон қоникмайди, ҳар доим хавотирда бўлади. Биз қандайдир бир ёқимсиз нарсаларни, масалан, оғриқни бошдан ўтказаятганимизда, токи оғриқ қолмагунгача биз ташвишланамиз ва турли йўллар билан ундан қутулишга ҳаракат қиламиз. Бироқ, завқ ҳам бизга тинчлик бермайди – биз ё унинг тугаб қолишидан кўрқамиз ёки кўпроғини орзу қиламиз. Одамлар йиллар давомида ўз севгисини қидиради ва деярли ҳеч қачон топганидан қувонмайди: баъзилар улар севгисининг объекти уларни ташлаб кетишидан хавотирга тушади, бошқалар эса ундан яхшироғини топиши мумкин бўлганлигидан афсусланишади. Иккала сабаб деб ҳам хавотирланадиганлар ҳам бор.

Буюк худолар ёмғир юборишлари мумкин, ижтимоий институтлар адолат ва соғлиқни сақлашни таъминлайди, омадли воқеа камбағални миллионерга айлантиради, аммо онгда мавжуд бўлган стереотиплар ўзгармайди, шунинг учун ҳам буюк кироллар азоб ва қайғудан қочиш, пойгада кўпроқ бахт олиб қолиш илинжида доимо кўрқувда яшашади.

Гаутама силсиладан чиқиш йўлини топди. Агар нарсаларни борлигича қабул қилишни ўргансак, азоб йўқолади. Агар қайғуни ҳис қилсангизу, ундан тезроқ қутулишни истамасангиз, қайғу қолади, аммо ундан сиз азобланмайсиз. Аксинча, сиз ундан хазина топасиз. Ва агар қувончни ҳис этиб, уни кучайтириш ёки узайтириш учун бирор нарса қилмасангиз, унда сиз руҳий хотиржамликни йўқотмасдан қувониб юраверасиз.

Аммо қандай қилиб онги яхшини ва ёмонни истаклар қийноғисиз қабул қилишни ўргатиш мумкин? Оғриқни оғриқ, қувончни қувонч, ғамни ғам сифатида қабул қилишни-чи? Гаутама медитация техникасини ишлаб чиқди – яъни онгнинг воқеликни борича, хавотирларсиз қабул қилиши машқи. Ушбу амалиётлар инсонга ўз эътиборини тўлиқ “Ҳозир нимани ҳис этишни истардим?” саволига эмас, балки “Ҳозир нимани ҳис этияпман?” саволига қаратишни ўргатади. Бундай ҳолатга эришиш осон эмас, аммо имконсиз ҳам эмас.

Одамларга хавотир ва хаёлларсиз актуал саволларга диққатини қаратиши учун Гаутама медитацион техника асосларига ахлоқий постулатлар тўпламини асос қилган. У ўзининг издошларига қотиллик, бузукчилик ва ўғрилиқдан ўзини олиб қочишни буюрган, чунки бундай қилғилиқлар ёмон эҳтиросларга (хукмронликка, жинсий роҳатга, бойликка ва ҳ.к) сабаб бўлади. Қачонки эҳтирослар олови ўчгандагина, тўлиқ қоникшиш ва роҳат, нирвана (бу

сўзнинг том маъноси – “олов ўчиши” дегани) келади. Нирванага эришганлар азобдан бутунлай фориғ бўлишган. Кўнгилсизликлар ва оғриқлар уларга ҳали ҳам таҳдид қилади, аммо бу тажриба уларни бахтсиз қилолмайди. Ҳеч нарса истамаган инсон, азобларга чидамайди. Буддавийлик анъаналарига кўра Гаутаманинг ўзи нирванага эришган ва бутунлай азоблардан фориғ бўлган. У ўша пайтдан бошлаб “будда”, “маърифатли” деб улуғланади. Будда умрининг қолган қисмини шогирдларига ўзининг ихтироларини тушунтиришга ва барча одамларни азоблардан қутқаришга сарфлаган. У ўз таълимотини бир қонунга олиб борган: азоб-уқубатлар ўчликдан пайдо бўлади; азоб-уқубатлардан буткул озод бўлиш учун исташни тўхтатмоқ керак, истаклардан озод бўлиш учун эса онгни воқеликни қандай бўлса, шундай қабул қилишга ўргатиш керак.

Бу қонунни (“дхарма қонуни”) буддавийлар коинотнинг универсал принципи деб ҳисоблашади. “Азоб-уқубат истаклардан келиб чиқади” тушунчаси ҳар доим ва ҳар ерда тўғри, худди замонавий физикада $E=mc^2$ тенгламаси ҳар қачон ва ҳар ерда тўғри бўлгани каби. Буддавийлар – ушбу қонун тарафдорлари, қонун улар учун барча қоидалар ва ҳаракатлар концентрацияси. Худолар эса уларга алоҳида аҳамиятга эга эмас. Монотеизмнинг илк принципи: “Худо бор. У мендан нима истайди?” дейди. Буддизмнинг илк принципи эса бошқача шаклланади: “Азоб-уқубат мавжуд. Ундан қандай озод бўлиш мумкин?”

Буддизм худолар мавжудлигини инкор этмайди: ёмғир ёки ғолиблик берувчи олий мавжудотлар бор, аммо улар табиат қонунларига таъсир кўрсатмайди. Аган инсон руҳи истаклардан фориғ бўлса, ҳеч қайси бир худо уни бахтсиз қила олмайди, аксинча: жонга истак кириши билан оламдаги барча худолар ҳам бу одамни азоб-уқубатлардан қутқара олмайди.

Лекин монотеистик динлар политеизм изларидан қутула олмагани каби, қадимги “табиат қонуни” динлари ҳам худоларга сиғинишни сақлаб қолган. Буддизм худолар мавжудлигини тан олади ва ёмғир ёки ғалаба бериш лаёқатини уларга топширади. Бу таълимот ўз олдига азоблардан бутунлай озод бўлишни мақсад қилиб қўйган ва у иқтисодий фаровонлик ёки сиёсий ҳукмронликка ўхшаган қарорларни излашни маслаҳат бермайди. Қолаверса 99,99% буддавийлар нирванага эришмайди ва агар унга кейинги ҳаётларида эришига умид қилсалар-да, ҳозирги ҳаётни дунёвий ишларга қўйиб беришади. Мос равишда улар тез-тез турли – Ҳиндистонда ҳиндулик, Тибетда бон ва Японияда синтоистик худоларга мурожаат қилишга мажбурдирлар.

Бундан ташқари вақт ўтиши билан буддавийлик мазҳаблари ўзларининг буддалар ва бодхистлар пантеонларини яратишди. Булар азоб-уқубатлардан озод бўлиши мумкин бўлган, лекин улар шафқат туфайли бундай имтиёздан воз кечишган ва сон саноксиз азоб-уқубат силсиласида қамалган сон-саноксиз одамлар ва ҳамда одам бўлмаган жонзотларга ёрдам беришда давом этишади. Буддавийлар худоларга эмас, балки илоҳийлашган маърифатли жонзотларга сиғинишади ва улардан нафақат нирванага эришишни, балки барча дунёвий ишларда ёрдам сўрашади. Шундай қилиб Шарқий Осиёнинг турли туманларидаги буддалар ва бодхиставалар ёмғир, эпидемияни тўхтатиш,

жангда ғалабага эришиш билан овора бўлишади ва эвазига дуо-ибодатлар, гул дасталари ва муаттар нарсалар, гуруч ва ширинликлар олишади.

Одамга сиғиниш

Сўнги уч минг йилликни кўпинча секуляризм даври деб аташади: динлар аста-секинлик билан ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Теистик динларга мувофиқ равишда, бу анча тўғрироқ, бироқ “табиат қонунлари” динлари билан аҳвол аксинча тус олади: айнан замонавий давр бутун тарих давомида мисли кўрилмаган миссионерлик ҳаракатларию энг қонли диний жанглардан-да йирик диний иштиёқ пайти бўлди. Замонавий даврга келиб кўплаб янги “табиат қонунлари” динлари, либерализм, коммунизм, капитализм ва нацизм каби “дин”лар пайдо бўлди. Бу таълимотлар ўзларини дин деб аташларини ёқтиришмайди: гўёки улар мафкура эмиш. Аммо бу лингвистик нозиклик. Дин деб олий, инсоний бўлмаган тартибларга асосланган эътиқод нормалари ва кадр-қийматлари тизимни атар эканмиз, унда коммунизмни ҳам ислом каби дин деб ҳисоблашимиз керак.

Албатта, улар орасида аниқ фарқлар бор: ислом дунёни бошқараётган ғайриинсоний тартиб ҳар нарсага қодир Яратувчи томонидан ўрнатилганига ишонади, совет коммунистлари худоларга умуман ишонишмаган. Лекин буддизмнинг ҳам худолар билан деярли иши йўқ, шунга қарамасдан унинг таърифи дин таърифига мос келади. Буддистлар каби коммунистлар ҳам одамдан устун турадиган, бизнинг ҳаракатларимизни бошқарадиган табиий ва ўзгармас қонун борлигини тан олишган. Буддистлар бундай илк принцип ихтирочисини Гаутама дейишган, коммунистларда эса Карл Маркс, Фридрих Энгелс ва Владимир Ильич Ленинлар бўлган. Бу билан ўхшашлик йўқотилмайди. Бошқа динларга ўхшаб, коммунизм ҳам ўзининг илоҳий ва башоратли китобига эга: бу пролетариат ғалабаси тарихининг яқин якунини башорат қилган Маркснинг “Капитал” китобидир. Коммунистларда ҳам алоҳида байрамлари мавжуд – масалан Биринчи май ва Октябр инқилоби йиллиги. Ўзининг – марксист файласуф илоҳлари ҳам бор, - Совет армиясида эса аскарларнинг ва офицерларнинг руҳий ҳолатини кузатиб борган копеллан-комиссарлар хизмат қилган. Коммунизмнинг ўзининг шаҳидлари, муқаддас жанглари, ўзларининг сафсаталари (масалан, троцкизм) бўлган. Совет коммунизми ақидапараст миссионерлик дини бўлган. Коммунизм насронийлик, буддавийлик эътиқодларига мос келмаган, садоқатли коммунист Маркс инжилини тарқатилишига керак бўлса ўз ҳаёти эвазига ёрдам бериши керак бўлган.

Баъзи ўқувчилар бундай фикрлардан балки ўзларини ноқулай ҳис этаётгандирлар. Агар сизга шуниси қулай бўлса, коммунизмни дин эмас, мафкура деяқолинг – фарқсиз. Эътиқодни табиий қонунларга асосланган динларга, Худога интилишга ва худосиз мафкураларга бўламиз. Шунда изчилликлар учун буддизмнинг баъзи турларини, даосизм ва бардошли мазҳабларни динга эмас, балки мафкурага қўшишга мажбур бўламиз. Ва аксинча, худоларга ишонишлар кўплаб янги мафкураларда сақланиб

колинганини, ва уларнинг баъзилари – хусусан, либерализм – бундай эътиқодсиз оз маънога эга эканлигини эслатиб ўтамиз.

Барча замонавий динлар тарихини кўриб чиқиш битта бобга сиғмаган бўлар эди, қолаверса ҳар доим ҳам бу эътиқодлар орасидан аниқ чегара чизишнинг иложи бўлавермайди. Улар монотеизм ва замонавий буддизм каби синкретик. Буддавий ҳинду худоларига сиғингани каби ва монотеист иблис мавжудлигига йўл қўйгани каби замонавий америкалик ҳам ўзида миллатчилик (ўзига хос тарихий миссияга эга бўлган Америка миллати мавжудлигига ишонади), эркин бозор тарафдори (очиқ рақобат ва эгоистик қизиқишлар жамият ривожига энг яхши тарзда таъсир кўрсатишига ишонади), ва либерал гуманист (Яратгувчи барча одамларга ажралмас ҳуқуқ берганига ишонади)ликни бемалол ўзида жамлай олади. Миллатчилик ҳақида 18 бобда гаплашамиз; унинг ақидасининг асосий ҳолати ва маросимларини ўрганишга 16 бобни тўлиқ замонавий динлар орасида энг муваффақиятли бўлган – капитализмга берамиз.

Теистик динлар эътиборини худоларга сиғинишга қаратган (шунинг учун ҳам “теистик” дейилади, юнон. theos – “худо”). Гуманистик динлар одамни, аниқроғи Homo sapiensни улуғлашади. Гуманист Homo sapiensнинг ўзига хос ва илоҳий табиатига, бошқа ҳайвонлар ва бошқа табиат ҳодисаларидан тубдан фарқ қилишига ишонади. Homo sapiensнинг ўзига хос табиати гуманистлар учун дунёдаги ҳар нарсадан қадрлироқ. Буюк манфаат – Homo sapiens нуктаи назаридаги манфаатдир. Бутун дунё ва ундаги барча жонзотлар фақатгина шу тур учунгина мавжуд.

Барча гуманистлар инсониятга сиғинишади, аммо уни ҳар хил тушунишади. Худди насроний черковлар “Худо”нинг тўғри талқин қилиниши учун курашгандек, Гуманизм учта бир-бирига рақиб бўлган “инсоният” атамаси устида кескин тортишадиган. Ҳозирда гуманистларнинг асосий оқимини олий кадр-қимматни алоҳида одамда кўрадиган либерал гуманистлар ташкил этади. Либерал гуманистлар эътиқодига кўра, илоҳий инсоний табиат Homo sapiens турининг ҳар бир намоёнрасида бўлади. Инсон индивидининг бу ички моҳияти оламга маъно беради ва ҳар қандай маънавий ва сиёсий нуфузли одамга асл манба бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай ахлоқий ёки сиёсий масалани ҳал этаётганда, ўз жонимизга назар солишимиз керак, ички овозга – гуманизм овозига қулоқ солишимиз керак. Либерал гуманизмнинг асосий тамойили – ички овоз муқаддаслигини ҳар қандай ташқи ҳалал, ҳар қандай зўравонликдан ҳимоя қилишдир. Либерал гуманизмнинг вазифалари мажмуи эса “Инсон ҳуқуқлари” деб номланади.

Шу жумладан, айнан шунинг учун ҳам либераллар қийноқлар ва ўлим жазосига қарши чиқишади. Замонавий Европа бўсағасида қотиллар космик мувозанатни бузишади деб ҳисоблашган ва мувозанатни тиклаш учун уларни қийнаш ва омма олдида – ҳамма тартиб қандай тикланаётганини кўриши учун қатл қилишган. Шекспир ва Мольер замондошлари қонли томошани кўриш учун Лондон ёки Париж марказларига югуришган. Замонавий Европада

котиллик инсоннинг муқаддас табиатига суиқасд сифатида эътироф этилади. Олам тартибини нишонлаш учун европаликлар энди жинойтчиларни қийнашмайди ва қатл этишмайди. Улар “инсоний” жазолардан қочишади, ва шу тарзда уни ҳимоя қилишади, ва баъзида эса жинойтчининг ўз инсоний табиати муқаддаслигини тиклашади. Инсон табиатини ҳаттоки жинойтчида ҳурмат қила туриб, замонавий гуманизм табиатнинг муқаддаслигини барчага эслатади, шу тарзда олам тартибини тиклашади. Жинойтчини ҳимоя қила туриб, биз жинойтчи томонидан бузилган нарсаларни тўғрилаймиз.



Инсон табиатини ёритиб бериб, либерал гуманизм Худо борлигини инкор этмайди ва очикчасига монотеистик эътиқодга суянади. Инсон табиати муқаддаслигига, озодлигига либерал ишонч – анъанавий насронийликнинг озод ва абадий жон ҳақидаги тасаввурлари меросидир. Яратгувчига эътиқодни ва абадий жонни чиқариб ташлашингиз биланоқ, либералларга инсон шахсининг муқаддаслигини исботлаш жуда қийин бўлиб қолади.

Яна бир кучли мазҳаб – бу ижтимоий гуманизм. Социалистлар учун инсонийлик соҳиби алоҳида шахс эмас, балки жамоавийликдир. Улар ҳар бир инсон ички овозини эмас, балки бутун *Homo sapiens*ни муқаддас ҳисоблашади. Либерал гуманистлардан фарқли ўлароқ, ҳар бир инсон учун максимал озодликка эришган ижтимоий гуманизм озодликка эмас, тенгликка интилади. Тенгсизликни социалистлар гуноҳ деб қабул қилишади, сабаби тенгсизлик инсоннинг иккиламчи хусусиятларига инсоннинг универсал табиатига қараганда кўра кўпроқ мазмун беради. Мисол учун, агар бой одамлар камбағалларга қараганда кўпроқ имкониятларга эга бўлса, биз бойлар ва камбағаллар учун универсал бўлган инсоний табиатдан пулни баландроқ кадрлаган бўламиз.

Ижтимоий гуманизм, либерал гуманизм каби монотеистик асосларга кўмилган. Умумий тенглик – қадимий монотеистик таълимотнинг барча жонзотлар Худо олдида тенглигининг янги талқини. Монотеизм анъаналаридан узилган ягона гуманистик мазҳаб энг таниқли намояндалари нацистлар бўлган эволюцион гуманизм ҳисобланади. Бошқа гуманистик таълимотларга қараганда нацизм “инсоният”ни алоҳида тушуниши билан ажралиб туради.

Нацистларнинг фалсафасига эволюция назарияси катта таъсир кўрсатган. Бошқа гуманистлардан фарқли ўлароқ, нацистлар инсониятни универсал ва абадий деб ҳисоблашмаган, бироқ шу тур ўзгаришларга мойил ва ривожланиши ёки деградацияланиши мумкин деб тахмин қилишган. Одам кудратли одамга, ёки чала одамга айланиши мумкин. Нацистлар ўзларининг асосий мақсадларини инсониятни насл бузилишларидан сақлашда, прогрессив эволюциясига ёрдам беришда кўради. Айнан шунинг учун ҳам нацистлар инсониятнинг анча илғор ирқи ҳисобланган Аryan иркини эҳтиёт қилиш ва кўпайтириш керак деб ҳисоблаган, насли бузилган турни – яҳудийлар, лўлилар, гомосексуаллар, рухий касалларни – ажратилган ва ҳаттоки йўқ қилиб ташланишлари керак бўлган. Нацистлар айнан *Homo sapiens* тури маълум бир ибтидоий одамларнинг “олий” аҳолиси ривожланишни бошлаганда пайдо бўлган ва қолган “пастлари” (ўша неандерталлар) йўқ бўлиб

кетган деб тасдиқлашади. Дастлаб ушбу турли аҳолилар ҳар хил тур эмас, балки ирқ бўлишган, аммо бир-биридан мустақил равишда, ҳар бири ўз эволюцион йўлида ривожланган. Ва нацистлар фикрича, бу яна такрорланиши мумкин эди. Homo sapiens, улар тасдиқлаганидек, ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ирқларга бўлинган, энг яхшиси эса арий ирқи: гўзаллик, ақл-идрок, меҳнатсеварлик ва одоб-ахлоқ унга хосдир. Арий ирқи олий алланимага, илоҳга айланиши мумкин эди. Бошқа ирқлар – яҳудийлар, қора танлилар – булар анча ёмонроқ хусусиятларга эга бўлган замонавий неандерталлардир. Агар уларга кўпайишга, айниқса арийлар билан турмуш қуришга қўйиб берилса, унда улар ўзларининг ёмон генлари билан бутун Ер аҳолисини бузишади, ва Homo sapiens йўқолиб кетишга маҳкум бўлади.



Rasse

Нацистик деворий газета: ўнг тарафда “ирқий тоза арий”, чап тарафда “аралаш ирқ вакили”. Инсон танасига сигиниши ва паст ирқлар Homo sapiens турини бузиши ва ирқ бузилишига йўл қўйиб бериши олдидаги қўрқув яққол кўзга ташланади.


Биологлар нацизмнинг ирқий назариясини рад этган. 1945 йилдан кейин ўтказилган генетик изланишлар, турли одамлар орасидаги фарқ нацистлар тасдиқлаганидан анча камлигини кўрсатган. Аммо бу хулосалар энди янги маълумотлар шарофати билан чиқарилган, бироқ 1993 йилдаги илм-фан ҳолати нацистик назарияларни эҳтимолли қилиб берган. Ғарбий элиталар кўпчилиги даражага нисбатан фарқ қиладиган ирқлар мавжудлигига ва уларни эҳтиёт қилиш зарурлигига, қолаверса аллақандай олий ирқни ривожлантириш кераклилигига ишонишган. Энг нуфузли университетлар олимлари ўша вақтларда тан олинган илмий методлардан фойдаланган ҳолда, оқ танли ирқлар қора танлилар ва индейцлардан ақллироқ, ахлоқлироқ ва қобилиятлироқ эканлигини исботлашган. Вашингтондаги, Лондондаги ва Канберрадаги сиёсатчилар оқ танли ирқларни ирқий бузилишдан асраш, шу ўринда нафақат хитойликлар, балки италияликларни “арий давлатларга” –

яъни АҚШ ва Австралияга иммиграциясини чеклашни ўзларининг мажбуриятлари деб ҳисоблашган.

Қарашлардаги радикал ўзгаришларга нафақат янги илмий маълумотлар, балки муҳим ижтимоий ва сиёсий воқеалар ҳам сабаб бўлган. Гитлер қабри фақат ўзи учун эмас, бироқ бутун ирқий назария учун қазди. Иккинчи жаҳон урушини бошлаб, у ўзининг рақибларини “биз” ва “улар” тушунчалари орасидан аниқ чегара ўтказишга мажбур қилди. Айнан нацистлар ирқчиликни мафкурага айлантиргани учун, Гарбда ирқий назарияси обрўсизлашган эди. Гарчи тез бўлмаса-да, 1960 йилларга қадар оқ танлиларнинг устунлиги Америка сиёсатида ҳукмрон мафкура бўлиб қолди. Бошқа тана рангли эмигрантлар оқимини чекловчи “Оқ Австралия” сиёсати 1973 йилда бекор қилинди. Аборигенлар 1960 йилларга келибгина фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлишди, ва шунга қарамай уларни иккинчи нав бўлганликлари учун сайловларга қўйишмаган. Швеция руҳий касалликлар шифохонасидаги беморларни мажбурий стериллашган.

Нацистлар инсониятни ёмон кўришмаган. Улар айнан инсонга мафтун бўлганликлари учун ҳам либерал гуманизм, инсон ҳуқуқлари ва коммунизмга қари курашишган. Улар тур сифатида одамнинг катта қудратига ишонишган. Бироқ Дарвин мантиғи изидан юриб яроқсиз нусхаларни чиқариб ташлаб, кўпайиш учун сараларини қолдиришни табиий танловга қўйиб бериш керак деб тахмин қилишган. Уларнинг фикрича, энг заифларга нафақат тирик қолишига, балки кўпайишига имкон яратиб беришгани учун либерализм ва коммунизм эволюцияга халақит қилган. Чирган либерализм денгизида энг яроқли одам турларини заиф дегенератлар денгизи ювиб кетади. Инсоният токи қирилиб кетмагунча ҳар авлодда ирқий бузилаверади.

1942 йилда немис биология дарслигининг “Инсоният ва табиат қонунлари” бобида олий табиат қонуни барча тирик жонзотларни тириклик учун шафқатсиз жангга маҳкум этганини тушунтирган. Ўсимликларнинг ҳудуд учун курашиши, қўнғизларнинг урғочиси учун урушиши ҳақидаги ҳикояларидан сўнг китобда айтилишича: “Мавжудлик учун кураш шафқатсиз, лекин бу ҳаётни ушлаб туришнинг ягона йўли. Бу курашда барча яшаш учун яроқсизлари чиқариб юборилади ва барча яшаб қола оладиганлари қолади... Бу табиий қонунларни инкор этиб бўлмайди, барча тирик жонзотлар ўзларининг мавжудлиги далили билан бунни тасдиқлаб туради. Улар қатъийдирлар. Уларга қарши чиққан барча изсиз йўқолади. Биология бизга нафақат ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳақида балки, амал қилишимиз керак бўлган қонунларни ҳам кўрсатади, шу қонунларга мос равишда яшаш учун курашга иродани мустаҳкамлайди. Ҳаётнинг маъноси курашда ва ушбу қонунларга қарши гуноҳ қилганларнинг холи войдир”. Давомидан Mein Kampfдан иқтибос келтирилган: “Табиатнинг мустаҳкам мантиғига кимки қарши чиқса, у ўзининг инсон сифатида мавжудлигига қарздор бўлган тамойилларга қарши чиққан бўлади. Табиат қонунларига қарши чиқиш, ўзига ўлим келтириш демакдир”.



1933 йилги нацистик карикатура. Гитлер гайриинсонни яратаётган ҳайкалтарош образида кўрсатилган. Кўзойнакли либерал гайриинсон яратилиши учун керак бўлган шафқатсизликдан қўрқувга тушган. Яна бир бор одам танасининг эротик маишхурланишига эътибор беринг.

3 минг йиллик бўсағасида эволюцион гуманизмнинг келажаги туманли бўлиб қолди. Гитлерга қарши кечган уруш тугаганидан кейин олтимиш йил давомида гуманизм ва эволюция тушунчаларини боғлаш ва Homo sapiensни гайриинсонга айлантиришнинг биологик методларини таклиф этиш ножоиз туюларди. Ҳозирда эса шунга ўхшаш лойиҳалар яна одат тусига кирди. Албатта, ҳеч ким паст ирқларни ёки бемор одамларни қириб юбориш ҳақида гапирмайди, аммо кўпчилик одам табиати ҳақида тўпланган билимлардан фойдаланган ҳолда гайриинсоний мавжудотни яратишни хоҳлайди.

Либерал гуманизм бурчлари ва биологиянинг энг сўнги ихтиролари орасидаги жарлик бир вақтнинг ўзида кенгайиб бормоқда. Бу жарликни пайқамасликнинг энди иложи йўқ. Либерал тизим – сиёсий, ҳуқуқий тизимлар ҳам ҳар бир индивид муқаддас, ажралмас ва ўзгармас, оламга маъно бағишлайдиган ички моҳиятга эга ва ҳар қандай маънавий ва сиёсий обрў учун манба бўлади деган эътиқод тизимига асосланган. Бу ҳар кимда бўлган озод ва абадий жонга ишонадиган анъанавий насронийлик эътиқодининг акс-садосидир. Бироқ сўнги икки юз йилда бу эътиқод анчагина иккиланиб қолди. Одам организминини ўрганувчи олимлар ундан жон (рух)ни топа олишмади. Инсон хулқи ирода эркинлигидан кўра гормон, ген ва синапслар – худди шимпанзе, бўри ва чумолилар хулқини белгилайдиган омиллар томонидан белгиланади. Бизнинг суд ва сиёсий тизимимиз ёқимсиз ҳақиқатларни гилам остига супуриб ташлашга ҳаракат қиляпти. Аммо биология бўлимини қонун

ва сиёсий илм бўлимидан ажратган қулаб тушаётган девор қачонгача тура оларкин?

13.

Муваффақият сир

Савдо-сотик, империялар ва бутунжаҳон динлари барча қитъалар аҳолисини қадам-бақадам биз истиқомат қилаётган ҳозирги глобал дунёга бирлаштирди. Экспансия ва бирлашиш жараёни бир чизиқли ва тўхтовсиз бўлмаган. Лекин, умумий қилиб айтганда, кўплаб кичик тамаддунларнинг бир нечта катта ва ягона бутунжаҳон ҳамжамиятига бирлашиши инсоният ривожланиши тарихининг қочиб бўлмас натижаси бўлган десак, янглишмаймиз. Бу натижадан қочиб бўлмаслигини таъкидлаш билан глобал ҳамжамият қандай бўлса шундай яралиши керак эди, демоқчи эмасмиз. Бошқача вариантларни ҳам тасаввур қилиб кўриш мумкин.

Нима учун айнан инглиз тили энг кенг тарқалган тил, нега Дания тили эмас? Нима учун дунёда икки миллиард христиан ва 1.4 миллиард мусулмон, лекин атиги 150 минг зардуштий бор, монийлар эса умуман йўқ? Агар тасмани ўн минг йил орқага қайтарсак ва бу жараённи қайта бошласак, яна, албатта, дуализмнинг қулаши ва монотеизмнинг кучайиши содир бўладими? Бундай тажриба ўтказиш бизнинг қўлимиздан келмайди, шунинг учун бу саволларга жавоб ололмаймиз. Аммо тарихнинг икки муҳим хоссасини ўрганиш бизга айрим нарсаларни тушунтириб бера олади.

“Қайтар истиқбол” қопқони

Тарихдаги ҳар бир нуқта маълум бир айрилиш жойи ҳисобланади. Қадимдан ҳозирги кунгача босиб ўтилган фақат битта йўл бор, лекин мана шу дақиқадан келажакка қараб мириадлар кетади. Бу йўлларнинг айримлари тўғри ва кенг, уларга қулай қилиб белгилар қўйиб чиқилган ва шунинг учун катта эҳтимоллик билан инсоният айнан шу йўллардан юради. Лекин шундай ҳолатлар ҳам бўладик, тарих (ёки тарихни яратадиган шахс) бу йўлни “бошқа тараф”га буриб юборади. Эрамизнинг IV асрида Рим империяси кўплаб динлардан бирини танлаши, шунингдек, турфа хил бўлган анъанавий политеизмга ёпишиб олиши мумкин эди. Аммо император Константин юз йиллаб давом етган фуқаролик урушини кузатиб, аниқ формулировкаланган докторинага эга дингина этник жиҳатдан ранг-баранг бўлган салтанатни бирлаштира олади деган қарорга келган. Миллий дин сифатида ўз замонасининг актуал динлари – монийлик, митраизм, Изидага ёки Кибелага сиғинишни, зардуштийликни, иудаизм ва ҳаттоки буддизмни танлаши мумкин эди.

Нима учун у барча худолар ичидан Исони танлади? Христианликка уни нимадир олиб келдими ёки бу диннинг қайсидир параметрлари унинг мақсадлари учун мос эдими? Константин учун бу дин янгилик бўлганми ёки яқин маслаҳатчиларидан кимдир унга христианлик тез тарқалаётгани ва

яхшиси кеч бўлмасидан шу поездга чиқиб қолиш керак деб шипшитиб кўйганми? Ёки ҳамма гап Константиннинг онаси чўқинганида ва Константин ҳам онасидан ўрناق олмаса, унга тинчлик келмаслигини тушунганидамикан? Тарихчилар христиан дини қандай қилиб Рим империясини кўлга олганлиги ҳақида гапириб бериши мумкин, лекин улар нима учун айнан шу динда бундай имконият пайдо бўлганлигини тушунтириб бера олишмайди. “Қандай” ва “нима учун” ҳақидаги хикояларнинг ўртасидаги фарқ нимада? Улардан биринчиси бир нуқтадан бошқасига борувчи ҳодисалар кетма-кетлигининг реконструкциясини аниқлатади. “Нима учун?”ни тушунтириш эса сабаб-оқибат муносабатларини топиб, нима учун бошқа эмас, айнан шу воқеалар занжири юз берганини аниқлашдан иборат бўлади.

Айрим олимлар христианликнинг ривож топиши каби ҳодисаларни детерминистик тушунтирмоқчи бўлади. Улар инсоният тарихига биологик, экологик ва ёки иқтисодий кучларнинг таъсири бўлганлигини уқтиришга уринишади. Уларнинг фикрича, аллақандай Рим Ўртаер денгизининг географик, генетик ёки иқтисодий омили, монотеистик диннинг ёйилишини муқаррар қилиб кўйган. Кўплаб тарихчилар эса бундай гипотезаларга скептик нигоҳ билан қарайди. Академик тарихнинг ўзига хослиги шунда – тарихий даврни қанчалик яхши билсанг, ҳаммаси нима учун айнан шундай юз берганини тушунтириб бериш шунчалик қийинлашади. Бу давр ҳақида юзаки билимга эга бўлганлар эса одатда юз берганидан бошқа имкониятларни пайқамайди ва бу вазиятдан бошқа чиқиш йўли йўқдек соддалаштирилган сюжет ҳақида гапира бошлайди. Давр ҳақида тушунчага эга инсоннинг эса тарих нима учундир сақлаб қолган бошқа йўллардан ҳам хабари бор. Вазият ҳақида тушунчага эга бўлиши керак бўлганлар – шу даврда яшаган инсонлар – аслида умуман унинг фарқига боришмаган. Константин даврида яшаган римлик келажакни куюқ тумандай кўрган. Тарихнинг метин қонуни: орқада қочиб бўлмасдек туюлган нарса ўз вақтида ундай кўринмайди. Ҳеч бўлмаганда ҳозирги кунни олайлик. Биз глобал иқтисодий инқироздан чиқдикми ёки олдинда ундан ҳам баттарроғи турибдими? Хитой олий ҳукумронликка эришмагунча шу темпда ўсишда давом этадими? Қўшма Штатлар гегемонликни йўқотадими? Монотеистик фундаментализмнинг кўтарилиши – бўлажак бўроннинг хабарчисими ёки узоқ муддатли истикболда аҳамиятга эга бўлмаган мавжланишми? Бизни экологик ҳалокат кутиб турибдими ёки технологик жаннат?

Ишонарли далилларни бирдан бошқасига, ҳаттоки учинчи версияга ҳам келтириш мумкин, лекин аниғини ҳеч ким билолмайди. Бир неча ўн йиллардан кейин одамлар тарихга назар солади ва жавоб оддий бўлганлигини айтадилар. Баъзан ҳозирги кунда яшайдиганлар учун юз бериш эҳтимоллиги кам бўлган алтернатив вариант юз беришини тушуниш муҳим саналади. 306 йил Константин тахтга келган вақтда христианлик шарқий секталардан бири эди холос ва кимдир уни империянинг давлат динига айланишини айтганда, бу худди ҳозирги кунда кимдир 2050 йилга бориб АҚШнинг давлат дини

кришнаизм бўлади дегани каби кулги уйғотарди. 1913 йилнинг октябр ойида болшевиклар Россиядаги кичкинагина радикал партия эди. Соғлом фикрловчи бирорта инсон тўрт йилдан сўнг улар давлатни бошқаришини тахмин қила олмасди.

Араблар Атлантика океани ҳудудидан Ҳиндистонгача бўлган жойни босиб олиши ҳақидаги эрамининг 600 йилларидаги башорат тутуриқсиз туйиларди. Ва ҳақиқатан ҳам, Византия армияси арабларнинг биринчи хужумига дош бера олганда ислом, катта эҳтимоллик билан, бир сиқим маҳаллий араблар сиғинадиган дин сифатида қолган бўларди холос ва олимлар ҳеч қандай қийинчиликсиз Маккалик савдогарнинг башорати кенг тарқалиши учун имконияти бўлмаганлигини тушунтириб бера оларди. Албатта, ҳамма нарса юз бериши мумкин эмас. География, биология, иқтисодиёт ўзининг чекловларини қўяди. Лекин бу чекловларнинг ичида энг кутилмаган, ҳеч қандай қонунларга бўйсунмайдиган ҳодисалар учун жой қолади. Бунга ўхшаш ҳулоса тарихдаги детерминизмга кўниккан ўқувчининг ҳафсаласини пир қилади. Биз детерминизмга кўникканмиз, чунки, унинг уқтиришича, бизнинг дунё ва дунёқарашимиз – тарихнинг албатта юз берадиган ва табиий маҳсулоти. Националистик давлатларда табиий ҳолатда яшаш, иқтисодиётни капиталистик принциплар асосида қуриш – бу инсон ҳуқуқларини топташ. Тарихдаги детерминизмдан воз кечиш ҳозирги кунда национализм, капитализм ва инсон ҳуқуқларига ўрни келганда амал қилишмизни англатади. Тарихни детерминизм позициясидан туриб тушунтириб, олдиндан башорат қилиб бўлмайди, чунки у хаотик. Шунчалик кўп кучлар ўзаро алоқада бўлади ва биргаликда ҳаракат қиладики, бу кучлар қувватининг ва ўзаро муносабатининг озгина ўзгариши натижанинг бутунлай ўзгаришига олиб келади. Бундан ташқари, тарих – иккинчи даражали хаотик тизимдир. Биринчи даражали хаос ўзига нисбатан қилинган башоратларга реакция билдирмайди. Об-ҳаво биринчи даражали тизимга мисол бўлади. Миллионлаб омиллар унга таъсир ўтказиши, лекин шунда ҳам биз барча факторларни ҳисобга оладиган ва етарлича аниқ бўлган об-ҳаво маълумотларни берувчи компьютер моделини ярата оламиз. Иккинчи даражали хаос ўзи ҳақидаги башоратга реакция билдира олади ва шунинг учун унинг ривожланиш кетма-кетлигини аниқ башорат қилиш мумкин эмас. Масалан, бозор – иккинчи даражали хаотик система. Агар биз нефтнинг эрталик нархини юз фоиз аниқликда айтиб бера оладиган компьютер дастурини яратсак, нима юз беради? Нархлар шу заҳоти прогнозга реакция билдиради ва башорат амалга ошмай қолади.

Агар ҳозирги нарх бир баррел учун 90\$ бўлса ва хато қилмайдиган компьютер дастури унинг 100\$гача кўтарилишини айтиб берса, трейдерлар орадаги фарқдан фойда ишлаб олиш учун нефт сотиб олишни бошлайди, натижада нарх эртага эмас, балки ўша куннинг ўзида кўтарилиб кетади. Эртага нима юз беради? Буни ҳеч ким билмайди. Сиёсат ҳам иккинчи даражали хаотик тизимдир. Кўпчилик советшуносларни 1989 йилги революцияни олдиндан айтиб бера олмаганликда танқид қилишади, Яқин Шарқ бўйича мутахассисларни 2011 йилдаги Араб баҳорини кўздан қочиришгани учун сўкишади. Уларни адолатсиз қойишади: революциялар юз беришини

олдиндан айтиб бўлмайди. Олдиндан айтилган революция юз бермайди. Нима учун бундай? Тасаввур қиламиз: 2010 йил қайсидир сиёсат фанлари доҳийси қандайдир компьютер сеҳргари ёрдамида революцияни олдиндан айтиб берувчи дастурни яратди. Бу иккаласи Миср президенти Муборакка ўз хизматларини таклиф қиляпти, йирик гонорар олишяпти ва уларнинг прогнози бўйича яқин йилда Мисри революция кутяпти. Бунга Муборак қандай реакция билдиради?

Шубҳасиз, солиқларни камайтиради, халққа миллиардларни беради ва ҳар эҳтимолга қарши махфий полицияни жанговар ҳолатга келтириб қўяди. Бу профилактик чора тадбирлар иш беради – йил ўтади, революция эса юз бермайди. Муборак пулларини қайтаришни сўраяпти. “Сизларнинг алгоритмингиз ишламайди! – деяпти олимларга – Пулларимни беҳуда сарфлаганимдан кўра ўзимга янги қаср қурганим яхши эди”. “Лекин бу биз сизни огоҳлантирганимиз учун ҳам юз бермади”, – дейди олимлар. “Сизлар ҳали башоратлари амалга ошмайдиган пайғамбармисизлар? – Муборак мийиғида кулиб қўяди ва соқчиларига уларни ҳибсга олишни буюради. – Каир бозорида бунақаларнинг ўнтасини йиғиб олишим мумкин эди, яна арзимаган пулга”. Хўп, тарихни нега ўқиш керак? Физика ва иқтисодиётдан фарқли ўлароқ тарих олдиндан бирор нарсани айтиб беришни ўз бўйнига олмайди. Биз уни келажакда нима юз бериши мумкинлигини аниқлаш учун ўрганмаймиз, у бизга тасаввуримизни кенгайтириш, ҳозирги кунимиз табиий ва қочиб қутилиб бўлмайдиган эмаслигини англаб етиш учун керак. Демак, бизнинг олдимизда биз тахмин қилганимиздан ҳам кўпроқ йўллар бор.

Мисол учун, Африканинг босиб олинишини ўрганишга киришишимиз билан унда ҳеч қандай табиий ва албатта содир бўлиши керак бўлган нарсанинг йўқ эканлиги ҳақидаги хулосага келамиз ва воқеаларнинг бошқа ривожини бўлганда ҳозирги дунё бошқача кўринишга эга бўларди. Сўқир Клио Биз тарих воқеалар ривожининг йўлини қайси омилларга асосланиб танлашини тушунтириб беролмасак-да, унинг танловлари ҳақида шуни биламиз: тарих ривожланиш йўлларини инсоният манфаатларига асосланиб танламайди. Тарих ривожланавергани сайин инсоният янада фаровон яшаганини исботловчи ҳеч бир далил йўқ. Инсоният фаровонлиги учун манфаатли бўлган маданиятлар гуллаб яшнаган бир вақтда инсоният фаровонлигини кўзламайдиган маданиятлар қирлиб кетгани тўғрисида ҳам ҳеч бир исбот йўқ. Инсоният учун насронийлик монийликка қараганда яхшироқ ёки Араб халифалиги Сосонийлар империясига қараганда фойдалироқ танлов эканлигини исботловчи далиллар йўқ. Тарих бизнинг манфаатларимизга қараб ишлаши тўғрисида ҳеч бир далил йўқ, сабаби биз ҳатто манфаатни ўлчаб берувчи умумий объектив шкалага эга эмасмиз. Турли маданиятлар яхшиликни турлича изоҳлайдилар, улар орасидан тўғрисини танлаб берувчи объектив мезон йўқ. Ғолиблар ўзларини доимо ҳақ деб билганлар. Насронийлар уларнинг дини монийликни тугатгани инсоният учун фойдали бўлган деб ишонадилар, аммо насронийликка эътиқод қилмайдиганлар уларнинг фикрини тасдиқлаши учун ҳеч бир асос йўқ.

Муслмонлар Сосонийлар империяси бархам топгани инсоният учун фойдали бўлган деб ҳисоблайдилар.

Лекин бу фойдани сиз исломни қабул қилсангизгина сезасиз. Балки, ислом ва насронийлик умуман пайдо бўлмаганида ёки йўқолиб кетганида барчага яхши бўлармиди? Кўпчилик олимлар маданиятларни ақлий инфекция ёки паразит деб биладилар, инсон эса ўзи билмай туриб уларга мезбонлик қилади. Бу паразитлар бир хўжайиндан бошқасига ўтиб тарқалиб бораверар экан, ўз ўлжалари ҳисобига озикланади, уларни заифлаштиради ва ҳатто ўлдириши мумкин. Паразитлар учун энг муҳими, бошқа индивидга ўтгунларича уларни таъминлаб турсангиз бас, кейин ўлиб кетсангиз ҳам майли. Инсонлар миясида шаклланган маданият тамойиллари ҳам худди шу тартибда ишлайди. Бу ғоялар бир инсондан бошқаларига ўтиб уларни заифлаштириб боради, ҳатто ўлдириши мумкин. Насронийликдаги булутлар узра жаннатнинг бўлиши ёки ерда коммунистик жаннат қуриш каби ғояларга ишонтирадиган маданиятлар инсонни ҳаётини гаровга қўйиб бўлса-да, шу ғояларнинг тарқалиши учун хизмат қилишга мажбурлайди. Инсон ўлиб кетаверар, лекин ғоялар яшасин. Бу хулосалардан билиш мумкинки, марксистлар таъкидлаганидек, ғоялар оммани бошқариш илинжидаги инсонлар томонидан яратилгану, шунинг учун бу ғоялардан фақат омма азият чекади эмас, ғоялар паразит кабидир – қай организмга тушмасин, уни зарарлайверади. Бундай қараш одатда “меметика” дейилади. Худди органик эволюция органик маълумотларнинг бирлиги бўлмиш генларнинг репликациясига асосланганидек, меметика ҳам маданият эволюцияси ўз ғояларининг бирлиги бўлмиш “мем”ларнинг репликацияси орқали амалга ошади деб ҳисоблайди.

Инсониятга фойда берадими, йўқми, қайси маданият мемларини қанча кўп тарқатса, шу маданият бошқаларидан ғолиб келади. Бошқа бир гуруҳ гуманитар олимлар эса меметикани маданият жараёнларини тушунтириш учун хом биологик аналоглардан фойдаланилган ҳаваскорона тақлид деб биладилар. Аммо шу олимларнинг ўзи меметиканинг эгизи бўлган постмодернизмни ёқлайдилар. Постмодернист фикрловчилар маданиятнинг ғиштлари “мем” эмас, балки “дискурсия” деб биладилар. Лекин улар ҳам маданиятни инсон манфаатларини кўзламай ўз-ўзидан кўпайиб боради деб ҳисоблайдилар. Мисол учун, постмодернист фикрловчилар нацизмни XIX ва XX асрда тарқалган, урушларга, зулмга, нафрат ва геноцидга сабабчи бўлган вабо деб биладилар. Бир мамлакатда бу вирус тарқалиши биланок дарров қўшни мамлакатлар ҳам юқтириб олади. Нацистлик вирусини инсоният учун фойдалидек кўринган бўлса-да, у фақат ўз манфаатига хизмат қилган.

Бундай қарашлар ижтимоий фанларда “ўйин теорияси” номи остида мавжуд. Ўйин теорияси жамоавий ўйинларда системалар, қарашлар ва ахлоқ намуналари қандай қилиб илдиз отиш ва тарқалиш учун барча ўйинчиларни зарарлашини тушунтиради. Энг машҳур мисол бу қуроллар мусобақасидир. Кўпгина қурол мусобақалари иштирокчиларининг ҳарбий кучлари мувозанатини ҳеч қанча ўзгартирмай уларни хонавайрон қилади. Покистон охириги авлод аэропланларини сотиб олганида Ҳиндистон ҳам шундай қилади.

Ҳиндистон ўзининг ядровий қуроолларини ривожлантирганда Покистон ҳам ривожлантиради. Покистон ҳарбий денгиз флотини катталаштирса, Ҳиндистон ҳам худди шундай жавоб қайтаради. Охир-оқибат, бу икки давлат ўртасидаги олдинги ҳарбий кучлар мувозанати қандай бўлган бўлса, деярли ўзгармайди, лекин бу орада миллионлаб долларлар аҳоли саломатлиги ёки таълимга берилиши ўрнига ҳарбий қурооллар учун исроф қилинади. Қуроолланиш мусобақасига қаршилиқ қилиш қийин. Қурооллар мусобақаси ахлоқнинг бир тури бўлиб, у вирус каби бир давлатдан бошқасига ўтиб тарқалаверади, бунда у фақат ўз тараққиётини кўзлайди, унинг инсониятга ҳеч қандай фойдаси тегмайди. (Қурооллар мусобақаси ҳам худди генларга ўхшаб ўз тараққиёт йўлини онгли равишда танламайди. Бу жараён кучли ички динамика асосида кечади.) Ўйин теориясими, постмодернизм ёки меметика дебми, қандай атасангиз ҳам тарих динамикаси инсониятнинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилмайди.

Барча муваффақиятли маданиятлар Homo Sapiens учун керакли бўлган энг яхшилари дейишимиз учун ҳеч қандай асос йўқ. Худди эволюция каби тарих ҳам маълум бир индивиднинг фойдасини кўзламайди ва шу қаторда инсонлар ҳам худди шу индивидлар таркибида бўлиб, улар каби тарихни ўз фойдасига йўналтиролмайдиган даражада нодон ва заифдир. Тарих бир маданиятдан бошқасига бизга номаълум сабабларга кўра ўтиб бораверади. Эрамининг 1500 йилида тарих нафақат инсоният, балки бутун Ер сайёраси тақдирига дахлдор бўлган оламшумул танлов қилди. Биз буни илм-фан инқилоби деб атаймиз. Бу, аввало, Ғарбий Европа, Африка-осиёнинг ғарбида жойлашган тарихда бундан олдин аҳамият касб этмаган катта бир оролда пайдо бўлди. Нега илмий инқилоб айнан шу ерда туғилди, нега Хитой ёки Ҳиндистонда эмас? Нега бу айнан иккинчи мингйилликнинг ярмида содир бўлди, нега 2 аср олдин ёки 3 аср кейин эмас? Буни билмаймиз. Олимлар бу хусусда кўплаб теориялар таклиф этишган, аммо уларнинг бирортаси сопга илинадиган эмас.

Тарих катта миқёсдаги кенг имкониятларга эга ва уларнинг кўпини биз ҳеч қачон англаб етолмаймиз. Инсоният насронийлик, Рим империяси ва ёки олтин тангаларсиз яшай олганини ҳисобга олиб яна бир неча авлодлар илмий инқилобсиз ҳам яшашда давом этиши мумкинлиги тасаввур этиш қийин эмас.

4 қисм
ФАНДАГИ ИНҚИЛОБ



Аламогордо, 1945 йил 16 июл, 05:29:53. Биринчи атом бомбаси портлатилганидан саккиз сония кейин. Портлашни кўриб, физик олим Роберт Оппенхаймер [Бхагавадгитадан](#) иқтибос келтирди: “Энди мен ўлимга, дунёни вайрон қилувчига айландим”.

14.

Жоҳилиятнинг кашф этилиши

Айтайлик, испаниялик деҳқон милоддан аввалги 1000 йилда ухлаб қолган ва 500 йилдан кейин Нина, Пинта ва Санта-Мария шаҳарларига бостириб кирган Колумб денгизчилари олдида уйғонганида дунё унга жуда таниш туйилган бўлар эди. Технологиялар, одоб-ахлоқ ва сиёсий чегаралардаги кўплаб ўзгаришларга қарамай ўрта асрларнинг бу Рип Ван Уинкли ўзини уйидагидек ҳис қилган бўларди. Аммо агар Колумбнинг денгизчиларидан бири худди шундай аҳволга тушиб қолганида ва XXI аср “iPhone”ининг оҳангидан уйғонганида, у ўзини тушуниб бўлмайдиган даражада ғаройиб дунёга тушиб қолган ҳис қиларди. “Бу жаннатми?” - деб сўраган бўлиши мумкин эди у. – “Эҳтимол дўзахдир?”

Сўнгги 500 йил ичида инсон кучи феноменал ва мисли кўрилмаган даражада ўсди. 1500 йилда бутун дунёда 500 миллионга яқин Homo sapiens бор эди. Бугунги кунда уларнинг сони 7 миллиардга етган. Инсон томонидан 1500 йилда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг умумий қиймати долларда 250 миллиардга баҳоланмоқда. Бугунги кунда эса инсон ишлаб чиқаришининг бир йиллик қиймати 60 триллион долларга яқинлашяпти. 1500 йилда инсоният кунига 13 триллион калория энергия истеъмол қилган. Бугунги кунга келиб биз кунига 1500 триллион калорияли маҳсулот истеъмол қилмоқдамиз. (Ушбу рақамларга яна бир эътибор беринг – одамларнинг сони ўн тўрт баравар, ишлаб чиқариш 240 баравар, энергия истеъмоли эса 115 баравар ошган).

Фараз қилайлик, битта замонавий ҳарбий кема Колумб даврига қайтарилса. Бир неча сония ичида у Нина, Пинта ва Санта-Марияларни вайроналарга айлантириши ва кейин ўша замонанинг ҳар қандай буюк империясининг денгиз кучларини ўзининг ҳеч ери тилинмаган ҳолда сув остига ғарқ қилиши мумкин. Бутун қадимги дунё савдогар флотларининг барча юкларни бешта замонавий юк ташувчи кема кўтариб юриши мумкин эди. Замонавий компьютер ҳар қандай ўрта аср кутубхонасидаги барча кодекс китоблари ва ёзувларда бўлган ҳар бир сўз ва рақамни осонгина захирада жойи ортиб қолган ҳолда сақлаши мумкин эди. Бугунги кундаги ҳар қандай йирик банк дунёдаги барча қадимий кироликларнинг хазиналарини бир ерга тўплаганга қараганда кўпроқ пулга эга.

1500 йилда жуда кам шаҳарларда 100 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилган. Кўпгина бинолар лой, ёғоч ва сомондан қурилган; уч қаватли бинолар осмонўпар бино ҳисобланар эди. Пиёдалар, отлар, эчкилар, товуқлар ва аравалар босиб ўтган кўчалар ёзда чанг ва қишда лой излар билан тўлар эди. Энг одатий кундалик шаҳар шовқинлари бу одам ва ҳайвонларнинг овозлари, шунингдек, вақти-вақти билан эшитиладиган болға ва арра товушлари эди. Қуёш ботганда бутун шаҳар қоронғиликка чўмар, зим-зиё ичида айрим ерларда шунчаки шам ёки машъала милтиллаб турарди. Агар шундай

шаҳарнинг бир яшовчиси замонавий Токио, Нью-Ёрк ёки Мумбайни кўрса, нима деб ўйлаган бўларди?

XVI асрга қадар бирор бир одам ерни айланиб чиқмаган. Бу кўрсаткич 1522 йилда Магелланнинг экспедицияси 72000 километрлик саёҳатдан сўнг Испанияга қайтиб келиши билан ўзгарди. Саёҳат уч йил вақт олди ва Магеллан билан бирга деярли барча экипаж аъзоларининг ҳаётига зомин бўлди. 1873 йилда Жюл Верн бой британиялик авантюрачи Филеас Фогнинг саксон кун ичида бутун дунё бўйлаб саёҳат қила олишини тасаввур қилиши мумкин эди. Бугунги кунда ўртача даромадга эга бўлган ҳар бир киши қирқ саккиз соат ичида дунёни бемалол айланиб чиқиши мумкин.


1500 йилда одамлар ер юзи билангина чекланиб яшашган. Улар миноралар қуриб, тоғларга кўтарилишлари мумкин эди, аммо осмон қушлар, фаришталар ва худолар учун ажратилганди. 1969 йил 20 июл куни одамлар Ойга қўнишди. Бу нафақат тарихий ютуқ, балки эволюцион ва ҳатто космик даражадаги илдам қадам эди. Олдинги 4 миллиард йиллик эволюцияда ҳеч бир организм Ер атмосферасини тарқ эта олмади ва, шубҳасиз, ҳеч ким оёқ ёки панжа изларини Ой юзасида қолдира олмади.

Катта тарихий давр мобайнида одамлар сайёрадаги организмларнинг 99,99 фоизи ҳисобланган микроорганизмлар ҳақида ҳеч нарса билишмаган. Бунинг сабаби улар бизни қизиқтирмаганликларида эмас эди. Ҳар биримиз ичимизда миллиардлаб бир ҳужайрали жонзотларни кўтариб юрамиз ва улар организмимизда шунчаки текинга саёҳат қилувчилар эмаслар. Улар бизнинг энг яхши дўстларимиз ва ҳалокатли душманларимиздир. Уларнинг баъзилари овқатимизни ҳазм қилади ва ичакларимизни тозалайди, бошқалари касаллик ва юқумли инфекцияларни келтириб чиқаради. Фақат 1674 йилга келибгина инсон кўзлари микроорганизмларни биринчи марта кўрган эди, Антон Ван Лиуэнхоук уйида қурган микроскопдан қараб бир томчи сувда тебранаётган майда жонзотларнинг бутун оламини кўрганда ҳайрон қолди. Кейинги 300 йил давомида одамлар жуда кўплаб микроскопик организм турлари билан танишувни амалга оширдилар. Биз улар келтириб чиқарадиган энг хавфли юқумли касалликларни енгишга муваффақ бўлдик ва тиббиёт ва саноат хизматида микроорганизмлардан фойдаландик. Бугунги кунда биз бактерияларни дори-дармон саноати, биоёқилғи ишлаб чиқариш ва паразитларни ўлдириш учун яратамиз. Аммо сўнгги 500 йил ичидаги энг аҳамиятли ва ҳал қилувчи лаҳза 1945 йил 16 июл куни соат 05:29:45да содир бўлди. Айни ўша дақиқада америкалик олимлар биринчи атом бомбасини Аламогордо (Нью-Мексика)да портлатдилар. Ўша пайтдан бошлаб инсоният нафақат тарихни ўзгартириш, балки уни тугатиш қобилиятига ҳам эга чиқди.

Аламогордо ва Ойга олиб борган тарихий жараён “Илмий инқилоб” деб номланади. Ушбу инқилоб даврида инсоният илмий тадқиқотлар учун маблағ сарфлаш орқали жуда катта янги кучларга эга бўлди. Бу инқилобдир, чунки тахминан милoddан аввалги 1500 йилга қадар бутун дунё одамлари ўзларининг янги тиббий, ҳарбий ва иқтисодий кучларни эгаллаш имкониятларидан шубҳаланар эдилар. Ҳукумат ва бадавлат ҳомийлар таълим

ва стипендияларга маблағ ажратишган бўлса-да, умуман олганда, мақсад янгиларига эришиш эмас, мавжуд имкониятларни сақлаб қолиш бўлган. Оддий қадимги ҳукмдор руҳоний, файласуф ва шоирларга унинг ҳукмронлигини қонунийлаштириш ва ижтимоий тартибни сақлаб қолиш умидида пул берган. У улардан янги дори-дармонларнинг кашф этилишини, янги қуролларнинг ихтиро қилинишини ва ёки иқтисодий ўсишни рағбатлантиришларини кутмаган.

Сўнги беш аср давомида одамларда илмий тадқиқотларни сармоялаш орқали ўзларининг имкониятларини ошириш мумкинлигига ишонч тобора кучайиб борди. Бу шунчаки кўр-кўрона ишонч эмас эди – у бир неча бор амалда исботланганди. Бой одамлар ва ҳукуматлар илм-фанга кўпроқ маблағ сарфлашга тайёр эдилар. Биз бундай сармояларсиз ҳеч қачон Ойда юра олмасдик, микроорганизмлар бўйича муҳандислик қилиб, атомни иккига ажрата олмас эдик. Масалан, АҚШ ҳукумати сўнги ўн йилликларда ядро физикасини ўрганишга миллиардлаб доллар ажратди. Ушбу тадқиқот натижасида олинган билимлар Америка саноатини арзон электр энергияси билан таъминлайдиган атом электр станцияларини қуришга имкон берди, улар АҚШ ҳукуматига солиқ тўлашади, ушбу солиқларнинг бир қисми ядро физикасидаги кейинги тадқиқотларни молиялаштириш учун ишлатилади.



Илмий инқилобнинг айлана алоқаси. Илм-фан тараққиётга эришиш учун шунчаки изланишдан кўпроқ нарса талаб қилинади. Бу фан, сиёсат ва иқтисодиётнинг ўзаро таъминланишига боғлиқ. Сиёсий ва иқтисодий институтлар уларсиз илмий тадқиқотлар деярли имконсиз бўлиб қоладиган ресурслар билан таъминлайди. Бунинг эвазига илмий тадқиқотлар янги энергия турларини беради, шу қаторда улар янги манбаларни олиш учун фойдаланилади, уларнинг бир қисми тадқиқотга қайта инвестиция қилинади.

Нима учун замонавий одамлар тадқиқотлар орқали янги кучларни олиш қобилиятига бўлган ишончни кучайтирдилар? Илм, сиёсат ва иқтисодиёт ўртасидаги боғлиқлик нимага асос бўлди? Ушбу боб жавобнинг бир қисмини таъминлаш учун замонавий фаннинг ўзига хос хусусиятларига назар ташлайди. Кейинги иккита бобда фан, Европа империялари ва капитализм иқтисодиёти ўртасидаги иттифоқнинг шаклланиши кўриб чиқилади.

Ignoramus (Жоҳил)

Одамлар коинотни энг камида когнитив инқилобдан кейин тушунишга интилишди. Ота-боболаримиз табиий дунёни бошқарадиган қоидаларни кашф этишга кўп вақт ва куч сарфлашган. Аммо замонавий илм-фан олдинги анъанавий билимлардан урта муҳим жиҳати билан фарқланади:

1. Жаҳолатни тан олишга тайёрлик. Замонавий илм-фан лотинча “ignoramus” – “биз билмаймиз” иборасига асосланган. Бу биз ҳамма нарсани билмаслигимизни англатади. Янада танқидийроқ фикрласак, бу биз кўпроқ билиб борганимиз сари биз билган нарсалар нотўғри эканлиги исботланиши мумкинлигини тан олади. Ҳеч қандай тушунча, ғоя ёки назария муқаддас ва тағига етишга уринишлардан узоқда эмас.

2. Кузатиш ва математиканинг марказлилиги. Жаҳолатни тан олган замонавий илм-фан янги билимларни олишга интилмоқда. У буни кузатув натижаларини тўплаш ва кейин ушбу кузатувларни кенг қамровли назарияларга улаш учун математик воситалар ёрдамига асосланиб амалга оширади.

3. Янги ваколатларга эга бўлиш. Замонавий фан назарияларни яратиш билан кифояланмайди. У ушбу назариялардан янги кучларни олиш, хусусан, янги технологияларни ривожлантириш учун фойдаланади. Илмий инқилоб билимлар инқилоби эмас эди. Бу, энг аввало, жоҳиллик инқилоби бўлган. Илмий инқилобни бошлаган буюк кашфиёт одамлар ўзларининг энг муҳим саволларига жавобларни билмасликлари бўлди.

Ислом, насронийлик, буддизм ва конфуцийчилик каби илм-фаннинг қадимги анъаналари дунё ҳақида билиш муҳим бўлган барча нарсалар аллақачон маълум бўлган деб таъкидлар эди. Буюк худолар, ягона қудратли Худо ёки ўтмишдаги донишманд одамлар бизга оятлар ва оғзаки ривоятларда очиб берган улкан доноликка эга эдилар. Оддий одамлар ушбу қадимий матнларни ва урф-одатларни чуқур ўрганиш ва уларни тўғри тушуниш орқали билимга эга бўлдилар. Библия, Қуръон ёки ведалар коинотнинг муҳим сирини – тана ва қон мавжудотлари томонидан кашф этилиши мумкин бўлган сирни ўз ичига олмайди.

Қадимги илм-фан анъаналари фақат икки турдаги жоҳилликни тан олди. Биринчидан, инсон бирор бир муҳим нарсани билмаслиги мумкин. Керакли билимларни олиш учун у буни ўзидан донороқ инсондан сўраши керак. Ҳеч ким ҳанузгача билмаган нарсани кашф қилишнинг эса ҳожати йўқ эди. Масалан, агар XIII асрда Ёркшир қишлоғида яшаган бир деҳқон инсоният келиб чиқиши тарихини билмоқчи бўлса, бунга христианлик анъанавий билимлари аниқ жавоб беради дея тахмин қиларди. У бу ҳақда фақатгина

маҳаллий руҳонийдан сўраши мумкин эди, холос. Иккинчидан, урф-одат аҳамиятсиз нарсаларни билмаслиги мумкин. Таърифга кўра, буюк худолар ёки ўтмишдаги донишмандлар бизга айтиб бермаган нарсалар аҳамиятсиз эди. Масалан, бизнинг ёркширлик деҳқонимиз ўргимчак тўрларининг қандай тўкилишини билмоқчи бўлса, буни руҳонийдан сўраш бефойда эди, чунки Инжилнинг ҳеч бир ерида бу саволга жавоб йўқ эди. Бироқ бу насронийлик нуқсонли эканлигини англамасди. Аксинча, бу ўргимчак тўрларини қандай тўкишини тушунишнинг аҳамияти йўқлигини англади. Ахир ўргимчакларнинг буни қандай қилишини Худо жуда яхши билар эди. Агар бу инсониятнинг гуллаб яшнаши ва нажот топиши учун зарур бўлган муҳим маълумот бўлганида, Худо бунга Библияда батафсил изоҳ берар эди.

Христианлик одамларга ўргимчакларни ўрганишни тақиқламади. Аммо ўргимчак олимлари – агар ўрта асрларда Европада бирорта шундай киши бўлган бўлса – ўзларининг жамиятдаги юзаки ролини ва топилмалари насронийликнинг абадий ҳақиқатларига алоқадор эмаслигини қабул қилишлари керак эди. Олим қандай қилиб ўргимчаклар ёки капалаклар ёки Галапагос қушлари ҳақидаги билимларни кашф этмасин, бу арзимас нарса ҳисобланарди ва жамият, сиёсат ва иқтисодийнинг асосий ҳақиқатларига яқин бормас эди.

Аслида эса нарсалар ҳеч қачон бу қадар оддий бўлмаган. Ҳар бир асрда, ҳатто энг диндор ва консерватив асрларда ҳам, ўзларининг бутун урф-одатлари беҳабар бўлган муҳим нарсалар бор дея баҳслашган одамлар бўлган. Аммо бундай одамлар одатда четлатилган ёки таъқиб қилинган – акс ҳолда улар янги бир анъанага асос солишган ва билиш керак бўлган ҳамма нарсани билишлари ҳақида даъво қилишган. Масалан, Муҳаммад пайғамбар ўз диний фаолиятини араб замондошларини илоҳий ҳақиқатни билмасдан яшаганликда айблаб бошлаган. У ўзи ҳақиқатни жуда тез билгани ҳақида баҳслаша бошлади ва охир-оқибат издошлари уни “Пайғамбарларнинг муҳри“ деб чақира бошлади. Энди Муҳаммадга берилганларидан бошқа ваҳийларга эҳтиёж қолмади.

Замонавий илм-фан ноёб билим анъанасидир, чунки у энг муҳим саволларга жамоавий бепарволикни очиқчасига тан олади. Дарвин ҳеч қачон ўзининг “биологлар муҳри“ эканлиги ва ҳаёт сирини бутунлай ва батамом ҳал қилгани ҳақида баҳслашмаган. Йиллар давомида олиб борилган кенг қўламли илмий изланишлардан сўнг биологлар мия онгни қандай вужудга келтириши тўғрисида ҳали ҳам дуруст изоҳга эга эмасликларини тан олишди. Физиклар Катта портлашга нима сабаб бўлганини ёки квант механикасини умумий нисбийлик назарияси билан қандай яраштиришни билмасликларини тан олишди.

Бошқа ҳолларда рақобатдош илмий назариялар доимий равишда пайдо бўладиган янги далиллар асосида қизгин баҳс-мунозаралар олиб борадилар. Иқтисодийнинг энг яхши усулда бошқариш бўйича мунозаралар бунга яққол мисол бўла олади. Гарчи айрим иқтисодчилар ўзларининг услубларини энг яхши деб ҳисобласалар-да, православлик ҳар бир молиявий инкироз ва фонд биржаси пуфакчалари ёрилиши билан ўзгариб боради ва умуман иқтисодий

бўйича якуний сўз ҳали айтилиши керак. Бошқа ҳолатларда баъзи бир назариялар мавжуд бўлган далиллар томонидан қатъий равишда қўллаб-қувватланади, чунки барча алтернативалар аллақачон йўл четига тушиб қолган. Бундай назариялар ҳақиқат деб қабул қилинади – аммо ҳамма шунга розики, бу назарияга зид бўлган янги далиллар пайдо бўлиши билан уни қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш керак. Плиталар тектоникаси ва эволюция назариялари бунга яхши мисолдир.

Жаҳолатни тан олишга тайёрлик замонавий илмни олдинги илм-фан анъаналарига қараганда янада жўшқин, чаққон ва қизиқувчан қилиб қўйди. Бу дунё қандай ишлашини ва янги технологияларни ихтиро қилиш қобилиятини тушуниш учун бизнинг имкониятларимизни кенгайтди. Аммо бу бизга ота-боболаримизнинг кўплари дуч келмаган жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Бизнинг ҳамма нарсани билмаслигимиз ва ҳаттоки бизда мавжуд бўлган билимлар ҳам тахминий эканлиги эътирофи миллионлаб нотанишларга самарали ҳамкорлик қилишга имкон берадиган умумий афсоналарга ҳам тааллуқлидир. Агар далиллар бу афсоналарнинг аксарияти шубҳали эканлигини кўрсатса, биз қандай қилиб жамиятни бирлаштира оламиз? Бизнинг жамоаларимиз, мамлакатларимиз ва халқаро тизимимиз қандай ишлаши мумкин?

Ижтимоий-сиёсий тартибни барқарорлаштиришга қаратилган барча замонавий уринишларнинг илмий бўлмаган иккита усулга таянишдан бошқа чораси йўқ эди:

- бирор бир илмий назарияни олинг ва кенг тарқалган илмий амалиётга зид равишда бу охириги ва мутлақ ҳақиқат эканлигини эълон қилинг. Бу нацистлар (уларнинг ирқий сиёсати биологик далилларнинг ўзаро алоқаси деб таъкидлаган) ва коммунистлар (Маркс ва Ленин инкор этиб бўлмайдиган мутлақ иқтисодий ҳақиқатларни такомиллаштирган деб даъво қилганлар) қўллаган усул эди)
- илмни ундан четга суриб, илмий бўлмаган мутлақ ҳақиқатга мувофиқ яшанг. Бу либерал гуманизмнинг стратегияси бўлиб, у инсоннинг ноёб кадриятлари ва ҳуқуқларига догматик эътиқодга асосланади – бу Homo sapiensни илмий ўрганиш билан жуда кам ўхшаш бўлган доктринадир.

Аммо бу бизни ажаблантирмаслиги керак. Ҳатто фаннинг ўзи ҳам ўз тадқиқотларини оқлаш ва молиялаштириш учун диний ва мафкуравий эътиқодларга таяниши керак. Шунга қарамай, замонавий маданият жаҳолатни аввалги маданиятларга қараганда кўпроқ қабул қилишга тайёр. Замонавий ижтимоий тартибни бирлаштиришга имкон берган нарсалардан бири диний эътиқоднинг технологияга ва илмий тадқиқотлар усулларига деярли тарқалиши бўлиб, улар маълум даражада мутлақ ҳақиқатларга бўлган ишончнинг ўрнини эгалладилар.

Илмий догма

Замонавий фанда догма йўқ. Шунга қарамай, у тадқиқот усулларининг умумий томонларига эга, уларнинг барчаси эмпирик кузатувлар тўплашга асосланган – биз ҳеч бўлмаганда сезгиларимиз билан кузата оладиган ва уларни математик воситалар ёрдамида бирлаштирган.

Тарих давомида одамлар эмпирик кузатувларни йиғишган, аммо бу кузатувларнинг аҳамияти одатда чекланган эди. Агар биз барча керакли жавобларга эга бўлсак, янги кузатувларни олиш учун нега қимматбаҳо ресурсларни исроф қилишимиз керак? Аммо замонавий одамлар баъзи жуда муҳим саволларга жавобларни билмасликларини тан олишганида улар мутлақо янги билимларни излашни зарур деб топишди. Шундай қилиб, етакчи замонавий тадқиқот усуллари эски билимларнинг етишмаслигини исботланган деб билади. Қадимги урф-одатларни ўрганиш ўрнига энди янги кузатувлар ва экспериментларга урғу берилмоқда. Агар ҳозирги кузатиш ўтмиш анъаналарига тўғри келса, биз аввалги кузатувга устунлик берамиз. Албатта, узоқ галактикалар спектрини таҳлил қилган физиклар, бронза даври шаҳарларидан топилмаларни таҳлил қилган археологлар ва капитализмнинг пайдо бўлишини ўрганган сиёсатшунослар анъанага эътиборсиз эмаслар. Улар ўтмишни донишмандлар айтган ва ёзган нарсаларни ўрганишдан бошлашади. Аммо коллежда ўқиган биринчи йилидан бошлаб физиклар, археологлар ва сиёсатшуносларга Эйнштейн, Гейнрих Шлиemann ва Макс Вебер билган нарсадан четга чиқиш уларнинг вазифаси эканлиги ўргатилади.

Аммо шунчаки кузатишлар билим эмас. Оламни тушуниш учун биз кузатувларни кенг қамровли назарияларга боғлашимиз керак. Олдинги анъаналар одатда ўз назарияларини ҳикоялар нуктаи назаридан шакллантиришган. Замонавий фан математикадан фойдаланади. Библияда, Қуръонда, ведаларда ёки Конфуций классикасида жуда кам тенгламалар, графикалар ва ҳисоблар мавжуд. Анъанавий мифологиялар ва оятлар умумий қонунларни белгилаб берганда, улар математик шаклда эмас, балки ривоят кўринишида тақдим қилинган. Шундай қилиб, Маниха динининг асосий принципи дунё яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш майдонидир, деб таъкидлайди. Ёмон куч материяни яратди, яхши куч эса руҳни яратди. Одамлар бу икки куч орасида ушланиб қолишади ва улар ёмонликдан яхшини танлашлари керак. Аммо Мани пайғамбар бу икки кучнинг мос келишини ҳисоблаб, одамнинг танловини тахмин қилиш учун ишлатилиши мумкин бўлган математик формулани таклиф қилишга уринмади. У ҳеч қачон “инсонга таъсир этувчи куч унинг руҳининг тезлашишига, танасининг массасига бўлинишига тенг”, деб ҳисобламаган.

Айнан шу нарсани олимлар амалга оширмоқчи. 1687 йилда Исаак Нютон “Табиий фалсафанинг математик асослари”ни (эхтимол, замонавий тарихдаги энг муҳим китобни) нашр эттирди. Нютон ҳаракат ва ўзгаришларнинг умумий назариясини тақдим этди. Бу назариянинг буюклиги шундаки, учта оддий математик қонунлардан фойдаланган ҳолда олма тушишидан тортиб то юлдузларгача – коинотдаги барча жисмларнинг ҳаракатини тушунтириш ва башорат қилиш имконияти мавжуд эди:

$$1. \sum \vec{F} = 0$$

$$2. \sum \vec{F} = ma$$

$$3. \sum \vec{F}_{1,2} = - \vec{F}_{2,1}$$

Энди замбарак тўпи ёки сайёранинг ҳаракатини тушунишни ва башорат қилишни истаган ҳар бир киши объектнинг массасини, йўналишини, тезланишини ва унга таъсир қиладиган кучларни шунчаки ўлчаш керак эди. Ушбу сонларни Нютон тенгламаларига киритиш орқали объектнинг келажакдаги ҳолатини олдиндан билиш мумкин эди. Бу формула сеҳр каби ишлади. Фақатгина XIX асрнинг охирида олимлар Нютон қонунларига тўғри келмайдиган бир нечта кузатувларга дуч келишди ва бу физикадаги навбатдаги инқилобларга – нисбийлик назарияси ва квант механикасига олиб келди.

Нютон табиат китоби математика тилида ёзилганлигини кўрсатди. Баъзи боблар аниқ аниқланган тенгламага қайтади; аммо биология, иқтисод ва психологияни тоза Нютон тенгламаларигача қисқартиришга уринган олимлар бу соҳалар интилишни фойдасиз қилиб юборадиган мураккаблик даражасига эга эканлигини аниқладилар. Аммо бу улар математикадан воз кечди дегани эмас. Сўнгги 200 йил ичида ҳақиқатнинг янада мураккаб жиҳатлари – статистика билан шуғулланиш учун математиканинг янги соҳаси яратилди.

1744 йилда Шотландиядаги иккита пресвитериан руҳонийси Александр Вебстер ва Роберт Уоллас ҳаёт суғурта фондини яратишга қарор қилишди, у ўлган руҳонийларнинг бевалари ва етимларини пенсиялар билан таъминларди. Улар ўз черковларининг ҳар бир хизматкори ўзининг даромадидан оз қисмини фондга тўлашини таклиф қилди. Агар бирор роҳиб вафот этса, унинг беваси фонднинг фойдасидан дивидентлар оларди. Бу унга умр бўйи фаровон яшашга имкон берарди. Аммо фонд айтилганидек иш бериши учун роҳиблар қанча пул тўлаши кераклигини аниқлаш учун Вебстер ва Уоллас ҳар йили нечта роҳиб ўлиши, улардан нечта бева ва етим қолишини ва бевалар эрларидан неча йил кўпроқ яшашларини олдиндан билишлари керак эди. Иккала черков аъзоси нима қилмаганига эътибор беринг! Улар Худодан жавобни аниқлаб беришини сўрашмаган, шунингдек, улар Муқаддас ёзувлардан ёки қадимги илоҳиётшуносларнинг асарларидан жавоб изламадилар. Улар мавҳум фалсафий баҳсга ҳам киришмаган. Шотланд бўлгани учун улар амалиётчи эдилар. Шундай қилиб, руҳонийлар Эдинбург университетининг математик профессори Колин Макларенга мурожаат қилишди. Улардан учтаси одамлар неча ёшда вафот этганлиги тўғрисида маълумот тўплашди ва бундан ҳар қандай йилда неча роҳибнинг вафот этиши эҳтимолини ҳисоблаш учун фойдаланишди.

Уларнинг иши статистика ва эҳтимоллилик соҳасидаги сўнгги ютуқларга асосланган эди. Улардан бири Жейкоб Бернуллининг “Катта сонлар қонуни” эди. Бернулли аниқ бир воқеани, масалан, бирор бир одамнинг ўлими каби ҳодисани аниқ башорат қилиш қийин бўлса-да, шунга ўхшаш кўплаб воқеаларнинг ўртача натижасини аниқлик билан тахмин қилиш мумкин деган тамойилни илгари сурган эди. Яъни, Макларен математикадан фойдаланиб Вебстер ва Уолласнинг келгуси йилда ўлиб кетишини башорат қила олмаган бўлса-да, у етарли маълумотларга эга бўлган ҳолида, Вебстер ва Уолласга Шотландиядаги пресвитерианларнинг қанча хизматчилари келгуси йилда деярли ўлиши мумкинлигини айтиши мумкин эди. Яхшиямки, улар фойдаланиш мумкин бўлган тайёр маълумотларга эга эдилар. Эллик йил олдин Эдмонд Хелли томонидан нашр этилган ўртача ҳаёт давомийлиги жадваллари бунда жуда фойдали бўлди. Хелли Германиянинг Бреслау шаҳрида 1238 туғилиш ва 1174 ўлимни қайд этди. Хеллининг жадвалларидан кўриш мумкин бўлдики, масалан, йигирма ёшли одамнинг маълум бир йилда ўлиш эҳтимоли 1/100га тенг бўлса, эллик ёшли одамда бу кўрсаткич 1/39га тенг.

Ушбу рақамларни кўриб чиқиб Вебстер ва Уоллас шундай хулоса қилдики – ҳар қандай бирор вақтда ўртача ҳисобда 930та Шотландия пресвитериян хизматчилари бўлади ва ҳар йили ўртача йигирма еттита роҳиб вафот этади, улардан ўн саккизтасининг бевалари омон қолади. Ўзидан кейин бева хотин қолдирмаганларнинг бештаси етим болалар ташлаб кетишган, ўзидан бева қолдирганларнинг иккитаси олдинги никоҳидан қолган ўн олти ёшга тўлмаган болалари борлар. Кейинчалик улар беваларнинг ўлими ёки қайта турмушга чиқиши учун қанча вақт кетишини тахмин қилишди (иккала ҳолатда ҳам пенсия тўлаш тўхтатиларди). Ушбу рақамлар Вебстер ва Уолласга ўзларининг фондларига қўшилган роҳиблар ўз яқинларини таъминлаш учун қанча пул тўлашлари кераклигини аниқлашга имкон берди. Йилига 2 фунт стерлинг 12шиллинг 2пенс тўлаб, роҳиб ўзининг бева хотини йилига камида 10 фунт стерлинг олишини кафолатлаши мумкин эди – бу ўша кунлар учун катта сумма. Агар у бу етарли эмас деб ўйласа, кўпроқ, яъни 6 фунт стерлинг 11 шиллинг 3 пенсгача тўлаши мумкин эди – бу унинг бевасига йилига 25 фунт стерлинг миқдорида янада чиройли суммани кафолатларди. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1765 йилга келиб

Шотландия черкови роҳибларининг бевалари ва болаларига ёрдам бериш жамғармаси ҳисоби 58348 фунт стерлингни ташкил этарди. Бу ҳисоб-китоблар ҳайратланарли даражада аниқ бўлиб чиқди. Ўша йилга келганда фонднинг капитали 58347 фунт стерлингни ташкил этди – бу тахмин қилинганидан атиги 1 фунтга кам! Бу Хабаққуқ, Эремиё ёки муқаддас Юҳаннонинг башоратларидан яхшироқ эди. Бугунги кунда Вебстер ва Уолласнинг жамғармаси дунёдаги энг йирик пенсия ва суғурта компанияларидан бири ҳисобланади. 100 миллиард фунт стерлингга эга активлар билан у нафақат Шотландия беваларини, балки унинг полисларини сотиб олишни истаган ҳар қандай кишини суғурта қилади.

Иккала Шотландия роҳиблари томонидан ишлатилган эҳтимоллик ҳисоб-китоблари нафақат пенсия ва суғурта бизнесида муҳим аҳамиятга эга бўлган актуал илмнинг, балки демография фанининг ҳам пойдевори бўлди (англикан руҳонийси Роберт Малтус томонидан асос солинган). Демография, ўз навбатида, Чарлз Дарвин (деярли англиялик руҳонийга айланган) эволюция назариясининг пойдевори сифатида хизмат қилган. Муайян шароитлар остида қандай организмнинг ривожланишини башорат қиладиган тенгламалар мавжуд бўлмаса-да, генетика мутахассислари маълум бир мутациянинг маълум популяцияда тарқалиш эҳтимолини ҳисоблаш учун эҳтимоллик ҳисоб-китобларидан фойдаланадилар. Шунга ўхшаш эҳтимолий моделлар иқтисодиёт, социология, психология, сиёсатшунослик ва бошқа ижтимоий ва табиатшунослик фанларининг марказий қисмига айланган. Охир-оқибат, ҳатто физика Нютоннинг классик тенгламаларини квант механикасининг эҳтимоллик булутлари билан тўлдирди.

Ушбу жараён бизни қаёққа олиб борганлигини тушуниш учун таълим тарихига шунчаки қарашимиз етарли. Тарихнинг кўп қисмида математика эзотерика соҳаси дея ҳисобланиб, ҳатто ўқимишли одамлар ҳам уни камдан-кам жиддий ўрганганлар. Ўрта асрларда Европада мантиқ, грамматика ва риторика ўқув ишлари ядросини ташкил қилган, шу билан бирга математикани ўқитиш оддий арифметика ва геометриядан ташқарига чиқмаган. Ҳеч ким статистикани ўрганмаган. Барча илмларнинг шубҳасиз монархи илоҳиёт эди.

Бугунги кунда жуда кам талабалар риторикани ўрганишади; мантиқ фалсафа бўлимларидан бирига айланиб, илоҳиёт семинариялар билан чекланган. Аммо тобора кўпроқ талабалар математикани ўқишга ундалмоқда – ёки мажбурланмоқда. Ҳозирда математик воситалардан фойдаланганлиги учун “аниқ” деб таърифланган аниқ фанлар томон қарши чиқиб бўлмайдиган силжиш бор. Анъанавий равишда гуманитар фанларнинг таркибий қисми бўлган тил соҳалари (тилшунослик) ва инсон психикаси (психология) ҳам борган сари математикага таяниб, ўзларини аниқ фанлар сифатида кўрсатишга интилмоқдалар. Энди статистика курслари нафақат физика ва биологиядаги, балки психология, социология, иқтисодий ва сиёсий фанлардаги асосий талабларнинг бир қисмидир.

Ўз университетимдаги психология кафедраси курслар каталогида ўқув дастуридаги биринчи талаб қилинган курс – “Психологик тадқиқотда статистика ва методологияга кириш”. Иккинчи курс психология талабалари “Психологик тадқиқотда статистик усуллар”ни ўрганишлари керак. Агар инсон онгини тушуниш ва унинг касалликларини даволаш учун сиз аввал статистикани ўрганишингиз кераклигини айтсангиз, Конфуций, Будда, Исо ва Муҳаммадни ҳайрон қолдирган бўлар эдингиз.

Билим - бу куч

Аксарият одамлар замонавий илмни ўзлаштира олмайдилар, чунки унинг математик тилини англаш қийин ва унинг топилмалари кўпинча ақлга зиддир. Дунёдаги 7 миллиард одамдан қанчаси квант механикасини,

хужайралар биологиясини ёки макроиктисодиётни тушунади? Шунга карамай, фан бизга бераётган янги кучлари туфайли улкан обрўга эга. Президентлар ва генераллар ядро физикасини тушунмасликлари мумкин, аммо улар ядровий бомба нималарга қодирлигини яхши тушунадилар.

1620 йилда Френсис Бейкон “Янги асбоб” номли илмий манифестни нашр этди. Манифестда у “билим - бу куч” деб таъкидлади. “Билим”нинг ҳақиқий синови бу ҳақиқат ёки унинг йўқлиги эмас, балки унинг бизга куч бериши ёки бермаслиги. Одатда олимлар ҳеч қандай назария 100 фоиз тўғри эмас деб тахмин қилишади. Шундай қилиб, ҳақиқат бўлиш билим учун нотўғри талабдир. Ҳақиқий талаб – фойдалилик. Янги нарсаларни амалга оширишга имкон берадиган назария билимларни ташкил этади.

Асрлар давомида фан бизга кўплаб янги воситаларни таклиф қилди. Баъзилар ақлий воситалар, масалан, ўлим даражаси ва иқтисодий ўсишни башорат қилиш учун ишлатиладиган воситалар. Яна ҳам муҳимроғи – технологик воситалар. Илм-фан ва технология ўртасидаги боғлиқлик шу қадар кучлики, бугунги кунда одамлар уларнинг иккаласини чалкаштириб юборишга мойил. Биз кўпинча илмий изланишларсиз янги технологияларни ишлаб чиқиш мумкин эмас деб ўйлаймиз ва янги технологияларга олиб келмаса, тадқиқотлар аҳамиятини ҳисобга олмаймиз. Аслида, фан ва технология ўртасидаги муносабатлар жуда яқинда юз берган ҳодиса. 1500 йилгача фан ва техника бутунлай алоҳида соҳалар эди.

Бейконнинг XVII аср бошларида бу икки соҳани боғлаши инқилобий ғоя эди. XVII-XVIII асрларда бу муносабатлар кучайиб борди, аммо улар фақат XIX асрга келибгина боғланди. Ҳатто 1800 йилда ҳам кучли армияси бўлишини истаган ҳукмдорлар ва муваффақиятли бизнесни истаган ишбилармон магнатлар физика, биология ёки иқтисодий соҳалардаги тадқиқотларни молиялаштиришга аҳамият бермасдилар.

Мен бу билан ҳеч қайси ҳукмдор бундай қилмаган, деб даъво қилмоқчи эмасман. Яхши тарихчи ҳар қандай тарихий воқеани қидириб топиши мумкин. Аммо бундан ҳам яхшироқ тарихчи биладики, аввалги воқеаларнинг аксарияти катта тасвирни бузадиган қизиқишлардир. Умуман олганда, аксарият қадимги ҳукмдорлар ва ишбилармонлар янги технологияларни ишлаб чиқиш учун коинот табиати тўғрисидаги изланишларни молиялаштиришмаган, аксарият мутафаккирлари эса топилмаларини технологик гаджетларга таржима қилишга уринишмаган. Ҳукмдорлар мавжуд тартибни қўллаб қувватлаш мақсадида анъанавий билимларни тарқатиш ваколатига эга бўлган таълим муассасаларини молиялаштирганлар.

У ер бу ерда одамлар янги технологияларни ишлаб чиқишди, лекин уларни одатда илмий тадқиқотлар олиб борадиган олимлар эмас, балки синов ва хатоларга асосланган ҳолда маълумотсиз ҳунармандлар яратдилар. Сават ишлаб чиқарувчилар бир хил саватларни ҳар йили бир хил материаллардан ясашади. Улар янги саватлар моделларини ўрганиш ва ишлаб чиқиш учун йиллик даромадларининг фоизини ажратмайдилар. Сават дизайни вақти-вақти билан яхшиланди, лекин бу, одатда, университетга ҳеч қачон қадам қўймаган

ва ўқишни ҳам билмаган баъзи маҳаллий дурадгорларнинг моҳирлиги туфайли эди.

Бу ҳолат жамоатчилик ҳамда хусусий секторда ҳам бир хил эди. Замонавий давлатлар ўзларининг олимларини энергия сиёсатидан тортиб соғлиқни сақлаш ва чиқиндиларини йўқ қилишга қадар миллий сиёсатнинг деярли барча соҳаларида ечимларни топишга чақиришса-да, қадимий қиролликлар камдан-кам ҳолларда бундай қилишган. Ўша пайт ва ҳозирги даврнинг контрасти қурол-яроғ соҳасида энг аниқ кўриниб туради. 1961 йилда истеъфога чиққан президент Дуайт Эйзенхауэр ҳарбий-саноат комплексининг кучайиб бораётганлиги ҳақида огоҳлантирганида, у тенгламанинг бир қисмини унутиб қолдирди. У ўз мамлакатини ҳарбий-саноат-илмий комплекс ҳақида огоҳлантириши керак эди, чунки бугунги урушлар илмий ишлаб чиқаришдир. Дунё қуролли кучлари инсониятнинг илмий изланишлари ва технологик ривожланишининг катта қисмини яратади, молиялаштиради ва бошқаради.

Биринчи жаҳон уруши чексиз хандақлар урушига айланганда иккала томон олимларни қийин вазиятдан чиқиб, миллатни қутқаришга чақирдилар. Оқ кийган одамлар чақириққа жавоб беришди ва лабораториялардан доимий равишда янги ажойиб қурол-яроғлар: жанговар самолётлар, захарли газ, танклар, сув ости кемалари ва ҳар қачонгидан ҳам самарали пулемётлар, артиллерия буюмлари, милтиқлар ва бомбалар тарқалди.



Германиянинг V-2 ракетаси учишга тайёр. У иттифоқчиларни мағлубиятга учратмади, ammo немислар урушининг сўнгги кунларига қадар технологик мўъжизага умид қилишди.

Иккинчи жаҳон урушида фан янада катта рол ўйнади. 1944 йил охирида Германия урушда ютқазаётган эди ва мағлубият яқинлашарди. Бир йил олдин немисларнинг иттифоқчилари бўлган италияликлар Муссолинини ағдариб, иттифоқчиларга таслим бўлишди. Британия, Америка ва совет кўшинлари яқинлашаётган бўлса ҳам Германия курашни давом эттирди. Немис аскарлари ва тинч аҳолининг ҳаммаси бой берилмаган деб ўйлашларига бир сабаб улар немис олимлари V-2 ракетаси ва реактив билан ишлайдиган самолёт каби

мўъжизавий қуроллар билан тўлқинни қайтаришга тайёр эканликларига ишонишган. Немислар ракета ва самолётлар устида ишлаётганда Американинг Манхеттен лойиҳаси атом бомбаларини муваффақиятли ишлаб чиқарди. Бомба тайёр бўлганда – 1945 йил август ойининг бошида – Германия таслим бўлди, аммо Япония ҳали ҳам кураш олиб борарди. Америка кучлари япон ороллариغا бостириб киришга тайёр эдилар. Японлар бостириб киришга қарши туришга ва ўлимгача курашишга ваъда беришди ва бу ҳеч қандай таҳдид эмаслигига ишониш учун барча асослар бор эди. Америкалик генераллар президент Гарри Труманга Японияга бостириб кириш миллион америкалик аскарнинг ҳаётига зомин бўлишини ва урушни 1946 йилгача узайтириш кераклигини айтишди. Труман янги бомбани ишлатишга қарор қилди. Икки ҳафта ва икки атом бомбасидан кейин Япония сўзсиз таслим бўлди ва уруш тугади. Аммо фан шунчаки ҳужум қуроллари дегани эмас. У бизнинг муҳофааизда ҳам катта рол ўйнайди. Бугунги кунда кўпгина америкаликлар терроризмнинг ечими сиёсий эмас, балки технологик усулда деб ҳисоблашади. Улар ишонадиларки, нанотехнологиялар саноатига яна миллионларни беринг ва Қўшма Штатлар ҳар бир афғон ғорига, Яман минораси ва Шимолий Африка лагерларига бионик айғоқчиларни юбориши мумкин. Бу амалга оширилгач, Усама Бин Ладеннинг меросхўрлари Марказий разведка бошқармаси жосус-пашшалари Ленглидаги штаб квартирага маълумот бермаган ҳолда бир финжон қаҳва тайёрлай олмай қоладилар. Мия тадқиқотларига миллионлаб маблағ сарфланг ва ҳар бир аэропорт одамларнинг миясида ғазабли ва нафратли фикрларни дарҳол англай оладиган ўта ривожланган ФМРИ сканерлари билан жиҳозланиши мумкин. Бу ҳақиқатан ҳам иш берадими? Ким билади дейсиз. Бионик пашшалар ва фикрларни ўқиш сканерларини ривожлантириш оқилона ишми? Оқилона бўлиши зарурий эмас. Қандай бўлмасин, ушбу сатрларни ўқиётганингизда, АҚШ Мудофаа вазирлиги нанотехнология ва мия лабораторияларига ушбу ва бошқа шу каби ғоялар устида ишлаш учун миллионлаб долларни ўтказмоқда.

Ҳарбий технологияларга – танклардан тортиб атом бомбасигача ва айғоқчи пашшаларгача – муккасидан кетиш ҳайратланарли равишда яқинда пайдо бўлган ҳодисадир. XIX асргача ҳарбий инқилобларнинг аксарияти технологик ўзгаришлар эмас, балки ташкилий ҳаракатларнинг самараси эди. Чет эл цивилизациялари биринчи марта учрашганда технологик бўшлиқлар баъзан муҳим рол ўйнаган. Аммо бундай ҳолатлар рўй берганда ҳам камчилик бундай бўшлиқларни атайлаб яратиш ёки кенгайтириш ҳақида ўйлаган. Кўпгина империялар технологик сеҳргарлик туфайли кўтарилмади ва уларнинг ҳукмдорлари технологик яхшиланиш ҳақида кўп ўйламадилар. Араблар Сосонийлар империясини устунлар ёки қиличлар туфайли мағлубиятга учратмадилар, салжуқийларнинг византияликларга нисбатан ҳеч қандай технологик устунлиги йўқ эди ва мўғуллар баъзи бир янги қурол ёрдамида Хитойни забт этмадилар. Аслида, ушбу барча ҳолатларда мағлубиятга учраганлар ҳарбий ва фуқаролик технологияларида устунроқ эдилар.

Рим армияси бунга яхши мисолдир. Бу армия ўз даврининг энг яхши армияси эди, аммо технологик жиҳатдан Рим Карфаген, Македония ёки Салавкилар империясидан устун эмас эди. Унинг устунлиги самарали ташкилотчилик, темир интизом ва катта ишчи захираларига асосланганди. Рим армияси ҳеч қачон илмий-тадқиқот бўлимини яратмаган ва унинг қуроли асрлар давомида озми-кўпми ўзгармас ҳолда қолган. Агар Карфагенни текислаган ва милоддан аввалги иккинчи асрда нумантияликларни мағлуб этган генерал Сципио Аэмилианус легионлари орадан 500 йил ўтгач, Буюк Константин даврида тўсатдан пайдо бўлганида, Сципио Константинни ҳам мағлуб этишлари мумкин эди. Наполеон ўз қўшинларини замонавий зирҳли бригадага қарши олиб борса, бир неча асрлар илгари бўлган генералга нима бўлишини тасаввур қилинг-а! Наполеон моҳир тактик эди ва унинг одамлари зўр профессионаллар эди, аммо замонавий қурол-яроғ олдида уларнинг маҳорати бефойда бўлар эди.

Римда бўлгани каби қадимги Хитойда ҳам кўпчилик генераллар ва файласуфлар янги қуроллар ишлаб чиқаришни ўзларининг бурчлари деб билишмаган. Хитой тарихидаги энг муҳим ҳарбий ихтиро қурол-яроғ эди. Бизнинг фикримизча, Даоист кимёгарлари томонидан ҳаёт занжири қидириш учун порох тасодифан ихтиро қилинган. Порохнинг кейинги фаолияти янада кизиқроқ. Эҳтимол, Даоист кимёгарлари Хитойни дунёнинг устуни қилиб кўйди деб ўйлаш адолатдан бўларди, аммо хитойликлар янги аралашмани асосан петардалар учун ишлатишди. Сонг империяси мўғуллар истилосидан қулаганига қарамай, ҳеч бир император қиёмат куни қурол ихтиро қилиб, империяни сақлаб қолиш учун ўрта асрлардаги Манхеттен лойиҳаси каби лойиҳани тузмади. Фақат XV асрда – порох ихтиро қилинганидан тахминан 600 йил ўтгач, тўплар Афроосиё жанг майдонларида ҳал қилувчи омил бўлди. Ушбу модданинг ҳалокатли потенциали ҳарбий мақсадларда ишлатилиши нега шунчалик узок вақт олди? Чунки у на шоҳлар, на олимлар ва на савдогарлар янги ҳарбий технологиялар уларни сақлаб қолиши ёки бой қилиши мумкин деб ўйламаган пайтда пайдо бўлди.

Вазият XV-XVI асрларда ўзгара бошлади, аммо яна 200 йил ўтса ҳамки, аксарият ҳукмдорлар янги қуролларни ўрганиш ва ишлаб чиқишни молиялаштиришга қизиқиш кўрсатмади. Логистика ва стратегия урушларнинг оқибатларига технологиядан кўра кўпроқ таъсир кўрсатишда давом этди. Аустерлитзда (1805 йил) Европа кучларининг қўшинларини тор-мор қилган Наполеон ҳарбий машинаси Луи XVIнинг армияси фойдаланган қурол билан деярли бир хил аслаҳалар билан қуролланган эди.

Наполеоннинг ўзи, артиллериячи бўлишига қарамай, янги қуролларга унчалик қизиқмаган, аммо олимлар ва ихтирочилар уни учиш аппаратлари, сувости кемалари ва ракеталарни ишлаб чиқаришни молиялаштириш кераклигига ишонтиришга уринишган.

Илм-фан, саноат ва ҳарбий технологиялар фақат капиталистик тузум ва саноат инқилобининг пайдо бўлиши билан ўзаро боғлиқ ҳолга келди ва бу муносабатлар ўрнатилгандан сўнг у тезда дунёни ўзгартирди.

Тараққиёт идеали

Илмий инқилобгача кўплаб маданиятлар тараққиётга ишонишмаган. Улар олтин аср ўтмишда қолган ва дунё турғун, балки ҳатто ёмонлашяпти деб ўйлардилар. Улар асрлар донолигига қатъий риоя қилинса, яхши кунларни қайтариши мумкин ва одамнинг зукколиги кундалик ҳаётнинг у ёки бу қисмини яхшилаши мумкин деб ўйлардилар. Бироқ дунёнинг асосий муаммоларини енгиб ўтиш инсоният учун имконсиз деб ҳисобланди. Агар билиш керак бўлган ҳамма нарсани билган Муҳаммад, Исо, Будда ва Конфуций очарчиликни, касалликни, қашшоқликни ва дунёдаги урушларни йўқ қила олмаса, биз буни ҳал қила олишимизни қандай кутишимиз мумкин эди?

Кўп динлар бир кун келиб Масих пайдо бўлиб, барча урушларни, очарчиликни ва ҳатто ўлимни тугатади деб ишонишган. Аммо инсоният янги билимларни кашф этиш ва янги воситаларни ихтиро қилиш орқали буни амалга ошириши мумкинлиги ҳақидаги тушунча бемаъни нарсадан ҳам ёмон эди — бу ҳалокатли манманлик эди. Бобил минораси, Икарус ҳикояси, Големнинг ҳикояси ва бошқа кўплаб афсоналар одамларга инсон чекловларидан ташқарига чиқишга бўлган ҳар қандай уриниш муқаррар равишда умидсизликка ва ҳалокатга олиб келишини ўргатди.

Замонавий маданият у ҳали билмаган жуда кўп муҳим нарсалар борлигини тан олганда ва илмий кашфиётлар бизга янги кучлар бериши мумкин деган ғояни уйғотганда одамлар чинакам тараққиётнинг иложи бор деб ўйлай бошладилар. Илм битта ечиб бўлмайдиган муаммони ва билимларни олиш ва қўллаш орқали ҳар қандай муаммони енгиб ўтишига ишонч ҳосил қила бошладилар. Қашшоқлик, касалликлар, урушлар, очарчилик, қариллик ва ўлим инсониятнинг муқаррар тақдири эмас эди. Улар шунчаки бизнинг билимсизлигимиз мевалари эди.



Бенжамин Франклиннинг худоларни қуролсизлантириши.

Машҳур мисол – бу чакмоқ. Кўпгина маданиятларда чакмоқ гуноҳкорларни жазолаш учун ишлатиладиган ғазабланган худонинг болғаси деб ишонишган. XVIII асрнинг ўрталарида, бу воқеа илмий тарихдаги энг машҳур тажрибалардан бири, Бенжамин Франклин чакмоқ шунчаки электр токи эканлиги ҳақидаги гипотезани синаб кўриш учун чакмоқ пайтида варрак учирди. Франклиннинг эмпирик кузатувлари электр энергиясининг фазилатлари ҳақидаги билимлар билан бир қаторда унга чакмоқ қайтаргични ихтиро қилиш ва худоларни қуролсизлантириш имконини берди.

Қашшоқлик яна бир масаладир. Кўп маданиятларда қашшоқлик номукамал дунёнинг муқаррар қисми сифатида кўрилган. Янги Аҳдга кўра, хочга михланишидан олдин бир аёл 300 динор қийматидаги қимматбаҳо мой билан Масиҳни мойлаган. Исонинг шогирдлари аёлни камбағалларга бериш ўрнига шунча катта пулни исроф қилгани учун айблашди, лекин Исо уни химоя қилди: “Камбағаллар ҳар доим сизлар билан бирга бўладилар ва хоҳлаган вақтингизда уларга ёрдам бера оласизлар. Аммо мен ҳар доим ҳам сизлар билан бўлмайман” (Марк 14:7). Бугунги кунда тобора камроқ одамлар, шу жумладан, камроқ ва камроқ насронийлар бу масалада Исонинг гапига кўшиладилар. Қашшоқлик тобора ҳал қилиниши мумкин бўлган техник муаммо сифатида кўриломоқда. Кўпчиликнинг ишонишича, агрономия, иқтисод, тиббиёт ва социология соҳасидаги сўнги маълумотларга асосланган сиёсат қашшоқликни йўқ қилиши мумкин.

Дарҳақиқат, дунёнинг кўп жойлари йўқчиликнинг энг ёмон шаклларида озод бўлган. Тарих давомида жамиятлар икки хил қашшоқликдан азият чекдилар: ижтимоий камбағаллик – бу баъзи одамларни бошқаларида мавжуд имкониятлардан чеклаб қўяди; биологик қашшоқлик – бу озик-овқат ва бошпана етишмаслиги туфайли одамларнинг ҳаётини хавф остига қўяди. Эҳтимол, ижтимоий қашшоқликни ҳеч қачон йўқ қилиб бўлмайди, лекин дунёнинг кўплаб мамлакатларида биологик қашшоқлик ўтмишда қолган нарсадир.

Сўнги пайтгача кўпчилик биологик камбағаллик чизиғига яқин шўнғиган эди, бу чизикдан пастда одам узок умр кўриш учун етарли миқдорда калорияга эга бўлмайди. Ҳатто кичик ҳисоб-китоблардаги хатоликлар ёки бахтсиз ҳодисалар ҳам одамларни осонгина шу чизик остига шўнғишга, очликдан ўлишга мажбур қилиши мумкин. Табиий офатлар ва техноген ҳалокатлар кўпинча бутун аҳолини тубсизликка улоқтириб, миллионлаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлган. Бугунги кунда дунёнинг аксарият аҳолиси хавфсизлик ёстиқчаларига эга. Одамлар шахсий бахтсизликдан суғурта, давлат томонидан таъминланадиган ижтимоий таъминот ва маҳаллий ва халқаро ННТлар томонидан химоя қилинади. Агар бутун минтақа ҳалокатга дучор бўлса, дунё бўйлаб ёрдам бериш ишлари бу ҳодисалар ичида энг ёмонларининг ҳам олдини олишнинг уддасидан чиқади. Одамлар ҳанузгача кўплаб таназзуллар, хўрликлар ва қашшоқлик билан боғлиқ касалликлардан азият чекмоқдалар, аммо аксарият мамлакатларда ҳеч ким очликдан ўлмаяпти.

Аксинча, кўпгина жамиятларда одамлар очликдан кўра кўпроқ семириб кетишдан ўлиш хавфи остида қолишди.

Гилгамиш лойиҳаси

Бутун инсоният томонидан ҳал қилинмайдиган муаммолардан бири энг жиддий, қизиқ ва муҳимлигича қолмоқда: бу ўлимнинг ўзи. Сўнгги замонавий даврга қадар аксарият динлар ва мафкуралар ўлим бизнинг муқаррар тақдиримиз деб қабул қилган. Бундан ташқари, кўпгина динлар ўлимни ҳаётнинг асосий маъносига айлантирдилар. Исломни, насронийликни ёки қадимги Миср динини ўлимсиз тасаввур қилишга ҳаракат қилинг. Ушбу динлар одамларга ўлим билан мурасага келишлари ва ўлимга умид боғлашлари кераклигини, ўлимни енгиб, ер юзида абадий яшашни эмас, балки охират ҳаётига умид қилишни уқтирди. Энг яхши онг эгалари ўлимдан қочишга ҳаракат қилмасдан, унга маъно бериш билан банд эдилар.

Айнан шу бизгача етиб келган энг қадимги афсонанинг, яъни қадимги Шумернинг Гилгамиш афсонасининг мавзусидир. Унинг қаҳрамони дунёдаги энг кучли ва қобилиятли одам, Урук шоҳи Гилгамиш бўлиб, у жангда ҳар қандай одамни мағлуб эта олади. Бир куни Гилгамишнинг энг яқин дўсти Энкиду вафот этди. Гилгамиш дўстининг танаси ёнида ўтирди ва бир неча кун давомида – дўстининг бурунидан бир қурт чиқаётганини кўрмагунча – уни кузатди. Ўша пайтда Гилгамиш кучли даҳшатга тушди ва ҳеч қачон ўлмасликка қарор қилди. У қандайдир йўл билан ўлимни енгиш йўлини излади. Гилгамиш коинотнинг охиригача саёҳат қилди, шерларни ўлдирди, чаён одамларга қарши курашди ва ер ости дунёсига йўл топди. У ерда у Уршанабининг тош гигантларини ва ўлик дарёсининг қайиқчисини йўқ қилиб юборди ва тўфонда ягона омон қолган Утнапиштимни топди. Аммо охир-оқибат Гилгамиш барибир ўз мақсадига эриша олмади. У уйига қуруқ қўл билан ҳар доимгидек абадий яшай олмайдиган ҳолда, лекин битта донолик билан қайтди. Гилгамиш тушундики, худолар инсонни яратганларида улар ўлимни инсоннинг муқаррар тақдири деб белгилашди ва инсон у билан яшашни ўрганиши керак.

Ривожланиш тарафдорлари бу мағлубиятли муносабатни қабул қилишмайди. Илм-фан одамлари учун ўлим муқаррар тақдир эмас, балки шунчаки техник муаммо. Одамлар худоларнинг буйруғи билан эмас, балки турли хил техник носозликлар туфайли – юрак хуружи, саратон, инфекция туфайли ўлишади. Ва ҳар бир техник муаммонинг техник ечими мавжуд. Агар юрак уришдан тўхтаса, у юрак стимулятори томонидан стимуляция қилиниши ёки янги юрак билан алмаштирилиши мумкин. Агар саратон пайдо бўлса, уни дорилар ёки нурланиш билан ўлдириш мумкин. Агар бактериялар кўпайиб кетса, уларни антибиотиклар билан даволаш мумкин. Тўғри, ҳозирги пайтда биз барча техник муаммоларни ҳал қила олмаймиз. Аммо биз улар устида ишламоқдамиз. Бизнинг даврнинг энг яхши онг эгалари вақтларини ўлимга маъно бағишлашга беҳуда сарфламаяптилар. Бунинг ўрнига улар касаллик ва кексалик учун жавобгар бўлган физиологик, гормонал ва генетик тизимларни ўрганиш билан банд. Улар янги дориларни ишлаб чиқармоқдалар, инкилобий

муолажалар ва ҳаётимизни узайтириб берадиган сунъий аъзоларни яратмоқдалар ва бир кун келиб улар ажалнинг ўзини ҳам енгиб юборишлари мумкин.

Яқин вақтгача сиз олимларнинг ёки бошқа бировнинг бундай жасоратли гапларини эшитмас эдингиз. “Ўлимни мағлуб этиш?! Қандай бемаънилик! Биз фақат саратон, сил ва алтсгеймер касаллигини даволашга ҳаракат қилмоқдамиз,” - дея таъкидладилар улар. Одамлар ўлим мавзусидан қочишди, чунки мақсад жуда қийиндек эди. Асоссиз умидларни яратиш нега керак? Аммо биз ҳозир аниқ бир нуқтада турибмиз. Илмий инкилобнинг етакчи лойиҳаси инсониятга абадий ҳаёт беришдир. Ўлимни енгиш узок мақсад бўлиб туйилса ҳам, биз бир неча асрлар олдин ақлга сиғмайдиган нарсаларга эришдик. 1199 йилда қирол Ричард Шерюракнинг чап елкасига найза ўқ тегди. Бугунги кунда биз уни енгиб жароҳат олган деб айтган бўлар эдик. Аммо 1199 йилда, антибиотиклар ва самарали стерилизация усуллари бўлмаган бир вақтда, бу майда яра инфекцияланган ва унга гангренага кирган. XII асрда Европада гангренанинг тарқалишини тўхтатишнинг ягона усули инфекцияланган аъзони кесиб ташлаш эди, аммо инфекция елкада бўлса, бу иложсиз эди. Гангрена Шерюракнинг танаси орқали тарқалди ва қиролга ҳеч ким ёрдам беролмади. Икки ҳафта ўтгач у қаттиқ азобда вафот этди.

Ҳатто XIX асрда ҳам энг яхши шифокорлар ҳалигача инфекция тарқалишининг олдини олиш ва тўқималарнинг чиришини тўхтатиш ҳақида билишмаган. Жанг майдонларидаги шифохоналарда шифокорлар гангренадан кўрқиб ҳатто оёқ-қўллари енгиб жароҳатланган аскарларнинг қўллари ва оёқларини ҳам кесиб ташлашарди. Ушбу ампутациялар ва бошқа барча тиббий муолажалар (масалан, тишни суғуриб олиш) ҳеч қандай анестезиясиз амалга ошириларди. Биринчи анестезиядан – эфир, хлороформ ва морфин – фақатгина

XIX асрнинг ўрталарига келиб ғарб тиббиётида мунтазам фойдаланила бошланди. Хлороформ пайдо бўлишидан олдин, врач яраланган аъзони арралар экан, тўрт аскар ярадор ўртоғини ушлаб туришга мажбур бўлишарди. Ватерлоо жангидан кейин (1815 йил) эрталаб дала касалхоналари ёнида кесиб ташланган қўллар ва оёқ уюмларини кўриш мумкин эди. Ўша кунларда армияга чақирилган дурадгорлар ва қассоблар тез-тез тиббий корпусларда хизмат қилиш учун юборилган, чунки операция вақтида пичоқ ва арра ишлатишда моҳир қўлларга эҳтиёж бўлар эди.

Ватерлоодан кейинги икки аср ичида ҳамма нарса таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Дори воситалари, инфекциялар ва мураккаб операциялар бизни илгари муқаррар ўлимга олиб борган касаллик ва жароҳатлардан қутқаради. Шунингдек, улар бизни қадимги одамлар шунчаки ҳаётнинг бир бўлаги деб қараган саноксиз кунлик оғриқлар ва касалликлардан ҳимоя қилади. Ўртача умр кўриш йигирма бешдан қирқ ёшгача, бутун дунёда олтмиш етти ва ривожланган давлатларда қарийб саксон ёшгача етди.

Ўлим болалар ўлими соҳасида энг катта муваффақиятсизликларга учради. XX асргача қишлоқ хўжалик жамиятларида туғилган чорак ва учдан бир қисм болалар ҳеч қачон балоғатга етмаган. Уларнинг кўпчилиги дифтерия,

қизамиқ ва чечак каби болалар касалликларига дучор бўлишган. XVII асрда Англияда ҳар 1000 та янги туғилган чақалоқдан 150таси биринчи йилида вафот этган ва барча болаларнинг учдан бир қисми 15 ёшга тўлгунча вафот этган. Бугунги кунда инглиз чақалоқларининг 1000тасидан фақат бештаси биринчи йилида ва фақат 7таси 15 ёшгача бўлган вақт оралиғида нобуд бўлишади.

Статистикани четга суриб ва баъзи воқеаларни айтиб бериш орқали биз ушбу рақамларнинг тўлиқ таъсирини яхшироқ англашимиз мумкин. Англия қироли Эдвард II (1237-1307) ва унинг рафиқаси қиролича Элеанор (1241-1290) оилалари бунга яхши мисолдир. Уларнинг фарзандлари ўрта аср Европасида бўлиши мумкин бўлган энг яхши шароитлар ва энг гўзал муҳитдан баҳраманд бўлишган. Улар саройларда яшар, хоҳлаган даражада овқат ейишар эди, уларнинг кўп миқдорда иссиқ кийим-кечаги, ўтин билан тўла камини, тоза суви, хизматкорлар армияси ва энг яхши шифокорлари бор эди.

Манбаларда қиролича Элеанор 1255дан 1284 йилгача дунёга келтирган 16 та бола келтирилган:

1. 1255 йилда туғилган номаълум қиз туғруқ вақтида вафот этди;
2. Кетрин исмли қиз ё бир ёшида, ё уч ёшида вафот этди;
3. Қизи Жоан олти ойлигида вафот этди;
4. Ўғли Жон беш ёшида вафот этди;
5. Ўғли Генрих олти ёшида вафот этди;
6. Элеанор исмли қизи йигирма тўққиз ёшида вафот этди;
7. Исми номаълум қизи беш ойлигида вафот этди;
8. Қизи Жоан ўттиз беш ёшида вафот этди;
9. Ўғли Алфонсо ўн ёшида вафот этди;
10. Маргарет исмли қизи эллик саккиз ёшида вафот этди;
11. Қизи Беренгерия икки ёшида вафот этди;
12. Исми номаълум қиз туғилгандан кўп ўтмай вафот этди;
13. Марям исмли қизи эллик уч ёшида вафот этди;
14. Номаълум ўғли туғилганидан кўп ўтмай вафот этди;
15. Қизи Элизабет ўттиз тўрт ёшида вафот этди;
16. Ўғли, Эдвард.

Энг кенжаси Эдвард ўғил болалар орасида биринчилардан бўлиб хавфли болалик йилларида омон қолди ва отаси вафотидан кейин қирол Эдвард II сифатида тахтга ўтирди. Бошқача қилиб айтганда, Элеанор Англия қироличасининг асосий вазифаси бўлмиш эрини ворис билан таъминлашнинг уддасидан ўн олти уринишда чиқди. Эдуард IIнинг онаси бекиёс сабр ва матонат эгаси бўлгани кўриниб турибди. Аммо худди шу таърифни Эдуард II ўзига рафиқа қилиб танлаган аёл – франциялик Изабелла ҳақида айтиб бўлмас эди. У эрини қирқ уч ёшида қотил ёллаб ўлдиртирган.

Билганимиз шуки, Элеанор ва Эдвард II соғлом жуптлик бўлишган ва улардан фарзандларига ўлимга олиб борувчи ирсий касалликлар мерос бўлиб ўтмаган. Шунга қарамай, фарзандларнинг ўн олтитасидан ўнтаси, яъни 62 фоизи болалик даврида вафот этган. Ўн олтитадан атиги олтитаси ўн бир ёшдан кейин яшашнинг уддасидан чиққан ва атиги учтаси – 18 фоизи – қирқ

ёшдан ошган. Ушбу туғилишлардан ташқари, Элеанор, катта эҳтимол билан, бола тушиши билан яқунланган ҳомиладорликларни ҳам бошидан кечирган. Эдвард ва Элеанор ҳар уч йилда ўртача бир бола, бирин-кетин ўнта бола йўқотишган. Бугунги кун ота-оналари учун бундай йўқотишни тасаввур қилишнинг-да иложи йўқ.

Гилгамиш лойиҳаси – ўлмасликка интилиш – қанча вақтни олади? Юз йилми? Беш юз йилми? Минг йил? 1900 йилда инсон танаси ҳақида қанчалик кам билганимизни ва бир асрда қанча билим олганимизни эсласак, оптимист бўлишга сабаб бор. Яқинда генетик муҳандислар Саэнорҳабдитис элеганс қуртларининг ўртача умрини икки баравар оширишга муваффақ бўлишди. Homo sapiens билан ҳам худди шундай қилиш мумкинми? Нанотехнология мутахассислари танамизда яшайдиган, ёпилиб қолган қон томирларини очадиган, вируслар ва бактериялар билан курашадиган, саратон ҳужайраларини йўқ қиладиган ва ҳатто қариш жараёнларини ортга қайтарадиган миллионлаб нано-роботлардан иборат бионик иммунитет тизимини ишлаб чиқмоқдалар.

Бир неча жиддий олимларнинг таъкидлашича, 2050 йилга келиб, баъзи одамлар ўлмас ҳолга келишади (мутлақ ўлмас деб атаб бўлмайди, чунки улар бирор бир бахтсиз ҳодиса туфайли ўлиши мумкин, аммо ҳалокатли травма бўлмаса, уларнинг ҳаётлари абадий давом этади).

Гилгамиш лойиҳаси муваффақиятли бўладими ёки йўқми, бундан қатъий назар, замонавий динлар ва мафкуралар аллақачон ўлимни ва охиратни тенгламадан чиқариб юборганини кўриш кишини жуда мамнун қилади. XVIII асрга қадар динлар ўлимни ва унинг оқибатларини ҳаётнинг асосий маъноси деб ҳисоблашган. XVIII асрдан бошланган либерализм, социализм ва феминизм каби мафкуралар ўлимдан кейинги ҳаётга бўлган қизиқишни йўқотди. Коммунист вафотидан кейин у билан нима содир бўлади? Капиталист билан нима рўй беради? Феминист билан-чи? Жавобни Маркс, Адам Смит ва ёки Симон де Беаувоирнинг асарларида излаш бефойда. Ҳали ҳам ўлим асосий рол ўйнайдиган ягона замонавий мафкура – бу миллатчилик. Ўзининг янада шеърӣй ва умидсиз лаҳзаларида миллатчилик мафкураси миллат учун ўлган одам унинг жамоавӣй хотирасида абадий яшашини ваъда қилади. Аммо бу ваъда шунчалик мавҳумки, ҳатто энг учига чиққан миллатчилар ҳам уни қандай баҳолашни билмайдилар.

Илм-фан валинеъмати

Биз техник асрда яшайпмиз. Кўпчилик фан ва технология барча муаммоларимизга жавоб беришига амин. Биз шунчаки олимлар ва техникларга ўз ишларини давом эттиришларига имкон беришимиз керак ва улар ерда жаннатни яратадилар. Аммо фан инсониятнинг қолган фаолиятидан устун бўлган юқори даражадаги ахлоқӣй ёки руҳӣй чўққиларда содир бўлмайди. Маданиятимизнинг барча бошқа қисмлари сингари у ҳам иқтисодӣй, сиёсий ва диний манфаатлар билан шаклланади.

Илм жуда қиммат иш. Одамнинг иммунитетини тушунишга интилаётган биолог лабораториялар, синов найчалари, кимёвий моддалар ва

электрон микроскопларни талаб қилади, лаборатория ёрдамчиларию, электрчилар, санитария ходимларини айтмасак ҳам бўлаверади. Кредит бозорларини моделлаштиришга интилаётган иқтисодчи компютерлар сотиб олиши, улкан маълумотлар банкларини яратиши ва маълумотларни қайта ишлашнинг мураккаб дастурларини ишлаб чиқиши керак. Архаик овчи-йиғувчиларнинг хатти-ҳаракатларини тушунишни истаган археолог узок мамлакатларга саёҳат қилиши, қадимий жисмларни қазиб олиши ва тошга айланган суяклар ва артефактларни топиши керак. Буларнинг барчаси пул талаб қилади.

Сўнги 500 йил ичида замонавий илм-фан, асосан, ҳукуматлар, корхоналар, жамғармалар ва хусусий донорларнинг миллиардлаб доллар маблағларини илмий тадқиқотларга йўналтиришга тайёрлиги туфайли ажойиб ишларга эришди. Ушбу миллиардлар Галилео Галилей, Христофор Колумб ва ёки Чарлз Дарвинга қараганда кўпроқ коинот харитасини тузиш, сайёрани харитага тушириш ва ҳайвонот оламини каталоглаштириш ишларини амалга оширди. Агар бу аниқ даҳолар ҳеч қачон туғилмаганда, эҳтимол, уларнинг тушунчалари бошқаларда ҳам пайдо бўлиши мумкин эди. Аммо агар тегишли молиялаштиришнинг имкони бўлмаганида, ҳеч бир ақлий заковат буни қоплай олмас эди. Агар Дарвин ҳеч қачон туғилмаган бўлганида, биз бугунги эволюция назариясини Дарвиндан мустақил равишда ва бир неча йил ўтгач табиий танланиш орқали эволюция ғоясини илгари сурган Алфред Рассел Уоллас билан боғлашимиз мумкин эди. Аммо агар Европа давлатлари дунё бўйлаб географик, зоологик ва ботаника тадқиқотларини молиялаштирмаганларида эди, Дарвин ҳам, Уоллас ҳам эволюция назариясини ривожлантириш учун зарур эмпирик маълумотларга эга бўлмас эдилар. Эҳтимол, улар ҳатто уринишмаган ҳам бўлар эди.

Нега миллиардлар ҳукумат ва бизнес кассаларидан лабораториялар ва университетларга оқиб кела бошлади? Илмий доиралардаги кўпчилик соф фанга ишониш даражасида соддадирлар. Уларнинг фикрига кўра, ҳукумат ва бизнесменлар уларга хаёлга келган ҳар қандай илмий лойиҳаларни амалга ошириш учун алтруистларча пул беришади. Аммо бу фанни молиялаштиришнинг сабабларини аниқ тасвирлаб бермайди. Кўпгина илмий тадқиқотлар кимгадир қандайдир сиёсий, иқтисодий ёки диний мақсадларга эришишда ёрдам бериши мумкинлигига ишонилганлиги сабабли молиялаштирилади. Масалан, XVI асрда қироллар ва банкирлар дунё миқёсида географик экспедицияларни молиялаштириш учун катта маблағ сарфлашди, аммо болалар психологиясини ўрганиш учун бир тийин ҳам ажратилмади. Бунинг сабаби, қироллар ва банкирлар янги географик билимларнинг кашф қилиниши уларга янги ерларни эгаллаб олиш ва савдо империяларини барпо этиш имкониятини беради деб тахмин қилишди, аммо болалар психологиясини тушунишда ҳеч қандай фойда кўрмадилар.

1940 йилларда Америка ва Совет Иттифоқи ҳукуматлари сув ости археологиясини эмас, балки ядро физикасини ўрганишга катта маблағлар ажратдилар. Улар ядро физикасини ўрганиш уларга ядровий қурол ишлаб чиқаришга имкон беради деб тахмин қилишди, сув ости археологияси эса

урушларда ғалаба қозонишда фойдасиз эди. Олимларнинг ўзлари ҳам пул оқимини бошқарувчи сиёсий, иқтисодий ва диний манфаатлар ҳақида доим ҳам хабардор эмаслар; кўп олимлар, аслида, тоза интеллектуал қизиқиш билан ҳаракат қиладилар. Аммо камдан-кам ҳолларда олимларнинг ўзлари илмий иш тартибини белгилайдилар.

Агар биз сиёсий, иқтисодий ва ёки диний манфаатлар таъсирисиз соф илм-фанни молиялаштирмоқчи бўлсак ҳам, барибир бу имконсиз. Ахир бизнинг ресурсларимиз чекланган. Бирор Конгресс аъзосидан асосий илмий тадқиқотлар учун Миллий илмий жамғармага қўшимча миллион доллар ажратишни сўраб кўринг ва у сиздан бу пул ўқитувчиларни ўқитиш учун маблағ сарфлаш ёки ўзининг туманидаги муаммоли фабрикага солиқ имтиёзини бериш учун ишлатилиши яхшироқ эмасми, деб сўрайди. Чекланган пул манбаларни йўналтириш учун биз “нима муҳимроқ?” ва “нима яхши?” каби саволларга жавоб беришимиз керак ва булар илмий саволлар эмас. Фан дунёда нима борлигини, нарсалар қандай ишлашини ва келажакда нима бўлиши мумкинлигини тушунтириб бериши мумкин. Таърифга кўра, келажакда нима бўлиши кераклигини билишга фаннинг ҳеч қандай даъвоси йўқ. Фақатгина динлар ва мафкуралар бундай саволларга жавоб беришга интилишади.

Қуйидаги қийинчиликни кўриб чиқинг: битта бўлимдан бир хил касбий маҳоратга эга бўлган иккита биолог ҳозирги тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш учун миллион долларлик грант олишга ариза беришди. Профессор Слугорн сигирларнинг елинларида учрайдиган ва сут ишлаб чиқаришнинг 10 фоизга камайишига олиб келадиган касалликни ўрганмоқчи. Профессор Спраут сигирларнинг бузоқларидан ажратилиш пайтида рухий азобланиши ёки азобланмаслигини ўрганишни истайди. Агар пул миқдори чекланган бўлса ва иккала тадқиқот лойиҳасини бирдек молиялаштириш имконсиз деб фараз қилсак, қайси бирини молиялаштириш керак? Бу саволга илмий жавоб йўқ. Фақат сиёсий, иқтисодий ва диний жавоблар мавжуд. Ҳозирги дунёда Слугорннинг пул олиш имконияти кўпроқ эканлиги шубҳасиз. Бунинг сабаби елин касалликлари сигирларнинг ақлий ривожланишидан кўра илмий жиҳатдан қизиқарлироқ эканлиги эмас, балки тадқиқотдан фойда кўрадиган сут саноати ҳайвонлар ҳуқуқлари лоббисига қараганда кўпроқ сиёсий ва иқтисодий таъсирга эгалигидир.

Эҳтимол, сигирлар муқаддас бўлган ҳинд жамиятида ёки ҳайвонлар ҳуқуқига содиқ бўлган жамиятда профессор Спраут яхшироқ имкониятга эга бўлиши мумкин эди. Аммо у сутнинг тижорат салоҳияти ва инсон саломатлигини соғин сигирларнинг ҳис-туйғуларидан кўра кўпроқ кадрлайдиган жамиятда яшар экан, ўз мурожаат хатида шу жамиятга мос келувчи тадқиқот таклифларини ёзиб қўйгани маъқул. Масалан, у “Тушқунлик сут ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига олиб келади” деб ёзиши мумкин. “Агар биз соғин сигирларнинг рухий дунёсини тушунсак, уларнинг рухий ҳолатини яхшилайдиган психиатрик дориларни ишлаб чиқишимиз ва шу билан сут ишлаб чиқаришни 10 фоизга оширишимиз мумкин. Ҳисобларимга

кўра, йирик ҳайвонларнинг психиатрик дори-дармонлари учун 250 миллион долларлик дунё миқёсидаги бозор мавжуд”.

Фан ўз устуворликларини белгилашга қодир эмас. Бундан ташқари, у кашфиётлар билан нима қилиш кераклигини аниқлашга ҳам қодир эмас. Масалан, илмий нуқтаи назардан, генетика ҳақидаги ортиб бораётган билимларимиз билан нима қилишимиз кераклиги номаълум. Ушбу билимларни саратон касаллигини даволашда ишлатишимиз керакми ёки генетик жиҳатдан бошқариладиган суперменлар ирқини тузишда, балки уларни катта ўлчамдаги елинлари бўлган соғин сигирларни яратишда ишлатармиз? Либерал ҳукумат, коммунистлар ҳукумати, фашистлар ҳукумати ва капиталистик бизнес корпорациялари худди шу илмий кашфиётни мутлақо бошқа мақсадлар учун ишлатишлари аниқ ва улардан бирини бошқалардан устун қўйиш учун фанда асос йўқ.

Мухтасар қилиб айтганда, илмий тадқиқотлар фақат баъзи динлар ёки мафкуралар билан иттифоқдош шароитда гуллаб яшнаши мумкин. Мафкура тадқиқот харажатларини қоплайди. Бунинг эвазига у илмий иш тартибига таъсир қилади ва кашфиётлар билан нима қилишни белгилайди. Демак, инсоният бошқа алтернатив йўналишлардан кўра Аламогордо ва Ойга қандай етиб борганини англаш учун физиклар, биологлар ва социологларнинг ютуқларини ўрганиш етарли эмас. Биз физика, биология ва социологияни шакллантирган, бошқаларни эътиборсиз қолдириб, уларни муайян йўналишларга йўналтирган ғоявий, сиёсий ва иқтисодий кучларни ҳисобга олишимиз керак.

Айниқса, иккита куч бизнинг эътиборимизга лойиқдир: империализм ва капитализм. Илм-фан, империя ва капитал ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, шубҳасиз, сўнгги 500 йил ичида тарихнинг энг асосий омили бўлиб келган. Кейинги бобларда унинг ишлари таҳлил қилинади. Аввал биз илм-фан ва империянинг эгизак трубиналарининг бир-бирига қандай боғланганини кўриб чиқамиз ва кейин иккаласи қандай қилиб капитализмнинг пул насосига айланиб қолганини билиб оламиз.

15.

Фан ва салтанат иттифоқи

Қуёш ердан қанчалик олисда? Замонавий давр астрономлари бу саволга жавобни зўр бериб қидиришди, айниқса Николай Коперникнинг коинот марказида Ер эмас, айнан Қуёш туриши ҳақидаги далилларга эга бўлган фаразларидан кейин. Бу масофани ўлчашга астрономлар ҳам, математиклар ҳам уриниб кўришди, лекин натижа ҳисоблаш усулларига қараб ҳар-хил чиқа бошлади. Бундай мураккаб масалани ишончли ечиш усули фақатгина XVIII аср ўрталарида таклиф қилинди. Бир неча йилда бир марта Венера сайёраси Ер ва Қуёш ўртасидан ўтади. Венеранинг ўтишини кузатиш мумкин бўлган давр Ернинг турли нуқталари учун ҳар-хил вақтга тўғри келади. Чунки кузатувчи сайёрани кўрадиган бурчак ўзгариб туради. Агарда бир вақтнинг ўзида турли

китъалардан туриб кузатилса, оддий тригонометрик тенглама ёрдамида Ердан Куёшгача бўлган масофани аниқ ўлчаш мумкин.

Астрономлар Венеранинг навбатдаги ўтишини 1761 ва 1769 йилларга тўғри келишини башорат қилишган. Бу йиллар ичида бир-биридан максимал узоқ бўлган нуқталардан кузатиш учун Европадан дунёнинг тўрт тарафига экспедициялар жўнатилган. 1761 йилдаги ўтиш Сибирдан, Шимолий Америкадан, Мадагаскардан ва Африканинг жанубидан туриб кузатилган. 1769 йилга келиб Европа илмий бирлашмаси яхшироқ тайёргарликлар кўриб, ўз аъзоларини ҳаттоки ўша пайтларда умуман ўзлаштирилмаган Канада шимоли ва Калифорнияга жўнатишган. Лондон табиий фанларни ривожлантириш Қироллик жамияти бунга қониқмасдан, ҳисоб-китобни янада аниқроқ қилиш мақсадида Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмига ҳам экспедиция ҳозирлашга қарор қилган.

Қироллик жамияти машҳур Астроном Чарльз Гринни Таитига юборишни хоҳлаган ва бу йўлда на куч ва на маблағини аяган. Аммо шундай қиммат лойиҳани амалга оширмақчи бўлишган экан, фақатгина астрономик кузатишлар билан чегараланиб қолмаслик керак деб билишган ва Грин гуруҳига ботаниклар Жозеф Бэнкс ва Даниел Соландерлар бошчилигида турли йўналишлардаги саккизта олимни қўшиб беришган. Гуруҳга яна янги ерлар ландшафтларини, ўсимликлар, ҳайвонлар ва туб аҳоли вакиллари расмларини чизиш учун рассомлар ҳам қўшиб берилган. Бэнкс ва Қироллик жамияти гуруҳни ўша даврда сотиб олинини мумкин бўлган энг илғор илмий асбоблар билан жиҳозлаган. Экспедицияга тажрибали денгизчи, таниқли географ ва этнограф бўлган капитан Жеймс Кук бошчилик қилган.

Экспедиция 1768 йилда Англияни тарк этиб, 1769 йилда Таитидан туриб Венеранинг Куёш ва Ер ўртасидан ўтишини кузатиб, бир неча Тинч океани ороллариини ўрганиб чиқди, Австралия ва Янги Зеландияда бўлиб, 1771 йилда Англияга қайтиб келди. У астрономик, географик, метеорологик, ботаник, зоологик ва антропологик жуда кўп маълумотлар олиб келди. Экспедиция натижалари бир қатор фанлар ривожига катта ҳисса қўшган, Жанубий Тинч океани ҳақидаги ғаройиб ҳикоялар эса европаликларнинг тасаввурини бойитган ва табиатшунослар ва астрономларнинг келажак авлодларини илҳомлантирган.

Кук экспедициясидан фойда олган соҳалардан бири тиббиёт эди. Ўша пайтларда узоқ соҳилларга сузиб кетадиган кемалар экипаж аъзоларининг ярмидан кўпи саёҳат давомида ўлиб кетишлари мумкинлигини тушунишар эди. Улар ёввойи одамлар ҳужуми, қароқчилар ёки уйини соғиниб эмас, цинга деб номланган ғалати касалликдан вафот этишар эди кўпинча. Касаллик билан оғриган одамларда уйқусираш ва руҳий тушкунлик кузатилиб, уларнинг тишларидан ва бошқа юмшоқ тўқималаридан қон оқар эди. Касаллик ўсиб боргани сайин уларнинг тишлари тушиб кетар, очик яралар пайдо бўлар ва улар ўжарлашар, сарғайиб кетар ва ҳаракат назоратини йўқотишар эди. XVIдан XVIII асргача цинга тахминан 2 миллион кемачининг ҳаётига зомин бўлгани тахмин қилинади. Ҳеч ким бу касалликка нима сабаб бўлишини билмас эди ва унга қарши қандай воситадан фойдаланмасин, денгизчилар

нобуд бўлишда давом этишарди. 1747 йилда инглиз шифокори Жеймс Линд касалликдан азият чекаётган денгизчилар устидан эксперимент ўтказганида бурилиш нуқтаси келди. У уларни бир неча гуруҳларга ажратиб, ҳар бир гуруҳни бир-биридан бошқача усуллар билан даволай бошлади. У тажриба гуруҳларидан биридаги беморларга цитрус меваларини истеъмол қилишни буюрди. Ушбу гуруҳдаги беморлар тезда тузала бошлади. Линд цитрус меваларида денгизчилар организми учун керак бўладиган моддалар борлигини билмас эди, аммо биз ҳозир бу касаллик С витамини етишмаслиги ортидан пайдо бўлишини биламиз. У даврларда одатий кема озуқа рационидан С витаминига бой бўлган озиқ-овқатлар йўқ еди. Узоқ масофага сузадиган кемалардаги денгизчилар одатда печенье ва қуритилган мол гўшти еб, деярли ҳеч қандай мева ёки сабзавот истеъмол қилмас эдилар.

Қироллик денгиз флоти Линднинг тажрибаларига унчалик ишонч билдирмаган, аммо Жеймс Кук унга ишонади ва шифокор ҳақ эканлигини исботлашга қарор қилади. У ўз кемасига кўп миқдорда тузланган қарам юклади ва денгизчиларига ҳар бир тўхталган бандаргоҳда кўп миқдорда янги мева ва сабзавот истеъмол қилишни буюрди. Кук денгизчиларининг бирортасини цинга туфайли йўқотмади. Кейинги ўн йилликларда дунёнинг барча денгиз флотлари Кукнинг овқатланиш рационини қабул қилдилар ва кўплаб денгизчилар ва йўловчиларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Бироқ Кук экспедициясининг яна бир бошқа эзгу бўлмаган мақсади ҳам бор эди. Кук нафақат тажрибали денгизчи ва географ, балки ҳарбий зобит ҳам бўлган. Қироллик жамияти экспедиция харажатларининг катта қисмини молиялаштирди, аммо кемани Қироллик денгиз флоти таъминлади. Ҳарбий денгиз флоти кемани, шунингдек, саксон бешта яхши қуролланган денгизчилар, артиллерия, мушкет, ўқ отиш қуроллари ва бошқа аслаҳалар билан таъминлади. Экспедиция томонидан тўпланган маълумотларнинг кўпи, хусусан, астрономик, географик, метеорологик ва антропологик маълумотлар аниқ сиёсий ва ҳарбий аҳамиятга эга эди. Цингани даволашдаги самарали усулнинг кашф этилиши Буюк Британиянинг дунё океанларини назорат қилишига ва дунёнинг бошқа томонига армияларни юборишига катта ҳисса қўшди. Кук Буюк Британия фойдасига кўплаб ороллар ва ерларни, хусусан, Австралияни даъво қилди. Кук экспедицияси Британиянинг Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмини эгаллашига асос бўлди; Австралия, Тасмания ва Янги Зеландияни босиб олиш учун; миллионлаб европаликларнинг янги колонияларда жойлашиши учун; туб жойлар маданиятларини ва кўпчилик маҳаллий аҳолини йўқ қилиш учун йўл очди.

Кук экспедициясидан бир аср ўтиб Австралия ва Янги Зеландиянинг энг унумдор ерлари европалик кўчманчилар томонидан туб аҳолидан тортиб олинган. Маҳаллий аҳоли 90 фоизга камайди ва омон қолганлар ирқий зулм режимига дучор бўлди. Австралиянинг аборигенлари ва Янги Зеландиянинг маорилари учун Кук экспедицияси уларнинг қайтиб тикланишига ҳеч қачон йўл қўймайдиган фалокатнинг бошланиши эди.

Тасмания аҳолисининг тақдири янада оғирроқ бўлди. Кук келганидан бошлаб бир аср ичида 10 минг йил давомида ташқи дунёдан изоляцияда яшаб омон қолган халқ охири эркак, аёл ва болаларигача бутунлай йўқ қилинди. Европалик кўчманчилар дастлаб уларни оролнинг энг бой қисмларидан қувиб чиқаришди, кейин эса оролнинг қолган чўл ва дашт қисмларини ҳам аборигенларга қолдиришни хоҳламай, уларни ов қилиб, мунтазам равишда ўлдиришди. Тирик қолган бир нечта одамлар евангелистлар концлагерига ташланди, у ерда яхшилик истовчи, аммо унчалик ақлли бўлмаган миссионерлар уларни замонавий дунёга мослаштирмоқчи бўлишди. Тасманияликларга ўқиш ва ёзиш, христианлик, кийим-кечак тикиш ва деҳқончилик каби турли хил “самарали хунар”лар ўргатилган. Аммо улар ўрганишни рад этишди. Улар тобора одамови бўлиб қолишди, фарзанд кўришни тўхтатдилар, ҳаётга бўлган қизиқишни йўқотдилар ва ниҳоят замонавий илм-фан ва тараққиёт дунёсидан кўра ўлимни танладилар.

Афсуски, илм-фан ва тараққиёт уларни ўлгач ҳам тинч қўймади. Сўнгги тасманияликларнинг жасадларини фан номи билан антропологлар ва музей кураторлари ўзларига олишди. Улар ўликларни ёриб кўришган, тарозида тортишган ва бўйларини ўлчаб ўрганишган, илмий мақолаларда таҳлил қилишган. Бош суяклари ва скелетлар кейинчалик музейлар ва антропологик коллекцияларда намойиш этилган. Фақатгина 1976 йилга келибгина Тасмания музейи юз йил олдин вафот етган сўнгги маҳаллий тасман аёли Труганинининг скелетини дафн қилиш учун рухсат берди. Англия Қироллик жарроҳлар коллежи эса ҳатто 2002 йилгача унинг териси ва сочлари намуналаридан воз кечмаган.

Кукнинг кемаси ҳарбий куч билан ҳимояланган илмий экспедициямиди ёки бир нечта олимлар қўшиб қўйилган ҳарбий экспедиция? Бу бензин қуйилган идишингиз ярим бўшми ёки ярим тўлами деган саволга ўхшайди. Иккаласи ҳам эди. Илмий инқилоб ва замонавий империализм – ажралмас йўлдошлардир. Капитан Жеймс Кук ва ботаник Жозеф Бэнкс сингари одамлар фанни салтанатдан ажратиб туришлари қийин эди. Бахтсиз Труганини ҳам бундай қила олмади.

Нега Европа?

Атлантика шимолидаги катта оролдан келган одамлар, Австралиянинг жанубидаги катта оролни забт этганлиги тарих ғаройиботларидан биридир. Кук экспедициясидан анча олдин, Англия ороллари ва умуман Ғарбий Европа Ўртаер денгизи дунёсининг олис бир қисми эди. Бу ерда ҳеч қачон аҳамиятли нарсалар бўлмаган. Ҳатто Рим империяси – Европанинг ҳозирги даврларгача бўлган ягона империяси – ўзининг катта бойликларини Шимолий Африка, Болқон ва Яқин Шарқ вилоятларидан олган. Римнинг Ғарбий Европадаги провинциялари эса камбағал ёввойи Ғарб эди, у ердан минераллар ва қуллардан бошқа ҳеч нарса етказиб берилмас эди. Шимолий Европа шунчалик ёввойилашган ва бўм-бўш эдики, у забт этишга ҳам арзимас эди.



Тасмания туб аҳолисининг сўнги вакиласи Туругани

Фақатгина XV асрнинг охирига келиб Европа муҳим ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар устахонасига айланди. 1500 ва 1750 йиллар оралиғида Ғарбий Европа кучайиб борди ва “ташқи дунё”нинг, яъни икки Америка қитъалари ва океанларнинг ҳукмдорига айланди. Шундай бўлса-да, Европа Осиёнинг буюк салтанатларига тенг кела олмасди. Европаликлар Американи забт этишга ва денгизда устунликка эришишига муваффақ бўлганлигининг асосий сабаби шунда эдики, Осиё мамлакатлари денгизларга унчалик қизиқиш билдирмасдилар. Бу давр Ўртаер денгизида Усмонлилар империяси, Форсиядаги Сафавийлар империяси, Ҳиндистондаги Бобурийлар ва Хитойнинг Мин ва Цин сулолалари учун олтин аср эди. Улар ўз худудларини сезиларли даражада кенгайтirdилар ва мисли кўрилмаган демографик ва иқтисодий ўсишга эришдилар. 1775 йилда дунё иқтисодиётида Осиёнинг улуши 80 фоизини ташкил қилди. Фақатгина Ҳиндистон ва Хитойнинг қўшма иқтисодиёти ялпи ишлаб чиқаришнинг учдан икки қисмини ташкил этарди. Осиё билан солиштирганда бу даврда Европа шунчаки иқтисодий гном эди.

Глобал куч маркази Европага фақат 1750 ва 1850 йиллар оралиғида кўчиб ўтди, бу йилларда европаликлар Осиё кучларини қатор урушларда енгиб, Осиёнинг катта қисмларини босиб олдилар. 1900 йилга келиб европаликлар дунё иқтисодиётини ва унинг кўп қисмини қатъий назорат остига олдилар. 1950 йилга келиб Ғарбий Европа ва Америка Қўшма Штатлари биргаликда дунё бўйича ялпи ишлаб чиқаришнинг ярмидан кўпини ташкил қилган бўлсалар, хитойликларнинг улуши 5 фоизгача қисқарди. Европа таъсири остида янги глобал тартиб ва маданият пайдо бўлди. Ҳозирги

кунда дунёда яшаётган барча одамлар, (айримлар тан олишни истамасалар-да) кийиниши, фикрлаш доираси ва дидига кўра европаликлардир. Улар ўз дунёқарашда ашаддий анти-европача қарашларга эга бўлишлари мумкин, аммо сайёрадаги деярли ҳар бир киши сиёсатга, тиббиётга, урушга ва иқтисодиётга Европа нуқтаи назари билан қарайди ва Европа услубида ёзилган муסיқаларни, Европа тилларида ёзилган сўзлар билан қўшиқларни тинглайди. Ҳаттоки бугунги тез орада глобал миқёсда иқтисодий устунликка эга бўлиши мумкин бўлган Хитой иқтисодиёти ҳам ишлаб чиқариш ва молиявий соҳаларда Европа моделига таянади.

Қандай қилиб Евроосиёнинг бурчагида яшайдиган бу одамлар дунёнинг олис жойларидан чиқиб, бутун дунёни забт этишга муваффақ бўлди? Бу масалада, албатта, муваффақиятнинг катта қисмига Европадан чиққан олимлар сабаб қилиб кўрсатилади. Шак-шубҳасиз, 1850 йилдан бошлаб Европа ҳукмронлик йўлида кўп жиҳатдан ҳарбий-индустриал-илмий мажмуалар ва технологик мўжизаларга суянди. Замонавий даврнинг бу кеч қисмида барча муваффақиятли империялар технологик инновациялар умидида илмий изланишлар олиб боришди ва кўпгина олимлар кўп вақтларини император аскарлари учун қурол-яроғ, дори-дармонлар ва дастгоҳларда ишлаб чиқаришга сарфлашди. Африкада жанг қилган Европалик аскарлар орасида: “Нима бўлса ҳам, бизда автоматлар бор, уларда эса йўқ” деган иборалар юрар эди. Европаликлар қўшинларида аскарлар учун ҳам шароитлар яхши эди. Аскарлар узок муддат бузилмайдиган консерваланган маҳсулотлар истеъмол қилишар, темирйўл ва кемалар аскарлар ва уларнинг ўқ дори-дармонларини ташир, аскарлар, денгизчилар ва темирйўлчилар дори-дармонларнинг янги турлари билан даволаган. Ушбу логистик ютуқлар Европа томонидан Африканинг забт этилишида автоматга қараганда муҳимроқ рол ўйнаган.

Аммо 1850 йилгача бундай бўлмаган. Ҳарбий-индустриал-илмий мажмуа илк қадамларини ташлаётган эди; илмий инқилобнинг технологик мевалари пишмаган ва Европа, Осиё ва Африка кучлари ўртасидаги технологик тафовут жуда кичик эди. 1770 йилда Жеймс Кук австралиялик аборигенларга қараганда анча яхши технологияларга эга эди, албатта, аммо хитойликлар ва усмонлилар ҳам ундан кам эмас эдилар. Нега унда Австралияни капитан Ван Чжэнсэ ёки капитан Ҳусайн Пошо эмас, балки капитан Жеймс Кук кашф этди ва мустамлакага айлантирди? Яна бир бундан-да қизиқ савол: агар 1770 йилда Европаликлар мусулмонлар, ҳиндлар ва хитойликларга нисбатан муҳим технологик устунликка эга бўлмаган бўлса, атиги 100 йил ичида улар ўзлари ва дунёнинг қолган қисми ўртасидаги бундай катта тафовутга қандай эришишди?

Нега ҳарбий-индустриал-илмий комплекс Ҳиндистонда эмас, Европада гуллаб яшнади? Англия олдинга сақраганида, нима учун Франция, Германия ва АҚШ унинг ортидан шошилди, Хитой эса орқада қолди? Нима учун индустриал ва ноиндустриал давлатлар ўртасидаги фарқ глобал иқтисодий ва сиёсий омилга айланди? Нима учун Россия, Италия ва Австрия бу фарқни йўқотишга муваффақ бўлишди-ю, Форс, Миср ва Усмонли империялари

муваффақиятсизликка учради? Ахир биринчи саноат тўлкинининг технологиялари нисбатан содда эди. Буғ двигателларини тайёрлаш, пулемётлар ишлаб чиқариш ва темирйўлларни ётқизиш хитойликлар ёки усмонлилар учун шунчалик қийин бўлганми?

Дунёдаги биринчи тижорат темир йўли 1830 йилда Буюк Британияда очилди. 1850 йилга келиб эса ғарбликлар қарийб 40 минг км темир йўлларини ётқизишди, бу улар бутун Европани бошидан охиригача кезиб чиқишларига етар эди. Лекин бу пайтга келиб бутун Осиё, Африка ва Лотин Америкасида биргаликда қўшиб ҳисоблаганда ҳам атиги 4000 км темирйўл бор эди. 1880 йилга келиб Ғарб давлатлари 350.000 км.дан кўпроқ темир йўллари бунёд этган бўлса, дунёнинг қолган қисмида 35минг км темир йўл линиялари мавжуд эди холос (ваҳоланки, уларнинг аксариятини Ҳиндистонда инглизлар ётқизган). Хитойда биринчи темирйўл фақатгина 1876 йилга келиб очилди. Бу узунлиги 25 километр бўлган ва европаликлар томонидан қурилган йўл эди. Аммо Хитой ҳукумати уни кейинги йилдаёқ вайрон қилган. 1880 йилга келиб Хитой империясида битта ҳам ишлайдиган темирйўл йўқ эди. Форсиядаги биринчи темирйўл эса фақатгина 1888 йилга келиб қурилган ва у Техронни ундан ўн чақирим жанубда жойлашган мусулмон муқаддас қадамжоси билан боғлаган. Уни Белгия темир йўл компанияси қурган ва хизмат кўрсатган. 1950 йилга келиб ҳам Эроннинг умумий темир йўл тармоғи атиги 2500 километрни ташкил этар эди холос, гарчи бу мамлакат Британиядан етти баравар катта бўлса ҳам...

Муаммо хитойликлар ва форслар буғ двигателлари каби технологик ихтироларга эга эмаслигида эмас эди (уларни кўчириб олиш ёки сотиб олиш мумкин эди). Уларга ғарбда асрлар давомида шаклланиб камол топган қадриятлар, суд аппарати ва ижтимоий-сиёсий тузилмалар етишмасди. Франция ва Америка Қўшма Штатлари тезда Буюк Британиянинг изидан боришди, чунки французлар ва америкаликлар Британиянинг энг муҳим қадриятлари ва ижтимоий тузилмаларини бирлаштирган. Хитойликлар ва форслар эса жамиятларида бошқача қадриятлар ва ижтимоий тузилмалар ҳукмронлиги сабаб уларга ета олмадилар.

Ушбу юқоридаги вазият 1500 дан 1850 йилгача бўлган даврдаги тарихни ёритиб беради. Бу даврда Европа Осиё кучларига нисбатан аниқ технологик, сиёсий, ҳарбий ёки иқтисодий устунликка эга эмас эди, аммо бу даврда қитъанинг кучи тўсатдан намоён бўладиган ноёб потенциал яратилди. 1750 йилда Европа, Хитой ва мусулмон дунёси ўртасидаги тенглик шунчаки сароб эди. Иккита қурувчини тасаввур қилинг-а, уларнинг ҳар бири жуда баланд миноралар қурмоқдалар. Бир қурувчи ёғоч ва лой ғиштларидан, бошқаси темир ва бетондан фойдаланади. Дастлаб бу икки усул ўртасида унчалик катта фарқ йўқдек туюлади, чунки иккала миноралар ҳам бир хил суръатда ўсиб, бир хил баландликка етади. Бироқ маълум бир баландликдан ўтгандан сўнг, ёғоч ва лойдан қилинган минора зилзилага дош беролмайди ва қулаб тушади, пўлат ва бетондан қурилган минора эса қаватма-қават ўсиб бораверади.

Замонавий давр бошларида Европа ўз потенциалини қандай ривожлантирди? Замонавий давр сўнгида нималар унинг бутун дунёни

эгаллашига имкон берди? Бу саволга қўш жавоб мавжуд: фан ва капитализм. Европаликлар муҳим технологик афзалликларга эга бўлишдан олдин ҳам илмий ва капиталистик тарзда ўзини тутишга ва шундай фикрлашга одатланган эдилар. Технологик кашфиётлар васвасаси бошланганда эса, европаликлар уни ҳаммадан яхшироқ ишлатишди. Шундай қилиб, илм-фан ва капитализм ХХІ аср Европаси учун Европа империализми давридан мерос бўлиб қолган энг муҳим омиллардир. Европа ва европаликлар энди дунёни бошқармайдилар, аммо фан ва капитал тобора кучайиб бормоқда. Капитализм ғалабалари кейинги бобда кўриб чиқилади. Ушбу бўлим эса Европа империализми ва замонавий илм-фан ўртасидаги севги ҳикоясига бағишланди.

Босқинчилик менталитети

Европа империяларида замонавий илм-фан айнан шу империялар туфайли гуллаб-яшнади. Шубҳасиз, бу ривожланиш учун қадимги Юнонистон, Хитой, Ҳиндистон ва ислом олами каби илмий анъаналар олдида Европа катта қарздор. Ғарб илм-фанининг ўзига хос хусусиятининг шаклланиши янги давр бошларида Испания, Португалия, Англия, Франция, Россия ва Голландия империяларининг кенгайиши билан биргаликда бошланди. Замонавий даврнинг илк паллаларида хитойликлар, ҳиндлар, мусулмонлар, туб америкаликлар ва полинезияликлар илмий инқилобга муҳим ҳисса қўшдилар. Мусулмон иқтисодчиларининг фикрлари Адам Смит ва Карл Маркс томонидан ўрганилди, америкалик ҳинду табиблари томонидан олиб борилган муолажалар инглиз тиббиёт илмий матнларига кириб борди ва полинезияликлардан олинган маълумотлар ғарб антропологиясида катта инқилоблар қилди. Аммо ХХ асрнинг ўрталарига қадар бу кўплаб илмий кашфиётларни тўплаган одамлар, бу жараёндан илмий фанлар яратганлар Европа империяларининг ҳукмрон ва интеллектуал элитаси вакиллари эди. Узоқ Шарқ ва ислом олами ҳам Европадаги каби қизиқувчан ва ақлли олимларни етиштириб чиқарди. Бироқ 1500-1950 йиллар орасида улар ичидан Нютон физикаси ёки Дарвин биологияси каби бирон бир ёрқин илмий кашфиётлар қилинмади.

Бу европаликларнинг илм-фан борасида ноёб ген соҳиблари эканлигини ёки улар физика ва биологияни ўрганишда абадий ҳукмронлик қилишларини аңглатмайди, албатта. Ислом ҳам араблар дини сифатида бошланиб, кейинчалик турклар ва форслар томонидан олға сурилгани каби замонавий илмлар ҳам европаликлардан бошланди, аммо бугунги кунга келиб улар кўп миллатли жамоага айланиб бормоқда. Замонавий илм-фан ва Европа империализми ўртасидаги мустаҳкам иттифоққа нималар асос бўлди? Технологиялар ХІХ ва ХХ асрларда муҳим омил бўлган, аммо замонавий даврнинг илк паллаларида у чекланган аҳамиятга эга эди. Асосий омил бошқа эди: янги ўсимликлар қидираётган ботаник олим ва янги мустамлака ерлар қидираётган ҳарбий денгиз зобити бир-бирини жуда яхши тушунишган. Олим ҳам, ҳарбий ҳам ишни билимсизликларини тан олишдан бошлаган – иккаласи ҳам: “Мен у ерларда нималар борлигини билмайман” дейишди. Иккаласи ҳам

ўша номаълум ерларга бориб, шу тарзда олинган янги билимлар орқали дунё хўжайинига айланишларига умид қилишган.

Аввал бошиданоқ Европа илмий тадқиқот экспедициялари янги ерларни босиб олиш учун юриш эди. Янги ерларни босиб олиш учун юришлар эса илмий тадқиқот экспедициялари эди. Европа империализми тарихдаги бошқа барча олдинги лойиҳалардан шуниси билан фарқ қилар эди. Олдинги империяларнинг яратувчилари биз аллақачон дунёни англаб бўлганмиз деб ўйлашарди. Фатҳлар орқали эса шунчаки ўз дунёқарашларини тарқатгандилар. Оддий мисол: Араблар Миср, Испания ёки Ҳиндистонни ўзлари билмаган билимларни кашф этиш учун босиб олишмаган. Римликлар, мўғуллар ва ацтеклар ҳам куч билан, бойлик ва шараф излаб янги ерларни эгаллаб олишди – билим учун эмас. Бундан фарқли ўлароқ, Европа империалистлари янги ҳудудлар билан бир қаторда янги билимларга эга бўлиш умидида узоқ қирғоқларга суздилар.

Жеймс Кук бу каби фикр юритган биринчи тадқиқотчи эмас эди. XV-XVI асрларнинг португал ва испан саёҳатчилари аллақачон бу ишларни амалга оширганлар. Шаҳзода Генри Денгизчи ва Васко да Гама биргаликда Африка қирғоқларини кашф этдилар ва шу билан ороллар ва портларни назорат қилдилар. Христофор Колумб Американи “кашф этди” ва дарҳол янги ерлар устидан Испания қироллиги ҳукмронлигини эълон қилди. Фердинанд Магеллан бутун дунёни айланиб сузиб чиқди ва бир вақтнинг ўзида Филиппинни Испанияга қўшиб олди.

Вақт ўтган сайин илм ва фатҳ йўлида янги ҳудудларни босиб олиш кучайиб борди. XVIII-XIX асрларда Европадан узоқ мамлакатларга йўлга чиққан деярли ҳар бир муҳим ҳарбий экспедиция уришиш учун эмас, балки янги кашфиётлар қилиш учун олимлар билан ҳам тўлдирилар эди. 1798 йилда Наполеон Мисрга бостириб кирганида у 165 олимни ўзи билан бирга олиб кетди. Бошқа нарсалар қаторида улар мутлақо янги фан – мисршунослик фанига асос солишди ва дин, тилшунослик ва ботаникани ўрганишда муҳим хисса қўшдилар.

1831 йилда Қироллик денгиз флоти “Бигл” кемасини Жанубий Америка, Фолкленд ороллари ва Галапагос ороллари соҳилларини харитага киритиш учун юборади. Денгиз флотига бу билимлар урушга янада яхшироқ тайёрланиш учун керак эди. Кема капитани ҳаваскор олим бўлиб, улар йўлда дуч келиши мумкин бўлган геологик тузилишларни ўрганиш мақсадида экспедицияга геолог олимни ҳам қўшишга қарор қилишди. Бир неча профессионал геологлар унинг таклифини рад этганларидан кейин капитан йигирма икки ёшли Кембриж университети битирувчиси Чарльз Дарвинга бу ишни таклиф қилади. Дарвин Англияда черков хизматчиси бўлишга ўқиган, аммо Инжилдан кўра геология ва табиий фанларга кўпроқ қизиқиш билдирган. У бу имкониятни қўлдан бой бермади, қолгани эса ҳаммага маълум. Капитан ўз вақтини ҳарбий хариталар чизишда ўтказди, Дарвин эса эмпирик маълумотларни тўплади ва эволюция назариясига айланиши мумкин бўлган тушунчаларни шакллантирди.

1969 йил 20 июлда астронавтлар Нил Армстронг ва Базз Олдрин Ой юзасига кўнишди. Экспедициядан бир неча ой олдин, “Аполлон 11” астронавтилари АҚШнинг ғарбий қисмида юзаси Ой юзасига ўхшаш чўлда машқ қилишди. Бу ҳудудда бир нечта туб америкалик ҳинду қабилалари яшаган. Бу тарихий воқеами ёки афсона,буни билмаймиз, лекин гўёки астронавтлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги шундай суҳбат бўлиб ўтган. Бир куни улар машғулоти олиб боришар экан, астронавтлар эски туб америкаликни учратишади. У одам улардан нима қилаётганликларини сўрайди. Улар тез орада Ойни кашф этиш учун саёҳат қиладиган тадқиқот экспедициясининг бир қисми эканликларини айтишади. Чол буни эшитиб, бир неча дақиқа жим қолади ва астронавтлардан унга бир масалада илтифот кўрсатишни илтимос қилади. “Нима истайсиз?”, - деб сўрайди улар. “Хўш, - деди чол, - менинг қавмим одамлари ойда муқаддас руҳлар яшайди, деб ишонишади. Уларга менинг қавмимдан муҳим бир хабар юборишингиз мумкинми?” “Бу қандай хабар?”, - деб сўрайди астронавтлар. Бу одам ўз қабилавий тилида нимадир айтади, кейин астронавтлардан уни тўғри ёдлаб олгунча такрорлашларини сўрайди. “Бу нимани англатади?”, - деб сўрайди астронавтлар. “Буни айтолмайман. Буни фақат бизнинг қабиламиз ва ой руҳлари билишади”. Базага қайтишганидан кейин, астронавтлар шу ҳинду қабиласи тилида гаплашадиган одамни кидириб топишади ва ундан махфий хабарни таржима қилиб беришни сўрашади. Улар эслаб қолган сўзларини такрорлашганида таржимон қаттиқ кулиб юборади. У тинчлангач, астронавтлар ундан бу сўзлар нимани англатишини қайта сўрайдилар. Таржимон ҳинду қабиласидаги чол ёдлатган жумлаларни тушунтирган: “Бу одамлар сизга айтаётган битта ҳам сўзга ишонманглар. Улар сизнинг ерларингизни эгаллаб олиш учун келишган”.

Бўш хариталар

“Кашф этинг ва забт этинг” менталитети дунё хариталарини тузиш ривожланиши билан яхши кўрсатиб берила бошлаган. Кўплаб маданиятлар дунё хариталарини замонавий даврдан анча олдин чизишган. Шубҳасиз, уларнинг ҳеч бири бутун дунёнинг ҳақиқий тузилишини билмас эди. Афроосиё маданияти Америка ҳақида билмас ва ҳеч бир Америка маданияти Афроосиё ҳақида тушунчага эга эмас эди. Одамлар барибир хариталар тузаверган. Аммо хариталардаги нотаниш жойлар шунчаки ташлаб кетилган ёки хаёлий ҳайвонлар ва ажойиботлар сурати билан тўлдирилган эди. Ушбу хариталарда бўш жойлар йўқ эди. Шу сабаб одамлар бутун дунё билан таниш бўлган деган ёлғон таассурот қолади.

XV-XVI асрларда европаликлар дунё хариталарини жуда кўп бўш жойлар билан чизишни бошладилар – бу илмий инқилобнинг, шунингдек, Европа империализмининг ривожланишидан далолат берар эди. Бўш хариталар психологик ва мафкуравий ютуқ эди, европаликлар дунёнинг катта қисмларидан беҳабар эканликларини очик тан ола бошлашди.

1492 йилда Христофор Колумб Испаниядан ғарбий томонга – Шарқий Осиёга янги йўл излаётган пайтда муҳим бурилиш даври келди. Колумб эски “тўлик” дунё хариталарига ҳали ҳам ишонарди. Улардан фойдаланган

холда Колумб Япония Испаниядан ғарбий 7000 км масофада жойлашган бўлиши кераклигини ҳисоблаб чиқади. Лекин у қаттиқ адашган эди. Аслида бу йўналиш бўйича 20 минг километрдан кўпроқ масофа ва номаълум қитъа Шарқий Осиёни Испаниядан ажратиб турарди. 1492 йил 12 октябрда, тахминан соат 14:00 атрофида Колумб экспедицияси номаълум қитъа билан тўқнашади. Хуан Родригес Бермехо “Пинта” кемасининг устунидан туриб, биз ҳозир Багама ороллари деб атайдиган оролни кўради ва “Ер! Ер!” деб кичқиради. Колумб Шарқий Осиё соҳилидаги кичик бир оролга етиб келганига ишонди. У ерда учратган одамларини “ҳиндулар” деб атади, чунки у Ҳиндистонга келдик деб ўйлайди – аниқроғи Индонезия архипелагидаги Шарқий Ҳиндистонга. Колумб умрининг охиригача бунинг хатолигини билмаган. У мутлақо номаълум бир қитъани кашф этгани ҳақидаги фикрни шунчаки тасаввур қила олмас эди. Минг йиллар давомида нафақат буюк мутафаккир ва олимлар асарларида, балки бенуқсон ҳисобланган Муқаддас оятларда ҳам фақат Европа, Африка ва Осиё ҳақида ёзилган эди, холос. Ҳаммаси нотўғри бўлган бўлиши мумкинми? Нахотки уқадас Инжил китоби ҳам дунёнинг қолган ярми ҳақида индамаган бўлса? Бу худди 1969 йилда Ойга кетаётган “Аполлон 11” кемаси Ерни айланиб юрган шу пайтгача номаълум бўлган, шу пайтгача ҳечким билмаган бошқа бир Ойга қулаб тушгандек гап эди. Ўзининг бу борада билимсизлигини тан олишдан бош тортган Колумб ўрта аср одами эди. У бутун дунёни билишига амин эди ва ҳатто унинг ушбу муҳим кашфиёти ҳам уни бундай эмаслигига ишонттира олмади.



1492 йилги Европа харитаси. (Европа тена – чап бурчакда) Жуда кўп деталлар борлигига эътибор қилинг, харита шундай чизилганки, гўёки европаликлар дунёнинг ҳар бир бурчагини билишади.

Замонавий даврнинг биринчи одами 1499-1504 йилларда Америкага бир нечта экспедицияларда қатнашган италиялик

денгизчи Америго Веспуччи эди. 1502-1504 йилларда Европада ушбу экспедицияларни тавсифловчи иккита маълумот нашр этилди. Улар Веспуччига тегишли эди. Ушбу маълумотларда Колумб томонидан кашф этилган янги ерлар Шарқий Осиё соҳилидаги ороллар эмас, балки муқаддас оятлар, классик географлар ва замонавий Европаликлар учун номаълум бўлган бутун бошли янги қитъа эканлиги таъкидланди. 1507 йилда ушбу далиллар билан ташган таниқли картограф Мартин Валдземюллер Европанинг ғарбий томонида жойлашган алоҳида қитъа сифатида пайдо бўлган жой кўрсатилган янгиланган дунё харитасини нашр этди. У харитани чизганидан сўнг қитъага ном беришда Америго Веспуччи бу жойларни кашф этган шахс деб ўйлаб янглишган ҳолда қитъани унинг шарафига Америка деб номлади. Валдземюллер харитаси жуда машҳур бўлиб, кўплаб бошқа картографлар томонидан кўчирилган ва Америка номи билан танила бошлаган. Дунёнинг тўртдан бир қисми ва етти қитъанинг иккитаси унчалик машҳур бўлмаган италиялик номи билан аталишида шоирона адолат бор, унинг шон-шарафга даъвоси шунчаки “биз буни билмаймиз” деб тан олишни билганидан иборат эди.

Американинг кашф қилиниши илмий инқилобнинг бошланиши эди. Бу воқеа европаликларга ўтмиш анъаналаридан кўра ҳозирги реал кузатувлар муҳимлигини ўргатиши билан бир қаторда Американи забт этиш истаги европаликларни зудлик билан янги билимларни излашга ҳам мажбур қилди. Агар улар улкан янги ҳудудларни бошқаришни исташса, янги қитъанинг географияси, иқлими, флораси, фаунаси, тиллари, маданияти ва тарихи ҳақида ҳам жуда кўп янги маълумотларни тўплашлари керак эди. Илоҳий китоблар, қадимги география китоблари ва қадимги оғзаки ривоятлар бу борада ёрдам бермаслиги аниқ бўлиб улгурган эди.

Энди нафақат европалик географлар, балки бошқа барча илм-фан соҳаларидаги Европа олимлари хариталарни номаълум бўлган жойлар қисмини бўш қолдириб туза бошладилар. Улар ўзларининг назариялари мукамал эмаслигини ва ҳали жуда кўп муҳим бўлган нарсаларни билмасликларини тан ола бошладилар.

Харитадаги бўш жойлар европаликларни худди оҳанрабо каби ўзига жалб қила бошлади ва улар зудлик билан бу бўш жойларни тўлдиришга киришдилар. XV-XVI асрларда Европа экспедициялари Африкани айланиб чиқдилар, Американи кашф этдилар, Тинч ва Ҳинд океанларини кесиб ўтиб мунтазам тармоқ яратдилар. Бутун дунё бўйлаб таъминот базалари ва мустамлакаларга асос солдилар. Улар биринчи ҳақиқий дунё империяларни ўрнатдилар ва биринчи халқаро савдо тармоқларини бирлаштирдилар. Европа империалистик экспедициялари дунё тарихини ўзгартирди: бир-биридан ажратилган халқлар ва маданиятлар ягона яхлит инсоният жамиятининг тарихига айланди.



Салвиатининг дунё харитаси (1525 йил). Материклар, ороллар ва батафсил изоҳларга тўла 1459 йилги харитадан фарқли равишда Салвиатининг харитаси деярли бўм-бўш. Кузатувчининг нигоҳи Америка қитъаси қирғоқлари бўйлаб пастга тушиб борар экан, бўшлиққа дуч келади. “Мана бу бурун ортида нима бор?” деган савол ўз-ўзидан пайдо бўлади. Бироқ харитада унинг жавоби йўқ. У бизни гўёки елканларни ростлаб жавобни излашга ундаётгандек.

Европаликларнинг ушбу тадқиқот ва экспедициялари ҳақида жуда кўп эшитганмиз, улар бизга шунчалик танишки, биз бунинг аслида қанчалик ғайриоддий бўлганини эътибордан четда қолдирамиз. Бунга ўхшаш ишлар илгари ҳеч қачон бўлмаган эди. Номанум ерларни фатҳ қилиш учун узок масофали юришларни ўтказиш инсоният учун табиий ҳол эмас аслида. Тарих давомида аксарият жамиятлар маҳаллий низолар ва қўшнилари билан жанжалларда шунчалик банд эдиларки, улар узок ерларни ўрганиш ва босиб олишни ҳеч қачон ўйлашмаган. Ҳаттоки кўпгина йирик империялар ҳам ўзларининг яқин атрофлари устидан назоратларини кенгайтирар эдилар – натижада улар қўшни худудлар ҳисобигагина кенгайиб борар эди холос. Шу тариқа римликлар Римни ҳимоя қилиш учун Этрурияни забт этдилар (милоддан аввалги 350-300 йил). Кейин улар Этрурияни ҳимоя қилиш учун унга хавф солаётган По водийсини забт этдилар (милоддан аввалги 200 йил). Кейин эса По водийсини ҳимоя қилиш учун Провансни (милоддан аввалги 120 йил), Провансни ҳимоя қилиш учун Галлияни (милоддан аввалги 50 йил) ва Галлия хавфсизлиги учун Британияни (милодий 50 йил) босиб олдилар. Римдан Лондонга бориш учун 400 йил керак бўлди. Милоддан аввалги 350 йилда бирор бир римлик Буюк Британияга тўғридан-тўғри сузиб бориш ва уни босиб олиш мумкинлигини тасаввур ҳам қилиб кўрмаган.


Баъзида шуҳратпараст ҳукмдорлар ёки саргузашталаб инсонлар узок юртларга бориб, уларни босиб олиш кампаниясини бошлайди, лекин бундай кампаниялар одатда яхши ўрганилган ва маълум бўлган тижорат йўлларида фойдаланади. Масалан, Искандар Зулқарнайннинг юришлари янги империянинг пайдо бўлишига олиб келмади, балки мавжуд бўлган империянинг – форсларнинг босиб олинишига олиб келди. Замонавий давр

Европа империяларига энг яқин бўлган империялар бу антик давр Афина ва Карфаген қадимги денгиз империялари ва XIV асрда Индонезия оролларида ҳукмронлик қилган Мажапахит империялари эди. Аммо бу империялар камдан-кам ҳолларда номаълум сувларга сузиб боришган – замонавий давр Европасининг дунё миқёсидаги юришлари билан таққослаганда, уларнинг денгиздаги фаолиятлари асосан маҳаллий бўлган.

Кўпгина олимларнинг таъкидлашича, Европаликларнинг кашфиётлари Хитойнинг Мин сулоласи даврида яшаб ўтган адмирал Чжен Хэнинг саёҳатлари билан солиштириганда ҳеч нарса эмас. 1405 ва 1433 йиллар оралиғида Чжен Хитойдан Ҳинд океанининг узоқ қирғоқларига еттига улкан армадани олиб борди. Бу флотлар ичида энг каттаси қарийб 300 та кемани ва 30 минг кишига яқин бўлган кўшинни ўз ичига олган. Улар Индонезия, Шри-Ланка, Ҳиндистон, Форс кўрфази, Қизил денгиз ва Шарқий Африкага ташриф буюришган. Хитой кемалари ҳаттоки Ҳижознинг асосий бандаргоҳи бўлган Жидда шаҳри ва Кения соҳилларидаги Малинди шаҳарларида ҳам лангар ташлаган. Колумбнинг 1492 йилдаги флоти 120 нафар денгизчидан иборат учта кичик кемадан ташкил топган бўлиб, Чжен Хэнинг кемалари олдида аждар ёнида турган учта чивинга ўхшар эди.

Аммо улар ўртасида жуда муҳим бир фарқ бор эди: Чжен Хэ океанларни ўрганиб чиқди ва хитойпараст ҳукмдорларга ёрдам берди, лекин у ташриф буюрган мамлакатларини босиб олишга ёки мустамлака қилишга ҳеч қачон ҳаракат қилмади. Бундан ташқари, Чжен Хэнинг экспедициялари Хитой сиёсати ва маданияти билан узвий боғлиқ эмас эди. 1430 йилларда Пекин саройидаги ҳукмрон гуруҳ ўзгарганида янги ҳукмдорлар денгиз операцияларини бирдан тўхтатиб қўйдилар. Катта флот парчаланиб кетди, муҳим техник ва географик билимлар йўқотилди ва шундан кейин Хитой портидан ҳеч қачон бу каби катта экспедициялар йўлга чиқмади. Келгуси асрларда Хитой ҳукмдорлари олдинги асрлардаги аксарият хитой ҳукмдорлари сингари ўзларининг манфаатлари ва амбицияларини қиролликнинг яқин атрофидаги мамлакатлар билан чеклади.

Чжен Хэ экспедициялари ўша давр Европасининг технологик жиҳатдан энг юқори даражада эмаслигини исботлайди. Европаликлар учун фавқулодда муҳим бўлган нарса янги ерларни кашф этиш ва забт этишга бўлган мисли кўрилмаган истак эди. Гарчи бошқа даврларда ҳам бу истак мавжуд бўлган бўлса-да, римликлар ҳеч қачон Ҳиндистон ёки Скандинавияни, форслар Мадагаскар ёки Испанияни, хитойликлар Индонезия ёки Африкани забт этишга уринишмаган. Аксарият хитой ҳукмдорлари ҳаттоки яқин бўлган Японияга ҳам тегишмаган. Бу ерда ажабланарли нарса йўқ. Гап шундаки, замонавий даврнинг илк палласидаги европаликлар узоқ ва мутлақо номаълум бўлган бегона маданиятларга сузиб бориш васвасасига йўлиққан ва бу васваса уларни бегона юртларнинг қирғоқларига бир қадам қўйиб ва шу заҳотиёқ: “Мен бу ҳудудларнинг барчасини қиролим учун талаб қиляпман!” дейишга мажбур қилган.



Колумб кемаси (чапда) ва таққослаш учун читой флотининг байроқдор кемаси (ўнгда)

Коинотдан хужум


Тахминан 1517 йилда Кариб денгизи оролларидаги испан колонистлари Мексика материгида бўлган кучли империя ҳақида ноаниқ миш-мишларни эшита бошладилар. Орадан тўрт йил ўтгач ацтеклар пойтахти харобага айланди, Ацтек империяси ўтмишда қолиб кетди, Эрнан Кортес эса Мексикада улкан янги Испания империясига эгалик қила бошлади.

Испанлар ҳатто муваффақиятни нишонлашга ҳам ва нафас ростлаб олиш учун ҳам тўхтамадилар. Улар зудлик билан барча йўналишларда кидирув ва босқинчилик ишларини бошлаб юбордилар. Марказий Американинг олдинги ҳукмдорлари – ацтеклар, толтеклар ва маялар – Жанубий Американинг мавжудлигини деярли билишмаган ва 2000 йил давомида ҳеч қачон уни бўйсундиришга уринишмаган эди. Бироқ Испанлар Мексикани забт этганидан ўн йилдан ошиқроқ вақт ўтиб, Франсиско Писарро Жанубий Америкада Инклар империясини кашф этди ва уни 1532 йилда босиб олди.

Агар ацтеклар ва инклар ўзларини қуршаб турган оламга бироз кўпроқ қизиқиш билдирганларида ва айниқса испанлар кўшнилари қай қўйларга солишганини билишганида эди, улар испан истилоларига янада астойдил ва муваффақиятли қарши туришлари мумкин эди. Колумбнинг Америкага биринчи сафари билан (1492 йил) Кортеснинг Мексикага юришлари ўртасидаги йилларда (1519 йил) испанлар Кариб денгизи оролларида кўп қисмини босиб олиб, янги колониялар ташкил қилдилар. Бу мустамлакалар тўб аҳолиси учун ердаги жаҳаннам эди. Очкўз ва виждонсиз мустамлакачилар

уларни темир мушт билан бошқариб, қул қилиб, шахталарда ва плантацияларда ишлашга мажбур қилдилар, озгина қаршилик кўрсатганларни ўлдирдилар. Кўп ўтмай маҳаллий аҳолининг аксарияти ё оғир иш шароитларидан ёки Американи забт этувчилар олиб келган ва улар учун номаълум бўлган касалликлар туфайли вафот этдилар. 20 йил ичида Кариб денгизининг деярли барча аҳолиси қириб ташланди. Испания мустамлакачилари бўшлиқни тўлдириш учун Африкадан қуллар олиб киришни бошладилар. Ушбу қирғин Ацтек империяси бурнининг тагида содир бўлган, аммо испанлар Кортес империянинг шарқий соҳилига келиб тушганида ацтеклар бу ҳақда ҳеч нарса билишмаган. Испанлар улар учун худди коинотдан келган ўзга сайёраликлар каби эди. Ацтеклар бутун дунёни билишларига ва унинг аксарият қисмини бошқарганларига амин эдилар. Улар ўзларининг оламларидан ташқарида ҳам бошқа маданиятлар бўлиши мумкинлигини тасаввур қилишмаган эди. Кортес ва унинг одамлари ҳозирги Веракруснинг қуёшли пляжларига чиқишганидагина ацтеклар биринчи марта мутлақо номаълум одамларга дуч келишди.

Ацтеклар бу ҳолатга қандай муносабатда бўлишни билишмас эди. Улар бу нотаниш одамлар қаердан ва нима учун келишганини тушунишмас эди. Улар билган одамлардан фарқли ўлароқ, келгиндиларнинг терилари оқ эди. Шунингдек, уларнинг соқоллари жуда кўп эди. Баъзиларининг сочлари қуёшнинг рангига ўхшаш эди. Келгиндилардан жуда бадбўй ҳид тараларди. (Ацтеклар гигиена борасида испанларга нисбатан анча тартибли эдилар. Испанлар Мексикага биринчи бор келишганида улар қаерга боришмасин, ёнларига хушбўй тутатқилар ушлаган маҳаллий одамлар тайинланган эди. Испанияликлар буни илоҳий шараф белгиси деб ўйлашган. Биз маҳаллий манбалардан биламизки, аслида келгиндиларнинг ҳиди шунчаки чидаб бўлмас даражада бадбўй эди.)



Испан босқини даврида Ацтеклар ва Инклар империяси.

Ҳиндулар учун келгиндиларнинг моддий маданияти янада ҳайратланарли эди. Улар ацтекларнинг тасаввурига ҳам сиғмайдиган улуғвор кемаларда сузиб келишди. Улар улкан ва даҳшатли ҳайвонларнинг (*отлар*. тарж) устида шамол каби тез юрар эдилар. Ялтироқ металл таёқлардан чакмоқ ва момақалдиरोқ пайдо қилишлари мумкин эди. Уларда узун қиличлар ва кесилмас совутлар бор эди, уларга қарши маҳаллий ёғоч қиличлар ва чакмоқ тошдан қилинган найзалари фойдасиз эди. Баъзи ацтеклар испанларни худолар бўлса керак деб ўйлашди. Бошқалар эса уларни иблислар, ўлганларнинг арвоҳлари ёки кучли сеҳргарлар деб таъкидлашди. Мавжуд кучларни бир жойга тўплаш ва испанларни йўқ қилиш ўрнига ацтеклар майда муҳокамаларга берилишди ва музокаралар олиб боришди. Улар шошилиш учун ҳеч қандай сабаб кўрмадилар. Ахир Кортеснинг ёнида атиги 550 та испан бор эди холос. 550 киши кўп миллионли империяга қарши нима ҳам қила оларди?

Кортес ҳам ацтеклар ҳақида деярли беҳабар эди, аммо у ва унинг одамлари ацтекларга нисбатан катта устунликка эга эдилар. Ацтеклар бу ғалати ва бадбўй ҳидли мусофирлар ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган бир пайтда испанлар ер номаълум одамлар оламига тўлиб тошганлигини билишар эди. Ҳеч ким бегона ерларни босиб олиш ва ғайритабиий вазиятларда ўзини тута билишда испанлар каби катта тажрибага эга эмас эди. Европалик истилочи учун ҳам бегона юртларга келиш худди номаълум жойга тушиб қолган европалик олим сингари жуда ҳаяжонли эди. Шундай қилиб, Кортес 1519 йил июл ойида куёшли соҳилга лангар ташлагач ҳеч иккиланмай ҳаракат қилди. Илмий-фантастик асарларда ўзининг космик кемасида пайдо бўлган ўзга сайёралик сингари Кортес ҳайратда қолган ҳиндуларга қарата: “Биз тинчлик билан келдик. Бизни раҳбарингиз олдига олиб боринг” деганча Испаниянинг буюк қиролидан келган тинчликпарвар элчи эканлигини тушунтиради ва ацтек ҳукмдори Монтесума II билан дипломатик суҳбат ўтказишни сўрайди. (У виждонсизларча ёлғон гапирган эди. Кортес очкўз адвентистлар сектасининг мустақил экспедициясини бошқарган. Испания қироли ҳеч қачон Кортес ҳақида ҳам, ацтеклар ҳақида ҳам эшитмаган.) Кортесга Ацтекларнинг маҳаллий душманлари бўлган қабилалар томонидан қўлланмалар, озиқ-овқатлар ва ҳатто баъзи ҳарбий ёрдамлар берилган. Улар испанларга ацтеклар пойтахти – Теночтитлан шаҳрига олиб боровчи йўлларни ҳам кўрсатишади ва Кортес буюк пойтахт томон қўшин тортади.

Ацтеклар Кариб денгизи оролларидаги босқинчиликлардан беҳабар ҳолда келгиндиларга пойтахт бўйлаб пиёда юришга рухсат беришади, кейин эса чет элликлар раҳбарини ҳурмат билан император Монтесума кутиб олади. Император билан суҳбат ўртасида Кортес ўз одамларига имо қилади ва пўлатдан ясалган қиличлар билан испанлар Монтесуманинг тансоқчиларини ўлдирадилар (улар эса фақат ёғоч таёқлар ва тош пичоқлар билан куролланган эдилар). Олий мартабали меҳмон мезбонни асир олади. Кортес энди жуда

нозик вазиятга тушиб қолган эди. У императорни асирга олган бўлса-да, ўн минглаб ғазабланган император жангчилари, миллионлаб ҳиндулар ва умуман нотаниш қитъа қуршовида қолган эди. Унинг ихтиёрида атиги бир неча юз испан бор эди ва испанларнинг унга энг яқин жойдаги бошқа аскарлари 1500 километрдан кўпроқ масофада жойлашган Кубада эди. Кортес Монтесумани саройда асирликда шундай ушлаб турдики, ташқаридан гўё қирол эркин ва “Испания элчиси” шунчаки меҳмон бўлиб кўринар эди. Ацтек империяси жуда марказлашган давлат эди ва бундай фавқулодда мисли кўрилмаган вазият уни фалаж қилиб қўйди. Монтесума ўзини гўёки империяни бошқараётгандек тутса-да ва ацтек элитаси эса унга бўйсунишда давом этса-да, аслида улар Кортесга бўйсунитар эдилар. Бу ҳолат бир неча ой давом этди, шу вақт ичида Кортес Монтесума ва унинг хизматкорларини сўроққа тутди, ўз таржимонларига маҳаллий тилларни ўрганишни буюрди ва Ацтек империяси ва турли қабилалар, халқлар ва шаҳарлар билан танишиш учун ҳар томонга кичик испан экспедицияларини юборди. Ацтек элитаси охир-оқибат Кортес ва Монтесумага қарши исён кўтариб, янги императорни сайладилар ва испанларни Теночтитландан ҳайдаб чиқардилар. Бироқ бу пайтга келиб империя деворларида кўплаб ёриқлар пайдо бўлиб улгурган эди. Кортес олган билимларидан фойдаланиб, ёриқларни янада кенгроқ очди ва империяни ичкаридан иккига бўлиб ташлади. У кўплаб империяга тобе халқларни ҳукмрон ацтек элитасига қарши курашга қўшилишга ишонтирди. Бунга ишонган қабилалар катта хато қилишган эди. Улар ацтеклардан нафратланишар эди, лекин испанларнинг асл мақсадлари ва улар Кариб денгизидаги оролларда уюштирган қирғинлар ҳақида ҳеч нарса билишмас эди. Улар испанлар ёрдамида ацтеклар солган кишанларни улоқтириб ташлаш мумкин деб тахмин қилишди. Кейинроқ бу кишанни уларга испанлар тақиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришмади. Агар кейинчалик Кортес ва унинг бир неча юз нафар аскарлари бирор бир муаммо чиқаргудай бўлсалар, уларни осонгина енгишларига амин эдилар. Исёнкор халқлар Кортесни ўн минглаб маҳаллий аскарлардан иборат қўшин билан таъминладилар ва уларнинг ёрдами билан Кортес Теночтитланни қамал қилиб, шаҳарни забт этди.

Бу пайтга келиб Мексикага, Куба ва Испаниядан тобора кўпроқ испан аскарлари ва кўчманчилари кела бошладилар. Маҳаллий халқ нима бўлаётганини англаб етган пайтда аллақачон жуда кеч бўлган эди. Босқинчилар Вера Крузга келишган пайтидан бошлаб атиги бир аср ичида Американинг туб аҳолиси сони қирғинлар ва Европадан келган нотаниш касалликлар туфайли қарийб 90 фоизга қисқариб кетган. Омон қолганлар эса ўзларини ацтекларникидан ҳам баттарроқ бўлган очкўз ва ирқчи режимнинг қўлларига топширишди. Кортес Мексикага келганидан ўн йил ўтгач Инклар империясининг қирғоғига Франциско Писарро етиб келди. У Кортесга қараганда камроқ аскарларга эга эди – унинг экспедицияси атиги 168 кишидан иборат эди! Аммо Писарро аввалги босқинчиликларда тўпланган барча билим ва тажрибалардан кенг фойдаланган. Инклар эса аксинча, ацтекларнинг тақдири ҳақида ҳеч нарса билмас эдилар. Писарро ўзини

худди Кортес каби тутди. У ҳам ўзини Испания қиролининг тинчликпарвар элчиси деб таништирди, инклар хукмдори Атауалпани дипломатик суҳбатга таклиф қилди ва кейин уни асирга олиб ўғрилаб кетди. Писарро маҳаллий иттифоқчилари ёрдамида фалаж бўлган империяни забт этишга киришди. Агар Инклар империясининг исёнкор халқлари Мексика аҳолисининг тақдирини билганларида эди, босқинчилар билан ош-қатиқ бўлмаган бўлар эдилар. Аммо улар буни билмас эдилар.

Америка туб аҳолиси ўзларининг тор дунёқарашлари туфайли оғзи куйган халқлар ичида ягона эмас. Осиёнинг буюк империялари – усмонлилар, сафавийлар, бобурийлар ва хитойликлар – европаликлар қандайдир номаълум катта ерларни кашф этишганини тез орада эшитган, албатта. Аммо улар бу кашфиётларга ҳеч қандай қизиқиш билдирмадилар. Улар дунё маркази Осиёда жойлашганига ишонишда давом этдилар ва Американи, Атлантика ва Тинч океанидаги янги океан йўллари бошқариш учун Европа билан рақобатлашишга эҳтиёж сезмадилар. Ҳаттоки Шотландия ва Дания каби кичик Европа қиролликлари Америкага бир нечта тадқиқот ва экспедициялар юборишди, аммо Америкага вслом олами, Ҳиндистон ёки Хитойдан биронта ҳам тадқиқот ёки фатҳ қилиш экспедицияси юборилмади. Америкага ҳарбий экспедиция юборишга ҳаракат қилган Европага алоқадор бўлмаган биргина давлат Япония эди. 1942 йил июн ойида япон экспедицияси Аляска қирғоғидаги иккита кичик ороллар Киска ва Аттуни АҚШнинг ўнта аскарлари ва битта итини ўлдириб босиб олган эди. Японлар ҳеч қачон Американинг материк қисмига яқинлаша олмаганлар.

Усмонлилар ёки хитойликлар Америкага қизиқмаганликларига сабаб сифатида Америка улар учун жуда узокда жойлашганлиги ёки уларда технологик, иқтисодий ёки ҳарбий ресурслар бўлмаганлиги ҳақида баҳслашиш мутлақо ноўрин. Масалан Чжен Хэ 1420 йилларда Хитойдан Шарқий Африкага сузиб боришига етган ресурслар Америкага боришга ҳам етарли эди. Хитойликлар шунчаки қизиқиш билдиришмади. Америка ҳам киритилган Хитойнинг биринчи дунё харитаси 1602 йилга келибгина нашр этилди, уни ҳам европалик миссионер чизиб берган эди!

300 йил давомида европаликлар Америка ва Океанияда, Атлантика ва Тинч океанида сўзсиз яқка ҳокимликдан баҳраманд бўлишган. Бу минтақаларда ягона курашлар турли Европа давлатлари ўртасида бўлган. Европаликларнинг янги очилган ерлардан топган бойликлари охир-оқибат уларга Осиёнинг буюк империяларини босиб олиб уларни ўзаро бўлишиб олишга имкон берди. Усмонлилар, форслар, хиндлар ва хитойликлар уйғониб, эътибор беришни бошлаган пайтларга келиб эса аллақачон жуда кеч бўлиб улгурган эди.

Фақатгина XX асрда европалик бўлмаган маданиятлар чинакам глобал қарашларни қабул қилдилар. Бу Европа гегемонлигининг қулашига олиб келган ҳал қилувчи омиллардан бири эди. Жазоирда бўлиб ўтган Франция мустамлакасига қарши мустақиллик уруши йилларида (1954-1962 йиллар) Жазоир партизанлари Франция армиясини сон жихатдан, технологик ва иқтисодий устунлик орқали мағлубиятга учратдилар. Жазоирликларнинг

бундай устунликка эришишларига сабаб шунда эдики, уларни халқаро мустамлакачиликка қарши тармоқлар қўллаб-қувватладилар ва улар дунё оммавий ахборот воситалари ва Франциянинг ўзидаги жамоатчилик фикрини ўз ишларига жалб қилишни усталик билан амалга оширдилар. Кичкинагина Шимолий Ветнамнинг АҚШ каби гигантни мағлубиятга учратгани ҳам шунга ўхшаш стратегияга асосланган эди. Бу партизан урушлари, агарда маҳаллий курашлар глобал аҳамиятга эга бўлган кўринишга айлантирилса, ҳатто энг кудратли кучларни ҳам мағлубиятга учратиш мумкинлигини кўрсатиб берди. Агарда Монтесума ҳам Испаниядаги жамоатчилик фикрини ўзгартириб, Испаниянинг рақибларидан – Португалия, Франция ёки Усмонлилар империясидан ёрдам олганида нима бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаш жуда қизиқ.

Камёб ўргимчаклар ва унутилган ёзувлар

Замонавий илм-фан ва империяларнинг ривожланиши, уфқ ортида уларни бирор бир муҳим нарса кутаётганлиги эҳтимоли, янги кашф этадиган билимлар ва ўзлаштирадиган бойликларга эга бўлиш каби доимий безовталиikka асосланган эди. Илм-фан ва империя ўртасидаги боғлиқлик бу билан тугамайди. Нафақат мотивациялар, балки империя қурувчиларининг стратегиялари ҳам олимлар билан узвий боғлиқ эди. Замонавий давр европаликлари учун империя қурилиши илмий лойиҳадай бўлган бўлса, янги илмий интизомларни ўрнатиш – империал лойиҳа эди.

Бобурийлар Ҳиндистонни забт этишда ҳинд тарихини мунтазам ўрганиш учун археологларни, ҳинд маданиятларини ўрганиш учун антропологларни, ҳинд тупроқларини ўрганиш учун геологларни ёки ҳинд фаунасини ўрганиш учун зоологларни жалб қилмаганлар. Инглизлар эса Ҳиндистонни забт этишда буларнинг барчасини амалга оширдилар. 1802 йил 10 апрелдан Ҳиндистоннинг “буюк тадқиқотлари” даври бошланди. Бу ўз навбатида олтмиш йил давом этди. Ўн минглаб маҳаллий ишчилар, олимлар ва йўл кўрсатувчилар ёрдамида инглизлар бутун Ҳиндистонни диққат билан ўрганиб харитага туширишди, чегараларни белгилаб, масофаларни ўлчашди ва ҳатто биринчи марта Эверест чўққисининг баландлигини ва Ҳимолай чўққиларини ҳам аниқладилар. Инглизлар Ҳиндистоннинг ҳар бир вилоятининг ҳарбий ресурслари ва олтин конларининг жойлашувини ўрганишди. Лекин улар ноёб ҳинд ўргимчаклари ҳақида маълумотлар тўплаш, рангли капалаклар каталогини яратиш, йўқ бўлиб кетган ҳинд тилларининг қадимги келиб чиқиш манбаларини ўрганиш ва унутилган харобаларда қазилма ишларини амалга оширишларни ҳам унутмадилар.

Шундай изланишлардан бири, миллоддан аввалги учинчи минг йилликда гуллаб яшнаган ва миллоддан аввалги 1900 йилларда вайрон бўлган Ҳинд водийси цивилизациясининг асосий шаҳарларидан бири бўлган Мохенжодарони ўрганиш эди. Ҳиндистоннинг Британиядан олдинги ҳеч бир ҳукмдорлари – на маурялар, на гупталар на Дехли султонлари ва на

бобурийлар бу вайроналарни ўрганишга қизиқиш билдиришмаган эди. Аммо 1922 йилда бу археологик тадқиқот Англиянинг диққат марказига тушди. Кейин Британия жамоаси уни қазиб олиб, Ҳиндистоннинг аввал номаълум бўлган биринчи буюк цивилизациясини кашф этишди.

Буюк Британия илмий изланишларининг яна бир ёрқин намунаси миҳхат ёзувининг таржимаси эди. Бу Яқин Шарқда 3000 йил давомида ишлатилган асосий ёзув эди, аммо уни ўқий олган сўнги одам, эҳтимол, милоддан аввалги биринчи мингйилликнинг бошларида вафот этган бўлса керак. Ўша пайтлардан бошлаб минтақа аҳолиси ёдгорликларда, қабр тошларида, қадимги харобаларда ва синган қозонларда миҳхат ёзувларига дуч келишган. Аммо улар ғалати, бурчакли, тирноқларни эслатувчи бу ёзувларни қандай ўқиш кераклигини билишмаган ва биз биламизки, улар ҳеч қачон бунга уринишмаган ҳам. 1618 йилда миҳхат европаликларнинг эътиборига тушади, Испаниянинг Эрондаги элчиси қадимги Персеполис харобаларини томоша қилаётганида, у ерда ҳеч ким унга тушунтириб беролмайдиган ёзувларни кўради. Номаълум битиклар ҳақидаги янгиликлар европалик олимлар орасида тарқалиб, уларнинг қизиқишини орттиради. 1657 йилда Европа олимлари Персеполисдаги миҳхат ёзувининг биринчи қисмини нашр этдилар. Кейинчалик яна бошқа ёзувлар ҳам топилди ва икки аср давомида ғарблик олимлар уларнинг маъносини топишга ҳаракат қилади. Аммо ҳеч бири муваффақиятга эришмади.

1830 йилларда инглиз зобити Генри Роулинсон Эрон армиясини Европа услубида тайёрлашга ёрдам бериш учун Эронга юборилади. Бўш вақтларида Роулинсон Эрон бўйлаб саёҳат қилади ва маҳаллий йўриқчилар бир куни уни Загрос тоғларидаги қояга олиб боришади ва улкан Бехистун ёзувини кўрсатадилар. Баландлиги 15 метр ва эни 25 метр бўлган бу ёзув милоддан аввалги 500 йил атрофида шоҳ Доро буйруғи билан жарлик юзидаги қоятошга ёзилган эди. У миҳхат ёзувида уч тилда – қадимги форс, элам ва бобил тилларида битилган эди. Ёзув маҳаллий аҳолига яхши маълум эди, аммо ҳеч ким уни ўқий олмасди. Роулинсон, агар шу ёзувни англай олса, бу унга ва бошқа олимларга Яқин Шарқнинг қадимий ва унутилган дунёсига эшик очиб берадиган сон-саноксиз бошқа ёзувлар ва матнларни ҳам ўқишга имкон беришига ишонч ҳосил қилди.

Ёзув сирини очишдаги биринчи қадам бу ёзувдан аниқ нусха олиб, унинг Европага жўнатилиш эди. Роулинсон ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, бу тушунарсиз хатларни нусхалаш учун тик жарликка чиқади. Унга ёрдам беришлари учун бир нечта маҳаллий одамларни ёллади, хусусан, бир курд болача ёзувнинг юқори қисмини нусхалаш учун жарликнинг энг қийин тепа жойларига кўтарилган. 1847 йилда нусха олиш лойиҳаси яқунланиб тўлиқ ва аниқ нусха Европага юборилади. Роулинсон бу билан чегараланиб қолмади. У ҳарбий зобит сифатида ҳарбий ва сиёсий топшириқларни бажариши керак эди, аммо бўш вақтлари бўлганда, мавҳум битиклар сирини топиш ҳақида ўйларди. У бирма-бир ҳар-хил усулларни синаб кўради ва ниҳоят ёзувнинг қадимий форс қисмини топишга муваффақ бўлади. Бу энг осони эди, чунки қадимги форс тили Роулинсон яхши билган замонавий форсидан унчалик ҳам фарқ

қилмас эди. Қадимги форс бўлимини тушуниш унга элам ва бобил бўлимларининг сирларини очиш учун зарур бўлган калитларни берди. Гўёки катта эшик очилиб, қадимги, аммо жонли овозлар – шумер бозорларининг шов-шувлари, Оссурия подшоҳларининг эълонлари, Бобил бюрократларининг мулоҳазалари эшитиларди. Роулинсон сингари замонавий Европа империалистларининг ҳаракатларисиз биз қадимги Яқин Шарқ империялари тақдири ҳақида кўп маълумотларга эга бўлмаган бўлар эдик.

Яна бир таниқли империалист олим сэр Уилям Жонс эди. Жонс 1783 йил сентябр ойида Ҳиндистонга Бенгал Олий судида судья бўлиб ишлаш учун келган. У Ҳиндистоннинг мўжизаларидан шу қадар таъсирланганки, келганидан сўнг олти ой ичида Осиё илмий жамиятини яратган. Ушбу илмий ташкилот Осиё, хусусан, Ҳиндистон маданияти, тарихи ва жамиятини ўрганишга бағишланган эди. Икки йил ичида Жонс ўз кузатувлари натижасида “Санскрит тили” деб номланган ва қиёсий тилшунослик фанида кашфиёт бўлган илмий ишини нашр эттирди. Ўзининг илмий ишларида Жонс ҳинд диний маросимларининг муқаддас тилига айланган қадимги ҳинд тили бўлмиш санскрит ва юнон, латин тиллари ўртасидаги ажаблантирадиган ўхшашликлар, шунингдек, бу тиллар билан готик, келт, қадимги форс, немис, француз ва инглиз тилларининг ўхшашликларини кўрсатди. Шундай қилиб, санскрит тилида “она” – “matar” латинда “mater”, қадимги келт тилида эса “mathir” бўлади. Жонснинг таъкидлашича, бу тилларнинг барчаси ҳозир унутилган қадимги аجدод орқали умумий келиб чиқишга эга бўлган. Жонс биринчи бўлиб кейинчалик ҳинд-европа тиллари оиласи деб номланган нарсани аниқлаган эди.

Жонснинг ишлари нафақат унинг дадил (ва аниқ) гипотезалари туфайли, балки тилларни таққослаш учун яратган тартибли методологияси туфайли ҳам тилшуносликда муҳим босқич бўлди. Бу нарса эса ўз навбатида бошқа олимларга дунёнинг барча тиллари ривожланишини мунтазам ўрганиш имкониятини берди. Тилшунослик империя томонидан қўллаб қувватланди. Европа империялари қўл остидагиларни самарали бошқариш учун уларнинг тиллари ва маданиятини билиш керак деб ҳисоблашган. Ҳиндистонга келган инглиз зобитлари уч йилгача Калкутта коллежида бўлиб, инглиз қонунлари билан бир қаторда ҳинду ва мусулмон қонунларини ўрганган; юнон ва латин тиллари билан бирга санскрит, урду, форс тилларини, тамил, бенгал ва ҳинд маданияти билан бир қаторда математика, иқтисодиёт ва географияни ўрганишган. Тилшуносликни ўрганиш маҳаллий тилларнинг тузилиши ва грамматикасини тушунишда бебаҳо ёрдам берган.

Уилям Жонс ва Генри Роулинсон каби одамларнинг меҳнати туфайли европалик истилочилар ўзлари босиб олган ерлар тарихи ва маданиятларини аввалги ғолиблардан ва ҳатто маҳаллий аҳолидан ҳам яхшироқ билишган. Бу устунликлар уларга аниқ амалий афзалликлар берар эди. Бундай билимларсиз оз миқдордаги британияликлар икки аср давомида миллионлаб ҳиндларни бошқариш, зулм қилиш ва эксплуатация қилишга муваффақ бўлишлари даргумон эди. XIX ва XX асрнинг бошларида Британия ҳукуматининг 5000 амалдори, тахминан 40-70 минг инглиз аскарлари ва тахминан 100 минг инглиз

ишбилармонлари, хизматкорлар, хотинлари ва болалари 300 миллион хиндларни ушлаб туриш ва бошқариш учун етарли эдилар. Аммо бу амалий афзалликлар империялар тилшунослик, ботаника, география ва тарихни ўрганишни молиялаштиришининг ягона сабаби эмас эди. Шуниси муҳимки, фан империялистик мақсадларни оқлаш учун мафкуравий асос берди. Замонавий давр европаликлари янги билимларни олиш ҳар доим яхши эканлигига ишонишади. Империяларнинг янги билимлар доимий оқимини вужудга келтириши уларни илғор ва ижобий қилиб кўрсатар эди. Бугунги кунда ҳам география, археология ва ботаника каби фанлар ҳеч бўлмаганда билвосита Европа империяларига миннатдор бўлишдан қочиб қутила олишмайди. Ботаниклар Австралия аборигенларининг азоб-уқубатлари ҳақида кўп нарса гапирмайдилар, аммо уларда ҳамини Жеймс Кук ва Жозеф Бэнкслар учун илиқ сўзлар топилади. Бундан ташқари, империялар томонидан тўпланган янги билимлар босиб олинган халқларга ҳеч бўлмаганда назарий жиҳатдан фойда келтирди ва уларга тараққиётнинг афзалликлари бўлмиш тиббиёт ва таълим билан таъминлаш, темирйўл ва каналлар қуриш, адолатни таъминлаш ва фаровонлик имконини берди. Империалистларнинг таъкидлашича, уларнинг империялари кенг эксплуатация майдони эмас, балки Европадан ташқаридаги ирқлар учун амалга оширилган улуғвор лойиҳалар ва Редьярд Киплингга кўра “Оқ танли кишининг бурч андуҳи” эмиш:

*Юкингни тортавер, Оқ танли одам!
Чекинга тушгандур бу заҳмат тоши,
Заминнинг қоратан ўғлонларига
Борсин ўғлонларинг денгизлар ошиб.
Бўйсунган ва лекин кўрс қабилалар
Хизматин қилсинлар, фидо этиб жон –
Боладек соддадир, ким билсин, улар...
Эҳтимол, ёввойи қоп қора шайтон!*

Албатта, далиллар кўпинча бу афсонани инкор этади. 1764 йилда инглизлар Ҳиндистоннинг энг бой вилояти бўлган Бенгалияни босиб оладилар. Янги ҳукмдорларни бойликдан бошқа нарса қизиқтирмайди. Улар бир неча йил ўтгач Буюк Бенгал очарчилигининг бошланишига олиб келган ҳалокатли иқтисодий сиёсатни олиб боришган. У 1769 йилда бошланиб, 1770 йилда фалокат даражасига етди ва 1773 йилгача давом этди. 10 миллионга яқин Бенгалия вилоят аҳолисининг учдан бир қисми бу фалокат оқибатида қирилиб кетди. Аслида ҳам на уларнинг империялари кенг эксплуатация майдони эмаслиги ҳақидаги гаплари ва на “Оқ танли кишининг бурч андуҳи” ҳақидаги афсоналар далилларга тўлиқ мос келмайди. Европа империялари шу қадар катта миқёсда жуда кўп турли хил ишларни қилдиларки, улар ҳақида ёзмоқчи бўлган нарсаларингизни кўллаб қувватлаш учун кўплаб мисоллар топишингиз мумкин. Сизнингча, бу империялар бутун дунё бўйлаб ўлим, зулм ва адолатсизликни ёйган ёвуз махлуқлармиди? Сиз осонгина энциклопедияни уларнинг жиноятлари билан тўлдиришингиз мумкин. Сиз, ҳақиқатан ҳам, улар

Ўз фуқароларининг тиббий, иқтисодий шароитлари ва хавфсизликларини яхшилаганликлари ҳақида баҳслашмоқчисиз? Сиз бошқа бир энциклопедияни уларнинг ютуқлари билан тўлдиришингиз мумкин. Илм-фан билан яқин ҳамкорлиги туфайли бу империялар шунчалик қудратга эга эдиларки, дунёни шунчалик ўзгартирдиларки, буни яхшилик ёки ёмонлик деб атаб бўлмайди. Улар биз билган дунёни яратдилар, шу жумладан, биз уларни ҳукм қилиш учун фойдаланадиган мафкураларни ҳам. Аммо илм-фан империалистлар томонидан янада ғаразли мақсадлар учун ҳам фойдаланилган. Биологлар, антропологлар ва ҳатто тилшунослар европаликлар бошқа барча ирқлардан устун эканликлари ва шунинг учун бошқалар устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эга эканликларини исботлаш вазифасини бажарадилар. Уилям Жонс ҳинд-европа тилларининг барчаси битта қадимий тилдан келиб чиқади, деб таъкидлаганидан сўнг, кўплаб олимлар ушбу тиллар қайси тилдан келиб чиққанини билиб олишни жуда хоҳлашди. Улар 3000 йил олдин Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга бостириб кирган санскрит тилида сўзлашувчилар ўзларини *arya* деб аташганини пайқадилар. Қадимги форс тилида сўзлашувчилар ўзларини *airiia* деб аташган. Европалик олимлар, санскрит ва форс (шунингдек, юнон, латин, гот ва келт) тилларини туғдирган дастлабки тилда гаплашадиган одамлар ўзларини орийлар деб аташган деб тахмин қилишди. Ҳинд, форс, юнон ва Рим цивилизацияси асосчиларининг барчаси орийлар бўлганлиги тасодиф бўлиши мумкинми?

Кейинчалик инглиз, француз ва немис олимлари меҳнаткаш орийлар тўғрисидаги лингвистик назарияни Дарвиннинг табиий танланиш назариясига қўшиб, орийлар шунчаки лингвистик гуруҳ эмас, балки биологик мавжудот – ирқ эканлигига ишонишди. Оддий ирқ эмас, балки бутун дунё бўйлаб маданият пойдеворини қўйиш учун шимолий туманлардан пайдо бўлган узун бўйли, сариқ сочли, кўк кўзли, меҳнатсевар ва ўта оқил инсонлардан ташкил топган олий ирқ. Афсуски, Ҳиндистон ва Эронга бостириб келган орийлар бу ерлардаги маҳаллий аҳолига уйланишди, терисининг оқ ранги ва сарғиш сочларини, шу билан бирга ўзларининг оқиллик ва тиришқоқликларини йўқотишди. Натижада Ҳиндистон ва форс цивилизациялари пасайиб кетди. Бошқа томондан, Европада орийлар ирқий покликларини сақлаб қолишган. Шу сабабли европаликлар дунёни забт этишга муваффақ бўлишди, чунки улар қуйи ирқлар билан аралашмаслик учун чоралар кўришган.

Бундай ирқчилик назариялари бир неча ўн йилликлар давомида таниқли ва ҳурматга сазовор бўлган олимлар ва сиёсатчилар орасида жиддий айтиб келинди. Империял мафкурадаги ирқчиликнинг ўрнини энди “културализм” сўзи эгаллади. Ҳозир одамлар уруш майдонлари ўзгарганини пайқамай ирқчиликка қарши қаҳрамонона курашни давом эттирмоқдалар. Ҳозирги элиталар орасида турли хил одам гуруҳларининг қиёсий ютуқ ва камчиликлари ҳақида, деярли ҳар доим ирқлар орасидаги биологик фарқ билан эмас, балки маданиятлар ўртасидаги тарихий фарқлар нуқтаи назаридан гапирилади. Биз энди “бу уларнинг қонида бор” демаймиз. Биз “бу уларнинг маданиятида бор” деймиз. Шу орқали мусулмонлар иммиграциясига қарши бўлган Европанинг ўнг қанот партиялари ирқий айбловларни олдини олишга

ҳаракат қилишади. Мабодо Марин Ле Пеннинг спичрайтерлари “Миллий Фронт” лидерига телевидение орқали “биз бу қуйи ирқ вакиллари, биз орийлар қонини тўқишларини ва орийлар цивилизациясини бузишларини истамаймиз” деб эълон қилишни таклиф қилсалар, иш жойидан айрилиб қолишлари мумкин эди. Бунинг ўрнига Франция Миллий Фронт, Голландия озодлик партияси, “Австрия келажаги учун альянс” ва шуларга ўхшаган сиёсий кучлар, Европада пайдо бўлган Ғарб маданияти демократик қадриятлар, бағрикенглик ва гендер тенглиги билан ажралиб туради. Яқин Шарқда ривожланган мусулмон маданияти эса иерархик сиёсат, фанатизм ва аёллар ҳуқуқи поймол қилиниши билан ажралиб туради деб таъкидлашади. Иккала маданият бир-биридан жуда катта фарқ қилганлиги сабабли кўплаб мусулмон муҳожирлар ғарб қадриятларини қабул қилишни истамаслиги (ва мумкин эмаслиги) сабабли ички низоларни кўзғатмасликлари, Европа демократияси ва либерализмига путур етказмасликлари учун уларнинг кириб келишини тақиқлаш керак дейишади.

Бундай маданиятшунос чиқишлар гуманитар ва ижтимоий фанлардаги цивилизациялар тўқнашуви ва турли маданиятлар ўртасидаги туб фарқларни ёритадиган илмий тадқиқотлар билан мустаҳкамланмоқда. Тарихчилар ва антропологларнинг ҳаммаси ҳам бу назарияларни қабул қилмайди ва ёки уларнинг сиёсий мақсадларини қўллаб-қувватламайди. Бугунги кун биологлари ирқчиликни рад этишлари жуда осон, аммо ҳозирги замон популяциялари орасидаги биологик фарқлар аҳамиятсиз эканлигини тушунтириш орқали тарихчилар ва антропологларнинг културизмдан воз кечишларига эришиш қийинроқ. Ахир агар инсоният маданиятлари ўртасидаги фарқлар аҳамиятсиз бўлса, нега уларни ўрганиш учун тарихчилар ва антропологларга пул беришимиз керак?

Олимлар империал лойиҳаларни амалий билимлар, мафкуравий асослар ва технологик жиҳозлар билан таъминлашга катта ҳисса қўшдилар. Ушбу ҳиссасиз европаликлар дунёни забт эта олармиди ёки йўқми, номаълум. Империялар олимларни маълумот ва ҳимоя билан таъминладилар, ҳар хил ғалати ва қизиқарли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва илмий фикрларини дунёнинг энг чекка бурчакларига тарқатиш орқали ёрдам бердилар. Империя ёрдамсиз замонавий фан жуда илгарилаб кетармиди ёки йўқми, аниқ эмас. Барча фанлар ҳаётларини империя ўсиши йўлидаги хизматкорлар сифатида бошлаганлар. Улар ўзларининг кашфиётлари, тўпламлари, бинолари ва стипендияларига армия зобитлари, денгиз капитанлари, губернатор ва императорларининг саховатли ёрдами туфайли эришган.

Бу, албатта, тўлиқ картина эмас. Илм-фан нафақат империялар томонидан, балки бошқа институтлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланган. Европа империялари фандан бошқа бир омил туфайли ҳам кўтарилди ва гуллаб яшнади. Илм-фан ва империянинг тезликда юксалиши ортида яна бир муҳим куч – капитализм ётади. Агар пулни севувчи ишбилармонлар бўлмаганида, Колумб Америкага, Жеймс Кук Австралияга етиб бормаган бўлар эди ва ҳатто Нил Армстронг Ой юзасига ўша кичик қадамини қўймаган бўларди.

Капиталистик эътиқод

Пул империяларни барпо этишда ҳам, илм-фанни тарғиб қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Хўш, пул – юқоридаги ташаббусларнинг асосий мақсадими? Ёки шунчаки хатарли эҳтиёжми?

Замонавий тарихдаги иқтисоднинг асл ролини англаш бироз мушкул бўлиши мумкин. Пул қандай қилиб давлатларни ташкил этгани ва барбод қилгани, янги уфқларни очиб, миллионлаб одамларни қулликка дучор айлагани, саноат ғилдирақларини юргизиб, юзлаб ўсимлик ва ҳайвон турларини йўқликка маҳкум қилгани тўғрисида кўпдан кўп китоблар ёзилган. Шундай бўлса-да, замонавий иқтисодий тарихни тушуниш учун сиз даставвал биргина жумлани тўғри англашингиз зарур. Бу жумла – ўсиш. Яхшими ёки ёмон, замонавий иқтисод худди гормонга тўлган ўсмир сингари шиддат билан ўсмоқда. У йўлида дуч келган ҳар нарсани ямламасдан ютади ва катта тезликда унинг бўйига бўй, вазнига вазн қўшилади.

Тарихнинг кўпгина даврларида иқтисоднинг ҳажми барқарор бўлган. Тўғри, глобал ишлаб чиқариш ўсди, лекин бу аҳоли сонининг кўпайиши ва янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига содир бўлди. Натижада, аҳоли жон бошига ҳисобланадиган ялпи маҳсулот миқдори ўзгармади. Бироқ замонавий эрага келиб, ҳаммаси ўзгарди. 1500 йилда маҳсулот ва хизматларнинг глобал ишлаб чиқарилиш ҳажми 250 миллиард долларга тенг эди; бугунга келиб бу кўрсаткич 60 триллион долларга етди. Янада қизиғи, 1500 йилда аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот йилига 550 долларни ташкил этган бўлса, ҳозирда, ҳар бир кишининг - хоҳ эркак бўлсин хоҳ аёл ёки бола – ялпи маҳсулот ўлчами йил давомида 8800 долларга тенг келмоқда. Савол туғилиши табиий: бундай мисли қўрилмаган ўсишнинг сабаби нима?

Иқтисодиёт чиндан ҳам жуда мураккаб фан. Осонроқ тушуниш учун, келинг, оддий мисолдан бошлайлик. Пихини ёрган молиячи бўлмиш Самуэл Очкўзбеков Калифорниянинг Элдорадо шаҳрида янги банк ташкил қилади. Худди шу Элдорадо шаҳридаги ёш ва умидли ишлаб чиқарувчи тадбиркор пудратчи А.А. Қаттиқжонов ўзининг биринчи лойиҳасини яқунлаб, хизмати учун 1 миллион доллар миқдорида нақд пул олади. У Жаноб Очкўзбековнинг банкида ҳисоб очиб, маблағни сақлаш учун қўяди. Энди банкада 1 миллион доллар капитал бор. Бу орада, ўша Элдорадо шаҳрида истиқомат қилувчи тажрибали, аммо камбағал ошпаз Жейн Пиширхонованинг миясига ажойиб бизнес режа келади. У яшаётган худудда тузукроқ новвойхона йўқ эди. Аёл қўли гул пазанда бўлса ҳам, унда саноат печлари, турли идишлар каби пазандалик учун зарур дастгоҳларни сотиб олиш ва ўрнатиш учун етарли маблағ мавжуд эмасди. Пиширхонова хоним ўйлаб ўтирмай, Жаноб Очкўзбековнинг банкига боради ҳамда бизнес режасини тақдим қилади. Аёл бир амаллаб Очкўзбековни сармоя киритишга кўндиради. Очкўзбеков аёлга 1 миллион доллар миқдорида кредит беради ва пулни аёлни шунинг учун очилган ҳисобига ўтказиши. Шундан кейин Пиширхонова новвойхонани қуриш ва безатиш учун ишлаб чиқарувчи А. Қаттиқжоновни ёллади ҳамда

хизмат ҳақи учун 1 миллион доллар беришга келишади. Аёл пудратчига пулни жаноб Очқўзбековнинг банкидаги ҳисоб рақамига очилган чек шаклида тўлайди. Пудратчи Қаттиқжонов ҳам, ўз навбатида, қабул қилган чекни Очқўзбековнинг банкидаги шахсий ҳисоб рақамига жойлаштиради. Хўш, Қаттиқжоновнинг ҳисоб рақамида жами қанча пул бўлди? Тўппа-тўғри – 2 миллион доллар. Банкдаги сейфда аслида қанча миқдорда нақд пул бор? Аҳа, 1 миллион доллар. Чунки Пиширхонова тўлаган сумма нақд пул кўринишида эмас. Воқеалар шу билан яқунланмайди. Кўпчилик пудратчиларда бўлгани каби Қаттиқжонов ҳам қурилиш бошланганидан икки ой ўтгач, Пиширхонованинг ёнига келади ва турли муаммолару, чиқимлар туфайли новвойхонани қуриб битказиш 2 миллион долларга тушишини хабар қилади. Бу хабар, шубҳасиз, Пиширхонова хонимга ёқмайди, бироқ у ишни қоқ ўртасида тўхтатиб қўя олмасди. Шунинг учун, аёл яна бир марта банкка келиб, Очқўзбековни кўшимча кредит қарз беришга кўндиради ҳамда ҳисоб рақамига яна 1 миллион доллар ўтказилади. Сўнгра, шу пулни пудратчи Қаттиқбековнинг ҳисоб рақамига юборади. Хўш, энди айтингчи, Қаттиқбековнинг ҳисоб рақамида жами қанча пул бўлди? Шундай, энди унда 3 миллион доллар бор. Лекин банкда аслида қанча нақд пул турибди? Ҳалиям бир миллион доллар. Умуман олганда, шу 1 миллион доллар банкда ҳамиша бўлган, ҳеч қаёққа силжимаган. Бугунги кунда АҚШнинг банк тўғрисидаги қонуни юқоридаги ҳолатни яна етти маротаба такрорлашга рухсат беради. Пудратчи Қаттиқбековнинг ҳисоб рақамида, охир-оқибат, 10 миллион доллар пул тўпланса ҳам, банкдаги нақд пул миқдори 1 миллион долларлигича қолаверади.

Банкларга шундай имконият яратилганки, улар ҳисобидаги ҳар бир доллар нақд пул учун 10 доллар миқдорида кредит қарз бериши мумкин. Бу эса банк ҳисоб рақамимиздаги жами маблағнинг 90 фоизи банкнот ёки танга кўринишида эмас дегани. Агар Барклей банкидаги барча омонатчилар бир вақтнинг ўзида ҳисоб рақамидаги пуллари нақд ҳолатда олишни талаб қилса, Барклей банки банкротга юз тутари. (Албатта, ҳукумат уни асраб қолиш учун бирор чора кўрмаса) Худди шу ҳолат Ллойдс, Ситибанк, Инфинбанк, Ҳамкорбанк сингари дунёда мавжуд банкларнинг барчасига бирдек амал қилади. Жуда катта молиявий пирамидага ўхшайди, шундайми? Агар бу ҳолатни кўзбўямачилик деб ҳисобласангиз, унда бутун бошли замонавий иқтисодиётни кўзбўямачилиқдан иборат деб айблаётган бўласиз. Ҳақиқат шундаки, бу ҳолат кўзбўямачилик эмас, аксинча, инсон тасаввурининг ажойиб маҳсулидир. Нафақат банклар, балки бутун иқтисодиётни олға силжитаётган куч – одамлардаги келажакка бўлган ишонч ҳиссидир. Мана шу ишонч ер юзида пул айланишининг асосий тиргаги ҳисобланади.


Новвойхона мисолини оладиган бўлсак, пудратчининг банк ҳисоб рақамидаги маблағ ҳамда банкда мавжуд ҳақиқий пул ўртасидаги тафовутни Пиширхонова хонимнинг новвойхонаси қолаб юборади. Жаноб Очқўзбеков банкидаги пулни Жейн Пиширхоновага кредитга берди, чунки молиячи инвестиция қилган маблағи кун келиб фойда келтиришига

ишонди. Новвойхонада ҳозирча бир бурда бўлса ҳам нон тайёрлангани йўқ, аммо Пиширхонова билан Очқўзбеков орадан бир йил ўтгач у ерда кунига минглаб нонлар, булочкалар, турли торт ва пишириклар сотилишига ва мўмайгина даромад топишга ишонади. Ана ўшанда Пиширхонова хоним олган кредитини фоизи билан қайтаришга муваффақ бўлади. Ўша пайтга келиб Жаноб Қаттиқжонов ҳисоб рақамидаги уч миллион долларни нақд пул тарзида олишни истаса, Очқўзбеков ҳеч қийналмай бу ишни амалга ошира олади. Кўриб турганингиздек, тадбиркорлик бошдан-оёқ тасаввурий келажак бўлган ишончга асосланиб қурилади. Бу ҳолатда тадбиркор ва банкир новвойхонанинг келажакда катта фойда билан ишлашига, пудратчи эса қачондир, ўша келажакда, маблағини нақд пул шаклида ечиб олишига қаттиқ ишонади.

Аллақачон гувоҳи бўлганимиздек, пул жудаям ғаройиб нарса, чунки у турли ҳил буюмлар билан алмашина олади ҳамда исталган нарсани бошқа бир исталган нарсага айлантириш хусусиятига эга. Шунга қарамай, ўтмишда унинг бу хусусияти чекланган эди. Кўп ҳолатларда пул фақатгина чиндан ҳам мавжуд, кўриб ва ушлаб бўладиган реал нарсалар билан алмаштирилиши мумкин эди, холос. Бу эса ўз ўрнида иқтисодий ўсишга ғов бўлиб, янгидан-янги тадбиркорлик фаолиятларини молиялаштириш имкониятини қийинлаштирарди.


Яна новвойхонамизга қайтсак. Айтинг-чи, агар пул фақат реал нарсаларни ифодаласа, Пиширхонова хоним новвойхонасини қура олармиди? Албатта, йўқ! Чунки айтилган фурсатда аёлнинг жуда кўп орзулари бор, бироқ у реал моддий манбаларга эга эмас. Орзуларни амалга оширишнинг ягона чораси бор. Бу ҳам бўлса, бугун ишлаб, бир неча йилдан сўнг, новвойхона фойда келтирадиган вақтга етганда, иш ҳақини олишга рози бўлувчи пудратчи ёллаш. Бахтга қарши, бундай пудратчини кундузи чирок ёқиб ҳам топиб бўлмайди! Хуллас, тадбиркор боши берк кўчага кириб қолади: новвойхонасиз у нон ёпа олмайди. Нон ёпмаса, пул ишлаб тополмайди. Пул ишлаб топмаса, пудратчини ёллай олмайди. Пудратчини ёлламас экан, новвойхона қура олмайди.

Тадбиркордаги мушкул вазият



Инсоният минглаб йиллар давомида мана шу боши берк кўчадан чиқа олмай юрган. Натижада иқтисодиёт музлаб қолган. Бу кўчадан чиқиш усули фақатгина замонавий даврда – келажакка бўлган ишончга асосланган янги тизим пайдо бўлганда кашф қилинди. Бу тизимга кўра, одамлар айни вақтда мавжуд бўлмаган тасаввурий маҳсулотларни “кредит” деб аталувчи махсус пул кўринишида ифодалашга келишди. Кредит бизга келажак ҳисобидан бугунни қуриш имкониятини тақдим этади. Унинг асосида келажакдаги манбаларимиз бугунгига қараганда мўлроқ бўлишига ишончимиз ётади. Келгусидаги даромаддан фойдаланиб бугун янги нарсаларни ярата олсак, бизга кўпдан-кўп имкониятлар эшиги ланг очилади.

Замонавий иқтисоднинг сеҳрли ғилдираги



Кредит шунчалик ажойиб нарсa экaн, нима учун уни аввалроқ ўйлаб топишмаган? Албатта, ўйлаб топишган. Қадимги Шумерлар давридан бошлаб бизга маълум барча жамиятларда кредитнинг у ёки бу кўриниши мавжуд бўлган. Муаммо шунда эдики, у вақтда кредитдан тўғри фойдаланишни ҳеч ким билмас эди. Қадимда одамлар катта миқдорда кредит беришни истамаган, чунки келажак бугунгидан кўра яхшироқ бўлишига ишонишмаган. Улар, асосан, яхши кунлар ўтмишда қолиб, келгуси ҳаёт ҳозиргидан расворок бўлади деган тасаввурда юрган. Иқтисодий тилда айтадиган бўлсак, аждодларимизнинг миясига бойликнинг умумий миқдори келажакда чекланган бўлади ёки камайиб кетади деган фикр ўрнашиб қолган. Шу туфайли одамдаги шахсий маблағ у ёқда турсин, қироллик ёки бутун дунёдаги маблағ орадан ўн йил ўтгач янада кўпаяди деб тахмин қилишга бировнинг юраги бетламаган. Тадбиркорлик – натижаси нолга тенг бўлган ўйин сифатида кўрилган. Уларнинг мантиғи бўйича, бирон-бир новвойхонанинг даромади кўтарилиши кўшни новвойхонанинг банкрот бўлиши эвазига содир бўлган, Венеция шаҳри гуллаб-яшнаса, Генуя камбағаллашиб қолган, Англия қироли Франция қиролини таллон-тарож қилиш эвазига бойиган. Бир оғиз сўз билан айтганда, бобокалонларимиз “пирогни қандай шаклда кесманг, у барибир катталашиб қолмайди” деган ақидага риоя қилишган. Шу сабаб кўпгина

жамиятларда “катта пул топиш” илинжи оғир гуноҳ саналган. Исо Масих айтганидек, “Бой одам Парвардигорнинг салтанатига киришидан кўра, игнанинг кўзидан туяни ўткизиш ҳақиқатга яқинроқдир” (МФ 19:24.) Ўша давр ҳақиқати қуйидагича эди: “Пирог ҳар доим бир хил ўлчамда экан, агар сен каттароқ қисмини олсанг, демак бошқа бировнинг ризқини қийган бўласан”. Шу ҳақиқат асосида бойлар ўз гуноҳларини ювиш учун бойлигининг бир қисмини хайрияга сарфлаши мажбур қилиб қўйилган.

Дунёдаги даромад миқдори ҳам ўзгармас экан, кредитдан ҳеч қандай фойда йўқ. Кредит – бугунги ва эртанги даромад ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Агар бугун ва эрта ўртасида ҳеч қандай фарқ бўлмаса, кредит беришдан не наф? Сиздан кредит сўраётган новвой ёки, айтайлик, қирол рақибини доғда қолдириб, пирогнинг катта қисмини олишига ишонмасангизу, лекин барибир пул берсангиз, жуда аҳмоқона таваккалга йўл қўйган бўлардингиз. Шундай қилиб, қадимги дунёда кредит олиш жуда мушкул бўлган. Мабодо кимдир кредит берган тақдирда ҳам, бунга кичик миқдордаги маблағни қисқа муддат ичида катта фоиз билан қайтариш эвазига рози бўлган. Натижада, эндигина иш бошлаган тадбиркор учун янги новвойхона очиш осон бўлмаган. Буюк қироллар эса дабдабали саройларини қуриш ёки уруш бошлаш учун керакли маблағни тўплаш мақсадида халқдан ундириладиган солиқ ва йиғимларни оширишга мажбур бўлган. Қиролларга бунинг фарқи йўқ эди (халқ бўйсунувчан бўлса, юқори солиқ йиғишда муаммо туғилмайди). Қийин-кийин, новвойхона қуриб, бир-икки сўм ортиқча даромад топиш, шу орқали жамиятда тузукроқ ўринга эга бўлиш ҳақида ажойиб ғояси бўлган бечора хизматкорга қийин эди. У шўрлик қироллик ошхонаси полини юваркан, бой бўлиш тўғрисида орзу қилишдан нарига ўтолмасди. Вазият ҳар томонлама мағлубиятли эди. Кредит миқдори чекланганлиги сабаб одамлар янги бизнес бошлашда қийинчиликка учраган. Янги бизнес камлиги туфайли иқтисод ривожланмаган. Иқтисод ривожланмагани оқибатида одамлар вазият асло ўзгармайди, иқтисод қолоқлигича қолади деб тахмин қилган. Ҳатто пули ошиб-тошиб кетаётган бойваччалар ҳам кредит беришдан ўзини тийган. Натижада, касод бўлиш ҳақидаги қўрқув ҳақиқатга айланган.


Каттараётган пирог

Аждодларимиз ёрқин келажакдан умид узган паллада илмий инқилоб содир бўлди ва прогресс ғояси шаклланди. Бу ғоя қуйидаги тушунча асосига қурилган эди: агар билимсизлигимизни тан олиб, қўл остимиздаги маблағни изланишлар учун сарфласак, албатта, вазият яхшиланади. Тез орада ушбу ғоя иқтисодий таърифга айланди. Прогрессга ишонган ҳар бир шахс географик кашфиётлар, технологик ихтиролар ва алоқаларнинг ўсиши ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ва бойлик миқдорини кўпайтиришига ҳам шубҳа қилмаган. Чиндан ҳам, Атлантика океани бўйлаб ўрнатилган янги савдо йўллари Ҳинд океанидаги эски савдо йўлларини инқирозига сабаб бўлмади. Янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш эски маҳсулотлар савдосига таъсир кўрсатмади. Шоколадли торт ва булочкалар пиширишга ихтисослашган новвойхона очилиши оддий нон ишлаб чиқарадиган қўшни новвойхоналарни

касод бўлишига олиб келмади. Шунчаки ҳаммада янгича дид шаклланиб, одамлар кўпроқ маҳсулот истеъмол қиладиган бўлди. Бошқача айтганда, энди мен сизнинг ризқингизни қиймасдан туриб ҳам бойиб кетиш имкониятига эгаман; қорним тўйиши учун сизни оч қолдиришимга эҳтиёж қолмади. Чунки дунёдаги даромад миқдори ўсишга қодирлиги исботланди.

Сўнги 500 йил ичида прогресс ғояси туфайли одамларда ёрқин келажакка бўлган ишонч янада ошди. Мана шу ишонч кредитни яратди. Кредит ҳақиқий иқтисодий ўсишга олиб келди. Иқтисодий ўсиш эса келгусида ҳаёт янада яхшироқ бўлишига ишончни мустаҳкамлади. Алалоқибат, кредит ўсишда давом этди. Албатта, бу жараён бир кечанинг ўзида содир бўлмади. Иқтисодиёт конки ҳайдашни ўрганаётган болага ўхшаб ҳаракатланди. У катта йўлга чиқиб, аста-секин қадам ташлай бошлади, ора-сирада йиқилиб, қашқа бўлди, сўнг ўрнидан туриб, олға юришда давом этди ва ниҳоят бемалол ҳаракатланиш ҳадисини олди. Бугун дунёда эркин кредит жуда кенг тарқалган. Ҳукуматлар, бизнес корпорациялари ва алоҳида шахслар ҳозирги даромадидан бир неча баробар юқори бўлган маблағни ҳеч бир қийинчиликсиз катта миқдорда узоқ муддатга кам фоизли кредит ҳисобида олиш имкониятига эгадир.

Дунё иқтисодиётининг қисқача тарихи



Дунё даромадининг ўсишига бўлган ишонч охир-оқибат инқилобга айланди. 1776 йил шотландиялик иқтисодчи Адам Смит “Миллатлар бойлиги”

деб номланган трактат чоп этди. Бу трактат тарих гувоҳ бўлган энг муҳим иқтисодий манифест ҳисобланса, ажаб эмас. Трактатнинг биринчи бўлими саккизинчи бобида Смит қуйидаги бутунлай янги аргументни келтиради: “Фермер, этикдўз ёки тўқувчи ўз оиласи эҳтиёжларидан кўпроқ даромад топса, у ортиқча маблағга ёрдамчи ёллайди ва даромадини янада оширади. У қанча кўп даромад топса, шунча кўп ёрдамчиларни ёллаши мумкин бўлади. Бундан келиб чиқадики, хусусий тадбиркорнинг даромади кўпайиши ўз ўрнида жамиятнинг бойлиги ва гуллаб яшнашига асос бўлади”.

Бу аргумент сизга жуда янги бўлиб туйилмаслиги мумкин, чунки ҳаммамиз Смитнинг сўзлари исботини топган капиталистик дунёда умргузаронлик қилмоқдамиз. Биз шу масаланинг турли вариантларини деярли ҳар куни янгиликларда эшитаемиз. Бироқ Смитнинг даъвоси хусусий даромадни ошириш учун инсоннинг худбинларча интилиши аслида жамият бойишига хизмат қилиши инсоният тарихидаги нафақат иқтисодий, балки ахлоқий ва сиёсий нуқтаи назардан ҳам энг инқилобий ғоялардан бири бўлган. Смитнинг фикрича, очкўзлик – яхши хусусият. Чунки бой бўлиш орқали мен бир ўзимга эмас, ҳаммага фойда келтираман. Худбинлик – алтруизмнинг энг олий кўринишидир. Смит одамларга иқтисодни барча учун фойдали вазият сифатида кўришни ўргатди. Бунда “менинг фойдам – сенинг ҳам фойданг” таомилига амал қилинади. Мисол учун, энди иккаламиз ҳам пирогнинг каттароқ бўлагидан баравар лаззатланишимиз мумкин, шу билан бирга, сизнинг бўлагингиз катталашиши бевосита менинг бўлагим катталашишига ҳам боғлиқдир. Агар мен камбағал бўлсам, сизда ҳам моддий қийинчилик бошланади, чунки мен сизнинг маҳсулотларингизни сотиб ололмайман ёки хизматларингиздан фойдаланиш имконим чекланади. Натижада сизда ҳам даромад пасаяди. Агар мен бой бўлсам, сизнинг ҳам даромадингиз ошади. Чунки менда пул бўлгани сабаб, сиздан ниманидир сотиб олишим мумкин бўлади.


Шундай қилиб, Смит янги ғояси билан бойлик ва ахлоқ ўртасидаги анъанавий зиддиятларни бузиб ташлади ва жаннат дарвозаларини бойлар учун ҳам ланг очиб қўйди. Бой бўлиш ахлоқли бўлишни белгилаб берди. Смитнинг ҳикоясида одамлар қўшниларига зарар етказиб эмас, балки даромаднинг умумий ҳажмини ошириш орқали бой бўлади. Даромад ошганда эса, ҳамма бирдек фойда кўради. Бойлар жамиятнинг энг аҳамиятли ва ҳурматли зотлари саналади, чунки улар ҳамманинг фойдаси учун ҳаракат қилиб, иқтисод ғилдирагини ғириллатиб ғилдиратади. Аммо бу бойлар ортиқча даромадига янги заводлар очиб, янги иш ўринларини яратганда ҳақиқатга тўғри келади. Агар улар топган маблағини даромад келтирмайдиган юмушларга сарфласа, у ҳолда вазият ҳамма учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун Смит қайта-қайта таъкидлаган: “Даромад ошса, фермер ёки тўқувчи кўпроқ ёрдамчи ёллайди”. Топилган даромадни сейфга қулфлаб, кўнгилга ҳуш келганда томоша қилиш икки дунёда ҳам бойликни ошириб қўймайди. Ахир сейфдаги пуллар ўзидан ўзи кўпайиб қолмайди-ку!

Замонавий капиталистик иқтисодиётнинг муҳим қисми янги этиканинг пайдо бўлишида эди. Бу этикага кўра, топилган даромад маҳсулот учун қайта


инвестиция қилиниши кўзда тутилади. Чунки шу орқали янада кўпроқ фойда топилиб, янада кўпроқ сармоя киритиш имкони ҳосил бўлади. Кўпроқ инвестиция – кўпроқ фойда. Бу ғилдирак асло айланишдан тўхтамайди. Инвестиция турли кўринишларда киритилиши мумкин, масалан: заводларни кенгайтириш, илмий изланишлар олиб бориш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ҳоказо. Энг муҳими, бу сармоялар, албатта, ишлаб чиқаришни ошириб, каттароқ даромад олиб келишга қаратилиши зарур. Янги капиталистик эътиқодга биноан, энг биринчи ва энг муқаддас кўрсатма қуйидагича: “Ишлаб чиқаришдан олинган даромад ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қайта сарфланиши керак.” Шунинг учун ҳам бу “капитализм” деб аталади. Капитализм капитал тушунчасини “бойлик” тушунчасидан фарқлаб беради. Капитал – ишлаб чиқаришга киритилган пул, маҳсулотлар ва манбалардан иборат бўлса, бойлик ер остига кўмилади ёки бефойда фаолият учун сарфланади. Ўз маблағини фойда келтирмайдиган пирамидалари учун сарфлаган фиръавн капиталист ҳисобланмайди. Испан кемасини таллон-тарож қилиб, топган хазина тўла сандиғини қайсидир оролдаги одам қадами етмас жойга кўмиб қўйган қароқчи ҳам капиталист эмас. Лекин заводда ишлаб, тер тўкиб топган пулини биржага тиккан меҳнатқаш ишчи чин маънода капиталистдир.

“Ишлаб чиқаришдан олинган даромад ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қайта инвестиция қилиниши керак” деган ғоя арзимас туйилиши мумкин. Аммо тарихда жуда кўпчилик ундан беҳабар бўлган. Қадимда одамлар ишлаб чиқариш ўзгармас деб ҳисоблаган. Хўш, нима қилишингдан қатъий назар, ишлаб чиқариш барибир ўзгармас экан, нима кераги бор тайёр маблағни қайта сарфлашинг? Шу фикрга амал қилган ўрта аср зодагонлари сахийликни шиор қилиб, тушган даромадни турли мусобақалар, зиёфатлар ташкиллаштиришга, саройлар қуриб, ҳарбий юриш бошлашга ва хайрия мақсадларига сарфлаб юборган. Даромадни фермасининг аҳволини яхшилашга, бошоқнинг яхшироқ турларини етиштиришга ёки янги бозорлар қидиришга сарфловчилар жуда камчиликни ташкил этган.

Qadimgi iqtisodiyot



Zamonaviy iqtisodiyot



Замонавий дунёда юқори қатлам капиталистик ақидага чин юракдан ишонувчи янги элита аъзолари томонидан эгалланди. Янги капиталистик элитани маркиз ёки графлар эмас, балки биржа савдогарлари, саноатчилар ва директорлар кенгаши ташкил қилади. Бу магнатлар ўрта аср зодагонларига нисбатан анча бой бўлса-да, улар ўйин-кулгига берилмаган бўлиб, даромадининг жуда кичик қисмини фойда келтирмайдиган фаолиятга сарфлайди.

Ўрта асрда яшаган зодагон олтин ва шойидан тикилган қимматбаҳо кийимлар кийиб, асосий вақтини турли базм, карнавал ва мусобақаларга сарфлаган. Бунга қарама-қарши ўлароқ, замонавий директорлар костюм-шим деб аталувчи зерикарли оқ-қора формани эгнидан ечмайди, ҳар ҳил зиёфатлар учун кўпам вақт ажратиб ўтирмайди. Капиталист одатда бир бизнес учрашувини тугатиб, иккинчисига йўл олади, қўл остидаги капитални қаерга сармоя қилиб киритиш ҳақида бош қотириб, биржада содир бўлаётган кўрсаткичларни доим кузатиб боради. Тўғри, бу капиталистнинг эгнидаги костюм Версачи брендига тегишли бўлиши мумкин, шунингдек, у хусусий самолётда саёҳат қилса ҳам ажаб эмас. Аммо бу харажатлар унинг ишлаб чиқаришни ошириш йўлида сарфлаётган маблағи олдида сариқ чақага тенгдир.

“Версачи” костюм кийган бойваччаларгина ишлаб чиқаришни ривожлантиради деб ўйлаш хато бўлади. Аксинча, оддий халқ ва ҳукумат агентликлари ҳам шу чизикда ҳаракатланади. Камтарона кечки овқат устида бўлган суҳбатларнинг кўпи эртами-кеч албатта, сўнгсиз баҳсга уланади: хўш, кўлда йиғилган ортиқча маблағни нима қилса бўлади – биржага тикиш керакми, қимматбаҳо акцияга сарфлаш зарурми ёки кўчмас мулк сотиб олган афзалроқми? Ҳукуматлар ҳам, ўз ўрнида, солиқдан тушган даромадни келажакда катта фойда келтирувчи бизнесга тикишга ҳаракат қилади. Масалан, ҳукумат янги порт куриш учун маблағ киритса, заводлар ўз маҳсулотларини осонроқ экспорт қилишига янги имконият яратилади. Кўпроқ маҳсулот экспорт қилиб, кўпроқ фойда топаётган заводлар эса ҳукуматга кўпроқ даромад солиғи тўлайди. Натижада ҳукуматнинг келгуси даромади янада ошади. Ҳукумат, шунингдек, таълимга сармоя киритишни ҳам ёқлаши мумкин. Чунки яхши таълим кўрган ақлли одамлар юқори технологияли саноатларни шакллантиради. Бу саноатлар ҳеч қандай портларсиз ҳам юқори фойда топиб, ҳукуматга катта миқдорда даромад солиғини тўлай олади.

Капитализм – иқтисод қандай ишлаши тўғрисидаги назария сифатида вужудга келган. У бир вақтнинг ўзида ҳам тасвирловчи, ҳам назорат қилувчи хусусиятга эга эди. Дастлаб пул қай тарзда ҳаракатланиши ҳақида тушунча бериб, иқтисодий жадаллаштириш учун топилган даромадни қайта сармоёга киритиш ғоясини тарғиб қилган капитализм аста-секинлик билан оддий доктринадан кўра кўпроқ аҳамиятга эга бўлди. У энди ахлоқ яъни инсонлар ўзини қандай тутиши, фарзандларини нимага ўргатиши ва ҳатто қандай фикр қилиши зарурлигини кўрсатиб берувчи таълим тизимига таъсир ўтказа бошлади. Капитализмнинг асосий ақидасига мувофиқ иқтисодий ўсиш олий кадриятга, энг камида олий кадриятга олиб борувчи ўтиш йўлдир, чунки адолат, озодлик ва ҳатто бахтлилик ҳам иқтисодий ўсишга боғлиқ бўлади. Исталган капиталистдан Зимбабве ёки Афғонистон сингари мамлакатларда қай тарзда сиёсий озодлик ва адолат ўрнатилишини сўраб кўринг. Шунда сиз барқарор демократик институтлар учун иқтисодий тўқлик ва ривожланаётган ўрта табақа вакиллари зарурлиги, афғон қабила бошлиқлари онгида эркин иқтисодий, тежамкорлик ва ўзига ишонч уйғотиш муҳимлиги ҳақида узундан-узоқ маъруза тинглайсиз.

Капиталистик эътиқод замонавий илм-фаннинг юксалишига ҳам рад этиб бўлмас таъсир кўрсатди. Илмий изланишлар одатда ҳукумат ёки шахсий тадбиркорлар томонидан молиялаштирилади. Маълум бир илмий лойиҳага сармоя киритаётган ҳукумат ёки хусусий тадбиркорларни энг аввало қуйидаги саволлар қизиқтиради: “Бу лойиҳа ишлаб чиқариш ҳажми ва даромадимизни оширадими? У иқтисодий ўсишга олиб келадими?” Ушбу саволларга аниқ жавоб бера олмаган лойиҳа, шубҳасиз, тузукроқ ҳомий топиши даргумон. Замонавий илм-фан тарихи ҳақида гапирганда капитализмни эслаб ўтмасликнинг иложи йўқ.

Ўз ўрнида, капитализм тарихини ҳам илм-фансиз тасаввур қилиб бўлмайди. Капитализм доимий иқтисодий ўсишга эътиқод қилади. Бу эътиқод эса бизга

маълум бўлган барча табиий қонунларга зид келади. Мисол учун, қўйларнинг доимий кўпайиб боришига ишонувчи бўрилар жамияти ғирт аҳмоқ бўларди. Аммо йилдан-йилга янгича ихтиро ва кашфиётларни амалга ошираётган олимларнинг шарофати билан инсоният иқтисоди замонавий давр мобайнида тинмасдан ўсишга муваффақ бўлди. Банклар ва ҳукуматлар капитални етказиб беради, холос, асосий вазифа, яъни маблағдан фойдаланиш олимларнинг ихтиёрида қолади.

Сўнги йилларда банклар ва ҳукуматлар шиддат билан пул босиб чиқармоқда. Бугунги молиявий инқироз иқтисодиётнинг ўсишни тўхтатиши мумкинлигидан ҳамма бирдек чўчийди. Шу туфайли триллионлаб доллар, евро ва иена каби пул бирликлар ишлаб чиқарилиб, арзон кредит кўринишида иқтисодий тизимга киритилмоқда. Шишиб бораётган пуфак пақиллаб ёрилмасдан олдин олимлар, технологлар ҳамда муҳандислар иқтисодиётни сақлаб қолиш учун қандайдир улкан ва универсал ечим топишига умид қилинмоқда. Бундан буёғига инсоният келажаги янгилик яратиш илинжида лабораторияда тер тўкиб ишлаётган олимларга боғлиқ. Биотехнология ва нанотехнология сингари соҳалардаги янги ихтиролар бутунлай янги саноатларнинг яратилишига олиб келмоқда. Бу саноатлар топаётган даромад банк ва ҳукуматлар 2008 йилдан буён босиб чиқараётган триллионлаб пулларни қоплаши мумкин. Агар лабораториялар катта умидларни амалга оширолмай, кутилаётган натижаларни чиқариб бермаса, барчамизнинг бошимизга қора булутлар ёпирилиб келиши шубҳасиз.

Колумб инвестор қидирмоқда.

Капитализм нафақат замонавий илм-фаннинг ривожланиши, балки Европа империализмининг дунёга ёйилишида ҳам муҳим рол ўйнади. Ва шу Европа империализми капиталистик кредит тизимига асос солди. Албатта, кредит ҳозирги Европада кашф қилинмаган. У қишлоқ хўжалигига асосланган деярли ҳар бир жамиятда мавжуд эди. Ҳозирги даврнинг бошларида Европа капитализмнинг шаклланиши ўз-ўзидан Осиёнинг иқтисодий ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ эди. Ёдингизда бўлса, ўн саккизинчи асрнинг сўнгига қадар, Осиё жаҳоннинг иқтисодий юраги ҳисобланган, бу дегани ўша даврда европаликлар қўл остида мусулмонлар, ҳиндлар ёки хитойликларга қараганда анча кам капитал бўлган.

Шунга қарамай Хитой, Ҳиндистон ва мусулмон давлатларидаги ижтимоий-сиёсий тизим туфайли кредит иккиламчи ўринда турган. Истанбул, Исфаҳон, Деҳли ва Пекин бозорларидаги савдогар ҳамда банкирлар капиталистларга ўхшаб фикрлаган бўлиши мумкин, аммо саройдаги қирол ва генераллар савдогарларни ҳам, савдогарларга хос фикрлашни ҳам жинидан баттар ёмон кўрган. Европадан ташқаридаги кўпгина империялар Нурҳожи, Нодиршоҳ каби буюк истилочилар ёки Кинг сулоласи, Усмонли империясидаги сингари ҳарбий-бюрократик элита томонидан ташкил этилган эди. Улар янги урушларни молиялаштириш учун катта миқдорда солиқ ундирган, халқнинг мол-мулкини тортиб олган (адолатли келишув ҳақида гап

бўлиши ҳам мумкин эмасди), кредит тизимига деярли амал қилмаган, банкир ва сармоядорларнинг фойдаси ҳақида умуман қайғурмаган.

Европада эса, аксинча, қироллару, генераллар аста-секинлик билан савдогарларга хос фикрлашни қабул қилиб, охир-оқибат савдогар ҳамда банкирлар ҳукмрон элитага айланди. Европанинг бошқа давлатларга ҳарбий юришлари солиқлар эмас, кредит ҳисобидан молиялаштирилди. Бу истилоларни капиталистлар шахсан назоратига олди, чунки уларнинг асосий мақсади киритган сармоясидан максимал даражада даромад олиш эди. Ажабланарли жиҳати, шляпа тақиб, костюм кийган савдогар ва банкирлар томонидан барпо этилган империялар тилла суви юритилган шоҳона либосларга ўралиб, ярқироқ қурол таққан қирол ва зодагонлар қурган империялардан кучлироқ чиқди. Гап шунда эдики, савдогар империялар ўз истилоларини оқилана молиялаштирди: ҳеч кимни солиқ тўлашга кўзи учиб тургани йўқ, лекин ҳамма сармоя киритишга жон дейди.

1484 йил Христофер Колумб Португалия қироли ҳузурига ташриф буюриб, Шарқий Осиёга янги савдо йўлини топиш учун уюштириладиган флотга сармоя киритишни таклиф қилди. Бундай экспедициялар жуда хавфли ва қиммат эди. Кемаларни қуриш, жиҳозлар сотиб олиш, денгизчи ва ҳарбийларга ҳақ тўлаш учун катта маблағ талаб қилинарди, киритилган сармоя фойда келтиришига эса ҳеч ким кафолат беролмасди. Шуларни ҳисобга олиб, Португалия қироли Колумбнинг таклифини рад этди. Бугунги старт-эп тадбиркор сингари Колумб ҳам таслим бўлмади. У ўз ғоясини Италия, Франция, Англия ва Португалиядаги бошқа сармоядорларга ҳам таклиф қилиб кўрди. Лекин ҳар сафар рад жавоби олаверди. Кейин у омадини синаб кўриш учун яқиндагина бирлашган Испания ҳукмдорлари – Фердинанд ва Изабелланинг қошига борди. Бу сафар Колумб ёнига бир нечта тажрибали лоббистларни ҳамроҳ қилиб олди ва уларнинг ёрдамида қиролича Изабеллани сармоя киритишга кўндирди. Бу ишнинг натижаси қандай бўлганини ҳозир ҳатто мактаб боласи ҳам яхши билади: Изабелла жекпотни кўлга киритди. Колумбнинг кашфиётлари туфайли Испанлар Американи забт этди, у ерда олтин ва кумуш конлари барпо этиб, шакар ва тамаки плантацияларига асос солди. Улардан Испан қироллари, банкир ва савдогарларининг тушига ҳам кирмаган даромад оқиб кела бошлади. Орадан юз йиллар ўтди. Шаҳзода ва банкирлар Колумбнинг ворисларига кўпроқ қарз беришга тайёр эди. Америкадан йиғиштирилган бойликлар ҳисобига уларнинг ҳисобида катта капитал тўпланганди. Энг муҳими, сармоядорлар энди экспедицияларнинг қудратига чин кўнгилдан ишониб, ўз пулларини бўлишишга кўп ҳам иккиланмасди. Мана шу империалистик капитализмнинг сеҳрли ғилдираги бўлиб хизмат қилди: кредит янги кашфиётларни молиялаштирди; янги кашфиётлар мустамлакаларга асос солди; мустамлакалар даромад олиб келди; даромад ишончни мустаҳкамлади; ишонч янада кўпроқ кредит киритишга сабаб бўлди. Нурҳожид ва Нодиршоҳ каби Европадан ташқаридаги истилочилар бир неча минг километр масофани босиб ўтгач, ҳолдан тойиб, навбатдаги истило учун узоқ муддат куч тўплашига тўғри келарди.

Капиталист тадбиркорларнинг эса у истилодан бу истилогача бўлган даврда даромади тинмай ошиб борарди.

Аммо бу экспедициялар барибир хавфли бизнес бўлиб қолаверди. Шунинг учун кредит бозорлари эҳтиёткорликни назардан қочирмади. Чунки айтарли ҳеч нима кашф қилмай, Европага куруқ қўл билан қайтган экспедициялар ҳам етарлича эди. Англия, масалан, Арктика океани орқали Осиёга олиб оборувчи шимоли-ғарбий йўлни топиш учун қилган киритган кўплаб сармояси ва ҳаракатларни бесамар яқунланди. Яна бошқа экспедициялар умуман ортга қайтмади. Баъзан кемалар айсбергга урилиб, парчаланиб кетса, бошқа сафар тропик тўфонларга дош беролмас ёки қароқчилар ҳужумига дучор бўларди. Потенциал сармоядорлар сонини кўпайтириш ва зарар миқдорини камайитириш мақсадида европаликлар “Масъулияти чекланган акциядорлик жамиятлари”га асос солди. Битта сармоядор бор маблағини битта мўрт кемага тиккандан кўра, кўп сонли сармоядорлар бирлашиб, пул тўплаб экспедицияга сарфлагани маъқул эди. Чунки шунда йўқотиш эҳтимоли бўлган капитал киши бошига ҳисоблаганда жуда кам миқдорда бўларди. Шундай қилиб, хатарлар камайтирилди, даромад эса ошди. Муваффақиятли келмаган тикилган озгина сармоя ҳам миллионлаб фойда келтирди.

Шу тариқа Ғарбий Европада мураккаб молиявий тизим ишлаб чиқилиб, қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги кредитни тўплаш ва хусусий тадбиркорлару ҳукуматлар ихтиёрига фойдаланиш учун топшириш имконияти пайдо бўлди. Ушбу тизим янги экспедиция ҳамда истилоларни ҳар қандай қироллик ёки империяга қараганда самаралироқ молиялаштирди. Кредитнинг кашф қилинган янги кучини Испания билан Голландия ўртасида содир бўлган аёвсиз кураш мисолида кўриш мумкин. XVI асрда, Испания Европадаги энг қудратли давлатга айланиб, улкан империяга эгалик қилган. У Европанинг бир қисмини, Шимолий ва Жанубий Америкадаги катта ҳудудларни, Филиппин ороллари ҳамда Африка билан Осиё қирғоқлари бўйлаб чўзилган ерларни бошқарган. Ҳар йили Америка ва Осиё хазиналари юкланган юзлаб флотлар Севиля ва Кадис бандаргоҳларига қайтиб келарди. Голландия эса бу даврда испан қироллигининг бир бурчагида жойлашган, кичкинагина, табиий захиралардан мосуво, шамолли бир ҳудуд эди. 1568 йил асосий қисми протестант бўлган голландлар испан католигига қарши исён кўтарди. Дастлаб қўзғолончилар Дон Кихотга ўхшаб, мағлуб этиб бўлмас шамол тегирмонларига қарши уруш очгандек туйилди. Шунга қарамай, келгуси саксон йил ичида голландлар нафақат мустақилликни қўлга киритди, балки испан ва португал рақибларини ортда қолдириб, океан йўллари ҳукмронига айланди, дунё бўйлаб Голланд империясини қурди ва Европадаги энг бой мамлакатга айланди.

Голландлар муваффақияти калити – кредит эди. Қуруқликда жанг қилишга унча ҳуши бўлмаган голланд буржуаси испанлар билан олишиш учун чет эллик аскарларни ёллади. Ўзлари эса бу орада катта-катта флотларни қуриб, денгизга чиқди. Ёлланма армия ҳамда қуроолланган флот қуриш жуда қимматга тушди. Бироқ голландлар ҳарбий экспедицияларни қудратли Испан

империясидан кўра осонроқ молиялаштирди. Сабаби улар буржуа Европаси молиявий тизимининг ишончини оқлади. Испан қироли эса бу вақтга келиб ўзига бўлган ишончни йўқотаётганди.

Молиячилар голландларни армия ва флот қуриш учун етарли бўлган кредит билан таъминлади. Армия ва флот қурган голландлар денгиз савдо йўллари устидан назоратни қўлга киритди. Бу ўз навбатида яхшигина даромад олиб келди. Топилган даромад туфайли голландлар қарзларини қайтаришга муваффақ бўлди. Натижада сармоядорларнинг уларга нисбатан ишончи мустаҳкамланди. Амстердам шиддат билан Европа тугул, бутун Қитъанинг молиявий марказига айланди.

Хўш, айнан қандай қилиб Голландлар молиявий тизимнинг ишончини қозонди? Биринчидан, улар олинган кредитни ўз вақтида ва тўлиқ ҳолда қайтаришга қатъий амал қилди. Иккинчидан, Голландиядаги суд тизими тўла мустақил бўлиб, шахсларнинг, айниқса, хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини қаттиқ ҳимоя қилди. Капитал ҳаммаша шахслар ва уларнинг мол-мулкани ҳимоя қилмайдиган диктатор давлатлардан узоқлашади. Ва, аксинча, қонун ва хусусий мулкчиликка ҳурмат кўрсатадиган мамлакатларга интилади.

Тасаввур қилинг, сиз бадавлат немис сармоядори оиласида дунёга келгансиз. Отангиз Европадаги йирик шаҳарларда янги бўлимлар очиш орқали бизнесини кенгайтирмоқчи. Шу илинжда у сизни Амстердамга, укангизни Мадридга юборди. Ҳар бирингизда отангиз сармоя учун сарфлашни тайинлаган 10 минг тилла танга бор. Мадридга етиб борган укангиз қўлидаги капитални Франция устига юриш қилиш учун пулга мухтож бўлиб турган испан қиролига қарзга берди. Сиз эса пулингизни Манхеттен деб аталувчи оролнинг жанубий этагидан ер сотиб олишни режалаштирган голланд савдогарига беришни афзал кўрдингиз. Бу голланд келажакда унинг мулки Гудзон дарёси сингари савдо-сотикнинг жон томирига айланишига ишонади. Хуллас, ҳар иккала капитал бир йил муддатда қайтариш эвазига кредит қилиб берилди. Орадан бир йил ўтди. Голланд савдогар сотиб олган ерини қайта сотиб, яхшигина фойда кўрди ва пулингизни ваъда қилинган фоизи билан вақтида қайтарди. Отангизнинг кайфияти чоғ бўлди. Аммо Мадриддаги укангизнинг ишлари жойида эмас. Францияга қарши уруш испан қироли ғалабаси билан якунланди. Лекин қирол энди турклар билан зиддиятга бориб қолди. У янги юришни молиялаштириш учун бир тийиннинг устида ўмбалоқ ошишга тайёр эди, шунинг учун эски қарзларни тўлашни ҳаёлига ҳам келтирмади. Укангиз саройга хат юборди, дўстларидан ёрдам сўраб, суд орқали мушкулотини ҳал қилишга уринди. Барча уринишлар бефойда кетди. Бу вазиятда укангиз ваъда қилинган фоизни қайтариб олиш у ёқда турсин, киритилган сармоядан ҳам маҳрум бўлди. Отангиз хурсанд эмас. Бу ҳам етмагандек, қирол ўз хазинабонини укангизнинг ёнига юбориб, яна 10 минг тилла танга миқдорида қарз беришини талаб қилди. Қарз бериш учун бир тийини йўқ укангиз ўйлаб туриб, отангизга хат ёзди ва қирол бу сафар пулни ошиғи қайтаришига ишонтирди. Оилада доим кенжа фарзандларга нисбатан юмшоқ кўнгиллик қилинади. Юраги ғашланса ҳам, отангиз унинг таклифига рози бўлди. У юборган 10 минг тилла испан хазинаси ҳисобига ўтиб кетди. Бу

орада Амстердамда ишлар яхшиланиб кетди. Сиз голланд савдогарларига янада кўпроқ кредит бердингиз ва янада кўпроқ даромад топишда давом этдингиз. Афсуски, хурсандчилигингиз узоққа чўзилмади. Доимги мижозларингиздан бири келаси мавсумда ёғочдан ишланган оёқ кийимлар Парижда урфга киради деб ўйлади ва сиздан Франция пойтахтида оёқ кийим дўкони очиш учун кредит сўради. Сиз кредит бердингиз. Бахтга қарши, ёғоч туфлилар француз хонимларининг нозик дидига ўтирмади. Инқирозга учраган тадбиркор қарзини қайтаришдан бош тортди. Отангизнинг жаҳли чиқди ва адвокатларни ишга солишни буюрди. Мадриддаги укангиз испан монархига қарши судлашаётган бир вақтда сиз Амстердамда пойабзал сотувчига қарши суд бошладингиз. Испанияда суд қиролга бўйсуниб, унинг манфаати учун хизмат қилади, агар шундай қилмаса, зоти олийларининг қаҳрига учрашидан чўчийди. Голландияда эса, аксинча, судлар ҳукуматнинг алоҳида бўлаги ҳисобланади, ҳеч қандай амалдор ёки шахзодаларга бўйсунмайди.

Сезганингиздек, Мадриддаги суд укангиз даъвосини қониқарсиз деб топди. Амстердам Олий суди эса ишни сизнинг фойдангизга ҳал қилиб, пойабзал сотувчи савдогарни олган кредитини тўлашга мажбур қилди. Отангиз бундан ўзига хулоса чиқарди: Қироллардан кўра савдогарлар билан бизнес қилиш яхшироқ экан. Ва бу бизнесни Испанияда эмас, Голландияда амалга оширса фойдалироқ бўларкан.

Сиз ғалаба нашидасини суриб ўтирган бу паллада укангизнинг бошига тушган кўргиликлар тугай демасди. Испан қиролида армиясига тўлаш учун пул етишмаётганди. Отангизда ортиқча пул борлигига ишончи комил қирол айёрлик йўлига ўтди. У укангизни давлатга хиёнат қилишда айблаб, қамоққа ташлади ва отангизга 20 минг тилла танга топиб келмаса, ўғлининг умри қамоқда чиришини айтиб дўк урди. Отангизнинг паймонаси тўлди. Шубҳасиз, жондан азиз ўғлининг ҳаётини сақлаб қолиш учун у сўралган суммани етказиб берди. Шу билан бирга, икки дунёда ҳам Испания билан қайтиб бизнес қилмасликка қасам ичди. Отангиз муваффақиятларингизни кўриб, Голландияда яна бир бўлим очиш оқилона ғоя деб ўйлади ва Мадриддаги шохобчани ёпди ва укангизни Роттердамга жойлаштирди. Бу орада у хатто испаниялик капиталистлар ҳам ўз бойликларини мамлакатидан ташиб кетаётгани ҳақида эшитди. Сабаби оддий: улар Голландия каби қонунларга амал қиладиган, хусусий мулкчилик ҳимояланган тинч мамлакатга бориб, ўша ерда кўпроқ даромад келтирадиган фаолиятга сармоя киритишни афзал кўрди.

Шу тариқа испан қироли сармоядорларнинг ишончидан маҳрум бўлди, Голланд савдогарлари эса аксинча, билдирилган ишончни оқлади. Шуни таъкидлаш жоизки, Голландия империясини барпо этган голланд ҳукумати эмас, балки голланд савдогарлари эди. Испан қироли босқинчилик юришларини молиялаштириш илинжида телба-тескари солиқларни йиғиб, халқни норози қилишда давом этди. Голланд савдогарлари бўлса ҳарбий урушларни кредит олиш ва бошқараётган компанияси акцияларини сотиш ҳисобидан молиялаштирди. Акция сотиб олган одам компания даромадининг маълум қисмига эгалик қиларди. Испан қиролига қайтиб пул бермайдиган

эхтиёт сармоядорлар Голланд ҳукуматиға қарз беришдан олдин ҳам етти ўлчаб бир кесарди. Бироқ улар жон-жон деб янги империяға асос солган голланд акциядорлик компанияларига сармоя киритишга рози бўларди.

Агар бирор компания катта фойда ишлаш арафасида эканлигини билсангизу, унинг барча акциялари сотилиб кетган бўлса, сиз шу акцияларға эгалик қилаётганлардан юқорироқ нархға сотиб олишингиз мумкин. Акцияларни сотиб олганингиздан кейин компания инқироз этагидалигидан хабар топсангиз, қўлингиздаги акцияларни арзонроққа сотишға киришасиз. Акциядорлик жамияти мана шу тарзда фаолият олиб борди. Акциялар савдоси натижасида Европадаги йирик шаҳарларида биржалар – компанияларнинг улуши билан савдо қилинадиган махсус бозорлар вужудға келди.

Голландиянинг энг машҳур акциядорлик компанияси – *Verenigde Oostindische Compagnie*, VOC – 1602 йил ташкил етилди. Голландия бу даврга келиб Испаниядан мустақил бўлиш учун курашаётганди, Амстердамнинг у ёки бу бурчагида ҳанузгача испан артиллерияси овози янграб турарди. VOC ўз акцияларини сотишдан тўпланган пулни кемалар куриб, уларни Осиёға юбориш ва Хитой, Ҳиндистон ҳамда Индонезия маҳсулотларини олиб келишға сарфлади. У, шунингдек, қароқчи ва рақибларға қарши ҳарбий ҳаракатларни ҳам молиялаштирди. Охир-оқибат, VOC Индонезияни босиб олиш учун маблағ киритди.

Индонезия дунёдаги энг катта архипелаг ҳисобланади. Унинг минглаб ороллари ўн еттинчи аср бошида юзлаб қиролликлар, амалдорлар, султон ва қабилалар томонидан бошқариларди. Биринчи марта 1603 йили Индонезияға етиб келган VOC савдогарларининг мақсади фақат савдо билан боғлиқ эди. Бироқ савдо манфаатларини ҳимоялаш ҳамда акциядорларининг улушини кўпайтириш мақсадида VOC савдогарлари нарх-навоға юқори баҳо қўйиб олган маҳаллий ҳукмдорлар, шунингдек, рақобатчиларға қарши кураш бошлади. Улар кемаларини оғир замбараклар билан қуроллаб, Европа, япон, ҳинд ва индонезиялик савдогарларни ёллади, мустаҳкам қалъалар бунёд қилиб, шиддатли жангға киришди. Ҳозир бизға ғалати туйилса-да, замонавий аср бошларида хусусий компаниялар нафақат аскарлар, балки генерал, адмирал, замбарак ва кемалар, ҳатто бутун бошли армияларни ҳам ёллаши оддий ҳол эди. Дунё оммаси бу ҳодисаға ҳеч қандай эътироз билдирмай, хусусий компаниянинг улкан империяға асос солишиға жим қараб кузатди.

Архипелаг ҳудудидаги ороллар бирин-кетин таслим бўлди. Шу тарзда Индонезиянинг катта қисми VOC мустамлакасиға айланди. Бу компания Индонезияни яқин икки юз йил мобайнида бошқарди. Фақат 1800 йилға келиб, Голландия ҳукумати Индонезияни келгуси 150 йил давомида Голландиянинг миллий мустамлакаси деб эълон қилди. Бугун баъзи одамлар XXI аср корпорациялари улкан қудратға эга деб огоҳлантириши бежиз эмас. Тадбиркорлар ўз манфаати йўлида ҳаддан ошиб кетиши қандай натижаға олиб келишиға яқин ўтмиш яққол гувоҳлик беради.

VOC Ҳинд океанини назоратға олган бир даврда голландларнинг яна бир компанияси - West Indies Company, бошқача айтганда WIC Атлантика

океанини егаллашга киришди. Иқтисодий жиҳатдан жуда муҳим ўринда жойлашган Гудзон дарёсидаги савдони назорат қилиш учун WIC дарё этагига Янги Амстердам деб номланган қароргоҳ курди. Бу қароргоҳ ҳиндуларнинг доимий таҳдиди остида бўлди. Бу ҳам етмагандек, инглизлар томонидан қайта-қайта ҳужум қилиниб, охир-оқибат, 1663 йил Британия мустамлакасига айланди. Инглизлар унинг номини Нью-Ёрк деб ўзгартирди. Қароргоҳини ҳиндулардан ҳимоялаш мақсадида WIC томонидан қурилган девор қолдиқлари устида бугун дунёдаги энг машҳур кўча – Уолл Стрит жойлашган. XVII аср ниҳоясига етаркан, хотиржамликка берилиш ҳамда минтақавий урушлар таъсирида Голландия нафақат Нью-Ёрк, балки Европанинг молиявий ва империял ғилдираги мақомидан жудо бўлди. Бўшаб қолган ўрин учун Франция билан Британия қаттиқ жангга киришди. Дастлаб ғалаба Францияга насиб қиладигандек туйилди, чунки у Британияга нисбатан каттароқ, бойроқ бўлиб, кўп сонли ва тажрибали армияга эга эди. Шунга қарамай, Британия молиявий тизимнинг ишончини қозонди. Франция эса ишончдан маҳрим бўлди. Француз қироллигининг обрўси, айниқса, XVIII аср Европасида содир бўлган энг катта молиявий инқироз – “Миссиссиппи кўпиги” мобайнида тушиб кетди. Ҳаммаси империя ташкил қилган акциядорлик компаниясидан бошланди.

Францияда ташкил етилган Миссиссиппи компанияси 1717 йил Миссиссиппи водийсининг пастки қисмини мустамлака қилишга бел боғлади ва Янги Орлеан шаҳрига асос солди. Қирол Луис XV билан яхши муносабат ўрнатган компания ўзининг баландпарвоз режаларини амалга ошириш учун акцияларини Париж биржасида сотишга тушди. Компания директори Жон Ло бир вақтнинг ўзида Франция марказий банки бошқарувчиси ҳам эди. Бундан ташқари, қирол уни контрогенерал – бугунги молия вазирига тенг лавозимга тайинлаганди. Хуллас, 1717 йил Миссиссиппи водийсининг қуйи қисмида ботқоқлигу тимсоҳлардан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Аммо Миссиссиппи компанияси у ерни битмас-туганмас бойликлар, чексиз имкониятлар макони деб миш-миш тарқатди. Француз зодагонлари, тадбиркор ва шаҳар буржуаси аъзолари бу миш-мишларга лаққа ишонди. Компания акциялари талаш бўлганидан нархлар осмонга кўтарилиб кетди. Даставвал, бир акция баҳоси 500 ливер эди. 1 август куни бу нарх 2750 ливерга кўтарилди. Бир ой ичида битта акция нархи 4100 ливерни ташкил етди. 4-сентябрга келиб, 5000 ливерга чиқди. 2 декабрда Миссиссиппи компаниясининг бир дона акцияси нархи 10 минг ливердан ошиб кетди. Париж кўчалари эйфория оғушида қолганди. Одамлар бор мол-мулкани сотар, бу ҳам етмагандек катта-катта қарз олиб Миссиссиппи акцияларини сотиб оларди. Ҳамма ўзича бой бўлишнинг осон йўлини топганидан қувонар эди. Орадан бир неча кун ўтгач ваҳима бошланди. Айрим даллоллар акция нархлари ҳаддан ташқари сунъий эканлигини сезиб қолди. Улар кўлидаги акцияларни нарх баландлигидан фойдаланиб тезроқ сотиб юбориш кераклигини тушунди. Шундай қилиб, сотилажак акциялар миқдори кўпайгач, нархлар ўз-ўзидан пастлай бошлади. Нархларнинг тушаётганини кўрган бошқа сармоядорлар ҳам зудлик билан акциялардан қутилишга қарор қилди. Биржадаги нарх-наво баттар пастлаб

кетди. Вазиятни барқарорлаштириш мақсадида Франция Марказий Банки Жон Ло бошчилигида Миссиссиппи акцияларини сотиб олишга киришди. Лекин бу ҳолат узоқ давом етиши мумкин эмасди. Ниҳоят, банкда умуман пул қолмагач, мамлакат контрогенерали яна ўша Жон Ло қолган акцияларни сотиб олиш учун кўпроқ пул ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада бутун Француз молиявий тизими кўпик ичида қолди. Лекин бу ҳам вазиятни ўнглай олмади. Миссиссиппи компанияси акциялари баҳоси 10 минг ливердан минг ливерга тушиб кетди, сўнгра бутунлай сариқ чақага айланди, қийматини йўқотди. Марказий банк ҳамда қироллик хазинаси бир тийинга қиммат акциялар билан тўлиб-тошди, маблағ эса умуман қолмади. Катта сармоядорлар сувдан деярли куруқ чикди – улар акцияларни вақтида сотишга улгурганди. Аммо кичик инвесторлари бор-будидан маҳрум бўлди, бу ҳолга чидай олмай, ўз жонига қасд қилишгача боришди.

“Миссиссиппи кўпиги” – тарих гувоҳ бўлган энг йирик молиявий инқирозлардан бири эди. Франция қироллиги молиявий тизими бу инқироздан тўлалигича ўзини тиклай олмади. Миссиссиппи компанияси сиёсий алоқаларидан фойдаланиб, акция нархларини ўйин қилгани туфайли омманинг француз банк тизими, шунингдек, француз қиролига нисбатан ишончи поймол бўлди. Ҳеч бир сармоядор Луис XVга кредит беришга ортиқ майл билдирмади. Мана шу вазият Франция империяси Британияга мағлуб бўлишининг бош сабабларидан бирига айланди. Инглизлар осонлик билан паст фоизда кредит олаётган бир маҳалда Франция катта миқдордаги фоиз эвазига қарз олишига тўғри келарди. Ошиб бораётган қарзларини қоплаш мақсадида Франция қироли борган сари кўпроқ ва юқорироқ фоизда кредит олишда давом этди. Алалоқибат, 1780 йил бобосидан тожни мерос қилиб олган Луис XVI англадики, унинг йиллик бюджетининг ярми эски кредитлар фоизини тўлашга сарфланар экан. Бу эса қирол тез орада инқирозга юз тутуди дегани эди. Шошиб қолган Луис XVI сўнгги юз еллик йил ичида бирор марта бўлсин йиғилмаган Француз Парламентини чақирди ва келажак инқирозга чора топишни буюрди. Шу тариқа француз инқилобига старт берилди.

Бир томондан Франция империяси бошида қора булутлар тўпланаркан, бошқа томондан Британия империяси тобора гуллаб-яшнарди. Голландларники сингари инглиз империясига ҳам Лондонда жойлашган хусусий акциядорлик компаниялари асос солганди. Шимолий Америкадаги илк инглиз қароргоҳлари ўн еттинчи аср бошларида London Company, Plymouth Company, Dorchester Company ҳамда Massachusetts Company каби акциядорлик компаниялари томонидан барпо этилганди.

Ҳиндистонни босиб олган ҳам Британия ҳукумати эмас, балки Ост-Индия компанияси эди. Бу компания самарадорлик жиҳатдан VOCни ҳам ортда қолдирди. Бош қароргоҳи Лондондаги Леаденҳалл кўчасида жойлашган Ост-Индия компанияси яқин бир аср давомида қудратли Ҳинд империясининг устидан ҳукмронлик қилди. Унинг қўл остидаги армияда деярли 350 минг аскар тўпланганди. Бу рақам Британия монархияси қуролли кучлари билан солиштирганда, сезиларли даражада кўп эди. Фақат 1858 йилга келибгина Британия қироллиги Ҳиндистонни компаниянинг армиясига қўшиб ўз

назорати остига олди. Қачонлардир Наполеон Бонапарт инглизларнинг устидан кулиб, “этикдўз миллат” деб атаганди. Аммо мана шу этикдўз миллат Наполеоннинг ўзини мағлуб этди ва дунёдаги энг катта империяга айланди.

Капитал номи билан

Голланд қироллиги томонидан Индонезиянинг (1800) ҳамда Британия қироллиги томонидан Ҳиндистоннинг (1858) назоратга олиниши капитализм ва империяни бир-биридан ажрата олмади. Аксинча, XIX аср мобайнида уларнинг алоқаси янада мустаҳкамланиб борди. Акциядорлик жамиятлари энди хусусий мустамлакалар ташкил қилиш ва бошқаришга муҳтож эмасди. Исталган вақт уларнинг иш бошқарувчилари ва йирик акциядорлари Лондон, Амстердам ҳамда Париждан туриб бу ишни кўз очиб юмгунча бажара оларди. Бундан буюғига уларнинг манфаатларига давлатнинг ўзи ғамхўрлик қиларди. Карл Маркс ва бошқа капитализм танқидчилари ғарбий давлатлар тобора капиталистик касаба уюшмасига айланиб бормоқда деб киноя қиларди. Ҳукуматларнинг катта бойлик ортидан нималарга қўл уришининг яққол далили Британия ва Хитой ўртасида бўлиб ўтган Биринчи Афюн Урушидир. (1840-1842) XIX асрнинг биринчи ярмида Британиянинг Ост-Индия компанияси ҳамда инглиз бизнесменлар Хитойга наркотик моддалар, айниқса, афюн экспорт қилиш орқали катта бойликка эришди. Миллионлаб хитойликлар афюнга ўрганиб қоларкан, мамлакат ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий жиҳатдан издан чиқа бошлади. 1830 йилларнинг охирида Хитой ҳукумати афюн савдосини тақиқлади, бироқ инглизлар бунга парво қилмай, ўз ишида давом этди. Хитой ҳукумати қорадори ортилган карголарни вайрон қилишга киришди. Афюн картелларининг Вестминстер ва Даунинг-стрит билан яқин алоқалари бор эди. Вазирлар маҳкамаси ва Парламент аъзоларининг кўпчилиги қорадори компанияларига тегишли акцияларга эгалик қиларди. Хуллас, картеллар ҳукуматга босим ўтказиб, Хитойга қарши чора кўришга чақирди. 1840 йил Британия “эркин савдо” номи остида Хитойга қарши уруш эълон қилди. Ғалаба аниқ эди. Ўзига ортиқча ишониб юборган хитойликлар Британиянинг янги қуроллари – буғ кемалар, оғир артиллерия ва ракетага қаршилик кўрсатишга умуман тайёр эмасди. Тузилган тинчлик шартномаси доирасида Хитой ҳукумати инглиз афюнфурушлари фаолиятига халал бермасликка, полиция томонидан карголарга етказилган зарар учун товон тўлашга мажбур бўлди. Бу ҳам етмагандек, Британия қорадори савдосида муҳим ўрин тутган Гонг-Конг шаҳри устидан назоратни қўлга киритди (Гонг-Конг 1997 йилгача Британия бошқаруви остида эди). XIX аср сўнгида тахминан 40 миллион хитойлик, яъни мамлакат аҳолисининг ўндан бир қисми қорадорига муккасидан кетган эди.

Миср ҳам Британия капитализми қурбонига айланди. XIX аср мобайнида француз ва инглиз сармоядорлари дастлаб Сувайш канали лойиҳасини молиялаштириш, сўнг омадсиз бизнесларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Миср ҳукмдорларига катта миқдорда қарз берди. Мисрликлар қулоғига қарзга ботгач, европалик кредиторлар Миср ички ишларига бурнини тика бошлади. Жони ҳалқумига келган Миср миллатчилари 1881 йил

қўзғолон кўтарди ва ташқи қарзларни тўлашдан бутунлай бош тортди. Шубҳасиз, бу янгиликдан қиролича Виктория хурсанд бўлмади. Орадан бир йил ўтгач, у армияси ва денгиз қўшинини оёққа турғазиб, Мисрга юриш қилди. Ўшандан сўнг Миср, то иккинчи жаҳон уруши сўнгигача, Британия империяси протекторатига айланди.

Юқоридаги мисоллар сармоядорлар манфаати учун содир бўлган урушлардан айримлари эди, холос. Аслини олганда, урушнинг ўзи маҳсулотга айланиши мумкин, худди афюн каби. 1821 йил юнонлар Усмонлилар империясига қарши бош кўтарди. Бу ҳолат Британиядаги либерал доираларнинг симпатиясига сабаб бўлди. Истеъдодли шоир – Лорд Байрон ҳатто Юнонистонга бориб, қўзғолончилар билан бир сафда туриб жанг қилди. Лекин Лондон молиячилари бу исённи ажойиб имконият сифатида қабул қилди. Улар исёнчиларнинг йўлбошчиларига юнон қўзғолони акцияси масаласини таклиф қилди. Юнонлар агар мустақилликни қўлга киритса, акцияларни фоизи билан тўлашга рози бўлди. Хусусий сармоядорлар даромад олиш ёки юнон масаласига симпатия юзасидан акцияларни сотиб ола бошлади. Юнон акциялари нархи Лондон биржасида дам кўтарилар, дам пастларди. Жанг давомида туркларнинг қўли баланд кела бошлади. Қўзғолончилар мағлуб бўлиши аниқ бўлиб қолганда, акциядорлар бойликларини йўқотиш масаласига дуч келди. Акциядорларнинг манфаати – миллий манфаат эди. Шунинг учун, Британия халқаро флот ташкиллаштирди. Бу флот 1827 йил, Наварино жангида, Усмонли туркларининг асосий флотини мағлуб этди. Кўп асрлик мустамлакачилик ситамлари узилиб, ниҳоят юнонлар озодликни қўлга киритди. Аммо бу озодлик жуда улкан қарз эвазига келганди. Янги тузилган мамлакатга йирик миқдордаги қарзни қайтариш имконсиз эди. Юнон иқтисодиёти келгуси йиллар мобайнида инглиз кредиторлари қўлида гаров бўлиб қолди.

Капитал билан сиёсат ўртасидаги муҳаббат кредит бозорига ҳам таъсир ўткизмай қолмади. Иқтисоддаги кредит миқдори нафақат соф иқтисодий омиллар, масалан, янги нефт ўчоғининг топилиши ёки янги машина ихтиро қилиниши, балки сиёсий ҳодисалар билан ҳам белгиланади. Наварино жангидан сўнг инглиз капиталистлари ўз маблағларини хорижий масалаларга тикишга қизиқиб қолди. Улар яхши тушунган эди: агар хорижий қарздор олган қарзини қайтаришдан бош тортса, Ҳазрати олияларининг армияси ишга киришиб, пулни қайтариб олиб беради. Айнан шунинг учун, бугун мамлакатнинг кредит рейтинги учун табиий захиралардан кўра иқтисодий ҳолат муҳим рол ўйнайди. Кредит рейтинглари – мамлакат олган қарзини тўлай олишининг эҳтимолини белгилаб беради. Соф иқтисодий маълумотларга қўшимча тарзда, улар сиёсий, ижтимоий ва ҳатто маданий омилларни ҳам инобатга олади. Мисол учун, агар ўзи нефтга бой, лекин адолатсиз ҳукумат, бузуқ суд тизими томонидан бошқариладиган, худудида уруш кетаётган мамлакат кредит рейтингига паст кўрсаткичга эришади. Натижада, бу мамлакат камбағаллигича қолаверади. Чунки нефтни казиб чиқариш учун керакли сармояни топа олмайди. Бунга қарама-қарши равишда, табиий бойликлардан мосуво бўлса ҳам, тинчлик ҳукм сурган,

адолатли суд тизими ҳамда эркин ҳукуматга эга мамлакат кредит рейтингдан юқори ўринни эгаллайди. У арзон фоизларда кредит олиб, таълим тизимини яхшилаш ва юқори технологияли саноатни ривожлантиришга муваффақ бўлади.

Эркин бозор эътиқоди

Капитал ва сиёсат бир-бирига шу даражада таъсир ўтказадикки, уларнинг муносабатлари иқтисодчилар, сиёсатчилар ва айна пайтда омма томонидан қизгин муҳокама қилинади. Жонкуяр капиталистлар капитал сиёсатга эркин таъсир кўрсата олиши, лекин сиёсат капиталга таъсир ўтказишига йўл қўймаслик керак деб таъкидлашади. Уларнинг фикрича, ҳукуматлар бозорлар ишига аралашганда сиёсий манфаатлар уларнинг мақсадсиз инвестицияларни тикишига ва алалоқибат бозорда ўсиш суръатининг камайишига олиб келади. Масалан, ҳукумат саноатчиларга оғир солиқлар солиши ва ундан тушган пулларни сайловчилар кенг тарғиб қиладиган ишсизлик учун ёрдам пулларини бериш мақсадида ишлатиши мумкин. Кўплаб ишбилармонлар эса ҳукумат пулни ўзларида қолдирса, анча яхши бўлишига ишонадилар. Ўшанда, уларнинг фикрича, пулни янги фабрикалар очишга сарфлаш орқали ишсизларни иш билан таъминлашга имкон яратилади.

Шу нуқтаи назардан, энг оқилона иқтисодий сиёсат бу – сиёсатни иқтисоддан ҳоли қилиш, солиққа тортиш ва давлат бошқарувини минимал даражагача камайтириш ва бозор кучларига ўз жиловини ўзи тутишга имкон беришдир. Сиёсий мулоҳазалар билан боши қотмаган хусусий сармоядорлар ўз маблағларини энг кўп фойда олиш истиқболига эга жойларга сарф қиладилар, шундай қилиб ҳаммага, саноатчилар ва ишчиларга бирдек нафи тегувчи катта миқёсли иқтисодий ўсишга эришиш учун ҳукумат иложи борича кам аралашини керак. Мазкур эркин бозор тамойили бугунги кунда капитализмнинг энг кенг тарқалган ва таъсирли вариантдир. Эркин бозорнинг ғайратли ҳимоячилари чет эллардаги ҳарбий саргузаштларни мамлакатдаги ёрдам пули дастурлари сингари шижоат билан танқид қиладилар. Улар ҳукуматларга Зен устозлари ташаббускорларга тавсия қилган маслаҳатларни таклиф қилишади: шунчаки ҳеч нарса қилманг.

Аммо ўз навбатида эркин бозорга нисбатан ишонч қорбобога ишониш каби бўш. Сиёсий босимлардан ҳоли бозор деган нарсанинг ўзи йўқ. Энг муҳим иқтисодий манба бу – келажакка бўлган ишонч ва бу манба ўғрилар ва фирибгарлар томонидан доимий равишда таҳдидга учрамоқда. Бозорлар ўзларича фирибгарлик, ўғирлик ва зўравонликка қаршилиқ кўрсатолмайди. Фирибгарликка қарши санкцияларни қонунийлаштириш орқали ишончни таъминлаш ва қонун ижросини таъминлайдиган полиция кучлари, судлар ва қамоқхоналарни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш керак эди. Қироллар ўз ишларини бажаролмай ва бозорларни тартибга сола олмай қолса, бу ишонч йўқолишига, кредитлар пасайиши ва иқтисодий тушкунликка олиб келади. Бу 1719 йилги Миссисипи иқтисодий таназзули берган сабоқ эди ва буни унутган кишига 2007 йилги АҚШдаги уй-жой инқирози, ундан кейинги кредит инқирози ва турғунликни эслатиш кифоя.

Капиталистлар дўзахи

Бозорларга батамом эркин бошқарувни бериб қўйиш хавфли эканлигининг яна бир жиддий сабаби бор. Адам Смит этикдўз ёрдамчиларни янада кўпайтириш учун ортиқча маблағ сарф қилиши кераклигини айтади. Бу эса эгоистик очкўзлик ҳамма учун фойдали эканлигини билдиради, чунки фойда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва кўпроқ ишчи кучи жалб қилиш учун ишлатилади. Лекин очкўз пойабзал ишчиларига камроқ маош тўлаш ва иш соатларини кўпайтириш орқали даромадини оширса нима бўлади? Одатий жавоб эркин бозор ишчиларни ҳимоя қилади қабилида бўларди. Агар этикдўзимиз жуда оз ҳақ тўласа ва жуда кўп нарсани талаб қилса, энг яхши ходимлари табиий равишда уни тарк этишар ва унинг рақобатчилари учун ишлашга кетишарди. Золим этикдўз эса энг ёмон ишчилар билан ёки умуман ишчиларсиз қоларди. У ёки ўз йўлини тузатиб олиши ёки бизнестан кетиши керак бўларди. Ўзининг очкўзлиги уни ўз ходимларига яхши муносабатда бўлишга мажбур қиларди. Бу назарий жиҳатдан мустаҳкамдек туюлади, аммо амалда жуда заиф. Қироллар ва руҳонийлардан холи батамом эркин бозорда, баджаҳл капиталистлар монополия тузишлари ёки ўз ишчиларига қарши тил бириктиришлари мумкин. Агар мамлакатда барча пойабзал фабрикаларини бошқарадиган ягона корпорация бўлса ёки барча фабрика эгалари бир вақтнинг ўзида иш ҳақини камайитиришга келишиб олишса, ишчилар ишларини ўзгартириш орқали ўзларини ҳимоя қила олмай қоладилар.

Энг ёмони, очкўз хўжайинлар қарзга ботириш ёки қул қилиш орқали ишчиларнинг озодлик ҳаракатларини чеклаб қўйиши мумкин. Ўрта асрлар охирида насронийлар Европада қуллик деярли номаълум эди. Янги даврнинг дастлабки босқичларида Европа капитализмининг ривожланиши Атлантика қуллар савдосининг ўсиши билан бирга кечади. Бу ҳалокат учун золим қироллар ёки ирқчи мафкурачилар эмас, балки назоратсиз бозор кучлари жавобгар эдилар. Европаликлар Американи забт этишгач, олтин ва қумуш конларини очиб, шакар, тамаки ва пахта плантацияларини барпо этишади. Ушбу конлар ва плантациялар Америка ишлаб чиқариши ва экспортининг ажралмас бўлагига айланиб қолади. Айниқса, шакар плантациялари муҳим эди. Ўрта асрларда Европада шакар ноёб ҳашамат белгиси эди. У Яқин Шарқдан жуда қиммат баҳо эвазига олиб келинган ва тансиқ таомлар, илон ёғили дориларда сирли восита сифатида тежаб ишлатилган. Америкада йирик шакар плантациялари барпо этилгач, тобора кўпайиб бораётган шакар массалари Европага тарқала бошлади. Натижада шакар нархи тушиб кетди ва Европада қондириб бўлмас ширинликка ўчлик пайдо бўлди. Тадбиркорлар бу эҳтиёжни жуда кўп миқдордаги ширинликлар, жумладан, торт, печенье, шоколад, конфет ва какао, қаҳва ва чой каби ширин ичимликлар ишлаб чиқариш билан қондиришди. Битта инглизнинг йиллик шакар истеъмоли XVII аср бошларидаги нол даражадан XIX асрнинг бошларида саккиз килограммгача кўтарилди. Бироқ қамиш етиштириш ва унинг шакарини олиш жуда кўп

меҳнат талаб қиладиган иш эди. Камдан-кам одамларгина жазирама қуёш остида безгак юқтириш хавфи мавжуд шакарқамиш майдонларида узоқ вақт ишлашга розилик берарди. Шартнома асосидаги ишчилар эса оммавий истеъмол учун жуда қиммат бўлган товарни ишлаб чиқарган бўлардилар. Бозор кучларига таъсирчан, фойда ва иқтисодий ўсишга кетидан қувган бўлган Европа плантациялари эгалари қулларни ишлатишга ўтдилар.

XVI асрдан XIX асргача Америкага 10 миллионга яқин Африка қуллари олиб келинган. Уларнинг қарийб 70 фоизи меҳнат шароитлари жуда оғир бўлган шакар плантацияларида ишладилар. Қулларнинг кўпгина қисми қисқа, аянчли ҳаёт кечиришди, миллионлаб қуллар уларни қўлга олиш учун олиб борилган урушлар пайтида ёки Африка ичкарасидан Америка соҳилларигача узоқ сафарлар пайтида ҳалок бўлишди. Буларнинг барчаси европаликлар ўзларининг ширин чойи ва конфетларидан ва ўз навбатида шакар хўжайинлари катта фойдадан баҳраманд бўлишлари учун эди.

Қул савдоси бирон-бир давлат ёки ҳукумат томонидан назорат қилинмаган. Бу талаб ва таклиф қонунларига мувофиқ эркин бозор томонидан ташкиллаштирилган ва молиялаштирилган соф иқтисодий корхона эди. Хусусий қул савдоси компаниялари Амстердам, Лондон ва Париж биржаларида акцияларни сотдилар. Яхши сармояни излаган европаликлар ўрта синф вакиллари ушбу акцияларни сотиб олдилар. Ушбу маблағга таяниб компаниялар кемалар сотиб олишди, денгизчилар ва аскарларни ёллашди ва Африкадан қул сотиб олишиб Америкага олиб кетишди. У ерда қулларни плантация эгаларига пуллаб, тушган пуллар эвазига шакар, какао, қаҳва, тамаки, пахта ва ром каби плантация маҳсулотларини сотиб олишарди. Улар Европага қайтиб, шакар ва пахтани яхшигина нархда сотиб юборишар ва навбатдаги сафар учун Африкага жўнардилар. Акциядорлар эса ушбу келишувдан жудаям мамнун бўлишди. XVIII аср мобайнида қул савдоси сармоялари унуми йилига 6 фоизни ташкил қилди – ҳар қандай замонавий маслаҳатчилар тезда англаб етганидек, улар жуда катта фойда келтирарди. Айни пайтда бу эркин бозор капитализмини емираётган курт эди. Фойда адолатли тарзда олинишини ёки адолатли тақсимланишига кафолат йўқ. Аксинча, фойда ва ишлаб чиқаришни кўпайтиришга бўлган интилиш йўлида ҳар қандай тўсиқларга кўз юмиб кетишига сабаб бўлади. Ҳеч қандай ахлоқий қарашлар билан чекланмаган ўсиш энг баланд чўққисига чиққанида эса осонгина фалокатга учраши мумкин. Христианлик ва нацизм каби баъзи динлар нафрат туфайли миллионлаб одамларни ёстиғини қуритди. Капитализм эса очкўзликка жўр бўлган совуққон лоқайдлик асносида миллионлаб одамларни ўлдирди. Атлантика қул савдоси африкаликларга нисбатан ирқчилик нафрати оқибатлари эмас эди. На акцияларни сотиб олган шахслар, уларни сотган воситачилар ва қул савдоси компаниялари бошқарувчилари, на шакар плантацияларининг эгалари африкаликлар ҳақида деярли ўйлаб ҳам кўришмасди. Хўжайинлар, асосан, ўз плантацияларидан узоқда яшар ва уларнинг талаб қиладиган ягона нарсаси бу – тартиб билан ёзилган фойда ва йўқотишлар дафтари эди.

Шуни ёдда тутиш керакки, Атлантика қул савдоси ягона ғайриоддий ходиса эмасди. Олдинги бобда муҳокама қилинган Буюк Бенгал очарчилиги худди шундай динамикадан келиб чиққан – Британиянинг Шарқий Ҳиндистон компанияси 10 миллион бенгалнинг ҳаётидан кўра ўз фойдаси ҳақида кўпроқ қайғурган. Хайрия овози (ХО)нинг Индонезиядаги ҳарбий кампаниялари ўзларининг болаларинигина севувчи, хайр-эҳсон қилувчи, яхши мусиқа ва тасвирий санъат билан ошно бўлган шаҳарлик голландлар томонидан молиялаштирилди, аммо Ява, Суматра ва Малакка аҳолисининг азоб-укубатларига аҳамият ҳам бермасди. Сон-саноксиз жинойтлар ва конунбузарликлар сайёрамизнинг бошқа қисмларида замонавий иқтисодиётнинг ўсиши билан бирга кечарди.

XIX асрда капитализм этикасида бирон бир яхшиланиш содир бўлмади. Европани қамраб олган саноат инқилоби банкирларни ва капитал эгаларини бойитиш билан бирга, миллионлаб ишчиларни қашшоқликда яшашга маҳкум этди. Европа мустамлакаларида эса аҳвол бундан ҳам баттар эди. 1876 йилда Белгия қироли Леополд II Марказий Африкага кириб бориш ва Конго дарёсигача бўлган ҳудудда қул савдосига қарши курашиш мақсадида нодавлат гуманитар ташкилотга асос солди. Шунингдек, мазкур ташкилотга йўл, мактаб ва касалхоналар қуриш орқали маҳаллий аҳоли учун шароитларни яхшилаш вазифаси юклатилган эди. 1885 йилда Европа кучлари унга Конго ҳавзасидаги 2.3 миллион квадрат километр ҳудудни назорат қилиш ҳуқуқини беришга келишди. Белгия ҳудудидан етмиш беш барабар каттароқ бўлган бу ерлар ўшандан буён Конго Еркин Штати деб аталадиган бўлди. Бирор кимса ҳудуднинг 20-30 миллион аҳолисининг фикрини сўраб ҳам ўтирмади.

Қисқа вақт ичида мазкур гуманитар ташкилот ҳақиқий мақсади даромад ва фойда топиш бўлган бизнес корхонасига айланди. Мактаблар ва касалхоналар унутилди, Конго ҳавзаси эса маҳаллий аҳолини шафқатсиз эксплуатация қилувчи белгиялик расмийлар томонидан бошқариладиган конлар ва плантациялар билан тўлдирилди. Каучук саноати айниқса аҳамиятга молик эди. Каучук тезда саноатнинг асосий маҳсулотига ва унинг экспорти Конгонинг энг муҳим даромад манбасига айланди. Каучукни тўпловчи африкалик қишлоқ аҳолисидан жуда юқори миқдорда маҳсулотлар талаб қилинар, режадаги маҳсулотни бера олмаганлар дангасаликлари учун шафқатсиз жазоланарди. Уларнинг қўллари кесиб ташланган ва баъзан бутун қишлоқлар қириб юборилган. Енг мўътадил ҳисоб-китобларга кўра, 1885 йилдан 1908 йилгача ўсиш ва фойда олиш илинжи 6 миллион кишининг умрига зомин бўлди (Конго аҳолисининг камида 20 фоизи). Баъзи ҳисоб-китобларда 10 миллион қурбон қайд этилган. 1908 йилдан кейин ва айниқса 1945 йилдан кейин капиталистик очкўзлик бироз жиловланди, лекин бунга асло коммунизм хавфи сабаб бўлгани йўқ. Тенгсизлик эса ҳанузгача кучайиб борапти. 2014 йилдаги иқтисодий пирог 1500 йилдагидан анча катта, аммо у шунчалик нотенг тақсимланганки, кўплаб африкалик деҳқонлар ва индонезиялик ишчилар оғир иш кунидан сўнг 500 йил аввалги аждодларига нисбатан камроқ озуқа билан уйларига қайтишарди. Қишлоқ хўжалигидаги инқилоб сингари замонавий иқтисодиётнинг ўсиши ҳам улкан фирромликка

айланиши эҳтимоли кўпроқ. Инсоният ва глобал иқтисодиёт ўсишда давом этиши мумкин, аммо кўплаб одамлар очарчиликда ва муҳтожликда яшашлари муқаррар.

Ушбу танқидга капитализмнинг иккита жавоби бор. Биринчидан, капитализм ўзидан бошқа ҳеч ким бошқара олмайдиган дунёни яратди. Дунёни бошқача бошқаришга қаратилган ягона жиддий уриниш – коммунизм тасаввур қилиб бўлмас даражада муваффақиятсиз бўлдики, энди ҳеч ким уни қайта синаб кўришга рози эмас. Милоддан аввалги 8500 йилда қишлоқ хўжалиги инқилобидан аччиқ кўз ёш тўкиш мумкин эди, аммо қишлоқ хўжалигидан воз кечишга энди жуда кеч эди. Худди шунингдек, капитализмни ёқтирмаслигимиз мумкин, аммо усиз яшай олмаймиз ҳам. Иккинчи жавоб эса шунчаки биз кўпроқ сабр-тоқатга муҳтожмиз – капиталистлар ваъда қилган жаннат бурчакда. Тўғри, Атлантика кул савдоси ва Европа ишчилар синфини эксплуатация қилиш каби хатоларга йўл қўйилди. Аммо қиссадан ҳисса чиқардик ва агар бироз кутиб турсак ва пирог бироз катталашишига имкон берсак, барчага яхшигина катта тилимдан тегади. Ўлжаларни бўлишиш ҳеч қачон адолатли бўлмайди, лекин ҳар бир эркак, аёл ва бола эҳтиёжи учун етарли бўлади – ҳаттоки Конгода ҳам.

Ҳақиқатан ҳам, капитализмнинг баъзи ижобий белгилар мавжуд. Ҳеч бўлмаганда ўртача умр кўриш ёши, болалар ўлими ва калория истеъмоли каби фақатгина моддий мезонлардан фойдаланадиган бўлсак, аҳоли сонининг кескин ўсишига қарамай, 2014 йилдаги ўртача одамнинг ҳаёт кечириш шароитлари 1914 йилдагидан анча баландроқ эканлигига гувоҳ бўламиз. Хўш, иқтисодий пирог абадий ўса олармикан? Ҳар бир пирог хом ашё ва энергия талаб қилади. Қиёмат пайғамбарлари эса эртами-кечми, инсоният Ер сайёрасининг барча хомашёси ва энергиясини тугатиб қўйиши ҳақида айюҳаннос солишмоқда. Кейин нима бўларкан?

17

Саноат ғилдираклари

ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ бизнинг келажакка бўлган ишончимизга ва капиталистларнинг ўз даромадини янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қайта инвестиция қилишга бўлган хоҳишига раҳмат айтмоғи керак. Аммо бу етарли эмас. Иқтисодий ўсиш энергия ва хомашёни ҳам талаб қилади ва улар чеклангандирлар. Қачон бу ресурслар тамом бўлса, бутун тизим таназзулга юз буради.

Аммо тарихан тасдиқланган далиллар шундан иборатки, улар фақат назарий жиҳатдан чекланган. Одамзот ўтган бир неча аср давомида энергия ва хомашё ресурсларидан фойдаланиб келганига қарамасдан, ҳозирги кунда фойдаланиш мумкин бўлган ресурслар захираси аслида ошди. Бирор етишмовчилик иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилганида,

инвестициялар илмий ва технологик тадқиқотлар учун йўналтирилар эди. Бу ҳар доим нафақат мавжуд ресурслардан фойдаланишнинг самаралироқ усуллари, балки мутлақо янги энергия ва материал турларини ҳам яратарди. Ҳаракат воситалари саноатини тасаввур қилинг. Сўнги 300 йил давомида инсонлар оддий аравалар ва ногиронлар аравачасидан тортиб поездлар, автомашиналар, товуш тезлигида учувчи самолётлар ҳамда космик кемаларгача бўлган миллиардлаб ҳаракат воситалари ишлаб чиқарди. Эҳтимол, кимдир транспорт саноати учун керак бўладиган энергия манбалари ва хомашё ресурсларининг тугаши ва бугунга келиб бочка тагини киртишлашимизни тасаввур этгандир. Аммо бунинг акси юз берди.

Ҳолбуки, XVIII асрда глобал транспорт саноати ўтин ва темирга боғлиқ бўлган бўлса, бугунги кунда бу саноат ихтиёрида пластик, резина, алюмин ва титан каби ота-боболаримиз ҳеч қачон хабардор бўлмаган мўл-қўл материаллар мавжуд. XVIII аср аравалари дурадгорлар ва темирчиларнинг қўл кучи билан ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кундаги “Тоёта” ва “Боинг” компаниялари ички ёнув двигателлари ва атом электростанциялари қуввати асносида ишлашади. Шунга ўхшаш инқилоб саноатнинг деярли барча соҳаларини қамраб олди. Биз буни *Саноат инқилоби* деб атадик.

Саноат инқилобидан олдин ҳам минг йиллар давомида одамлар турли хил энергия манбаларидан қандай фойдаланиш мумкинлигини билар эдилар. Улар темир эритиш, уйларни иситиш ва нон пишириш учун ўтин ёқишган. Елканли кемаларда ҳаракат қилиш учун шамол кучидан ва сув тегирмонларида донни майдалаш учун дарёлар оқимидан фойдаланишган. Аммо буларнинг барчаси аниқ чекланишлар ва муаммоларга эга эди. Дарахтлар ҳамма жойда ўсмас, шамол ҳар доим керак бўлган кучда эсмас ва сув кучидан фақат дарё яқинида яшаганлар фойдалана олар эди.

Бундан каттароқ муаммо шунда эдики, одамлар бир турдаги энергияни қандай қилиб бошқасига ўзгартиришни билмас эдилар. Улар елканли кемалар ва тегирмон тошларини юргизиш учун шамол ва сувнинг ҳаракатланишини жиловлашлари мумкин эди, бироқ бу билан темирни эритиш ёки сувни қайнатишни уйдалай олмас эдилар. Ва аксинча, ўтин ёқиш натижасида ҳосил бўлган иссиқлик энергиясидан тегирмон тошини юргизишда фойдалана олмасдилар. Инсонларда энергия тури алмашинувини амалга ошира оладиган биргина машина – ўз таналари мавжуд эди. Моддалар алмашинувининг табиий жараёнида одамлар ва бошқа ҳайвонлар озиқ-овқат каби органик “ёқилғи”ларни истеъмол қилиб, уни мушаклар ҳаракатига зарур энергияга ўзгартирадилар. Эркаклар, аёллар ва ҳайвонлар дон ва гўштни истеъмол қилгач, углеводлар ва ёғларни ҳазм қилиб, энергияни рикша ёки омов тортишлари учун ишлатишлари мумкин эди.

Инсон ва ҳайвон танаси энергия алмаштиришнинг ягона қурилмаси сифатида мавжудлиги сабаб қўл кучи деярли барча инсон фаолиятининг калити бўлган. Одамларнинг қўл кучи билан аравалар ва уйлар қурилди, буқалар кучи билан экинзорлар ҳайдалди, отлар кучи билан юклар ташилди. Ушбу органик мушак-машиналарни таъминловчи ягона энергия манбаси алалоқибат – ўсимликлар эди. Ўз навбатида ўсимликлар ўзларининг

энергиясини куёшдан олади. Фотосинтез жараёнида улар куёш қувватини жамлаб, уни органик бирикмаларга тўплайди. Тарих давомида одамлар қилган деярли ҳамма нарса ўсимликлар томонидан тўпланган ва мушакларнинг кучига айлантирилган куёш энергиясига асосланган эди.

Шундай қилиб, инсоният тарихида иккита асосий давр устунлик қилди: ўсимликлар ўсиши ва куёш энергиясининг ўзгарувчан даврлари (кун ва тун, ёз ва қиш). Куёш нури кам ва буғдой далалари ҳали ҳам яшил бўлганида одамлар жуда оз энергия олишган. Дон омборлари бўш бўлар, солиқ йиғувчилар маблағ йиғма олмас, аскарлар учун ҳаракат қилиш ва жанг қилиш фойдасиз бўлган ва шоҳлар ҳам тинчликни сақлашга интилишган. Куёш чарақлаб, буғдой пишиб етганда деҳқонлар ҳосилни йиғиб омборхоналарни тўлдиришган. Солиқ йиғувчилар ўз улушларини олишга шошилишган. Аскарлар кучга тўлиб, қиличларини ўткирлашган. Шоҳлар кенгашларни чақириб, кейинги юришларини режалаштиришган. Ҳар бир инсон буғдой, гуруч ва картошкага тўпланиб “қадокланган” куёш энергиясидан фойдаланган.

Ошхонадаги сир

Узоқ минг йилликлар давомида ҳар кун одамлар энергия ишлаб чиқариш тарихидаги энг муҳим ихтиро билан юзма-юз туришган, лекин бунини пайқашмаган. Бу уй бекаси ёки хизматкор ҳар доим сув қайнатиш учун чойнакни ёки картошка билан тўлдирилган идишни печкага қўйган пайтида уларнинг кўз олдида содир бўлган.

Сув қайнатилган дақиқада чойнак ёки идишнинг қопқоғи сакраб тушарди. Иссиқлик ҳаракатга айланар эди! Қозон қопқоғининг сакраб тушиши асабга тегар ва агар печкада қозонни унутиб қўйган бўлсангиз, сув буғланиб кетар эди. Ҳеч ким уларнинг ҳақиқий имкониятларини кўрмаган.

Иссиқликни ҳаракатга айлантиришдаги қисман ютуққа IX асрда Хитойда порох ихтироси билан эришилди. Аввалига порохдан фойдаланиш ғояси ўточар қуролларда фойдаланишга шунчалар қарама-қарши бўлганки – ўқдоридан фақатгина бомбалар тайёрланган. Аммо, охир-оқибат, эҳтимол, баъзи бомба мутахассислари томонидан ўқдорини мортирага жойлаб отиш зарар етказиши аниқлангач биринчи ўточар қуроллар пайдо бўлган. Ўқдори ва самарали артиллерия ихтироси орасида тахминан 600 йил бор.

Иссиқликни ҳаракатга келтириш ғояси шу қадар самарадорлигига қарамадан, одамлар атрофдаги нарсаларни силжитиш учун иссиқлик қувватида ишлайдиган кейинги машинани ихтиро қилиши учун яна уч аср ўтди. Янги технология Британия кўмир конларида пайдо бўлди. Англия аҳолиси кўпайиб борар экан, ўсаётган иқтисодиётни таъминлаш, уйлар ва далалар учун ўрмонлар кесилди. Британия ўтин танқислигидан азият чекди. Одамлар ўтин ўрнида кўмир ёқишни бошлади. Кўмир конлари ботқоқ ерларда жойлашган бўлиб, тошқин кончиларга шахталарнинг қуйи қатламларига киришга тўсқинлик қиларди. Бу ўз ечимини излаётган муаммо эди. Тахминан 1700 йилларда Британия шахталарида ғалати шовқин пайдо бўлди. Бу шовқин – саноат инқилобининг ашулачиси – дастлаб нозик (?) бўлган эса-да, кейинчалик у ҳар ўн йилликлар давомида аллақачон қар бўлиб қолган бутун

дунёни қамраб олгунга қадар янада баландроқ ва баландроқ кўтарила бошлади. У буғ двигателидан чиққан эди.

Буғ двигателларининг кўп турлари мавжуд, аммо уларнинг барчаси битта умумий принципга эга. Сиз кўмирга ўхшаган ёқилғининг бир турини ёқасиз ва ҳосил бўлган иссиқликни сувни қайнатиш учун ишлатиб, буғ ҳосил қиласиз. Буғ кенгайиши билан у поршенни итаради. Поршен ҳаракатга келади ва поршенга уланган барча нарсалар у билан бирга ҳаракатланади. Сиз иссиқликни ҳаракатга айлантирдингиз! XVIII асрда Британия кўмир конларида поршенлар шахталар остидан сув чиқарадиган насосларга уланган. Дастлабки двигателлар ниҳоятда самарасиз эди. Кичик миқдордаги сувни тортиб олиш учун сиз жуда катта миқдордаги кўмирни ёқишингиз керак эди. Аммо шахталарда кўмир мўл ва кўл чўзса етар даражада эди, шунинг учун ҳеч ким бунинг учун ғам чекмади.

Кейинги ўн йилликларда Британия ишбилармонлари буғ двигателининг самарадорлигини ошириб, уни шахта валларидан чиқариб дастгоҳ ва занжирлар билан боғладилар. Бу тўқимачилик саноатида инқилоб қилди ва ҳар қачонгидан катта ҳажмдаги арзон тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятини яратди. Кўз очиб юмгунча Буюк Британия “дунё устахонаси”га айланди. Аммо бундан ҳам муҳими, буғ двигателини конлардан чиқариш муҳим психологик тўсиқни бузди. Агар сиз тўқимачилик дастгоҳларини юритиш учун кўмир ёқишингиз мумкин бўлса, нима учун бошқа нарсаларни, масалан, транспорт воситаларини кўчиришда худди шу усулдан фойдаланмайсиз?

1825 йилда инглиз муҳандиси буғ моторини кўмир билан тўлдирилган шахталар вагонлари поездига улади. Двигател вагонларни йигирма километр узунликдаги темир йўл орқали кондан энг яқин портгача тортарди. Бу тарихдаги биринчи буғ билан ишлайдиган локомотив эди. Шубҳасиз, агар кўмирни ташишда буғ машинасини ишлатилиши мумкин бўлса, унда нима учун бошқа товарларни ташишда ундан фойдаланмаслик керак? Одамларни ташишда-чи? 1830 йил 15 сентябрда Ливерпулни Манчестер билан боғлайдиган биринчи тижорат темир йўл линияси очилди. Поездлар аввал сувни тортиб олган ва тўқимачилик дастгоҳларини юритган бир хил буғ кучи остида ҳаракатланар эди. Орадан йигирма йил ўтгач Британия ўн минглаб километрлик темир йўлларига эга бўлди. Шундан сўнг одамлар бир турдаги энергияни бошқасига ўтказиш учун машиналар ва двигателлардан фойдаланиш мумкин деган фикрга келишади. Дунёнинг исталган бурчагида ҳар қандай энергия туридан, агар биз керакли машинани ихтиро қила олсак, ўз эҳтиёжимиз учун фойдаланишимиз мумкин бўлди. Масалан, физиклар атомлар ичида жуда кўп миқдордаги энергия сақланишини англаб этгач, дарҳол бу энергияни қандай чиқариб олиш ва электр энергиясига айлантириш, бу қувват орқали сув ости кемаларини юргизиш ҳамда шаҳарларни йўқ қилиш учун ишлатиш ҳақида ўйлай бошладилар. Хитойлик алхимёгарлар порохни ихтиро этишган пайтдан то турк тўпи Константинополь деворларини вайрон этган вақтгача орадан олти юз йил ўтганди. Эйнштейн ҳар қандай массани энергияга айлантиришни яъни $E = mc^2$ ни аниқлаган вақтдан атиги қирқ йил

Ўтиб атом бомбаси Хиросима ва Нагасакини йўқ қилди, атом станциялари бутун дунё бўйлаб тарқалди.

Яна бир муҳим кашфиёт жамоат транспортида инқилоб қилиш учун бир неча авлоддан кам вақт талаб қилган ҳамда нефтни сиёсий ёқилғига айлантирган ички ёнув двигателидир. Нефт минглаб йиллар давомида инсониятга маълум бўлган ва томларни ёпиш ёки ғилдирак ўқларини мойлаш учун ишлатилган. Аммо бир аср олдин ҳеч ким буни бундан кўпроқ фойда беради деб ўйламаган. Нефт учун қон тўкиш ғайритабиий туюлиши мумкин. Одамзот ер, олтин, зиравор ёки қуллар учун уруш қилиши мумкин, аммо нефт учун эмас.

Электр энергияси карьераси жуда ҳам ҳайратланарли эди. Икки аср олдин электр иқтисодиётда ҳеч қандай рол ўйнамас ва кўп ҳолларда сирли илмий тажрибалар ва арзон сеҳргарлик найранглари учун ишлатилар эди. Бир қатор ихтиролар уни бизнинг “чироқ ичидаги универсал жин”имизга айлантирди. Биз бармоғимизни қирсиллатишимиз билан у китобларни босиб чиқаради, кийим тикади, сабзавотларимизни барра ҳолда сақлайди, музқаймоқларимизни музлатади, овқатимизни пиширади ва жиноятчиларни қатл қилади, фикрларимизни қайд қилади ва табассумларимизни ёзиб қўяди, кечаларимизни ёритади ва сон-саноксиз телевизион томошалар билан бизни ўзига жалб қилади. Буларнинг барчасини электр қандай қилиб амалга ошираётганини кўпчилигимиз тушунмаймиз, аммо ҳаётини усиз тасаввур қила оладиганлар кам.

Қувват океани

Саноат инқилоби энергия алмашинувидаги инқилоб бўлди. Бу бизнинг ихтиёримизда бўлган энергия миқдорида чегара йўқлигини яна бир бор исботлади. Ёки, аниқроғи, ягона чегара бу бизнинг нодонлигимиздир. Ҳар бир неча ўн йилликда биз янги энергия манбасини кашф этамиз, шундан бизнинг ихтиёримизда қолган энергия миқдори ўсиб бормоқда.

Нега шунчалик кўп одамлар энергия ресурсларимиз тамом бўляпти деб кўрқишади? Нега улар биз мавжуд бўлган барча ёқилғиларни тугатсак содир бўладиган ҳалокатдан огоҳлантирадилар? Дунёда энергия етарли эканлиги аниқ. Бизда этишмаётган нарса бу уни ишлатиш ва эҳтиёжларимизга айлантириш учун зарур бўлган билимдир. Ер юзидаги барча қазиб олинadиган ёқилғида жамланган энергия миқдори қуёшнинг ҳар куни бепул тарқатадиган энергияси миқдorigа нисбатан арзимаган миқдордadir. Қуёш энергиясининг озгина қисми бизга етиб келса-да, бу ҳар йили 3.666.800 эксажоул энергия (жоул – кичик бир олмани бир ярд юқorigа кўтариш учун сарфлайдиган қувватингизга тенг метрик тизимдаги энергия бирлиги; эксажоул - бир миллиард жоул – бу жуда кўп олмаларни англатади) демақдир. Дунёнинг барча ўсимликлари фотосинтез жараёнида атиги 3000га яқин қуёш эксажоулларини қабул қилади. Инсоннинг барча фаолияти ва саноати бир йилда тахминан 500 эксажоул талаб қилади, бу тўқсон дақиқада қуёшдан олинadиган энергия миқдorigа тенгдир. Ва бу фақат қуёш энергияси. Бундан ташқари, бизни бошқа улкан энергия манбалари, масалан, атом энергияси ва

гравитация энергияси ўраб турибди, бу Ойнинг Ерга тортилиши натижасида юзага келадиган океан сатҳи кўтарилиб тушишида яққол намоён бўлади.

Саноат инқилобидан олдин инсониятнинг энергия бозори деярли ўсимликларга боғлиқ эди. Одамлар йилига 3000 эсажоул қабул қиладиган яшил қувват омбори ёнида яшадилар ва иложи борича кўпроқ энергия олишга ҳаракат қилишди. Аммо улар қанча энергия қабул қила олишлари мумкинлиги аниқ белгиланган эди. Саноат инқилоби даврида биз, ҳақиқатан ҳам, миллиардлаб потенциал кучларнинг миллиардлаб эсажоулларини ушлаб турган улкан энергия океани ёнида яшаётганимизни англадик. Биз қилишимиз керак бўлган нарса – яхшироқ насосларни ихтиро қилмоқдир.

Энергияни қандай ишлатишни ва бошқа энергияга айлантиришни ўрганиш иқтисодий ўсишни секинлаштирадиган бошқа муаммони – хомашё танқислигини самарали ҳал қилди. Одамлар катта миқдордаги арзон энергияни қандай ишлатишни ўрганиб чиқишганида улар илгари эришиб бўлмайдиган хомашё конларидан фойдаланишни бошлашлари мумкин бўлди (масалан, Сибирнинг бўм-бўш ерларидан темир қазиб олиш) ёки хомашёни ҳар доимгидан узоқроқ жойга олиб боришди (Австралиянинг жуни билан Британия тўқимачилик фабрикасини таъминлаш). Шу билан бирга, илмий ютуқлар инсониятга пластик каби мутлақо янги хомашёларни ихтиро этиш ҳамда кремний ва алюминий каби илгари номаълум табиий материалларни кашф этиш имконини берди. Кимёгарлар алюминийни фақат 1820 йилларда кашф этдилар, аммо металлни унинг рудасидан ажратиб олиш жуда қийин ва қимматга тушар эди. Ўнлаб йиллар давомида алюминий олтинга қараганда анча қиммат эди. 1860 йилларда Франция императори Наполеон III ўзининг энг ҳурматли меҳмонларига таом тарқатилиши учун алюминий идишларни ясади. Камроқ аҳамиятга эга бўлган меҳмонлар олтин пичоқ ва вилкалардан фойдаланишар эди. Аммо XIX аср охирида кимёгарлар жуда кўп миқдорда арзон алюминийни қазиб олиш усулини кашф этдилар ва ҳозирги глобал ишлаб чиқариш йилига 30 миллион тоннани ташкил этади. Наполеон III унинг фуқаролари авлодлари сендвичларни арзон бир марталик алюминий фолгага ўраб қўйишганидан ва унинг қолдиқларини ташлаб юборишганидан ҳайрон бўлиши мумкин.

Икки минг йил олдин Ўртаер денгизи ҳавзасидаги одамлар тери куруқшашидан азият чекишган ва қўлларига зайтун мойини суртишган. Бугун улар қўл креми идишини очишади. Қуйида мен маҳаллий дўкондан сотиб олган замонавий қўл креми ингредиентларининг рўйхати: дионланган сув, стеарин кислотаси, глицерин, каприлик/каприциглицерид, пропилен гликол, изопропил мирикат, женшен илдизи экстракти, хушбўй хид берувчилар, сетил спирти, триэтанолламин, диметикон, арктостафил уварси барглари экстракти, магнийнинг аскорбил фосфати, имидазолидинил карбамид, метил парабен, камфора, пропилен парабен, гидроксизогексил 3 циклогексен карбоксалдегид, гидроксил-ситронеллал, линалоол, бутилфенил метилпропонал, ситронеллол, лимонен, гераниол. Ушбу ингредиентларнинг деярли барчаси сўнгги икки асрда ихтиро қилинган ёки топилган.

Биринчи жаҳон уруши пайтида Германия қамалга тушиб, хомашё, хусусан, селитра, полиэтилен ва бошқа портловчи моддаларнинг қаттиқ танқислигига учради. Энг муҳим селитра конлари Чили ва Ҳиндистонда жойлашган, Германияда умуман йўқ эди. Тўғри, селитрани аммиак билан алмаштириш мумкин, аммо уни ҳам ишлаб чиқариш қимматга тушарди. Немисларнинг бахтига уларнинг ватандошларидан бири, яхудий кимёгари Фритз Хабер, 1908 йилда сийрак ҳаводан аммиак ишлаб чиқариш жараёнини кашф этди. Уруш бошланганида немислар Хабернинг кашфиётидан ҳавони портловчи моддаларни ишлаб чиқариш саноатида хомашё сифатида ишлатишни йўлга қўйишда фойдаланганлар. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, агар Хабернинг кашфиёти бўлмаганида, Германия 1918 йил ноябргача таслим бўлишга мажбур бўлар эди. Ушбу кашфиёт Хаберни (уруш пайтида захарли газдан фойдаланишни ҳам кашф қилган) 1918 йилда Нобел мукофотига сазовор қилди. Тинчлик учун эмас – кимё учун.

Конвеер лентасидаги ҳаёт

Саноат инқилоби арзон ва мўл энергия билан бирга арзон ва мўл хомашёларнинг мисли кўрилмаган комбинациясини таъминлади. Натижада инсон меҳнати самарадорлигида портлаш содир бўлди. Портлаш, авваламбор, қишлоқ хўжалигида сезилди. Одатда, биз саноат инқилоби ҳақида ўйлаганимизда шаҳар манзарасидаги мўрконларни ёки ер қарида терлаб меҳнат қилаётган кўмир конлари ишчиларини тасаввур қиламиз. Саноат инқилоби, авваламбор, иккинчи қишлоқ хўжалиги инқилоби эди.

Сўнги 200 йил ичида саноат ишлаб чиқариш усуллари қишлоқ хўжалигининг асосий бўғинига айланди. Трактор каби машиналар илгари қўл кучи билан бажарилган ёки умуман бажарилмаган вазифаларни бажаришни бошладилар. Кимёвий ўғитлар, саноат инсектицидлари, гормонлар ва дориларнинг бутун арсенали туфайли далалар ва ҳайвонлар анча самарали бўлди. Совутгичлар, кемалар ва самолётлар маҳсулотларни бир неча ой давомида сақлашга ва уни дунёнинг нариги томонига тез ва арзон ташишга имкон берди. Европаликлар янги Аргентина мол гўшти ва япон сушисини ейишни бошладилар.

Ҳатто ўсимликлар ва ҳайвонлар механизациялаштирилди. Гуманистик динлар томонидан *Homo sapiens* илоҳий мақомга кўтарилгани замон чорва ҳайвонларини оғриқ ва қайғу ҳис қиладиган тирик мавжудотлар сифатида кўриш тўхтатилди ва бунинг ўрнига уларга машиналар сифатида муомала қила бошлашди. Бугунги кунда ушбу ҳайвонлар кўпинча фабрикаларда оммавий ишлаб чиқарилади, уларнинг таналари саноат эҳтиёжларига мувофиқ шакллантирилади. Улар ўзларининг бутун ҳаётларини йирик ишлаб чиқариш тармоғида айланиб ўтказишади, уларнинг мавжудлиги ва сифати тижорат корпорацияларининг фойдалари ва зарарлари билан белгиланади. Тармоқ уларни тирик, соғлом тутиш ва яхши озиклантиришга эътибор қилса ҳам, ҳайвонларнинг ижтимоий ва психологик эҳтиёжларига ҳеч қандай қизиқиш бўлмади (булар ишлаб чиқаришга бевосита таъсир кўрсатадиган ҳолатлар

бундан мустасно). Масалан, тухум қўядиган товуклар мураккаб муомала эҳтиёжлари ва ҳаракатланиш дунёсига эга. Улар ўзларининг атроф-муҳитини ўрганиш, ем-хашак ва озиқланиш, ижтимоий иерархияларни аниқлаш, уяларини қуриш ва ўзлари оила ташкил қилиш учун кучли истакларни ҳис қиладилар. Аммо тухум етиштириш саноати кўпинча товукларни майда катаклар ичига қамайди ва ҳар бири йигирма бешга йигирма икки сантиметр бўлган қафасга тўртта товукни тиқиш одатий ҳолдир. Товуклар етарлича озиқ-овқат олишади, аммо улар бирон бир ҳудудни эгаллашга, уй қуришга ва бошқа табиий фаолият билан шуғулланишга қодир эмаслар. Дарҳақиқат, қафас шунчалик кичкинаки, товуклар кўпинча қанотларини қоқишга ёки тўлиқ тик туришга қодир эмаслар.

Чўчқалар, эҳтимол, катта маймунлардан кейин сутемизувчиларнинг энг ақлли ва қизиқувчанлари сирасига киради. Аммо саноатлашган чўчқачилик фермалари доимо кичкина қутиларга урғочи чўчқаларни қамашади, чунки улар бу ерда деярли айлана олмайдилар (юриш ёки озиқланиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади). Урғочи чўчқалар туғруқдан кейин тўрт ҳафта давомида кечаю кундуз ушбу қутиларда сақланади. Кейин уларнинг наслларини боқиш учун олиб кетишади ва урғочи чўчқалар чўчқа болаларидан қолган ахлат билан боқилади.

Кўпгина соғин сигирлар ўзларига ажратилган деярли барча йилларини кичик бир қўрада ўзларининг пешоби ва ахлати устида тик турган, ёнбошлаган ва ухлаган ҳолда яшайдилар. Улар озиқ-овқат, гормонлар ва дори-дармонларни бир дастгоҳ тўпламидан оладилар ва ҳар бир неча соатда бошқа машина тўплами орқали соғиб олинадилар. Ўртадаги сигирга хом ашё қабул қиладиган оғиз ва маҳсулот ишлаб чиқарадиган бошқа бир буюм каби муносабатда бўлишади. Мураккаб ҳиссий дунёларга эга бўлган тирик мавжудотларга машинадек муомала қилиш уларда нафақат жисмоний ноқулайликларни, балки кўпгина ижтимоий стрессни ва руҳий тушкунликни келтириб чиқариши мумкин.



Инкубатор саралаш лентасидаги жўжсалар. Эркак жўжсалар ва нимжон аёл жўжсалар конвеердан олинади ва газ камераларида асфиксия қилинади, автоматик майдалагичларга ташланади ёки ахлатга ташланади ва шу ернинг ўзида ҳалок бўлади. Ҳар йили инкубаторлардан чиққан юз миллионлаб жўжсалар ана шундай нобуд бўлишади.

Атлантика қуллари савдоси африкаликларга нафратдан келиб чиқмаганидек, замонавий чорвачилик саноати ҳам адоват кўзғатмайди. Ва бунга бефарқларча қаралади. Тухум, сут ва гўшт ишлаб чиқарадиган ва истеъмол қиладиган одамлар гўшти ва маҳсулотларини еяётган товук, чўчка ва сигирларнинг тақдири ҳақида деярли ўйлашмайди. Ўйлаб кўрадиганлар ҳам кўпинча бундай ҳайвонлар чиндан ҳам машиналардан деярли фарқ қилмайди, сезги ва ҳиссиётларсиз, азоб чекишга ожиз дея баҳслашишади. Ажабланарлиси шундаки, бизнинг сут машиналаримиз ва тухум машиналаримизни шакллантирадиган худди шу илмий фанлар сутемизувчилар ва қушларнинг мураккаб сезги ва ҳиссиётга эга эканликларига шубҳа билдирмайди. Улар нафақат жисмоний оғриқни ҳис қилишади, балки ҳиссий сиқилишдан азоб чекишлари мумкин.

Эволюцион психологиянинг таъкидлашича, ҳайвонларнинг эмоционал ва ижтимоий эҳтиёжлари ёввойи табиатда, яшаш ва кўпайиш учун зарур бўлган пайтларда пайдо бўлган. Масалан, ёввойи сигир бошқа сигир ва буқалар билан қандай муносабатда бўлишни билиши керак, акс ҳолда у тирик қололмайди, кўпаёлмайди. Керакли кўникмаларни ўрганиш учун бузоқларга сингдирилган эволюция – бошқа барча ижтимоий сутемизувчилар сингари, ўйнашга бўлган кучли истакдир (ўйинқароқлик сутемизувчиларнинг ижтимоий хулқ-атворини ўрганиш усулидир). Бу уларда сути ва парвариши тирик қолиш учун зарур бўлган оналари билан янада кўпроқ боғланиш истагини уйғотади. Энди фермерлар ёш бузоқни онасидан ажратиб олиб, ёпиқ қафасга ётқизиб, озиқ-овқат, сув ва касалликларга қарши эмлаб, кейин катта

бўлганида уни буқанинг спермаси билан уруғлантирса нима бўлишини тасаввур қилинг? Объектив нуқтаи назардан, бу бузоқ омон қолиш ва кўпайиш учун на оналик алоқаларига, на бирга ўйнаш учун шерикларга эҳтиёж сезади. Аммо субъектив нуқтаи назардан, бузоқ ҳали ҳам онаси билан бирга бўлиш ва бошқа бузоқлар билан ўйнашни жуда қаттиқ истади. Агар ушбу талаблар бажарилмаса, бузоқ жуда қаттиқ жабрланади. Ёввойи табиатда шаклланган эҳтиёж, агар тирик қолиш ва кўпайиш учун энди зарур бўлмаса ҳам, субъектив равишда ҳис этилиши – бу эволюцион психологиянинг асосий дарсидир. Саноат қишлоқ хўжалигининг фожеаси шундаки, у ҳайвонларнинг объектив эҳтиёжларини қондириш билан бир қаторда уларнинг субъектив эҳтиёжларини эътибордан четда қолдиради.

Ушбу назариянинг ростлиги камида 1950 йиллардан бери – америкалик психолог Гарри Харлоу маймунларнинг ривожланишини ўрганган пайтдан бери маълум. Харлоу янги туғилган маймунларни дунёга келганидан бир неча соат ўтиб оналаридан ажратиб қўйди. Маймунларни қафаслар ичида ажратиб қўйишди, кейин эса қўғирчоқ оналарга кўтартиришди. Харлоу ҳар бир қафасга иккита қўғирчоқ онани жойлаштирди. Улардан бири металл симлардан ясалган бўлиб, унга маймун сут эмиши мумкин бўлган сут идиши ўрнатилган эди. Иккинчиси мато билан қопланган ва ёғочдан ясалган бўлиб, у ҳақиқий маймун онасига ўхшарди, лекин у чақалоқ маймунга ҳеч қандай моддий таъминот бера олмасди. Гўдаклар озиксиз матога эмас, балки озиклантирувчи металл онага ёпишади деб тахмин қилинган эди. Харлоуни таажжублантирган нарса шундаки, гўдак маймунлар кўп вақтларини бирга ўтказадиган мато онасига алоҳида эътибор беришди. Иккала онани бир-бирига яқин жойлаштирганларида, гўдаклар металл онадан сут эма туриб, мато оналарини ушлаб туришган. Харлоу эҳтимол металл она совуқ бўлганлиги сабабли гўдак буни қилган деб гумон қилди. Шундай қилиб, у энди симли онанинг ичига иситадиган электр лампочкани ўрнатди. Жуда ҳам ёшларидан ташқари кўпгина маймунлар мато онасини афзал кўрди.



Харлоунинг етим маймунларидан бири ҳатто металл онадан сут сўраётганида ҳам мато онасига ётишиб турибди.

Кейинги изланишлар шуни кўрсатдики, Харлоунинг етим маймунлари, зарур бўлган барча озиқни олишган бўлса ҳам, ҳиссий жиҳатдан мажруҳ бўлиб улғайишган. Улар ҳеч қачон маймун жамиятига қўшилмаганлар, бошқа маймунлар билан алоқа қилишда қийинчиликларга дуч келишган ва шунинг учун юқори даражада безовталиқ ва тажовузкорликка мойил бўлишган. Хулоса муқаррар эди: маймунларнинг моддий эҳтиёжларидан ташқарида бўлган психологик эҳтиёж ва истаклари бўлиши керак ва агар улар тўлдирилмаса, жуда кўп азоб чекишади. Харлоунинг чақалоқ маймунлари ўз вақтларини мато онанинг қўлида ўтказишни афзал кўришди, чунки улар фақат сутни эмас, балки ҳиссий алоқани изладилар. Кейинги ўн йилликларда кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатдики, хулоса нафақат маймунларга, балки бошқа сутемизувчиларга, шунингдек, қушларга ҳам тегишли. Ҳозирги вақтда миллионлаб қишлоқ хўжалик ҳайвонлари Харлоу маймунлари каби шароитларга дуч келмоқдалар, чунки фермерлар бузоқларни ва бошқа ёш ҳайвонларни оналаридан ажратиб турадилар.

Бугунги кунда механизациялашган йиғиш линияси таркибида ўнлаб миллиард қишлоқ хўжалик ҳайвонлари яшайди ва йилига уларнинг 50 миллиардга яқини сўйилади. Чорвачиликнинг ушбу саноат усуллари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ва одамларнинг озиқ-овқат захираларининг кескин ўсишига олиб келди. Ўсимликшуносликни механизациялаштириш билан бир қаторда саноат чорвачилиги ҳам бутун замонавий ижтимоий-иқтисодий тартиб учун асосдир. Қишлоқ хўжалигини саноатлаштиришдан олдин дала ва фермер хўжаликларидан етиштирилган озиқ-овқатнинг асосий қисми деҳқонлар ва деҳқон хўжаликларининг ҳайвонларини боқиш учун сарф

килинган эди. Хунармандларни, ўқитувчиларни, руҳонийларни ва амалдорларни боқиш учун оз миқдордаги озиқ-овқат мавжуд эди. Демак, деярли барча жамиятларда деҳқонлар аҳолининг 90 фоизидан кўпроғини ташкил қилган. Қишлоқ хўжалигини саноатлаштиришдан сўнг кам сонли фермерлар тобора кўпайиб бораётган хизматчилар ва фабрика хизматчиларини боқиш учун етарли бўлди. Бугунги кунда АҚШда аҳолисининг атиги 2 фоизи қишлоқ хўжалигида меҳнат қилишади, Шунга қарамай бу 2 фоиз нафақат АҚШнинг бутун аҳолисини тўйдириш, балки ортиқча маҳсулотларни дунёнинг қолган қисмига экспорт қилиш учун етарли. Қишлоқ хўжалигини саноатлаштиришсиз шаҳар саноат инқилоби ҳеч қачон содир бўлиши мумкин эмас эди – ишлаб чиқариш фабрикалари ва идораларга кўллар ҳамда миялар етарли бўлмас эди.

Ўша фабрика ва идоралар дала ишларидан озод қилинган миллиардлаб кўллар ва мияларни ўзлаштириб олишлари билан мисли кўрилмаган миқдордаги маҳсулотларни ишлаб чиқара бошладилар. Ҳозир одамлар ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ пўлат қуйишмоқда, кийим-кечак ишлаб чиқаришмоқда ва ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қурилишлар қилишмоқда. Бундан ташқари, улар илгари тасаввур қилиб бўлмаган товарлар, масалан, лампалар, мобил телефонлар, камералар ва идиш ювиш машиналари каби ақлга сиғмайдиган товарларни яратмоқдалар. Инсоният тарихида биринчи марта таклиф талабдан юқори бўлди. Ва мутлақо янги муаммо туғилди: буларнинг ҳаммасини ким сотиб олади?

Харидлар замони

Замонавий капиталистик иқтисодиёт, агар сузиш ёки бўғилиш керак бўлган ақула каби омон қолишни истаса, ишлаб чиқаришни доимий равишда ошириши керак. Фақат ишлаб чиқариш учун бу етарли эмас. Кимдир маҳсулотни сотиб олиши керак, акс ҳолда саноатчилар ва инвесторлар синишади. Ушбу фалокатнинг олдини олиш ва одамлар ҳар доим саноатнинг янги маҳсулотларини сотиб олишларига ишонч ҳосил қилиш учун янги этика пайдо бўлди: истемол.

Тарих давомида кўп одамлар танқислик шароитида яшаган. Тежамкорлик уларнинг шиори эди. Пуританлар ва спарталикларнинг қаттиқ ахлоқий одатлари – бу иккита машҳур мисол. Яхши одам ҳашаматли нарсалардан қочади, ҳеч қачон овқатни исроф қилмайди ва янгисини сотиб олиш ўрнига йиртилган шимларни ямайди. Фақат қироллар ва зодагонлар ўзларининг бойликларини яширган ҳолда, бундай одатлардан оммавий равишда воз кечишга имкон яратди. Истемолчилик тобора кўпроқ маҳсулот ва хизматларни истемол қилишни ижобий нарса деб билади. Бу одамларни ўзларини даволашга, ўзларини хонавайрон қилишга ва ҳатто ҳаддан ташқари истемол қилиб ўзларини ўлдиришга ундайди. Исрофгарчилик даволаса бўладиган касалликдир. Истемолчининг этикасини амалда кўриш учун узоққа қараш шарт эмас, шунчаки ёрма (талқон) қутисини ўқиш керак. Исроилнинг “TELMA” фирмаси томонидан ишлаб чиқариладиган менинг энг яхши кўрган нонушта донларимдан бирининг қутисида қуйидагича ёзилган:

“Баъзан сизга шифо керак. Баъзан сизга озгина қўшимча энергия керак бўлади. Ўз вазнингизга қарайдиган ва ҳозиргидан бирон нарсангиз бўлиши мумкин бўлган пайтларни кўриш вақти бор... ҳозироқ! “ТЕЛМА” фақат сиз учун турли хил мазали бўтқаларни (ёрмаларни) таклиф қилади – танлаб адашмайсиз (даволаниб афсусланмайсиз)”.

“HEALTH TREATS” деб номланган бошқа ёрма (талқон) маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг худди шу маҳсулот пакетида эса қуйидагилар ёзилган: “HEALTH TREATS” корхонаси сизни хуштамлик, роҳатбахшлик ҳамда шифобахшликни ўзида жамлаган дон, мева ва ёнғоқли маҳсулотларни татиб кўриш учун таклиф этади. Куннинг ўртасида соғлом турмуш тарзига мос келадиган ёқимли шифо учун. Кўпроқ ажойиб таъмга эга ҳақиқий даво *[асл нусхадаги таъкидлаш]*.

Тарихнинг кўпгина даврлари давомида бундай матнлар одамларни жалб қилишдан кўра уларни қайтарар эди. Улар буни худбинлик ва ахлоқсизлик дея таъкидлашар эди. Истеъмолчилик машхур психологиянинг ёрдами билан (шунчаки буни қилинг!) одамларни бепарволик улар учун яхши ва ҳолбуки тежамкорлик – бу ўз-ўзига зулм қилиш эканлигига ишонтириш учун қаттиқ ишлар қилди. У муваффақиятга эришди. Биз ҳаммамиз яхши истеъмолчига айландик. Биз саноксиз керак бўлмаган ва кечагача биз билмаган маҳсулотларни сотиб оламиз. Ишлаб чиқарувчилар қисқа муддатли товарларни атайлаб лойиҳалаштиришади ва “ичкарида” қолишимиз учун харид қилишимиз жуда зарур бўлган маҳсулотларнинг янги ва кераксиз моделларини ихтиро қилишади. Харид қилиш севимли ўйин-кулгига айланди ва истеъмол товарлари оила аъзолари, турмуш ўртоқлар ва дўстлар ўртасидаги муносабатларнинг муҳим воситачисига айланди. Рождество каби диний байрамлар олди-сотди байрамига айланди. Америка Қўшма Штатларида ҳатто дастлаб ҳалок бўлган аскарларни хотирлаш учун тантанали кун ҳисобланган хотира куни ҳам энди бу маҳсус сотувлар учун имкониятдир. Аксарият одамлар, эҳтимол, озодлик ҳимоячилари беҳуда ўлмаганликларини исботлаш учун, бу кунни харид қилиш билан нишонлайдилар.

Истеъмолчи этикасининг гуллаши озик-овқат бозорида энг аниқ намоён бўлди. Анъанавий қишлоқ хўжалиги жамиятлари кўрқинчли очарчилик соясида яшар эди. Бугунги фаровон дунёда соғлиқнинг етакчи муаммоларидан бири бу бадавлатларга (органик салатлар ва мевали таомларни истеъмол қилувчиларга) қараганда камбағалларга (ўзларини гамбургер ва пицца билан тўйдирадиган) анча жиддийроқдир ҳужум қилаётган семириб кетишдир. Ҳар йили АҚШ аҳолиси диетага дунёнинг бошқа мамлакатларидаги барча оч одамларни тўйдириш учун етарли бўлган миқдордан кўпроқ пул сарфлайди. Семизлик истеъмолнинг икки баравар ғалабасидир. Иқтисодий тежамкорликка олиб келадиган озгина овқатланишнинг ўрнига одамлар жуда кўп ейишади, кейин парҳез маҳсулотларини сотиб олишади – бу икки баравар иқтисодий ўсишга ёрдам беради.

Қандай қилиб биз истеъмолчи этикасини даромад исроф қилинмаслиги ва бунинг ўрнига ишлаб чиқаришга қайта инвестиция этилишини талаб этувчи ишбилармон шахснинг капиталистик этикаси билан тенглаштира

оламиз? Бу оддий. Аввалги даврларда бўлганидек бугунги кунда элита ва омма ўртасида меҳнат тақсимоли мавжуд. Ўрта асрларда Европада аристократлар пулларини бепарволик билан ҳашаматли дабдабаларга сарфлашган, деҳқонлар эса ҳар бир тийинни ҳисобга олган ҳолда фақирона яшашган. Бугунги кунда роллар алмашди. Камбағаллар ўзларига аслида керак бўлмаган машиналар ва телевизорларни сотиб олиб қарзга ботишганда бойлар ўзларининг активлари ва сармояларини бошқариш учун жуда эҳтиёткорлик билан ёндашмоқда.

Капиталистик ва истеъмолчи этикаси – бу бир танганинг икки томони, иккита буйруқнинг бирлашиши. Бойнинг энг муҳим буйруғи – “Тик!”. Қолганларнинг энг муҳим буйруғи – “Сотиб ол!”.

Капиталистик истеъмолчи этикаси бошқа жиҳатдан инқилобийдир. Олдинги ахлоқий тизимларнинг аксарияти одамларга жуда қийин келишувларни тақдим этган. Уларга жаннат ваъда қилинган эди, аммо бунинг учун улар фақат раҳм-шафқат ва сабр-тоқатни ривожлантириб, ғазаб ва нафратни енгишлари, ўзларининг шахсий манфаатларини чеклашлари керак дея уқтирилган эди. Кўпчилик учун бу жуда қийин эди. Этика тарихи – бу ҳеч ким яшай олмайдиган ажойиб ғояларнинг қайғули ҳикояси. Аксарият насронийлар Масихга тақлид қилмадилар, аксарият буддистлар Буддани қабул қилмадилар ва конфуцийчиларнинг аксарияти Конфуцийнинг жаҳлини чиқарди.

Бундан фарқли ўлароқ бугунги кунда аксарият одамлар капиталистик истеъмолчи идеалига мувофиқ ҳаёт кечиришмоқда. Янги ахлоқ бойлар очкўз бўлиб қолишлари ва вақтларини кўпроқ пул ишлаш учун сарфлаши; омма ўзларининг иштиёқлари ва эҳтиросларидан воз кечишлари ва кўпроқ сотиб олишлари шарт билан жаннатни ваъда қилмоқда. Бу тарихдаги бандалари талаб қилинган нарсани бажарадиган биринчи диндир. Қандай қилиб биз, ҳақиқатан ҳам, жаннатга тушишимизни биламиз? Айтганча, биз буни телевизорда кўрганмиз.

18.

Давомий инқилоб

Саноат инқилоби энергия олиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янгича йўллари очиб бериб, инсониятни атрофимизни ўраб турган экотизим қарамлигидан сезиларли даражада халос этди. Одамлар дарахт кесиб ўрмонларни йўқ қилди, ботқоқликларни қуритиб, дарёларга тўғон солди, ялангликларни сувга бостирди, ўн минглаб чақиримга узайган темир йўл изларини ётқизиб, бинолари кўкка чўзилган метрополислар бунёд этди. Дунё Номо sapiens талабига мос кўринишда шаклланиб борар экан, табиий яшаш манзиллари вайрон бўлиб, турлар қирилиб кетди. Бир пайтлар ям-яшил ва мовий бўлган сайёрамиз бетон ва пластикдан қурилган савдо мажмуасига айланиб борапти.

Бугунга келиб сайёрамиздаги минтақаларда қарийб 7 миллиард сапиенс истиқомат қилади. Буларнинг барини йиғиб, улкан бир тарозига кўйганимизда, инсонларнинг жами оғирлиги тахминан 300 миллион тоннага етган бўларди. Кейин эса тарозининг улкан паллаларига хонакилаштирилган уй ҳайвонлари – қорамол, қўй, чўчка ва паррандаларни қўйсақ, уларнинг умумий вазни тахминан 700 миллион тоннага етади. Бундан фарқли равишда, жайраю пингвинлардан тортиб фил ва китларгача бўлган ёввойи ҳайвонот оламининг тирик қолган вакиллари умумий оғирлиги 100 миллионга ҳам бормайди. Болажонларимиз китоблари, тасвирий журналлар ва ТВ экранлари ҳали-ҳануз жирафалар, бўрилар, шимпанзеларга тўла бўлса-да, аслида ер юзида улар ниҳоятда камайиб кетган. Дунёда жирафалар сони 80 мингга бўлса, қорамолларнинг сони 1,5 миллиардни ташкил этади; қўлга ўргатилган итлар 400 миллионга, бўрилар эса 200 мингга; миллиардлаб инсонга эса 250 мингга шимпанзе тўғри келади. Инсоният чин маънода дунёга ҳукмронлик қила бошлади.⁴²

Экологик таназзул ресурслар танқислигидан анча фарқ қилади. Олдинги бобда кўриб чиққанимиздек, инсоният фойдалана оладиган ресурслар борган сайин кўпайиб боряпти ва шу тарзда кейинчалик ҳам ўсишда давом этаверади. Шундай экан, ресурслар етмай қолади, деган охирзамон башоратлари ўринсиз бўлиб чиқяпти. Экологик таназзул кўрқуви эса аксинча, ҳазил гап эмас. Келажак тасавурида сапиенс: мўл-кўл, янгидан-янги ресурслар, сероб энергия манбаи назоратини қўлга киритган, айти замонда табиий муҳитнинг қолган-қутганини ҳам вайрон этган, ҳайвонот ва наботот оламини ҳалок бўлишигача олиб борган мавжудот.

Аслини олганда, экологик тартибсизликлар *Homo sapiens* мавжудлигига ҳам хавф туғдиради. Глобал исиш, океан сатҳининг кўтарилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ернинг бизнинг туримизга нисбатан меҳмондўстлиги озайиб боришига сабабчи бўлади. Натижа ўлароқ келажакда инсон қудрати ва инсон сабаб вужудга келган табиий ҳалокатлар ўртасида қизгин пойгани кўришимиз мумкин. Инсон бор кучи билан табиат қудратига қарши чиқиб, ўз эҳтиёжларию инжиқликлари билан экотизимни бўйсундирар экан, янада мудҳиш ва қутилмаган таъсирларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Буларни назорат қилиш учун экотизим устидан янада қатъийроқ чоралар кўриш керак, бу эса улкан тартибсизликни келтириб чиқаради.

Кўпчилик буни “табиатнинг нобуд бўлиши” деб атайди. Аслида бу нобуд бўлиш эмас, бу – ўзгаришдир. Табиатни йўқ қилиб бўлмайди. Олтмиш беш миллион йил илгари астероид ер юзидан динозаврларни супуриб ташлади, аммо шу билан бирга сут эмизувчиларга йўл очиб берди. Бугун инсоният кўплаб мавжудот ва ўсимликларни қириб юборяпти, эҳтимол охир-оқибат ўзини ҳам маҳв этиши мумкин. Аммо бошқа организмлар ҳузур-ҳаловатда яшяпти. Мисол учун, каламуш ва сувараклар ҳаётнинг авж паллаларида. Ушбу умри боқий мавжудотлар ядро остида қолиб тутаб ётган Армагеддон

⁴² Vaclav Smil, *The Earth's Biosphere: Evolution, Dynamics and Change* (Cambridge, Mass.: MIT Press, 2002); Sarah Catherine Walpole et al., 'The Weight of Nations: An Estimation of Adult Human Biomass', *BMC Public Health* 12:439 (2012), <http://www.biomedcentral.com/1471-2458/12/439>.

вайроналари остидан ДНК сини тарқатишга тайёр ва тетик ҳолда ўрмалаб чиқса керак. Биз динозаврларни сидириб ташлаган астероиддан қандай миннатдор бўлсак, эҳтимол бундан 65 миллион йил ўтиб, оқил каламушлар ҳам инсон келтириб чиқарган улкан тартибсизликни миннатдорлик билан ёдга олишар.

Шунга қарамай, ўзимизни маҳв этишимиз тўғрисидаги миш-мишларга ҳали эрта. Саноат инқилоби давридан бери дунё аҳолиси шиддат билан ўсиб келяпти. 1700 йилда сайёрамизда 700 миллионча инсон яшар эди. 1800 йилда 950 миллионга етдик. 1900 йилга келиб эса сафимиз қарийб икки бараварга кенгайиб, 1,6 миллиардга етди. 2000 йилга келиб, тўрт хиссага кўпайиб, 6 миллиардни ташкил этди. Бугун эса атиги 7 миллиард Sapiens ер юзида ҳаёт кечиряпти.


Ҳозирги давр

Сапиенслар табиатнинг инжиқликларини назар-писанд этмай ўсиб борар экан, улар замонавий саноат ва ҳукумат амрига тобора тобе бўлиб бормоқда. Саноат инқилоби ижтимоий муҳандислик соҳасида узундан-узун синовлар занжирига, кундалик турмуш ва инсон менталитетида эса ундан-да узун кўплаб мислсиз ўзгаришларга йўл очиб берди. Аксар мисоллардан бири бу – анъанавий қишлоқ хўжалиги даврийлиги ўрнини саноатнинг ягона ва қатъий иш графиклари эгаллаб олишидир.

Анъанавий қишлоқ хўжалиги табиий даврлар ва табиий пишиқчиликка боғлиқ бўлган. Кўплаб жамиятлар вақтнинг аниқ ўлчовини белгилай олмаганлар, бундай қилишга уларда кучли рағбат ҳам йўқ эди. Дунё ўз юмушларини соат ва жадвалларсиз, қуёшнинг ҳаракати ва ўсимликларнинг ўсиш даврига қараб бажарар эди. Ягона иш куни мавжуд бўлмаган, барча одатий тартиблар фаслдан фаслга кескин ўзгариб турган. Одамлар қуёш қаердалигини билишган, ёмғир ва терим мавсуми аломатларини ҳаяжон ичида кутишган. Аммо соатларни фарқлай олмаганлар, йиллар ҳақида-ку деярли бош қотирмаган. Бордию вақтлар аро адашиб қолган саёҳатчи ўрта аср қишлоғида пайдо бўлиб қолсаю, бирор ўткинчидан “Ҳозир нечанчи йил?” деб сўрагудек бўлса борми, бояқиш бу нотанишнинг ғалати уст-бошидан қанча хайратга тушса, саволидан ундан-да тонг қолган бўларди.

Ўрта аср деҳқон ва этикдўзларидан фарқли равишда замонавий саноат қуёш ва мавсумлар борасида кўп ҳам бош қотирмайди. Аниқлик ва бир хилликни эса улуғлаб кўкка кўтаради. Мисол учун, ўрта аср устахонасида ҳар бир этикдўз пойабзални бошдан охиригача, тагчармидан тортиб тўқасигача қўлдан чиқарган. Этикдўзлардан бири ишга кеч келиб қолса, бошқаларнинг иши оқсаб қолмаган. Бироқ замонавий пойабзал фабрикасида йиғиш конвейерлари бўлиб, ҳар бир ишчи бир машинани бошқаради. Бу машиналарнинг бирида пойабзалнинг кичик бир детали ясаиб, навбатдаги машинага узатилади. Агар 5-рақам остидаги машинани бошқарувчи ишчи ухлаб қолса, бошқа машиналар ҳам ишдан тўхтаб қолади. Бундай муаммоларнинг олдини олиш учун, ҳар бир ишчи аниқ жадвалларга

бўйсунди. Ишчиларнинг барчаси белгиланган аниқ бир вақтда иш бошлайдилар. Очи, тўқми, ҳамма барабар тушлик қилгани чиқади. Ишни тугатгач эмас, балки смена тугаб сигнал чалинганида уйга йўл олишади.



1-расм. Чарли Чаплин йиғув конвейерлари гилдираклари орасига тиқилиб қолган оддий ишчи ролида (“Замонавий даврлар” фильмида, 1936).

Саноат инқилоби жадвал ва йиғув конвейерларини инсон фаолиятининг деярли барча кўринишида бир қолипга айлантди. Фабрикалар ўзларининг вақт тартибини инсон ҳаракати узра ортгандан кўп ўтмайин мактаблар, кейинчалик, шифохоналар, ҳукумат идоралари, баққолик дўконлари ҳам аниқ жадвалларга мослаштирилди. Йиғув конвейерлари, машиналардан холи жойларда ҳам жадвал ҳукмронга айланди. Фабрикадаги смена 17:00 да ниҳоясига етса, маҳаллий қовоқхона 17:02га қолмай иш бошлаши лозим. Жадвалга асосланган ушбу тизимда жамоат транспортлари муҳим роль ўйнаган. Ишчилар соат 08:00 да иш бошласалар, автобус ёки поезд 07:55дан кечикмай фабрика дарвозаларига етиб келиши келишга мажбур эди. Бир неча дақиқалик кечикиш маҳсулот ишлаб чиқарилишининг пасайишига сабаб бўлар, ҳатто кеч келган омадсиз ходим ишидан айрилиши ҳам мумкин эди. 1784 йилда Британияда графиги эълон қилинган извош хизмати йўлга қўйилди. Жадвалда фақатгина кетиш соатлари ёзилган, келиш соатлари йўқ эди. У пайтларда Британиядаги шаҳар ва шаҳарчаларнинг ҳар бирининг ўз маҳаллий вақти бор бўлиб, Лондон вақтидан ярим соатгача фарқ қиларди. Лондонда соат 12:00 бўлганида, Ливерпулда эҳтимол 12:20, Кентерберида 11:50 бўларди. На телефон, на радио ёки телевизор ва на тезюрар поезд бўлмаганидан кейин ким ҳам билсин, кимнинг нима иши бор?⁴³

⁴³ William T. Jackman, *The Development of Transportation in Modern England* (London: Frank Cass & Co., 1966), 324-7; H. J. Dyos and D. H. Aldcroft, *British Transport-An Economic Survey From the Seventeenth Century to the Twentieth* (Leicester: Leicester University Press, 1969), 124-31; Wolfgang Schivelbusch, *The Railway Journey: The*

Илк тижорий поезд хизмати 1830 йилда Ливерпуль ва Манчестер орасида ҳаракатга туширилди. Орадан ўн йил ўтиб, илк поезд жадвали вужудга келди. Поездлар тезлиги эски извошлардан анча юқори эди, шу сабабли маҳаллий соатлар ўртасидаги аломат фарқ жиддий ноқулайликлар келтириб чиқара бошлади. 1847 йилда Британия темир йўл компаниялари ўзаро кенгашиб, ўша кундан эътиборан жадваллар Ливерпуль, Манчестер ёки Глазго маҳаллий вақтига кўра эмас, балки Гринвич обсерваторияси вақтига кўра тузиладиган бўлди. Кўпдан-кўп ташкилотлар бу масалада темир йўл компанияларига эргашдилар. Ниҳоят, 1880 йилда Британия ҳукумати мислсиз кадам ташлаб, Британия худудидаги барча жадваллар Гринвичга мос равишда тузилишини қонунан белгилаб қўяди. Тарихда илк бор бир мамлакат миллий вақтни қабул қилди ҳамда аҳолисига маҳаллий соатлар ёки кун чиқар ва кун ботар пайтига қараб эмас, балки ясама соатга кўра яшашни шарт қилиб қўйди. Ушбу камтарона бошланғич сонияма-сония мослаштирилган жадвалларнинг глобал тармоғини дунёга келтирди. Ахборот воситалари, дастлаб радио, сўнг телевидение илк бор намоёиш этилганда, улар жадваллар дунёсига кириб бордилар ва бу дунёнинг асосий ҳимоячиси ва тарғиботчисига айланди. Радиостанциянинг илк узатувлари орасида вақт сигнали ҳам бўлган, олисларда ястанган манзилгоҳлар, денгиз бағридаги кемалар шу гудокка кулоқ тутиб соатларини тўғрилаганлар. Кейинчалик, радиостанциялар ҳар соатда янгиликларни эшиттириб боришга одатландилар. Бугунга келиб ҳар бир янгилик эшиттиришларда уруш бошланишидан-да муҳимроқ саналган элемент бу – вақтдир. Иккинчи Жаҳон уруши мобайнида ҳам нацистлар эгаллаган Европада ББС янгиликларини тинглашган. Ҳар бир янгиликлар дастури Биг Бендан ҳар соатда янграган озодликнинг сеҳрли жаранги жонли трансляцияси билан бошланган. Оқил немис физиклари радиодан янграган ушбу жаранг сасидаги заррача фарққа асосланиб Лондондаги об-ҳавони аниқлаш йўлини ўйлаб топишган. Бу маълумот немис ҳарбий ҳаво кучларига беқиёс кўмак берган. Британия Махфий хизмати бундан хабар топгач, жонли трансляция ўрнини машҳур соат овози ёзилган қайд билан алмаштиради.

Ягона вақт тармоғини бошқариш учун арзон, аммо аниқ-тиниқ юрадиган ихчам соатлар оммалашди. Оссурия, Сомонийлар ва Инклар империясида куёш соатларидан фойдаланишган бўлса керак. Ўрта асрларда Европа шаҳарлари одатда ягона соатга эга бўлиб, улар шаҳар майдонидаги баланд миноранинг юқори қисмида ўрнатилган улкан соат бўлган. Ушбу минора соатлари вақтни у қадар ҳам аниқ кўрсатмаган бўлса-да, шаҳарда бошқа соат бўлмаганлиги сабаб ҳеч кимни ташвишга солмас эди. Бугун ҳар бир оилада учрайдиган вақтни кўрсатувчи жиҳозлар бутун ўрта асрниқини тўплаганда ҳам миқдор жиҳатидан устунлик қилади. Эндиликда сиз қўл соатингизга, андроидингизга назар ташлаб, ётоқ ўрин ёнидаги будильникка мўралаб, ошхона деворида осилган соатга, микротўлқинли печга, ТВ ёки DVDга қараб, кўз қирингиз билан компьютер монитори бурчига нигоҳ ташлаб вақтни билиб

олаверасиз. Энди вақтни билмаслик учун қандайдир куч сарфлаш керак бўлиб қолди.

Киши бир кунда юз маротабалаб соатга кўз ташлайди, чунки ҳар бир иш ўз вақтида бажарилиши лозим. Соат 07.00да будильник бизни уйғотади, 50 секундча микротўлқинли печда совиган нон бўлагини иситамиз, электрли тиш чўткаси овоз бергунигача уч дақиқа тишимизни тозалаймиз, ишга улгуриш учун 07:40лик поездга югурамиз, сигнал овози ярим соат тугаганини огоҳлантиришига қадар спорт залда югуриш анжоми устида тер тўкамиз, соат 19.00 да севимли дастуримиз илинжида телевизор қаршисида жойлашамиз, олдиндан белгиланган лаҳзаларда сонияси \$1000 турадиган рекламалар томошани бўлиб кўяди, охир-оқибат бор ғуборимизни психотерапевтга бўшатиб, у билан 45 дақиқа “чуғур-чуғур” қиламиз.

Инқилоб саноати кишилик жамиятига кўплаб кескин ўзгаришларни олиб келди. Саноат вақтига мослашиши шулардан бири бўлса, бошқа аҳамиятли намуналар урбанизация, деҳқончиликнинг йўқолиши, саноат пролетариатининг ўсиши, оддий одам ваколатлари, демократлашиш, ёшлар маданияти ва патриархат даври инқироzi кабиларни қамраб олади.

Бу ўзгаришларда муҳим ижтимоий инқилоб инсоният қачонлардир дуч келган барча ҳодисадан баланд келади: оила ва маҳаллий жамоат инқироzi, ўрнини ҳукумат ва бозорга бўшатиб бериши. Қадим замонлардан бери, миллион йиллардан бери одамлар кичкина, жипс жамоаларда яшаб келган, кўпчилиги бир-бирига яқин қариндош бўлган. На Ақлий инқилоб, на Аграр инқилоб бу тартибга раҳна солмади. Улар оилаларни, жамоаларни бирлаштириб, қабилалар, шаҳарлар, қироллик ва салтанатлар барпо этишди, шунда ҳам оила ва кичик жамоалар кишилик жамиятининг турли уюшмаларида асосий пойдеворлигича қолган. Саноат инқилоби эса икки аср ўтиб-ўтмай бу пойдеворларни зарраларга парчалаб юборишни эплади. Оила ва жамоатларнинг кўплаб вазифалари давлат ва бозорларга узатиб юборилди.

Оила ва жамиятнинг қулаши

Саноат инқилобига қадар кўпчилик одамларнинг кундалик ҳаёти уч доира ичида кечарди, булар – ота-она, фарзандлардан иборат кичик оила, ота-она, фарзандлар ва яқин қариндошлардан ташкил топган катта оила ва қўшнию уруғдошларни қамраб олган аҳил жамоа. Кўпчилик оила бизнесида ишлаган, оилага қарашли бўлган хўжалиқда, устахоналарда ёки бўлмаса, қўшнисининг оила ишларида меҳнат қилган. Шунингдек, оиланинг ўзи ижтимоий таъминот ҳисобланган, соғлиқни сақлаш, таълим, қурилиш саноати, касаба уюшмаси, нафақа жамғармаси, суғурта компанияси, радио, телевизор, газета, банк, хаттоки, полиция ҳисобланган.

Инсон хасталанганда оиласи унга ғамхўрлик қилган. Кексайганда оиласи унга парвона бўлган, фарзандлари унинг нафақа жамғармаси ҳисобланган. Вафот этганда эса оиласи ортидан етим қолган фарзандларининг бошини силаган. Бирор ким бошпана қурмоқчи бўлса, оила унга ёрдам кўлини

чўзган. Бизнес бошламоқчи бўлса, керакли пулни оила тўплаб берган. Турмуш курмоқчи бўлса, бўлажак умр йўлдоши оила томонидан танланган, ҳеч бўлмаса, маъқулланган. Қўшни билан орасида низо кўтарилса, оила унинг ёнида турган. Бордию хасталик анча оғир бўлиб, оиланинг қурби етмаса, янги бизнес ниҳоятда кўп маблағ талаб қилса ёхуд қўшни билан бўлган жанжал кескинлашиб кетса, маҳаллий жамоат кўмакка шошилган.

Жамоат маҳаллий анъана ва яхшиликка асосланиб ёрдам қўлини чўзган, бу эса эркин бозор қонуниятларидан кескин фарқ қилган. Ўрта асрнинг эскича жамоатида қўшним кўмакка муҳтож бўлганида, ҳеч қандай тамаларсиз бошпанасини қуришда ёки мол-қўйларини қўриқлашда унга ёрдам берганман. Менга кўмак керак бўлганида эса, қўшним бу яхшилигимга жавобан ёрдамга шошилган. Шу қаторда, маҳаллий ҳоким ҳам қасрини қуриш учун биз ҳамқишлоқларни тўплаб келган, бир чақасиз ишлаганмиз. Эвазига қароқчию босқинчилардан бизни ҳимоя қилган. Қишлоқ ҳаётида олди-берди кўп бўлган, лекин доим ҳам тўловлар бўлавермаган. Албатта, бир нечта бозорлар бўлган, лекин уларнинг аҳамияти у қадар катта эмас эди. Кам учрайдиган зираворлар, матолар, асбоб-анжомлар сотиб олиш имкони бўлган, доктор ва ҳуқуқшунослар хизматидан фойдаланилган. Доим эҳтиёжда бўлган маҳсулот ва хизматларнинг 10 фоизидан кам миқдори бозорлардан сотиб олинган. Инсонга зарур бўлган кўп нарсалар оила ва жамоа томонидан етказилган.

Шу билан бирга, қиролликлар ва империялар ҳам бўлган, улар жанглари олиб бориш, йўллар ётқизиш ва саройлар барпо этиш каби муҳимроқ вазифалар билан машғул бўлганлар. Бунинг учун қироллар солиқларни оширган, ахён-ахёнда аскарлар ва ишчилар йиғиб олган. Ҳукмдорлар оила ва жамоаларнинг кундалик ҳаётига кўп ҳам аралашавермаган, буни истаган тақдирда ҳам, ҳукмдорлар учун бундай мураккаб ишни амалга ошириш осон бўлмаган. Анъанавий аграр иқтисод давлат амалдорларини, миршаблар, ижтимоий соҳа ишчилари, ўқитувчи ва шифокорларни боқа оладиган даражада мўл-қўлликни тортиқ қилмасди. Шундай экан, кўпгина ҳукмдорлар ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш ҳамда таълим каби каби тизимларни ривожига эътибор қаратмас эди. Камдан-кам ҳолларда ҳукмдорлар деҳқонлар кундалик турмушига қизғинроқ аралашини истаб қолгудек бўлса (мисол учун, Хитойдаги Цин сулоласида бўлгани каби), улар оила бошлиғини ёки жамоа оқсоқолини ҳукумат вакили қилиб тайинлаб қўярди.

Ниҳоятда кўп ҳолларда транспорт ва алоқа мушкулликлари туфайли олис манзилларда жойлашган жамоалар ишларига аралашини қийинлигидан талай қироллар бу жамоаларга солиқ ундириш, жазо қўллаш каби асосий қироллик ҳуқуқларини бериб қўярдилар. Мисол учун, Усмонли турк империяси бир дунё нозирларни едириб-ичиргандан кўра, адолатни ўрнатиш учун хун олишга оилаларга изн бериб қўйган эди. Айтайлик, менинг амакиваччам кимнидир ўлдирса, қурбоннинг акаси ёки укаси қасос олиш учун мени ўлдириши тўғри деб ҳисобланган. Жазо қабул қилинган чегара оша чиқмас экан, бу ихтилофга на султон ва на вилоят пошшоси аралашини маъқул кўрмаган.

Хитойда Минг сулоласи даврида (1368-1644) аҳоли *baojia* деб аталган тузилмалар таркибида бирлашганлар. Ўн оила бир *jia*га бирлашган, ўн *jia* эса *baoni* ташкил этган. Агар бир *baoni* аъзоси жиноят содир қилса, *baoning* бошқа аъзолари бу учун жазоланган, хусусан, *baoni* оқсоқоллари. Солиқлар ҳам *baoni*лардан олинган, ҳар бир оиладаги вазиятни ўрганиш, шунга қараб ким қанча солиқ тўлаши кераклигини белгилаш давлат амалдорлари эмас, балки *baoni* оқсоқолларининг мажбурияти эди. Империя учун бундай тизимнинг афзаллиги кўп эди. Ҳар бир оиланинг фойдаю харажати кузатиши керак бўлган минглаб солиқ йиғувчилар ва даромадни ҳисобловчи ходимларни ишга ёллашдан кўра, бу вазифалар осонига жамоа оқсоқоллари гарданига осиб қўйилар эди. Оқсоқоллар қишлоқдаги ҳар бир оиланинг имкониятини билар, шу сабабли, империя ҳарбий кучларини аралаштирмай туриб ҳам солиқларни йиға оларди.

Қироллик ва империяларнинг кўпчилиги, аслини олганда, мисоли катта бир товламачи бўлган. “Дон”ларнинг “дон”и - қирол ҳимоя учун пул йиғиб, эвазига ён-атрофдаги жиноий уюшмалар, маҳаллий безорилар ҳимояси остидагиларга зарар етказишидан асраган. Бундан ортиғини қилмаган.

Оила ва жамоа бағридаги ҳаёт у қадар ҳам идеал бўлмаган. Замонамиз давлат ва бозорларида кишини қанчалик хўрласалар, ўша давр оила ва жамоа ўз аъзоларини шунчалар хўрлаганлар. Уларнинг ички тартиби зўравонлик ва тангликларга тўла бўлган, аммо одамларда бошқа чора бўлмаган. 1750 йилларда аёл учун оиласи, жамоасидан маҳрум бўлиш ўлимдан оғир эди. На иши, на маълумоти бор, хасталанганда, чорасиз қолганида қўллайдигани йўқ. Ҳеч ким унга қарз бермайди, муаммога учраганида ҳимоя қилмайди. У пайтларда на миршаблар бўлган, на ижтимоий соҳа ходими ва на мажбурий таълим бор. Бундай инсон яшаб қолиши учун зудлик билан бошқа оила, бошқа жамоа топиши лозим бўлган. Уйдан қочиб кетган йигит ёки қиз нари борса бирор бир бегона оилага хизматкорликка ёлланган. Акс ҳолда эса йигитларни армия, қизларни фоҳишахона кутган.

Буларнинг бари сўнгги икки аср оша кескин ўзгариб кетди. Саноат инқилоби бозорга янгича улкан куч ато этди, давлатни янгидан-янги транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлади, ҳукумат ихтиёрига амалдорлар, ўқитувчилар, миршабу ижтимоий соҳа ходимларининг бутун бир қўшинини тортиқ қилди. Дастлаб бозор ва давлат йўл бошиданок ташқи аралашувни у қадар ҳам хушлайвермайдиган анъанавий оила ва жамоалар томонидан тўсқинликка дуч келди. Ота-оналар ва жамоа оқсоқоллари ёш авлоднинг миллий таълим тизимида савод чиқаришини, армияда хизмат қилишини, жамиятда унчалик ўрни бўлмаган шахарлик пролетариатга айланишини иташмади.

Вақтлар оша бозорлар ва давлатлар оила ва жамоаларнинг анъанавий ришталарини заифлаштиришга куч сарфлади. Давлат миршабларини қасос хунини тақиқлаш учун йўллади ва ўрнига суд қарорини жорий этди. Бозор эса азалий маҳаллий анъаналарни сидириб ташлаб, ўрнига ўзгарувчан ва замонавий тижоратни ўрнатиш учун ўз вофурушларини йўллади. Ҳолбуки,

булар кифоя эмас эди. Оила ва жамоанинг қудратини буткул синдириш учун улар бешинчи колонна⁴⁴ ёрдамига муҳтож эди.

Давлат ва бозор одамлар рад қила олмайдиган таклиф билан чиқишди. “Мустақил шахс бўлинг” дейишди улар. “Истаган инсонингиз билан оила кулинг, бунинг учун ота-оналардан изн сўрашга ҳожат йўқ. Оқсоқоллар қовоғини уйсалар-да, ўзингизга мос иш билан машғул бўлинг. Ҳар ҳафта оила дастурхонида ўтира олмасангиз-да, истаган жойингизда яшанг. Ортиқ оилангизга, жамоангизга қарам эмассиз. Ўрнига мана биз – давлат ва бозор ғамхўрлик қиламиз. Биз сизни озиқ-овқат, бошпана, таълим, саломатлик, ижтимоий таъминот ва иш билан таъминлаймиз. Сизни нафақа, суғурта ва химоя билан таъминлаймиз.”

Романтизм адабиёти кўпинча давлат ва бозорга қарши курашаётган кишини тасвирлайди. Бу ҳақиқатдан йироқ. Давлат ва бозор – шахснинг ота ва онаси, айнан шуларнинг шарофати билан яшаб қолиш мумкин. Бозор бизни иш, суғурта, нафақа билан таъминлайди. Агар касб эгаллаш учун аввал таълим олиш лозим бўлса, давлат таълим даргоҳлари сизнинг хизматингизда. Бизнес бошламоқчи бўлсак, банк сизга кредит беради. Уй кўтармоқчимисиз? Пудратчилар бор, банки ипотека қарзларини расмийлаштиради, кўп ҳолларда давлат кафиллик беради, ҳатто маблағдан ёрдам ҳам қилиши мумкин. Зўравонликдан полиция химоя қилади. Оғир хасталикларда ижтимоий суғурта ишга тушади. Бозорда ногиронга ғамхўрлик учун бутунлай бегона, эҳтимол олис юртлардан бўлган қаровчи топиш мумкин. У ногиронга фарзандларидан-да ортиқроқ парвона бўлади. Қурби етган инсонлар “олтин давр”ини шинам ва бадастир қариялар уйида ўтказиши мумкин. Солиқ кўмитаси бизга алоҳида шахс сифатида қараб, кўшнилари солиғини ҳам тўлашни сўрамайди. Шунингдек, судлар ҳам қариндошларимиз жинояти учун бизни жазоламайди.

Нафақат эркак киши, балки аёл ҳам, болалар ҳам алоҳида шахс сифатида қабул қилинади. Тарихда узоқ даврлар мобайнида аёлга оила ва жамоанинг бир мулки сифатида қараб келинди. Замонавий давлатлар эса аёлни оила ва жамоа мутелигидан холи, фуқаролик ва иқтисодий ҳуқуққа эга алоҳида бир шахс сифатида кўрди. Аёллар банкда ўз ҳисоб рақамларига эга бўлиш, кимга турмушга чиқишини ўзи қарор қилиш, ҳатто ажрашиш ёки ёлғиз яшашни танлаш имконига эга бўлди.


Аммо шахс эркинлигининг ҳам ўз бадали бор. Кўпчилигимиз давлат ва бозорнинг қиёфасиз қудрати қаршисида чорасизликни ва ёлғизлигимизни ҳис қилиб, бой берилган оила ва кўшничилик ришталари учун кўз ёш тўкамиз. Якка ўзи қолган шахслардан ташкил топган замонавий давлат ва бозор жипс оила ва жамоалардан ташкил топган давлат ва бозорга қараганда ўз аъзоси ҳаётига осонлик билан аралашади. Кўп қаватли турар жойда кўшнилари дарбонга неча пул тўлаш кераклиги борасида бир тўхтамга кела олмасалар, қандай қилиб улар давлатга қарши чиқишини кутишимиз мумкин?

Давлат, бозор ва шахс ўртасидаги муносабат осон эмас. Давлат ва бозор ўзаро ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятлари борасида баҳслашсалар, шахс

⁴⁴ Бирор мамлакат ичида бошқа мамлакат топшириғи билан иш олиб борувчи хоинлар гуруҳи.

буларнинг иккиси ҳам ниҳоятда кўп нарса талаб қилиб, ниҳоятда кам таъминлаяпти деб нолийди. Кўп ҳолларда бозор инсонни эксплуатация қилади, давлат эса армия, полиция ва бюрократиядан инсонни ҳимоя қилишда эмас, балки унга босим ўтказишда фойдаланади. Ажабланарли жиҳати – камчиликларга қарамай, бу муносабат барибир ишляпти. Саноксиз авлодлар ошиб келган инсониятнинг ижтимоий келишувини барбод этмайдими бу? Миллион йиллик эволюция бизни бир жамоа аъзоси сифатида яшаш ва фикр юритишга ўргатган эди. Атиги икки аср ичида ҳаммадан ажралиб қолган алоҳида шахсларга айландик биз. Маданиятнинг улкан бу қудратига ҳеч нарса тенг кела олмайди.

Ота-она ва фарзандлардан иборат оила замонавий саҳнадан буткул ғойиб бўлмади. Давлат ва бозор оила кўлидан кўпгина иқтисодий ва сиёсий ролни олиб қўйган бўлса-да, баъзи бир муҳим ҳиссиётларни қолдирган эди. Замонавий оила давлат ва бозорнинг қурби етмайдиган (ҳозирча) шахсий эҳтиёжлар билан ҳануз таъминлаб келяпти. Ҳолбуки, шу ерда ҳам оиланинг бу имтиёзига кўз олайтиришади. Бозор инсоннинг романтик ва жинсий ҳаётига тобора таъсир ўтказаяпти. Анъанавий усулга кўра, совчилик билан қавму қариндош машғул бўлган, бугун эса романтик ва жинсий танлов бозор томонидан шаклланади, сўнг уларга эришиш учун кўмак қўлини чўзади. Албатта, мўмайгина пул эвазига. Авваллари икки ёш оила даврасида, уйда танишишган, пул куёвнинг отасидан келиннинг отасига узатилган. Бугун эса учрашувлар бар ва ресторанларда ўтказилади, пуллар эса севишган ёшлар кўлидан официантга ўтиб боради. Ундан-да кўп пуллар кийим дизайнери, фитнес клуб менежерлари, диетолог, косметолог ва пластик амалиётлар жарроҳи ҳисоб рақамига оқиб боради, бу эса мукамал гўзаллигимизни бозорга солиб қафга кириб келишимизга ёрдам беради.



Оила ва жамоа – давлат ва бозорнинг ўзаро муносабати

Давлат, шунингдек, оила муносабатларига, хусусан, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатни сергаклик билан кузатади. Ота-оналар фарзандларини давлат мактабларида ўқитиши талаб этилади. Болаларига

зўравонлик қилган ёки уларга ғамхўрлик қилишни унутган ота-оналар ҳуқуқи чеклаб қўйилади. Бунинг учун давлат ҳатто ота-онани ҳибсга олиши, фарзандларни ўзга оила қарамоғига бериши мумкин. Тунов кунигина ота-оналар ўз фарзандларини уриб, таҳқирлашига давлат тўсқинлик қилади деган таклиф бемаъни ва номақбул деб рад қилинган эди. Кўпгина жамиятларда ота-она ҳуқуқи муқаддас саналарди. Уларни ҳурмат қилиш, уларга сўзсиз бўйуниш фарзанд учун яхши фазилат ҳисобланарди, ота-оналарга эса деярли ҳамма нарса руҳсат берилган эди – янги дунёга келган гўдакни ўлдириш, болаларини қул қилиб сотиш, қизларини ўзидан икки баравар катта одамга турмушга узатиш. Бугунги кунда ота-оналар ҳуқуқи кўп нарсани қамраб олмайди. Ёшлар катталарга бўйсунмаслиги тобора маъқулланиб борапти, ота-оналар эса фарзандлари ҳаётида рўй берган ҳамма фалокатлар учун уларни айблайди. Аммо фрейдист суд залига худдики Сталинча ибратли суд процессидаги оқловчи мисол далил ва баҳоналар билан кириб боришади.

Тасаввурдаги бирлашмалар

Оилалар мисол жамоа ҳам ҳиссий ўриндошларсиз ҳаётимиздан буткул чиқиб кетгани йўқ. Бугун бозор ва давлатлар бир пайтлар жамоа томонидан таъминланган кўпгина эҳтиёжларни бажо келтиради, аммо улар қабилавий ришталар билан ҳам таъминлаши лозим.

Бозор ва давлатлар буни миллий ва тижорий заруриятларга мос бўлган ва миллионлаб нотаниш инсонлардан ташкил этган “фаразий бирлашмалар”ни кўллаб-қувватлаш орқали амалга оширади.

Фаразий бирлашма бу – бир-бирини умуман танимаса-да, танийдигандек ҳисоблайдиган бир уюшма. Бундай бирлашмалар янги кашфиёт эмас. Қиролликлар, салтанатлар ва черковлар миллион йиллардан бери фаразий бирлашма сифатида фаолият юритади. Қадимги Хитойда ўн миллионлаб одам ўзларини бир оиланинг аъзоси, император эса шу оиланинг отаси деб ҳисоблаган. Ўрта асрларда миллионлаб тақводор мусулмонлар улкан Ислом жамиятида барчани ўз биродарлари деб тасаввур қилганлар. Бироқ бир-бирини яқиндан таниган ўнча одамдан иборат жипс жамоа билан таққослаганда фаразий жамоалар иккинчи даражали ҳисобланган. Бундай жипс жамоалар ўз аъзоларининг ҳиссий талабларини қондирган, ҳар бир кишининг ҳаёти ва таъминотида асосий ўринни тутган. Сўнгги икки асрда жипс жамоалар таназзулга учраб, фаразий бирлашмалар ҳиссий бўшлиқни тўлдира бошлади.

Миллат ва истеъмолчи – шундай фаразий бирлашмалар равнақи учун муҳим саналган икки намуна. Миллат – давлатнинг фаразий бирлашмаси. Истеъмолчи эса – бозорнинг фаразий бирлашмаси. Иккаласи ҳам *фаразий* бирлашмалар, негаки бозордаги харидор ҳам, миллатнинг ҳар бир вакили ҳам ўтмишда одам ҳамқишлоқларини яхши таниганидек таний олмайди. Немис миллатига мансуб киши 80 миллион миллатдошини яқиндан танитайди, ёки Европа умумбозоридаги 500 миллион харидорни билмайди (дастлаб Европа Ҳамжамияти, ниҳоят эса Европа Иттифоқига айланган).

Истеъмолчилик ва миллатчилик миллионлаб нотаниш одам билан бир жамоада эканлигимизга, бизнинг ўтмишимиз, қизиқишимиз, келажагимиз бир эканлигига доимий равишда ишонтиришга уриниб келади. Бу ёлгон эмас. Бу тасаввур. Пул, масъулияти чекланган жамият ва инсон ҳуқуқи каби миллат ва истеъмолчилар интер-субъектив ҳақиқатдир. Улар фақатгина муштарак тасаввурларимизда мавжуд, аммо қудрати тенгсиз. Токи миллионлаб немислар немис миллатининг мавжудлигига ишонар экан, немис миллий рамзларини кўрганида ҳаяжонга тушиб, немис миллий афсоналарини сўйлаб, немис миллати учун пулини, вақтини, жонини фидо этар экан, Германия дунёдаги энг кучли қудратлардан бирлигича қолаверади.

Миллатлар ўз тасаввур ҳосиласини яшириш учун қаттиқ тиришади. Нима эмиш, улар халқ қони ватан тупроғи билан аралашган ибтидоий даврда вужудга келган табиий ва умрбоқий бирлик эмиш. Бу шубҳасиз, муболаға. Албатта, узоқ ўтмишда миллатлар мавжуд бўлишган, аммо уларнинг аҳамияти бугунгидан кўра анча кам бўлган, негаки давлатлар аҳамияти унчалик катта бўлмаган. Ўрта аср Нюрнбергида яшовчи одам немис миллатига нисбатан қандайдир содиқлик ҳис қилган бўлиши мумкин, аммо у ўзига ғамхўрлик қилган оила ва жамоасига кўпроқ содиқ бўлган. Устига-устак, қадимги миллатлар учун муҳим аҳамият касб этган нарсалардан жуда озчилиги сақланиб қолган. Мавжуд миллатларнинг кўпчилиги Саноат инқилобидан сўнггина шаклланган.

Яқин Шарқ бир талай мисоллар билан таъминлайди. Сурия, Ливан, Иордания, Ироқ миллатлари маҳаллий тарих, география ва иқтисодини эътиборга олмаган француз ва британ дипломатлари томонидан қумда тасодифий чизилган чегаралар маҳсулидир. 1918 йилда бу дипломатлар Курдистон, Бағдод ва Басра аҳли шу кундан бошлаб ироқликлар бўлишини белгиллаганлар. Айнан французлар ким суриялик, ким ливанлик эканлигини илк бор аниқлаганлар. Саддам Ҳусайн ва Ҳафиз ал-Асад инглиз ва французлар тўқиб чиқарган миллий бирлигини тарғиб қилиш ва мустаҳкамлаш учун ўлиб-тирилди, лекин аммо азалий ироқлик ва сурияликлар ҳақидаги жўшқин нутқи самимий чиқмади.

Миллат ҳаводан вужудга келтирилмайди, албатта. Ироқ ва Сурияни тузиб чиққан одам анчагина тер тўккан, баъзилари бир неча асрлик, минг йиллик бўлган ҳақиқий тарихий, географик ва маданий манбаларни кўриб чиққан. Саддам Ҳусайн Аббосийлар халифаси ва Вавилон империяси меросини ўзлаштирди, ҳатто ҳарбий бўлинмаларидан бирига “Хаммурапи дивизияси” деб ном ҳам берди. Аммо булар “ироқ халқи”га қадимийликни тортиқ қилмайди. Агар мен икки йиллик ёғ, шакар ва ундан пирог пиширсам, пирог барибир икки йиллик пирог ҳисобланмайди.

Сўнги ўн йиллик ичида миллий бирлашмалар истеъмолчилар томонидан сиқиб чиқарила бошланди. Ушбу фаразий бирлашманинг бир-бирларига бутунлай нотаниш бўлган аъзолари ўхшаш танлов ва одатларга эга, шунинг учун ўзларини бир бутуннинг қисми сифатида ҳис этишади. Бир қарашда ғалати туюлади, аммо атрофимиз мисолларга тўлиб-тошган. Мисол учун, Мадонна мухлислари шундай бирлашмалардан бирини ташкил этади.

Барча истеъмолчи бирлашмалари каби, улар ҳам харид орқали ўз мавқеларини белгилаб оладилар. Улар Мадоннанинг концертига билетлар сотиб олишади, хонанданинг альбомларини, афишалар, хонанда сурати туширилган футболкаларни сотиб олишади, рингтонлар юклаб олишади. Шу тарзда улар ким, қайси бирлашмага оид эканликларини намойиш этишади. “Манчестер Юнайтед” ишқибозлари, вегетарианлар, атроф муҳитни муҳофаза қилувчилар – буларнинг бари фаразий бирлашмалар ва уларнинг барчаси эҳтиёжлари орқали аниқланади. Бу қайси бирлашмага оид эканлигини аниқлашнинг асосий калити. Немис вегетариани гўшт истеъмол қиладиган миллатдошига эмас, балки француз вегетарианига бажонидил уйланади.

Перпетуум мобиле⁴⁵

Сўнгги икки юз йилликдаги инқилоблар шу қадар жадал ва кескин эдики, ижтимоий тартибнинг энг муҳим жиҳатлари буткул ўзгариб кетди. Анъанавий тартиб мустаҳкам ва қатъий эди. “Тартиб” барқарорликни, изчилликни кўзда тутган. У пайтларда жадал ижтимоий ўзгаришларни билишмаган, ўзгаришлар одатда жуда секин, деярли сезилмасдан содир бўлган. Ижтимоий тузилмалар абадий ва ўзгармас бўлиб туюлган. Баъзан оила ва жамоалар ушбу умумий тартиб ичра ўз ролларини ўзгартиришга уринганлар, лекин тартибнинг ўзини, унинг фундаментал тузилмасини ўзгартириш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Одамлар кво статусига кўниб кўяверганлар: “Доим шундай бўлган ва доим шундайлигича қолади.”

Сўнгги икки юз йиллик ичида ижтимоий ўзгаришлар суръати шунчалар тезлашдики, ижтимоий тартиб пластик ва ҳаракатчан буюмга ўхшаб қолди. Энди эса биз доимий ўзгаришлар даврида яшаймиз. Замоनावий инқилоблар борасида фикр юритар эканмиз, биз одатда 1789 (Буюк француз инқилоби), 1848 (Либераллар инқилоби) ёки 1917 (рус инқилоби) йилларни ёдга оламиз. Энди эса ҳар бир йил инқилобий. Бугун ўттиз ёшли киши ишонқирамай турган ўсмирга “Болалигимда дунё буткул бошқача бўлган” дея рўйи-рост айтиши мумкин. Мисол учун, Интернет 30 йилча аввал – 1990 йилларда қўлланила бошланган. Ҳозир биз ҳаётимизни усиз тасаввур қила олмаймиз.

Замоनावий жамиятни таърифлаш учун қилинган ҳар қандай уриниш якуни буқаламун бўёқларини тасвирлаш билан тугайди. 1910 йилда дуруст бўлган нарса 1960 йилга келиб яроқсиз бўлиб қолди. 1960 йиллардаги кийқирик мода 2010 йилга келиб бутунлай эскириб бўлди. Биз аниқ ишонган ягона нарса бу – тўхтовсиз ўзгариш. Одамлар бунга кўникди. Кўпчилик ижтимоий тартибни биз қандай лозим деб топсак шундай ишлов берса, такомиллаштира бўладиган қайишқоқ бир ашё каби қабул қилади. Ҳозирги даврдан олдинги ҳукмронлар анъанавий тузумни асраб қолишга қасамёд қилганлар, ҳатто йўқотилган Олтин асрга қайтишга ваъда берганлар. Сўнгги икки юз йилликда эса сиёсатчилар эски дунёни бузиб, янгиси ва яхшисини бунёд этишга ваъда берадилар. Ҳатто ашаддий консерваторлар ҳам кво

⁴⁵ Абадий ҳаракат (лот.)

статусини сақлаб қолишга уринмайдилар. Ҳамма ижтимоий ислоҳотларни ваъда қилади – таълим ислоҳотлари, иқтисодий ислоҳотлар. Кўпинча ваъдаларининг устидан ҳам чиқишади.

Геологлар тектоник силжишлар зилзила ва вулқонлар отилишига олиб келади деб башорат қилар экан, у ҳолда биз ҳам кучли ижтимоий силжишлар зўрликнинг қонли оловига олиб келади деб олдиндан айтишимиз мумкин. XIX ва XX асрлар сиёсий тарихига қарайдиган бўлсак, ҳалокатли урушлар, мудҳиш геноцидлар, шафқатсиз инқилобларнинг узлуксиз занжирини кўрамиз. Янги этикчасида кўлмақдан-кўлмакка сакраган бола каби тарих бир хунрезликдан бошқасига сакрға юрди: Биринчи Жаҳон уруши – Иккинчи Жаҳон уруши – совуқ уруш; арманлар геноциди – Холокост – Руандадаги геноцид; Робеспьер – Денин – Гитлер.

Бу ерда ҳақиқат бор, аммо кўп бор чайналган ушбу офатлар рўйхати биров адаштириб ҳам кўяди. Биз фақат кўлмақ ва лойни кўрамиз, йўлнинг ўзини эса пайқаймаймиз. Ҳозирги давр нафақат мисли кўрилмаган даражадаги зўравонлик ва шафқатсизликнинг, балки тинчлик ва осойишталик гувоҳи ҳамдир. “У даврларнинг энг яхшиси эди. У даврларнинг энг ёмони эди,” деб ёзади Чарльз Диккенс Француз инқилоби ҳақида. Унинг бу сўзлари нафақат инқилобга, балки инқилоб рўй берган даврни ҳам назарда тутган эҳтимол.

Бу хусусан Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги етмиш йилликка дахлдор. Ана шу даврда инсоният илк бор ўзини буткул йўқ қилиш имкониятига дуч келди, бир талай уруш ва геноцидларни бошдан кечирди. Шу билан бирга, тилга олинган ўн йилликлар инсониятнинг бутун тарихидаги энг осойишта даври ҳам бўлди. Энг қизиги, айнан шу йилларда мобайнида бошқа даврларга нисбатан энг кўп иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Тарихнинг тектоник плиталари даҳшатли тезлик билан ҳаракат қиляпти, аммо вулқонлар ҳозирча жим. Янги қайишқоқ тартиб кескин структуравий ўзгаришларни ҳалокатли ихтилофларгача олиб бормай мўлжаллаш ва амалга ошириш имкониятига эга шекилли.⁴⁶

Давримиздаги осойишталик

Аксарият одамлар бизнинг қандай тинч замонда яшаётганимизни кадрлашмайди. Ҳеч биримиз бундан минг йил аввалги ҳаётда бўлмаганмиз, шунинг учун дунё қанчалик шафқатсиз бўлганини осонгина унутамиз. Урушлар камая борган сари улар кўпроқ эътиборга чалинмоқда. Афғонистон ва Ироқдаги урушдан қанча одам хавотирда - Бразилия ва Ҳиндистондаги тинчликдан хурсанд бўлаётганлар борми?

Яна бир муҳим нарса: биз бутун халққа қараганда кўпроқ биргина одамнинг азоб-укубатларига ачинамиз. Бироқ, макро тарихий жараёнларни тушуниш учун биз шахсий ҳикояларни эмас, балки оммавий статистикани ўрганишимиз керак. 2000 йилда урушлар натижасида 310 000 одам ҳалок

⁴⁶ Steven Pinker, *The Better Angels of Our Nature: Why Violence Has Declined* (New York: Viking, 2011); Joshua S. Goldstein, *Winning the War on War: The Decline of Armed Conflict Worldwide* (New York: Dutton, 2011); Gat, *War in Human Civilization*.

бўлган бўлса, жиноятлар сабаб 520 000 кишини кўз юмган. Вайрон бўлган дунё, бузилган оила, ҳаёти хавф остида қолган инсонлар - уларнинг ҳар бири жабрдийдалардир. Аммо макро нуқтаи назардан ушбу 830 000 қурбон 2000 йилда вафот этган 56 миллион одамларнинг атиги 1,5 фоизини ташкил этади. Ўша йили автохалокатлар натижасида 1,26 миллион киши (умумий ўлимнинг 2,25 фоизи) ҳаётдан кўз юмган ва 815 000 киши ўз жонига қасд қилган (1,45 фоиз).⁴⁷

2002 йилдаги рақамлар бундан ҳам ҳайратланарли. Ўлган 57 миллион кишидан фақат 172 минг киши урушда ва 569 минг киши жиноятлар натижасида вафот этган (жами 741 минг инсон зўравонлик қурбонига айланган). Фарқли ўлароқ 873 минг киши ўз жонига қасд қилган.⁴⁸ Маълум бўлишича, 11 сентябрь воқеаларидан кейинги даврда, терроризм ва уруш асосий муҳокамалар мавзуларига айланганига қарамай, оддий одамнинг террорчи, аскар ёки гиёҳванд сотувчиси томонидан ўлдирилишидан кўра ўзини ўлдириши эҳтимоли кўпроқ бўлган.

Дунёнинг аксарият қисмида одамлар тун ярмида кўшни бир қабила ўз кишлоғини ўраб олиб, ҳаммани қириб ташламаслигидан қўрқмасдан уйкуга кетишади. Британияликлар камбағалларга бериш учун уларга хужум қилиб пулларини тортиб оладиган (ёки уларни ўлдириб пулларни ўзларига олишадиган) яшил қалпоқли қароқчилардан қўрқмасдан Шервуд ўрмонини кесиб ўтиб Ноттенгемдан Лондонга бора олишади. Талабалар ўқитувчиларидан ҳайиқишмайди, ёш болалар ота оналари қарзларни тўлай олишмаса сотилиб кетишларидан қўрқмасалар бўлади, ва аёллар эрларининг калтаклаши ва уйда қолишга мажбурланиши қонун томонидан тақиқланганлигини биладилар. Борган сари дунё бўйлаб бу тахминлар амалга ошмоқда.

Жиноятчиликнинг пасайиши асосан давлатнинг ривожланиши билан боғлиқ. Тарих давомида зўравонликнинг кўп қисми оилалар ва жамоалар ўртасидаги маҳаллий низолар натижасида юзага келган. (Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда ҳам, маҳаллий жиноятлар халқаро урушларга қараганда анча жиддий муаммодир.) Кўриб турганимиздек, маҳаллий жамоадан каттароқ сиёсий ташкилотларни билмайдиган дастлабки деҳқонлар шафқатсиз зўравонликка дучор бўлган.⁴⁹ Қиролликлар ва империялар кучайгани сайин улар жамоаларда устидан ҳукмронлик қилишган ва зўравонлик даражаси пасайган. Ўрта асрлардаги Европанинг марказлашмаган шоҳликларида йилига ўртача ҳисобда ҳар 10 минг аҳолига йигирмадан қирқ нафаргача қурбон бўлган одамлар тўғри келган. Сўнгги ўн йилликларда, давлатлар ва бозорлар қудратли бўлиб,

⁴⁷ 'World Report on Violence and Health: Summary, Geneva 2002', World Health Organization, accessed 10 December 2010, http://www.who.int/whr/2001/en/whr01_annex_en.pdf. For mortality rates in previous eras see: Lawrence H. Keeley, *War before Civilization: The Myth of the Peaceful Savage* (New York: Oxford University Press, 1996).

⁴⁸ 'World Health Report, 2004', World Health Organization, 124, accessed 10 December 2010, http://www.who.int/whr/2004/en/rep_ortho4_en.pdf.

⁴⁹ Raymond C. Kelly, *Warless Societies and the Origin of War* (Ann Arbor: University of Michigan Press, 2000), 21. See also Gat, *War in Human Civilization*, 129-31; Keeley, *War before Civilization*.

жамоалар йўқ бўлиб кетганидан кейин, зўравонлик даражаси янада пасайди. Бугунги кунда дунё бўйича ўртача ҳар 100 000 кишига атиги тўққизта қотиллик тўғри келади ва қотилликларнинг аксарияти Сомали ва Колумбия каби заиф мамлакатларда содир бўлмоқда. Европанинг марказлашган давлатларида ҳар 100 000 кишига ўртача битта қотиллик тўғри келади.⁵⁰

Албатта, давлатлар ўзларининг фуқароларини ўлдириш учун ўз кучларидан фойдаланадиган ҳолатлар ҳам бўлган ва баъзида бу ҳолатлар бизга ваҳималироқ бўлиб кўринади. Йигирманчи аср давомида ўн ҳатто юз миллионлаб одамлар ўз давлатларининг хавфсизлик хизматлари томонидан ўлдирилган. Шундай бўлса-да, макро нуқтаи назардан, давлат суди ва полиция кучлари бутун дунё бўйлаб хавфсизлик даражасини оширишди. Ҳатто золим диктатураларда ҳам эски замондаги жамиятларга қараганда бирор одамнинг бошқа одамнинг қўлида ўлиши эҳтимоли анчайин камдир. 1964 йилда Бразилияда ҳарбий диктатура ўрнатилди. Бу тузум мамлакатни 1985 йилгача бошқарди. Бу йигирма йил давомида диктатура томонидан бир неча минг бразилияликлар ўлдирилди. Яна минглаб одамлар қамоққа олинди ва қийноққа солинди. Аммо энг ёмон йилларда ҳам Рио-де-Жанейро оддий фуқаросининг Ваорани, Аравате ёки Яномами қабиласи аъзоси каби бировнинг қўлидан ҳалок бўлиши эҳтимоли кам эди. Ваорани, Аравате ва Яномами - Амазонка ўрмонлари қарида яшовчи ҳамда армия, полиция ва қамоқхона нима эканлигини билмайдиган маҳаллий аҳолидир. Антропологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу қабила эркакларининг чорагидан ярмигача бўлган қисми мол-мулк, аёллар ёки обрў талашиб қонли тўқнашувларда ҳалок бўлишади.⁵¹

Нафақага чиққан империялар

1945 йилдан бери давлатлар ичидаги зўравонлик камайганми ёки ортганми бу баҳсли масала. Ҳеч ким инкор этолмайдиган нарса шундаки, халқаро зўравонлик энг паст даражага тушди. Эҳтимол, энг яққол мисол Европа империяларининг қулаши бўлар. Тарих давомида империялар кўзғолонларни темир мушт билан бостириб келдилар ва кунни келганда таназзулга юз бурган империя ўзини сақлаб қолиш учун бор кучини ишга солиб қонга ғарқ бўлди. Унинг якуний натижаси одатда анархия ёки тахт урушларига олиб келди. 1945 йилдан бери аксарият императорлар тинчлик билан эрта истеъфога чиқишни афзал кўришди. Уларнинг тугаш жараёни нисбатан тез, тинч ва тартибли бўлиб ўтди.

⁵⁰ Manuel Eisner, 'Modernization, Self-Control and Lethal Violence', *British Journal of Criminology* 41:4 (2001), 618-638; Manuel Eisner, 'Long-Term Historical Trends in Violent Crime', *Crime and Justice: A Review of Research* 30 (2003), 83-142; 'World Report on Violence and Health: Summary, Geneva 2002', World Health Organization, accessed 10 December 2010, http://www.who.int/whr/2001/en/whr01_annex_en.pdf; 'World Health Report, 361

2004', World Health Organization, 124, accessed 10 December 2010, http://www.who.int/whr/2004/en/report04_en.pdf.

⁵¹ Walker and Bailey, 'Body Counts in Lowland South American Violence', 30.

1945 йилда Англия ер шарининг чорак қисмини бошқарди. Ўттиз йил ўтгач, Унинг тасарруфида бир нечта кичик оролларгина қолди. Ўтган ўн йилликларда у ўз колонияларидан тинч ва тартибли равишда чиқиб кетди. Малая ва Кения сингари баъзи жойларда инглизлар қуролли кучлар ёрдамида озодлик ҳаракатларини тўхтатиб қолишга уринишган бўлса ҳам, аксарият жойларда улар империянинг тугашини жаҳл билан эмас, балки хўрсиниш билан қабул қилдилар. Улар ўз кучларини ҳокимиятни сақлаб қолишга эмас, балки уни имкон қадар муаммосиз топширишга қаратдилар. Маҳатма Гандига куч ишлатмасдан қилган қаршиликлари учун берилган мақтовларнинг катта қисми ҳақли равишда Британия империясига ҳам берилиши керак. Йиллар давомида шафқатсизлик ва зўравонликлар қилиб келган Британия мустамлакачилиги интиҳосига етганда, ҳиндлар учун Дехли ва Калкутта кўчаларида инглизларга қарши курашишга ҳожат қолмади. Империянинг ўрнини мустақил давлатлар эгаллади, уларнинг кўплари шу вақтдан бери барқарор чегараларга эга бўлди, кўп қисми кўшнилари билан тинч-тотув яшаб келмоқда. Тўғри, хавф остида бўлган Британия Империяси қўлида ўн минглаб одамлар ҳалок бўлди ва бир нечта низоли нуқталарда унинг чекиниши юз минглаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган этник низоларнинг (айниқса Ҳиндистонда) авж олишига сабаб бўлди. Аммо узоқ муддатли тарихий ўртача кўрсаткич билан солиштирганда, Британиянинг бу мамлакатдан чиқиб кетиши тинчлик ва тартибнинг мисоли эди. Француз империяси эса қайсарлигини кўрсатди. Вьетнам ва Жазоирда юзлаб минглаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган қонли жанговар ҳаракатлар натижасида унинг ҳалокати юз берди. Аммо французлар ҳам ўз мустамлакаларидан тез, ҳатто нисбатан тинчлик билан чиқиб кетишди ва ўзларидан бетартиблик ва фуқаролик низоларини эмас ҳаётга яроқли давлатларни қолдирдилар.

1989 йилда Совет Иттифоқининг қулаши Болқон, Кавказ ва Марказий Осиёда этник низолар келиб чиқишига қарамай янада тинчроқ амалга ошди. Ҳеч қачон бундай қудратли империя бунчалар тез ва тинч йўқ бўлиб кетмаган. 1989 йилдаги Совет империяси ҳеч қандай ҳарбий мағлубиятни (Афғонистондан ташқари), ташқи босқинларни, кўзғолонларни ва ҳатто Мартин Лютер Кинг услубидаги фуқаровий бўйсунмаслик кампанияларини бошдан кечирмади. Советлар шу ҳолатда ҳам миллионлаб аскарларга, ўн минглаб танкларга ва самолётларга ва бутун инсониятни бир неча бор йўқ қилишга етарли ядровий қуролларга эга эдилар. Қизил Армия ва Варшава шартномасининг бошқа кўшинлари Иттифоққа содиқ қолишди. Агар СССРнинг охири раҳбари Михаил Горбачёв буйруққа берганда Қизил Армия исёнчи халққа қарата ўқ узган бўлар эди.

Шунга қарамай, Совет элитаси ва Шарқий Европанинг аксарият қисмида (Руминия ва Сербияни истисно қилганда) коммунистик режимлар ушбу ҳарбий кучни ишлатмасликка қарор қилдилар. Улар коммунизмнинг қулаганини англашганда шунчаки хизматларини яқунлаб нарсаларини йиғишди ва уйларига қайтиб кетишди. Горбачёв ва унинг ҳамкасблари нафақат иккинчи жаҳон уруши даврида Совет Иттифоқи ўзига қўшиб олган ерларни балки эски подшолик даврида истило қилиб эгалланган Болтиқбўйи

давлатлари, Украина, Кавказ ва Ўрта Осиёни ҳам жангсиз топширишди. Агар Горбачёв Сербия раҳбарияти ёки Жазоирдаги французлар сингари ўзини тутганида нима бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлашнинг ўзи жуда даҳшатлидир.

Рах Atomica⁵²

Империялар ўрнида шаклланган мустақил давлатлар уруш олиб боришни қатъиян қоралайди. Баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда, 1945 йилдан бери бир давлат бошқа бир давлат ерига уни бўйсундириш ёки ўзлаштиришни мақсад қилиб бостириб бормаё кўйди. Бундай истилолар қадим замонлар тарихининг асосий сюжетини ташкил этган. Булар империялар қандай вужудга келгани, ҳукмдор ва аҳолининг қандай илинжлари бўлганини сўзлайди. Аммо римликлар, мўғуллар, Усмонли туркларниқига ўхшаш салиб юришлари бугун дунёнинг ҳеч бир нуқтасида содир бўлмайди. 1945 йилдан буён БМТ эътироф этган мустақил давлатнинг биронтаси ҳам дунё харитасидан ўчириб ташланмаган. Чекланган кўринишдаги халқаро урушлар ҳали ҳам вақти-вақти билан рўй бериб турибди, бу урушлар ҳануз миллионлаб қурбонлар бермоқда, аммо урушлар энди табиий ҳисобланмайди.

Кўпчилик халқаро урушлар Ғарбий Европанинг бой демократик давлатлари орасида поёнига етган деб ўйлайди. Аслида эса Европага тинчлик ер юзининг бошқа қисмларидан кўра кечроқ етиб келган. Жанубий Америкадаги сўнгги йирик уруш 1941 йилда Перу ва Эквадор ўртасида, 1932-1935 йилларда Боливия ва Парагвай ўртасида бўлиб ўтган. 1879-84 (Чили Боливия ва Перуга қарши) йилга қадар Жанубий Америка давлатлари орасида жиддий жанглар бўлмаган.

Араб дунёси алоҳида тинч деб доим ҳам хаёл қилмаганмиз. Аммо улар мустақилликка эришганидан сўнг бир араб давлати бошқа бирига ниҳоятда йирик кўламда ҳужум уюштирди (Ироқнинг Қувайтга ҳужуми, 1990 й.). Бир нечта чегара тўқнашувлари (масалан, Сурия-Иордания, 1970), қуроли мудохала (Суриянинг Ливанга аралашуви), кўп сонли халқ урушлари (Алжир, Яман, Ливияда), саноксиз инқилоб ва тўнтаришлар бўлиб ўтган. Шунда ҳам, Кўрфаз жанги араб давлатлари орасидаги йирик кўламдаги ягона уруш сифатида қолмоқда. Муслмон дунёсига янада кенгроқ ўлчамда қарайдиган бўлсак, биргина йирик ихтилоф – Эрон-Ироқ ихтилофини кўришимиз мумкин, холос. Турк-Эрон, Покистон-Афғон ёки Индонезия-Малайзия урушлар содир бўлмаган.


Африкада ишлар бундан-да ёмон. Бироқ бу ердаги низоларнинг кўпчилиги – фуқаролар уруши ва тўнтарувлар. 1960-1970 йилларда Африка давлатлари мустақилликка эришганидан сўнг кўшни ерларни бўйсундириш мақсадида деярли бир-бирига ҳужум қилмади.

⁵² Атомлар олами (лот.)

Олдин ҳам нисбатан тинч даврлар бўлган, мисол учун, Европада 1871 дан 1941 йилгача. Аммо уларнинг якуни яхши бўлмаган. Ҳозир эса ҳаммаси бошқача. Ҳақиқий тинчлик бу урушнинг йўқлиги эмас, ҳақиқий тинчлик – уруш имконсизлигидир. Шунинг учун дунёда ҳақиқий тинчлик ҳали бўлмаган. 1871 йилдан 1914 йилга қадар Европа уруши ҳар доим эҳтимолга жуда яқин бўлган, ҳарбийлар, сиёсатчилар ва оддий фуқаро ўйларида уруш бўлиши мумкинлигини кутишган. Тарихнинг қолган барча даврларида ҳам одамлар уруш бўлишини кўнгиллари сезишган. Халқаро сиёсатнинг темир қонуни шундай овоз беради: “Ҳар қандай қўшни давлатлар учун яқин йиллар ичида ўртада уруш қўзғай оладиган эҳтимолий сценарийлар бор.” Ушбу жунгли қонуни Европада XIX аср охирида, Ўрта аср Европа ерларида, Қадимги Хитой ва антик Юнонистонда ҳукмронлик қилган. Агар эрамиздан аввалги 450 йилда Спарта Афинага қарши уруш олиб бормаганида, барибир худди шундай эҳтимолий уруш сценарийси эрамиздан аввалги 449 йилда рўй берган бўлар эди.

Бугун инсоният жунгли қонунини бузди. Ниҳоят урушлар бутунлай тўхтаб, тинчлик ўрнатилди. Кўпчилик давлатлар учун яқин йилларда рўй бериши мумкин бўлган эҳтимолий уруш сценарийлари йўқ. Келгуси йилда Германия ва Франция ўртасида қандай уруш қўзғашини мумкин? Хитой ва Япония ўртасида ёки бўлмаса, Бразилия ва Аргентина ўртасида-чи? Чегараларда ҳали ҳам кичик-кичик тўқнашувлар бўлиши эҳтимоли бор, аммо кенг кўламли 2014 йилги уруш фақат қиёмат-қойим сценарийларидагина мавжуд бўлиши мумкин: Аргентина танк дивизияси Рио-де-Жанейро томон ёпирилиб боряпти, Бразилия бомбардимончи самолётлари Буэнос-Айрес шаҳарларини текисляпти. Бундай ихтилофлар Исроил ва Сурия ўртасида ҳам, АҚШ ва Эрон ўртасида ҳам ўт олиши мумкин, аммо булар қоидани тасдиқловчи истиснолардир.

Албатта, келгусида бу вазият ўзгариши мумкин. Ҳозирги дунё ғайриоддий тарзда содда кўринар. Аммо бутун тарих саҳифаларига назар ташлагудек бўлсак, бу соддалик ҳам ўзига яраша ажойибдир, негаки тинчлик ҳеч қачон бу қадар барқарор бўлмаган, одамлар эса янги урушни тасаввур ҳам қила олмайди.



2-3 расмлар. Олтин васвасаси даврида Калифорния олтин кончилари ва Facebookнинг Сан-Франциско яқинидаги маркази. 1849 йилда Калифорния ўр бойликларини олтин асосида қурди. Бугун эса Калифорния бойликларини кремний асосида бунёд этди. Аммо 1849 йилда ҳақиқатдан ҳам Калифорния тупроғида олтин ётар экан, Кремний водийсининг ҳақиқий хазиналари юқори технология соҳаси вакилларининг ичига беркитиб қўйилган.

Олимлар ушбу муваффақиятли ривожланишни сиз ўзингиз ўқишни хоҳлаганингиздан кўра кўпроқ китоб ва мақолаларда изоҳлашга ҳаракат қилишди, бунга ҳисса қўшадиган бир неча омилларни аниқлашди. Биринчидан, уруш нархи кескин қўтарилди. Барча тинчлик мукофотлари бекор қилиниб, Тинчлик учун Нобел мукофоти атом бомбасини яратган Роберт Опенхаймер ва унинг жамоасига берилиши керак эди. Ядро қуроллари қучлилар ўртасидаги урушни коллектив қотилликка айлантирди ва қурол қучи билан дунёга ҳукмронлик қилишга уринишга имкон бермади.

Иккинчидан, уруш нархи кўтарилган бир пайтда, унинг фойдаси пасайиб кетди. Тарихда кўп ҳолларда ҳукуматлар душман ҳудудларини талон-торож ёки аннексия қилиш орқали ўзларини бойитиши мумкин эди. Бойликнинг кўп қисми далалар, чорва моллари, қуллар ва олтинлардан иборат эди, шунинг учун уни талаш ёки эгаллаш осон бўлган. Бугунги кунда эса бойлик асосан инсон ресурси, техник билимлар ва банклар каби мураккаб ижтимоий-иқтисодий тузилмалардир. Уни кўтариб кетиш ёки ўз ҳудудига кўчириш мушкул.

Мисол учун Калифорнияни олайлик. Қачонлардир унинг бойлиги олтин конлари асосига қурилган. Аммо бугунги кунда у Кремний водийси ва Голливуднинг целлюлоид тепаликларида, кремний ва целлюлоид устида бунёд этилган. Бордию хитойликлар Калифорнияга қурол билан бостириб кириб, Сан-Франциско пляжларида, материк ичидаги миллионлаб аскарлар томон ёпирилса нима бўлган бўларди? Нимани қўлга киритарди улар? Кремний водийсида кремний кони йўқ. Бойлик Google ишчилари ва Голливуд сценарийнависларининг, режиссёрлар ва махсус эффект мутахассисларининг мияси бўлиб, улар хитой танклари Сансет кўчаларида сайр қилиб улгурмай туриб, биринчи рейс билан Бангалор ёки Мумбайга йўл олган бўладилар. Жаҳонда хануз рўй бераётган катта кўламдаги халқаро урушлар, жумладан Ироқнинг Қувайтга қилган ҳужуми бойлик қадимгидек моддий бойлик ҳисобланган жойларда содир бўлиши бежиз эмас. Қувайт шайхлари чет элга қочиб кета олдилар, аммо нефть конлари ортда қолди ва ишғол қилинди.

Уруш кам фойда келтираётган бир пайтда, тинчлик ҳар қачонгидан ҳам фойдали бўлди. Анъанавий қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида халқаро савдо ва чет эл инвестициялари кўп ҳам аҳамиятга эга бўлмаган. Бинобарин, тинчлик кўп фойда келтирмаган. Айтайлик, 1400 йилда Англия ва Францияда тинчлик ҳукм сурганида, французлар оғир уруш солиқларини тўлашга мажбур эмасдилар ва инглизларнинг босқинчиликларига дучор бўлмасдилар, акс ҳолда бу уларнинг ҳамёнларига зарар бўлар эди. Замонавий капиталистик иқтисодиётда ташқи савдо ва инвестициялар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тинчлик улкан даромадлар олиб келяпти. Токи Хитой ва АҚШ ўзаро аҳил бўлса, хитойликлар АҚШга маҳсулот сотиш, Уолл-стритда савдо қилиш ва АҚШ сармояларини олиб кириши мумкин бўлади.

Ва ниҳоят, глобал сиёсий маданиятда тектоник силжиш юз берди. Тарихда кўплаб юқори табақа вакиллари – Хун қабила бошлиқлари, Викинг зодагонлари ва Ацтек руҳонийлари урушга ижобий томондан қараганлар. Бошқалар уни ёвузлик деб ҳисоблаганлар, бироқ ёвузликдан қочиб бўлмасди, шу боис урушни ўз фойдасига буришни афзал билганлар. Дунё тарихида илк бор урушни ёвузлик деб билиб, ундан қочиш мумкин ва зарур дея ҳисобловчи тинчликсевар элита – сиёсатчилар, ишбилармон шахслар, зиёли ва маданият вакиллари томонидан бошқариляпти. (Илгари ҳам тинчликпарварлар бўлган. Мисол – илк христианлар. Аммо улар камдан-кам ҳолатларда ҳукумат бошига келганида, диннинг “иккинчи юзни тутиб бериш” амрини осонгина унутиб қўйишган.)

Барча тўрт омил орасида ижобий алоқалар мавжуд. Ядро хавфи тинчликсеварликни кучайтиради; тинчликсеварлик ёйилганда, уруш тўхтади ва савдо гуллаб-яшнади; ва савдо тинчлик фойдасини ҳам, уруш харажатларини ҳам оширади. Вақт ўтиши билан ушбу цикл уруш учун яна бир умидли тўсиқ яратади. Халқаро алоқаларнинг мустақамланиб бориши кўплаб мамлакатларнинг эркин ҳаракатига ғов қўяди ва уларнинг ҳар бири якка ҳолда уруш бошлашига йўл қўя олмайди. Кўпгина давлатлар буткул мустақил эмасликлари сабабли кенг кўламли ихтилофларда қатнашмайдилар. Гарчи Исроил, Италия, Мексика ёки Таиланд фуқаролари мустақиллик ҳақида хаёлларга берилиб кетишлари мумкин бўлса-да, уларнинг ҳукуматлари мустақил иқтисодий ёки ташқи сиёсат олиб боролмайдилар ва ўз-ўзидан кенг кўламли урушни бошлашга ва ўтказишга қодир эмаслар. 11-бобда айтиб ўтилганидек, биз бутунжаҳон империясининг шаклланишига гувоҳ бўляпмиз. Олдинги империялар сингари, бу ҳам ўз чегараларида тинчликни қўллаб-қувватлайди. Ва унинг чегаралари бутун дунёни қамраб олганлиги сабабли, Жаҳон империяси урушни ижобий натижа сифатида кўрган дунё тинчлик империясини самарали равишда қўллаб-қувватламоқда.

Шундай қилиб, замонавий давр – бу ўйловсиз қирғин, уруш ва зулмлар даврими? Биринчи Жаҳон уруши окоплари, Хиросима узра ёғилган ядровий қўзиқоринлар ва Гитлер ва Сталиннинг савдои лойиҳалари даврими? Ёки бу тинчлик даврими? Жанубий Америкада ҳеч қачон қазилмайдиган хандақлар, Москва ва Нью-Йорк узра ҳеч ёғилмас ядровий қўзиқорин ёмғирлари, хотирада Маҳатма Ганди ва Мартин Лютер Кингнинг хотиржам чехралари сақланиб қоладиган даврми ёки?

Жавобни вақт кўрсатади. Сўнгги йиллардаги воқеалар бизнинг ўтмишга бўлган нуқтаи назаримизни қанчалик тез-тез бузиб кўрсатаётганини билиш бизни ташвишга солади. Агар бу боб 1945 ёки 1962 йилларда ёзилган бўлса, эҳтимол бу янада қайғулироқ бўлар эди. У 2014 йилда ёзилганлиги сабабли замонавий тарихга умид ва ишонч билан кўз ташлашни талаб этади. Оптимистлар ва пессимистларни ҳам мамнун қилиш учун, биз жаннат ва дўзах остонасида турибмиз деган хулосага келишимиз мумкин. Тарих биз қаерда тугашимизни ҳали ҳал қилмади ва олдинда тасодифлар бизни ҳар қандай томонга йўллаб юбориши мумкин.

19.

Ва ниҳоят улар мурод мақсадларига етишиб бир умр бахтиёр яшашди(ми?)

Сўнгги 500 йил бир қанча ажабтовур инкилобларни бошдан кечирди. Ер сайёраси ягона экологик ва тарихий жабҳаларга бирлашганди. Иқтисодиёт мисли кўрилмаган даражада ривожланди ва натижада инсоният ҳозирги кунда қадимда фақат эртақлардагина тасаввур қилса бўладиган моддий бойликка

эришди. Илм-фан ва саноат инқилоби инсониятга ғайритабиий қудрат ва битмас-туганмас энергия манбайини тортиқ этди. Ижтимоий ҳаёт буткул ўзгарди, шунингдек сиёсат, кундалик ҳаёт ва инсон психологияси ҳам ўзгарди.

Лекин бир савол туғилади: биз олдингидан бахтлироқ яшайпмизми? Инсоният беш юз йил давомида йиққан моддий бойликлари уни бахтиёрликка етакладими? Битмас-туганмас энергия манбайи бизга битмас-туганмас хурсандчилик бера олдими? Етмиш минг йилликка қайтадиган бўлсак, когнитив (ақлий) инқилоб инсоният мушкулини енгиллаштирдими? Шамолсиз ойга қадам босган Нил Армстронг ўттиз минг йил олдин яшаб ўтган ва Шовет ғорига қўл изларини қолдирган исми номаълум овчидан бахтлироқмиди? Агар олдингидан бахтлироқ эмас эканмиз, кишлоқ хўжалиги, шаҳарсозлик, ёзув, пул, империя, илм-фан ва саноатнинг нима кераги бор эди?

Тарихчилар бундай саволлар билан деярли бошларини қотиришмайди. Улар қадимги Урук ва Бобилнинг фуқаролари ўзларининг овчилик ва термачилик билан шуғулланган аждодларидан бахтлироқмиди, ё-да ислом кириб келиши билан мисрликлар ҳаётидан олдингига қараганда ижобий томонга ўзгардими ёки Европа империализмининг Африкада қулаши миллионлаб оддий аҳолининг бахтлилигига қай даражада таъсир кўрсатган деган саволларни ўзларига бермайдилар ва жавоб изланмайдилар. Ваҳоланки юқоридаги саволлар тарих жавоб бериши керак бўлган энг муҳим саволлардандир. Ҳозирги мафкура ва сиёсий программаларнинг кўпчилиги инсониятни бахтга олиб борадиган анча ғўр ғоялар устига қурилган. Миллатчиларнинг фикрича ҳар бир миллатнинг сиёсий ўз-ўзини бошқариши бахтнинг калити бўлса, коммунист эса пролетариат ҳукмронлиги бахт манбайи деб ҳисоблайди. Капиталистга келсак у одамларга ўз кучига ишониш ва ташаббускорликни ўргатиш орқалигина моддий мўл-кўлчиликка ва иқтисодий ўсишга эришилади деган фикрни илгари суради. Бундай иқтисодий барқарорлик ва эркин бозор одамларнинг бахтлилигини кафолатлайди деб ишонади.

Агар жиддий изланишлар мазкур фаразларни хато эканлигини исботласа нима бўлади? Агар иқтисодий ўсиш ва ўз кучига ишониш одамларни бахтли этолмаса, унда капитализмнинг нима яхши жиҳати бор? Катта империяларнинг тобе халқи мустақил давлат фуқаролари бўлишдан кўра империя байроғи остида бахтли бўлишсачи? Унда империализмнинг парчаланиши ва миллий мустақил давлатларнинг тикланиш ҳақида яхши фикр юрита оламизми?

Юқоридагиларнинг барчаси юз бериши мумкин бўлган фаразлар эди. Чунки шу пайтгача тарихчилар ушбу саволларга жавоб бериш у ёқда турсин, ҳатто ушбу саволларни кўтаришдан ҳам қочиб келишди. Улар тарих деганда шунчаки сиёсат, жамият, иқтисодиёт, жинсий тенглик, жинсий ориентация, эпидемиялар, овқат ва кийиниш кабиларнинг устида бош қотиришган, бироқ улар мазкур нарсалар одамнинг бахтлилигига қай даражада таъсир ўтказди деб ўйлаб ҳам кўришмаган.

Гарчи оз сонли тадқиқотчилар бахтлиликнинг тарихини ўрганишган бўлишса-да, уларда нотўғри тушунча пайдо бўлган. Энг кенг тарқалган

тушунчага кўра инсоннинг қобилияти вақт ўтиши билан ошиб боради, чунки одамлар одатда қобилиятларини қийинчиликларни енгиллаштириш ва ўз хоҳишини амалга оширишда қўллайди. Ушбу мантиқдан келиб чиқадики, биз ўзимизнинг ўрта асрлардаги аждодларимиздан бахтлироқмиз ва ўрта асрлардаги одамлар ўз навбатида тош аср овчи-термачиларидан бахтлироқ бўлишган. Ваҳоланки бундай прогрессив ҳисобот анчайин ишончсиздир. Юқорида айтиб ўтилганидек, янги қобилиятлар, хатти-ҳаракатлар ва малакалар ҳар доим ҳам ҳаётни яхши томонга ўзгартирмайди. Аграр инқилоб бўлганида одамзод деҳқончиликни ўрганди натижада уларнинг жамоавий қудрати ошиб табиатни ўзларига бўйсундира бошлашди, лекин жуда кўп индивидуал шахслар қийинчиликка дуч кела бошлади. Деҳқонлар тирикчиликлари учун термаловчилардан қаттиқроқ ишлашларига тўғри кела бошлади. Улар шунингдек бир хил турдаги озуқа истеъмол қилгани учун, ҳамда уй ҳайвонлари билан ёнма-ён яшагани учун турли хил касалликларга кўпроқ чалинадиган бўлишди. Деҳқонлар эксплуатацияси-да авж олди. Худди шу ҳолда Европа империализмининг ёйилиши билан савдога янги йўллар очилди, янги маҳсулотлар, мафкуралар ва технологияларнинг ўзаро алмашинуви жадаллашди ва инсониятнинг умумий қудрати ошди. Бирок юқорида келтирилган ўзгаришлар миллионлаб африкаликлар, туб америкаликлар ва Австралия аборигенлари учун қиёмат кўпишидек туйилди. Инсоннинг қўлидаги куч қудратни суистеъмол қилишга мойиллигини ҳисобга олсак, одамларда қанча кўп қудрат бўлса, улар шунча бахтли бўлади деган гапларга ишониш жуда соддалик бўларди.

Баъзи бировлар қарама-қарши фикрни илгари суришади. Уларнинг фикрича, инсон қобилиятлари билан бахтлилик ўзаро тескари таъсирга эга, яъни одам қанча қудратли бўлса, шунча бахтдан мосуво бўлаверади. Уларнинг айтишича қудрат коррупцияга олиб келади. Инсоният кўпроқ қудратга эга бўлган сари бизнинг реал эҳтиёжларимизга мос келмайдиган совуқ механизмлар яратилаверади. Эволюция бизнинг танамизни ва миямизни овчилик ва термачилик билан шуғулланишга мослаб қўйган. Дастлаб аграр инқилобга кейинчалик эса саноат инқилобига қадам қўйиш бизнинг ички инстинкт ва хоҳишларимизга зид равишда яшашга мажбур қилди. Шунинг учун биз ўзимизнинг яширин хоҳишимизни қондира олмаяпмиз. Шаҳардаги ўрта синф вакилининг шинам ҳаётидаги ҳеч нарса мамонт овини муваффақиятли олиб борган бир гуруҳ овчиларнинг хурсандчилигидан олган завқини туйишимизни таъминлаб беролмаяпти. Ҳар бир янги кашфиёт биз ва Адан Боғи ҳаёт ўртасига яна бир миля масофа қўшяпти.

Аммо ҳар бир янги кашфиёт ортидан ёмонлик кўриш ривожланишнинг тўхтамаслигига ишониш каби догматик (қотиб қолган) ўйдир. Балки биз ўзимизнинг ичимиздаги овчи-термачилардан узоқлашаётгандирмиз. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам салбий характерга эга эмас. Масалан: охириги икки асрда медицина болалар ўлимини 33 %дан 5 %дан камга қисқартирди. Ҳеч ким шубҳа қилмайдикки, ушбу тиббий муваффақият нафақат ўлиб кетиши мумкин бўлган болаларни, балки уларнинг ўлиmidан азоб чекиши мумкин бўлган яқинларини ҳам бахтлироқ қилди.

Янада нозикроқ масала кўндаланг қолмоқда. Илмий Инқилобгача қудрат ва бахтлилик ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ эди. Дарҳақиқат, ўрта асрлардаги деҳқонлар овчи-термачилардан азоблироқ ҳаёт кечирган бўлиши мумкин. Бироқ сўнгги бир неча асрда инсоният ўзига берилган имкониятдан янада самаралироқ фойдаланишни ўрганди. Замоनावий тиббиётнинг мўъжизаси фақат биргина мисол эди. Қолган буюк муваффақиятлар қуйидагилар: жиноятчиликнинг кескин камайиши, халқаро урушларнинг деярли йўқолиши, катта миқёсли очарчиликларнинг бартараф этилиши ва бошқалар. Шунга қарамай, юқоридагилар вазиятнинг ўта соддалаштирилган ҳолатидир.

Биринчидан, бундай оптимистик дунё сўнгги бир неча йиллардагина эришилган ютуққа асосланган. Ваҳоланки аксарият аҳоли замонавий медицинанинг меваларидан 1850 – йилдан кейин баҳраманд бўлган бўлса, болалар ўлимининг камайиши XX аср ҳодисаси сифатида кўрилади. Оммавий очарчиликлар бўлса инсониятнинг гарданини XX аср ўрталаригача эзиб келди. Коммунист Хитойнинг 1958-61 – йиллар мобайнидаги “Олдинга Буюк Сакраш” компанияси оқибатида 10млндан 50млн гача одам очликдан қирилиб кетди. Халқаро урушлар 1945 йилдан кейингина тўхтади. Унда ҳам фақат ядро қуролининг вайрон қилиш мумкинлиги туфайлигина бундай ҳолат юзага келди. Шунинг учун сўнгги бир неча ўн йиллик инсоният тарихидаги олтин давр деб эътироф этилса-да, ҳали инсоният тарихида фундаментал эврилиш ёки вақтинчалик бахт келди дейишга жуда эрта. Замоनावийлик талқин этилганда биз ХХИ аср ғарблик ўрта синф вакили фикрларига қўшилишга ҳаракат қиламиз. Биз ХИХ аср уэлслик кўмир кончисининг, хитойлик афюн кашандасининг ва Тасмания аборигенининг фикрларини ҳам унутмаслигимиз лозим. Труганини Гомер Симпсондан камроқ аҳамиятга эга эмас.

Иккинчидан, ҳатто охирги ярим асрнинг олтин даври ҳам келажакдаги фожиаларга замин ҳозирлаган бўлиб чиқди. Охирги бир неча ўн йиллик давомида биз экологик мувозанатни кўплаб ҳолатларда бузаяпмизки, унинг аччиқ оқибатлари яқин келажакда юзага чиқиши мумкин. Жуда кўплаб мисоллар биз очофотларча истеъмол қилишимиз инсоният тараққиётининг асосларига ғов бўлажagini кўрсатмоқда.

Нихоят, биз ўзимизни замонавий сапиенслар ичида мислсиз муваффақиятларга эришганимиз билан табрикласак бўлади, фақатгина мазкур муваффақият бошқа тирик жонзотларни ҳисобиданлигига тупурган ҳолда шундай қилишимиз мумкин. Бизни касалликдан ва очарчиликдан ҳимоя қилаётган моддиятлар ва тиббий дори-дармонлар лабораториядаги маймунлар, соғди сигирлар ва тор жойда яшашга мажбур товуқлар ҳисобидан бўлаётганини одатда ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Сўнгги икки аср давомида ер юзида ҳеч бир жонзот кўрмаган ваҳшийликлар қиладиган режим ўн миллиардлаб ҳайвонларни тажрибадан ўтказди ва ўз эҳтиёжлари учун ўлдириб юборди. Агар биз ҳайвонлар ҳуқуқлари даъво қилаётган айбловларнинг ўндан биринигина тан олсак ҳам, замонавий индустриал қишлоқ хўжалиги тарихидаги энг катта жиноят қилганлиги аён бўлади. Умумжаҳон бахтлилик рейтингини тузаётганимизда фақатгина европалик юқори табақали кишининг

бахтлилигига қараб рейтинг тузиш хато бўлади. Эҳтимол биз фақат инсонларнинг бахтлилик индексини кўрсатишимиз ҳам хатоликдир.

Бахтни ҳисоблаш

Ҳозиргача биз бахтлиликни моддий омиллардан келиб чиқиб белгиладик, яъни соғлиқ, овқатланиш, бойлик каби. Агар одамлар бойроқ ва соғломроқ бўлишса, албатта улар бахтли ҳам саналишади. Бахтлиликни белгилаш шу даражада оддийми аслида? Асрлар давомида файласуфлар, роҳиблар ва шоирлар бахтнинг табиати ҳақида бош қотириб келишган ва ахлоқий ва руҳий омиллар ҳам моддий омиллар каби инсон бахти камолига етишида роль ўйнайди деган хулосага келишган. Эҳтимол бугунги тўкинликда яшайдиган давлат фуқаролари бошқалардан ажралиб қолиш ва ҳаётларининг мазмунсизлигидан азият чекарлар. Эҳтимол бизнинг ҳаминқадар қудратга эга аждодларимиз диндан, жамоавий биликдан ва табиат билан ҳамоҳангликдан кўпроқ завқ олишгандир.

Сўнги ўн йилликларда биологлар ва психологлар одамларни аслида нима бахтли қилишини илмий жиҳатдан ўрганишга қаттиқ бел боғладилар. У пул, оила, ирцият балки эзгуликдир одамни бахтга етаклайдиган? Биринчи қилинадиган иш нимани ўлчашни аниқлаб олишдир. Кўпчилик маъқуллайдиган бахтлиликка изоҳ қуйидагича: бахтлилик – “субъектив фаровонлик”. Мазкур изоҳга кўра бахтлилик ҳаётдан инсон ўз ичида ҳис қиладиган узоқ вақт ёки қисқа муддат давом этадиган хурсандчилик ҳиссидир. Агар нимадир ич-ичидан ҳис қилинса, қандай қилиб у ташқаридаги одамлар томонидан ўлчаниши мумкин? Чамаси одамларнинг ҳиссиётлари ҳақида улардан сўраб билишимиз мумкин деб ўйлашади. Шундай қилиб одамларни қай даражада бахтлилигини билмоқчи бўлган биологлар ва психологлар одамларга сўровномалар берадилар ва сўнгида жавобларни ҳисоблаб натижани чиқарадилар.

Типик фаровонлик сўровномаси “Ўз ҳолатимдан мамнунман”, “ҳаётим жуда қадри”, “мен келажак ҳақида оптимистик қарашларга эгаман”, “ҳаёт ажойиб” каби фикрларга Одан 10гача бўлган баҳосини бериши керак деб олиб борилади. Сўнгра тадқиқотчи ҳамма жавобларни қўшади-да, сўровнома иштирокчисининг фаровонлик индексини чиқаради.

Бундай сўровномалар бахтлиликни турли хил объектив омилларга боғлиқлигини кўрсатиш мақсадида олинади. Масалан бир тадқиқот йилига 10 минг \$ ишлаб топадиган мингта одамдан сўров ўтказди. Айтайлик, худди шундай сўровнома йилига 50 минг \$ ишлаб топадиган минг нафар одам билан ҳам ўтказилди. Биринчи гуруҳдагиларнинг фаровонлик индекси 8,7, иккинчи гуруҳдагиларники эса фақатгина 7,3. Тадқиқотчи эса асосли равишда маблағ инсон фаровонлигига ижобий таъсир ўтказади деган хулосага келади. Оддий тил билан айтганда пул бахт олиб келади. Худди шундай ёндашув билан демократик давлатларда яшайдиганлар бахтлироқми ёки диктаторлик давлатларда яшайдиганларми, оилали одамлар бахтлироқми ёки бева ва турмуш қурмаганларми каби сўровномаларни ҳам ўтқизиш мумкин.

Юқоридаги каби тадқиқот натижалари тарихчилар учун олдинги замонлардаги бойлик, сиёсий эркинлик, ажралиш даражаси каби ижтимоий ҳодисаларни белгилашга асос бўлиб хизмат қилади. Агар одамлар демократик жамиятларда бахтлироқ экан ва оилалилар ажрашганлардан бахтлироқ экан тарихчининг бахтлиликнинг асослаши қуйидагича бўлиши мумкин: сўнгги пайтлардаги демократик ҳаракатлар одамларнинг умумий бахтлилигининг ошиши гарови бўлса, ажримлар сонининг ортиши эса акс таъсирга эга.

Бундай фикр юритиш энг яхши усул эмас, бироқ камчиликларни таъкидлашдан олдин бир шу пайтгача ўрганилган нарсаларга назар ташлаб чиқайлик. Пул бахт олиб келади деган фараз рост, лекин фақат маълум бир даражагача холос, у даражадан ўтса, аҳамиятини йўқотади. Иқтисодий тақчилликнинг энг пастида турганлар учун пул бахт демакдир. Дейлик сиз америкалик ёлғиз она бўлиб туриб фаррошлик қилиб йилига 12000\$ ишлаб топиб турганингизда, бирданига лотторедан 500,000\$ ютиб олдингиз. Катта эҳтимол билан сизнинг фаровонлигингизни ошишига ушбу ютуқ узоқ вақт кафолат бўла олади. Сиз қарзларга ботмай фарзандларингизни бемалол узоқ вақт едириб кийинтириб юра оласиз. Ваҳоланки агар сиз йирик компанияда йилига 250,000\$ ишлаб топувчи етакчи иш бошқарувчиси бўлсангиз, ё-да компаниянгиз бирданига сизнинг маошингизни икки ҳисса оширишга қарор қабул қилса, сизнинг фаровонлик индексидаги ҳолатингиз бор йўғи бир неча ҳафтагача ошиши мумкин холос. Тажрибага асосланган тадқиқотларга кўра агар бирор нарсани узоқ вақт бошингиздан ўтказсангиз у нарсани аҳамияти пасаяди. Сиз энг янги русумдаги автомобиль сотиб олдингиз. Энг ҳашаматли уйга кўчиб ўтдингиз, энг қиммат вино ичасиз, лекин буларни барчаси тез орада кундалик ҳаракатларга айланиб қолади.

Яна бир қизиқ ҳолат: касаллик одамнинг фаровонлик индексини кескин камайтириши рост гап, бироқ касаллик тузалиши билан инсоннинг фаровонлик индекси олдинги ҳолатга қайтади. Агар касаллик узоқ давом этса ва у доимо салбий томонга ўзгариб борса, унда инсон фаровонлик индекси узоқ вақт пасайишга мойиллик сезади. Сурункали касалликлар билан ташхисланган беморлар бир муддат депрессияга тушиб туради-да, агар касаллик ёмонлашмаса, унга мослашади. Уларнинг фаровонлик индекси соғлом одамларникидек бўлиши мумкин. Тасаввур қилинг Люси ва Люк ўрта синф вакили бўлган эгизаклар. Улар фаровонлик сўровномасида қатнашишга рози бўлишди. Психологик лабораториядан қайтишда Люсининг автомобили автобус билан тўкнашиб кетди. Натижада Люсининг бир неча суяклари синди ва бир умрга оқсоқ бўлиб қолди. Люсининг қутқариш операцияси давом этаётган пайтда телефон жиринглаб Люк лотторедан 10,000,000 \$ ютганини айтиб хурсандчилигидан бақирди. Икки йилдан сўнг Люси оқсоқланиб юрган бўлади, Люк эса анча бой бўлган бўлади. Уларни икки йил олдинги текширган психолог келади ва сўровномани қайта ўтказди. Натижа икки йил олдинги билан бир хил чиқади.

Оила ва жамоа бизнинг бахтиёрлигимизга соғломлик ва бойликдан кўра кўпроқ таъсир ўтказди. Кучли оилавий анъаналарга содик, бир бирини доимо қўллаб қувватлайдиган муҳитда яшайдиганлар оиласи доимо

келишмовчиликда, ҳеч қандай оила вазифасини бажармайдиган муҳитда яшайдиганлардан ўзларини анча бахтли сезишади. Турмуш қуриш ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Бир неча тадқиқотлар шуни кўрсатадики, юқори даражадаги субъектив фаровонлик билан турмуш қурилганлик даражасининг боғлиқлиги катта. Бундай ҳолатда иқтисодий, ҳаттоки жисмоний ҳолат аҳамият касб этмайди. Ҳаминқадар кун кўрадиган ногирон, агар касаллиги ёмонлашишга мойиллиги бўлмаса ва ўта даражада камбағал бўлмаса, оила даврасида оила муҳаббатининг тафтини ҳис этиб турса одамови миллиардердан ўзини бахтлироқ ҳис қилади.

Ушбу ҳолат охириги икки асрда қўлга киритилган моддият ўрнига оила ва жамоадан ажралиб қолишни кўрсатмоқдаки, ўрта ҳисобда одамлар 1800 – йилдагига нисбатан бахтлироқ ҳис қилмаслиги эҳтимолдан холи эмас. Ҳаттоки биз жуда қадрлайдиган эркинлик ҳам бизга қарши ишлаётган бўлиши ҳам мумкин. Ҳозирги кунда биз турмуш ўртоғимизни, кўшнилариимизни ва дўстлариимизни бемалол танлай оламиз, ваҳоланки улар ҳам хоҳлаган пайти бизни тарк этиши мумкин. Ҳар бир шахс ўз ҳаёт йўлини белгилашдек мислсиз қудратга эга бўлиб ўз жамоавий мажбуриятларини бажаришга қийналмоқда. Шундай қилиб биз ёлғизланиб оила ва жамоа иплари узилаётган дунёда яшамоқдамиз.

Энг муҳим ҳукм шуки, бахт аслида объектив ҳолатларга, яъни бойликка, соғломликка ва ҳаттоки жамоавий бирликка боғлиқ эмас. Балки у объектив ҳолат билан субъектив кутишнинг ўзаро боғлиқлигидадир. Агар сиз от арава олишни хоҳладингиз ва унга эга бўлдингиз, натижада сиз бағоят хурсандсиз. Лекин агар сиз жилд янги Феррари автомобилини олмоқчи бўлсангизу, ўрнига минилган Фиат олишга тўғри келса, жуда тушкун кайфиятда қоласиз. Шунинг учун ҳам лотерея одамларнинг бахтлилигига худди транспортдаги бахтсиз ходиса каби таъсир ўтказади. Иккала ҳолатда ҳам сиз бундай бўлишини деярли кутмагансиз. Қачонки аҳвол яхшиланар экан, шунинг билан бир қаторда биз кутадиган нарсалар ҳам ошади. Ва натижада ҳаттоки йирик ўзгаришлар ҳам инсонларни хоҳишини қондиролмаслиги мумкин. Қачонки аҳвол ёмонлашса, биз кутадиган нарсалар ҳам камаяди. Натижада жиддий касаллик ҳам одамни олдинги ҳолидаги каби бахтли ҳолатга солиши мумкин.

Биз бу нарсани аниқлаш учун психологлар ва уларнинг сўровномасига муҳтож эмасмиз дейишингиз мумкин. Пайғамбарлар, шоирлар ва файласуфлар ҳозир ўзингизда бор нарса билан қаноат ҳосил қилиш муҳимлигини минглаб йиллар олдин англаб етганлар ва шунга ташвиқ қилганлар. Ҳозир ҳам замонавий тадқиқотчилар кўплаб рақамлар ва сонлардан иборат тадқиқот натижаларини ўрганиб қадимгилар чиқарган хулосага келишлари жуда қизиқ ҳол.

Инсондаги умид қилиб кутиш туйғуси бахтлилик тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Агар бахт фақат объектив ҳолатларга, масалан бойлик, соғлиқ ва ижтимоий муносабатларгагина боғлиқ бўлганида эди, уни тадқиқ қилиш нисбатан осон кечарди. Унинг одамнинг субъектив кутишига боғлиқлиги тадқиқот ишларини мураккаблаштиради. Бизда, замонавий одамларда, юзлаб турдаги тинчлантирувчи ва оғриқ қолдирувчи воситалар

борки, улар билан ҳаётимизни осонлаштиришга эришишимиз мумкиндек туйилади, лекин бизнинг оғриқ босилгунча ёки дори таъсир қилиб кайфиятимиз кўтарилгунча кутишимиз ва ўнғайсизлигу ноқулайликка бардошсизлигимиз бизни аждодларимиздан кўра оғриқдан кўпроқ азият чекишимизга олиб келади.

Бундай фикрлашни ҳазм қилиш анча қийин кечади. Муаммо эса бизнинг чуқур психикамизда ётган нотўғри ўй эканлигидадир эҳтимол. Қачонки биз бошқа одамларни ёки илгари яшаб ўтган одамларни қай даражада бахтли яшаганини ўйласак ёки тасаввур қилсак, ўзимизни уларнинг ўринларига қўйиб кўрамиз. Лекин у қор қилмайди, сабаби ундай ҳолатда биз ўзимизни кутишларимизни ўзгаларнинг моддий ҳолатига мослаймиз холос. Ҳозирги фаровон жамиятларда қунига душ қабул қилиш ва кийимларни ўзгартириш одатий ҳолга айланган. Ўрта асрлардаги деҳқонлар ювинмасдан ойлаб юришган ва кийимларини деярли ўзгартиришмаган. Суякларигача кирга ботган ифлос ҳаёт ҳақидаги ўйни ўзиёқ бизда ушбу ҳолатга нисбатан жирканиш ҳиссини уйғотади эҳтимол. Ваҳоланки ўрта асрдаги деҳқон бу нарсага умуман эътибор бермаган бўлиши мумкин. Улар узоқ вақт ювилмаган тери ҳиди бурқсиб турган кийимга ўрганиб қолган бўлишган. Демак улар кийим бош борасида ҳаётларидан рози эдилар.

Агар ўйлаб қарайдиган бўлсак буни ҳайратланадиган жойи йўқ. Масалан, шимпанзелар деярли ювинишмайди ва ҳеч қачон кийимларини ўзгартиришмайди. Ёки биз ҳар куни ювинмайдиган ва ҳеч қачон кийимларини ўзгартирмайдиган уй ҳайвонларидан жирканмаймиз. Уларни эркалаймиз, кучоқлаймиз, керак пайти, ўпамиз. Бой мамлакатларда яшовчи ёш болалар кўпинча душ қабул қилишми ёқтиришмайди. Уларни доимий душ қабул қилишга ва ўзимизча жозибадор санайдиган ушбу одатни ўргатиш учун эса йиллаб вақт кетади. Уларнинг ҳаммаси келажакдан ниманидир кутишнинг оқибатидир.

Агар бахт кутиш билан белгиланадиган бўлса, унда жамиятимиздаги икки устун – ОАВ ва реклама саноати – дунёнинг хурсандчилик омборини бўшатишмоқда. Агар сиз 5000 йил олдинги кичкина қишлоқда яшайдиган 18 ёшли йигит бўлганингизда, катта эҳтимол билан сиз ўзингизни кўркам санардингиз. Сабаби қишлоқда бор йўғи эллиқда эркак яшайди ва уларнинг кўпчилиги юзига чандиғи бор, ажинли қариялар ёки ёш болалардан ташкил топарди. Лекин бугуннинг ўспирини бўлсангиз сиз ўзингизда нимадир етишмаётгандек туйилади. Ҳатто мактабдаги бошқа болалар анчайин бесўнақай бўлса ҳам, сиз ўзингизни улар билан солиштирмайсиз, балки сиз ҳар куни facebookда, телевизорда, кўчадаги реклама доскаларида кўрадиган фильм юлдузлари, супермоделлар ва спортчилар билан солиштирасиз.

Балки Учинчи Дунё вакилларининг ўзларини бахтсизроқ ҳис қилишининг сабаби фақатгина қашшоқлик, касаллик, коррупция ва сиёсий беқарорликкина эмас, балки Биринчи Дунё стандартларига етарлича мос тушолмаганлигидан ҳамдир. Ўрта ҳисобда олганда мисрликларнинг очликдан ўлиш эҳтимоли Ҳусни Муборак даврида Рамзес III ёки Клеопатра давридагидан анча паст. Уларнинг моддий шароитини солиштирмаса ҳам

бўлаверади. Сиз ўйлашингиз мумкин 2011 – йили улар кўчаларга чиқиб рақсга тушиб, ўзлари етишган иқбол учун Аллоҳга шукроналик айтиб юрибди деб. Амалда эса улар шукроналик ўрнига Муборакни тахтдан ағдариш учун чиқишган эди. Улар ўзларини фиръавн давридаги аждодларига эмас, балки Обама бошчилигидаги ҳукумат кўлида бўлган Америкага солиштиришаётганди.

Агар вазият шундай бўлса, ҳатто умрбоқийлик ҳам норозиликка сабаб бўлиши мумкин. Дейлик илм-фан барча касалликларга даво топди, янги ёшартирувчи терапияни қўллай бошлади ва регенератив муолажа ёрдамида одамларни ҳамиша ёш қилиб қўя оладиган бўлди. Жуда катта эҳтимол билан мазкур кашфиётлардан кейинги натижа одамлар орасидаги мислсиз даражадаги хавотир ва ҳадик бўлади. Бундай қиммат дори-дармонларга қурби етмаган аҳолининг асосий қатлами ғазабнок бўлиб қолади. Бутун тарих давомида камбағаллар ва эзилганлар ўзларига ҳеч бўлмаса ўлим бой ва камбағалларни тенг қилади деб таскин бериб келишарди. Энди эса аҳолининг кам таъминланган қатлами ўзлари ўлиб кетаверишию, пули борлар абадий ҳаёт чашмасидан баҳраманд бўлиши билан қоникмаслиги турган гап.



Илгари замонларда гўзаллик тимсоллари бизга яқин яшаган саноқли одамлар мисолида кўриларди. Бугун эса ОАВ ҳамда мода саноати бизни ҳақиқатдан мутлоқ йироқ гўзаллик тимсоллари билан таништирмоқда. Улар сайёрадаги энг келишган одамларни излаб топиб, бизга тинимсиз кўз-кўз қилишади. Табиийки, биз ўз кўринишимиздан у даражада хурсанд эмасмиз.

Ваҳоланки жуда кам сонли одамларнинг юқорида айтиб ўтилган муолажа ва дори-дармонларга қурби етади. Улар ҳам узлуксиз хавотирда яшашга мажбур бўладилар. Гарчи янги терапия билан улар ўз ёшлиklarини сақлаб қолишса-да, ундай даво тури ўлган жасадни тирилтира олмайди. Мен ва менинг яқинларим умрбод яшашади, агар фақатгина автоҳалокатга учрамасак, террористлар томонидан портлатиб юборилмасак ёки бирор бахтсиз ҳодисага учрамасаккина яшаб юраверамиз. Қандай даҳшата?

Эҳтимолий ўлмас одамлар ҳар қандай бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисадан имкони борича қочишга ҳаракат қилишади. Турмуш ўртоғини, фарзандини ёки яқинини йўқотиш эса чидаб бўлмас даражада азоб беради.

Кимёвий бахт

Ижтимоий тадқиқотчилар субъектив фаровонлик сўровномасини тарқатиб натижаларни ижтимоий иқтисодий аҳвол билан боғласалар, биологлар айна саволлар тўплами орқали олинган жавобларни биохимик ва генетик омилларга асосланиб ўрганадилар. Уларнинг олган натижалари эса ўта хайратланарлидир.

Биологларнинг фикрича бизнинг руҳий ва ҳиссий дунёмиз миллионлаб йиллар давомида ўзгариб борган эволюция натижасида юзага келган биохимик механизм томонидан бошқарилади. Бошқа барча руҳий ҳолатлар каби бизнинг субъектив фаровонлигимиз маош, ижтимоий муносабат ёки сиёсий ҳуқуқларимиз сингари ташқи параметрлар билан белгиланмайди. Балки у серотонин, допамин ва окситотсин каби турли хил биохимик моддалар, асаб толалари, нейронлар ва асаб тугунларининг мураккаб тизими орқали белгиланади.

Лотерея ютиш, уй сотиб олиш, мансабда кўтарилиш ва ҳаттоки ҳақиқий севгини топиш ҳам ҳеч кимни ҳеч қачон бахтли қилмайди. Одамларни фақатгина бир нарса – ўз танасида сезадиган ҳиссиёт бахтли қила олади. Яқиндагина лотереяда ютган ёки севгисини топган ва натижада хурсандчилигидан сакраётган одам аслида пул ёки севгилисининг чиройи сабабдан хурсанд бўлмапти, балки ўзининг қон томирларида оқаётган гормонларга ва миясининг турли соҳаларида маълумот алмашаётган электик сигналларга реакция билдирипти.

Афсуски ерда жаннат яратишга бўлган умидларимизни бир нарса чиппака чиқариши мумкин. У ҳам бўлса хурсандчилик даражасини маълум бир миқдорда ушлаб туришга мўлжалланган ички биохимик тизимимиздир. Хурсандлик борасида ҳеч қандай табиий танланиш мавжуд эмас. Ҳеч қандай ёлғиз бахтли одам ўлиб, унинг гени йўқолиб, иккита жаҳлдор ота-она яшаб қолган эмас. Бахт ва хафалик фақатгина турни яшаб қолиши ва кўпайишини таъминлашдаги роли учунгина эволюция жараёнида пайдо бўлган ва сақланиб қолинган. Балки эволюция бизни на жуда хурсандликка ва на жуда хафа бўлишга мослагани ажабланарли эмас. Эволюция бизни лаҳзалик лаззатдан баҳраманд бўлишимизни таъминлайди, аммо бу лаззат узокқа бормайди, ўрнини тез орада ёқимсиз ҳисларга бўшатиб беради.

Мисол учун эволюция эркакларга соғлом аёл билан жинсий алоқа пайтидаги лаззатланишни ўз генини давом эттиришга ундаш сифатида тақдим этади. Агар жинсий алоқа лаззатбахш бўлмаганда эди, жуда кам эркак унга мойиллик билдирмаган бўларди. Шунинг билан бир қаторда эволюция ёқимли ҳисларни тез орада босилишини ҳам таъминлайди. Агар жинсий роҳатланиш бир умрга давом этганида эди, бахтли киши овқатга қизиқиш йўқлигидан очидан ўлиб кетар ёки бошқа аёлларга қайтиб эътибор бермасди.

Баъзи олимлар инсон биохимиясини иссиқликка ва совуқ ҳавога қарамай бирдай тутиб турадиган хонада об-ҳавони кондиционерга ўхшатишади. Баъзан кичик ўзгаришлар бўлиши мумкин, лекин ҳарорат тез орада ўрнатилган даражага қайтади. Баъзи кондиционерлар 25 цельсий даражага қўйилган, баъзилари эса 20 даражага қўйилган. Худди шундай инсон бахтлилиги ҳам бир кишидан бошқасига фарқ қилади. Бирдан ўнгача бўлган шкалада оладиган бўлсак, айрим одамлар хурсандчиликка мойиллиги бор бўлиб туғиладилар. Уларнинг хурсандчилик индекси олти билан ўннинг ўртасида бўлиб, саккиз меъёрий ҳолат саналади. Бундай одамлар доим хурсанд бўлади. Ҳаттоки у катта бегона шаҳарда адашиб қолган бўлса ҳам, ҳамма пулини биржа савдоларида ютқизган бўлса ҳам ва қандли диабетини борлигини билганда ҳам доим кайфияти яхши бўлади. Баъзилар эса худди лаънатланганлардек хафаликка мойил бўлиб унинг хурсандлик индекси уч билан еттининг ўртасида бўлиб бешда меъёрлашади. Бундай одам жамиятда ўзига яқинлар орасида бўлса ҳам, лотереяда миллионлаб доллар ютиб олса ҳам ва спортчилар каби қоматга эга бўлса ҳам хафаликка мойиллигича қолаверади. Дарҳақиқат, бизнинг хафа дўстимиз эрталаб 50 миллион доллар ютиб олса, туш пайтигача ОИТСга даво топилганини, тушдан кейин Фаластин ва Исроил ўртасида умрбод тинчлик ўрнатилганини билса ҳам кечга бориб у ўзининг болаликдаги дўсти, хафаликни топади. Ташқи таъсир қай даражада бўлмасин, у еттинчи даражадан ортиқ хурсандликни ўзида ҳис қила олмайди. Унинг мияси шунчаки бу даражадан юқори дозани кўтаришга мослашмаган.

Бир лаҳза ўйлаб кўринг. Оилангиз, яқинларингиз ва дўстларингиз орасида нима бўлган тақдирда ҳам нисбатан юқори кайфиятда турадиган одам бор. Ёки аксинча уларга қандай қаромат кўрсатилса ҳам ҳеч ҳам хурсанд бўлмайдиганлар топилади. Биз ўйлаймизки, агар биз иш жойимизни ўзгартирсак, турмуш курсак, роман ёзишни тамомласак, янги машина сотиб олсак, ёки ипотека кредитини тўласак бағоятда хурсанд бўламиз деб. Лекин кўнглимиздаги нарсага эришганимиздан сўнг эса биз илгаригидан бахтлироқ эмаслигимизни кашф этамиз. Чунки машина сотиб олиш ёки роман ёзиш бизнинг биохимиямизни ўзгартира олмайди. Ундай ўзгаришлар маълум бир муддат кайфиятимизни кўтариши мумкин, лекин тез орада ҳаммаси аввалги ҳолига қайтади.

Қандай қилиб юқорида кўтарилган масалалар психологик ва ижтимоий ҳислатларга мос келади? Масалан оилали ёлғиз яшаётган одамдан бахтлироқ бўлади каби. Ушбу тадқиқот натижалари ва бахтлиликнинг сабаблари ўртасидаги робита тадқиқотчилар ўйлаганининг тескараси бўлиши мумкин. Тўғри оилали одамлар ёлғиз яшайдиганлардан бахтлироқ бўлишади, лекин бу дегани турмуш бахт чақиради дегани эмас. Балки бахт оила қуришга етаклар, аникроғи серотонин, допамин ва оксититсин оилани мустаҳкамлайди ва доимий муносабатлар яхши бўлишини таъминлайди. Кўпроқ хурсандлик биохимияси билан туғилган одамлар одатда бахтли ва ҳаётдан мамнун бўлишади. Бундай одамлар турмуш ўртоқ топишда қийналишмайди. Натижада уларнинг турмуш қуриш имконияти ошади. Уларда ажрим даражаси ҳам анчайин паст бўлади, чунки доимо депрессия ва норозилик кайфиятдаги

турмуш ўртоқдан бахтли ва қувноқ одам билан яшаш анча осон. Шундай қилиб, ўрта ҳисобда оилалилар ёлғиз одамларга нисбатан бахтлироқ бўлиши бор гап. Лекин ёлғиз аёл эри билан ярашган тақдирда ҳам ўзининг биохимияси туфайли аслида бахтли бўлолмайди.

Бунга қўшимча тарзда биологлар фақат бир ёклама фикрга эга эмаслар. Улар бахтлилик асосан биохимиянинг таъсирида шаклланишини таъкидлаган ҳолда, психологик ва ижтимоий омилларнинг ҳам ўз ўрни борлигини эътироф этадилар. Бизнинг руҳий кондиционеримиз олдиндан аниқланиб қўйилган жойларда бемалол ҳаракатланиши мумкин. Лекин маълум чегарадан юқорига чиқиш ёки пастга тушиш деярли имконсиздир. Турмуш қуриш ва ажрашиш икки чегара ўртасидаги ҳолатга таъсир кўрсатиши мумкин. Бешинчи даражадаги бахтлилик билан туғилган одам ҳеч қачон кўчага чиқиб рақсга тушмаса-да, кўнгилдагидек турмуш унинг бахтлилик даражасини вақти вақти билан еттинчи даражага кўтариб туриши мумкин ва ҳеч қачон учинчи даражага тушмаслиги ҳам мумкин.

Агар биз бахтлиликни биологик жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, тарихнинг ҳеч қандай аҳамиятли жиҳати йўқдек туйилади. Чунки кўпчилик тарихий воқеаларнинг бизнинг биохимиямизга ҳеч қандай таъсири йўқ. Тарих серотонин ишлаб чиқаришга ундовчи ташқи кучларга таъсир ўтказиши мумкин, лекин у доимий серотонин даражасига таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун одамларни бахтлироқ қилолмайди.

Ўрта асрлардаги француз деҳқонини ҳозирги кундаги парижлик банкир билан солиштирайлик. Деҳқон чўчкахонага яқин бўлган иситилмайдиган лойли кулбада яшаган бўлса, банкир эса ўзининг ҳашамдор Шампс Элисига қараган энг сўнги технологик гаджетлар билан жиҳозланган пентхаусига боради. Ўз-ўзидан биз ўйлаймизки, банкир деҳқонга нисбатан анча бахтлироқ деб. Аслида эса лой кулба, пентхаус ва Шампс Элиси бизни бахтли ёки бахтсизлигимизни белгиламайди. Бизни кайфиятимизни серотонин белгилайди. Қачонки ўрта асрларда яшаган деҳқон лой кулбасини қуриб битказганида унинг миясининг нейронлари серотонин миқдорини Х даражада ишлаб чиқарган. Парижлик банкир ўзининг пентхаусининг охириги суммасини тўлаганда худди шу миқдорда серотонин ишлаб чиқарилган. Мияга пентхауснинг лой кулбадан бир неча юз баробар қулайлигининг умуман аҳамияти йўқ. Айни дамдаги миядаги серотонин миқдоригина аҳамиятли. Натижада банкир лой кулбада яшайдиган бобокалонидан бахтлилик жиҳатидан ҳеч қандай устунликка эга эмас.

Бундай ҳолат нафақат маълум бир шахсларгагина тегишли, балки йирик жамоавий ҳодисаларда ҳам кўзга ташланади. Масалан француз инқилобинини олайлик, инқилобчилар қиролни қатл қилишди, деҳқонларга ер беришди, инсон ҳуқуқлари ҳақида бонг уришди, оқсуякларнинг қонуний устунлигини йўқ қилишди ва бутун Европага уруш очишди. Ваҳоланки уларнинг ҳеч бири французларнинг биохимиясини ўзгартирмади. Натижада инқилобнинг ҳамма сиёсий, ижтимоий, мафкуравий ва иқтисодий талотумларига қарамасдан инқилобнинг француз жамиятининг бахтлилигига таъсири жуда оз эди. Худди лотереяда ютуқ чиққан каби биохимикаси хурсандликка мойиллар

инқилобдан кейин ҳам олдин ҳам хурсандчиликка мойиллигича қолаверишди. Хафаликка ва норозиликка мойиллиги бор биохимия эгалари эса Робеспер ва Наполеон устидан ҳам худди Луи ХВИ ва Мария Антоинетте устидан қилгани каби шикоят қилишда ва норозилигини намойиш қилишда давом этаверишди.

Агар ҳеч қандай бахт олиб келмас экан, агар одамлар аввалгидан бахтлироқ бўлишмаган экан, унда француз инқилобининг нима кераги бор эди? Шунча тўполон, даҳшат, хунрезлигу урушнинг нима кераги бор эди? Биологлар Бастилляни ҳеч қачон бузмас эдилар. Одамлар сиёсий инқилоб ёки ижтимоий ислоҳот одамларни янада бахтлироқ қилади деб ўйлашади, бироқ биохимия уларни ҳар сафар чув тушираверади.

Фақатгина битта тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳодиса бор. Бугун биз тушуниб етјпмизки, бахтга етишишнинг калити биохимиямизни ўзгартиришдир. Биз вақтимизни сиёсатга, ижтимоий ислоҳотларга, давлат тўнтаришларига ва мафкураларга сарфламасдан унинг ўрнига инсониятнинг ягона бахтли қилувчи нарса, яъни инсон биохимиясини бошқаришни ўрганишимиз лозимдир. Агар биз миллиардлаб доллар пулни ўз миямизнинг биохимиясини тушунишга ва уни тўғри бошқаришга сарфласак, ҳеч қандай инқилобларсиз инсониятга ҳеч қачон ҳис этмаган бахтни Ҳадия қилишимиз мумкин бўларди. Масалан Прозак режимини ўзгартирмайди, балки шунчаки серотонин миқдорини ошириш билан одамларни депрессиядан халос этади, кўяди.

Ҳеч нарса янги давр шиори бўлмиш: “бахт пул, ижтимоий мавқе, бақувват статус, пластик жарроҳлик ва чиройли уйлардадир ” деганлари мутлақо ҳақиқатга асосланмаган. Юқоридагиларни ҳеч бири бахт олиб келмайди. Доимий бахт фақат серотонин, допамин ва оксититсиндан келади.

Алдоус Ҳукслейнинг буюк тушкунликнинг чўққисида, 1932 – йилда ёзилган утопик кўркмас янги дунё асарида бахт олий кадрият ўлароқ полиция ва сайловларнинг ўрнини боса оладиган олий кадрият ва психиатрик дори сифатида қўлланилади. Ҳар куни ҳар бир одам “сома” деб номланган синтетик дорини қабул қилади. У дори одамларнинг иш самарадорлигини сақлаган ҳолда уларни кундалик бахтлилигини таъминлайди. Бутун сайёрани бошқарадиган Дунё Давлати эса ҳеч қачон урушлардан, инқилоблардан, иш ташлаш ёки митинглардан чўчимайди, чунки ҳамма қандай бўлишдан қатъий назар ўзининг ҳозирги ҳолатидан мамнун ва шод. Ҳукслейнинг келажакни тасвирлаши Жорж Оруэллнинг 1984 асарида анча муаммолироқ туйилади. Аксарият китобхонларга Ҳукслей тасвиридаги дунё кўрқинчли туйилади. Лекин уни нимага бундайлигини тушунтириш қийин. Ҳамма ҳар вақт хаётидан мамнун бўлса, нимаси уни кўрқинчли бўлиши мумкин?

Ҳаётнинг мазмуни

Ҳукслейнинг таҳликали дунёси бахтлилик лаззат демакдир деган биологик қарашга асосланган. Бахтли бўлиш танадаги ҳузурбахш ҳиссиётни туйишнинг айна ўзидир. Бизнинг биохимиямиз бундай ҳиссиётнинг давомийлигини чегаралаб турар экан, одамларда бахтлиликнинг юқори

чўққисини ушлаб туришнинг ягона йўли биохимик тизимни бошқаришда кўрилади.

Лекин бахтнинг таърифи олимлар орасида баҳсга сабаб бўлмоқда. Иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофоти совриндори Даниел Кахнеман одамлардан одатий иш кунини ҳар бир қисмини айтиб беришини ва куннинг қайси қисмида у ўзини бахтли ҳис қилдию, қайси қисмида ёқимсиз ҳис туйганини билдиришини сўради. У аксарият одамларнинг ўз ҳаётлари ҳақидаги қарашларида парадокс борлигини кашф қилди. Мисол тариқасида фарзанд катта қилишни оладиган бўлсак, Кахнеманнинг аниқлашича, ёқимли ва ёқимсиз лаҳзаларни санаганда фарзанд катта қилиш ёқимсиз ҳолат сифатида кўрилди. У таглик алмаштириш, идишларни ювиш, болани инжиқликларини кўтариш каби ёқимсиз вазифалардан иборатдир. Аммо аксарият ота – оналар таъкидлашдики, фарзанд уларнинг бахтлилигининг асосий манбайидир. Бу дегани одамлар ўзларига нима яхшилигини билишмайдими?

Бу битта қараш ҳолос. Бошқа бир қарашга кўра бахт дегани инсон ҳаётида фақат ёқимли лаҳзаларнинг ёқимсиз лаҳзалардан кўплигигина эмас, балки қай даражада мазмунли ишлар қилганлиги ва ҳаёти маънога эга эканлиги билан белгиланади. Бахтлиликда муҳим ақлий ва этик компонент бор. Бизнинг қадриятларимиз ҳаммасини белгилаб беради. Фарзанд ўстириш мисолида қадриятлар бизни “диктатор бола кўлидаги бечора кул” ёки “янги ҳаётни ўстираётган ғамхўр инсон” сифатида ҳис қилишимизга ёрдам беради. Ҳаётда қанчалик қийинчилик бўлмасин у мазмунли бўлса, инсон ўз ҳаётдан қониқиш ҳосил қилади. Агар ҳамма шароитлари зўр бўлсаю ҳаёт мазмунсиз бўлса, бу ҳаёт азоб ичида яшалган бўлади. Гарчи тарих давомида ҳар хил маданиятлар деярли бир хил лаззат ва азобни туйган бўлса-да, улар талқин этадиган ҳаётнинг мазмуни турличадир. Агар шундай бўлса, бахтлиликнинг тарихи биологлар ўйлаганидан анча чалкаш чиқади. Аслида бу камтарликни ёқламайдиган хулосадир. Агар ҳаётнинг ҳар бир дақиқасини таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, ўрта аср одамлари учун ҳаёт ўта оғир кечган дея оламиз. Бироқ улар ўлимдан кейин доимий фараҳбахш ҳаётга ишонишини ҳисобласак, улар ҳаётини ҳозирги секуляр одамлардан мазмунли деб билишган. Ҳозирги секуляр одамлар ҳаёти тугаганидан кейин ҳеч нима кутмайдилар ва охиратнинг маъноси йўқолган десак бўлади. Агар “ҳаётингиздан қониқиш ҳосил қиласизми?” деб сўралганида эди, ўрта асрларнинг одамлари субъектив фаровонлик тестида юқори балл олган бўлишар эди.

Демак бизнинг ўрта асрлардаги аждодларимиз ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида умумий иллюзияга ишонганликлари учун бахтлироқ бўлишганми? Ҳа. Агар уларнинг фантазияларини ҳеч ким бузмаса, нимага бахтли бўлишмас эканлар? Илмий томондан айтадиган бўлсак, инсон ҳаёти ҳеч қандай маънога эга эмас. Одамлар ҳеч қандай мақсади ва вазифаси йўқ бўлган эволюцион жараёнининг шунчаки ҳосилдир. Бизнинг ҳаракатларимиз ҳеч қандай илоҳий самовий режанинг бир қисми эмас. Агар эртага эрталаб ер сайёраси портлаб кетадиган бўлса, коинот ўзининг йўлидан оғишмай кетаверади. Ушбу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, инсон субъективлиги ҳам қолиб кетмайди,

чунки одамлар таърифлайдиган ҳар қандай ҳаётдаги маъно – бу шунчаки иллюзия холос. Ўрта асрлардаги одамлар ўзлари учун кашф қилган ҳаёт мазмуни бу ҳозирги гуманист, миллатпараст, капиталист топадиган ҳаёт мазмуни каби иллюзиядир. Ўзининг ҳаётини одамларнинг билимини оширишга хизмат қилиб мазмунли қиладиган олим, ўз ҳаёт мазмунини юртнинг тинчлигини ҳимоя қилишда кўрадиган аскар ва янги компания тузиб, уни ривожлантириш учун ҳаётини тиккан тадбиркор буларнинг ҳаммаси худди ўрта асрлардаги қадимги қўлёмаларни ўрганиб ўз ҳаётига мазмун истаган роҳиб, салиб юришига борган рицар ва черков қурдирган дворян каби иллюзиядир.

Шундай қилиб эҳтимол кимдир ҳаёт мазмунини жамоавий иллюзияга ўз иллюзиясини сингдириш билан боғлиқдир. Менинг ҳаёт мазмуни атрофимдагиларники билан битта чизикдалиги менга бахтиёрлик ҳиссини тақдим этар.

Бу анчайин хафа қиладиган хулоса бўлиб чиқарди. Ҳақиқатан ҳам бахтлилик ўзимизнинг иллюзиямизга боғлиқмикан?

Ўзликни англаш

Агар бахтлилик ёқимли ҳиссиётларни туйиш бўлса, бахтли бўлиш учун ўзимизнинг биохимик тизимимизни қайта қуришимиз керакдир? Агар бахтлилик ҳаёт мазмунини топишдан иборат бўлса, биз ўзимизни кўпроқ иллюзия билан чалғитишимиз лозимдир? Балки яна учинчи муқобил бордир?

Юқорида таъкидланган иккала қараш ҳам субъектив ҳисларнинг бир кўринишидир(лаззат ва мазмун). Ва одамларнинг бахтлилигини билиш учун биз фақатгина уларни қай даражада бахтли ҳис қилишларини сўрашимиз керак холос. Аксарият одамларга бу мантиқан тўғри бўлиб туйилади, чунки бизнинг давримиздаги устун дин бу либерализмдир. Либерализм шахсларнинг субъектив ҳиссиётини муқаддаслаштиради. Либерализм бундай ҳисларни ўзини бошқаришнинг асосий манбаси деб билади. Нима яхшию нима ёмон, нима чиройлию нима хунук, нима бўлиши керагу нима бўлиши керак эмас каби нарсалар фақатгина ҳисларимиз томонидан белгиланиши лозим.

Либерал сиёсат сайловчилар энг яхшиларини билади деган ғоя устига қурилгандир. Ҳеч қандай катта оғанинг нима бизга яхшию нима ёмонлигини айтиб туришига ҳожат йўқ. Либерал иқтисодиёт мижоз ҳамиша ҳақ деган принцип устига қурилган. Либерал санъат эса гўзаллик кўрувчининг кўзларида деган принцип бўйича ишлайди. Либерал мактаб ва университетларда талабалар ўзлари мустақил фикрга эга бўлишга ўргатилади. Тижоратчилар “фақатгина татиб кўр” деган шиор билан ҳаракатланишади. Жангари кинолар, сахна драмалари, сериаллар, романлар ва жозибатор поп кўшиқлар доим бизга қуйидагиларни таъкидлаб келади: “Ўзлингча қол”, “Ўзингни эшит”, “ Юрагингга қулоқ сол” каби. Жан Жак Руссо ушбу қарашни “Нимани яхши деб билсам – демакки у яхши. Нимани ёмон деб билсам – демакки у ёмон.” Деб таърифлайди.

Ёшлигидан мазкур шиорлар билан ўсган одам ишонадики, бахт бу субъектив ҳиссиёт ва ҳар бир шахс қай даражада бахтли ёки бахтсизлигини

ўзи яхши билади. Лекин бундай қараш фақат либерализмгагина хос холос. Тарих давомидаги кўпгина динлар ва мафкуралар яхшиликни, гўзалликни ва нима бўлиши кераклигини белгилаб беради. Улар оддий одамларнинг ҳиссиётлари ва афзалликларига шубҳа билан қарайдилар. Делфидаги Аполло ибодатхонасига киришда қуйидаги битиклар ёзилган “Ўзлигингни англа”. Бу сўзлар оддий одамларнинг аксарияти ўзини тўлиқ англаб етмаган, натижада ҳақиқий бахтни ҳам топа олмаган. Фрейд шу фикрга қўшилган бўларди эҳтимол, шунингдек насроний теологлари ҳам.

Авлиё Паул ва авлиё Августин ҳам жуда яхши билишарди агар одамларга қўйиб берилса, улар Худога ибодат қилишдан кўра жинсий алоқа қилишни афзал кўришади. Бу жинсий алоқани инсон бахтиёрлигига калит эканлигининг исботими? Паул ва Августинга кўра ундай эмас. Жинсий алоқа одам нақадар гуноҳга мойиллигини исботлайди ва у шайтонга жуда тез алданади. Насронийлик нуқтаи назаридан қаралса, кўпчилик одамлар героинга мубтало бўлган одамлардан фарқ қилмайдилар. Тасаввур қилинг психолог гиёҳванд моддаларга ружу қўйганлар орасида бахтлилик ҳақида сўровнома ўтказмоқда. Кейин тадқиқот натижасида ҳар бир иштирокчи маълум миқдордаги гиёҳванд модда қабул қилсагина ўзини бахтиёр ҳис қилишини айтмоқда. Тадқиқотчи героинни бахтнинг калити деб мақола чоп эттириши мақсадга мувофиқ бўладими?

Ҳиссиётларга берилмаслик фикри насронийлик билангина чекланиб қолмаган. Ҳеч бўлмаганда ҳиссиётларнинг қадри ҳақида гап кетганда, ҳатто Дарвин ва Доукинс ҳам авлиё Паул ва авлиё Августин билан бир ёқадан бош чиқариши мумкин. Худбин ген назарияси кўра, табиий танланиш бошқа организмларни мажбур қилгани каби одамларни ҳам, нима қилиб бўлса-да, ўз генларини давом эттиришга ундайди. Ҳатто у шахснинг ўзига салбий таъсир ўтказса ҳам. Кўпчилик эркаклар ҳаётини каттиқ меҳнатда, хавотирда бошқалар билан уришиб, тортишиб яшаб ўтқазишади, ваҳоланки улар тинч хотиржам яшашлари ҳам мумкин эди. Бунинг сабаби уларнинг худбин генлари шундай йўл тутишга ундайди. Шайтонга ўхшаб ДНК одамларни лаззат бериш орқали ўз таъсирига ўтқазади.

Аксарият дин ва фалсафий қарашлар либерализмга қараганча анча ўзгача ёндашувларни танлаганлар. Буддизмнинг қарашлари эътиборга моликдир. Буддизм бахтлилик саволини барча бошқа инсоний диёнатлардан муҳимроқ эканлигини таъкидлайди. 2500 йилдан бери буддистлар бахтлиликнинг сабаби ва моҳиятини ўрганиб келишмоқда. Шунинг учун буддизмни ўрганиш ҳам фалсафий жиҳатдан ҳам медитация жиҳатдан кўплаб олимларни қизиқтириб келмоқда.

Буддизм бахтлиликнинг таърифига биологик ёндашувни танлаган, яъни бахтлилик одамнинг ички кечинмаларидан келиб чиқади. Ташқи ҳаётнинг унга таъсири чеклангандир. Лекин ички кечинмаларга келадиган бўлсак, буддизм анча фарқли қарашларга эга экан.

Буддизмга кўра, одамлар бахтни ёқимли ҳислар билан аниқлайдилар ва азиятни ёқимсиз ҳислар билан аниқлайдилар. Натижада одамлар ўзларининг нима ҳис қилишларининг нақадар муҳимлигини таъкидлайдилар ва янада

кўпроқ лаззатланишга ўч бўлиб бораверишади. Оғриқдан эса қочишади. Ҳаётимизда нима қилсак ҳам, хоҳ у кичиётган оёқни қашлаш бўлсин, хоҳ ўтирган ўриндиғимизни ўзгартириш ёки жаҳон урушини олиб бориш, уларнинг барчаси ёқимли ҳиссиёт олиш учун қаратилгандир.

Буддизмга кўра, муаммо эса бизнинг ҳар лаҳзада ўзгариб турадиган ҳисларимиздандир. У худди океан тўлқинларига ўхшайди. Агар беш минут олдин мен роҳатланишни ҳис қилаётган бўлсам ва бундан мамнун бўлсам, ҳозирга келиб бу ҳислар йўқолган бўлиши мумкин ва мен жуда хафа ва ташлаб кетилган ҳис қилишим мумкин. Демак, агар доимий роҳатни ҳис қилишни хоҳласам, мен уни қувиб юришим керак. Аини вақтда ёқимсиз ҳислардан қочишим керак. Ҳаттоки мен бирор нарсага эришган тақдиримда ҳам, бошқа муаммо чиқмаслиги учун ҳаммасини қайтадан бошлашим керак.

Бундай қисқа муддат давом этадиган лаззатга эргашишнинг нима кераги бор? Нимага пайдо бўлиши билан йўқоладиган нарсага эришиш учун бунчалик жон куйдиришимиз керак? Буддизмга кўра, азобланишнинг илдизи оғриқ ҳисси ҳам, хафалик ҳам, ҳатто мазмунсиз ҳаёт кечириш ҳам эмас. Азобланишнинг асл сабаби лаҳзавий роҳатга эришиш учун ўша лаҳзани мунтазам қувиб юришдир. У эса ўз навбатида бизни доим асабий қилиб қўяди ва ҳеч нарсадан қониқиш ҳосил қилолмаймиз. Бундай қувишнинг ортидан миямиз ҳеч қачон дам ололмайди. Ҳаттоки лаззатланишни ҳис қилса-да, у хотиржам эмас, чунки бундай роҳат тез орада тамом бўлишидан кўрқади ва аини ҳиссиёт йўқолмаслигини, аксинча кучайишини жон дилидан хоҳлайди.

Одамлар қачон азоблардан холис бўлишади? Қачонки у ёки бу ёқимли ҳисни туйганларида эмас, балки ўзларининг ҳиссиётларининг ўзгарувчан табиатларини тушуниб, улар ҳақида ўй суришни тўхтатганларида азобдан холи бўлишади. Бу буддистларнинг медитациясининг асл моҳияти ҳисобланади. Медитацияда сиз танангизни ва ақлингизни кузатишингиз, ҳиссиётларингизни тўхтовсиз кўтарилиб тушишига гувоҳ бўлишингиз ва уларни кетидан қувиб юриш қай даражада бемаъни машғулот эканини англашингиз даркор. Қачонки ёқимли ҳисларни қувиш тўхтаса, ақл дам олади, равшанлашади ва қониқиш ҳосил қилади. Роҳат, жаҳл, зерикиш ва хоҳиш каби ҳиссиётлар пайдо бўлади ва ўтиб кетади. Лекин сиз айнан бир ҳиссиётни туйишни хоҳлашингизни тўхтатсангиз, уларни ўз ҳолича қабул қила оласиз. Сиз келажакда туйишингиз мумкин бўлган қандайдир ҳиссиётлар хаёли билан эмас, ҳозирги ҳиссиёт билан яшай бошлайсиз.

Бундай сценарий шунақанги теранки, ҳозирда маълум бир ҳиссиётларни қувиб юрган одам уни тасаввур ҳам қилолмайди. Бу худди денгиз соҳилида ўн йиллаб туриб маълум бир “яхши” тўлқинларни тутиб қолиб қайтиб кетишига тўсқинлик қилиш ва бир вақтни ўзида соҳилга яқинлашаётган “ёмон” тўлқинларни қайтаришга уринаётган одамга ўхшайди. Кундан кунга у одам соҳилга туриб ҳеч қандай фойда бермайдиган иш билан шуғулланиб ақлдан озай дейди. Вақтики келиб, у соҳилга шунчаки ўтиради ва тўлқинларни хоҳлаган тарафига келиб, хоҳлаган тарафига кетишига монелик қилмайди. Қандай хотиржамлиг-а?!

Бундай фикрлар замонавий либерал маданиятига шу даражада бегонаки, ҳозирги замон ғарб ҳаракатлари буддизмнинг мазкур заковатини учратиб қолсалар, тезда уни либерал атамалар билан атай бошлайдилар ва ўзларига ўгирадилар. Ҳозирги замон фикрловчилари тез-тез “Бахт ташқи шароитларга боғлиқ эмас. У фақат биз ичимизда нимани ҳис қилишимизга боғлиқ. Одамлар бойлик, мавқе сингари ташқи муваффақиятлардан воз кечиб, ўзларини ички ҳиссиётлари билан боғланишлари керак” дея баҳс юритишади. Қисқарок қилиб айтганда, “Бахт ўз ичимиздан бошланади.” Айнан мана шу нарсани биологлар ҳам таъкидлашади. Лекин бу будданинг айтганларига унчалик ҳам мос келавермайди.

Бахт ташқи омиллар таъсиридан холи деганда Будда замонавий биология ва ҳозирги маданият билан қарашлари бир бўлиши мумкин, лекин унинг муҳимроқ ва теранроқ заковати ҳақиқий бахт ички ҳиссиётлардан ҳам мустақил бўлади деганидир. Дарҳақиқат қанчалик биз ҳиссиётларимизга аҳамият берсак, шунчалик уларга бўлган хоҳиш кучаяди ва кўпроқ азият чека бошлаймиз. Будданинг тавсияси фақатгина ташқи муваффақиятиларни қувишни бас қилиш эмас, балки ички ҳиссиётларни ҳам жиловлай билишдадир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, фаровонлик сўровномаси бизнинг субъектив ҳиссиётларимиз ёрдамида фаровонлигимизни аниқлаб бериши мумкин. Шунингдек маълум бир ҳолатда қайсидир ҳиссиётни туйишга бўлган интилишимизни ҳам кўрсатиб бера олади. Ваҳоланки буддизм каби анъанавий фалсафий қарашлар ва динлар бахтни калити сиз ўзингиз ҳақингизда билишда, ўзингизни тушунишда ва ким эканлигингизни аниқлашда деб билишади. Аксар одамлар ўз ҳислари, фикрлари ёқтиришлари ва ёқтирмасликларини нотўғри талқин этишади. Улар жазавага тушганида “менинг жаҳлим чикди, бу мени ғазабим” деб ўйлашади ва ҳаётини бир хил ҳиссиётлардан қочиб бошқа бир ҳиссиётларини қувиб ўтказишади. Улар ҳеч қачон у ҳиссиётлар уларники эмаслигини тушунишмайди ва маълум бир ҳисни қувиб юриш уларни бахтсизлик исқанжасига ташлаб қўйиши билмайди.

Агар шу рост бўлса, бизнинг бахтлиликнинг тарихи ҳақидаги барча тушунчаларимиз хато бўлиши мумкин. Балки одамларнинг кутганлари рўёбга чиқиши ва уларнинг ёқимли ҳислардан бахраманд бўлиши муҳим эмасдир. Асосий савол одамлар ўзлари ҳақида ҳақиқатни билишадими йўқми. Одамлар ушбу ҳақиқатни қадимги овчи-термачилар ва деҳқонларга қараганда яхшироқ тушунишлари учун қандай исботимиз бор?

Олимлар бахтлиликнинг тарихини ўрганишни бошлаганларига бор йўғи бир неча йил бўлди. Улар ҳамон қайси тадқиқот методи тўғрилигини ўрганишяпти ва дастлабки фаразларни илгари суришяпти. Ҳали аниқ хулосага келишга ва эндигина бошланган баҳсни тугатиб қўйишга жуда эрта. Энг муҳим нарса иложи борича кўпроқ турлича ёндашувлардан фойдаланиш ва одамлардан тўғри савол сўраш.

Аксарият тарихий китоблар буюк мутафаккирларнинг ғояларига, жангчиларнинг жасоратига, авлиёларнинг хайрига ва санъат аҳлининг ижодкорлигига эътиборини қаратади. Улар бизга ижтимоий тузилманинг

кўтарилишию бостирилиши, турли хил империяларнинг чўққига эришишинию йиқилиши, технологияларнинг кашф этилишию уларнинг ёйилиши ҳақида маълумотлар беради. Ваҳоланки юқорида айтилган ходисаларнинг одамларнинг бахтлилигига ёки азият чекишига қай даражада таъсир ўтказганлиги ҳақида ҳеч нарса демайдилар. Бу тарихни тушунишимиздаги энг катта камчилик бўлиб, биз уни тўлдиришни ҳозирданок бошлашимиз керак.

20.

*Homo Sapiens*нинг охири

Бу китоб тарихни физикадан кимёнинг, кимёдан биологиянинг узлуксиз эканлигини кўрсатувчи босқич сифатида кўрсатиш билан бошланган эди. Сапиенс барча тирик мавжудотларни бошқарувчи физика қонулари, кимё реакциялари ва табиий танланиш жараёнларига бўйсунувчи субъектдир. Табиий танланиш *Homo Sapiens*ни бошқа организмларга қараганда анча катта ўйин майдони билан таъминлаши мумкин эди, аммо майдон ҳанузгача ўз чегараларига эга. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ўзларининг саъй-ҳаракатлари ва ютуқларидан қатъий назар, Сапиенслар биологик жиҳатдан белгиланган чегаралардан халос бўлишга қодир эмаслар.

Аммо XXI асрнинг бошида бу ҳақиқат ўзгарди: *Homo Sapiens* чегаралардан ошиб ўтди. Эндиликда табиий танланиш қонунларини бузиш, уларни билим билан андозаланган қонунларга алмаштириш бошланди.

Тахминан 4 миллиард йил давомида сайёрадаги ҳар бир организм табиий танланиш асосида ривожланиб келди. Улардан бирортасини ҳам онгли мавжудот яратмаган. Масалан, жирафа, илоҳий мавжудотнинг инжикликлари сабаб эмас, балки архаик жирафалар ўртасидаги рақобат туфайли узун бўйинга эга бўлди. Бўйинлари узунроқ бўлган прото-жирафалар қисқароқ бўйинга эгаларига қараганда кўпроқ озиклана олиш имкониятига эга бўлишди ва шунинг учун ўзларидан кўпроқ насл қолдиришди. Ҳеч ким “Узун бўйин дарахтлар тепасидаги баргларга етиш имкон беради. Келинглари уни чўзамиз” деб айтмаган. Дарвин назариясининг гўзаллиги шундаки, жирафаларнинг қандай қилиб узун бўйинларга эга бўлишганини тушунтириш учун ақлли дизайнерни орага тиқиш шарт эмас.

Миллиардлаб йиллар давомида онгли андозалаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, сабаби бу нарсаларни андозаловчи онгнинг ўзи йўқ эди. Яқин вақтларгача ер юзасида ягона тирик мавжудот бўлган микроорганизмлар ҳайратланарли қобилиятларга эгадирлар. Битта турга мансуб микроорганизм генетик кодни бутунлай бошқа турдан ҳужайрасига киритиши ва шу тариқа антибиотикларга қаршилик каби янги қобилиятларга эга бўлиши мумкин.

Аммо, биз шуни яхши биламизки, микроорганизмлар онгга эга эмас, ҳаётда мақсадлари йўқ ва келажакни режалаштириш қобилиятига ҳам эга эмаслар.

Баъзи босқичларда жирафалар, дельфинлар, шимпанзелар ва неандерталлар каби организмлар онг ҳамда келажакни режалаштириш қобилиятини ривожлантирдилар. Аммо неандертал паррандалар шунчалар семиз ва секин ҳаракат қиладиган бўлсинки оч қолганимда бир сакраб тутиб олай деб хаёл сурган тақдирда ҳам уларда бу нарсани рўёбга чиқариш учун ҳеч қандай имкон бўлмаган. Улар табиий равишда танланган қушларни овлашга мажбур бўлишган.

Эски тартибдаги биринчи истисно тахминан 10,000 йил олдин, қишлоқ хўжалиги инқилоби даврида пайдо бўлди. Семиз ва секин ҳаракатланадиган товукларни орзу қилган Сапиенс, агар улар энг семиз товукни энг секин хўроз билан чатиштирсалар, улардан олинган баъзи насллар ҳам семиз, ҳам секин бўлишини аниқладилар. Агар сиз бу наслларни яна бир-бири билан чатиштирсангиз, семиз ва секин паррнадалар зотини яратишингиз мумкин бўларди. Бу худо томонидан эмас, балки инсон томонидан ақл воситасида яратилган табиатга номаълум бўлган товуклар пойгаси эди.

Шундай бўлса-да, ҳар қандай қудратли маъбуд билан солиштирганда *Homo Sapiens*да яратиш маҳорати чекланган эди. Сапиенслар товуклар учун нормал бўлган табиий танланиш жараёнини тезлаштириш ёки айланиб ўтиш учун наслчилик чатиштиришларидан фойдаланишлари мумкин эди, аммо улар ёввойи товукларнинг генетик фондида бўлмаган мутлақо янги хусусиятларни бу фондга кирита олмадилар. Бир маънода, *Homo Sapiens* ва товуклар ўртасидаги муносабатлар табиатда ўз-ўзидан пайдо бўлган кўплаб бошқа симбиёттик муносабатларга ўхшаш эди. Худди қўнғизлар ёрқин рангларда гулловчи ўсимликлар кўпайишига сабаб бўлгандек сапиенслар ҳам товукларнинг семиз ва камҳаракат бўлиб ривожланишларига ўзига хос селектив босим ўтказди.

Бугунги кунда, 4 миллиард йиллик табиий танланиш режими бутунлай бошқа чақириқларга дуч келмоқда. Дунё бўйлаб кўплаб лабораторияларда олимлар тирик мавжудотларни яратишмоқда. Улар юзсизларча организмларнинг ўзига хос хусусиятлари ва табиий танланиш қонунларини бузмоқдалар. Эдуардо Кас, бразилиялик био-рассом 2000 йилда янги санъат асарини - яшил товланувчи қуённи яратишга қарор қилди. Кас француз лабораторияси билан боғланиб, ўзи хоҳлаётган ярқироқ қуённи яратиш учун тўлов таклиф қилди. Француз олимлари оддий оқ қуённинг эмбрионини олиб, унинг ДНКсига яшил нур сочувчи медуза генини экишди ва натижа... Жаноб учун яшил товланувчи қуён тайёр. Кас қуённи Алба деб атади.

Табиий танланиш қонунлари орқали Албанинг пайдо бўлишини тушунтиришнинг имкони йўқ. У онг билан яратилган мавжудотдир. У, шунингдек, келажакдаги ишларнинг даракчиси ҳамдир. Агар Албада жамланган потенциал бутунлигича юзага чиқарилса (унгача одамзод ўзини ўзи йўқ қилиб юбормаса) - Илмий инқилоб шунчаки бир тарихий инқилобдан анча устунроқ эканлигини исботлайди. Бу ер юзида ҳаёт пайдо бўлганидан бери энг муҳим биологик инқилоб бўлиши мумкин. 4 миллиард йиллик табиий танланишдан сўнг, Алба ҳаётни онг билан бошқариладиган янги космик даврнинг бўсағасида турибди. Агар бу рўй берса, бутун инсоният тарихи шу пайтгача ҳаёлпарастлик билан ҳаёт ўйинининг устидан ғалаба қилган тажриба ва шогирдлик жараёни сифатида қайта талқин қилиниши мумкин. Бундай жараённи минг йиллар давомида инсон нуқтаи назаридан эмас, балки миллиард йиллар давомида космик нуқтаи назардан тушуниш керак.

Дунё бўйлаб биологлар мактабларда Дарвин эволюцияси таълимотига қарши ва биологик мураккаблик барча биологик тафсилотларни олдиндан ўйлаб топган яратувчи бўлиши кераклигини тасдиқловчи онгли яратувчилар ҳаракати билан курашмоқда. Биологлар ўтмиш борасида ҳақлар, аммо келажакда онгли яратувчи тарафдорлари ҳақ бўлиб чиқишлари мумкин.

Бу нарсаларни ёза туриб табиий танланишни онгли яратиш билан алмаштириш учта усулнинг ҳар қандай усулида амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб қолдим:

- 1) биоинжиниринг;
- 2) киборгларни яратиш (киборглар - бу органик ва ноорганик қисмларни бирлаштирган тирик мавжудотлар)
- 3) ноорганик ҳаётни яратиш.

Инсонлар ва сичқонлар ҳақида

Биоинжиниринг - бу биологик даражага одамнинг Эдуардо Кацнинг бадий ёндашуви каби баъзи олдиндан ўйланган маданий ғояни амалга ошириш учун организмларнинг шакли, имкониятлари, эҳтиёжлари ёки истакларини ўзгартиришга қаратилган қасддан аралашishi (масалан, генни киритиш).

Ҳозирда Биоинжиниринг янгилик эмас аслида. Одамлар ундан минг йиллар давомида ўзларини ва бошқа организмларни ўзгартириш учун фойдаланиб келишган. Оддий мисол - бу кастрация. Одамлар буқаларни юввошроқ ва омоч тортишда осонроқ фойдаланиш учун уларни 10 000 йил давомида бичиб келишган. Шунингдек, одамлар султонларнинг харамини

ишонч билан топшириш мумкин бўлган амалдорлар ҳамда жозибали овозга эга сопрано қўшиқчиларини яратиш учун ўзларининг ўспиринларини кастрация қилишган.

Аммо организмларнинг ҳужайравий ва ядровий даражада ишлаши хусусида эришилган сўнгги ютуқлар илгари тасаввур қилиб бўлмайдиган имкониятларни очди. Масалан, бугунги кунда биз эркакни нафақат кастрация қилишимиз мумкин, балки жарроҳлик ва гормонал муолажалар орқали унинг жинсини ҳам ўзгартира оламиз. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. 1996 йилда газеталар ва телевидениеда қуйидаги фотосурат пайдо бўлганидаги ҳайрат, жирканиш ва ҳаяжонни тасаввур қилинг:



Олимлар елкасида сигирнинг тоғай ҳужайраларидан ясалган “қулоқ” ўстирган сичқон. Бу Стадел горидаги шер одам ҳайкалининг акс-садоси. Ўттиз минг йил олдин, одамлар турли хил турларни бирлаштириши ҳақида ўйлай бошлашган. Бугунга келиб улар тасаввур қилинган химераларни ишлаб чиқаришлари мумкин.

Йўқ, бу фотошоп эмас. Бу Олимлар елкасига сигир тоғай ҳужайрасини ўрнатган сичқоннинг ҳақиқий сурати. Олимлар янги тўқима ўсишини назорат қилиб, уни инсон қулоғига ўхшаш нарсага айлантиришга муваффақ бўлишди. Тез орада бу жараён олимларга одамларга жойлаштириладиган сунъий қулоқларни ишлаб чиқаришга имкон беради.

Генетика муҳандислиги билан янада ҳайратланарли ишларни амалга ошириш мумкин, шунинг учун у этик, сиёсий ва мафкуравий масалаларни кўтаради. Ва фақатгина художўй монотеистлар эмас, балки оддий одамлар ҳам Худонинг ролини бузмаслик керак деб айтмоқдалар. Ўзларини атеист деб

сановчилар эса олимларнинг табиат ролини бажаришлари мумкинлиги борасида кўпам ҳайратга тушмадилар. Ҳайвонлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш фаоллари лаборатория ҳайвонларининг генетик муҳандислик экспериментларида ва уларнинг эҳтиёжлари ва истакларини тўлиқ инобатга олмаган ҳолда яратилган ферма ҳайвонлари учун етказилган азобларни қоралашади. Инсон ҳуқуқи ҳимоячилари эса бизни кулларга айлантириши мумкин бўлган суперменлар яратилишидан кўрқувга тушмоқдалар. Иеремия(?)чилар кўрқув билмас аскарлар ва итоаткор ишчиларни клонлаштирадиган био-диктатуранинг апокалиптик воқелигини башорат қилмоқдалар. Хулоса шундан иборат: генларни бошқариш бизга шу даражада кўп имкониятларни бердики, бизнинг генларни ўзгартира олиш қобилиятимиз бу қобилиятдан оқилона ва узоқни кўра билиб фойдалана олиш қобилиятимиздан ҳам ошиб кетди.

Натижада, биз ҳозирда ген муҳандислиги имкониятларининг атиги бир қисминигина ишлатмоқдамиз. Ҳозирда тажрибаларда фойдаланилаётган организмларнинг аксарияти энг аҳамиятсиз сиёсий эътирозларга эга ўсимликлар, замбуруғлар, бактериялар ва ҳашаротлардир. Масалан инсон ичагида симбиётлик равишда яшайдиган (ва ичакдан чиқиб кетганда ўлимга сабаб бўлувчи инфекцион касаллик тарқатиб газета сарлавҳаларига тушадиган) *E. coli* бактериялари биоёқилғи яратиш учун генетик ўзгартирилган. Диабетни арзонроқ даволаш учун *E. coli* ва бошқа кўплаб замбуруғ турлари инсулин ишлаб чиқаришга мослаштирилган. Арктика балиқларидан олинган ген картошка ичига киритилиб, ўсимликнинг совуққа чидамли нави яратилди.

Бир неча сутэмизувчилар ҳам генетик тажрибаларни бошдан ўтказган. Соғин сигирлар елинига “ҳужум“ қилувчи мастит касаллиги сабаб сут саноати йилига миллиардлаб доллар зиён кўради. Ҳозирги кунда олимлар сутида бу касалликка сабаб бўлган бактерияларга ҳужум қиладиган биокимёвий модда - лизостафин мавжуд бўлган сигирни яратиш борасида генетик тажрибалар олиб боришмоқда. Истеъмолчилар чўчқа гўштидаги зарарли ёғлардан ўзларини олиб қочишгани сабаб зарар кўраётган чўчқачилик саноати қуртлардан олинган генетик материал асосида яратиладиган чўчқаларга умид билан қарашмоқда. Янги генлар чўчқалардаги ёмон омега 6 ёғ кислотасини унинг соғлом “қариндоши“ омега 3 га айланишига сабаб бўлади.

Генетик муҳандисликнинг янги авлоди чўчқа ёғини модификациялашдан кўра мураккаброқ фокусларни амалга оширади. Ирсият мутахассислари нафақат қуртларнинг ўртача умрини олти марта оширишга, балки хотира ва ўрганиш кўникмаларини яхшилаган даҳо сичқонларни ҳам яратишга муваффақ бўлишди. Дала сичқонлари - сичқонларга ўхшаш майда, дағал кемирувчилар бўлиб, уларнинг кўп турлари ҳаёти давомида жуфтларини

алмаштириб туришади. Аммо эр-хотин мустақкам муносабатларга эга битта тур мавжуд. Генетиклар уларда моногомия-якка жуфтликка сабаб бўлувчи ген борлигини таъкидлашади. Агар биргина ген қўшилиши Дон Жуан сичқонни содиқ ва меҳрибон эрга айлантириши мумкин бўлса, биз нафақат кемирувчиларнинг (ва одамларнинг) индивидуал қобилиятларини ва балки уларнинг ижтимоий тузилмаларини ҳам генетик жиҳатдан бошқаришимиз мумкин бўлар?

Неандерталларнинг қайтиши

Аммо генетиклар фақат яшаб турган тирик мавжудотларни ўзгартиришмаяпти. Улар кирилиб кетган жонзотларни ҳам ҳаётга қайтармоқчилар. Ва фақат Юра даври фильмидаги каби динозаврларгина ҳам эмас. Яқинда Россия, Япония ва Кореялик олимлар жамоаси Сибир музликлари остидан топилган қадимги мамонтларнинг генетик харитасини тузишди. Энди улар ҳозирги филнинг уруғланган тухум ҳужайрасини олишни, фил ДНКсини қайта тикланган мамонт ДНКси билан алмаштиришни ва ушбу эмбрионни фил бачадонига экишни режалаштиришмоқда. Тахминан йигирма икки ойдан сўнг, ер юзиде сўнги 5000 йил ичида биринчи марта мамонтни дунёга келади.

Аммо нега мамонтлар билан чекланиш керак? Яқинда эълон қилинган Гарвард университетининг профессори Жорж Чарч фикрига кўра, неандертал геном лойиҳаси тугаши билан биз энди реконструкция қилинган неандертал ДНКсини Сапиенс тухумҳужайрасига жойлаштирамиз ва шу билан 30,000 йил ичида биринчи неандертал болани дунёга келтиришимиз мумкин бўлади. Чарч бу ишни 30 миллион доллар эвазига амалга ошириб бериши мумкин. Кўпгина аёллар аллақачон суррогат она бўлишга кўнгилли бўлиб истак билдиришди.

Неандерталлар бизга нима учун керак? Баъзи олимларнинг таъкидлашича, агар биз жонли неандерталларни ўргана олсак, *Homo Sapiens*нинг келиб чиқиши ва ўзига хослиги ҳақидаги баъзи саволларга жавоб беришимиз мумкин. Неандертал миясини *Homo Sapiens*миyasi билан таққослаш ва уларнинг тузилишини аниқлайдиган харитани тузиш орқали, эҳтимол биз биологик ўзгариш онгни қандай вужудга келтирганини аниқлашимиз мумкин. Баъзи инсонларнинг фикрича, агар *Homo Sapiens* неандерталларнинг йўқ бўлиб кетиши учун сабабчи бўлса, уларни тирилтириш ҳам уларнинг ахлоқий бурчи саналади. Неандерталларнинг атрофда бўлиши фойдали бўлиши ҳам мумкин. Кўплаб саноатчилар иккита Сапиенснинг ишини қиладиган битта неандерталга ҳақ тўлашдан мамнун бўладилар.

Нега неандерталларда ҳам тўхташ керак? Нега энди Худонинг расм чизиш тахтасига қайтиб, яхшироқ Сапиенсни ишлаб чиқмаймиз? *Homo*

*Sapiens*нинг қобилиятлари, эҳтиёжлари ва истаклари генетик асосга эга ва Сапиенс генетикаси кемирувчи ва сичқонларникидан мураккаб эмас. (Сичқон геномида 2,5 миллиардга яқин нуклеобазалар мавжуд, Сапиенс геномлари қарийб 2,9 миллиардлик базани ташкил этади - яъни улардан атиги 14 фоиз катта). Ўрта ҳисобда - эҳтимол бир неча ўн йиллар ичида - генетик муҳандислик ва биологик муҳандисликнинг бошқа шакллари нафақат бизнинг физиологиямиз, иммунитетимиз ва умр кўриш давомийлигимизга, балки интеллектуал ва ҳиссий қобилиятимизга ҳам катта ўзгаришлар киритиши мумкин. Агар генетик муҳандислик даҳо сичқонларини ярата олса, нега даҳо инсонларни ҳам ярата олмайди? Агар генетик муҳандислик садоқатли сичқонларни ярата олса, унда нега табиий равишда ўз шеригига содик қоладиган одамларни яратмаслик керак?

*Homo Sapiens*ни ношуд маймундан дунё устасига айлантирган когнитив инқилоб физиологияда ёки ҳатто Сапиенс миясининг ҳажми ва ташқи шаклида сезиларли ўзгаришларни талаб қилмади. Кўринишидан, бу миянинг ички тузилишидаги озгина ўзгаришларни ўз ичига олади. Эҳтимол, иккинчи когнитив инқилобни ёқиш, оннинг мутлақо янги турини яратиш ва *Homo Sapiens*ни умуман бошқача мавжудотга айлантириш учун яна бир кичик ўзгариш кифоя қилар балки.

Тўғри, бизда бунга эришиш учун етарли билимимиз йўқ, аммо супер инсонлар ишлаб чиқаришимизга халақит берадиган техник тўсиқ ҳам йўқ. Асосий тўсиқлар инсонларнинг тадқиқотларини секинлаштирган ахлоқий ва сиёсий эътирозлардир. Ахлоқий мунозаралар қанчалик ишончли бўлмасин, агарда хавф остида бўлган инсоннинг умрини қисқа вақтда чексиз узайтириш, тузалмайдиган касалликларни енгиш ва бизнинг билимларимиз ҳамда ҳиссий қобилиятларимизни ошириш мумкин бўлса, улар кейинги қадамни қандай қилиб узоқ вақт тўхтатиб туришига ишониш қийин.

Масалан, агар биз Альцгеймер касаллигини тузатиш учун яратган давомизни соғлом одамларнинг хотирасини ҳам тубдан яхшилаш учун ишлатсак, нималар бўлиши мумкин? Кимдир шундай тадқиқотни тўхтата оладими? Агар даво чораси ишлаб чиқилса, қайси ҳуқуқни муҳофаза этиш идораси бемор инсонларни соғайиш, оддий инсонларни эса супер хотирага эга бўлишлари учун ушбу имкониятдан фойдаланишларига тўсқинлик қила олади? Биоинженерлик неандерталларни ҳақиқатан ҳам тирилтириши мумкинми ёки йўқми номаълум, аммо у сапиенсни тугатиши эҳтимоли катта. Генларни бошқариш бизни ўлдирмаслиги мумкин, аммо биз *Homo Sapiens*ни шунчалик ўзгартирамизки, натижада биз энди *Homo Sapiens* бўлмай қоламиз.

Бионик Ҳаёт

Ҳаёт қонунларини ўзгартира оладиган яна бир янги технология бор-киборг инжиниринг. Киборглар органик ва ноорганик қисмларни бирлаштирган мавжудотлардир, масалан бионик қўллари бор одам. Қайсидир маънода, бугунги кунда деярли ҳаммамиз бионикмиз, чунки бизнинг табиий сезги ва функцияларимиз кўзойнақлар, электрон юрак стимуляторлари, ортотика ва ҳатто компьютер ва мобил телефонлар (бу бизнинг миямизни маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш функцияларига ёрдам беради) каби қурилмалар билан тўлдирилган. Биз танамиздан ажратиб бўлмайдиган, қобилиятларимизни, истакларимизни, шахсиятимизни ва ўзлимизни ўзгартира оладиган ноорганик хусусиятларга эга ҳақиқий киборгларга айланиш бўсағасида турибмиз.

АҚШнинг Мудофаавий илғор тадқиқотлар лойиҳалари агентлиги (DARPA) ҳашаротлардан киборглар яратмоқдалар. Мақсад чивин ёки тараканнинг танасига электрон чиплар, детекторлар ва процессорларни киритиш ва бу орқали ҳашаротларни масофавий инсон ёки автоматик оператор томонидан бошқариш ва маълумотни қабул қилиш ва юборишдир. Бундай чивин душман қароргоҳида деворда ўтириши ва энг сирли суҳбатларга қулоқ солиши мумкин, ва агар уни биринчи ўргимчак тутмаса, душман нимани режалаштирганини бизга маълум қилиши мумкин.¹² 2006 йилда АҚШнинг ҳарбий денгиз ости флоти маркази (NUWC) киборг акулаларини ишлаб чиқиш нияти ҳақида хабар бериб, "NUWC балиқ тангасини ишлаб чиқмоқда, мақсад – нейран имплантлари орқали ангалар ўрнатилган ҳайвонларни бошқариш". Ишлаб чиқувчилар сув ости кемалари ва миналар томонидан яратилган сув ости электромагнит майдонларни акулаларнинг табиий магнитли аниқлаш қобилиятларидан фойдаланишмоқчи, бу ҳар қандай инсон томонидан яратилган детекторлардан афзалдир. Сапиенс ҳам киборгга айлантирилмоқда. Эшитиш воситаларининг янги авлодини баъзан "бионик қулоқлар" деб аташади. Қурилма қулоқнинг ташқи қисмида жойлашган микрофон орқали овозни чиқарадиган имплантациядан иборат. Имплантация товушларни филтрлайди, инсон овозини аниқлайди ва уларни тўғридан-тўғри марказий эшитиш асаб тизимига ва у эрдан мияга юбориладиган электр сигналларига айлантиради.

Ретина Имплант, Германия ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланадиган, кўзи ожиз одамларга қисман кўриш қобилиятини беришга имкон берадиган ретинал протезни яратмоқда. Бу беморнинг кўзига кичик микрочипни имплантациялашни ўз ичига олади. Фотохужайралар кўзга тушган нурни ўзлаштиради ва уни электр энергияга айлантиради, бу эса кўз тўр пардасидаги бутун нерв хужайраларини стимуляция қилади. Ушбу хужайралардаги асабий импульслар мияни кўзғатади, ва улар кўриш қобилиятини беради. Ҳозирги вақтда технология беморларга атрофда

ўзларини йўналтиришга, ҳарфларни аниқлашга ва ҳатто юзларни танишга имкон беради.

Америкалик электрчи Жесси Салливан 2001 йилдаги автоҳалокатда иккала қўлини елкасигача йўқотган. Бугун у Чикагодаги реабилитация институти томонидан берилган иккита бионик қўллардан фойдаланади. Жессининг янги қўлларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар фақат ўйлаш орқали бошқарилади. Жессининг миясидан чиқадиган нерв сигналлари микро-компютерлар томонидан электр буйруқларига айлантирилади ва қўллар ҳаракатга келади. Жесси қўлини кўтаришни истаганида, у одатдаги одам онгсиз равишда қилганини қилади - ва қўл кўтарилади. Ушбу қўллар органик қўлларга қараганда анча чекланган ҳаракатларни амалга ошириши мумкин, аммо улар Жессига оддий кундалик функцияларни бажаришга имкон беради. Яқинда мотоцикл ҳалокатида қўлини йўқотган америкалик аскар Клаудия Митчеллга ўхшаш бионик қўл жиҳозланди. Олимларнинг фикрига кўра, яқинда биз бионик қўлларга эга бўламиз, улар нафақат ҳаракат қилиш истаги туғилганда ҳаракат қиладилар, балки сигналларни мияга қайтариб юборадилар ва шу билан ампутантларга ҳатто қўл билан ҳис қилишни ҳам қайтарадилар!



Жесси Салливан ва Клаудия Митчелл қўлларини ушлаб туришибди. Уларнинг бионик қўллари ҳақида ҳайратланарли нарса шундаки, улар фикр билан бошқарилади

Ҳозирги вақтда бу бионик қўллар бизнинг органик асл қўлларимизнинг ўрнини босадиган бечора ўринбосардир, аммо улар чексиз ўзгартиришлар киритилиш имкониятларига эга. Масалан, бионик қўллар, уларнинг органик нусхаларидан анча кучлироқ бўлиши мумкин ва бу ҳатто бокс бўйича чемпионни кучсиз одам каби ҳис қилдириши мумкин. Бундан ташқари, бионик қўлларнинг афзаллиги шундаки, уларни бир неча йилда бир марта алмаштириш ёки танадан ажратиш ва масофадан туриб ишлатиш мумкин.

Яқинда Шимолий Каролинадаги Дюк университети олимлари буни мияларига электродлар жойлаштирилган резус маймунлар билан намоиш этишди. Электродлар миядан сигналларни тўплайди ва уларни ташқи курилмаларга узатади. Маймунлар мустақил ҳолатда турган биологик қўллар ва оёқларни фақатгина фикрлаш орқали бошқаришга ўргатилдилар. Аврора исмли бир маймун, мустақил бионик қўлини фикрлаб иккита органик қўлларини бир вақтда ҳаракатлантирган ҳолда бошқаришни ўрганган. Баъзи ҳинд маъбудаси сингари, Авроранинг учта қўли бор ва унинг қўллари турли хоналарда - ва ҳатто шаҳарларда жойлашиши мумкин. У Шимолий Каролинанинг лабораториясида ўтириши, бир қўли билан орқасини қичиши, иккинчи қўли билан бошини қичиши ва бир вақтнинг ўзида Нью-Йоркдаги бананни ўғирлаши мумкин (гарчи масофада тозаланган мевани истеъмол қилиш орзу бўлиб қолса ҳам). Яна бир резус маймуни, Идоя, 2008 йилда Шимолий Каролинада ўтирган креслосидан туриб Япониянинг Кёто шаҳрида икки бионик оёқни фикрлари билан бошқарганида дунёга машҳур бўлганди. Оёқлар Идоянинг оғирлигидан йигирма баравар кўп эди.

Қамоқдаги одам синдроми - бу одам танасининг бирон бир қисмини ҳаракатлантириш қобилиятини ёки деярли барчасини йўқотадиган ҳолат, шу билан бирга унинг ақлий қобилияти сақланиб қолади. Ушбу синдромга чалинган беморлар шу пайтгача ташқи дунё билан фақат кичик кўз ҳаракатлари орқали алоқа қила олишган. Бироқ, бир нечта беморларнинг бош мияларига сигналлари тўплайдиган электродлар жойлаштирилган эди. Бундай сигналларни нафақат ҳаракатларга, балки сўзларга ҳам айланттириш учун ҳаракатлар қилинмоқда. Агар тажрибалар муваффақиятли яқунланса, қамоқдаги одам синдроми билан касалланган беморлар "ташқи дунё билан тўғридан-тўғри гаплашишади" ва биз охир-оқибат ушбу технологиялар ёрдамида бошқа одамларнинг фикрларини ўқиш имкониятига эга бўлишимиз мумкин.

Ҳозирда ишлаб чиқиляётган барча лойиҳалар ичида энг инқилобийси бу тўғридан-тўғри мия-компютер интерфейсини ишлаб чиқишга уриниш ҳисобланади, у компьютерларга инсон миясининг электр сигналларини ўқишга, шу билан бирга мия ўз навбатида ўқиши мумкин бўлган сигналларни узатиш имконини беради. Агар бундай интерфейс мияни интернетга тўғридан-тўғри улаш ёки бир нечта мияларни бир-бирига тўғридан-тўғри улаш учун ишлатилса ва шу билан Inter-brain-netни яратса нима бўлади? Агар мия жамоавий хотира базасига тўғридан-тўғри фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса, инсон хотираси, инсон онги ва инсон шахсияти билан нима бўлиши мумкин? Бундай вазиятда, битта киборг, масалан, бошқа бир киборгнинг хотирасидан маълумотларни у ҳақида эшитмасдан, автобиографиясини ўқимасдан, тасаввур қилмасдан туриб тўғридан-тўғри худди ўзига тегишлидай қилиб хотирасига сақлаб олиши мумкин. Ақл жамоавий ақлга айланганда, ўзлигини

ва жинсини аниқлаш каби тушунчалар билан нима содир бўлади? Ўзингизни қандай билишингиз ёки тушингизга қандай эргашишингиз мумкин, агар туш сизнинг онгингизда эмас, балки баъзи бир жамоавий орзу-истаклар ҳавзасида жойлашган бўлса. Бундай киборг энди инсон бўлмайди, ҳаттоки органик ҳам бўлмайди. Бу мутлақо бошқа нарса бўлади. Бу шунчалик тубдан бошқа бир мавжудот бўладики, биз ҳатто фалсафий, психологик ёки сиёсий аҳамиятини ҳам тушуна олмаймиз.

Бошқа Ҳаёт

Ҳаёт қонунларини ўзгартиришнинг учинчи усули - бу мутлақо ноорганик мавжудотларни яратишдир. Энг аниқ мисоллар - бу мустақил эволюцияни бошдан кечирадиган компьютер дастурлари ва компьютер вирусларидир. Генетик дастурлаш соҳаси бугунги кунда информатика оламидаги энг қизиқ соҳалардан биридир. Генетик дастурлаш соҳаси генетик эволюция усулларини тақлид қилишга ҳаракат қилади. Кўпгина дастурчилар, ўз яратувчисидан мустақил равишда тўлиқ ўрганиш ва ривожланиши мумкин бўлган дастур яратишни орзу қилишади. Бундай ҳолда, дастурчи ҳаракатни бошлаб берувчи вазифасини ўтайди, лекин унинг яратган дастури на яратувчиси, на бошқа бирон бир дастурчи ёки инсон тасаввур қила олмаган йўналишда эркин ривожланиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Бундай дастурнинг прототиби аллақачон мавжуд - бу компьютер вируси деб номланади. Интернет орқали тарқалиши билан, вирус ўзини миллионлаб марта такрорлайди, шу билан бирга антивирус дастурлари томонидан таъқиб қилиниб, бошқа вируслар билан киберҳужумда рақобатлашади. Қуни келиб вирус ўзини такрорланганида хато бўлади - компьютерда мутация содир бўлади. Эҳтимол мутация тасодифий кўпайиш хатоларига йўл қўйиш мақсадида инженер томонидан дастурлаштирилгандир. Эҳтимол, мутация тасодифий хато туфайли юзага келгандир. Агар тасодифан ўзгартирилган вирус антивирус программаларидан қочишда яхшироқ бўлса ва бошқа компьютерларга кириш қобилиятини йўқотмаса, у кибероламда тарқалади. Агар шундай бўлса, мутантлар омон қоладилар ва кўпаядилар. Вақт ўтган сайин киберфазода ҳеч ким яратмаган ва ноорганик эволюцияга дучор бўлган янги вируслар пайдо бўлади.

Булар тирик мавжудотларми? Булар "тирик мавжудотлар" деганда нимани назарда тутганингизга боғлиқ. Улар, шубҳасиз, органик эволюциянинг қонунлари ва чекланишларидан мутлақо мустақил бўлган янги эволюцион жараён натижасида яратилган.

Яна бир эҳтимолни - миянгизни кўчма қаттиқ дискка кўчириб олиб, уни ноутбукингизда ишлата олишни тасаввур қилинг. Сизнинг ноутбукингиз

худди Сапиенс каби ўйлай ва ҳис қила оладими? Агар шундай бўлса, у сизми ёки бошқа бирингизми? Агар компьютер дастурчилари мутлақо янги, аммо рақамли кодни ўз ичига оладиган, онг ва хотира ҳисси билан тўла бўлган компьютер кодини яратса нима бўлади? Агар сиз дастурни компютерингизда ишлатсангиз, у одам бўладими? Агар уни йўқ қилсангиз, қотилликда айбланишингиз мумкинми?

Тез орада биз ушбу саволларга жавоб топамиз. 2005 йилда ташкил этилган Инсон Мияси Лойиҳаси компютерда миядаги нейрон тармоқларини такрорловчи электрон занжирлар орқали инсон миясининг тўлиғича қайта яратишга умид қилмоқда.

Лойиҳалар директорининг таъкидлашича, агар тўғри молиялаштирилса, ўн ёки йигирма йиллар ичида биз компютерда одамдай гапира оладиган ва одамдай ўзини тутиши мумкин бўлган сунъий одам миясини яратамиз. Агар бу муваффақиятли бўлса, 4 миллиард йил давомида ривожланган органик ҳаёт тўсатдан ноорганик оламга кириб боради ва биз тасаввур қила олмайдиган шаклларга кириши мумкин. Ҳамма олимлар онг бугунги рақамли компютерларга ўхшаб ишлай олади деган фикрга қўшилмайдилар. Агар шундай бўлса, ҳозирги компютерлар уни таклид қила олмайдилар. Синаб кўрмасдан бу имкониятни бутунлай инкор этиш нодонликдир. 2013 йилда лойиҳа Европа Иттифоқидан 1 миллиард евро миқдорида грант олди.

Сингулярлик

Айни вақтларда бу янги имкониятларнинг фақатгина кичик қисмигина англаб етилди. 2014йилга келиб, биз шундай дунё қурдикки, бу дунёда маданият ўзини биологиянинг кишанларидан озод этмоқда. Атрофимиздаги дунёни қуришдан ташқари, ўз жисмимиз ва миямиз ичидаги дунёларни яратишга бўлган қобилиятимиз ҳам ақл бовар қилмас тезликда ўсиб бормоқда. Жараённинг кўпдан-кўп соҳалари ўзининг аввалги ҳолатидан кўзғатилмоқда. Ҳуқуқшунослар махфийлик ва шахсий маълумотлар билан боғлиқ масалаларни қайта ўйлаб кўришига тўғри келди; ҳукуматларнинг қаршисида шахслараро тенглик ва соғлиқни сақлаш каби муаммоларни қайтадан кўриб чиқиш масаласи пайдо бўлди; спорт ассоциациялари ва таълим муассасаларининг ҳам ўз олдига қўйилган вазифаларни қайтадан кўриб чиқишига зарурат уйғонди; нафақа фондлари ва ишчи кучи бозорида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланди. Бундай ўзгаришларнинг барчаси биомухандислик, кибернетика ва анорганик ҳаёт яратишдаги муаммоларига қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Илк маротаба инсон геномини тасвирлашга уриниш биздан 50 йил вақт ва 3 миллиард доллар талаб этган. Бугунги кунда эса, ихтиёрий одамнинг ДНК

чизмасига бир неча ҳафта ва бир неча юз доллар эвазига эга бўлишингиз мумкин. ДНК ёрдамида даволаш даври аллақачон бошланди. Яқин орада шахсий шифокорингиз сизда жигар саратони бошланганини, шунга қарамай юрак хуружларидан хавотирга тушишингизга ҳожат йўқлигини юқори аниқлик билан айтиб бера олади. У беморларнинг 92 фоизига ёрдам берган машҳур муолажа сизга ёрдам бера олмаслигини ва кўплаб одамларга таъсир қилмайдиган аммо сиз учун маъқул бўлган бошқа бир дорини қабул қилишингиз кераклигини уқтиради. Мукаммал тиббиёт сари етакловчи йўл бугун оёқларимиз остида.

Бироқ, тиббиёт илмидаги ривожланишлар ўз навбатида янгидан-янги этик жумбоқларни келтириб чиқаради. Этика мутахассислари ва қонун экспертлари аллақачон бу масалада мурасасиз баҳсга киришишган. Мисол учун, суғурта компанияларига ДНКмизни кўздан кечириш ва мабодо улар бизда ўйламай иш қилишга генетик мойиллик борлигини сезишса, нархларини ошириб олиш учун қонуний ҳуқуқ берилган бўлармиди? Иш берувчилар резюме ўрнига ДНКмизни факс орқали юборишимизни талаб қилиши мумкинми? Иш берувчи ДНКси қолганларникидан яхшироқлиги учун кадрни ишга таклиф қиладими? Ёки бўлмасам, биз генетик камситиш юзасидан бирортасини судга бера оламизми? Қайсидир компания янги бир мавжудот яратганлиги учун унинг ДНКсини рўйхатдан ўтказиб, у учун патент оладими? Маълумки, битта одам қандайдир бир товукқа эгалик қилиши мумкин, лекин шу одам бутун бошли бир турга эгалик қила оладими?

Бу каби дилеммалар Гилгамиш лойиҳаси ва бизнинг суперодам яратиш йўлидаги изланишларимизнинг ўзаро этик, ижтимоий ва сиёсий алоқадорлиги оқибатида шаклланади. Инсон Ҳуқуқларининг Халқаро Декларацияси, дунё миқёсидаги тиббий дастурлар, миллий соғлиқни сақлаш дастурлари ва миллий конституциялар жамиятнинг ҳар бир аъзосига ҳолис тиббий ёрдам бериш ва уларни соғлом кайфиятда ушлаб туриш кераклигини таъкидлайди ва бу ҳолат тиббиёт турли касалликларни даволашни бошлаган даврлардан бери таъминланиб келинмоқда. Шундай экан, тиббиёт бор диққат эътиборини инсон қобилиятини оширишга қаратса, нима содир бўлади? Ҳар бир одам юқоридаги каби қобилиятларга эга бўладими ёки жамиятда суперодам қатлами ҳосил бўладими?

Бизнинг замонавий дунёмиз тарихда биринчи марта инсониятнинг умумий тенглигига эришгани учун ўзидан фахрланса арзийди, шу билан бир қаторда у ўзаро номутаносиб жамиятларни қуришга шай бўлиб турганлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Тарихга назар ташласак, аҳолининг юқори қатлам вакиллари қуйи қатламдагилардан доимо ақлли, кучли ва умумий олганда яхшироқ эканлигини таъкидлаб келишганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Улар одатда ўзларини алдаб келишган. Ночор дехқон оиласида туғилган чақалок

кирол оиласида туғилган чақалоқ билан бирдек ақлга эга бўлиши мумкин эди. Янги тиббий имкониятлар ёрдамида, юқори қатламнинг бу каби даъволари бутунлай чиппака чиқади.

Физик олимлар Биг Бангни сингулярлик дея таърифлашади. У табиатнинг жамики қонунлари ҳали пайдо бўлмаган нуқта ҳисобланади. Вақт ҳам. Шунинг учун Биг Бангдан аввал бирор нарса содир бўлган дейиш мантиқсиз туюлади. Биз ҳам янги бир сингулярликка тезкорлик билан яқинлашиб бормоқдамиз, яъни бу дунёга маъно бериб турган ҳамма нарса - мен, сиз, эркаклар, аёллар, севги ва нафрат - ўз аҳамиятини йўқотади. У нуқтанинг нарёғида содир бўлаётган ҳар бир ҳодиса бизга маъносиз туюлади.

Франкенштейн башорати

1818 йилда Мери Шелли назоратдан чиқиб кетиб тартибсизликларга сабаб бўлган сунъий мавжудотни яратган олим Франкенштейн асарини нашрдан чиқарди. Сўнгги икки асрда худди шу воқеа сон-саноксиз кўринишларда қайта ва қайта айтиб келинмоқда. Бу бизнинг янги илмий мифологиямизнинг марказий мавзусига айланди. Бир қарашда Франкенштейннинг ҳикояси бизга Худони ўрнини эгаллаб ҳаёт яратувчиси бўлишга уринсак, қаттиқ жазоланишимиз ҳақида огоҳлантираётганга ўхшайди. Асида ҳикоя янада чуқур мазмунга эга.

Homo Sapiens учун Франкенштейн афсонасининг рўёси кунлар ўтган сайин яқинлашиб келмоқда. Шундай қилиб агар бирон бир ядровий ёки экологик ҳалокат бизни йўқ қилмаса, технологик ривожланиш суръати *Homo Sapiens* ўринини нафақат жисмоний жиҳатдан балки когнитив ва ҳиссий томонлама ҳам Сапиендан жуда фарқ қилувчи янги мавжудот билан алмаштириши мумкин. Айнан шу ҳолат инсонларни энг даҳшатга солувчи нарсадир. Биз учун келажакда биз каби инсонлар тез учар космик кемалар ёрдамида сайёралараро саёҳат қилишлари тўғрисида хаёл суриш ёқимлироқ албатта. Лекин биз келажакда ер юзидан бизникига ўхшаш ҳиссиётларга ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мавжудотлар йўқ бўлиб кетиши ва бизнинг ўрнимизни бизнинг қобилиятларимиздан анчайин юқори қобилиятларга эга бўлган ўзга сайёраликлар эгаллаши мумкинлиги ҳақида ўйлашни ҳам хоҳламаймиз.

Ва биз ўзимизни қутқаришимиз учун доктор Франкенштейн яратган махлуқни йўқ қила олганимиздан мамнун бўламиз. Биз барча мавжудотларнинг энг яхшиси эканлигимизни, биздан яхшироғи ҳеч қачон бўлмаган ва ҳеч қачон бўлмаслигини англатадиган ҳикояларни тўқишни яхши кўрамиз. Бизни яхшилашга қаратилган ҳар қандай уриниш муқаррар равишда

муваффақиятсиз бўлади, чунки тана ўзгаргани билан инсон руҳига тегиниб бўлмайди.

Олимлар тана каби руҳни ҳам ярата оладиган бўлишганда, Франкенштейнга ўхшаш кимсалар неандерталларга биз қандай қараган бўлсак бизга ҳам худди шундай қарайдиган мавжудотни яратадиган қора кунлар бизни кутмоқда.

Франкенштейннинг башорати ҳақиқатан ҳам амалга ошадими-йўқми аниқ билмаймиз. Келажак мавҳум ва сўнги саҳифалардаги башоратлар тўлиғича амалга ошса ҳайратланарли бўларди. Тарих бизга арзимаган тасодиф сабабли бизга энг яқин туюлган нарсаларнинг амалга ошмай қолиши ва ёки мутлақо ақлга сиғмайдиган нарсаларнинг ўз ўзидан рўёбга чиқиб қолиши мумкинлигини ўргатди. 1940 йиллар ядро асри бошланганда, кўпчилик 2000 йилги келажакда биз ядровий оламни қуришимизни башорат қилган эди. Сунъий йўлдошлар ва Аполлон 11 дастуридан ҳамма аср сўнгигача одамлар Марс ва Плутонда қурилган коллонияларда яшашлари ҳақида каромат келтирган эди. Ушбу башоратларнинг жуда оз қисми амалга ошди. Бошқа томондан, ҳеч ким Интернет ҳақида фол очмаган эди.

Шундай қилиб, рақамли мавжудотларнинг даъволари учун жавобгарликни суғурталашга шошилманг. Юқоридаги фантазиялар ёки кўрқинчли тушлар шунчаки сизнинг тасаввурингизни қитиқлаш учун бир воситадир. Тарихнинг кейинги босқичига нафақат технологик ва ташкилий ўзгаришлар, балки инсон онги ва шахсиятидаги туб ўзгаришлар ҳам киради деган фикрни жиддий қабул қилишимиз керак. Ва бу шундай туб ўзгаришлар бўлиши мумкинки, улар “инсон“ атамасини савол остига қўяди эҳтимол. Бизнинг қанча вақтимиз бор? Ҳеч ким аниғини билмайди. Баъзиларнинг фикрига кўра, 2050 йилга келиб биринчи умрбоқийлар пайдо бўлади. Камроқ радикаллар бу ҳодисани кейинги аср ёки ҳатто минг йилликда бўлишини башорат қилишади. Сапиенснинг 70 минг йиллик тарихи олдида яна бир неча минг йил нима деган гап?

Агар ҳақиқатан ҳам Сапиенс тарихи учун парда тушадиган бўлса, биз унинг сўнги авлодларининг вакили бўлганимиз сабаб охирги саволга жавоб бериш учун вақт ажратишимиз керак: биз энди ким бўлишимиз керак? Баъзида “Инсонни такомиллаштириш“ деб номланувчи ушбу савол ҳозирги пайтда сиёсатчилар, файласуфлар, олимлар ва оддий одамлар орасидаги мунозараларни енгиллаштирмоқда. Ахир, бугунги динлар, мафкуралар, миллатлар ва синфлар ўртасидаги мунозаралар Ҳомо сапиенс билан бирга йўқолади. Агар бизнинг ворисларимиз онгнинг бошқа даражасида ҳаракат қилсалар ёки биз тасаввур қила олмайдиган онгдан бошқа нарсага эга бўлсалар, уларни насронийлик ёки мусулмонлик дини қизиқтириши, уларнинг

ижтимоий жамоати коммунистик ёки капиталистик бўиши ва уларнинг жинслари эркак ёки аёл бўлиши мумкинлиги шубҳали кўринади.

Тарихдаги улкан мунозаралар шунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолади, чунки ҳеч бўлмаганда биринчи авлодлар ўзларининг яратувчилари бўган инсонларнинг маданий ғоялари билан шаклланадилар. Улар капитализм, Ислом ёки феминизм тимсолида яратилган бўладими? Жавобга қараб, ривожланишнинг ушбу йўналишлари бутунлай бошқача бўлиши мумкин.

Аксарият одамлар бу ҳақда ўйламасликни афзал кўришади. Ҳатто биоэтика соҳаси янги саволни ўртага ташлайди: “Нима мумкин? Нима тақиқланган?” Тирик одамларда генетик экспериментлар ўтказиш мумкинми? Аборт қилинган ҳомилада-чи? Ўзак ҳужайраларида-чи? Қўйни клонлаштириш этикага зид эмасми? Шимпанзеларни клонлаштириш-чи? Одамларни-чи? Буларнинг барчаси жуда муҳим саволлардир, аммо биз шунчаки тормозни босиб ҳомо сапиенсни бошқа мавжудотга айлантирадиган илмий лойиҳаларни тўхтатишимиз мумкинлигини тасаввур қилиш бемаънилиқдир. Ушбу лойиҳалар Гилгамиш лойиҳаси билан биргаликда узвий боғлиқ. Олимлардан нега генетикани ўрганишларини, мияни компьютерга улашга ёки компьютер ичида сунъий онг яратишга ҳаракат қилишларини сўранг. 10тадан 9таси бир хил жавоб қайтаради: “Биз касалликларни даволаб инлар ҳаётини сақлаб қолмоқчимиз”. Гарчи онгни компьютерга кўчириш руҳий касалликка қарши курашиш қобилятидан кўра кўпроқ драматик оқибатларга эга бўлса ҳам, бу одатий баҳонадир, чунки ҳеч ким у билан баҳслашмайди. Шу сабабли Гилгамиш лойиҳаси илм-фаннинг етакчи соҳаси бўлиб қолмоқда. Бу фаннинг ҳамма ишларини оқлаш учун хизмат қилади. Доктор Франкенштейн Гилгамишнинг елкасига мингашиб олган. Гилгамишни тўхтатиш имконсиз бўлгани учун Доктор Франкенштейнни тўхтатиш ҳам имконсиздир.

Биз қила оладиган ягона нарса бу олимларнинг йўналишига таъсир қилишдир. Тез орада биз ҳам ўз хоҳиш-истакларимизни амалга ошира бошлармиз, эҳтимол шунда бизнинг олдимизга қўйилган ҳақиқий савол: “Биз ким бўлишни хоҳлаймиз?” эмас балки “Нимани ишташни истаймиз?” бўлар. Агар бу савол сизни кўрқитмаса, демак бу нарса сизни ҳали бу ҳақда жиддий ўйламаганлигингизни англатади.

Сўнгсўз: Худога айланган жонзот

Етмиш минг йил илгари *Homo sapiens* Африканинг бир бурчагида ўз юмушлари билан овора шунчаки аҳамиятсиз бир жонзот эди. Кейинги мингйилликлар давомида у бутун сайёранинг хўжайини ва экотизимнинг кушандасига айланди. Бугунги кунда у нафақат абадий ёшликка, балки яратиш ва вайрон қилиш каби илоҳий қобилиятларга эга худога айланиш арафасида турибди.

Афсуски, Сапиенслар тузуми ҳалигача фахрланишимизга арзийдиган катта ишлар қилмади. Биз атрофимиздаги бор нарсани яратганмиз, озиқ-овқат саноатини ривожлантирдик, шаҳарлар қурдик, империялар туздик ва сайёрамизнинг исталган бурчагига етиб борадиган савдо йўллари яратдик. Лекин дунёда ҳалигача мавжуд бўлган уқубатларни камайтира олдикми? Вақт ва яна, инсон қудратининг салмоқли юксалишлари алоҳида бир Сапиенснинг яхши яшаши учун кераклича шароит ярата олмади ва кўпинча ҳайвонот оламидаги улкан талафотларга сабаб бўлди.

Сўнги ўн йилликлар давомида ниҳоят очлик, касалликлар ва урушларни нисбатан камайтириш орқали инсон учун керакли шароитларни яратиш бўйича ривожланишга эришдик. Шунга қарамай, бошқа ҳайвонларнинг ҳолати ҳар қачонгидан ҳам ёмонлашиб бормоқда ва инсоният аҳволининг яхшиланиши шу қадар қисқа вақт ичида бўлдики бунга қувонишга ҳали эрта.

Бундан ташқари, одамлар қила оладиган ҳайратланарли нарсаларга қарамай, биз ўз мақсадларимизга ишонмаймиз ва биз ҳар доимгидек норози бўлиб юраверамиз. Биз каноелардан параходларга, улардан эса космик кемаларга ўтдик, лекин биз қаёққа йўл олганимизни ҳеч кимса билмайди. Биз ҳар қачонгидан ҳам қудратлимиз, аммо бу куч-қудрат нималарга қодир эканлигини ҳам билмаймиз. Энг ёмони, одамлар ҳар қачонгидан ҳам масъулиятсиз бўлиб бормоқда. Ўзидан худо ясаб олган инсонлар фақат физика қонунларигагина таянишади ва қилмишлари учун бошқа ҳеч кимнинг олдида жавоб беришмайди. Ҳеч қачон эришилмайдиган роҳат ва фароғатни ўйлаб бошқа ҳайвонларнинг ҳаётини даҳшатга айланттирдик, сайёрамизнинг экотизимини йўқ қилдик.

Ўзи аслида нима хоҳлаётганини билмайдиган норози ва қаноатсиз худодан ҳам даҳшатлироқ нарса борми?

Тамом.

Янги китобларни <https://t.me/nurbekalimov> Telegram-канали орқали ўқиб боришингиз мумкин.

Ушбу китоб, бир гуруҳ зиёли ёшлар томонидан холис билим олиш йўлида таржима қилинди. Биз профессионал китобчилар эмасмиз. Камчиликлар учун узр сўраймиз. Ушбу таржимани ўқиш учун тарқатиш мумкин. Дарслар, презентацияларда ҳам ушбу таржимадан фойдаланишга қарши эмасмиз.

Сотиш ва тижорий мақсадда фойдаланиш қатъиян маън этилади.

Таржимонлар:

Абдуллоҳ Амин

Лили Блум

Сарвар Ғаниев

Элдар Асанов

Наргиза Тошпўлатова

Акмал Абдужабборов

Пўлат Таджимуратов

Рустам Ашуров

Шоҳиста Ёдгорова

Мунира Норова

Эгамберди Қўчқаров

Hamdamoff

Аваз Таҳиров

Нурбек Алимов

Дизайнер: Нуржаҳон Фармонов

Аудио китоб: Фурқат Усмонов

Редактор: Дилбар Исматуллаева